Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

ФОЗИЛА СУЛАЙМОНОВА

ШАРҚ ВА ҒАРБ

(Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари)

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1997

www.ziyouz.com kutubxonasi

Монографияда Марказий Шарқ мамлакатлари халқлари билан қадимий Юнонистон, Марказий Греция халқлари маданияти, мифологияси, фани, фалсафасида муштараклик борлиги, зардуштийлик дини ва унинг Иония, у орқали Греция маданиятига таъсири, грек адабиётида Марказий Осиё мавзуи ва македониялик Александр юришлари, жаҳонгир образининг тарихий, диний ва бадиий адабиётдаги талқини ёритилади.

Китобнинг иккинчи қисмида ўрта асрларда араблар томонидан Испаниянинг босиб олиниши, мамлакатда илғор Шарқ, айниқса, Марказий Осиё маданияти, илм-фани, шеърият ва насрий асарларнинг минтақада ривожланиши, чегарадош Франция ва Италияга таъсири натижасида Оврупо мамлакатларида маданият ҳамда турли фанлар билан бирга дунёвий мазмундаги шеъриятнинг тараққий этуви ва ниҳоят буюк адиб Данте ижодига Шарқ таъсири масалалари ёритилган.

Китоб олий ўқув юртларининг тарих ва филология факультетлари талабалари, шунингдек, қадимий давр ва ўрта асрлар маданияти, унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Тақризчи — М.М. ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари доктори

Муҳаррир — *Сафо Матчонов*

ISBN 5-640-02277-9

С $\frac{0503010000-59}{М\ 351\ (04)\ 96}$ 97

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1997

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаётим йўлдоши, дўстим ва устозим Ҳамид Сулаймоновнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

"Ex Oriente lux"
"Чур Шарқдан"

КИРИШ

Марказий Осиё, жумладан Мовароуннаҳрнинг қулай жуғрофий шароити, табиати, иқлими минтақада одамларнинг узоқ ўтмишда бу ерларда ўтроқлашиб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлигини, табиий шароитдан келиб чиқиб ерларни суғориш усули билан ҳосил олганлигини кўрсатади. Бу эса минтақада маданиятнинг анча эрта, бир неча минг йиллар аввал шаклланиши таъминлаганидан далолатдир. Унинг ёрқин исботи сўнгги ўн йилликларда археологлар томонидан очилаётган шаҳар вайроналари, моддий маданият қолдиқлари ва ибтидоий бўлса-да, санъат асарларидир.

Ҳеч қачон ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб қолган, ўз ҳолича яшаган эмас, акс ҳолда ҳеч қандай тараққиёт бўлмаган бўлар эди. Энг қадимий ва антик даврларда узоқ масофаларни от-уловда босиб ўтиш анча мушкул бўлган вақтларда аждодларимиз Миср, Бобил, Марказий Греция, Юнонистон каби минтақалар билан алоқа қилганлар. Ипак йўлининг кўп қисми мамлакатимиздан ўтиши ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг эрта ва кенг ривожланишига олиб келди. Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабуро бўлганларки, Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман, ватанимиз вакилларини жалб этганлар.

Узоқ ўтмишда Марказий Осиёда яшаган халқларнинг ёзувлари — хоразм ёзуви, парфия ёзуви, суғд ёзуви, грек-бақтрия ёзуви, қадимги туркий ёзув бўлса-да, бизгача уларнинг йирик намуналари сақланиб қолмаган. Ҳатто зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"нинг фақат учдан бир қисмигина бизгача етиб келган. Ватанимизнинг узоқ ўтмиши ҳақидаги асосий маълумотларни археология

www.ziyouz.com kutubxonasi

топилмалари, Яқин Шарқ мамлакатларида қадимда яшаган халқлардан қолган ёзма ёдгорликлар, қадимий Греция ва Рим муаллифларининг асарларидан топамиз. Бу ўринда Ҳеродот, Ктесий, Страбон, Арриан, Диодор ва б. асарлари беқиёс қимматлидир.

Афсуски, ҳалигача халқларимизнинг узоқ ўтмишини, уларнинг умум инсоний маданият ривожига қандай ҳисса қўшганини ёритувчи асарлар яратилмади.

Кўп йиллар давомида Тошкент Давлат университетида чет эллар адабиётидан дарс ўтиб, Ўзбекистон Фанлар академияси институтларида тадқиқот олиб борар эканман, маданият, адабиётдаги муштараклик мени қизиқтириб келди. Аммо илмий адабиётда бу ҳолатни ёритувчи асарлар яқин вақтгача ёзилмаган. Борлари ҳам кўпинча европоцентризм нуқтаи назаридан, Шарқ халқлари, Марказий Осиё халқлари маданиятини менсимаслик нуқтаи назаридан факт ва воқеаларни талқин қилади. Ҳанузгача марказий шаҳарларда босмадан чиққан асарларда скиф маданияти, санъатининг шаклланиши ва ривожида минтақамиз халқларининг роли инкор этилади. Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маданияти бир-биридан ажратилган ҳолда тадқиқ этилади (Древние цивилизации, М., 1989 ва ҳоказо).

Ўрта асрлар деган ибора Уйғониш даврида келиб чиққан бўлиб, икки буюк маданият, ёрқин ҳаёт антик даври ва Уйғониш давринининг оралиғи мудҳиш қолоқлик, диний жаҳолат ҳукмрон бўлган давр деб ҳисобланган. Ўрта асрлар ҳам ўз навбатида илк ва етук даврларга бўлинган, биринчиси Рим империяси қулаган даврдан то XII-XIII асргача, иккинчиси XIII-XIV асрлардан то XVII асргача, яъни Оврупо қитъасидаги биринчи буржуа инқилобигача бўлган даврни ўз ичига олади. Оврупо мамлакатлари тарихини бундай даврлаштириш сўнгги вақтларда, 70-80 йилларда рўй берди. Аввалларн Уйғониш давригача бўлган даврлар ўрта асрлар деб ҳисобланган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда черков, монастир архивларида, кутубхоналарда қадимий қўлёзмалар топилган. Улар асосан XIII-XIV асрларда янгича фикрловчи аверроистчи олимлар томонидан яратилган ва черков ходимлари атайлаб бузган асарлар нусхалари эди. Маълум бўлдики, Ўрта асрларда ҳаёт осойишта бўлмаган, мафкуралар, ғоялар, диний ва эътиқодларнинг кескин кураши, диний бидъатлар шакли остида феодал тузуми ва унинг мафкураси бўлмиш исавия динига қарши даҳшатли кураш, жанглар бўлиб ўтган. Топилмалар Ўрта

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрлар ҳақидаги тушунчани мутлоқ ўзгартириб юборди, тарихчи олимлар у давр кескин зиддиятлар, курашлар даври бўлган (В.И.Рутенбург, Н.И.Конрад, М.Л.Баткин, Л.А.Котельникова, А.Л.Гурвич, А.Х.Горфункель, А.Л.Ястребицкая, М.Т. Д'Аливерни, Е.Жильсон, К.Бост, А.Майер, М.Грабман, Г.Лей ва б.) дейдилар. Бу фикр умуман ўрта асрлар эмас, балки XII-XIII асрлардан кейинги, яъни Шарқ билан алоқа ўрнатилган ва бу алоқа таъсири остида Оврупо халқлари маънавий ҳаётида ўзгаришлар рўй бера бошлаган даврга тааллуқли деб ҳисоблайман. Ундан аввалги етти-саккиз асрни ўз ичиға олган давр ҳақиқатан жаҳолат, зулмат, ўта қолоқлик даври бўлгани шубҳасиз.

Испанияда салкам саккиз аср давом этган араблар ҳукмронлиги, ярим оролда Шарқ маданияти, илм-фан, фалсафа, бадиий адабиётнинг ривожланиши, халифаликни ташкил этган бошқа халқлар, айниқса Мовароуннаҳр, Эрон маданиятининг араблар томонидан ўзлаштирилиши, Испанияда эса янада такомиллаштирилиши (Ибн Рўшд) Оврупо халқлари, айниқса Испания билан чегарадош мамлакатлар учун изсиз кечмади. Аксинча, Ғарб мамлакатлари халқлари маданияти шаклланиши ва ривожига туртки бўлди. Кўп олимлар VIII-XIII асрлар оралиғида Африка қирғоқлари ва Пиреней ярим оролидан то Хитой чегараларигача бўлган минтақада яратилган техник, табиат, тиббиёт, астрономия, математика, фалсафа фанлари ютуқларини Оврупо ўзлаштириши учун беш асрдан ортиқ вақт керак бўлди, деб тан оладилар. Бу ҳақда итальян адабиётининг билимдони И.Н.Голенищев-Кутузов француз олими Г.Қуарди ("Араб фалсафаси ўрта аср Оврупосида", Париж, 1847) асарига суянган ҳолда шундай дейди: "Бағдодда Аббосийлар, Кордовада Умавийлар ва Алмовийлар саройида VII-XII асрларда Ўрта Осиёда мусулмон математик ва мутафаккирлари билан боғлиқ бўлган ажойиб олимлар мактаблари фаолият кўрсатди. Улар илм-фаннинг юксак ривожини таъминладилар. Шундай қилиб, Самарқанддан Толедогача яхлит бир маданий тараққиёт йўли чўзилди. Оврупо то XII асргача грек-араб фанининг чекка вилояти эди, холос"[1].

Испанияда шаклланган таржимонлар мактаби нафақат "грек-араб фани"гина эмас, балки Мовароуннаҳр олимфайласуфлари Муҳаммад Мусо Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино каби ўнлаб олимларнинг асарларидан ҳам Ғарбий Оврупони баҳраманд қилди. Шарқ олимлари меросини таржима этиш борасида Оврупо мамлакатларида мингга яқин таржимонлар меҳнат қилдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI-XIV асрларда Оврупо халқлари зиёлилари учун араб тилини билиш, Шарқ маданияти, илм-фани, адабиёти билан юзма-юз бўлса-да, таниш бўлмоқлик шарт ҳисобланган. Ғарбий Овруподаги бирорта университет, айниқса, тиббиёт факультети араб фани ва тилисиз фаолият кўриши ғайритабиий бўлган.

Шарқ илм-фани, фалсафаси Испанияга ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, унга чегарадош Жанубий Францияга, XIII аср ўрталарида эса Шартр университети, у тор-мор этилгач, Париж университети олим ва талабаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Француз олими Гюининг фикрича, Оврупода XII-XIII асрларда Шарқ олимлари асарлари таржимаси билан танишгач, умуман Шарқ ва унинг маданияти билан яқинлашиш эҳтиёжи туғилади. "1311-1312 йиллар Вена соборининг қарорига биноан Париж, Рим, Оксфорд, Болонья, Саломанк университетларида шарқ тиллари кафедралари ташкил этилади. Мақсад Шарқ фани хазиналаридан фойдаланиш эди. 1587 йили эса Франция короли Генрих IIIнинг буйруғига биноан Коллеж де Франсда араб тили кафедраси очилади (XVI аср охирига келиб Шарқ тиллари институтига айланади, у ҳозир ҳам мавжуд-Ф.С.)"[2]. Ҳақиқатан, Оврупода илоҳиёт, исавия дини таълимоти эмас, инсон тажрибасига, инсон мафкурасига асосланган ҳақиқий илм-фаннинг, рационалистик дунёқарашнинг шаклланиши тўғридан-тўғри шарқ олимлари асарлари таъсири остида рўй берди. 1270 ва 1277 йиллари Париж епископи эълон қилган қатағондан кейин лотин аверроистчилари деб ном олган Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд таълимотларининг тарафдорлари бошқа мамлакатлар, айниқса, Шимолий Италиядан бошпана топадилар. XIII аср охири ва XIV аср давомида Болонья, Падуя, Генуя каби шаҳарлар университетлари лотин аверроизми марказига айланади.

Шарқ таъсири фақат илм-фан, фалсафадагина эмас, адабиётда ҳам анча сезиларли бўлган. Оврупода дунёвий мазмундаги адабиёт даставвал Испанияда, аввал араб тилида, кейинча муламма (ширу шакар) турида шаклланади. Бу шеърлар кўпинча зажал ва мувашшах жанрларида яратилган бўлиб, айниқса зажал кенг ривож топган. Зажал ашула сифатида мусиқа билан ижро этилар, нақорати тингловчилар иштирокида кўпчилик бўлиб айтилган. Бу жанр шунчалик кенг тарқалган эдики, шаҳар ва қишлоқларда сайёҳ труппалар томонидан испан, араб, яҳудийлар орасидагина эмас, чегарадош Францияда ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ижро этилган ва катта қизиқиш билан тингланган. Зажалнинг муваффақиятидан мутасаввуфлар (Ибн ал-Арабий) ҳам кенг фойдаланганлар, улар зикр тушишларда айнан шу жанрни қўллаганлар.

Шарқ билан учрашмагунча Оврупо мамлакатлари, ҳатто илғор ҳисобланган Францияда ҳам ёзма адабиёт дин арбоблари томонидан диний мазмунда, лотин тилида яратилган асарлардан иборат бўлган. XIII асрга келиб илғор мамлакатларда феодализм тузуми шаклланиб битган, рицарлик ўз мавқеини ўрнатган эди. Бу жараён, айниқса, Франциянинг жанубидаги Провансда эрта бошланади. Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларининг ўрнатилиши, салб юришлари, айниқса, араб Испанияси таъсири остида Француз феодал жамияти ҳаётида катта ўзгаришлар рўй беради.

XVII-XVIII асрларда яшаб ижод этган овруполик олимлар миллий тил ва дунёвий мазмундаги энг қадимий шеърият— провансал шеърияти араб Испаниясида кенг тарқалган шеърият таъсири остида шаклланган деган фикрни олға суради. Булар орасида энг кўзга кўринганлари Ҳуйе, "Оригинал романслар", 1693; Массие, "Француз поэзияси тарихи", 1739; Қуадрио "Шеърият тарихи", 1749; Андре, "Адабиёт тарихи", 1808; Сисмонди, "Франция адабиёти тарихи", 1814; Женгене, "Италия адабиёти тарихи", 1811; Уартон, "Инглиз шеърияти тарихи", 1824 ва бошқаларда "Оврупода энг қадимий деб тан олинган прованс трубадурлари шеърияти ва цивилизацияси тўғридан-тўғри испан араблари таъсири остида келиб чиқди"[3] дейилади. Сисмонди эса салб юришлари даврига баҳо бериб, айниқса "Провансда араб Испанияси таъсири остида маданият, илм-фан (Иби Сино), фалсафа (Ибн Рўшд), трубадурлар шеърияти айниқса ривож этгани" ҳақида ёзади. Олим "араблар таъсири Сицилия орқали ҳам келган"[4], деган фикрни ҳам баён этади.

XI-XII асрларда Франциянинг жанубидаги Испанияга чегарадош бўлган Провансда Оврупода биринчи бўлиб пул алоқалари, савдо, ҳунармандчилик, маданият, илм-фан, санъат, адабиёт шаклланиб, ривож топади, шаҳарлар обод бўлиб, мавқеи ошади. Испаниядан таклиф этилган архитекторлар ҳашаматли бинолар қурадилар. Ҳақиқий рицарлик ҳам даставвал Провансда шаклланади. Эндиликда рицарларнинг билим даражаси кенгаяди, қаҳрамонлик, ботирлик идеалига маданиятлилик, сахийлик, олижаноблик, назокатлилик, билимдонлик, ошиқлик тушунчалари ҳам қўшилади. Динда ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. Ис-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ломдаги исмоилийлик таъсири остида шаклланган катар бидъати қитъалар ошиб Жанубий Франция, Провансгача бориб етади ва албигойчилик номи остида кенг тарқалади. Катарлар таълимоти исмоилизм, монийлик ва зардуштийлик таълимотлари таъсири остида шаклланган бўлиб, "Ҳар бир инсонда Исо пайғамбар танасининг заррачаси бор, шунинг учун уни ҳақоратлаб, қийнаб бўлмайди" дейдилар (бу ўринда зардуштийларнинг" "ҳар бир жонзод ва ўсимликда қуёш заррачаси бор" деган ғоясини эслайлик). XIII асрда Рим папаси унга қарши салб юриши уюштириб, бой шаҳарлар, зодагонлар қасрларини вайрон қилади, аҳолини қиради. Испанияга чегарадош бўлган бой ўлка вайронага айланади.

Рицарлик ғояси даставвал Провансда шаклланганидек рицар адабиёти, асосан шеърияти ҳам шу ўлкада шаклланади. Эндиликда махсус шоирлар пайдо бўладилар, асар тили, услубига катта аҳамият берилади, шеърда ҳеч қандай қўпол сўзлар ишлатилмайди. Провансда адабий тил ҳам шаклланади. Прованс шоирлари трубадур ёки трувер деб аталадилар. Улар асарларининг асосий мазмунини маҳбубанинг гўзаллиги, олий инсоний хусусиятлари, лекин ошиққа нисбатан шафқатсизлиги, ошиқ шоирнинг дард-аламлари, садоқати, дўстлик ғоялари ташкил этади. Прованс адабиётида махсус ишқ қонунияти ҳам ишлаб чиқилади. Кузатишлар натижасида Прованс рицар муҳаббати, ишқий шеърияти Ибн Синонинг "Рисола фи-л-ишқ" таъсири остида шаклланган деган хулосага келдим. Прованс шеъриятини яратган шоирларнинг энг кўзга кўринган вакиллари Гийом IX, Аквитания герцоги (XI аср боши), Жираут де Борнел, Маркабрю, Серкамон, Жофре Рюдель (Ҳаммаси XII асрда яшаб ижод этган), Аймерик де Беленой, Арнаут Даниель, Бертран де Борн кабилардир (XII-XIII асрлар). Трубадурлар рицарларнинг қайноқ ишқ-муҳаббати, жонли туйғуни эмас, балки ақл билан ўйлаб чиқарилган сунъий муҳаббатни куйлаганлар. Бу шеърият мавзуси тор бўлгани учун ҳам шоирлар асосий аҳамиятини услуб ва бадиий маҳоратга қаратганлар.

Прованс шеърияти Сицилияда худди шу даврда шаклланган ерли тилдаги шеърият билан бир қаторда, шимолий Италияда вужудга келган "Янги ёқимли услуб" мактаби, кейинчалик эса буюк Алигъери Данте ижодий камолотига замин ҳозирлади. Данте эса, ўз навбатида, Оврупо халқлари адабиётининг кейинги даврларидаги ривожига туртки берган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I ҚИСМ

ИЛК МАЪЛУМОТЛАР

"Биз, эллинлар, варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз".

ПЛАТОН, "ПОСЛЕЗАКОНИЕ," 987 Е.

Қадимги Римда кенг тарқалган мазкур афоризмда Шарқ халқларининг инсоният маданияти пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссасининг Ғарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган.

Қадимий маданият макони бўлган Марказий Осиёнинг қулай географик жойланиши, табиати, иқлими минтақада ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аввалроқ бошланишини таъминлади ва Шарқ билан Ғарб, Месопотамия, Эрон, Миср, кейинча Юнонистон ва Римни Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи, турли халқлар маданиятининг чатишувини таъминловчи ҳалқа вазифасини ўтади. Марказий Осиёга хос бўлган юқоридаги хусусият айни вақтда кўплаб халқлар диққатини ўзига жалб қилди ҳамда қайта-қайта забт этилишига сабаб бўлди.

Марказий Осиё жумҳуриятларида олиб борилган археологик қазилмалар, айниқса, сўнгги йилларда топилган топилмалар ватанимизда эрадан кўп минг йиллар аввал одамлар яшаганини, шаҳарлар барпо этилганини кўрсатади.

Маданий марказлар асосан Бактрия, Парфия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна, Фарғона атрофларида жойлашган. Илк бор шаҳарлар Олтинтепа, Сополлитепа, Номозгоҳтепа, Бактра, Насоим, Самарқанд, Киропол, Мерв ва бошқа вилоятларда вужудга келган. Афсуски, буларнинг кўплари ҳақида археологик характердаги материаллардан бошқа маълумотлар сақланиб қолмаган.

Афсона ва ривоятларга кўра, қадимги дунёнинг Нин, Сезострис, Семирамида каби жаҳонгирлари Марказий Осиё шаҳарларининг шуҳратини эшитиб, лашкар тортиб келганлар. Шуниси қизиқки, бу воқеалар ҳақидаги маълумотлар энг қадимги муаллифлар (Гекатей, Ҳеродот, Ксенофонт) асарларида эмас, балки кейинроқ яшаган муал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лифлар, асосан, Ктесий асарларида берилади. Малика Семирамида даврида (э. ав. VIII аср) Марказий Осиё, Хуросон Ассирияга қараганлиги, VII асрда Ассирия шоҳи Ашшурбанипал (668-626) ўзига тобе бўлган Бактрия ва Суғдиёнадан қўшимча лашкар чақиргани, Зардушт ҳақида маълумотлар берилади. Фикримизча, улар фойдаланган манбалар бизгача етиб келмаган ёки бу маълумотлар афсона ва ривоятлардан олинган.

Юнонистон ва Яқин Осиё халқлари Марказий Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари билан қадимдан савдо алоқалари ўрнатганлар. Эрадан аввалги VI-V асрларда аҳмонийлар даврида грек карвонлари Буюк Ипак йўли, Эрон ва Марказий Осиё орқали Ҳиндистон, Хитой, Олтой, Жанубий Сибиргача бориб етганлар. Марказий Осиё қадимги Яқин Шарқ билан алоқада бўлгани ҳақиқат эканлигини сўнгги давр археологик топилмалар тасдиқламоқда: эрадан аввал IX асрда Ашшурнасирпал (895-885) даврида Марказий Осиё ва Хуросонда яшаган қабилалар ҳақиқатан Ассирия билан алоқада бўлганлари Нимруд саройи деворларига ишланган барельефлардаги тасвирлар ва археологик топилмалар билан исботланмоқда. Барельефда тасвирланишича, қилич ва камон билан қуролланган уч суворийни аравадаги ассирияликлар қувмоқда. Суворийлар орқага ўгирилиб найза отмоқдалар. Суворийларнинг кийим-кечаги, қиёфаси археологик қазилмаларда кўплаб топилган скиф-сакларнинг айнан ўзи[2]. Шартли равишда "ҳайвон услуби" деб аталувчи ва Месопотамиядан то Тувагача бўлган ҳудудда топилаётган скифлар санъатининг эрадан аввалги IX-VIII асрларда ишланган намуналари Яқин Шарқ, айниқса, Ғарбий Эронда кўплаб борлиги аниқланди. Иккинчи томондан Яқин Шарқда, Юнонистонда ишланган буюмлар Тоғли Олтой[3], Қозоғистон, Жанубий Сибирь ҳатто Мўғилистонда ҳам топилмоқда.

1960-1970 йилларда жумҳуриятимиз ва Жанубий Туркманистонда олиб борилган археологик изланишлар натижасида ватанимизнинг энг қадимги ўтмиш маданиятига оид жуда бой материаллар топилди. Жанубий Ўзбекистон, Фарғона ва Жанубий Туркманистонда эрадан тўрт-икки минг йиллар аввал, яъни илк бронза даврида Сополлитепа, Эйлатан, Далварзин, Ашқолтепа, Олтинтепа, Улуғтепа, Номозгоҳ, Дашглик сингари йирик шаҳарлар барпо этилгани аниқланди. Санкт-Петербурглик олим, Марказий Осиё археологиясининг етук билимдони В.М. Массоннинг ёзишича, бу шаҳарларда ҳунармандчилик кенг тараққий этган, "уларда бир-бирларига яқинлик бўлган, илк шаҳарларга хос ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даният савияси юқори даражада бўлган"[4]. Антик даврда эса ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривож топган. Идеология, диний эътиқод маркази бўлган шаҳарларни қуришга аҳамият берилган. Бу жараён, айниқса, Александр Македонский истилосидан кейин кенг тус олган.

Антик дунё, биринчи навбатда, Юнонистоннинг иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёти Шарқ мамлакатлари билан боғлиқ бўлган.

Эрадан аввалги VI асрдан бошлаб Бактрия, Суғдиёна ва Марғиёнада юнон колониялари ташкил топади, кўчиб келувчилар асосан Кичик Осиёдан чиққан юнон ҳунармандлари бўлганлар. Эрадан аввалги IV асрда Искандар лашкарлари Марказий Осиёга бостириб келганларида икки аср мобайнида ўз тилларини унутмаган грекларни учратганлар. Қадимги юнонлар Шарққа кўп саёҳат ҳам қилганлар. Улар орасида жаҳондаги дастлабки конституциянинг муаллифи Солон (э. ав. VI аср), олим Фалес (э. ав. 624-574), файласуфлар Пифагор (э. ав. 571-497), Демокрит (э. ав. 460, 470-360), тарихчи Аристей (э. ав. VII аср), Гекатей (э. ав. VI аср) кабилар бор эди. Шу сабабдан Марказий Осиё ҳақидаги ёзма маълумотлар "Авесто"да, ҳинд эпик достонлари, форс, хитой манбаларида учраса-да, энг ишончлиси юнон адибларининг асарларидир.

Антик, айниқса, юнон маданияти, адабиёти ҳеч қачон Шарқ адабиёти ва маданиятидан айрим, ажралган ҳолда бўлмаган. Икки минтақанинг алоқаси икки даврни бошдан кечиради: бири эрадан аввалги биринчи минг йиллик, адабиётнинг шаклланиш даври бўлса, иккинчи ва якунловчиси эллинизм (эрадан аввалги IV асрдан то II — III асрлргача) даврини ўз ичига олади. Бу даврдаги Шарқ ва Ғарб адабиётлари бир-биридан фарқ қилса-да, бир-бирига қарама-қарши эмас.

Ўзаро муносабат, бир маданият ва адабиёт иккинчисини бойитиши узоқ ўтмишдан бошланган бўлса керак деган фикр Гопатшоҳ билан Минотавр, грек мифологияси Марказий Осиё халқларининг исломгача бўлган миф, афсона ва фольклор асарлари ўртасидаги ўхшашликни аниқлаганимиздан кейин келиб чиқди.

Гопатшоҳ ҳақидаги илк маълумот "Авесто"да берилиб, кейинча исломгача бўлган зардуштийлик адабиёт намуналарида дунёнинг яратилиши, космогония, табиат ва диний афсоналар тўплами "Бундахишн", зардуштийлик дини қомуси "Денкард", "Панжномаи Зардушт" ва ҳоказоларда ҳам ҳўкиз-одам ҳақида сўз юритилади. Немис олими

www.ziyouz.com kutubxonasi

Х. Ҳумбах 1985 йили Бомбейда ўқиган маърузасида Гопатшоҳ ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: Гопатшоҳ (Gopat, Gobed) отаси Айраёраф вафотидан кейин туғилган. У Хванирата деб аталувчи континент мифик шаҳарининг мангу подшоҳи. Унинг вазифаси табиатни янгилаб (тирилтириб) туриш ва Ҳабаййаш номли муқаддас ҳўкизни инсоният дунёсиинг охиригача қўриқлаш. "Меноки Хирад"да (сосонийлар даврида яратилган зардуштийлик афсонаси ва мифлар тўплами) у маҳлуқ белигача ҳўкиз, юқори қисми инсон сифатида тасвирланган. Бу тасвир энг қадимги мифдан олинган.

"Бундахишн", "Денкард" каби асарларда Гопатшоҳ ҳайвонот дунёси билан боғланади, Gao pati "ҳайвонлар эгаси" деган маънони беради. Унинг ватани Эронда эмас, Туркистондан Чинистонга олиб борувчи йўлга яқин жойда дейилади[5]. Овруполик олимлар бунга аниқлик киритиб, Гопатшоҳнинг ватани Хоразм, деган фаразни илгари сурганлар. К.В. Тревер "Гопатшоҳ" мақоласида Британия музейида сақланаётган Амударё хазинасидаги узук ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Амударё хазинасидаги узукка ишланган одам бошли, қанотли ҳўкиз тасвири нима бўлиши мумкин?... У афсонавий чўпон Гопатшоҳни эслатади: танасининг ярмигача ҳўкиз, белидан юқориси одам. У ҳамма вақт сув соҳилида ўлтиради ва худоларга назр-ниёз қилади"[6]. Е.Е. Кузьмина эса: "Ҳўкизшоҳ Гопатшоҳ культи эронийларда сувни илоҳийлаштириш билан боғлиқ. Балки шунинг учун узукдаги тасвир устида арамей хати билан "Охшо" (Вахшо, яъни Амударё) сўзлари ёзилгандир"[7], — дейди. Иккинчи томондан, карасук даврида, эрадан аввалги 1200-700 йилларда Ўрта Енисейда ҳўкиз қуёшнинг рамзи ҳам бўлган.

Марказий Осиё ва эрон халқлари мифологиясида Гавомард (араблар Қаюмарс деб аташган), яъни ҳўкиз-одам персонажи ҳам бор. Уни Ахура Мазда яратган, у ер юзидаги биринчи одам дейилади. Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Қаюмарс ҳақидаги икки вариантни келтиради, лекин унинг ҳўкиз-одамлиги ҳақида ҳеч қандай хабар бермайди: "Тангри Аҳраман иши хусусида ҳайрон бўлиб пешонаси терлади, у терни сидириб ташлаган эди, ундан Қаюмарс пайдо бўлди. Тангри уни Аҳраманга қарши юборди, у Аҳраманни енгиб миниб олди ва унинг (устида) оламни айлантиришга тушди. Ниҳоят, Аҳраман Қаюмарсдан энг ёмон кўрадиган ва энг қўрқинчли нарсасини сўради. Қаюмарс унга жаҳаннам дарвозасига етганида қаттиқ қўрқишини айтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аҳраман (жаҳаннам дарвозасига) етгач, ҳийла қилиб ўйноқлай бошлади, Қаюмарс унинг устидан йиқилиб тушди. Аҳраман унинг (устига) чиқиб олди ва Қаюмарсдан: "Қайси томонингдан ейишга бошлай?" — деб сўради. Қаюмарс ўзининг айтганига Аҳраманнинг мухолиф бўлишини билиб: "Оёқ томондан ейишга бошлагин! Олам ҳуснини бир муддат кўриб турай", — деди. Аҳраман уни бош томонидан ейишга бошлаб, моягига ва эрлик уруғи идиши (турадиган) жойга етганда, ундан икки томчи эрлик суви ерга томди-да, ердан икки туп ровоч кўкариб чиқди ва ровочлар ўртасидан Мишо ва Мишона туғилди. Бу иккиси (эронликлар наздида) Одам ва Ҳаво ўрнида бўлиб, уларни Малҳий ва Малҳиёна ҳам дейдилар. Хоразм оташпарастлари уларни Мард ва Мардона деб атайдилар".

Иккинчиси: "Қаюмарс жаннатда уч минг йил турган, бу Ҳамал, Савр, Жавзо минг йилликларидир. Сўнгра ерга тушиб, Аҳраман туфайли ёмонликлар юз бергунча, уч минг йил омон ва тинч турган. Бу Саратон, Асад ва Сунбула минг йилликларидир. Қаюмарснинг Гиршоҳ деб аталишига сабаб шуки, "гир" паҳлавийча "тоғ" демакдир. Қаюмарс тоғларда истиқомат қилган... Аҳраманнинг Ҳазура номли ўғли бўлган, у Қаюмарсга ёмон қасд қилгани учун Қаюмарс уни ўлдирган. Бу вақтда Аҳраман худога Қаюмарсдан шикоят қилган ва худо ўзи билан Аҳраман ўртасидаги аҳдларни сақлаш мақсадида Қаюмарсдан қасос олиб бермоқчи бўлган. Худо Қаюмарсга аввало бу дунё ҳамда қиёмат оқибатларини кўрсатган. Ниҳоят у ўлимни орзу қилган, сўнг худо уни ўлдирган. Бу вақтда унинг пуштидан Истаҳрдаги Домдод тоғига икки томчи томган ва улардан иккита ровоч кўкариб чиққан. Тўққизинчи ойнинг аввалида икковида аъзолар кўринганда... иккови инсонга айланган улар Мишо ва Мишона. Улар еб-ичишмаган ва ҳеч нарсадан азият тортмай, фаровончиликда эллик йил яшаганлар. Ниҳоят уларга Аҳраман кекса киши суратида кўриниб, дарахтлардан мевалар ейишни таклиф этган ва (ўзи) ейишни бошлаб берган ва ёшлиги унга (Аҳраманга) қайтиб келган. Шунда улар ҳам ейишган ва ўша заҳоти иккови бало ва ёмон ҳолларга гирифтор бўлганлар. Уларда иштаҳа пайдо бўлиб, охир бир-бири билан қўшилганлар ва улардан бола туғилган, қўрқиб, болани еб қўйишган. Сўнгра худо уларнинг дилларига меҳрибонлик солган. Шундан кейин улардан олти (марта) бола туғилган, уларнинг исмлари "Авесто"да берилган. Еттинчисида Сиёмака ва Фаровак туғилиб, бир-бири билан қўшилишган ва улардан Ушанж туғилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одатда, Гопатшоҳни Минотаврга ўхшатадилар. Минотавр Крит оролида яшовчи махлуқ, у Крит ороли шоҳи Миноснинг хотини Пасифая ва Посейдон юборган денгиз ҳўкизининг ғайритабиий фарзанди. Унинг танаси одам, боши эса ҳўкиз. Минос машҳур меъморлар Дедаль ва Икарлар қурган лабиринтни Минотавр учун буюртирган экан. Афсонага кўра, ҳамма жиноятчилар Минотавр учун емиш сифатида юборилган. Ундан ташқари, ҳар йили Афина етти йигит ва етти қизни ҳам Минотаврга овқат сифатида юборган. Грецияни ва Критни бу махлуқ фалокатидан Тесей қутқарган, Миноснинг қизи Ариадна ёрдамида у ўлдирилган.

Қадимги Грецияда мифологиясида отбошли одам — Кентавр ҳам бўлган. Улар ўрмон жинлари бўлиб, Минотаврга ўхшаб таналари одам, бошлари эса отники бўлган. Кейинчалик кентаврларни, айниқса, ўликлар дунёсида хизмат қилувчи кентавр Хиронни белигача от, юқори қисми одам шаклида тасвирлайдилар. Фикримизча, бундай ўзгариш Шарқ, зардуштийлик мифологияси, Гопатшоҳ образи билан танишиш натижасида юзага келган бўлса керак. Немис олими Ҳ. Ҳумбах Гопатшоҳни Минотаврга ўхшатади: "Меноки храд"да у Минотаврга ўхшаб, белигача ҳўкиз, юқори қисми одам сифатида тасвирланган"[9], — дейди. Аслида эса, юқорида кўрганимизда, ҳар иккала афсонавий махлуқнинг қиёфаси бир-биридан фарқланади, лекин ярим одам-ярим ҳўкиз ғояси ҳар иккала мифда мавжуд.

Умуман олганда, Гопатшоҳ, Минотавр, Кентавр, Гавомард, Ганеш (Ҳиндистон) каби махлуқлар ҳақидаги афсоналарнинг пайдо бўлиши тотемизм билан боғлиқ, бир-бирига яқин ижтимоий шароитда юзага келган.

Ҳар иккала минтақадаги халқларнинг мифология ва фольклоридаги яқинликни циклоплар ҳақидаги афсонада ҳам кўриш мумкин.

Ҳомернинг "Одиссея" достонида Троя урушидан ватанига қайтаётган Итаки шоҳи Одиссей ҳамроҳлари билан бирга бир кўзлик, танасини юнг босган, одамхўр махлуқлар, циклоплар оролига келиб қолади ва денгиз маъбуди Посейдоннинг ўғли циклоп Полифемнинг асири бўлади. Полифей уларни ғорга қамаб, кундузи қўй боқади, кечқурун эса битта-битта одамни ейди. Қутулишнинг иложини тополмаган Одиссей айёрлик йўлига ўтади ва узумдан май тайёрлайди. Полифемни маст қилиб, бир кўзидан ҳам маҳрум этиб, қолган ҳамроҳлари билан бирга қочиб қутулади. Худди ана шу сюжетга ўта яқин бўлган ҳикояни

www.ziyouz.com kutubxonasi

географ олим, академик Л.С.Берг "Кўчувчи этнографик сюжетлар" мақоласида баъзи қозоқ афсоналари қадимги юнон афсоналарига яқинлигини қайд этиб, қуйидаги мазмунни келтиради: "бурун замонларда Утим ботир олти йўлдоши билан ҳозирги Орскдан ўтиб борар экан, узоқдан адир устида баланд бўйли бир одам қўй боқиб юрганини кўради. Суворийлар яқин келиб, қўй боқиб юрган одам бир кўзли дев эканини кўриб даҳшатга тушадилар. Дев одамларни тутиб, бирини ейди, қолганларини ғорга қамаб, чиқиш жойларини катта тошлар билан беркитади ва ухлаб қолади. Утим ботир девнинг ягона кўзини қиздирилган найза санчиб кўр қилади, шерикларини чиқариб, ўзи қўй терисини ёпинган ҳолда ғордан чиқиб кетади[10]. Л.С. Берг ёзиб олган ушбу афсона Ҳомернинг "Одиссея"сидаги циклоп Полифем ҳақидаги ҳикояга яқинлигига шубҳа йўқ, ҳатто майда-чуйда деталлар ҳам айнан ўхшаш. Академик В.М. Жирмунский берган маълумотларга кўра Марказий Осиё ва Қозоғистон халқлари фольклорида бир кўзлик махлуқлар ҳақидаги ҳикояларнинг 12 хил шакли бор[11]. Буларнинг ҳаммасининг мазмуни классик сюжетнинг ўзгинаси, баъзи ўринларда айрим қўшимчалар (қозоқча нусхасига махлуқ "темиртирноқ" жодугарнинг отаси, кавказча нусхаларида итбошликларнинг баҳайбат ботири, ўзбекча нусхасида бир кўзли ялмоғиз кампир ва ҳоказо), ўзгартиришлар киритилган. Бу ўринда асосий мазмунга ерли бошқа ҳикоянинг контаминация этилганини кўрамиз. Шуниси диққатга сазоворки, ҳамма бир кўзликлар ғайритабиий келиб чиқишга эгалар. Ҳомер полифеми денгиз маъбуди Посейдон набираси, Л.С. Берг ёзиб олган афсонада циклоп-дев, Марказий Осиё халқлари ҳикояларида парининг ўғли ва шунга ўхшаш. Бир кўзли махлуқ ҳақидаги сюжет Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Кавказ халқлари фольклоридан мустаҳкам ўрин олган.

Қадимги Юнон асарлари билан боғлиқ бўлган афсоналар Марказий Осиё халқлари ўртасида тарқалиши узоқ тарихга эга. Аристей, Гекатей ва Ҳеродотлар исседонларнинг душмани, вақти-вақти билан уларга ҳужум қилиб, таловчи бир кўзли аримасплар ҳақида маълумот берадилар.

Қадимги Марказий Осиё халқлари ҳақидаги маълумотлар билан қадим юнонлар эрадан аввалги VII асрда, проконнеслик Каистробий ўғли Аристей давридан танишадилар. Аристейнинг айтишига қараганда у сирли сабабларга кўра Проконнесни ташлаб узоқ ўлкаларга, исседонлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

яшаган жойларга саёҳатга жўнаган. Олти йилдан сўнг ватанига қайтиб "Аримаспея" номли достон яратган. Асарда Аристей саёҳат вақтида кўрган ва исседонлардан эшитганларини фантастика билан бойитиб ҳикоя қилган. Кўп ўтмай, у яна саёҳатга отланган ва бу иккинчи саёҳатдан қайтиб келмаган. Достондан эса фақат парчаларгина қолган бўлиб, Ҳеродот улар билан танишган.

Илмий адабиётларда Аристейнинг тарихий шахс эканлиги, унинг саёҳатлари ва "Аримаспея"нинг муаллифи эканлиги ҳақида шубҳаланувчи маълумотлар ҳамон учраб туради. Марказий Осиё ва чўл зона тарихи билан шуғулланувчи олимлар бу шубҳани рад этадилар, биз ҳам шу фикрга қўшиламиз. Қадимги юнонлар мифологияси бўйича Шарқда, узоқда бахтиёр гиперборей халқи яшаган, улар маъбуд Апполон ҳомийлигида бўлганлар. Скифлар эпосида ҳам шимолда яшовчи бахтиёр халқлар ҳақида маълумотлар бор. Бундай маълумотлар эвенк, хант, манси элатларида ҳам бўлган. Апполонга сиғинувчи Аристей бахтиёр элат-гиперборейларни зиёрат қилиш мақсадида саёҳатга отланган. Аристей саёҳати афсонавий эмаслигининг бир исботи шундаки, эрадан аввалги VII асрда Кичик Осиёдаги юнон шаҳарларида Шарқдан келган киммерийлар ҳужум қилиб, талаб, кейинчалик ўтроқлашиб қолганлар. Аристей саёҳатига улар йўл-йўриқ кўрсатганлар, деб фараз қилинади.

Аристей ўз асарида юнонларни Шарқ халқлари фольклори билан таништиради, у берган маълумотларни кейинчалик Гекатей ва Ҳеродот скифлардан ҳам эшитадилар. Лекин юнонларнинг исседонлар орқасида яшовчи халқлар ҳақидаги тасаввурлари ўта фантастик тарздадир — "бир кўзликлар", "эчки оёқли одамлар", "бир оёқ ва бир қўллилар", "олтин қўриқловчи грифлар", "итбошликлар" ва ҳоказо.

Аристейнинг қадимги Марказий Осиё ҳақидаги маълумотлари ёзма адабиёт тарихидаги энг қадимийси. Ўша даврларда кўчманчи халқларнинг олди қисми Кичик Осиёдаги Иония шаҳарларига ҳам бориб етган эди. Табиийки, бу ҳодиса шарқи-шимолий ўлкалар ва у ерларда яшовчи халқларда қизиқиш уйғотади. Иккинчидан, юнон мифологиясида шу узоқ ўлкаларда яшовчи гиперборейларга Апполон ҳомийлик қилади, деган афсона бор эди. Аристейнинг саёҳати ана шу юқорида келтирилган кўчманчи халқлар ва Апполоннинг гиперборейларига қизиқиши натижасида содир бўлган. Аристей асарида берган хабарларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўра у Кавказ тоғларидан ўтиб жанубий рус чўллари, шимолий Қозоғистондан Олтойга қадар борган деб тахмин қилинади.

Аристейнинг "Аримаспея" достони Юнонистонда кенг тарқалган. Умуман юнонларда Ҳеродотгача турли қабила ва халқлар ҳақида озми-кўп маълумотлар бўлган. Гелланикнинг "Скифика", шоир Алкман (VII), Пиндар (VI-V), саёҳатчи Гекатей (VI-V), драматурглар Эсхил, Софокл (V), шифокор Ҳиппократ (V) асарларида Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ҳақида маълумотлар берилган.

"Арисмаспея"да Аристей "исседонлар айтадиларки..." деб ҳикояни бошлайди: аримасплар исседонларнинг жанговар қўшниси, уларга ҳужум қилиб, жабрлайдилар: уларда йилқи, пода, мол-ҳол жуда кўп (демак, улар реал хусусиятларга эга), лекин улар оддий одамлардан эмас (тасвирда эртак элементлари ҳам бор), танасини жун босган, баҳайбат, кўзи битта. Аристейнинг аримасплар ҳақидаги тасаввури қадимги юнон адабиётининг кейинги даврларида яратилган асарларда ҳам сақланган. Масалан, трагик шоир Эсхил (э. ав. 525-456 й.) "Занжирбанд Прометей" асарида Иога берган маслаҳатида Прометей "аримасплар бир кўзли ботирлар, уларга яқинлаша кўрма", дейди. Исседонларнинг қудратли қўшинлари бўлмиш аримасплар образи улар томонидан иблисоналаштирилган бўлиб, мудҳиш маҳлуқ тусини олган. Афтидан Аристей фақат исседонлар ҳикояларини тинглаб қолмай, ўзи ҳам ватани, халқи ҳақида кўп ҳикоялар қилиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Натижада аримасплар Аристейнинг Ҳомер Полифеми тасвири таъсири остида циклоп қиёфасини оладилар, аримасплар ва циклоплар контаминациялашади. Бу ҳақда И.В. Пянков шундай дейди: "... аримасплар ҳақидаги афсона асосида исседонларнинг узоқ қўшниси бўлган қудратли реал халқ тўғрисидаги маълумотлар ётади, лекин бу халқ исседонларнинг даҳшатли душмани, шунинг учун улар ҳақидаги тасаввур иблисоналашган ва циклопга ўхшаган бир кўзли баҳайбат махлуқ тусини олган"[12].

"Библия"да Нўх пайғамбарнинг уч ўғли ҳақида гапирилиб, Йефатнинг ўғиллари Гомер, Магог, Мадай, Иаван, Табал, Мешех ва Тура (Тирас) дейилади. Гомер ва Магогни олимлар киммерийлар ва скифлар деб тахмин қиладилар. Қуръонда ва кейинча Шарқ адабиётида Гог-Магоглар Яъжуж ва Маъжуж деб аталиб, улар худди Аристей ва Ҳеродотдаги аримасплар тасвирига ўхшайди.

Бир кўзлилар қабиласи ҳақида Узоқ Шарқ халқлари фольклорида ҳам маълумотлар бор. "Қадимги Хитой миф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари"да Ғарбий мамлакатларнинг энг шимолийси Иму деб аталиб, "Иму бир кўзлилар юрти. Уларнинг юзининг ўртасида битта кўзи бор ... улар бадбашара"[13] дейилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу миф эрадан аввалги III-I асрларга тааллуқли. Шуниси қизиққи, худди шу даврда яратилган юнон-рим манбаларида (Страбон, Птоломей, Марцеллин) ҳам Эроннинг шарқи-шимолида жойлашган Имай тоғлари ҳақида ёзилади. Хитойларнинг Имуси юнонларда Имай шаклида берилган, лекин юнонлар Имай тоғини Бактриянинг шарқи-шимолига жойлаштирадилар.

Ҳинд эпоси намунаси бўлмиш "Махабхарата"да ҳам бир кўзли одамлар Имай тоғи билан боғлиқ ҳолда берилган. Ёқут эпосида ҳам бир кўзли Адварай, унинг бадбашаралиги ҳақида маълумот бор.[14] Монгол-бурят эпосида ҳам "бир кўзли баҳайбат одам" ҳақида сўз кетади[15].

Юқорида берилган маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, қадимги юнонлар, Яқин Шарқ, Қора денгиз соҳилларидаги скифлар, Бактрия, Ҳиндистон халқларидан то Хитой, Узоқ Шарқ халқлари мифологиясида ҳам бир кўзли баҳайбат одамлар ҳақида маълумотлар берилган. Демак, бунда қандайдир реал асос бор. Машҳур археолог, академик А.П. Окладников Жанубий Сибирда олиб борган қазилмаларида бронза асрига оид қабрларда пешонага катта доира яшил нефрит бириктирилганини аниқлади. Асли кўз қисиқ бўлиб, ялтироқ тош худди катта кўзга ўхшаш тасаввур ҳосил қилар, бошларига эса ёғочдан ишланган баланд бош кийим кияр, узун сочларини эса ўша ёғочга ўраб қўяр эканлар16 (хитой ва ҳинд нусхаларида ҳам баланд бош кийими ҳақида гап кетади). Шу маълумотларни умумлаштирганда бир кўзли одамлар ёки махлуқлар ҳақидаги афсоналар тагида реал асос йўқмикан, Марказий Осиё, ҳинд-эрон ва европа халқлари асли қадимий ватанларидан циклоплар ҳақидаги афсона асосини олиб кетмаганмиканлар, деган фараз келиб чиқади. Эрадан аввалги иккинчи минг йилликдаги Жанубий Сибир ва Олтой халқлари ҳақидаги фантастиклаштирилган тасаввур бир кўзли одамлар ҳақидаги мифга асос бўлиши мумкин. Жанубий Сибирь, Олтой халқларининг бир қисми Марказий Осиёда ўтроқлашганлари маълум, балки шунинг учун қадимги юнон-рим анъанаси (Аристей, Ҳеродот, Ктесий, Диодор, Помпей Трог, Плиний, Марцеллин) бир кўзли одамлар — аримаспларни Марказий Осиё (Бактрия, Дрангиана, Яксарт орқаси) билан боғлайдилар. Циклоплар

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан аримасплар ўртасида алоқа борлигини қадим даврлардаёқ Страбон (э. ав. 64/63 — э. ав. 23/24 йиллар) кўрсатиб ўтган. Археолог олим Б.Я. Ставискийнинг "Қадимги юнон ва Ўрта Осиё халқлари маданияти ўртасидаги ўхшашликка Ўрта Осиё халқлари билан эллинларнинг узоқ аждодлари бирлиги сабаб деб тушуниш керак"[17], — деган фикрига қўшилиш мумкин.

Аристейнинг "Аримаспея"сидан аввал Ҳомернинг "Илиада"сида ҳам Марказий Осиё халқлари ҳақида қисқа бўлсада, маълумот берилади. "... сут ичувчи, адолатли одамлар-абийлар қабиласига назар ташлади" (XII, 3-6), дейилади. "Одиссея"да эса киммерлар ҳақида қуйидаги маълумотлар берилади: "Киммерларга ҳеч қачон қуёш юз қаратмайди, туман билан қопланган ер ва шаҳарлар устида одамларга ҳалокат келтирувчи зулмат ҳукмронлик қилади" (XI, 13). Шуниси қизиқки, антик давр анъанасига биноан кейинги муаллифларда ҳам киммерлар булут, туман ва қоронғулик билан фикран боғланади.

"Одиссея"да берилган юқоридаги маълумотга асосланган ҳолда бу достон "Илиада"дан кейин яратилган деган хулосага келинган. Эндиликда юноншунослар Ҳомер яшаган давр эрадан аввалги IX-VIII асрлар бўлса керак, деган фикрга келмоқдалар.

Искандар юришларининг тарихчилари шоҳ ўзи билан Ҳомер достонларини олиб юрган ва жойларда ўқишлар уюштиргани ҳақида маълумот берадилар. Элиан "Фақат Ҳиндистон аҳолисигина эмас... Эрон шоҳлари ҳам Ҳомер асарларини ўз тилларига ағдариб куйлаганлар" (XII, 48), — дейди. Демак, Ҳомер асарлари Марказий Осиё минтақасида ҳам ижро этилган. Академик В.М. Жирмунский айтган "Одиссея" ва туркий эпик достонлар, айниқса, "Алпомиш"даги ўхшашликларнинг сабаби балки шундадир.

Ҳесиод (э. ав. VII аср) ўзининг машҳур "Меҳнат ва кунлар" достонида инсоният тарихини беш даврга — олтин, кумуш, мис, қаҳрамонлик ва темир даврга бўлиб, ҳозир темир даври, инсонлар айниб кетган давр, дейди. (Ҳесиоднинг бу фикрини кейинчалик Римда Ҳораций, Вергилий, Овидий, Ювеналлар ҳам такрорлайдилар). Тарихга бундай қараш зардуштийлик таълимоти учун хос бўлиб, улар ҳам инсоният тарихининг бошланғич олтин даврини мақтайдилар, кейинча Ангра Манъю чиқиб одамларни йўлдан уради, улар айниб кетадилар, дейди.

Ҳесиод ўз достонида асосан меҳнатни куйлайди, инсонларни ҳалол меҳнатга, деҳқончилик ва чорвачилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан шуғулланишга ундайди. Шоир ахлоқ масаласини ҳам кўтариб, ҳалоллик, ҳаққонийлик, поклик каби эзгу инсоний хислатларга эга бўлишга чақиради.

Ҳесиод "Феогония" ("Теогония")да грек худолари ва жаҳоннинг яратилиши (космогония) тарихини беради. Бу асарда Ионня натурфилософларининг таълимоти ўз ифодасини топган. Унда Гелиос (қуёш) оқ отлар қўшилган олтин аравада осмон бўйлаб сафар қилади. Худди ана шундай тасаввурни зардуштийлик таълимотида ҳам кўрамиз. Митра оқ отлиқ аравада қуёшга йўлбошчилик қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қадимги юнон муаллифлари Европа, Қора денгиз ва Евроосиё даштликлари халқлари билан таниш бўлмаганлар, улар асосан Яқин ва Марказий Осиё халқлари ҳақида ёзганлар.

Юқоридаги маълумотлар асосан юнон мифологияси ва эпик асарларда келтирилган. Кейинги даврларда ҳам эпик достонлар яратиш анъанаси давом этган. Масалан, эрадан аввалги V асрда самослик Херил юнон-эрон урушлари воқеаси, асосан афиналикларнинг Эрон шоҳи Ксеркс устидан ғалабаси ҳақида "Персика" достонини яратади, лекин бизгача асарнинг фақат кириш қисмигина сақланиб қолган, холос.

Эрадан аввалги VII-VI асрларда шаклланиб ривож этган юнон лирикасида, айниқса, Алкман ва Пиндар асарларида ҳам Марказий Осиё халқлари ҳақида маълумотлар бор.

Драма жанрига асос солган шоир Фриних (э. ав. VI а.) сақланиб етмаган "Милетнинг забт этилиши" ва "Финикиялик аёллар" асарларида Кичик Осиёдаги юнон шаҳарларининг эронийлар томонидан босиб олиниши воқеаларини тасвирлаган. Албатта, уларда аждодларимиз ҳақида маълумотлар бўлган. Эсхилнинг ўзи юнон-эрон урушларининг иштирокчиси бўлса-да, "Форслар" трагедиясининг кириш қисмида Фринихнинг "Финикиялик аёллар" асарини қайта ишладим, дейди. "Форслар" эрадан аввалги 472 йили саҳнага қўйилган бўлиб, ундан фақат парчалар сақланиб қолган, холос. Парчаларда Эсхил Афинанинг демократик тузумини мақтаб, эронликлар золимона шаҳаншоҳлик тузуми туфайли мағлубиятга учрадилар, дейди. Шунга қарамай, объектив шоир бактрияликларнинг алоҳида қаҳрамонлик кўрсатганликлари, эронийлар тартибсиз равишда қочсалар, улар сафларини бузмай қаршилик кўрсатганлари ва ҳалок бўлганларини айтади. Бундан хабар топган Доронинг арвоҳи "Воҳ девона, иттифоқчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашкарининг гулини ҳалок қилибди", дейди. Эсхил бактриялик баъзи лашкарбошилар номларини келтиради: Танагон, Артам, Гистаҳм, Фарнуҳ, Парф, Анхар, Арсам, Севалк ва бошқалар. Эсхилнинг географик тушунчаси Гекатей маълумотларига асосланган бўлиб, Оврупо билан Осиё чегараси сифатида Фасис дарёси, киммерлар дарвозаси ва Танаис дарёсини кўрсатади. Эсхилнинг фикрича, Осиё ва Оврупо опа-сингил, жанг қилишга уларда ҳеч қандай асос йўқ, лекин ҳар иккала томондан хатоликка йўл қўйилди. Кичик Осиё шоҳга қараши керак, лекин уни греклар ўзлаштирди. Иккинчидан, Ксеркс ўрнатилган тартибни бузиб, Оврупони босиб олмоқчи бўлди, натижада уруш бошланди. Унинг фикрича, худолар томонидан ўрнатилган тартибнинг бузилишига йўл қўймаслик керак.

Қадимги юнон мифологиясига биноан ҳосил ва май маъбуди Дионис Шарқдан келган экан. Еврипид "Вакханкалар" трагедиясида Дионис тилидан шундай дейди:

Мен Зевснинг ўғли Дионисман ...
Олтин Лидия шудгорлари,
Чошгоҳ нурлари билан қовжираган
Фригия ва Персия далалари,
Ва Бактрия деворлари ва мидияликларда
Қиш изғиринига чидаб, мен бахтли
Арабларни кўрдим ва мен
Бутун Осиёни айланиб чиқдим[18].

Юнонлар Дионисни Шарқ билан боғлашида қандайдир ҳақиқат бўлса керак, чунки Марказий Осиёда бу маъбуд таълимоти исломга қадар кенг тарқалган бўлиб, Искандар Насоимда Дионис ҳайкалини учратади ва унга ҳадялар қилади (Арриан, Анабасис, VI, 2).

Ўлиб тирилган табиат ҳам Юнон, ҳам Марказий Осиё ва Эрон халқларида қора тойча билан боғланган. Марказий Осиё ва Эронда ўлиб тирилган табиат Сиёвуш, яъни қора айғир номи остида иззатланган[19]. Маъбуднинг исми, ўлимига аза тутиб йиғлаш юнон мифологиясининг архаик қисми Меланнип (қора от) культида учрайди. Марказий Осиё халқларида ҳам юнонлардагидек қора от илоҳийлаштирилади, унга бағишланган маросимлар ҳам бир хил, ҳар иккала минтақада маросимлар қишки ва баҳорги қуёш туриши (тун ва куннинг энг қисқа даври) билан боғлиқ, қишкида — аза, ёзгида — байрам. Ҳам Сиёвуш, ҳам Меланнипга бағишлаб от ўйинлари, шоирлар мусобақаси, турли ўйинлар уюштирилган. Грецияда кейинчалик Меланнип ва Дионис культлари қўшилиб кетган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қора от эса архаизмга айланган. Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида малика Мина ҳақидаги афсонани келтиради: "(Хоразмликлардан) баъзи бирларининг айтишича, Мина уларнинг подшоҳлари ва улуғларидан (чиққан) аёл бўлиб, у (кечаси) маст ҳолда ипак кийимида қасрдан (ташқарига) чиққан. Бу баҳор фасли эди. Қаср ташқарисида йиқилиб қолган. Унинг уйқуси ғалаба қилиб, ухлаб қолганида ўша кечанинг совуғи уриб ўлган. "Мина кечаси" байрами баҳор вақтидан олдин келадиган бўлиб, авом халқ бу ҳайитни қиш ярмида ўтказади"[20]. Беруний ўз асарида келтирган Мина ҳақидаги миф Грециядаги Дионисниng рафиқаси Ариадна ҳақидаги мифнинг айнан ўзига ўхшайди. Ариадна ўлиб тирилувчи табиат маъбудаси, у Дионис билан рақобатлашар ва мағлубиятга учраган эди. Қадимий Юнонистонда бу архаик маъбудани Минаида деб ҳам аташар эди. Маъбуданинг бу иккинчи исми юқорида келтирилган Хоразм афсонаси қаҳрамони Минани эслатади. Бу икки маъбуда исмларининг ўхшашлиги халқлар келиб чиқишида яқинлиги борлигидан яна бир бор дарак беради. Фикримизча, бу муштарақликни ҳам циклопларга ўхшаб энг қадим даврларда минтақа халқларининг яқинлиги билан белгилаш мумкин. Иккинчи томондан, бир хил ижтимоий шароит бир-бирига яқин бўлган ҳолат, урф-одат, сюжетларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, энг муҳими, халқларимизнинг узоқ ўтмишига оид озми-кўпми маълумотлар антик, айниқса, қадимги Эллада адиблари асарларида сақланиб қолишидадир.

ЗАРДУШТИЙЛИК ВА ИОНИЯ ФАЛСАФАСИ

Эрадан аввалги VI-V асрлардан бошлаб Греция ва Марказий Осиё халқлари ўртасидаги алоқа янада кучайди. Агар аввал савдо алоқасигина мавжуд бўлган бўлса, Эрон салтанатига асос солган Кир[1] давридан бошлаб Марказий Осиё (Шарқий Эрон) ва Кичик Осиёдаги грек шаҳарлари бир давлат, Ахмонийлар империяси таркибига кирган. Ҳар иккала минтақа вакиллари жангларда, гарнизон хизматларида, давлат ишларида баробар иштирок этганлар (масалан, Миср жанубидаги Элефантина архивида хоразмлик Даргман деган одамнинг номи учрайди). Аждодларимиз Кичик Осиёдаги грек шаҳарларида хизмат қилсалар, улар ҳам бизнинг шаҳарларда хизмат қилганлар. Ахмонийлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

атайлаб халқларни қориштириш сиёсатини олиб борганлар. Айниқса, шаҳаншоҳлар зулмига бўйсунмовчи эрксевар юнонлар атайлиб узоқ ўлкаларга (баркаликлар Бактрияга, милетлик бранхидлар авлоди Суғдиёнага) кўчирилган. Бу оммавий кўчиришлардан ташқари алоҳида-алоҳида оила ва шахслар ҳам кўчирилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари, ҳар иккала забт этилган халқларнинг вакиллари Эронда шоҳлар олиб борган қурилишларда ёнма-ён иштирок этганлар, бир-бирларининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, фольклор асарлари, эътиқодлари билан танишганлар. Грек ва Марказий Осиё халқлари маданиятидаги баъзи муштаракликни ана шу алоқа билан ҳам белгилаш мумкин. Археологик қазилмаларда топилаётган буюмлар, сарой безаклари, маъбудалар ҳайкалчалари, нумизматик материаллар фикримиз далилидир. Юқорида айтилганлардан ташқари, Эроннинг босқинчилик сиёсати, марказий Грецияга кўз олайтириши натижасида ҳар иккала давлатда бир-бирига қизиқиш, бир-бирини ўрганиш кучаяди. Греклар эронликларнигина эмас, балки уларнинг қадимий ватани Шарқий Эрон маданияти ва эътиқодини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Ҳеродот, Эмпедокл (э. ав. 484-424), Ксенофонт (э. ав, VI-V а.) каби грек адиблари ва Иониядан келиб чиққан файласуф олимларнинг асарлари қисман бўлса-да, буни тасдиқлайди.

Эрамиздан аввалги VII-VI асрларгача бўлган юнон тафаккурининг шаклланишига ва ривожига Миср, Бобил, Финикияда ривож этган таълимотлар асос бўлган, ҳатто юнонийлар диний таълимотининг асоси бўлган Кронос ва Зевс ҳақидаги тушунчани ҳам иониялик олим Ферсидес Яқин Шарқдан олган. Эрадан аввалги VI асрга келиб юнонлар эронийлар билан яқиндан алоқада бўла бошлагач, Марказий Осиё ва Эрон халқлари дини, Зардушт таълимоти иониялик донишмандларга ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Зардуштийлик дини ва унинг тарихини жиддий ўрганган ҳамда тўрт томлик тадқиқот яратган инглиз олимаси Мэри Бойснинг айтишича, "таъсир фақат бир томонлама, зардуштийлик томонидан бўлган"[2].

Зороастризм жаҳон миқёсидаги энг қадимги динлардан бўлиб, академик С.Ф. Ольденбургнинг айтишига қараганда, "зороастризм инсоннинг ер юзидаги ҳаётини енгиллатишга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг оқилона дин"[3]. Лекин зардуштийларнинг миссионерлик фаолияти ривож этмаган, шунинг учун ҳам кенг тарқалмаган (ҳозирги вақтда зардуштийлар Эрон ва Ҳиндистонда яшаб, ўз эътиқодларини давом эттирмоқдалар).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зардуштийлик дини Марказий Осиёда шаклланди, лекин конкрет жойи аниқ эмас. Баъзи олимлар Хоразм воҳаси десалар, баъзилари Бактрия, Марғиёна дейдилар. Доро ва унинг ворислари томонидан қоя тошларга ёздирилган хатларда ҳам Зардушт номи тилга олинмайди. Ҳеродот "Тарих"ида ҳам учрамайди. Лекин Беҳистун ва бошқа қоятош ёзувларида Ахура Мазда номи бор. "Тарих"да берилган скиф ва бошқа Марказий Осиё халқларининг эътиқоди зардуштийликка яқин. Томириснинг "Массагетлар худоси қуёш" (1,24) сўзлари бундан дарак беради. Ҳеродот асарининг бошқа жойларида ҳам скиф, сак, массагетлар эътиқоди ҳақида ёзар экан, уларнинг қуёшга сиғиниши, худоларнинг ҳайкалчалари йўқлиги, от, ҳўкиз, қўйларни сўйиб қурбонлик қилишлари ҳақида хабар беради. Албатта, Ҳеродот хабар берган скифлар динини назарий, мафкуравий томондан ишланиб тартибга туширилган зардуштийлик дини деб бўлмайди, балки унинг ибтидоий бир кўриниши бўлса керак. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А.Асқаров берган маълумотга кўра Жарқўтонда эрадан аввалги II минг йилликка тааллуқли ўтпарастлар оловдони, Эронда эса фақат эрадан аввалги VI асрга алоқадор ўчмас олов жойи топилган. Аммо ҳали, ҳатто Кир даврида ҳам ҳукмрон тус олмаган бўлса керак. Фикримизча, зардуштийлик Марказий Осиёда шаклланиб, кейинчалик Эронга тарқалган.

Немис олими Ф. Альтхайм "Заратуштра бешиги Оксус соҳилларида бўлган, унинг номи билан аталган дин ўша ердан чиққан"[4], дейди. Гегель "Тарих фалсафаси" асарида "Муғлар Мидияда яшаган олти қабиланинг бирини ташкил этганлар ... Муғлар зенд (яъни Авесто — Ф.С.) дини билан боғлиқ бўлганлар, шу динни тарғиб этувчи ва сақловчи бўлганлар"[5], дейди. Қадимий Яқин Шарқ тарихининг билимдони проф. И.М. Дъяконовнинг фикрича, "муғлар аслида Ўрта Осиёдан келиб чиққан, кейинча Каспий денгизи жануброфида, сўнгра Мидияда яшаганлар"[6].

Ҳақиқатан "Авесто"нинг тили, сўнгги йиллардаги археологик топилмалар (Жарқўтон ва б.) И. Маркварт, В.В. Бартольд, Ф. Альтхайм, Е.Э. Бертельс сингари олимлар фикрини тасдиқламоқда. Афсуски, бу энг қадимги ёзма адабиёт, ахлоқ, одоб қоидаларини ўзида мужассамлаштирган асар бизгача тўлиқ етиб келмаган. "Авесто" ҳақида буюк олим Абу Райхон Беруний шундай ёзади: "Йилнома

www.ziyouz.com kutubxonasi

китобларида бундай дейилган ... Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди"[7].

"Авесто"нинг Александр Македонский томонидан Грецияга олиб кетилган, зарур жойларини таржима эттириб, қолганини куйдиртириб юборгани, ўн икки минг қорамол терисидаги тилло матн ҳақида (Табарийда 12000 пергамент) кейинги даврларда яратилган зардуштийлик адабиётида ("Бундаҳишин", "Шаҳрихои Эрон", "Денкард" (IX а.), "Арда Вираф-намак" (IX а.), "Тансар хатлари" (VI а.), "Муруж аз-заҳаб", "Форснома" ва б.) маълумотлар бор[8]. Бу асарларда юнонийлар оташхоналарни вайрон қилганлари, ибодатхоналар бойликларини талон-торож этганлари, дин арбобларини ўлдириб, асир олиб кетганликлари ҳақида ҳам ёзилади. Ҳозир бизгача етиб келган "Авесто", Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми, холос. "Авесто" ўттиз "наск" эди, маъжусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди"[9].

Ёзма манбаларга кўра ҳақиқатан ҳам "Авесто" мўбидлар авлодидан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яширин сақланган. Даставвал (I ёки II асрларда) Аршакийлар даврида "Авесто" қисмларини тўплаш бошланган. Кейинча Сосонийлар даврида, Ардашер Папакан (227-243) даврида ёзиб олинган. Айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олиниб, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган, кейинчалик бу асосий матн тўлдириб борилган. "Авесто"нинг ана шу тўлдирилган нусхасининг икки тўлиқ қўлёзмаси Ҳиндистонда сақланади: бири Бомбайда зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги институтда, иккинчиси Калькуттадаги Давлат кутубхонасида. Ҳар иккаласи парфян ёзувида. Афсуски, фотонусхасини олишга муваффақ бўлмадим.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиё ибтидоий даврида мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи, қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик ҳужумларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Умуман, моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

хайрли ишни, ахлоқли, одобли бўлишни турли диний ақидаларга мутлоқ амал қилишдан устун қўйган. Зардуштийлик динида қўриқ ер очиб уни боғу-роғга айлантирган одам илоҳият раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорлар, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қоладилар.

Аммо кейинчалик Эронда расмий давлат динига айланган зардуштийлик эроншоҳлар ҳукмронлигини илоҳийлаштирувчи синфий қуролга айланган. Руҳонийлар, зодагон ҳокимлар меҳнатдан озод этилиб, меҳнаткашлар ҳисобига яшамоқлари керак, деган таълимот ишлаб чиқилган.

Зардуштийлик таълимотига кўра табиат ва жамият жараёнлари икки қарама-қарши куч — Яхшилик (Ахура Мазда ёки Хурмузд) ва Ёвузлик Ахриман ёки Анграманъю)нинг курашидан иборат бўлиб, пировардида, 3000 йилдан сўнг Яхшилик ғолиб чиқиб, ҳақиқат, адолат даври келади. Шундан омон қолган одамлар абадий бахтиёрликда яшайдилар.

Эрадан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида, бронза даврида ҳинд-орий халқлари Жанубий Ўрол, жанубий Рус даштликларидан чиқиб, Марказий Осиё орқали жанубга, бир қисми Ҳиндистонга, иккинчи қисми Эронга, яна бир қисми Грецияга қараб йўл олган. Кейинроқ силжиган учинчи қисми эса Марказий Осиёда жойлашган. Ана шу минтақада жойлашган халқлар ўртасида зардуштийлик дини шаклланган. Челябинск университети ва Россия Фанлар академияси Ўрол бўлимининг тарих ва археология институти олимлари Жанубий Ўрол даштлигида қадимий ажойиб шаҳар Аркаим вайроналарини топдилар. Уларнинг фикрича, шаҳар 37 асрлик тарихга эга. Шаҳар доира шаклида қурилган, 2-3 минг аҳоли яшаган бўлса керак. Улар оловга сиғинганлар, "балки Аркаим буюк набий Заратустранинг ватанидир"[10]. Бизнинг фикримизча, халқларнинг дастлабки ватани бўлмиш Жанубий Ўролдаги ўтга сиғинувчилар дини ҳали маслак, назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган бўлса керак. "Авесто"нинг 13, 17, 149 яштларида аирйа, туирйа, саирима, саина, даха қабилалари зардуштийлик динини қабул қилишди, дейилади ("туирйа" қабиласи номини "тур" деб ҳам ўқийдилар).

Видевдот қисмида эса Суғда, Моуру (Марғиёна), Насоим, Бахди (Бактрия), Харайва (Хоразм) ва Хаэтумант (Гильманд) вилоятлари ҳам зардуштийлик динини қабул қилишди, дейилади. Бу вилоятлар Марказий Осиё ва Хуросонда жойлашган бўлиб, зардуштийлик дини аввал Мидия ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейинча Ғарбий Эронда эрадан аввалги VIII-VII асрларда савдогарлар, муғлар орқали тарқалган бўлса керак.

Ҳарбий демократия, "замона зўрники" даврида на самарали меҳнат, на қабила, оила билан тинч-тотув яшаш, на одамийлик ҳақида сўз ҳам бўлиши қийин эди. Ҳеч ким ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсунмас, талон-торож, босқинчилик, қон тўкиш билан зўрлар ҳаловатда, заифлар ҳалокатда бўлганлар. Жамият ҳаётида тубдан ўзгариш киритиш, одамларни маълум бир тартибга бўйсундириш, осойишта ҳаёт кечиришни таъминлаш вақти келиб етган эди. Буни яхши тушунган Спитама авлодидан бўлган Поурушаспнинг ўғли Заратуштра (Зардушт) босқинчилик, зўравонлик, бекорга қон тўкишлар, вайронликларни кўриб унинг олдини олиш, одамларни ҳалол меҳнат билан тинч-тотув яшашга ўргатиш йўлларини ўйлади. Натижада "Авесто"нинг энг қадимги қисмлари, яштлар юзага келади. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажаги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди. Зардушт таълимоти асосида ҳар бир инсон ўлганидан сўнг ўз қилмишига яраша марҳамат ёки жазо топиши ғояси ётади. Бундай таълимот на Миср, на яҳудий ва на юнонлар динида бўлмаган.

Зардуштийлик таълимотига биноан танадан чиққан жон "Жудо этувчи кўприк" олдига келади. Аҳдга садоқат маъбуди Митра ва унинг ҳамроҳлари тарози ушлаб турувчи Сраоша ва Рашну ҳар бир жоннинг яхши ва ёмон қилмишлари, сўзлари ва фикрларини тарозининг икки палласига соладилар. Ҳукмни Митра чиқаради, яхшилик тортса руҳ жаннатга, ёмонлик тортса дўзахга тушади (зардуштийликда абадий музлик ва совуқ), агар баробар келса аралаш жой мисвонгатуга кетади. Бу ерда на хафалик, на хурсандлик бор, жон нохуш кун кечаради. Жаннатга руҳни гўзал қиз — Даэна олиб кетса, дўзахга борувчилар олдида кўприк қилич тиғидан ўткир ва қилдек ингичкалашади. Ялмоғиз кампир гуноҳкор жонини жаҳаннамга олиб кетади. Минг йилликлардан сўнг ҳамма қайта тирилади ва сўнгги суд бўлади. Яъни тоғдан оқиб тушган оловсимон эриган маъдан дарёсидан руҳлар бирин-кетин ўтадилар, ўшанда яхшилар безиён қутуладилар, ҳамма гуноҳкорлар, ёмонлик ва ёвузлик худоси Ангра Манъю (кейинча Ахриман) ҳалок бўладилар. Дунёда абадий бахтли ҳаёт бошланади.

Зардуштнинг нариги дунё ҳақидаги таълимоти аввал яҳудийлар, сўнгра христиан ва ислом динига ўтади ва бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

динлар таълимотига биноан қайта-қайта ишланади. Зардушт динига биноан ҳар бир зардушт кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб, уни олқишлаб, сиғиниши шарт бўлган. Бу анъана беш вақт намоз шаклида исломга зардуштийликдан ўтган./Ҳиндистонда, Бомбайда зардуштийлар билан учрашганимда дўппи, саллани уларда кўрдим. Уларда бош яланг намоз ўқиш ман этилар экан, ҳақиқатан, салла фақат Марказий Осиёда, Эрон, яъни аввал зардуштликка мансуб бўлган мусулмонларда одат тусига кирган. Зардуштийлик таълимотига биноан худо қуёш, олов ва умуман, ер юзидаги инсонга ўта зарур бўлган ҳамма нарсада намоён бўлади. Бу таълимот кейинчалик пантеизм деб ном олган фалсафий таълимотга асос бўлган. Зардуштийлар табиатни, ер, сув, дарахт, ўсимлик, жониворларни эъзозлаши, ерни ишлаб, суғориб, боғ-роғ, экинзор қилиши, чорвани, айниқса, йилқичиликни йўлга қўйиши, сувни муқаддас тутиши шарт эди. Бу таълимотга Марказий Осиёда, айниқса, ўзбек ва тожик халқларида ҳалигача амал қилиб келинади. Инсоннинг ахлоқий тарбиясида зардуштийлик динининг аҳамияти беқиёсдир, албатта.

Зардуштнинг ватандошлари унга ишонмайдилар ва таълимотини қабул қилмайдилар. Зардушт ватанини тарк этиб қўшни давлатга кетади, у ернинг маликаси Хутаоса ва шоҳ Виштаспнинг хайрихоҳлигига эришади, улар Зардушт таълимотини қабул қиладилар. Натижада қўшни қабила билан уруш бошланиб, Виштасп ғалаба қозонади. Шундан сўнг бу таълимот халқлар ўртасида кенг тарқала бошлайди (Авесто, Яшт, 13, 100). /

Эрадан аввалги 550-549 йиллари Кир Мидияни енгиб, Эрон давлатига асос солади. У оз вақтда давлат ҳудудини кенгайтириб, Кичик Осиёдаги грек шаҳарларини ҳам босиб олади. Юнонлар эронийлар билан учрашганларида зардуштийлик (юнонлар уни Зороастр деб атайдилар) таълимоти энди тарқала бошлаган эди. Юнонлар илк бор Зардушт ҳақида турли ҳикоялар ҳам эшитганлар. Грек олимлари асарларида Зардушт яшаган давр ҳақида бирон-бир фикр йўқ. Гермодор, Гермипп "Зороастр Троя урушидан беш минг йил аввал", Аристотель эса "у Платон вафотидан олти минг йил аввал яшаган". дейдилар. Аммо ҳанузгача олимлар "Авесто"нинг яратилишини эрадан аввалги XII асрдан VII асргача бўлган давр билан боғлайдилар. Узоқ вақтлар, дастлабки Ахмонийлар даврида ҳам "Авесто" ҳали ёзиб олинмай, коҳинлар томонидан оғиздан-оғизга ўтиб келган дегувчилар ҳам бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

М. Бойснинг хабар беришича, эрадан аввалги VI асрда грек фанининг пойдеворини яратган иониялик етти олимнинг келиб чиқиши, асосан Шарқ мамлакатларидан — Биас фригиялик, Фалес финикиялик, Ферсидас эса жанубий анатолиялик бўлган.

Иониялик файласуф олимларнинг илмий фаолияти амалий ҳаёт эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ривожланган. Бу олимлар ўз таълимотида астрономия, математика, физика ва биология ҳақида дастлабки тушунчаларни, кундалик ҳаётда зарур бўлган асбоблар (масалан, офтоб соати)ни яратганлар. Улар яратган таълимот ибтидоий материализм руҳида эди.

Қадимги грек фани, фалсафаси марказий Грецияда эмас, балки Кичик Осиёда, Иониядаги йирик порт шаҳри Милетда шаклланган. Милет шаҳри географик жиҳатдан қулай жойлашган бўлганлиги сабабли бу ерда савдо, ҳунармандчилик бошқа жойларга нисбатан эрта ва кенг унинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириш Милетда амалга ошган. агар яқин вақтларгача Милет фани, фалсафаси Яқин Шарқ маданияти таъсири остида шаклланган, деган фикр ҳукмрон бўлган бўлса, сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар унга тузатиш киритиб, асосий таъсир VII-VI асрдаёқ Эрон, зардуштийлик томонидан бўлган, деган тезисни олға сурмоқда. Ҳақиқатан Милет Ассирия устидан ғалаба қозонган Мидия билан яқин алоқада бўлган ва, табиийки, бу мамлакатда тарқалган зардуштийликдан ҳам яхшигина хабардор бўлган. айниқса, космология ва космогония соҳасида милетликлар мисрлик ва бобилликларнинг абстракт фаразларига эмас, балки зардуштийликнинг муайян тизимга солинган илми нузумига амал қиладилар. Кир Ионня шаҳарларини босиб олгач, Милетни Эронга қарам қилган, лекин ўзини идора этувчи эркин шаҳар ҳолича қолдирган.

Милет олимлари орасида, айниқса, Фалес (тахминан 624-575 йиллар) таълимоти диққатга сазовордир. Фалес файласуф, астроном, математик, физик, сиёсий арбоб ва савдогар эди. У Лидия шоҳи Крезнинг Кирга қарши юришида иштирок этган, Мидия, Эрон муғлари билан мулоқотда бўлган, уларнинг космогоник таълимотларини ўрганган ва шу таълимот асосида борлиқ хусусияти, осмон ва ер ҳақидаги назариясини яратган. Афсуски, Фалес асарлари қадим даврлардаёқ йўқолиб кетган. Фақат кейинги даврда ўтган файласуф олимлар, айниқса, Аристотел

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарларида берилган маълумотларга таяниб олимнинг ибтидоий материализмга асосланган илмий қарашлари ҳақида фикр юритишимиз мумкин (Ер курраси сувда туради, сув ҳамма нарсанинг моддий асоси).

Зардуштийлик космогоникаси бўйича ер гардиш шаклида, у сувда туради, намлик, сув ҳамма нарсанинг асоси, ерни океан қуршаган, у худди сувдаги тахтадек. ана шу доктринага биноан зардуштийлар сувни ҳатто оловдан ҳам ортиқроқ эъзозлаганлар. Уларнинг фикрича, ерни қуршаган олти модда (олти маъбуда)нинг биринчиси сув) Апам-Напат). Унда ҳаёт кучи бор, сувдаги ҳаёт кучини ўсимлик шарбатлари билан бойитиб бориш керак.

Аристотел келтирган Фалеснинг иккинчи тезиси "табиатдаги ҳамма нарсаларда худоларнинг иштироки бор, улар ўлик эмас, тирик". Бу ғоя эса Зардуштнинг юқорида келтирилган фикрига асосланган. Зардуштийликда Ахура Мазда аввал борлиқ ва ҳамма нарсаларни тана қобиғидан (меног) озод ҳолда яратган, кейин уларга шакл берган, деган таълимот бор. Фалеснинг ҳар бир буюмда худо бор, деган назарияси худди ана шу буюмларнинг меног ҳолатини эслатади.

Зардуштийлик таълимотига кўра Ахура Мазда яратган олти модда — олти маъбуд Амэша-Спэнта (яъни "мангу авлиёлар") қуйидагилардир — Воху-Мана (Яхши ният), Аша-Ваҳишта (Ўта адолатлилик), Спэнта-Армаити (Диёнатли авлиёлик), Хшатра-Ваирйа (Орзу этилган қудрат, ирода), Хаурватаг (Яхлитлик) ва Амэрэтаг (Мангулик). Уларнинг ҳаммаси Ахура Мазданинг эманациси. Улар ўзлари яратган ҳар бир моддада иштирок этадилар. Фалеснинг иккинчи тезиси эса зардуштийликнинг айнан ана шу Амэша-Спэнта таълимоти таъсири остида шаклланган. Борлиқнинг асоси тўрт унсур (сув, ер, олов, ҳаво) таълимотида ҳам Шарқ файласуфисининг таъсири бор. Фалесни грекларнинг дастлабки олими дейиш мумкин. У биринчи бўлиб йилни 365 кунга тақсимлайди. Ҳисоблаб чиқиш натижасида эрадан аввалги 585 йилдаги кун тутилишини аввалдан аниқ айтади, ояга қараб пирамидаларнинг ўлчаш йўлини тавсия этади ва ҳоқазо. Инсоният тарихидаги энг кўҳна ва ҳалигача ўз кучини йўқотмаган "Кимлигингни ўзинг яхши билиб ол" ва "Ҳеч нарса ҳаддан зиёда бўлмаслиги керак" деган икки ҳикмат ҳам Фалесга тааллуқли дейдилар. Ҳақиқатан, бу тушунчалар ҳам Шарқ халқлари этикасида ҳалигача сақланиб келмоқда. Айтишларига қараганда Фалес ўз таълимотини шеър билан ёзган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фалес таълимотини унинг шогирди ва ватандоши Анаксимандр (610-547/46 йил) давом эттирди. Анаксимандр юнон адабиёти тарихидаги биринчи насрий асар "Табиат ҳақида" рисоласини яратган эди. Ундан олинган парчалар фақат кейинги давр олимлари Симпликий ва Феораст асарларида сақланиб қолган, холос.

Эрон салтанатига асос солган Кир (558-529/30) Кичик Осиёда грек шаҳарларини босиб олишдан аввал анча тайёргарлик ишлари олиб бориб, шаҳарларга муғлар (зардуштийлик дини коҳинлари) юбориб, жамоатчилик фикрини ўз фойдасига қаратишга ҳаракат қилади. Табиийки, регионда яшовчи давлат арбоблари, адиб, олим ва умуман донишмандлар муғлар олиб борган суҳбатларга қизиқар эдилар. Улардан ўз олдиларида турган муаммоларга жавоб топишга уринадилар. Анаксимандр зардуштийлик дини коҳинлари билан дунёнинг келиб чиқиши, буюмларнинг пайдо бўлиши ҳақида суҳбатлар олиб боради. У ҳам Фалес каби космогония масаласига, борлиқ, ҳамма нарсалар қаердан пайдо бўлганига кўпроқ қизиққан. Фалесдан фарқли ўлароқ, у борлиқ фазонинг чексизлигидан пайдо бўлган, "чексизлик ҳамма нарсага йўналиш беради ва ҳамма нарсани идора этади" дейди. Аристотел Анаксимандрнинг бу фикрига изоҳ бериб, "ҳар бир нарса бошланишида йўқликдан пайдо бўлмаган ва бутун йўқолиб кетмайдиган нимадир бўлиши керак", "ҳар бир пайдо бўлган нарсанинг охири бор, лекин у мутлақ йўқ бўлиб кетмайди" дейди. Аристотел бу фикрни "файласуф айтган чексизлик илоҳият, чунки у мангу, йўқ бўлиб ҳам кетмайди" деб изоҳлайди.

Аристотелнинг ана шу юқорида келтирилган талқини кейинги давр юнон фалсафаси учун ҳам ҳал этувчи рол ўйнайди. "Чексизликдан пайдо бўлган буюмлар маълкм вақтдан кейин яна асли ҳолига, чексизликка қайтади. Шундай қилиб, беҳисоб дунёлар пайдо бўлади ва ҳалок бўлади" (Аэтий, 1, 3. 31). Чексизлик ҳақидаги назария зардуштийликнинг Ахура Маздаси билан боғлиқ эди, чунки бу худонинг макони осмондаги чексиз нурда. Анаксимандрнинг рационалистик фикри бўйича жаҳонда бизнинг еримизга ўхшаган "дунёлар кўп, лекин улар бир-биридан жуда узоқда, уларни фақат тафаккур кучи билан билиб етиш мумкин, кўриб бўлмайди". Бу таълимот Ахура Мазда томонидан еримизни қуршаган олти кичик маъбуда яратилиши ҳақидаги таълимот таъсири остида келиб чиққан бўлса керак, чунки зардуштийлар фикрича, уларни Ахура Мазда ҳам бепоёнликдан яратган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анаксимандр яратган космогоник таълимот бошқа юнон файласуфлари ижодида учрамайди. Анаксимандрнинг фикрича, коинотдаги ҳар бир дунёни аввал ҳаво, кейин олов қуршаган. Еримизнинг ҳаво билан олов қобиғи ўртасида аввал юлдузлар, сайёрлалар, кейин ой ва ниҳоят қуёш жойлашган, ер конус шаклида. Космогонияни ана шундай тасаввур этиш коҳинлар томонидан ишлаб чиқилган зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ. Тўғри Анаксимандр зардуштийларнинг космос ҳақидаги назариясига бир қанча ўзгартиришлар киритиб, анча мураккаблаштиради, ҳавода (атмосферада) тешиклар бор, юлдузларнинг катта-кичиклиги ана шу тешиклар билан боғлиқ, юлдузлар тешиклар орқали кўринган ернинг олов қобиғи ва ҳоқазо. М. Бойс, М.Л. Си (See)га суянган ҳолда "Анаксимандрнинг ўзи шундай мураккаб таълимотни юнон ўтмишдошларидан олиши ё эронликларнинг таъсирисиз ўзи ишлаб чиқиши мумкин деб фараз қилиш мутлоқ бемаънилик бўлур эди. Лекин айни вақтда Анаксимандр грек фанига хос материалистик метереологияни эрон космонияси билан бойитган ҳолда ишлаб чиқди"[11], дейди.

Анаксимандр ҳайвонот дунёсига бўлган муносабатида Фалес таълимотидан келиб чиқиб, ҳамма жониворлар намликдан, одамлар ҳайвонлар эволюциясидан пайдо бўлган, дейди.

Милетлик файласуф олимларнинг учинчиси, Анаксимандрнинг дўсти, шогирди Анаксимен (э. ав. 585-523 йил) эди. Фалес ва Анаксимандр асарлари каби Анаксимен мероси ҳам бизга бошқа муаллифларда келтирилган парчалар орқали етиб келган. Олимнинг фикрича, ҳамма нарсалар ҳавонинг сийракланиши ёки зичланишидан пайдо бўлади, сийракланса олов, зичланса шамол, булут, туман, кейин сув, ер, тош бўлади; ер текис доира, уни ҳаво ушлаб туради. Ердан чиққан буғлар мусаффолашиб оловга айланади, олов қуёшга, ой ва юлдузларга айланади, юлдузлар баргларга ўхшаб енгилгина фазода учиб юрадилар. Греклар айтганидек, осмон ёритгичлари ер тагига кирмайдилар, балки баланд тоғ орқасига яшириниб, яна чиқадилар, кечанинг кундуз билан алмашинуви ана шундан. Баланд тоғ "Ҳара" (Юнонлардаги Рипей тоғи, Шарқ эртакларидаги айсонавий Қоф тоғи) эронийлар таълимоти билан боғлиқ.

Марказий Осиёда ривож топган ибтидоий фалсафий таълимотлар, айниқса зардуштийлик таълимоти диалектика асосчиларининг бири бўлмиш эфеслик Ҳераклит (544-

www.ziyouz.com kutubxonasi

475 йил) дунёқарашига айниқса кучли таъсир этган. Ҳераклит "Табиат ҳақида", "Музлар" ва "Логос" сингари асарлар муаллифи. Унинг асарлари тўлиқ етиб келмаса-да, жуда кўп парчалар сақланиб қолган.

Фалес борлиқнинг асоси сув, Анаксимандр ҳаво деса, Ҳераклитнинг фикрича, ҳамма нарсанинг асоси олов. Зардуштийлик таълимотида эса Ахура Мазда Амэша-Спэнта — олти кичик худолар — олти борлиқни оловдан барпо этган, олов уларга ҳаёт ва иссиқлик беради, дейилади. Ҳераклитнинг фикрича, олов ердан чиқан ва уни ўзгартириб юборган. Олов космосдаги дунёлар ўртасидаги алоқани таъминлайди, ҳаво, сув, ер оловдан пайдо бўлади ва маълум вақтдан сўнг ҳаммаси яна ўтган айланади. Дунёда ҳамма вақтдан сўнг ҳаммаси яна ўтга айланади. Дунёда ҳамма нарса доимий ҳаракат ва ўзгаришда, қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайди. Доимий ўзгариш ва ҳаракатни Ҳераклит қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Бу тезиснинг асосида зардуштийлик динидаги Ахура Мазда билан Ангра-Манъю, Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги доимий кураш ётади.

Ҳераклитнинг фикрича, қуёш ҳаракатини Дике, зардуштийликда эса Митра назорат қилиб туради. Дикенинг яна бир вазифаси ёлғоннинг жазосини бериш. Зардушт олти абстракт, ахлоқий тушунчаларни ҳам илоҳийлаштириб "Мангу авлиёлар" номини берган эди. Милет файласуф олимларида космик адолат тушунчаси бўлиб, Ҳераклитда у Дике билан боғлиқ, Дике эса зардуштийликдаги Аша-Ваҳишта, адолат, ҳаққонийлик ҳақидаги таълимот билан боғлиқ эканлиги аниқ.

Ҳераклит ҳам Зардушт каби абстракт тушунчани илоҳийлаштиради. Унинг фикрича, донишмандлик — илоҳият, лекин уни Завс деб атаб бўлмайди. "Донишмандлик ҳамма учун ягона, у дунёда жорий этилган тартибни сақлаб туришни билади". Донишмандлик инсонлар фаолиятини доим кечаю кундуз кузатиб боради". Илоҳият инсонлар қилмишини назорат остида тутиши греклар учун янгилик бўлиб, зардуштийларнинг Ахура Маздаси ва Амаша-Спэнтаси фаолиятининг айнан ўзи эди. Яхшилик, ҳаққонийлик, диёнатлилик каби хусусиятга эга инсонлар руҳи, Ҳераклит таълимотида айтилишича, ўлгандан сўнг осмонга чиқиб, қуёш ва юлдузларнинг мусаффо фазосида мангу бўладилар, нафсига берилганлар ой атрофида бўлиб, ёғинсочин, совуқлик улардан тарқалади. Энг олижаноб қаҳрамон, ботир одамлар руҳи энг юқори осмону фалакка кўтариладилар (греклардаги Ҳейройлар)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсонларнинг вафотидан кейинги тақдирини Ҳераклит томонидан юқорида келтирилганидек талқин қилиш грек дини, дунёқараши учун мутлақ янгилик эди. Чунки уларнинг тасаввурида ҳамма ўликлар Тартарга ўликлар дунёси маъбуди Аид ўлкасига боради (Ҳомерда ҳатто Троя урушининг қаҳрамони Ахиллес ҳам Аид дунёсида бўлади). Ҳераклит инсонларнинг ўлганидан кейинги тақдири ҳақидаги назариясини зардуштийлик таъсири остида ишлаб чиққан. Бунинг яна бир исботи: зардуштийлик дини ер муқаддас, ўлган ҳар бир нарса ҳаром, муқаддас ерни ифлослантирмаслик учун уни ерга кўмиб бўлмайди, ўликлар суяги гўштидан ажратилиб остодонга солиб ерга кўмилган. Ҳераклит: жон чиқиш вақтида тана бузилади, ҳаромлашади, шунинг учун уни на ерга кўмиб, на оловда куйдириб бўлади, уни ҳайвон ва қушлар еб кетиши керак дейди (ҳозиргача Ҳиндистондаги зардуштийлар ўликларни Даҳма-минорага чиқариб қўядилар, қарға ва грифлар еб бўлгач, суякларни дафн этадилар).

Зардушт таълимотида ахлоқ кодексини биринчи ўринга қўйганидек, Ҳераклит ҳам сохталик, ёлғон, бузуқлик, манманлик, ичкиликбозлик каби ахлоқий тубанликларни қоралайди.

Инсоннинг ўлимидан кейинги тақдири бу дунёдаги қилмиши, яхшилик ёки ёмонликлардан келиб чиқади; худо-интеллект, уни борлиқ, материя сифатида ўрганиш мумкин, одам тафаккури англаб етмаган дунёлар борлиги каби тушунчаларни греклар зардуштийлик билан танишгандан кейингина англаб етганлар ва улар ҳақида бош қотира бошлаганлар.

Платон издошлари ўртасида ҳам зардуштийлик таълимоти кенг тарқалган бўлиб, ҳатто Платон шогирдлари устоз таълимотини муғлар билан боғлашга, зардуштийликдан келтириб чиқаришга уринганлар.

Аристотел Платон академиясида таълим олиб юрган вақтларидаёқ унинг Шарқ маданияти, Шарқ донишмандларига ҳурмати ва қизиқиши катта эди. Аристотел ўзидан аввал ўтган олим, файласуфлар ижодини ўрганар экан, "муғлар ва уларнинг таълимотига" ҳам алоҳида диққат билан қараган. Афсуски, зардуштийлик таълимотига бағишланган "Муғлар" рисоласи бизгача сақланиб етмаган. Лаэртлик Диоген Аристотелнинг зардуштийликка бўлган муносабати ҳақида "Аристотел ўзининг фалсафа ҳақидаги дастлабки китобида муғлар ҳатто мисрликлардан ҳам қадимийлар, уларда икки дастлабки принцип бор — эзгулик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ёвузлик, бири Зевс-Ормазд, иккинчиси Ҳадес-Ареманус", деган сўзларни айтади.

Аристотелнинг фалсафий рисолалари билан зардуштийлик таълимотини муқояса қилар эканмиз, бир қанча масалаларда, айниқса ахлоқ масаласида ("Никомах этикаси") умумийлик борлигига гувоҳ бўламиз. Бу масала махсус тадқиқотни талаб қилади, шунинг учун бу ўринда тўхталмадик.

Қадимги юнон-рим олимлари зардуштийлик ҳақида илмий ишлар ҳам яратганлар ёки асарларида маълумотлар келтирганлар. Масалан, Ҳеродот, кичик Плиний, Книдлик Евдокс, Плутарх, Страбон, Павзаний, Цицерон, Лаэртлик Диоген, Ксанф, Филон, Гермипп ва бошқалар. "Муғ" сўзининг илк бор "маг" шаклига айланиши ҳам юнонлар билан боғлиқ бўлиб, фикримизча, "маг" қадимги юнон тили қоидаларига бўйсундирилган ҳолда "магус"га айланиб, Шарқда "маъжус" шаклида тарқалган. Замондошимиз, бельгиялик олим Жак Дюшен Гийёмен "Заратуштра гимнлари" таржимасининг сўз бошисида қуйидаги сўзларни ёзади: "Шарқ ўғлонлари орасидан Ғарб биринчи бўлиб Заратуштрани ўғил қилиб олди. Унинг таълимоти Христос таълимотидан тўрт аср аввал Грецияни бойитди. Заратуштрани Платон билган. Будда ва Конфуцийларнинг овози Европага етиб келгунча жуда кўп вақт керак бўлди, шунинг учун асрлар давомида Ғарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Заратуштра орқали таниш бўлган ... Эронийлар таълимоти грек фалсафасидаги дуализмга ўз таъсирини ўтказган",[12] дейди.

Шарқ ва Ғарб, Эрон ва Юнон, зардуштийлик ва Ионияда ривож этган илмий-фалсафий оқим ўртасидаги яқинлик, таъсирни юқорида келтирилган ўхшашликлар билан аниқлаб бўлмайди. Иония тарихининг эрадан аввалги VII-VI асрлардаги иқтисодий-ижтимоий ҳолати ўзидан юқори бўлган маданият таъсирини қабул қилиш даражасига кўтарилди ва Шарқ таъсири эса потенциал кучлар тараққиётига туртки бўлди. Натижада Ионияда, аниқроғи Милетда шаклланиб ривож этган ибтидоий материалистик илмий-фалсафий таълимот ташкил топди. Тўғри, Шарқнинг таъсири узоқ давом этмади, эрадан аввалги V асрда рўй берган Юнон-Эрон урушлари бунга чек қўйди. Лекин Милет мактаби бундан кейинги грек тафаккури ривожига, айниқса, Демокрит, Платон, Аристотел, Эпикур каби файласуфлар таълимотига катта таъсир этди ва юнон табиий фанлар ривожини аниқлаб берди. Шу маънода

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтишимиз мумкинки, агар қадимги юнон фани, фалсафаси кейинги давр Шарқ ва Европа илм-фан ва фалсафасига асос бўлган бўлса, демак, бунда зардуштийлик таълимотининг хизматини инкор этиб бўлмайди.

Араб истилоси, ваҳшиёна қирғинлардан кейин ҳам ота-боболар динига қайтиш кўп учраган, ҳатто X асргача Бухоро, Самарқанд, Эрон, Бобилда зардуштийликка мансуб одамлар анчагина бўлган. Немис шарқшуноси Адам Мец, Нольдеке нашр этган Табарий тарихига суянган ҳолда, "X асрда зороастризм (маъжус) христиан ва яҳудийлар дини билан бир қаторда ҳимоя остига олинган (халифалик томонидан — Ф.С.) дин сифатида сўзсиз эътироф этилган эди. Христиан ва яҳудийлар каби улар сарой ва давлат қошида ўз бошлиқларига эга бўлганлар, аммо зардуштийликка ҳалигача қўл етмайдиган жойларда макон топган мустақил ва жасур душман сифатида қаралган"[13], деган маълумот беради. 979 йилда эса Шерозда зардуштийларнинг мусулмонлар билан тўқнашуви ҳам рўй берган. Археолог Г.В. Григорьев Самарқандда ҳатто XIII асрга тааллуқли муғлар қабрини топган.[14] Самарқандда шаҳарни сув билан таъминловчи қувурлар ишини тартибга солиб туриш учун ерли ходимларни XI асрда ҳам ўз динларида қолишга араблар расмий равишда рухсат этганлар[15] ва ҳоказо.

Бухоро тарихини ёзган Наршахий Кўшки Муғон ҳақида қуйидагиларни баён этади: Қутайба Бухорони олгач, аҳолига ўз уйлари ва ерларининг ярмини арабларга беришни буюрди. "Бухорода бир қавм бор эдики, Кашкашон дер эдилар... Қутайба уйлар, асбоб-анжомларни тақдим қилиб беришга қистай бергач, улар ўз уй-жойлари ва асбоб-анжомларини бутунлай арабларга қолдириб, ўзлари учун шаҳар ташқарисида етти юзта кўшк бино қилдилар ... ҳар бири ўз кўшкининг атрофига хизматкорлари ва ўзига қарашли одамлари учун уйлар қурди ва ҳар бир киши ўз кўшкининг олдига боғ ва текис майдон барпо қилди ва улар ана шу кўшкларга кўчиб келдилар. У кўшклар ҳозирда вайрон бўлиб, кўпроқ қисми шаҳарга қўшилиб кетган, у жойда фақат икки-учта кўшк сақланиб қолган ва уларни "Кўшки муғон" дейдилар. Чунки у жойда оташпараст (муғ)лар турганлар. Бу вилоятда оташпарастларнинг ибодатхоналари кўп бўлган ва муғлар кўшклари дарвозалари олдида гўзал ва оромбахш боғлар бўлиб, уларнинг экин ерлари жуда қимматбаҳо бўлган"[16]. Ҳақиқатан кейинги асрларда ошкора зардуштийлар жуда

www.ziyouz.com kutubxonasi

оз бўлса-да, махфий равишда аждодлар динига эътиқод қилиш анча давом этган.

Марказий Осиё халқлари деҳқончиликнинг турли тармоқлари билан шуғулланган, жумладан, соҳибкорлик ҳам кенг ривож топган. Эски Нисо (Насоим)да олиб борилган археологик қазилмаларда Парфия шоҳларининг май сақловчи катта-катта омборлари топилган. У даврда май тайёрлаш, уни шоҳ омборларига тўплаш шарафли вазифа ҳисобланиб, уни бажарувчи махсус хизматчилар бўлган — май ташувчилар, муҳрловчилар, котиб, ҳисобчи ва соқий. Муғлар ҳам шу имтиёзли табақага мансуб бўлганлар[17].

Ислом дини май истеъмол қилишни ман этган, табиийки, уни кўп миқдорда тайёрлаш, олди-сотди билан шуғулланиш ҳам таъқиқланган. Ҳатто босқинчилар маъмуриятида майфурушлик, майхўрликни таъқиб қилувчи махсус мухтасиблик лавозими ҳам бўлган. Фақат ота-боболар эътиқодига содиқ қолган маъжуслар, яъни муғларгина шаҳар чеккаларида, расмий одамлар назаридан узоқ бўлган жойларда бу иш билан шуғулланганлар.

Зардуштийлик фақат моддий ҳаётдагина эмас, балки X-XIII аср Мовароуннахр ва Хуросон адабиётида ҳам анчагина сезиларли из қолдирган. Бу ўринда Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, айниқса, асарнинг Дақиқий (вафоти 978) ёзган қисми, Лабибий, Асадий, Унсурий, Саноий каби X-XII аср шоирлари томонидан ёзилган асарларда халқ ижоди, зардуштийлик ибораларидан кенг фойдаланилганини кўриш мумкин.

Е. Э. Бертельс "Форс-тожик адабиёти тарихи" асарида "Зардуштий ёки христиан, асосан ислом динига мансуб бўлмаган майфурушлар макон топган жой харобат (кулбалар) ва кейинча, шеъриятда, айниқса, Ҳофиз Шерозийдан сўнг анъанага айланиб қолган атамаларнинг деярли ҳаммаси Саноийнинг анакреонтик шеърларида келтирилган",[18] дейди.

Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) ўта мутаассиблиги билан ном чиқарган ва карматлик бидъатининг душмани бўлишига қарамай, саройдаги шоирлар асарларида ҳам зардуштийлик анъаналари мавжуддир. Масалан, Дақиқийнинг шеърidan олинган қуйидаги парча характерлидир.

Дақиқий чор хислат бар гузида аст
Ба гити аз ҳама хубию зишти:
Лаби ёқутрангу нолаи чанг,
Маи чун з нагу зардҳушти[19]

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Дунёдаги ҳамма яхшилик ва ёмонликлардан
Дақиқий тўрт хислатни танлади:
Ёқут рангли лабу нолаи чанг,
Ой каби маю дини Зардҳушти).

Бу шеърда май зардуштий дини билан ёнма-ён келмоқда. Демак, зардуштийлар тамомила тор-мор этилгунларига қадар муғлар макон топган жой шартли "муғ дайри" — майхона, харобат; "пири муғон" — майхона бошлиғи; "муғбача" — хизмат қилиб, май тарқатиб юрувчи бола, соқий маъносини билдирган.

Май сотувчи муғ образини Шарқ поэзиясида илк бор араб шоири Абу Нувос (747/762-806/814) ижодида учратиш мумкин; сосоний қадаҳини тасвирловчи шеърида соқий — "гўзал баҳдин (зардуштий — Ф.С.) қуёш чиқиши билан унга қараб сиғинади",[20] дейди. Арабшунос олим академик И.Ю. Крачковский айтишига кўра[20], Абу Нувос бедуин идеалларини куйловчи қадим араб шеърияти ва расмий консерватив руҳонийларнинг қарашларига зид ўлароқ, ислом дини ман этган майни куйлаган[21]. Абу Нувос бошлаган бу анъана — майни куйлаш орқали расмий ислом ақидаларини онгли равишда бузиш классик Шарқ адабиёти, жумладан ўзбек адабиётининг ҳам ажралмас хусусиятига айланган.

Кейинчалик, XI-XII асрларда сўфизм ғояларининг поэзияга интенсив кириб келиши (Саноий, Аттор, Румий, Нажмиддин Кубро ва б.) билан "май", "май ичиш", "сармаст", "соқий" сингари "май" образи билан боғланган сўзлар сўфизмга алоқадор адабиётларда X-XI асрлар поэзиясида реал, конкрет маъносини йўқотади. Сўфизм ўзида реакцион-мистик ва прогрессив пантеистик дунёқарашларни бирлаштирганидек, май мавзуи ҳам бу адабиётда турли маъно касб этади. Агар пантеизм йўналиши вакиллари X-XI асрлар шеърияти анъаналарини давом эттириб майни риндлик, оптимизм, хурсандчилик рамзи сифатида конкрет маъносига яқин, ҳатто баъзи ўринларда расмий ислом таълимотига антитеза сифатида тасвирласалар (Ҳофиз Шерозий), мистиклар символикасида у илоҳий ҳақиқат, сармастлик эса экстаз ҳолат, худонинг жамолига эришиш, фонийликка эришиш каби мазмунга эга бўлган.

Алишер Навоий сўфизмнинг нақшбандия тариқатига мансуб эканлиги маълум. Афсуски шоир дунёқараши, фалсафий қарашлари масалалари ҳалигача кенгроқ, ўша даврнинг объектив шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқилмаган. Ваҳоланки, бу масалани ёритмай туриб, Навоий асарларини илмий-объектив жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилиб бўлмайди.

Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" асари устида иш олиб борар эканман, "Фавойид ул-кибар" девонида ажойиб бир ҳолатга дуч келдим.

Басе бу дайри кўҳан маҳбасида қилма жулус
Ки, анда ҳар киши мажлис тузар, бўлур маҳбус,

матлаи билан бошланувчи 230 — ғазалнинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи байтлари беихтиёр диққатимни жалб этди:

Совуғ келур кўзума хонақоҳу зуҳду риё,
Хушо шарораи Зардушт бирла дайри мажус.
Майи муғона агар бизга тутса муғбачалар,
Гар арғанун уни йўқ эрса, басдурур ноқус.
Чу йўқ бу кишвари ислом аро вафо била меҳр,
Хушо навоҳийи Афранжу хиттаи Тартус.

(Яъни, хонақоҳ, зухд ва риё кўзимга совуғ кўринади, Зардушт оловининг шарораси ва зардуштийлар макони менга ёқади.

Агар зардуштий болалар-муғлар майини бизга тутса,

Агар орган оҳанги бўмаса ноқус (зардуштийлар қўнғироғи) ҳам бизга етарли.

Агар ислом вилоятларида вафо билан меҳр бўлмаса,

Европа мамлакатларию Татус ўлкаси жуда маъқулдир).

"Арғанун", "ноқуси муғона", "ноқус" образлари девонда яна бир неча бор учрайди (612 ғазал, мустазод, таржибанд). Булардан ташқари "муғ дайри", "муғбача", "муғон", "пири муғон", "муғона", "нағмаи муғона" каби "муғ" ўзаклик қатор сўзлар девонларда кўплаб учради, Навоий ва умуман Шарқ шеъриятида бу тимсоллар мажозий маънога эга эканлигини тушунган ҳолда юқорида келтирилган 230-ғазалдаги байтлар мени мулоҳазага солди. Биринчидан, зардуштийлик шунчалик яшовчан бўлганки, XV асрнинг иккинчи ярмида ҳам, араблар томонидан тор-мор этилгандан етти аср кейин ҳам аждодлар дини, унинг атрибутлари, Зардушт ҳақидаги тушунча ҳамон сақланган. Иккинчидан, ўз даврининг маҳсули, ислом кенг тарқалган, ҳукмрон дин, унинг ақидалари ҳамма мусулмонлар учун мутлақ қонун ва қоида бўлган бир вақтда давр ва замондошларга нисбатан канчалик танқидий муносабатда, нафрат билан қараш керак эдики, шоир бевафо, бемеҳр

www.ziyouz.com kutubxonasi

ислом мамлакатларидан Афранж (Франция, лекин бу ном умуман Европа мамлакатлари сифатида тушунилган), яъни христиан Европасини орзу қилади. Бизнинг вазифамиз Навоий фойдаланган тимсоллар маъносини очиш эмас, балки Навоийдек зот ҳам зардуштийликка мурожаат этгани, XV асрда ҳам ҳали ота-боболар дини ҳақидаги тушунча барҳаёт эканлигини аниқлашдир.

Зардуштийликка қизиқиш XV аср адабиёти, Навоий ижодидагина эмас, ҳатто "Қуввати ислом" деб ном таратган ислом динининг назарий, фалсафий томонлардан пухталаштириб ишланган Бухорои шарифда 1064-1066 ҳижрий, 1653-1656 милодий йиллари бир қўлёзма кўчирилган. Санкт-Петербург давлат халқ кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланадиган ушбу китоб бир қанча асарлардан иборат: "Мазхар ал-ажойиб" ("Ажойиб кўриниш", муаллифи номаълум; (1б-120а варақлар), Эроншоҳ ибн Маликшоҳнинг "Сад дар", "Авесто"нинг юз гатини замонавий форс тилига шеърий ағдарилгани (121 б — 141 а варақлар), Зардушти Бахромнинг "Зардуштнома" (141 б — 159 б варақлар) ва "Чатрангхочанома" (160 б — 223 б варақлар) асарлари ва, ниҳоят, Фаридиддин Атторнинг "Мухторнома" ва яна бир неча асарлар. Қўлёзмани ҳаттот Муҳаммад Қосим ибн мулла Муҳаммад Жалил ал Қобули ал Бухорий кўчирган. "Чатрангхочанома" брахманлик динидаги Чатрангхочанинг Гуштасп саройида зардуштийлик динига ўтгани воқеаси шеърий усулда тасвирланади. "Сад дар" паҳлавий тилидан замонавий форсийга ағдарилган бўлиб, унда зардуштийликда ҳуқуқ масалалари ёритилади. "Зардуштнома" ҳам паҳлавий тилидан шеърий таржима бўлиб, Зардуштнинг ҳаёти тасвирланади.

Бухорода кўчирилган мазкур қўлёзма ҳақидаги маълумот фақат бир факт, яъни XVII асрда ҳам, зардуштийлик ман этилганидан минг йил кейин ҳам унга қизиқиш камаймаганини тасдиқловчи далил сифатида келтирилди.

АНТИК АДАБИЁТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАВЗУСИ

Қадимда ҳали ёзув бўлмаган ёки кам тарқалган даврларда фикр изҳор қилиш, авлоддан-авлодга ўтиши лозим бўлган тушунчалар, воқеалар асосан шеърий усулда берилган, чунки насрдан кўра назм хотирада яхши сақланган ва уни ёд олиш бирмунча осон бўлган. Ҳаттоки жаҳондаги даставвалги конституция ҳам шоир, мутафаккир, сиёсий

www.ziyouz.com kutubxonasi

/арбоб Солон (э. ав. VII аср) томонидан шеърий усулда ёзилган эди. Насрий матн қадимги Юнонистонда фақат эрадан аввалги VIII-VII асрлардагина юзага келиб, тош, мис, ёғочга ўйиб ёзилган қисқагина ёзувдан иборат бўлган. Ҳомер "Илиада"да "Шайтоннинг қандайдир белгилари юзага келибди", яъни ҳарфлар яратилибди, дейди.

Эрадан аввалги VII-VI асрларга келиб Кичик Осиёдаги Иониянинг Яқин Шарқ мамлакатлари — Эрон, Миср, Мидия, Вавилон, Ассириялар билан савдо алоқалари ўрнатиши натижасида юнонлар уларнинг юқори маданияти билан танишадилар. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожи миллий анъаналар, сохта диний тушунчаларни бартараф этиш ва фаннинг ибтидоси яратилишига эҳтиёж туғдиради.

Ионияда шакллана бошлаган рационалистик фан асосларини шеър билан изҳор қилиб бўлмас, бунинг учун аниқ иборалар, маънога путур етказмовчи услуб зарур эди. Натижада шеър бадиятидан холи бўлган илмий наср дунёга келади (Анаксимандр).

Бадиий адабиётда ҳам оддий кишилар ҳаётидан олинган оддий воқеалар, афсона ва эртакларни содда тил билан баён этувчи ҳикоялар вужудга келади (бунга бизгача етиб келмаган "Сибарит ҳикоялари" мисол бўлади), ҳатто мифлар, эпик асарларнинг содда тилда берилган насрий баёнлари келиб чиқади. Саёҳатчи ва савдогарлар ҳам кўрган, учратган жойлар, ажойиботлар ҳақида қисқа насрий маълумотлар ёзганлар. Ана шу зикр этилганларнинг ҳаммаси айни вақтда ёзувнинг бошланғич намуналари ҳам бўлган.

Юқорида айтиб ўтилган бошланғич насрий асарлар юнон историографиясининг шаклланишига асос бўлди.

Қадимги юнон тарихи бадиий адабиётнинг бир жанри сифатида шаклланди. Греклар учун Ҳомер достонлари ва Ҳеродот "Тарихи" ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқдек, ҳатто мифик даврлар ҳам узоқ бўлмаган ўтмишдек туюлар эди. Шунинг учун Страбон Ҳомер достонлари "Ктесий, Ҳеродот, Гелланикларга нисбатан тарихийроқ" (XI, 6, 3), дейди. Ҳақиқатан, эпик достончиликдан тарихий насрга ўтиш жараёни секин-аста рўй берди, аввало мазмун эмас, шакл ўзгарди. Бир хил воқеа достон, драма ва тарихий асарларда айни вақтда тасвирланди (Эрон-Юнон урушлари воқеаси Самослик Херил достони "Персида"да, Эсхилнинг "Форсийлар" трагедияси ва Ҳеродот "Тарихи"да берилди). Агар Ҳомер Демодок тилидан "эрлар қаҳрамонлигини куй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лайман" деса, Ҳеродот эпик достончилик анъаналарини давом эттириб, "ҳайратга сазовор буюк қаҳрамонликларни тўпладим ва ёздим" (кириш қисми) дейди.

Юнон адабиётидаги тарих жанрининг бошланғич вакилларини "логограф", яъни бўлар-бўлмас ҳақида ҳикоя қилувчи, асарларини эса "логос" (сўз, ҳикоя), "история" деб атаганлар. Тарихий асарларнинг энг қадимий намунаси бўлмиш логосларнинг характерли хусусияти мифларни рационаллаштириб қайта ишлаш, воқеаларни фантастика билан бойитиб тасвирлаш, этнографик ва географик қизиқишларга жавоб излаш эди. Қадимги юнон тарихи ("история" сўзи иония тилида "тадқиқот", "изланиш" маъносини билдирган) Иониянинг Милет шаҳарида шаклланиб, биринчи навбатда бадиий адабиётнинг бир жанри бўлиб, ўзида илмий ва бадиий асарлар хусусиятини мужассамлаштирган. Логослар эрадан аввалги VI асрда Ионияда шаклланиб, бизгача милетлик Гекатей, Акусилай, Гелланик каби адибларнинг асарларидан парчалар етиб келган. Масалан, Гекатейнинг "Ер курраси-нинг тасвири" асарининг бир қисми Европа, иккинчиси Осиёга бағишланган ва унга харита ҳам илова қилинган эди. Бу асар Гекатей саёҳатларининг натижаси бўлиб, ундан парчалар бизга қадар сақланган, булар орасида айниқса хорасмийлар ҳақидаги маълумотлар биз учун қимматлидир.

Милетлик Гекатейнинг (э. ав. VI аср) Хоразм ҳақидаги маълумоти антик давр ёзма ёдгорликларнинг энг қадимийсидир. Умуман Марказий Осиё, конкрет олганда Хоразм ҳақида ёзма маълумотлар жуда оз бўлиб, улар орасида Гекатей маълумоти алоҳида аҳамият касб этади.

Гекатейнинг Хоразм ҳақидаги маълумотлари "Ер курра-сининг тасвири" асарининг Осиё қисмида бўлиб, кейинги давр адиблари Афиней (II-III аср) ва византиялик Стефаннинг (VI аср) "Қабилалар тасвири" асарида сақланиб қолган. Афиней қуйидаги сатрларни келтиради: "Милетлик Гекатей Осиёни тасвирлаб шундай дейди: "... парфларнинг шарқида текисликлар ва тоғларни ишғол қилган хорасмийлар яшайди. У тоғларда ёввойи дарахтлар, тол, юлғун, тиканлик кинара ўсади". Византиялик Стефан эса "Хорасмия: парфларнинг шарқидаги шаҳар. Гекатей Осиёни тасвирлаб, шундай дейди: "уларнинг шаҳри Хорасмия"[1]. Қадимги юнон муаллифлари Ҳеродот, Страбон, Эратосфен, Эфор ва бошқалар Хоразм ҳақида ёзар эканлар, Гекатейга суянадилар. Тожикистонлик олим И.В. Пьянков антик

www.ziyouz.com kutubxonasi

муаллифларининг Гекатейга суяниб ёзган маълумотларини тўплаб, қуйидаги мазмунни юзага келтирди: "Йўл туну кун баробар бўлган шарққа қараб борар, яъни тўппа-тўғри шарққа. Йўл Мидиядан Каспий дарвозаси бўйлаб ўтади; баланд тоғлар йўлнинг чет томонида бўлган, унинг орқасида гирканлар ери ва Гиркан ёки Каспий денгизи жойлашган. Йўл аввал парфларнинг тоғлик еридан, кейин тоғлар ва текисликлар бўлган хорасмийлар еридан ўтади. Хорасмия шаҳри ҳам шу ерда бўлган. Кейин йўл бактрийлар еридан ўтган, бу ўринда тоғлар ўнг томонда бўлган, кейин гандарийлар ерига чиққан, у ерда Каспапира шаҳридан Ҳинд дарёси орқали сузиш бошланган, дарёнинг иккала томонида ҳам тоғлар бўлган. Тоғларда қуюқ ўрмон ўсади, унда тиканлик кинара ҳам бўлган, хорасмия тоғларида ундан ташқари тол ва юлғун ўсган"[2]. Гекатейнинг ўзи Осиёга қилган саёҳатида юқорида тасвирланган жойларга етиб келмаган, маълумотларни Скилакдан олганини ўзи айтади.

Кариялик Скилак Доро I нинг топшириғи билан эрадан аввал 519-512 йилларда Эроннинг жанубий соҳиллари бўйлаб Ҳинд дарёсида саёҳат қилган ва у ҳақда шоҳга ҳисобот ёзган. Кейинча бу ҳисоботни она тилида "Саёҳатнома" шаклига келтирган. Аммо Скилакнинг "Саёҳатнома"си Ҳеродот давридаёқ йўқолиб бўлган ва "тарихнинг отаси" асар билан Гекатей орқали танишган, холос. Гекатей хоразмликлар ҳақидаги қуйидаги парчани Скилак асаридан келтиради "... ер ариқлар ва каналлар билан суғорилади, тоғларда кинара ва бошқа ўтлар ўсади. Ундан кейин бу ерларда Ҳинд дарёсининг икки томонида баланд тоғлар бор, улар қуюқ ўрмон ва тиканлик кинара билан қопланган".

Скилак, Гекатей, Ҳеродот берган маълумотларга суянган ҳолда баъзи олимлар, шулар жумласидан И.В. Пьянков ҳам, Хоразмнинг ҳозирги жойланиши қадимий тасвирларга мос келмайди, унинг қадимий жойи туркман-хуросон тоғларининг шарқий қисмида, Хирот атрофида жойлашган, ҳозирги ҳудудга кейинча кўчиб келган бўлсалар керак, дейдилар. Ҳақиқатан Аристотел ва Страбонлар ҳам Хорасмия текислиги Арея (яъни Ҳирот) тоғлари билан қуршалган дейдилар.

Хоразм ҳақидаги маълумотлар Персеполь, Нақиши-Рустамдаги қадимий эрон ёзувларида, "Авесто"нинг қадимий қисми бўлмиш Митра-Яштда, Яштнинг Шарқий Эрон вилоятларида яратилган мисрларида берилади. "Авесто"да

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам Хорасмия Бактриянинг туркман-хуросон тоғлари ўртасидаги қўшниси, дейилади. Ундай бўлса С.П. Толстов ва узоқ йиллар давом этган "Хоразм экспедицияси" фаолияти натижасида очилган (энг қадимий материал эрадан аввалги VII-VI асрларга тааллуқли) археологик топилмаларга қандай қарашимиз керак.

Александр Македонский даври ва ундан кейинги манбалар эса бутунлай бошқача ҳолатни, яъни Хоразм мустақил давлати қозирги ҳудудда эканини кўрсатади.

Амударёнинг Сариқамиш дельтаси Қуйисой археологик объектини очган ва тадқиқ этган Б.И. Вайнбергнинг фикрича, қуйисойликлар хоразмликларнинг асосини ташкил этган ва эрадан аввалги VII асрда Эроннинг шимолидан келган[3]. Аммо Хоразм экспедициясининг бошқа иштирокчилари Вайнберг фикрини рад этиб, "... Қуйисой маданияти Марказий Осиёнинг жануби-ғарбидаги деҳқончилик маданияти билан қардош... ва сакларга яқиндир. Худди ана шу иккала конгломерат, яъни сак ва Сариқамишдаги ерли хоразм маданияти элементларининг бирлашуви "Қуйисой маданиятини беради"[4] деган фикрни илгари сурадилар (бу масалага кейинча қайтамиз).

Бошқа юнон логографлари Акусилай ва Гелланик асарларидан қолган парчаларда Марказий Осиё ҳақида маълумотлар жуда оз сақланган.

Антик тарихининг классик вакили, тарих фанига асос солган ва ҳақли равишда Цицерон томонидан "Тарихнинг отаси" деб аталган ёзувчи Кичик Осиёдаги галикарнасслик Ҳеродот эди. Унинг асарлари қадим даврлардаёқ Аристотел томонидан юқори баҳоланган (Поэтика IX). Кейинги давр грек тарихчиларининг кўплари (Ктесий, Страбон, Арриан ва бошқалар) Ҳеродот анъаналарини давом эттирганлар. Адибнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз, туғилган вақти тахминан эрадан аввалги 484 йилларга, вафоти 431-425 йилларга тўғри келади. Антик ва ўрта аср муаллифлари Ҳеродот ҳақида қуйидаги маълумотларни берадилар:

Галикарнасслик Дионисий (э. ав. I аср): "Галикарнасслик Ҳеродот Эрон урушларидан сал аввал дунёга келган ва Пелопоннес урушигача яшаган. Ҳеродот тарихни энг олий, арзигулик даражага кўтарган: асарининг мазмуни ниҳоятда кенг ва ажойибдир. Унинг мақсади бир давлат ёки халқ тарихини ёзиш эмас, балки бир асарда Европа ва Осиё ҳаётида юз берган турли ва жуда кўп воқеаларни ёритиш бўлган..."[5] Свида луғати (Византия, XII аср):.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Ҳеродот Ликс ва Дрионинг ўғли, Галикарнасс асилзодаларидан, Феодор деган биродари бўлган. Артемисиядан сўнг Галикарнассда учинчи ҳоким бўлган Лигдамид туфайли у Самос оролига кўчиб кетган. Самосда иония тилини ўрганган ва тўққиз китобдан иборат "Тарих"ни ёзган. У қувғиндан сўнг Галикарнассга қайтган ва ўзи ҳокимни ҳайдаб юборган. Кейинчалик ватандошлар уни ёқтирмаганликларини сезиб, ўз ихтиёрича Фурияга кетиб қолган. У ерда Ҳеродот вафот этган ва шаҳар майдонига кўмилган. Баъзиларнинг айтишларига кўра у Пелледа (Македония) вафот этган. Унинг асарлари "Музалар" номи билан аталган"[16].

Александрияда ижод этган самослик Ҳермипп эрадан аввал яшаган 200 га яқин тарихчилар ҳақида маълумот тўплаган, лекин бу бизгача етиб келмаган. Тарихчининг ҳаёти ҳақида маълумотлар шунчалик оз ва ноаниқки, ҳатто унинг Галикарнассда туғилгани ҳам шубҳалик, чунки энг қадимги қўлёзмалари "Фуриялик ... Ҳеродот..." сўзлари билан бошланган, "Галикарнасслик Ҳеродот..." кейинги даврларда аввалгисига алмаштирилган. Ҳеродотнинг Самос оролида яшагани аниқ. Асарда бу орол ҳаёти ҳақида кўп фактлар келтирилган, самосликлар ҳақида яхши фикрлар айтилган. "Тарихнинг отаси" Дельфиларда ҳам узоқ вақт яшаган бўлса керак, чунки ибодатхонанинг ички тузилиши, ким унга нима ҳадя қилгани, коҳинлар билан бўлган суҳбатлар, уларнинг орақуллари (коҳинлар каромати) ҳақида ҳаққоний ёзилган. Ҳеродот Кичик Осиё шаҳарлари, Миср, Вавилон, Финикия, Кипр ороли, Кирена, Македония, Фракия, Қора денгиз соҳиллари, Эгей денгизи ороллари, Сицилия, Жанубий Италия, Марказий Греция ва умуман қадимги дунё мамлакатлари ва шаҳарларининг кўпчилигида бўлган. Олимларнинг фикрича, у камида 8-10 йил саёҳатда бўлган. Бизнинг мамлакатимиз халқлари ҳақидаги энг қадимги ёзма маълумотни ҳам Ҳеродот асаридан топамиз.

Ҳеродот "Тарих"да Афина ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади.

Агар унинг туғилган жойи аниқ бўлмаганда бу давлат-шаҳарга бўлган ўта хайрихоҳ муносабатидан муаллиф афиналик дейиш мумкин эди. "Тарих"да у бутун эътиборини Афинага жалб этган, жуда кўп воқеа ва фактлар Афина сиёсати нуқтаи назаридан ёритилган. Шаҳар ва унинг атрофи билан адиб яхшигина танишлиги яққол кўзга ташланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимий Греция қулдорлик жамиятининг иқтисодий-сиёсий, маданий тараққиётининг энг гуллаган даври эрадан аввалги V аср ўрталарига, Афина демократиясига раҳбарлик қилган Перикл даврига тўғри келади. Перикл иқтисодий, сиёсий ҳаётга раҳбарлик қилибгина қолмай, машҳур драматург, трагик шоир Софокл, файласуф-софист Протагор билан биргаликда маданият, фалсафа, адабиёт, санъат ривожига ҳам раҳнамолик қилган. Ҳеродот асари мазмуни, воқеаларнинг талқин этилиши ва ғоявий йўналишдан келиб чиққан ҳолда тарихчи ҳам Перикл доирасига яқин бўлган дейишимиз мумкин. Уларнинг дунёқарашлари бир-бирига монанд бўлган, шунинг учун ҳам Перикл ўз нутқларида, Софокл эса ўз трагедияларида Ҳеродот берган маълумотлардан фойдаланганлар.

"Тарих" мазмунидан келиб чиққан ҳолда, Ҳеродот Афинадан эрадан аввалги 443 йилларда Фурияга жўнаган. "Тарих" воқеалари эрадан аввалги 430-424 йилларда узилган, асар тугалланмаган ҳолда қолган. Шунинг учун олимлар Ҳеродот худди шу вақтда вафот этган бўлса керак, деб тахмин қиладилар. Адиб Фурияда ёки Афинага келиб вафот этганми, номаълум.

Ҳеродот яратган "Тарих" александриялик олимлар томонидан (э. ав. III аср) тўққиз китобга тақсимланади ва ҳар бирига музалар номи (Клио, Евтерпа, Талия, Мельпомена, Терпсихора, Эрато, Полигимния, Урания ва Каллиопа) сарлавҳа сифатида қўйилади. Ҳар бир китоб ўз навбатида юзлаб боблардан иборат. "Тарих"да Европа ва Осиё, Юнонистон ва Эрон ўртасидаги урушлар воқеаси ёритилган. Тўғри, Ҳеродотдан аввал Юнон-Эрон урушлари ҳақида драматурглар Фриних ва Эсхил ҳам асарлар яратган эдилар. Аммо Фринихнинг "Милетнинг олиниши", "Финикиялик аёллар" асарлари сақланиб қолмаган, уруш воқеаларининг иштирокчиси бўлган Эсхил трагедияси "Эронийлар" эса ўта ватанпарварлик руҳида ёзилган асар. Самослик Херил достони "Персида" ҳам етиб келмаган, лекин Ҳеродот у асар билан таниш бўлган.

Баъзи олимлар (Ф. Якоби, А. Бауэр, Г.Де Санктис, С.Я. Лурье ва б.) Ҳеродот асарида воқеаларни тартибсиз равишда жойлаштирган, дейдилар. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, асар композиция жиҳатидан бадиий асарга хос қатъий режа асосида уч қисмга бўлинган ҳолда ёзилган. V китобнинг 27 бобигача Кир юришлари, Камбиснинг[7] Мисрга юриши ва Миср тарихи; иккинчи қисмда Доронинг[8] тахтга ўтириши муносабати билан Эрондаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

воқеалар ва эроншоҳнинг скифлар юртига юриши; учинчи қисмида Ксеркснинг тахтга чиқиши, юнон-эрон урушлари, юнонлар ғалабаси. Сестдаги жанг эпизодлари тасвири ва ниҳоят Кичик Осиёнинг истилочилардан озод этилиши ёритилган. Асар "... ушбу воқеалар вақт ўтиши билан унутилиб кетмасин, ҳам эллинлар, ҳам варварларнинг ҳайратомуз буюк қаҳрамонликлари унутилмасин, айниқса, бу урушларнинг сабаби нимада эканини очиш учун шу ахборотларни тўпладим ва ёздим" деган Ҳеродот сўзлари билан бошланади. Ҳеродот "ҳайратомуз буюк қаҳрамонликлар"ни тасвирлашни олдига мақсад қилиб қўйган, чунки ҳозирги замон ўтмишнинг натижаси ва айниқса, ўтмиш воқеалари келажак учун сабоқ бўлмоғи лозим.

Ҳеродот асари жаҳон бадиий адабиёти хазинасининг ажойиб намуналаридан бири. Унда география, этнография ва тарихдан энг қадим даврларга оид, турли халқлар ва элатлар, ҳудудларга оид жуда қизиқ маълумотлар бор. Лекин парадокс шундаки, "Тарих" асарини бизнинг тушунчамиздаги тарихий асар деб бўлмайди. Қадим грек тарихи, жумладан Ҳеродот асари ҳам ҳозирги тарихий асарлардан мутлақо фарқ этади. Унда ҳақиқатни тасвирлаш, унинг сабабларини очиш ва илмий умумлаштиришларга эмас, балки асарнинг бадиийлигига аҳамият берилган. Ҳақиқатан юнон тарихий асарлари бадиий наср услубида, ҳикояга яқин бўлган услубда ёзилган. Ҳатто икки қитъанинг тўқнашуви, инсоният тарихидаги бу улкан урушнинг сабабини романтиклаштириб, Шарқ ва Оврупо халқлари ўртасидаги муҳаббатдан, хотин-қизларни ўғирлашдан келтириб чиқаради (1, 4). Бу кулгули сабабни антик даврдаёқ танқид қиладилар, Аристофан "Ахарнянлар" комедиясида масхаралайди. Турли тарихий воқеалар, турли халқлар, элатлар тарихи, ҳаёти ҳақидаги маълумотлар Оврупо ва Осиё халқлари ўртасидаги буюк тўқнашувнинг умумий фони сифатида берилади.

Асар бошида Ҳеродотнинг асосий мақсади узоқ йиллар давом этган саёҳати вақтида кўрган-кечирганлари ёки эшитганларини ёзиш, ўзи учратган ва элатлар тарихи билан имкони борича китобхонни таништириш эди. Шунинг учун бошланғич китоблар ўртасида боғланиш йўқ, ҳар қайси китобни мустақил асар дейиш мумкин. Асар устида иш давом этади ва муаллиф Афинага келиши муносабати билан унинг мақсади ўзгаради, фақат кўрган-кечирганларини ёзишгина эмас, Юнон-Эрон уруши тари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хини яратишни мақсад қилиб қўяди. Яхлит асар яратиш нияти туғилгач, бошланғич беш қисм бир оз ўзгартирилиб, ягона "Тарих"нинг дастлабки китоблари сифатида киритилади.

Ҳеродот бадиий насрда ёзилган асарнинг яратувчиси сифатида асосий мазмунни қатор қистирма ҳикоялар билан бойитиш, шу йўсинда воқеани жонлантириб, китобхонни қизиқтириш методини грек адабиётида биринчи бўлиб қўллайди. Бадиий асарнинг бундай композициясида яратилиши Шарқ адабиёти учун характерли эди, эрадан аввалги II минг йиллик бошида яратилган Весткар папирусидаги эртаклар ёки V аср миср-яҳудий папирусида сақланиб қолган Ахикар ҳақидаги қисса, Апулейнинг "Олтин эшак" ва "Минг бир кеча" ҳикоялари бунга мисол бўла олади. Низомий, Деҳлавий, Навоий ва бошқа адибларнинг "Хамса" достонларига сингдирилган ҳикояларида ҳам худди ана шу анъана давом эттирилади. Асосий мазмунга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ёки китобхонни қизиқтирувчи ҳикоялар киритилади. Бадиийлик нуқтаи назаридан Ҳеродот услуби новеллистик услубдир. Қадимги юнон драмаларида диалог ва хор ашулалари навбатма-навбат келганидек, Ҳеродот асарида ҳам тарихий воқеа ва ҳикоялар кетма-кет, афсона, миф, нақл, ривоят, эртак, масаллар асосий мазмун орасига киритилган қистирма ҳикоя тарзида берилади (Солон ва Крез, туғилиш ва болалиги, Кандавл, унинг хотини ва қурол ташувчиси, Ксеркс, унинг укаси Масист, Томирис ва Кирнинг ҳалокати ҳақидаги ҳикоялар). Шу усул орқали у ўз асарининг қизиқарли бўлишига эришган.

Ҳеродотнинг "Тарих"и антик давр юнон бадиий насрининг дастлабки йирик намунаси, насрда ёзилган эпик асардир.

Бизни қизиқтирган масала Ҳеродотнинг скиф, сак, массагет, хорасмий, парикан, исседон, дай, парф, мард каби Ўрта Осиёда қадимдан яшаган ўтроқ ва кўчманчи халқлар ҳақидаги маълумотларидир. Тўғри, бу маълумотлар Юнон-Эрон зиддиятлари муносабати билан берилган ва ана шу мавзуга бўйсундирилган.

Ҳеродот асарининг Марказий Осиё халқлари тарихига алоқадор қисмлари дастлабки китобларданоқ бошланади. У биринчи китобнинг 201, 204-215-бобларида Кирнинг массагетларга қарши юриши ва ҳалокатини тасвирлар экан, қадимий аждодларимиз ҳаёти ҳақида маълумот беради. Скифия ва скиф халқлари ҳақида маълумот

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўртинчи китобда, Доронинг бу мамлакатга юриши муносабати билан берилади. Биринчи тўрт китобда Эрон ва Лидия тарихи географик, этнографик ҳикояларни бирлаштириш воситаси бўлган, холос. Бешинчи китобдан бошлаб Ҳеродот асосан Юнон-Эрон урушлари воқеаларини тасвирлашга ўтади.

Ҳеродот Перикл даври маданий-адабий арбобларининг бири сифатида юнон муаммоларини, Греция тарихи, этнографияси, сиёсий, ғоявий муаммоларни яхши билган, лекин Кичик Осиёда эронликлар билан кўп ва яхши муносабатда бўлган ва Эрон муаммоларидан ҳам яхшигина хабардор эди. Тарихчи Шарқ халқларини менсимай, "варвар" деб қарамайди, унинг учун Шарқ умуман инсоният маданияти, донишмандликнинг ўчоғи (I, 4. II, 4), унинг фикрича, геометрия, офтоб соати, қонуният, қуроллар, ёзув кабилар Шарқдан келган (II, 109, 177; IV, 180 ва б.). Эрон шоҳлиги бирлаштирган халқлар тарихи, давлат тузуми, сарой ва ҳарамлардаги фитна-найранглар, ҳарбий тактика ва стратегия хусусида жуда тўғри фикр юритади. Қадимги дунё тарихининг билимдони академик В.В. Струвенинг фикрига кўра Ҳеродот берган маълумотлар қадим даврларда ахмонийлар томонидан Беҳистун, Персепол, Нақши Рустам қояларига ўйдириб ёзилган ёзувларга монанд[9].

М.А. Дандамаев эса "Ҳеродот Беҳистун ёзуви ҳақида ҳеч қаерда ҳеч нима демайди, балки шундай ёзув борлигини билмаган ҳам бўлса керак, лекин у берган хабарлар бу ёзувнинг баъзи жойларини айнан таржимасига ўхшайди"[10], дейди. В.В. Струве ва М.А. Дандамаев берган баҳоларга суянган ҳолда Ҳеродот ўз асарида воқеаларни бузмай тасвирлашга эришган дейишимиз мумкин.

Эронийларнинг Юнонистонга қарши жангларида вилоятлар вакиллари, Марказий Осиё халқлари ҳам иштирок этганлар. Шу муносабат билан Ҳеродот бу халқлар тўғрисидаги илк бор хабарларни ҳам берган. "Тарихнинг отаси" берган хабарлар қанчалик тўғрилиги устида сўнгги йилларда олимлар самарали иш олиб бормоқдалар, бироқ бу борада қарама-қарши фикрлар ҳам йўқ эмас. Ҳар ҳолда тарихчи маълумотлари ҳақиқатга яқин эканлигини сўнгги 30-50 йилларда олиб борилган археологик изланишлар натижаси бўлмиш топилмалар исботламоқда (масалан, Қора денгиз бўйи скифлари ҳақидаги маълумотларни қўрғонлардаги топилмалар тасдиқлади).

Биринчи китобда келтирилган Кичик Осиё соҳилларининг юнонлар томонидан ўзлаштирилиши ҳақидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳикоядаёқ Марказий Осиёдан бориб ана шу жойларни босиб олган киммерлар эсланиб, "киммерлар Крездан аввал Ионияга бостириб кирган эдилар, лекин бу юриш узоқ вақтли истило эмас, балки ўлжа олиш учун қилинган ҳужум эди"[11] дейилади. Олтой ва Ўролда қадим даврларда яшаган ва номи бизгача етиб келган халқ грек манбаларидаги киммерлар, "гимир" вавилон ва ассирлар тилида, Библияда эса "Ефатнинг ўғли Гомер" деб аталади.

И.В. Куклинанинг археологик изланиш ва тадқиқотлари натижасида киммерлар Амударёнинг қуйи оқими соҳилларида яшаб, кейинча Қора денгизнинг шимолий соҳилига кўчганлар. Ўзбекистонда ҳалигача улар номи билан боғлиқ бўлган топонимлар сақланган. Масалан, Бухоро областида Қиммирқум номли аҳоли яшовчи жой бор. Страбон берган хабарга кўра (I, 2, 9; III, 2, 12), киммерлар Ҳомердан бир оз аввал ёки унинг даврида Кичик Осиёга бостириб кирганлар. Улар Ассирия, Мидия тарихида маълум роль ўйнаганлар. Ассирия клинопис ёзувларида берилган хабарларга биноан киммерлар Саргон II (722-705) даврларида, балки ундан ҳам аввалроқ, 730-720 йилларда Кичик Осиёга келганлар. Ҳомер "Илиада"да "бияларни соғувчи, сут ичувчи деб, "Одиссея"да эса аниқроқ қилиб "киммерларга қуёш ҳеч қачон боқмайди, у ерда ҳамиша туман, булутлар, шаҳар, ер ва одамлар устида ҳамиша зулмат" (XI, 12) дейди. Шоирнинг бу мисраларини Страбон шоирона муболаға дейди. Тўғри, Ҳомер улар қачон ва қаерда яшаганлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Лекин шоир ўз асарида фақат ўша давр ҳаётида из қолдирган қабила ва элатлар ҳақида хабар берган.

Ҳеродотдан бошқа грек муаллифлари ҳам киммерлар ҳақида маълумот берганлар. Страбон эрадан аввалги VII-VI асрда яшаган шоир Каллин, IV асрда ўтган Каллисфенларга суянган ҳолда қуйидаги маълумотларни беради: Лидия шоҳи Гиг (Гуггу) киммерлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди, Лидиянинг пойтахти Сард эса унинг ўғли Ардис даврида киммерлар томонидан таланди ва ишғол этилди (XIII, 4, 8; XIV, 1, 40). Бу воқеани Ҳеродот ҳам тасвирлайди (I, 15). Яна Страбон "Гордия шоҳи Мидас киммерлар қўлига тушмаслик учун буқа қони ичиб ўлди" (I, 3, 21) дейди. Эрадан аввал 679-678 йилларда киммерлар Ассирияга ҳужум қиладилар, лекин енгиладилар: Асархаддон хроникасида "... ери узоқда бўлган гимир Теушпуни ўлдирдим, лашкарини ҳалок қилдим" дейди ва ҳудодан сўрайди: "гимирлар плани амалга ошадими?"[12].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Страбоннинг хабарига кўра киммерлар Кичик Осиёда Лидияни эгаллайдилар, уларнинг шоҳи Лигдамис (ассирия гимнида Тугдамме) жангда Кликияда ҳалок бўлади, кейинча киммерлар Каппадокияда жойлашадилар, асосий шаҳарлари Антандр ёки Киммерида деб аталади. Улар тахминан бир аср у шаҳарда ҳукмронлик қилганлар ва вақти-вақти билан қўшни давлатларга ҳужум қилиб ҳам турганлар. 676-674 йилларда Ван шоҳлиги билан иттифоқ бўлиб, марказий Кичик Осиёда Фригияни тор-мор этадилар.

Ҳеродотнинг хабарига кўра киммерлар узоқ ўлкаларда яшаганлар, лекин скифлар сиқиғи остида Қора денгиз соҳилига келганлар, яна скифлар бу ерга келгач, улар Кичик Осиёга юриш қилишга мажбур бўлганлар. Эрадан аввал VII асрда Аристей исседонлар юртига қилган саёҳатидан қайтиб келганда она шаҳар Проконнес киммерлар томонидан вайроналикка айлантирилганини кўради.

Ҳеродот IV китобнинг ўн биринчи бобида киммерлар ҳақида қуйидаги ҳикояни келтиради: "Скифларнинг кўчманчи қабилалари Осиёда яшаган. Массагетлар уларни ҳарбий куч билан ҳайдаганларидан сўнг улар Аракс дарёсидан ўтиб киммерлар ерига келишган (айтишларига қараганда ҳозир скифлар эгаллаб турган мамлакатлар азалдан киммерларники бўлган). Скифлар яқинлашиши билан душманнинг ниҳоятда кўп лашкари яқинлашмоқда, нима қилмоқ керак, деб кенгаш қурганлар. Кенгаш бир фикрга кела олмагач, шоҳлар таклифи қабул қилинган. Халқ чекиниш тарафдори, ...шоҳлар эса она ерни бор куч билан босқинчилардан ҳимоя қилиш тарафдори эдилар. Шундай қилиб халқ шоҳлар маслаҳатига кирмаган, шоҳлар эса халққа бўйсунишни истамаган. Халқ ватанни босқинчиларга жангсиз ташлаб кетмоқчи, шоҳлар эса халқ билан қочгандан кўра она ерни ҳимоя қилиб ҳалок бўлишни афзал кўрганлар. Ахир шоҳлар ватандан маҳрум бўлганларни бегона жойларда қийинчиликлар кутаётганини яхши тушунар эдилар. Шундай хулосага келган киммерлар баб-баравар икки гуруҳга бўлиниб, бир-бирлари билан жанг қилганлар. Қон-қариндошлар бир-бирини ўлдирган жангда ҳалок бўлганларни киммер халқи Тирас дарёси олдида дафн этди (...). Шундан сўнг киммерлар ўз ватанларини ташлаб кетганлар, келган скифлар кимсасиз ерларни эгаллаганлар" (бу ўринда Қора денгиз соҳили ҳақида гап кетмоқда, бу воқеадан сўнг киммерлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кичик Осиёга борадилар). Ҳеродот ҳикояни давом эттириб, скиф ерларида киммерлар номи билан боғлиқ бўлган қатор топонимларни келтиради. С.П. Толстов "Қадимий Хоразм" асарида "Тан сулоласининг тарихи" асаридан олинган Фарғонада янги йил байрами ҳақидаги қуйидаги парчани келтиради: "Ҳар йилнинг бошида шоҳ ва раҳбарлар икки партияга бўлинадилар. Ҳар қайси гуруҳ бир кишини сайлайди, сайланганлар жанг анжомларини киядилар ва бир-бирлари билан жанг қиладилар, қолганлар кесак, тош отиб ўз одамига ёрдам берадилар. Жанг сайланганларнинг бири ҳалок бўлгунча давом этади, йил яхши, ёмон келишини шундай аниқлайдилар"[13]. Бу билан зардуштийлик динига хос бўлган дуалистик дунёқараш ҳақида фикр юритилади. Балки Марказий Осиёдан чиққан киммерларда бўлган ва Ҳеродот томонидан тасвирланган воқеа "Тан сулоласининг тарихи"да тасвирланган воқеага алоқадордир. Балки Ҳеродот киммерлар воқеасини скифлардан эшитган қаҳрамонона эпик асар ёки бошқа фольклор асаридан олган бўлиши мумкин.

Эроншунос олимлар киммер шоҳларининг исмлари — Теушпа (679-678 йилларида Ассирияга ҳужум қилган ва Асархаддон томонидан енгилиб ҳалок бўлган), Лигдамис (Тугдамме, Мидия ва унинг пойтахти Сардни олган, Кликияда Ассирия билан жангда ҳалок бўлган), унинг ўғли Сандакшатру кабилардан келиб чиқиб, киммерларни эрон халқлари гуруҳидан, дейдилар.

Эрадан аввалги VI асрдан бошлаб киммернинг изи на ёзма манбаларда, на археологик объектларда учрамайди. Яқин Шарқда Ассирия, Мидия, Кичик Осиё грек давлатларини ларзага солган қудратли киммерлар қаерга кетдилар, уларга нима бўлди, деган савол келиб чиқади. Бу саволга олимлар ҳар иккала халқ киммерлар ва скифлар этник, тил ва маданият жиҳатидан яқин бўлгани учун бир-бирларига қўшилиб, ассимиляциялашиб кетдилар, дейдилар. Ҳақиқатан қадим даврлардаёқ кўпинча киммерлар билан скифларнинг фарқини яхши ажратолмаганлар. Ассирия гимнида Лигдамис "саклар шоҳи" дейилади; вавилонлар сакларни "гимир" деб атайдилар: Страбон Мадийни дам скифлар бошлиғи, дам киммерлар бошлиғи дейди, Библияда (Книга Бытия, X, 2, 3) Ашкуз (скифлар) Гомернинг (яъни киммернинг) ўғли дейилади. Бир қанча тадқиқотчилар ҳар иккала халқнинг урф-одатлари яқинлигини кўрсатадилар, археологик материалларда ҳам уларни ажратиб бўлмайди. Ҳар ҳолда эрадан аввалги VII аср

www.ziyouz.com kutubxonasi

охири VI аср бошларида Қора денгиз соҳилларида скифлар пайдо бўлиши билан киммерлар номи қайта учрамайди.

Киммер-скифлар қардош халқлар эканлиги ҳақида И.В. Куклина шундай дейди: "...замонавий тадқиқотчилар киммерлар ва скифлар эрон тилида сўзлашувчи қардош халқлар эканлигини тасдиқлашга ҳамма асос бор, ҳар иккала элатларнинг тарих саҳнасига чиқишлари ўртасидаги катта бўлмаган хронологик узилишни киммерлар скиф-сакларнинг илғор отряди бўлган, деб қараш лозим"[14]. Олимани ҳар иккала халқ қардош эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилиб, скиф-саклар ҳақида ўз фикримизни кейинроқ ўртага ташламоқчимиз.

Ҳомердан бошлаб ҳамма антик муаллифлари киммерларни қоронғулик ёки ярим йил тун, ярим йил кундуз тушунчалари билан боғлайдилар, киммерлар юрти туман, қора булут, доимий қоронғулик, дейдилар. Плутарх, айниқса, аниқ картинани чизиб беради, "Осиёга келган киммерлар кўпчиликни ташкил этган халқнинг жанговор қисми. Асосий халқ ташқи денгиз соҳилларида, ўрмонларда туманли жойларда, қутбнинг энг юқорисида, йилнинг кеча ва кундузи тенг тақсимланган жойларда (яъни олти ой кеча; олти ой ёруғ — Ф.С.) яшайдилар", дейди. Антик муаллифлар ана шу жойларни гиперборейлар — авлиёлар ватани билан боғлайдилар. Қизиғи шундаки, Одиссей ўликлар дунёсига гиммерлар юрти орқали тушади. Воқеани Ҳомер шундай тасвирлайди: "Қуёш ботди, ҳамма йўлларни қоронғулик босди, бизнинг кема чуқур океан чеккасига етди. У ерда қоронғулик, булут босган киммерлар халқи ва шаҳри. Ёруғ қуёш осмонга чиққанда ва ботганида ҳам ҳеч қачон ўз нури билан уларга боқмайди, бечора бандалар устида ҳамиша зулмат ҳукмрон". Буларнинг ҳаммаси киммерларнинг асли келиб чиққан ватани шарқи-шимол вилоятлари билан боғлиқ бўлган миф ва эпик ижодиётнинг акс-садоси бўлса керак.

Сўнгги йиллардаги археологик изланишлар натижасида Шарқий Европанинг жанубий минтақаларида киммерлар билан боғлиқ бўлган жуда кўп буюмлар, айниқса рангли шишадан ишланган безаклар топилди. Киммерлар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланганлар, бронза, темир асбоблар ясаганлар. Топилмалар таҳлилига асосланиб, киммерлар Қора денгиз шимолида эрадан аввал IX-VII асрларда яшаганлар, деган хулосага келинди.

Ҳеродот ва бошқа антик муаллифлар ит бошлиқ чавандозларни тилга оладилар. Немис олими Ҳ. Котенинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрича, улар итнинг бош қисмини қалпоқ сифатида бошларига кийиб юрувчи киммерлар бўлса керак. Шу ўринда "Шоҳнома"нинг қаҳрамони Рустам ўзи ўлдирган шернинг калласини бошига қўйиб юрганида тарихий асос бор экан, деган фикр туғилади.

Эрадан аввалги VI аср ўрталарида Марказий Осиё Эрон шоҳи Кир, кейин Доро I томонидан забт этилган эди. Кир томонидан асос солинган Эрон шаҳаншоҳлиги қадимги Шарқ давлатларининг бир қанчаси — Вавилон, Мидия, Миср, Кичик Осиёдаги бир қанча юнон шаҳарларини, Марказий Осиёда Парфия, Хоразм (э. ав. 545-539 йиллар), Бактрия, Суғдиёнани бир катта империя ҳолига келтирди. Кир Мисрни забт этишни ўғлига қолдириб, ўзи лашкарлар билан мамлакатнинг шарқи-шимолидаги эрксевар, саботли кўчманчи халқлар — сак, массагетларни тинчитиш учун жўнайди. Бу жангларда Кир қўшини икки марта енгилади ва ниҳоят ўзи ҳам эрадан аввалги 530 йили ҳалок бўлади.

Эрадан аввалги 522 йили Эронда давлат Доро I қўлига ўтади. Унинг ҳукмронлиги вақтида ҳам Марказий Осиёда, айниқса Парфия ва Маргианада кучли қўзғолонлар рўй беради, уларни бостириш учун Доро бир неча йил сарф-лайди[15]. Қулдорликка асосланган аҳмонийлар давлати Кичик Осиё, Ассирия, Миср, Месопатамия, Эрон ва Марказий Осиёни бирлаштириб бўлиб, йигирма сатрапликка бўлган. Марказий Осиё тўрт сатрапликни ташкил этган эди.

Марказий Осиёнинг Ахмонийлар давлатига қўшилиши бир томондан эрклик, мустақилликнинг йўқолишига олиб келса, иккинчи томондан ижобий хусусияти ҳам бўлди — ўзаро босқинчилик урушларига чек қўйилди, ягона пул тизими, давлат идоралари ишларининг яхши йўлга қўйилгани, карвон йўллари ривожи, савдо алоқаларига тўсиқ йўқлиги туфайли Марказий Осиёнинг халқаро савдодаги иштироки, бошқа халқлар билан иқтисодий-ижтимоий алоқа ўрнатиш, ягона ёзувнинг қабул қилиниши регионда иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлади. Ахмонийлар даврида Миср, Яқин Шарқ, Кичик ва Марказий Осиёни бирлаштирган империянинг турли жойларида мамлакатни ташкил этган турли халқ, элатлар аралашиб яшадилар. Миср, Вавилон, Нубия, Кичик Осиё, Эронда суғди, саклар, парф, бактрия ва хоразмликлар якка-якка, ҳатто колония бўлиб ҳам яшадилар (масалан, Сиппарда сак Сакиэт, Элефантина оролида хоразмлик Даргман ва б.). Улар Ахмонийларнинг давлат идоралари, қўшинида хизмат қилдилар. Ўз навбатида Марказий Оси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёда ҳам Ахмонийлар давлатига қарам бўлган бошқа халқлар вакиллари яшадилар ва хизмат қилдилар. Бундай ҳолатда, табиийки, бу халқларнинг диний эътиқодлари, маданий-анъанаси, халқ ижоди, адабиёти, умуман моддий ва маънавий маданиятлари бир-бирига таъсир этиб, синтезлашади, натижада умумдавлат маданияти шакллана бошлади. Худди ана шу даврда зардуштийлик дини Эронда кенг тарқалди ва империянинг расмий дини сифатида тан олинди. Марказий Осиёлик ҳунарманд қурувчилар эроншоҳларнинг дабдабали саройларини қуришда иштирок этдилар. Марказий Осиё халқларининг бадиий эпик асарлари ҳам Эрон ва бошқа халқлар ўртасида тарқалди. Бунга Ктесийнинг "Эрон тарихи"да келтирилган Заринея, Полиеннинг "Ҳарбий ҳийлалар" асарида келтирган Широқ ҳақидаги ҳикоялари мисол бўла олади. Этнография жиҳатидан ҳам хорасмий, сак, массагет, парфян, бактрияликларнинг кийим-кечаклари, қурол-аслаҳалари бир-бирига ўхшаш, эронликларники ҳам уларга бирмунча яқин. Ахмонийлар шаҳаншоҳлиги Шарқда икки аср ҳукмрон бўлди ва ниҳоят Искандар томонидан тор-мор этилди.

Марказий Осиё халқлари Юнон-Эрон урушларининг иштирокчиси сифатида грек муаллифларини қизиқтирди ва асарларда улар ҳақида маълумотлар ўз аксини топди. Масалан, Ҳеродот ўз асарида урушларда фаол иштирок этган бактрияликлар ҳақида анча-мунча маълумотлар беради.

Қадимий Бактрия (эски форс тилида Бактриш, "Авесто"да Баҳди, Шарқ манбаларида Зариаспа деб ҳам юритилади, юнонча Бактра, Навоийда Бохтари, ҳозирги тилда Балх) ҳақидаги илк бор маълумотлар ҳам "Авесто" ва юнон муаллифлари асарларида берилади. Бактрия "Авесто"да "бахтли, фаровон, байроқдор", "шаҳарлар онаси" деб аталади. Эсхилнинг "Форслар", Еврипиднинг "Вакханкалар" трагедияларида Бактрия ва бактрияликлар тилга олинади. Қадимги ҳинд эпик достони "Махабхарата"да эса "отлар билан ном таратган Балхикага кириш осон эмаслиги" ҳақида сўз боради. Ҳақиқатан эрадан аввалги биринчи минг йилликда Бактрия Осиёнинг муҳим маданий марказларидан бири бўлган, унда ўзига хос маданият, ҳунармандчилик, халқаро алоқалар кенг ривож этлган. Бактрия оламшумул аҳамиятга эга бўлган кўпгина тарихий воқеаларда иштирок этган. Унинг ҳудудида ҳозирги ўзбек, тожик ва туркман халқлари шаклландилар ва қадимий бактрияликлар бу халқларнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Бактрия, Ҳиндистон билан бир қаторда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимги греклар ва римликлар тасаввурида қудратли, ниҳоятда бой, узоқ ерларда, "қуёш чиқадиган ерда" жойлашган афсонавий мамлакат сифатида гавдаланади.

Даставвал бактрияликлар ҳақида Скилак, кейинча Гелланик, Гекатейлар ёзганлар, Ҳеродот эса фақат Юнон-Эрон урушлари муносабати билан хабар беради. Эрадан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Бактрияни Кир босиб олади. Кир агар Вавилонни 539 йили забт этган бўлса, Бактрияни қарам қилган йили номаълум. Ҳеродотнинг хабар беришига кўра Мидия, Лидияни забт этган Кир ташвиш келтирган Вавилон, Бактрия халқи, сак ва мисрликларга қарши юришга "шахсан ўзи раҳбарлик қилмоқчи, юнонларга қарши бошқа лашкарбошини юбормоқчи эди" (I, 153). Масаланинг бундай қўйилиши Марказий Осиё халқларининг эрксевар, мардонавор жангчи, ҳарбий тайёргарлиги кучли эканини Кир тан олганидан дарак беради. Ҳеродотнинг ёзишича, Доро, Ксеркс даврида ҳам бактрияликлар ва саклар босқинчиларга қарши ғалаёнлар кўтариб, тинчлик бермаганлар (I, 153; IX, 113). Ҳатто Ахмонийлар ўзаро тахт учун курашда ҳам бактрияликлардан фойдаланганлар (IX, 113).

Яна Ҳеродот берган маълумотга кўра Бактрия Ахмонийлар давлатининг ўн иккинчи вилоятини ташкил этиб, 300 талант (пул ўлчови), Парфия, Хорасмия, Суғдиёна ва орийлар ўн олтинчи вилоят, 300 талант, саклар ва каспийлар ўн бешинчи вилоят — 250 талант, Парикания ва Осиё ҳабашлари ўн еттинчи вилоят — 400 талант бож тўлаганлар. Демак, Марказий Осиё ва Хуросон вилоятларидан Эрон шаҳаншоҳлиги йилига 1250 талант бож олган. Агар кўҳна маданият ўчоғи ва иқтисодий ривожланган Вавилон ва Ассирия фақат минг талант бож тўлаганини ҳисобга олсак, Марказий Осиё халқларидан 1250 талант олиниши унинг иқтисодий-маданий тараққиёти анча юқорилигидан далолат беради.

Марказий Осиё халқлари Эронга қарам бўлган бошқа халқлар қатори лашкарлар бериши шарт бўлган. Тарихчининг ёзишича, бактрияликлар саклар билан бир қаторда энг яхши жангчилар ҳисобланиб, шоҳ гвардияси қисмида бўлганлар (VIII, 113). Ҳеродот ўз асарида Эрон лашкарларининг бир қисми бўлган бактрияликларнинг кийимлари, қуроллари, жанг усуллари ҳақида ҳам маълумотлар берган (VII, 64, 86; IX, 31). Ҳеродот маълумотларини Беҳистун, Персеполь ва Нақши-Рустам ёзувлари ва тошга ўйилган тасвирлар ҳам тасдиқлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Антик муаллифларининг хабарларига кўра Бактрияда эрадан аввалги VIII асрда мустақил давлат шаклланган, у кучли, қудратли мамлакат бўлган. Бу давлат ҳақидаги энг тўлиқ маълумотни эрадан аввалги VI-V асрларда яшаб ижод этган адиб книдлик Ктесий қолдирган.

Ктесий ҳаёти ҳақида маълумотлар оз. У шифокорлар оиласидан бўлиб, ўзи шу иш билан шуғулланган. Номаълум сабаблар орқали Эронга бориб қолган ва 17 йил шоҳ Артаксеркснинг шахсий шифокори сифатида хизмат қилган. Эрадан аввалги 398 йили шоҳ уни дипломатик топшириқ билан Спартага жўнатади. Адиб аввал ватани Книд, кейинча Спартада қолган умрини ўтказади. У ўз асарларини ватанига қайтганидан кейин ёзган бўлса керак. Ктесий "Эрон тарихи", "Ҳиндистон тасвири", "Осиё солиғи ҳақида", "Ер тасвири", "Тоғ ҳақида", "Дарёлар ҳақида" асарлар яратган бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам тўлиқ сақланиб қолмаган, кейинги давр адиблари баёнида, асарларида, айниқса, Диодорда келтирилган парчаларда сақланган. Ктесий берган маълумотлар Марказий Осиё тарихининг энг кам ўрганилган, турли баҳсларга сабаб бўлган даврига алоқадор. Ктесий бактрияликлар, хорамней, парфян, тапирлар номларини келтиради. Албатта, номини Ктесий тилга олган қайси элатлар ҳозир қайси миллат таркибига кирганини ёки унга асос бўлганини аниқлаш қийин. Умуман масаланинг бундай қўйилишининг ўзи тўғри эмас.

Бактрияликлар, Ктесий айтишича, Сирдарё (Танаис)дан то Ҳиндгача бўлган жойларни, хорамнейлар эса ҳозирги Хоразмнинг жанубини ишғол қилганлар. Парфянлар асосан Хуросонда, кирмон ва гирқанлар эса Эроннинг Кирмон вилоятида яшаганлар: Дарбиклар деб Ктесий массагетларни атаган бўлса керак. Саклар Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, кейинча уларнинг бир қисми ҳозирги Эроннинг Сейстон (Сакстон) вилоятида жойлашган. Ктесий тилга олган бошқа халқлар ҳақида маълумотлар деярли йўқ.

Ахмонийлар саройида, армиясида шарқий вилоятлар вакиллари, ҳатто ҳиндлар хизмат қилганлар, Ктесий саройда улар билан мулоқотда ҳам бўлган. Шарқда узоқ йиллар яшаган адиб асарларида Ҳеродотга нисбатан Осиёга оид ҳаққоний маълумотлар кўп бўлиши керак эди, лекин амалда ундай эмас. Агар Ҳеродот "Мен фақат кўрган ва эшитган воқеаларнигина ёздим" деса, Ктесий асарлари турли уйдирмаларга бой, китобхонни қизиқтириш учун реал воқеаларни эркин равишда ўзгартиради, кенг тафси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лотлар беради, турли тўқималар билан бойитади. Ктесий асарларини тарих эмас, балки тарихий роман дейиш мумкин. Шунинг учун Ктесий берган ҳамма маълумотлар реал тарихий деб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, унинг асарларида, айниқса "Эрон тарихи"да Марказий Осиё халқлари тарихига оид материаллар жуда кўп. Кейин яшаб ижод этган грек ва рим муаллифлари бу материаллардан фойдаланганлар. Кўпинча Ктесийнинг Ўрта Осиё халқлари ҳақидаги ахборотлари Ҳеродот материалларини бойитади, баъзи ўринда эса улар ягона, айниқса регионнинг энг қадимий даври ҳақида унга тенг келадиган бошқа маълумотлар йўқ. Шунинг учун Ктесий асарлари қимматли.

Ктесийнинг "Эрон тарихи"да (Диодорда сақланган парча) Бактриянинг Ассирия шоҳи Нин томонидан забт этилиши воқеаси тасвирланади: "Бактрияни эгаллаш мушкул бўлгани ва ботир жангчилари кўп бўлгани учун... бактрияликларга қарши юришни кейинга қолдирди" (2, 4): "Нин шаҳарга асос солгач, Бактрияга юриш уюштирди, у ерда Семирамидага, биз эшитган хотин-қизларнинг энг машҳурига уйланди, у ҳақда яна шуни айтиш керакки, у паст табақадан, шунчалик олий шуҳратга эришди... (4,1)[16]. Ктесийнинг берган маълумотларига кўра маг Зороастр Бактрия подшоси бўлган. Ктесий ҳикоясини давом эттириб, Нин Бактриянинг кўп шаҳарларини олиб, пойтахт Бактрияни фақат Семирамида ҳийласи ёрдамида ишғол қилганини ва жуда катта бойликка эга бўлганини ёзади. Бу ўринда бактрияликлар кўрсатган ажойиб ватанпарварлик, қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлайди. Диодорда сақланган бир парчада бактрияликлар Ассирия мустамлакасидан қутулганликлари ҳам ҳикоя қилинган. Аммо аслида ассирияликлар ҳеч қачон Бактрияга юриш қилиб уни забт этмаганлар, улар Мидиянинг шимоли-шарқий вилоятларини ишғол этганлар, холос. Бактрияликлар эрадан аввалги IX-VIII асрлардаёқ Ассирия ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқасида бўлганлар. Страбон Аполлодор (э. ав. II аср) "Хроника" сига суянган ҳолда Бактрияни "бутун Ориана безаги", "минг шаҳарлик мамлакат, (XI, I) дейди.

Фотий (IX аср, Византия) Ктесийнинг "Эрон тарихи" асарининг баёнини қолдирган, унда Кир бактрияликларни ўзига бўйсундирганлиги ҳақида ҳам ёзилган.

Ктесийнинг Нин ва Семирамида томонидан Бактриянинг забт этилиши воқеасини, шунингдек, Бактрия шоҳи Зороастр эканлиги ҳақидаги ҳикоясини Помпей Трог, Ев-

www.ziyouz.com kutubxonasi

севий, Аррианлар ҳам такрорлайдилар. Ҳеродот эса бу воқеалар хусусида ҳеч нарса демайди, аммо Кир юришлари ҳақида ҳикоя қилар экан, Бактрия саклар ва Вавилон билан бир қаторда шоҳнинг энг жиддий рақобатчиси эканини ёзади (I, 513). Ксенофонт (э. ав. 445-355) ҳам ўзининг "Киропедия"сида Бактрияни қудратли давлат сифатида тасвирлайди.

Қадимги Бактриянинг шуҳрати юнон муаллифларидан римликларга, улардан ўз навбатида европаликларга ўтган. Уйғониш давр инглиз шоири Жефри Чосер (1340-1400) ўзининг "Кентерберия ҳикоялари" асарида Бактрия ҳақида, унинг шоҳи Ҳиндистонни забт этиши ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳақиқатан қадимги Бактрия давлати Хуросон ва Марказий Осиёнинг бир қисмини ўз ичига олган, Ғарб ва Шарқ савдо йўлининг марказида жойлашган, ўзига хос маданиятга эга бўлган мамлакат эди. Страбоннинг хабарига кўра Бактрия орқали Ҳиндистонга уч йўл, Хитойга икки йўл ва Ғарбий мамлакатларга икки йўл ўтган (XV, 2-II).

Юқорида келтирилган антик анъанага биноан XIX асрда қудратли, бой Бактрия давлати ҳақида тасаввур туғилди. Бактрия ҳақидаги бундай тушунча бизнинг давримизга қадар давом этди. С. П. Толстов, М. М. Дьяконов, И. М. Дьяконов, В.М. Массон, В.А. Лившиц сингари олимлар ҳам шу фикрда бўлдилар. Уларнинг фикрича, Бактр Марказий Осиёдаги энг қадимий қудратли давлатнинг пойтахти.

1921 йили француз олими А. Фуше Балхга археологик экспедиция уюштирди, мақсад Бактрия шоҳлигининг беҳисоб олтин-кумушларини излаш. Лекин А. Фуше Балхда ҳеч нарса тополмай, қадимги Бактрия ҳақидаги маълумотлар сароб, деб эълон қилди. Лекин олимлар бу билан қаноат ҳосил қилмадилар. 1945 йилдан то 1964 йилгача Афғонистонда французларнинг археологик экспедицияси ишлади, унга раҳбарлик қилган Д. Шлюмберже эрадан аввалги III-II асрларга оид эллинистик шаҳар Ойхоним, II-III асрларга оид шаҳар Сурх-Котал вайроналарини кавлаб, маданиятнинг ажойиб намуналарини топди.

Совет олимларининг тинимсиз изланишлари натижасида Шимолий Бактрияда жойлашган эрадан аввалги иккинчи минг йиллик, яъни бронза даврига оид илк шаҳар Сополлитепа топилди (А. Асқаров). Археологларнинг кашфиётлари бронза давридан то Ахмонийлар даврига қадар Бактрияда ўтроқлашган деҳқончилик ва ҳунармандчилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ривож этганини исботлади. Ҳақиқатан, антик муаллифларининг "қудратли ва бой" Бактрия ҳақидаги маълумотларини археологик топилмалар тасдиқламоқда (кулолчилик чархида тайёрланган идишлар синиғи, металдан ишланган жуда кўп буюмлар, тақинчоқлар). Мамлакат пойтахти Бактр ҳимоя истеҳкомлари, девор, жарлик ва қалъага эга бўлган. Буларнинг ҳаммаси Бактрияда жуда қадим даврларда шаҳарлар мавжуд бўлганини исботлайди. Археологик топилмаларга асосланган ҳолда қадим даврларда Бактрияда ҳақиқатан ўзига хос маданият, ўтроқ ҳаёт, давлат тузуми мавжуд бўлган, дейишимиз мумкин.

Кейинча Искандар юришлари, айниқса Грек-Бактрия давлатининг ташкил этилиши (э. ав. 247-130 йиллар) муносабати билан Марказий Осиёнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида Бактрия Суғдиёна билан бир қаторда катта роль ўйнади.

Ҳеродот ўз асарида исседон, орий, хорасмий, мард, парикан, эгл, пакти, саранги, саттагид, дадик, апарит, гандари каби Марказий Осиё ва Хуросонда қадим даврларда яшаган қабила, элатлар ҳақида озми-кўпми маълумотлар беради. Баъзи ўринларда номлари келтирилган қабила ва элатларни аниқлашнинг ҳалигача имкони йўқ (каспий, павсик, пантимаф, дарит, сагарти, матиен, саспир ва б.). Улар тасвири асосан Кир, Доро ва Ксеркс[17] лашкарлари сафида иштирок этиши, қурол-аслаҳалари, кийим-кечаклари, Ахмонийлар давлатига қарамлиги, бож тўплаш билан боғлиқ бўлган. Ҳеродот бу халқлар ҳақида ёзар экан, турли манбаларда, Эронда хизмат қилган греклар ёки аксинча, юнонлар хизматида бўлган эронийларнинг ёзма манбаларидан, Гелланик, Гекатей логослари ва Аристейнинг "Аримаспея" достонидан фойдаланган. Аммо тарихчи кўп ўринда уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлган (IV, 13).

Агар пактий, саранги, орий элатлари Ҳирот атрофида (Ҳирот, Ҳирий номлари аслида "орий" сўзидан олинган), саттагид, гандарий (қандаҳар шу қабила номи билан боғлиқ бўлса керак) элатлари ҳозирги Афғонистон тупроғида яшаган бўлсалар, Париканини рус олимаси К.В. Тревер, немис олимлари Юнге ва Херцфельд Фарғонага тенглаштирадилар[18]. Е. Херцфельд ва Юнгенинг фикрича, париканлар Фарғонанинг орийларгача бўлган ўтроқ, деҳқончилик билан шуғулланган аҳолиси. Парфия (паҳлавий) ёзма манбаларида "Паркан мамлакати" ҳақида ёзилади, олимларнинг фикрича, Ҳеродотнинг Париканияси паҳлавий матнда "Паркан" шаклида берилган бўлса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳеродот "Тариҳ" асарида бир неча бор хорасмийлар (хоразмийлари)ни[19] эслайди. Сўнгги даврларда археология фани қўлга киритган ютуқлар, айниқса атоқли олим С. П. Толстов раҳбарлик қилган хоразм экспедицияси олиб борган изланишлар натижасида аввалги VI-V асрларда Хоразмда шаҳарлар, бой маданият мавжудлиги аниқланган бўлса-да, Хоразм масаласи фанда ҳамон ҳал бўлмай келмоқда. Ҳеродот асарида Хоразмда сунъий суғориш масаласида қуйидаги парча келтирилган: "Осиёда ҳар тарафидан тоғ билан қуршалган водий бор, тоғларда беш дара бор. Бир вақтлар бу ерлар хорасмийларга қараган ва хорасмий, гиркан, парфян, саранг ва фаманейларга чегарадош бўлган. Ана шу водий атрофидаги тоғлардан Акес деб аталувчи катта дарё оқиб тушган. Шу дарё беш ирмоққа бўлиниб, юқоридаги халқлар ерларини суғорган... Аммо эронийларга қарам бўлгандан кейин бу халқлар мана қандай аҳволга тушдилар. Шоҳ тоғ дараларини беркитиб, тўғон дарбозалар қурдиради. Водийда кўл ҳосил бўлади. Ер суғориш учун бу сувдан фойдаланган қабилалар энди оғир аҳволга тушадилар. Қишда, албатта, бошқа жойлардагидек, илоҳият уларга ҳам намгарчилик юборади, ёзда эса улар экадиган тариқ ва кунжут доим сувсиз қолади. Мутлақо сувсиз қолганда улар хотинлари билан Эронга борадилар, шоҳ саройи қаршисига туриб олиб баланд овоз билан ачинарли ҳолда фарёд қиладилар. Улардаги сув танқислигини кўрган шоҳ арзгўйлар томонидаги тўғон дарбозаларини очишни буюради. Ерлар суғорилгач, яна тўғонни беркитишни буюради, энди бошқа сувга ташна қабила ерларига сув очадилар. бироқ, мен билдим, тўғон дарбозасини очиш учун шоҳ катта пул (божлардан ташқари) олар экан. Ишлар ана шундай" (III, 117). Ҳеродот асарида келтирилган бу эпизоддан Ахмонийлар ҳукмронлиги остида аждодларимиз, айниқса, оддий меҳнаткашлар аҳволи қанчалик оғир бўлганини кўрамиз.

Ҳеродот келтирган юқоридаги эпизоддан келиб чиқиб олимлар хоразмликлар даставвал Марв-Ҳирот атрофида ёки шарқи-шимолида яшаганлар, кейинчалик эронийлар сиқуви натижасида ҳозирги жойларга кўчиб келган бўлсалар керак деб фикр юритадилар (Тарн, Альтхайм, Хеннинг, Горшевич, Пьянков, Б. Ғофуров). Ҳеродот "Хоразм ўлкаси", демайди, балки "бир вақтлар бу ерлар хорасмийларга қараган, ҳориз эса уларга чегарадош" дейди. Ахир бундан сув омбори Хоразмда қурилган деган маъно келиб чиқмайди-ку. Деярли ҳамма олимлар қадим

www.ziyouz.com kutubxonasi

даврларда, ахмонийларга қадар катта Хоразм давлати мавжуд бўлганлиги ҳақида фикр юритадилар. Фикримизча, худди ана шу "Катта Хоразм"га даставвал Марв-Ҳирот ўлкаси ҳам, Марказий Осиёнинг катта қисми ҳам қарам бўлган ва унга чегарадош бўлиб қолган. Тадқиқотлар, айниқса В. Лившицнинг фикрича, қадимги Хоразм тили "Авесто" тилига яқин. Шунинг учун бўлса ҳам керак, баъзи олимлар (В.В. Струве, И.М. Дьяконов, В. Г. Луконин, М. Бойс ва б.) "Авесто"нинг энг кўҳна қисмлари Хоразмда яратилган дейдилар. Ҳеродот тилга олган хорасмийлар, археологларнинг фикрича, эрадан аввалги VI-V асрларда ҳозирги Хоразм ўлкаси билан боғлиқ бўлган эди. Буни Қўйқирилган қалъа ва Бозор қалъа шаҳарларининг вайроналари, Амударё дельталари асосида қурилган сунъий суғориш иншоотлари исботлайди. Буларнинг ҳаммаси бизда Ҳеродот келтирган парча хоразмликларнинг қадим давр фольклорига тааллуқли эмасмикин, деган фикр туғдирди.

Страбон "аттасий ва хорасмийлар массагет ва сак қабилаларига мансуб" (XI.VIII, 8) дейди. Йирик эроншунос олим И.М. Дьяконов хоразмликлар тили намуналарини тадқиқ этиб, "хоразм тили бир томондан, шарқий сак тиллари билан аниқ-равшан боғлиқ, анашу далилга суянган ҳолда хорасмийларнинг Жанубдан (Эрондан — Ф.С.) кўчиб келгани ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас"[20],— дейди.

Марказий Осиёда яшовчи қабила ва элатлар яхши суворийлар ва мерганлар сифатида Ахмонийлар армияси учун жуда қулай жанговор куч бўлиб хизмат қилганлар. Ҳеродот келтирган маълумотга кўра Ксеркснинг Юнонистон билан бўлган жангида қабила ва элат вакилларидан 1700000 пиёда (VII, 60) ва 800000 суворий (VII, 87) қатнашган. Булар орасида саклар энг жанговарларидан бири ҳисобланган. Дионисий Периэгест (II аср) саклар ажойиб чавандозлар, камондан зўр отадилар, "дунёдаги ҳамма мерганлар орасида энг моҳири скифлар, улар бирон та ўқин бекор кетказмайдилар"[21], дейди. Диодор эса греклар мерганлик санъатини саклардан ўрганганлар, ҳаттоки "Ўқ ёй" сўзини саклардан олганлар, "уларнинг хотин-қизлари эрлар билан баробар жанг қиладилар" (II-33-34) дейди. Ҳақиқатан, Яқин Шарқ мамлакатларининг оғир қуроллар билан аравада жойлашган лашкаридан фарқли ўлароқ скиф жангчилари ўқ-ёй ва найза билан қуролланган енгил кавалерия душмандан осонгина қочиши ва унга тезкорлик билан ҳужум қилиши мумкин эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элиан (вафоти 224 й.) "бирорта сак уйланмоқчи бўлса, танлаган қизи билан жанг қилади. Ким ғалаба қозонса, ўша оилада устунлик қилади, енгилган эса бўйсунади. Ҳар иккаласи фақат енгишга уринадилар, ўлдиришга эмас" (XII, 36), деб хабар беради. Эфор (405-330 йил) саклар "араваларда кўчиб юрадилар ва сут билан тамадди қиладилар. Уларда хусусий мулк йўқ ва ҳамма нарса умумий" (Тарих, 76, 78) дейди. Антик муаллифлари саклар ҳақида шунча маълумот берсалар-да, саклар ҳаётини тўғридан-тўғри кўрмаганлар. Ҳеродот "Шунча ҳаракат қилсам ҳам ўша жойларни кўрган биронта одам тополмадим" (IV, 16) дейди. Аммо сак жангчилари Ахмонийлар урушларининг ҳаммасида фаол иштирок этганлар, уларнинг қолдиқлари, айниқса, бронзадан ишланган найза учлари Яқин, Кичик Осиё ва Грецияда кўплаб топилган.

Ҳеродот "Тарих"нинг учинчи китоби 92-бобида ортокорибанти деб аталувчи халқ ҳақида ҳам ёзади. Олимлар бу элат тўғрисида кўп фикр юритдилар ва ниҳоят немис олими Кисслинг бу ном Эронда қоятошларга ёзилган тиграхауда саклари (яъни баланд, учи найзалик қалпоқлик саклар) сўзининг юнонча таржимаси эканини исботлади. Санкт-Петербурглик олим М.П. Грязнов[22] Жанубий Сибирь, Олтой, Шимолий Қозоғистонда олиб борган археологик қазилмалар, қозоқ олими К. Акишевнинг[23] Иссиқ қўрғонидан топган "Олтин одам" бош кийими ҳақиқатан баланд қалпоқ (М.П. Грязнов) ёки баланд учлик қалпоқ атрофига тўртта найза санчилганидек (К. Акишев) бўлган. Бу халқлар кейинчалик Марказий Осиёда ҳам ўзларининг қадимий бош кийимларини сақлаганлар, шунинг учун улар бошқа саклардан фарқли ўлароқ, "ортокорибанти" деб аталганлар.

Ҳеродот сакларни тасвирлар экан, "саклар (скиф қабиласидан) бошларига учи найзали қалин намат, тик турувчи қалпоқ кийганлар. Улар шалвор кийганлар, сак камони ва ханжар билан қуролланганлар. Ундан ташқари, уларда сагарис-икки томони жанговар ойболта ҳам бор эди". (VII, 64), дейди. Бошқа ўринларда ҳам адиб сакларнинг мардонаворлигини бир неча бор қайд этади (VIII, 113; IX, 71, 113 ва б.). Ахмонийларга бож тўлаган вилоятлар ҳақида ёзар экан, Ҳеродот ортокорибантларни саклардан ажратган ҳолда беради (III, 92).

Юнон адибларининг асарларида саклар "денгиз орқасидаги саклар", "массагет-саклар", "катта саклар", "амиргий саклар", "каспийлар", "ортокорибанти" каби номлар билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

аталади ва улар Марказий Осиёнинг турли жойларида яшайдилар. Страбон ва Птоломей сакларни Тянь-Шань, Фарғона ва Яксарт сакларига бўладилар. Албатта, ҳамма саклар бир қабила ёки элат бўлиши ҳақиқатдан узоқ бўлса керак. Бу масалага ҳам Ҳеродотнинг ўзи аниқлик киритади: "скифларнинг ҳаммасини эронийлар саклаб деб атайдилар" (VII, 64). Ҳақиқатан, Ҳеродот тасвиридан келиб чиқиб, сакларнинг бир қисми кўчманчи бўлса, иккинчи қисми шаҳаншоҳга бож тўловчи, деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ халқ бўлган дейишимиз мумкин.

Саклар ҳақидаги дастлабки маълумот Гелланикнинг "Скифлар ҳақида" асарида берилган бўлиб, Стефан Византийский асарида сақланиб қолган парчада "Амиргий-саклар жойлашган текислик" дейилади. Херил Самосский "Персиада" достонида "қўй боқувчи саклар, улар скифлардан келиб чиққан; улар буғдойга бой бўлган Осиёда яшайдилар; улар инсонлар орасидаги энг адолатли кўчманчилар", дейилади. Бу сўзларни Эфор ҳам такрорлайди. Мегасфендан сақланиб қолган парчада "Скифлар саклар деб аталади, уларни баланд тоғ Ҳиндистондан ажратиб туради", дейилади. Бошқа антик муаллифлари ҳам Осиё скифларини (саклар) Яксарт дарёси ва Ҳинд тоғлари орасига жойлаштирадилар.

Рим муаллифлари (Ҳораций, Помпей Трог, Мела, Плиний, Юлий Валерий ва б.) ҳам грекларга яқин фикрни айтадилар. Плиний эса Силис дарёси (Сирдарё) скифлар билан эронийлар ўртасидаги чегара, скиф қабилаларини эронийлар сак деб атайдилар (VI, 49-50), дейди.

Беҳстун, Нақши-рустам, Персеполь ва бошқа ёзма ёдгорликларда ҳам саклар ҳақида маълумотлар, улар тасвири берилади. Энг қадимги Беҳстун ва Персеполь ёзувларида Эронга қарам қилинган халқлар қатори саклар ҳам тилга олиниб, кейинги ёзувларда "ҳаумаварга саклар", "тиграхауда саклар", "денгиз орти саклари", "суғд орти саклари" номлари келтирилади. Қизиғи шундаки, "скиф" номи эр. ав. 486-480 йилларда тошга туширилган Ксеркснинг девларга қарши ёзувидагина эслатилиб, бошқа Эрон ёзувларид эса "саклар" ҳақида сўз кетади. "Махабхарата"да ҳам саклар "шаклар" шаклида учрайди. "Шак" шаклида топонимика Кавказда ҳам учрайди (Шаке, Шакашен, Шикакар ва б.). Арманистонда эса қадимдан Сакасен вилояти, Абхазияда Сакени, Қримда Саки номли жойлар, Сак кўли каби номлар ҳамон мавжуд. Хитой манбаларида ҳам сак халқлари тилга олиниб "сака", "сэ", "сэк", "саи" шаклла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рида берилади, улар Марказий Осиёнинг шарқий қисмида Хитой Туркистонининг ғарбий қисмида жойлашганлар дейилади[24]. Ўзбекистон ҳудудида ҳам "сак" билан боғланган топонимлар учрайди: Сакбон (Тошкент), Саганиён (Чағаниён), Саку (Наманган), Сактафан (Бухоро), Асака (Андижон), шакар (қабила-бу маълумот С. Қораевдан олинди), Саусакон (Мерв) ва бошқалар.

"Сак" сўзи этимологияси ҳақида ҳам турли фикрлар бор. Юнонлар "сак" сўзи скиф шоҳининг исми ёки юнонча "сака" (қалқон) сўзидан келиб чиққан десалар, баъзилар қадимий эрон тилидаги "спака" (ит), ёки қадимий форс тилидаги "сак" (юрмоқ, чопмоқ, югурмоқ) сўзлари билан боғлаб, "югурувчи", "тез юрувчи", "кўчманчи" "сайёҳ" маъносини билдиради, дейдилар[25] (балки ўзбек тилидаги "сакилламоқ" феъли шу сўздан келиб чиққандир.

"Скиф" ва "сак" терминлари бир халқ номини билдиришини қадим юнон муаллифларидан бошлаб ҳозирги тадқиқотчиларгача кўпчилик таъкидлайди[26]. Саклар, кўчманчи қабилалар. И.М. Дьяконовнинг айтишича, эрадан аввалги IX-VII асрларда Марказий Осиёнинг ўтроқ вилоятларини ишғол қилганлар[27]. Хитой манбаларида ёзилишича, Марказий Осиёнинг шарқий қисмида яшаган аҳоли саклар ҳисобланган. Сўнгги йиллардаги археологик топилмаларга асосланган ҳолда олимлар эрадан аввалги биринчи минг йиллик ўртасида кўчманчи сак қабилалари ва Марказий Осиё ва Еттисувда катта уч гуруҳ бўлиб яшаганлар деб ҳисоблайдилар: еттисувликлар, Оролбўйи саклари ва Помир-Фарғона саклари. Фикримизча, антик муаллифлари Помир-Фарғона ва Орол атрофида сакларни назарда турган бўлсалар керак. Страбон саклар яшаган жойларни жуда аниқ кўрсатиб, "Иаксарт (Яксарт — Сирдарё — Ф.С.) дарёси сакларни суғдилардан, Окс (Амударё) эса суғдиларни бактрияликлардан ажратиб туради" (XI, VIII, 8) дейди. УларЎрта Осиё халқлари этногенези ва маданиятининг шаклланишида катта роль ўйнаган[28]. Қандай бўлмасин, сак ва скиф тушунчалари айнан бир, уларнинг қисмлари VI-V асрларда Қора денгиз соҳиллари, жанубий рус даштликларини ишғол қиладилар.

Скифларнинг жаҳон саҳнасига кириб келиши аввалги иккинчи минг йиллик охири ва биринчи минг йиллик бошларида саҳро ва дашт-ўрмон зоналарида яшаган қатор қабила ва элатлар ривожи билан боғлиқ бўлган жараён эди. Антик муаллифлари скиф жамиятининг тузилиши ҳақида жуда кам маълумот берадилар. Ҳеродот скифларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

олти қабила — ализон, каллипид, қўш ҳайдовчи скиф, деҳқон скиф, шоҳ скифларга ажратади. Лекин бу тақсимлашда принцип кўринмайдиб чунки қўш ҳайдовчи билан деҳқон ўртасида фарқ йўқ, ундан ташқари ализон ва каллипидлар ҳам деҳқончилик билан шуғулланганлар, шоҳ скифлар ҳам кўчманчи скифлар каби кўчиб юрганлар, юзаки қараганда қандайдир тушунмовчилик келиб чиққандек. Лекин Ҳеродот бу қабилаларни хўжалик тузилиши эмас, балки қабиланинг бутун халқ ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва скифлар жамиятининг социал тузумини назарда тутган бўлса керак. Скиф қабилалари ҳақида Плиний қуйидаги маълумотни беради: "Яксарт дарёсини скифлар Силис деб атайдилар... Нариги соҳилда скиф халқлари яшайдилар. Қабилалар жуда кўп, улар парфянларга ўхшаб ҳаёт кечирадилар. Қабилалар орасида йириклари-сак, массагет, дай, исседон, ариак, кан, каниак, евхар, катиар, антиуспан, псак, антакат, хроазар, ойкландир" (VI, 49). адиб бу хабарни Искандарнинг разведкачиси Демодамнинг "Скифика"сидан (разведка ҳисоботи бўлса керак, сақланиб етмаган) олган. Антик муаллифлари асарида семиз, соқол, мўйловсиз скифлар ҳақида ҳам хабар бор, замонавий олимлар уларни монгол бўлса керак, деб фараз қиладилар.

Антик адиблари скифларнинг ижтимоий ҳаёти ҳақида кам маълумот берадилар. Лекин ана шу маълумотларга суянган ҳолда Ҳеродот даврида скифларда анча чуқур мулк дифференцияси мавжуд бўлган, уларда жамият уч табақага: жангчи-шоҳлар, коҳинлар ва деҳқон-чорвадорларга бўлинган, деган хулосага келамиз. Бу фикрни тепаликлардан топилган археологик буюмлар ҳам тасдиқламоқда. Скиф жамиятининг асосий звеноси оила, унинг мулк ва хўжалиги бор. Ер — жамият мулки. Ўғиллар балоғатга етгач, оиладан ажралиб чиқиб ўз хўжалигини ташкил этади. Ўз улушини олади. Хўжалик ва хотинлар меросга қолади (Ҳеродот, IV, 78, 114, 115); скифларда бошлиқлар ва бўйсунувчилар, бой ва камбағаллар бор ("саккиз оёқлик", яъни битта арава ва икки ҳўкиз эгаси Лукиан, "Скиф ёки меҳмон") ва ҳоказо. М.И. Артамоновнинг фикрича, "скифлар жамияти, шоҳ ҳукмронлигига асосланган ҳарбий демократия"[29]. Ҳақиқатан шундай дейишга асос бор. Ҳеродот қуйидагиларни ёзади: шоҳ жангга раҳбарлик қилибгина қолмай, ўлжани ҳам тақсимлайди. "Кимда-ким душман бошини олиб келса, ўлжага шерик бўлади" (IV, 64), "у ўз жамоаси аъзолари қилмишларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам назорат остида тутади, гувоҳ орни қаттиқ жазолайди" (IV, 68, 69); шоҳ ҳуқуқи шунчалик кенг бўлганки, ҳар бир скиф унга хизмат қилиши шарт, у вафот этганда эса "50 одам ва 50 отни бўғиб ўлдириб" шоҳ билан бирга кўмганлар (IV, 72); скифларда шоҳ қабила бошлиғидан кўра худони кўпроқ эслатади, шоҳлик наслдан наслга ўтади, лекин кўпчилик ва оқсоқолларнинг розилигисиз ўғил ота мансабини эгаллай олмайди: уларда ривож этган қулдорлик йўқ, бунга кўчманчиликка асосланган ҳаёт тарзи йўл қўймайди, "скифларда пулга сотиб олинган қуллар бўлмайди" (IV, 72), қул меҳнати фақат оила хўжалигида қўлланади (IV, 2), скифлар бутун қабила, элат билан кўчиб юрганлар ва ҳоқазо. И. М. Артамонов "скифлар жамиятида эксплуатация қабила ичида эмас, балки қабилалар ўртасида бўлган. Бир қабила, шоҳ скифлари бошқалар устидан ҳукмронлик қилганлан... Лекин улар қул эмас, уларни на сотиш, на сотиб олиш, на ўлдириш мумкин эмас. Уларнинг ўз хўжаликлари, ғолиблар томонидан буюрилган мажбуриятни бажарилишини кузатиб турувчи шоҳлари бўлган[30]", дейди. Ҳеродот асарида, айниқса, скифларга кўп ўрин ажратилган, уларнинг келиб чиқишини ҳатто Зевснинг ўғли Ҳераклга боғлаган (IV, 10).

Скифлар ҳақида илмий адабиёт кўп, аммо уларда фақат Қора денгиз соҳилларида яшовчи элатлар ҳақида ёзилиб, Осиёда яшовчи скифлар масаласи четда қолдириб келинган. Ваҳоланки, энг қадимги адиблар айнан Осиё ҳақида кўп маълумот берганлар.

Ахир на Ҳомер, на Ҳесиод ва на аристей даврида денгиз бўйлари ҳали греклар томонидан ўзлаштирилмаган ва улар фақат киммерлар билан учрашган, скифлар эса э. ав. VIII-VII асрларда ҳали ва Греция, на Кичик Осиё ва на Қора денгизга яқинлашмаган эдилар. Тадқиқотчи И.В. Куклинанинг фикрича, Қора денгиз соҳилларида "скифлар археологик материалларининг қадимийси эрадан аввалги VI аср бошларига тааллуқли, холос. Демак, асли Скифия ҳақидаги тушунча Шарққа кўчирилиши керак, буни ёзма манбалар тадқиқоти ҳам тасдиқлайди. Антик манбалари (Аристей, Гекатей) ва Ахмонийлар ёзувлари сак қабилалари Марказий Осиёда эрадан аввалги VII-VI асрда бўлганликларини тасдиқлайди. Археологик материаллар эса уни янада қадимийлаштириб, эрадан аввалги VII асрга тааллуқли эканини кўрсатади[31]".

Юқорида айтганимиздек, Қрим, Абхазия, Арманистон ва Кавказнинг бошқа жойларида саклар номи билан боғлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган топонимларнинг сақланганлиги фикримизча, бу жойларга эрадан аввалги VI-V асрларда келган скифлар Марказий Осиё сакларининг айнан ўзи эканлигини исботлайди. Бу фикрни Волгабўйи, Жанубий Урал, Жанубий Сибирь, Олтой, Қозоғистон, Еттисув, Помир, Тяньшань ва Марказий Осиёда топилган скиф-сак маданияти намуналари ҳам тасдиқлайди. Скифлар ҳақидаги энг қадимий маълумот Ассирия шоҳи Асархаддон (680-669) ёзувида берилади. Грецияда эса энг қадимий маълумотни Ҳесиодда учратамиз: скифлар "бияларни соғадилар", "улар араволарга ўрнатилган ўтовда яшайдилар" (Феогония), дейди. Эсхил эса "Кишанланган Прометей"да Иога "Бу ерлардан шарқ томон йўл оласан ва кўчманчи скифларга йўлиқасан, улар ҳаётларини ғилдираклар ёрдамида силжийдиган баланд ўтовларда очиқ ҳавода ўтказадилар ва камондан узоқларга ўқ узиб, душманларини ҳалоқ қиладилар... Осиё қитъасига қадам қўясан"[32], дейди.

Скифлар ҳақида Ҳеродотдан аввал ёзган Гекатей уларнинг шаҳри Каспапир деб, уни ҳиндларга яқин Кобул атрофига жойлаштиради. "Скиф" деган ном бир ёки бир қанча элат, қабила ва халқларнинг бирлашмаси ёки умумлашмаси деган ном эканлиги ҳақида аниқ фикр йўқ. Ҳеродот "эронийлар ҳамма скифларни саклар деб атайдилар" (VII, 64) ёки "ҳамма қабилалар бирлашиб шоҳ номи билан сколотлар деб аталади, эллинлар уларни скифлар деб атайдилар" (IV, 6) дейди, лекин бу фикрида изчил турмайди. Арриан ҳам, Страбон ҳам "скиф" сўзи умумлаштирувчи ном эканлигини таъкидлайдилар. Бошқа антик муаллифлари ҳам грек, ҳам римликлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, шу фикрни такрорлайдилар. Рим адибларининг фикрича, парфянлар аслида скиф, уларнинг урф-одатлари ва қурол-аслаҳалари деярли бир хил (Стефан Византийский, аммиан Марцеллин), Курций Руф эса "парфияликлар Скифиядан чиққанлар" (IV, 12, II), Помпей Трог "Парфия" давлатини скифлар яратганлар" (II, 1, 3, 6), дейдилар.

Қадимги Рим олими Плиний (I аср) "Яксартнинг орқасида скиф қабилалари яшайди, форслар уларни сак деб атайдилар... скиф халқларининг сони беҳисоб... улар орасида энг машҳурлари сак, массагет, дай, исседон... аримасплар" (Естественная история, VI, 17), дейди. Юқоридаги маълумотларга суянган ҳолда биз ҳам "скиф" деган ном бир қабила, элат ёки халқнинг номи эмас, балки бир қанча қабила, элат ва халқларнинг бирлашмаси ёки сиёсий умумлашмаси деган фикрга қўшиламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгги йилларда топилаётган археологик материаллар Жанубий Ўрол, Жанубий Сибирь, Олтой, Қозоғистон, Марказий Осиё, Кубань ва Кавказда скиф маданияти қолдиқлари борлигини кўрсатмоқда.

Ҳеродот скифларни Қора денгиз қирғоқларига келиб қолганини қуйидагича таърифлайди: "Скифларнинг кўчманчи қабилалари Осиёда яшар эди. Массагетлар уларни ҳарбий куч билан у ерлардан сиқиб чиқарганларидан сўнг скифлар араксдан ўтиб киммерлар ерларига келдилар (ҳозир скифлар яшаётган мамлакат аввал киммерларники эди" (IV, II). У тўртинчи китобнинг ўн учинчи бобида скифларнинг Қора денгизга келиши ҳақида Аристейнинг фикрини ҳам келтиради: "Проконнесслик Кастробийнинг ўғли Аристей ўзининг эпик достонида... аримасплар исседонларни ўз ерларидан ҳайдаганлар, кейин исседонлар скифларни сиқиб чиқарганлар. Жанубий денгиз атрофида яшовчи киммерлар скифлар сиқуви остида ўз ватанларини ташлаб кетдилар" (IV, 13). Ҳеродот билан Аристей хабарлари ўртасидаги фарқ фақат бир масалада, яъни скифларни ўз ерларидан ким ҳайдайди? Массагетларми ёки исседонларми?

Ҳеродот "Тарих"нинг биринчи китобидаёқ скифларнинг Мидияга бостириб киргани ва Ассирия, Вавилон, Мисрга босқини, Миср фараони Псамметих катта бойлик ҳисобига мамлакатни босқинчилардан қутқаргани ҳақида ёзиб, "скифлар Осиёда 28 йил ҳукмронлик қилдилар ва беҳаёлик, бебошликлари билан бутун тартибни бузиб юбордилар" (1, 102, 106; IV, I), дейди. Ниҳоят, тарихчининг хабарига кўра Мидия шоҳи Киаксар скиф бошлиқларини ҳийла билан ҳалок қилгани ва натижада бебош скифлар Вавилон ва Мидиядан енгилиб, Яқин ва Кичик Осиёдан қувилгани (1, 16, 106) ҳақида ёзади. Скифлар масаласи билан шуғулланувчи олимлар (А.П. Смирнов, А.А. Ельницкий, Б.Н. Граков, М.И. Артамонов ва б.) скифлар VIII-VII асрларда Қора денгиз соҳилларига келганлар, кейин Яқин Осиёга ҳужум қилиб, ўзларининг ҳарбий устунликлари туфайли 28 йил ҳукмронлик қилганлар ва VI аср бошларида яна Қора денгиз атрофига қайтганлар, дейдилар. Афсуски, ҳақиқатга зид бўлган бу фикр кенг тарқалди. И.В. Куклина Ҳеродот ва Шарқ манбаларини, археологик материалларни муқояса қилган ҳолда ҳақиқатга яқинроқ қуйидаги хулосага келади: "Эрадан аввалги 585 йилда (яъни бошлиқлари ҳалок бўлгандан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин — Ф.С.) скифлар Кавказ ва Қора денгизнинг шимолий соҳиллари орқали яна аракс дарёсидан (бу сафар арманлар дарёси) ўтиб Кавказ олди ва Меотида атрофидаги ерларни ишғол этадилар. Шу даврдан бошлаб Қора денгиз шимолида скифлар ҳукмронлиги бошланади"[33].

Доронинг Скифияга юриши тўртинчи китобда, Марказий Осиё халқлари, скифлар ҳақидаги маълумотлар эса бешинчи, олтинчи китобларда берилади.

Скифиянинг тўртинчи китобдаги тасвири ҳудудимизда яшовчи халқларнинг энг қадимий ёзма тарихидир. Унда скиф халқларининг яшаган жойлари, уларнинг социал тузуми, урф-одатлари, кийим-кечак, яроғ-аслаҳалари, яшаш тарзлари, силжиш усуллари, эътиқодлари ҳақида маълумот бор. Ҳеродот берган маълумотларнинг тўғрилигини бизнинг давримизда археологик изланишлар натижасида топилаётган материаллар тасдиқламоқда. Масалан, Ҳеродот скифларда биродарлашиш одатини тасвирлаб, "катта сопол идишга май қуядилар, кейин унга биродарлашувчилар қони қўшилади. Сўнг идишга қилич найза, ўқ, ойболтани солиб, узундан-узоқ афсун ўқийдилар, ундан кейин битим иштирокчилари ва ҳурматли вакиллар қориштирмани ичадилар" (IV, 70), дейди. Худди ана шу жараён Қора денгиз соҳилидан топилган олтин кўкрак тақинчоғида тасвирланган"[34].

Ҳеродот "Тарих"нинг тўртинчи китобида Доронинг Скифияга юришини тасвирлаб, кўчманчи қабилалар ҳаётининг реалистик картинасини чизиб беради: "Уларнинг энг катта ютуқларидан бири юртларига ҳужум қилган бирор кимса тирик қайтиб кетолмайди ҳам... Ахир скифлар на шаҳар, на истеҳкомлар қурадилар, ўз уйларини ўзлари билан олиб юрадилар. уларнинг ҳаммаси отлиқ мерганлар. Улар деҳқончилик билан эмас, балки чорвачилик, уй ҳавйвонларини кўпайтириш билан тирикчилик қиладилар: улар ўтовда яшайдилар" (IV, 46).

Рим тарихчиси Помпей Трог (I аср) "Филипп тарихи" асарида "аввалларн скифлар шонли ва қудратли бўлганлар: эрлар шуҳрати, айниқса хотинлари қаҳрамонлиги орқали таралган; агар ўзлари Парфия ва Бактрия шоҳликларига асос солган бўлсалар, хотин-қизлари амазонкалар давлатини асослаганлар... Скифлар уч маротаба Осиёда ҳукмронлик қилганлар, ўзларига эса ҳеч шикаст етказмай озод қолганлар ва ҳеч енгилмаганлар. Форслар шоҳи Доронн шарманда қилиб Скифиядан ҳайдаганлар, Кирни бутун лашкарлари билан ҳалок қилганлар. Буюк Искандар

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашкарбошиси Зопирионни худди ўшандай, лашкарлари билан ўлдирганлар... скиф халқи ҳам меҳнат, ҳам жангда қаттиққўл, жисмонан беқиёс кучли" (II, I, 3), деб баҳолайди. Антик скифларида аравага ўрнатилган ўтов ҳам бўлган, улар бутун оила аъзолари, хўжалик буюмлари ва чорваларини ҳам ўзлари билан олиб юрганлар.

Ҳеродот скифларнинг урф-одатлари, уларнинг эътиқодлари, маъбудалари, қуёшга сиғинишлари, уларга ибодатхона қурмаслиги ва ҳайкаллар ўрнатмаслиги, худоларга атаб қурбонлик қилишлари, қуёшга атаб отларни қурбон қилишлари, тамо, асосан гўшт билан тамадди қилишлари, уни пиширириш учули, чўчқадан ҳазар қилишлари, фол боқиш усули, дўстликни муқаддас тутишлари, қўрғон усулида, бағзи ўринда суякдан гўштни ажратиб олиб, суякларни идишга солиб дафн этиш, аза маросимлари, намат, бўйрадан ("қамишдан ишланган палос" III, 98; IV, 71) фойдаланишлари ҳақида анчагина тўлиқ маълумотлар берган. Айниқса қуйидаги эпизод диққатимизни жалб этди: "Скифлар юртида зиғирпояга ўхшаган каноп ўсимлиги ўсади... ундан кийимликлар ҳам тайёрлайдилар... скифлар наматдан ишланган ўтовга кириб, чўғдек қиздирилган тошлар устига каноп уруғини ташлайдилар, ундан шунчалик кучли тутун ва буғ чиқадики, эллинларнинг буғлик ҳаммомлари ҳам унга тенг келолмайди. Скифлар ундан кайф қилиб, лаззатдан қичқирадилар" (IV, 74, 75). Каноп бизда наша номи билан маълум бўлган ўсимлик. Ҳақиқатан унинг поясидан қўпол мато, қоплар, арқон, чизимча тайёрланади, уруғидан эса кўкнори билан бир қаторда кайф берувчи наркотик сифатида фойдаланиб келганлар. "Бақириш", "қичқириш" эса бир томондан наша кайфидан бўлса, иккинчидан, фикримизча, бирор диний меросим, балки шаманлик билан боғлиқдир.

Ҳеродот давом этиб. "бу буғланиш уларга ҳаммом ўрнига ўтади, чунки улар сув билан ҳеч қачон чўмилмайдилар" (IV, 75) дейди. Қадимги ҳаммомларда тошни қиздириб, сув сепиб буғ ҳосил қилганлар, ахир каноп уруғидан буғ чиқмайди-ку? Балки Ҳеродот иккала жараён, буғланиш ва кайфланишни бирлаштиргандир. Ҳақиқатан. Олтой қўрғонлари — адир шаклидаги мозорларда ўтказилган археологик қазилмаларда қисман куйган каноп уруғлари, оловда қиздирилган тошлар топилган. Демак, бу маросим ҳам олтойлик турк қабилалари билан боғлиқ бўлса керак.

Ҳеродот асарларида қуйидаги жумлаларни учратиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

мумкин: "скиф асосий душманини ўлдирса, унинг қонини ичади" (IV, 64): "скиф йигитлари жангда ҳалок этган душманининг сочини бош теписи билан бирга шилиб олиб, отларнинг юганига илиб юрадилар" (IV, 64). Худди ана шундай тасвирни XV-XVI аср миниатюраларида ҳам учратамиз. Ёки: "душман бош суяги устидан олтин қоплаб, ундан май ичар эканлар" (IV, 65). Бу ўринда Шайбонийхоннинг олтин қопланган бош суяги Исмоил Савафийга қадаҳ вазифасини ўтаганини эслаймиз.

Баъзи ўринда Ҳеродот ҳақиқатан узоқ бўлган воқеани ҳикоя қилгандек туюлади, амалда эса у воқеа тасдиқланади. Масалан, у "баланд тоғлар остида туғилишдан сочсиз эркаклар ҳам, хотинлар ҳам яшайдилар, бурнилари ясси ва энгаклари кенг. Улар бошқача тилда сўзлашадилар, скифча кийинадилар, дарахт меваларини истеъмол қиладилар... Мева сувидан ахси деб аталувчи чалпак тайёрлайдилар" (IV, 23), деган маълумот беради. Ҳақиқатан ҳам Урол тоғлари этагида яшовчи бошқирд халқи ҳалигача сочини олдиради, худди тарихчи айтганидек тайёрланган ва ахчи деб аталувчи таом истеъмол қилади.

Ҳеродот тўртинчи китобнинг 28-бобида скифлар юртида "қиш қаттиқ бўлади, саккиз ой қаҳратон совуқ бўлади. Бу вақтда ерга сув қуйилса ҳам лой бўлмайди, лой қилиш учун аксинча гулхан ёқиш керак, қиши билан осмондан доим қор ёғади, бамисоли патга ўхшаган. Умуман Скифия иқлими бошқа мамлакатлардан мутлақ ўзгача, у ерда фақат тўрт ой ёз бўлади, ёзда иссиқ бўлмайди, ёмғир ёғади", деб шимолий ерларга хос иқлимни тасвирлайди. Скифия иқлими ҳақидаги Ҳеродот маълумотларини Сохта-Ҳиппократ, Дионисий (II аср), рим шоири Вергилий, Лукан, Валерий Флакк, Овидий кабилар ҳам ўз асарларида тасдиқлайдилар. Қизиғи шундаки, Скифия иқлимига яқин ҳолатни, юқорида айтганимиздек, киммерлар юртига ҳам тааллуқли деб ҳисоблайдилар. Ахир Ҳеродот ва бошқа антик адиблари билган Қора денгиз Скифиясининг иқлими бунчалик совуқ эмас-ку, нима учун ҳаммалари шимолдаги вилоятлар иқлимини тасвирлайдилар, шунчалик муболаға қаердан, Страбон, Плинийларнинг Скифия ҳақидаги тасвири ундай эмас-ку, деган савол туғилади. Лекин Плинийнинг ўзи иккинчи жойда антик анъанага кўра яна патга ўхшаган қор, доимий булут, совуқ, шамол, қоронғулик ҳақида ёзади (IV, 88), ҳатто Скифиянинг совуқ иқлими Грецияда мақолга айланиб кетган экан. Антик муаллифларининг армасп, гиперборей, грифлар, аф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сонавий Рипей тоғларига ўхшаган скиф эпоси ва мифологияси билан боғлиқ бўлган тушунчалар борлигини кўрамиз. Скифия иқлимига бундай қараш аввал Иония греклари, Аристей, Алкман, Ҳесиодлардан, яъни Қора денгиз соҳилларини греклар ўзлаштиришидан аввал, эрадан аввалги VII асрдан бошланган эди.

Баъзи муаллифлар эса Скифияда олти ой кеча, олти ой кундуз бўлади; қуёш баҳор тенгкунлигида чиқиб, фақат кузги тенгкунликда ботади, Рипей тоғи мамлакатни шимолий қутб, шимолий океандан ажратиб туради; у ерларда аримасп, исседон ва савромат халқлари, тоғ ортида эса гиперборейлар яшайдилар (Плиний, 88-90), дейдилар. Афсонага кўра Рипей тоғи ортида иқлими мўътадил гиперборейлар юрти бор, улар на ғам, на меҳнат, на хусусий мулк, на касалликларни биладилар, узоқ яшайдилар, уларнинг ҳаёти бамисоли байрам, доимий ашула ва мусиқа янграб туради. Фикримизча, Скифия ва унинг ортидаги юртлар ҳақидаги антик муаллифларида анъанага айланиб қолган маълумотлар скиф халқларининг қадим ўтмишдаги дастлабки ватани бўлмиш Сибирь, Урал, Олтой билан боғлиқ бўлган ҳаёти, ўша ўлкалар иқлими, гиперборейлардаги ажойиб ҳаётни тасвирловчи фольклор эпик асарлари билан боғлиқ скифлар эпосининг акси бўлса керак.

Гиперборейлар ҳақидаги афсонани ўқир эканмиз, Низомий Ганжавий "Искандарнома"да Искандарни зулматлик юртидан ўтиб, бахтиёрлар мамлакати, ғам-ғусса, очлик, оғир меҳнат, хусусий мулк, ёлғончилик нима эканини билмаган, одамлари узоқ яшаб, қариликдан вафот этувчи мамлакатни тасвирлагани беихтиёр эсга тушади. Антик муаллифлари тасвирлаган олти ой қоронғу кеча худди Искандар ўтган зулматлик юрти, гиперборейлар юрти эса бахтиёрлар шаҳри эмасми. Ўхшашлик шунчалик ҳайратомузки, беихтиёр гиперборейлар ҳақидаги скифлар ва юнонлар афсонасининг акс-садоси Низомийгача етиб келган бўлса керак, деган хулосага келдим. Шу ўринда Платоннинг (э. ав. 427-372 йил) "Давлат" рисоласидаги идеал жамият тасвири ҳам гиперборейларнинг идеал ҳаёти таъсирисиз ёзилмаган бўлса керак, деган фикр туғилади.

Қизиғи шундаки, скифлардаги аждодлар юрти тасвири шарқи-шимолий ўлкалар тасвирига яқинлиги ҳинд эпик достонларида, эрон халқлари мифологияси, "Авесто"да ҳам учрайди. Бу масалани тадқиқ этган олимлар Г.М. Бонгард-Левин ва Э.А. Грантовскийлар ўхшашликларни келтириб, "қутб" цикли"нинг илдизини орий халқлари ҳали

www.ziyouz.com kutubxonasi

элатларга ажрамаган, умум бир халқ бўлиб дастлабки ватанда яшаган даврга тааллуқлидир[35], деб хулоса чиқарадилар.

Ҳеродотнинг ёзишича, скифларнинг дастлабки аждоди: "ўша қадим замонларда одам яшамайдиган ерларда дастлаб истиқомат қилган одам Тарғитой бўлган. Скифларнинг айтишларича, бу Тарғитойнинг отаси Зевс, онаси Борисфен дарёсининг қизи бўлган (уларнинг таъкидлашларига қарамай, мен бунга ишонмайман). Тарғитой шунақа зотдан эди..." (IV, 5) деб, яна иккинчи, Қора денгиз греклари ўртасида тарқалган қуйидаги афсонани келтиради: "Ҳеракл ҳўкизларини боқиб юриб одамлар яшамайдиган ўлкага (ҳозир у жойни скифлар ишғол қилган) келиб қолади... Ҳаво айниб совуқ бошланади. Ҳеракл шер терисига ўралиб, ухлаб қолади, шу маҳалда ўтлаб юрган отлари йўқолади. Ҳеракл уйғониб, отларини тополмай ахтариб, Гилей деган жойга келади. У ерда ғорда ажойиб махлуқ-ярим қиз, ярим илонни кўради". Кейинча Ҳеракл ундан уч ўғил кўради. Уларнинг энг кичиги ва паҳлавони Скиф эди, ундан "ҳамма скифлар тарқалган" (IV, 8-10)." Скифлар ҳақида учинчи ҳикоя ҳам бор (мен кўпроқ шунга ишонаман). У шундай: "Скифларнинг қабилалари Осиёда яшаганлар. Уларни массагетлар ҳарбий куч ёрдамида сиқиб чиқарганларидан сўнг скифлар Араксдан (Амударё — Ф.С.) ўтиб, киммерлар юртига келганлар" (IV, II).

Тарғитойнинг уч ўғли — Липоксай, Арпоксай ва Колаксай ҳақидаги миф қадимги Эрон мифологиясидаги Траетаон (Авесто) — Фаридун ва унинг уч ўғли, учинчи ўғил Эроннинг ота тахти-тожига эга бўлиши, катта ўғиллари Чин ва Турнинг шарқий вилоятларга юборилиши ҳақидаги миф билан ҳамоҳангдир. Юқорида келтирилган скифларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ҳар иккала ҳикоя скифлар оғзаки ижодидан олинган ва узоқ тарихга эга, лекин греклар томонидан қайта ишланган варианти бўлса керак, деган фикрдамиз.

Диодор ҳам ўз асарида скифларнинг келиб чиқиши ҳақида яна бир афсона келтиради. Бу ерда Ҳеродотнинг биринчи ва иккинчи вариантидаги каби афсонага асосланган, лекин миф тарихий воқеалар билан боғланган ҳолда берилади:

"Дастлаб скифлар озчилик бўлиб, Аракс дарёси атрофида яшаганлар, лекин қўрқоқликлари учун ҳамма уларни менсимас эди; бурун замонларда жанговар ва тадбиркор

www.ziyouz.com kutubxonasi

одам уларга шоҳ бўлгач, водийдан океан соҳилларигача, Меотий кўлидан то Танаис дарёсигача, тоғларда Кавказгача бўлган ерларни ишғол қилганлар. Афсонага биноан Ердан танасининг юқори қисми одам, қуйи қисми илон қиз туғилди. Зевс ва у илон қиздан Скиф номли ўғлон туғилади, ана шу Скиф ўзидан аввалги ҳамма элат бошлиқларини рад этиб, халқни ўзининг номи билан атайди. У шоҳнинг авлодлари орасида айниқса икки биродар-Пал ва Нап қаҳрамонликлари билан ўзгалардан ажралиб турадилар. Улар мамлакатни иккига тақсимлаб, ҳар қайсисини ўз номлари билан: бирини Пал, иккинчисини Нап, деб атадилар. Маълум вақт ўтгач, у шоҳларнинг авлодлари Танаис дарёсининг орқасидан то Фракиягача бўлган жойларни ўзларига қаратадиар ва ўз ҳукмронликларини ҳарбий куч билан кенгайтириб, Мисрдаги Нил дарёсигача бўлган жойларни ўзларига қаратдилар. Ана шу жойларда яшаган анча-мунча қабилаларни асоратга олиб, бир томондан шарқий океан, иккинчи томондан Каспий денгиз ва Меотий кўлигача бўлган ерларда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар: чунки бу (скиф) қабилалари кўпайиб кетди ва ажойиб шоҳларга эга бўлди, қабилалар уларнинг номи билан: саклар, массагетлар, аримасплар деб шу йўсинда аталади" (Тарихий кутубхона, II, 43). Бу ўринда Диодор Аракс деганда Амударёни, Танаис деганда Сирдарёни, Меотий кўли номи остида Оролни назарда тутади[36]. Ҳеракл қаҳрамонликларига бағишланган Грек эпиграфик ёдномасида ҳам Ҳераклнинг Скифияга келиши муносабати билан скифларнинг келиб чиқиши ҳақида яна бир миф келтирилади; Ҳеракл "бу ерларга, яъни Скифияга ўтди: Аракснн (Амударёни — Ф.С.) енгди ва унинг қизи Ехидна (ярми аёл, ярми илон) билан алоқа ўрнатиб, Агафирс ва Скифни дунёга келтирди".

Шундай қилиб, скифларнинг келиб чиқиши ҳақида реал тарихий маълумотдан кўра афсонавий, мифологик ҳикоялар кўпроқ учрайди. Ҳеродотнинг "мен кўпроқ шунга ишонаман" деб скифлар ҳақида берган маълумоти ҳақиқий тарихий маълумот бўлса керак.

Ҳеродотнинг хабарига кўра Тарғитойнинг уч ўғли — Липоксай, Арпоксай ва кичиги, Колаксай номларининг маъносини очишда олимлар кўп бош қотирганлар ва ана шу номлар этимологиясини форс тили нуқтаи назаридан изоҳлашга уринганлар. Биз бу масалани четлаб ўтиб, фақат Тарғитой исми устида ўз мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳеродотдан бошлаб ҳамма антик муаллифлари скиф шоҳларининг келиб чиқишини худолар билан боғлаб, уларда шоҳ шахси муқаддас эканлигини кўрсатдилар: Ҳеродотда Таргитой Зевс (скифларда Папай)нинг ўғли ёки Зевснинг ўғли Ҳераклнинг ўғли: Диодорда ҳам шоҳ Скиф Зевснинг ўғли; Валерий (э. ав. II-I аср) скифлар шоҳи Колакс (яъни Колаксай) Юпитер зотидан ва ҳоказо. Ҳеродот Таргитойни скиф халқига асос солувчи зот ва скифлар маъбуди дейди.

Украин олими М. Ф. Болтенко Забайкальеда Тиргитуй топоними борлиги, монгол эпосида Таргутой исмли персонаж борлиги ҳақида ёзади.[37] Л. А. Ельницкий эса "Таргитой исми...ўз навбатида Полиен орқали етиб келган бошқа скиф-меот исми Тиргатаб билан боғлиқ ва Тирнинг (Днестр) қуйи оқимида жойлашган Тирегет қабиласи номи билан боғлиқ бўлиши керак"[38], дейди.

Машҳур тарихнавис "Жами ат-таворих"нинг муаллифи Рашид ад-дин ўз асарининг иккинчи қисмига қуйидаги сарлавҳани қўяди: "Ҳозир мўғул деб аталаётган турк қабилалари ҳақида: жалоир, сунит, татар, меркит, курлаут, тарғут, айрот, барғут, қари ва тулас, тумат, булағочин ва кэрэмучин, урасут, теленгут ва куштеми...", кейин "Тарғут қабиласи" таърифини бериб, "бу мамлакатга (Эрон) Каандан Тарғудай деган одам келди, у шу қабиладан эди. (Тарғут) қабиласидан бўлган бошқа амирлар номи ва даражасини билмайман"[39], деб ёзади. Иккинчи ўринда турк Тойжиут қабиласи ҳақида ёзиб, "Тарғудай-Кирилтук шу қабиланинг шоҳи эди"[40], дейди. Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида "тарғил" сўзи "йўл-йўд", "той" — отнинг боласи", "тойча, той" деб изоҳланади[41]. Ҳозир ҳам туркий халқларда исмларга "той" қўшимчасини қўшиб ишлатиш кўплаб учрайди. Ундан ташқари ҳамма ибтидоий халқларда бўлганидек "тарғил той" исми қабила тотеми билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган фактлардан келиб чиқиб, скифларнинг бобокалони турк элатидан бўлган Таргитой экан, скифлар қадимий асли ватанлари Урол, Олтой, Жанубий Сибирдан чиққан туркий қабилалардан бўлиб, кейинча маданиятда ўзидан юқори бўлган халқлар билан учрашгач, ассимиляция бўлиб, она тилларини йўқотиб, тиллари эронийлашган эмасми, деган тахмин туғилди. Ҳеродот ва умуман антик муаллифлари томонидан тасвирланган скифларнинг ҳаёт тарзи, урф-одати айнан туркий халқларники

www.ziyouz.com kutubxonasi

сингари эканлиги ҳам фикримизни тасдиқламасмикан, деб ўйлаймиз.

Скифларнинг қайси этник гуруҳга мансублиги масаласи XIX ва XX аср бошларида ҳам кўпгина олимларни қизиқтириб келган. Булар орасидан бизни қизиқтирган, концепциямизга яқин фикрларни олға сурганлари устида бир оз тўхтаб ўтамиз. Немис олими Б. Г. Нибур Сохта-Ҳиппократнинг "Ҳаво, сув ва жойлар ҳақида" асаридаги скифларнинг қиёфаси, ҳаёт тарзи, даволаш усулларига, қиличга жанг худоси деб эътиқод қўйганликларига қараб, скифлар мўғуллардан тарқалган, дейди. Айниқса, биялар сутидан фойдаланиш, намат ўтовларда яшаши, озода эмасликлари., нашадан кайф қилишларини ўз фикрининг исботи сифатида келтириб, буларга Сибирь халқларидан қиёслар топади [42].

Қ. Нойман ҳам Б. Г. Нибургa яқин фикрни олға суради. Олим сколот-скифлар турклар, дейди ва бу халқлар эътиқоди ўртасидаги муштаракликни, тилларидаги ўхшашликни исботлайди. Сохта Ҳиппократ асарида берилган скифларнинг мўғулона қиёфаси тасвирини келтиради ва Қора денгиз скифлари мўғулларга ўхшамаган, кейинча улар бошқа халқларга аралашиб, қиёфаси ўзгарган бўлиши мумкин, дейди. Тил масаласига келганда скиф исмларини мўғул номлари, худолар номлари, баъзи сўзларнинг мўғул тилидаги ўхшашини топишга уринади. Скифлар ва мўғуллар ҳаёт тарзидаги ўхшашлик, эътиқодлари ва урф-одатларидаги яқинликни ҳам келтиради [43].

XIX асрнинг иккинчи ярмида фанда скифлар масаласи, яъни турк-мўғул ёки эрон этник гуруҳига тааллуқлиги масаласи хусусида кураш, айниқса, кескинлашади. Эрон назарияси тарафдорлари устун чиқа бошлайдилар. Немис олими А. Шифнер, инглиз олими Ж. Роулинсон скиф сўзларини форс тили намунаси эканини исботлаб, Нибур ва Нойман назарияларига зарба берадилар ва уларни турк, мўғул тилларини яхши билмасликда айблайдилар. Аммо турк-мўғул назарияси тарафдорлари ўз тадқиқотларини давом эттирадилар.

Венгр олими Ҳ. Вамбери, инглиз олимлари Р. Макан, Э. Минизларнинг фикрича, скифлар битта халқ эмас, балки бир қанча қабила, элатлар бирлашмаси, улар орасида мўғул, турк ва эрон этносига алоқадорлари ҳам бўлиши мумкин.

XIX аср охири ва бизнинг асримизда кўпчилик олимлар скифлар эрон халқлари гуруҳига тааллуқли, деган наза-

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ва менимча жуда тўғри) — Папай, Гея — Апи, Апполон — Тойтосир, Фалак Афродитаси — Аргимпаса, Посейдон — Фагимасад деб аталади. Скифларда Аресдан бошқа худоларга ҳайкал ўрнатиш, ибодатхона, меҳроб қуриш одат эмас. Унга ана шундай иншоотлар қурадилар", деб ҳикоя қилади. Ҳеродот номларини келтирган етти маъбуд зардуштийларнинг етти маъбуди ва борлиқ ҳақидаги тушунчасига мувофиқ — етти қават осмон, етти қават ер, етти сайёра билан боғлиқ бўлса керак (Ўрта Осиё халқларида бу тушунчалар ҳамон сақланиб келмоқда). Баъзи Европа олимлари айтишганидек, скифлар дини ибтидоий содда эмас, балки бутун бир яхлит тизимга эга бўлган дин ва мифология. Уларда борлиқ уч қисмга: осмон, ўрталиқ ва ерга бўлинган, олов эса ана шу уч қисмни бир-бирига боғловчи восита. Скифларда олов илоҳий куч, у Табити номи билан боғлиқ. Скифлар пантеонида бу маъбуда биринчи ўринда туради, Ҳеродот уни оила-хонадон маъбудаси Гестияга тенглаштиради, яна "скифлар маликаси" деб ҳам атайди. Д. С. Раевскийнинг фикрича, скиф мифологияси бўйича шоҳ ўз ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш учун маъбудага уйланган, олов ифодаси бўлмиш Колаксай Табитига уйланган дейилади, шунинг учун ҳам Ҳеродот уни малика деб атаган [46].

Ҳеродотнинг айтишича, скифлар "шоҳ Гестияси билан" деб қасам ичиши энг ишончли қасам ҳисобланган. Гестия — Табити шоҳ ва унинг ҳукмронлигининг бешикастлиги, гуллаб-яшнаши билан боғлиқ. Гестия — Табити хонадон, оила, ўчоқ худоси скифларда биринчи даражага қўйилгани бежиз эмас: чунки кўчманчилар учун ҳар бир ўтовда ўчоқда олов ёниб туриши оиланинг фаровон ва сиҳат-саломатлигини белгиси ҳисобланган. Шунинг учун ҳар бир скиф ўтовида ўчоқ алоҳида эъзозланган, унга оила, уруғ-аймоқ бирлигининг тимсоли сифатида эътиқод қўйилган. Табитига бундай қараш сўз этимологияси билан ҳам тасдиқланади. Қадимги эрон тилида "тапаяти" сўзи "иситувчи" деган маънони беради. Табити скифларда шоҳлик миқёсида қабила, элат, халқлар, мамлакат бирлиги, давлатнинг бешикастлиги, халқ фаровонлиги тимсоли сифатида гавдаланади, у умумхалқнинг бош маъбудаси.

Папай (этимологияси "ота", туркий тиллардаги "бобой") скифлар, мифологиясида бутун борлиқни яратувчи энг аввалги худо. Греклар уни Зевсга, римликлар эса Юпитерга тенглаштирадилар. Папайнинг рафиқаси Ер — Апи (юнонларда Гея).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тадқиқотчилар Ҳеродотнинг биринчи ҳикоясида келтирилган маъбуда Апини Борисфен дарёсининг қизи, Д. О. Раевский эса Аждаҳо (Заҳҳок) эмасмикин деб фараз қилади. Лингвистлар эса "апи" сўзининг қадимги эрон тилидаги этимологиясини тополмай, Авесто варианти "опи" — об" ("сув") сўзидан олинмаганмикин, деб тахмин қиладилар. Ахир Ҳеродот аниқ ҳолда Гея — Апи, яъни Ер, дейди. Қандай қилиб ер сувга айланиш мумкин. Бизда скифларнинг "апи"си туркий тиллардаги "аби"— аймоқ бошлиғи, "апа", "аба" сўзлари билан боғлиқ эмасмикин, деган фикр туғилди. Агар шундай бўлса, Папай — бошланғич худо "ота", "бобо","бобой" маъносини билдирса, унинг рафиқаси Апи "она", маъноларини билдиради.

Скифлар тушунчасида илон ҳосилдор ер тимсоли (ҳақиқатан археологик қазилмаларда ярим аёл,ярим илон қиёфали икки елкасида икки илон чирмашган ҳайкал топилган, у Апининг тасвири бўлса керак), унинг осмон билан никоҳи фалакиёт билан ер, яъни пастки дунёнинг қўшилишидир. Улардан ўртанги дунё, яъни ер юзи, биринчи одам Таргитой пайдо бўлади. Бу персонажнинг Осмон ва Ердан пайдо бўлишини космогоник акт деб изоҳлаш мумкин. Таргитой инсонни Осмон — Папай (Зевс) ва Борисфеннинг ярим аёл, ярим илон қиёфали қизи Ер — Апи (Гея)дан пайдо бўлиши — бутун борлиқ ва инсониятнинг яратилиши ҳақидаги скифлар мифидир.

Шу ўринда Д. С. Раевский томонидан антик муаллифлари асарлари асосида тузилган скифларнинг мифологик системасини келтиришни лозим топдик.

Ҳеродот: Оламнинг универсал принципи олов. У олий. Кўп нарсани қамраб олган мавжудот, у бутун жаҳон ва унинг ҳар бир элементига айнан монанд.

Ҳеродот: Оловнинг хусусияти кўп (уч кўринишда) у олам тузилиши андозасини яратган.

Ҳеродот: Олов скифлар пантеонидаги энг олий худо Табитида гавдаланган.

Ҳеродот: Скифлар Табитидан сўнг Папай ва Апига эътиқод қўядилар.

Ҳеродот, Диодор: Папайда осмон, юқори дунё гавдаланган, у скиф шоҳларининг аждоди.

Ҳеродот, Диодор: Апи пастки дунё ер ва сув маъбуди, у борлиқнинг ибтидоси. У оқар сувнинг (Борисфен, Аракс ва бошқа дарёлар) қизи, ғорда яшайди, танасининг пастки қисми илон ва икки елкасидан ҳам икки илон ўсиб чиққан. У Папайнинг рафиқаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳеродот, Диодор: Даставвал Папай ва Апи бир-бири билан аралаш, қўшилган, осмон ва ер бир-биридан ажрамаган ҳолда бўлганлар. Кейинча улар бирлашганларидан сўнг оламнинг ўрталиқ қисми, одамлар дунёси — Тарғитой пайдо бўлади. Унинг туғилиши осмоннинг ердан ажралиб чиқиши, оламнинг вертикал қурилиши ва уч қисмдан иборат бўлишини таъминлади. Тарғитойнинг белгиси сув сузувчи қуш (кўпинча ўрдак).

Ҳеродот: Горизонтал равишда ташкил этилган дунё ҳар томони бир хил тўрт бурчакдан иборат. Бу тўртбурчакнинг маркази муқаддас нуқта, ундан олам ўқи ўтади (Скифия тўрт томони бир хил ўлчовдаги тўртбурчак ҳолида тасаввур этилган).

Ҳеродот, Страбон: Тарғитой турли-туман азалий маҳлуқларни енгади.

Аристей, Ҳеродот, Плиний: Тарғитой онаси Апи билан никоҳда бўлади.

Ҳеродот: улардан уч ўғил дунёга келади, улар борлиқнинг уч қисмини — ер-сув чуқурликлари (пастки қисм) тоғлар (боғловчи ўрталиқ қисм) ва осмон-қуёшни гавдалантирадилар. Жамият тузумида ҳам скифлар уч табақа бўлганлар: жангчилар, дин арбоблари ва деҳқон-чорвадорлар.

Диодор вариантида икки ўғил туғилиб, осмон-қуёш ва пастлик (ер ости) уларда акс этган.

Азалий маҳлуқларнинг мағлубияти, Тарғитой ғалабаси ва уч ўғил туғилиши олам яратилиши жараёнининг тугалланишини ифодалайди.

Ҳеродот: Тарғитой ўғиллари даврида маъбуда Табити (осмон олови) алангаланувчи уч олтин буюм: омоч ва бўйинтуруқ, болта ва коса шаклида ерга тушади. Бу уч буюм олам ва жамиятнинг уч қисмини (деҳқон, жангчи ва коҳин) ифодалайди.

Ҳеродот: бу буюмларга фақат Тарғитойнинг кичик ўғли Колаксай эга бўлишга арзигулик, у скифларнинг биринчи подшоҳи. Унинг олтин буюмларга эга бўлиши Табитига уйланиши демакдир.

Ҳеродот: Колаксайдан шоҳ-жангчилари, Липоксайдан коҳин дин арбоблари, Арпоксайдан эса деҳқон ва чорвадорлар тарқалади.

Колаксайнинг ҳоким бўлиши кейинчалик унинг авлодлари — жангчилар бошқа икки табақа, коҳин ва деҳқонлар устидан ҳокимлик қилишни бошлаб беради.

Ҳеродот, вариант: синов пайтида биродарларнинг бири бошқаларидан устун чиқиши унинг ҳарбий иш билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлиқлигидан (осмондан тушган учала олтин буюм олдига катта ва ўртанча ўғил келса алангаланади, биродарлар уларга қўл ура олмайдилар, кичик ўғил келганда эса олтин буюмлар ўзгармай туради ва Колаксай уларга эга чиқади). Синов пайтида иштирок этган Таргитойнинг камони скифлар устидан ҳокимлик тимсоли сифатида кичик ўғлига, коҳинлар артибути бўлган идиш, коса ҳам жангчи-шоҳга берилади.

Диодор, вариант: жамият икки табақа — жангчилар ва деҳқонлар, биринчиси ҳукмрон.

Ҳеродот: Колаксай Скифияни уч қисмга тақсимлаб, катта қисмини ўзига олади. Акалар бундан хафа бўлиб уни ҳалок қилмоқчи бўладилар.

Валерий Флакк: улар ука билан курашадилар ва ўлдирадилар (скифларнинг байрамида одат бўйича вақтинча шоҳ сайланиб, маълум вақтдан кейин у ҳам ўлдирилади) [47]. Бу эпизод яна эрон мифологиясидаги Фаридун ва унинг уч ўғли ҳақидаги афсонани ҳам эслатади.

Юқорида келтирилган маълумотлар антик адабиёт намуналарига қандай қилиб ўтиши мумкин деган саволга академик В. В. Струвенинг сўзлари билан жавоб бериш мумкин. "Ахмонийлар армиясидаги сак отрядларида Ўрта Осиёнинг узоқ даштликларида сак халқининг қаҳрамонона ўтмиш ҳақида яратилган ашулалар, албатта, айтилар эди. Сакларда эпос ишонарлик ёзма тарих ўрнида ўтар эди. Ўз мустақиллиги ва эрки учун курашган мардонавор халқнинг қаҳрамонона кураши ёркин ифодаланган бу эпос ашулалари сак жангчилари билан елкама-елка жанг қилган ёлланган грек лашкарлари диққатини жалб этмай қолмаган"[48]. Афсуски, иккинчи томон таъсири, яъни антик даврда грек маданиятининг Ўрта Осиё халқларига таъсири ҳақида ёзма манбалар бизда сақланмаган.

Скифлар ҳақида Ҳеродотдан ташқари деярли ҳамма антик адиблари ўз асарларида маълумотлар берганлар (Ктесий, Арриан, Квинт Курций Руф, Диодор, Плутарх, Страбон, Плиний ва б.). Ҳеродотнинг кичик замондоши Фукидид (э. ав. V аср) Пелопоннесс уруши воқеаларини тасвирловчи "Тарих" асарида Одрислар давлати "ҳарбий куч, лашкарлар сони жиҳатидан скифлардан паст туради. Агар скифлар ўзаро иттифоқ бўлиб яшасалар улар давлати билан нафақат Оврупо, Осиёда ҳам бирорта халқ уларга тенг келолмайди" (II 27) деб, скифлар жасур халқ эканини тан олади. Эфор (э. ав. 405—330) "скифлар текин даромад кетидан қувмайдилар, бир-бирларига нисбатан адолатли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рияни олға сурмоқдалар. Ҳар ҳолда Ҳеродот ва бошқа антик муаллифлари асарларида берилган маълумотлар етарли эмас, айтилаётган ҳамма фикр ва назариялар тахминий дейдилар. Шунга қарамай, Ҳеродот асарида келтирилган ахборотлар шунчалик муҳимки, у узоқ ўтмишда Марказий Осиё, Кавказ ва Қора денгиз соҳилларида узоқ яшаган халқлар тўғрисида маълумотлар берадиган ягона ҳужжатдир. "Тарих" қадимги греклар томонидан Скифия деб аталган ва мамлакатимизда жуда катта географик кенгликни ўз ичига олган ҳудуд табиат ва халқлари ҳақидаги энг қадимги ягона манбадир. Шунинг учун бу асарнинг аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайди. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий "Сурат ул-арз китоби"нинг "Мамлакатларнинг чегаралари тавсифланадиган жойлар" бобида "Скифия мамлакати — бу турклар еридир, ўртасининг узунлиги 114°0, кенгламаси 57°30 (1600). Скифия мамлакати бу тўққизғузлар еридир..." [44], дейди (Скифияни Хоразмий "Исқисия" шаклида қўллайди). Хоразмий асари Ўрта аср Шарқида яратилган дастлабки географик асар бўлиб, асосан қадимги грек олими Клавдий Птоломейнинг "География" асарига суянган ҳолда ёзилган. Птоломей ўз асарида скифлар юрти ҳақида ҳам маълумот берган. Хоразмий фақат Птоломейга суянибгина қолмай, у мамлакатнинг IX асрдаги ҳолатини ҳам тасвирлаган. Бу ўринда бизни қизиқтирган нарса скифларнинг этник хусусияти, Хоразмий берган маълумот немис олимлари Б. Г. Нибур, К. Нойманлар фикрини тасдиқлайди. Фикримизча, Ҳ. Вамбери, Р. Макан, Э. Минизлар айтганидек, скифлар битта халқ эмас, балки турли қабила, элатлар бирлашмаси. Улар VIII — IX асрларга келиб турклашганлар ёки уларнинг орасидан эронийлари чиқиб кетиб, туркийлари Хоразмий айтган ерларда жойлашган бўлса керак. Лекин бу турклар, Хоразмий асарининг таржимони ва тадқиқотчиси А. Аҳмедов айтганидек, "этник жиҳатидан турк ҳоқонлигига асос солган турклар эмас, балки турк тилида сўзлашувчи турли қабилалар бирлашмасидир" [45].

Ҳеродот скифларнинг дини, эътиқоди ҳақида ҳам озми-кўпми маълумот беради. Тўртинчи китобнинг 59-бобида "скифлар фақат қуйидаги худоларга сиғинадилар. Дастлаб Гестия, кейин Зевс ва Гея (уларда Гея Зевснинг рафиқаси), улардан кейин Аполлон ва Фалак Афродитаси, Геракл ва Арес. Бу худоларни ҳамма скифлар тан оладилар, шоҳ скифлари деб аталувчилар эса Посейдонга ҳам қурбонлик қиладилар. Скиф тилида Гестия Табити, Зевс

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, уларда ҳамма нарса, хотинлар ва болалар, оила ўртада...Улар[49] араваларда силжийдилар, сут билан тамадди қиладилар", дейди.

Скиф-сак қабилалари таркибига деярли ҳамма антик муаллифлари томонидан тилга олинган массагетлар ҳам кирган бўлса керак. Ҳеродот массагетлар ҳақида ҳикоясини бошлар экан, "айтишларига қараганда бу массагетлар сон жиҳатидан кўп ва мардонавор қабила... Баъзилар уларни скиф қабиласи деб ҳисоблайдилар" (1, 203), дейди. Иккинчи жойда эса "Осиёда массагетлар скифларни Аракс ортида эгаллаб турган жойидан сиқиб чиқарадилар" (IV, II), дейди.

Демак, Ҳеродотнинг фикрича, массагетлар скифлардан ўзгача. Лекин замонавий тадқиқотчилар, Гекатей асари ва археологик материалларга суянган ҳолда, массагетлар маданияти бошқа скиф халқларникига ўхшаш эканлигига асосланиб, массагетлар ҳам скиф халқлари гуруҳидан деган фикрга келдилар (В. В. Струве, С. П. Толстов, С. И. Руденко, К. Ф. Смирнов, М. А. Итина,Ҳ. Коте, И. В. Пьянков ва б.). Бошқа антик муаллифлари ҳам массагетлар скиф халқлари гуруҳидан эканлигини кўрсатадилар. Страбон "Кирни ҳалок қилган массагетлар билан саклар бир халқ" (XI, 6, 7, 8), дейди. Диодор, Солин ҳам шу фикрда. Полиен эса Томирис исми саклар шоҳи Тамирис отига ўхшашлигини қайд қилади (VII, 12); Птоломейда Скиф шоҳи укасининг исми Марсагет, массагет қабиласи номига ўхшайди. Кир юришлари ва ҳалокати тасвирида ҳам келишмовчиликлар бор. Ҳеродот қабилани массагет деб атаса, Страбон сак, массагет, бошқа адиблар эса скиф деб атайдилар. Қадимги эрон тили мутахассиси Л. М. Оранский "массагетлар сак қабилаларининг катта иттифоқини ташкил этган бўлса керак. "Массагет" атамасини "катта саклар"" (мас — катта, сака — сак, т — кўплик белгиси) деб талқин этиш мумкин[50], дейди.

Ҳеродотнинг фикрича, массагетлар "кўпчиликни ташкил этган мардонавор қабила, улар кенг текисликнинг анчагина қисмини ишғол қилганлар" (1, 201). Кўпчилик олимларнинг фикрича, текислик деганда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисми, Қорақумнинг шимолидаги даштлик назарда тутилган. Деярлик ҳамма антик муаллифлар массагетлар Хоразм, Бактрия ва Суғдиёнага чегарадош жойларда яшаганлар, дейдилар. Лекин Искандар юришлари билан боғлиқ асарларда массагетларнинг турар жойи Ҳиндистон билан чегарадош бўлган дейилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳеродот скиф манбаларига суянган ҳолда массагетлар "Аракс дарёсининг шарқида, исседонлар қаршисида яшайдилар" (1,201) дейди. Ҳақиқатан массагетлар эрадан аввалги 700-йилларда скифларни Марказий Осиёнинг ғарбидан сиқиб чиқарганлар ва ўзлари шу ерларни ишғол қилганлар. Машҳур шарқшунос олим, академик В. В. Струвенинг аниқлашича, Ҳеродотнинг Аракси, ҳозирги Амударё, массагетларнинг турар жойи эса Орол денгизининг шарқи жанубида, Аму ва Сирдарёлар ўртасидадир [51].

Эрон шаҳаншоҳлигининг асосчиси Кир Яқин Шарқ давлатлари — Вавилон, Ассирия, Мидияни ўзига қаратгач, Марказий Осиё давлатларини ҳам Эрон давлатига қаратмоқчи бўлади. Парфия, Бактрия, Хоразм, Суғд ва Скифиянинг бир қисмини босиб олади. Лекин ёзма манбаларда Марказий Осиёнинг забт этилиши деярли ёритилмаган.

Кирнинг Хуросон ва Марказий Осиёга юришини тасвирлаш муносабати билан Ҳеродот бу ерларда яшовчи қабила ва элатлар ҳақида маълумотлар беради, "енгилмас" деб ном таратган Кир лашкарлари мағлубияти ва "ўлмас" шоҳнинг ҳалокатини, массагет маликаси Томирис томонидан ҳалок эттирилишини ҳикоя қилади: "Кир массагетларга қарши юришни ният қилади. Бу, юришни, Кирнинг фикрича, муҳим сабаблари бор эди. У ўз кучи ва бахтига ишонар, аввалги муваффақиятлари уни эсанкиратиб қўйган эди. Кир Аракс дарёсига кўприк қуришни буюради ва Томирисга совчи юборади. Кир ҳаракатининг асл моҳиятини англаган Томирис совчиларга рад жавобини беради ва жарчи орқали Кирни уруш бошламасликка, тинч яшашга ундайди. Агар жанг қилишни истаса дарёнинг у ёқ, бу ёғига уч кунлик йўл юриб, кейин жанг қилишни маслаҳат беради. Кир ўз яқинлари билан маслаҳатлашиб душман томонига уч кун юришни лозим топади ва ҳийла билан массагетларни енгмоқчи бўлади. У бобоси Крез билан ўғли Камбисни Эронга жўнатиб, ўз лашкари билан дарёдан ўтади. Тушида Кир қариндоши Дорони Осиё ва Оврупо устида икки қанотини ёйган ҳолда кўради. Ўз бахтига ишонган Кир массагетлар юртида бир кунлик масофани босиб тўхтайди, чодирлар қурдириб, таомлар тайёрлатади, зиёфатга тайёргарлик кўради, бир оз жангчиларни қолдириб ўзи чекинади. Томириснинг ёлғиз ўғли Спаргапис бошлиқ бир қисм лашкарлар келиб Эрон лашкарларини енгадилар ва ҳийла эканини билмай зиёфатлардан тамадди қилиб, ўзларига нотаниш бўлган майдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

роса ичадилар ва маст ҳолда ухлаб қоладилар. Кир лашкарлари билан келиб, уйқудаги душманларни ўлдиради ва Спаргапис билан бир қисм лашкарларни асир олади. Воқеадан хабар топган Томирис хабарчи орқали Кирга "Қонхўр Кир! Қаҳрамонлигинг билан мағрурланма...Ҳалол жангда қурол кучи билан эмас, балки узум суви билан маккорлик қилиб ўғлимни енгдинг. Менинг маслаҳатимга кўн, ўғлимни бер ва яхшиликча ерларимдан кет...агар йўқ десанг массагетлар худоси қуёш номи билан қасамёд этаман, сен қанчалик тўймас бўлсанг-да, мен сени қонга тўйдираман", дейди. Кир бу сўзларга парво қилмайди. Кайфи тарқалгач, асир тушганини кўрган Спаргапис ўзини ўлдиради. Воқеадан хабардор бўлган Томирис ҳамма лашкарлари билан ҳужумга ўтади. Ҳеродот бу жангни "менинг фикримча, бу жанг варварлар ўртасидаги жангларнинг энг даҳшатлиси эди", деб атайди. "Аввал душманлар узоқдан туриб бир-бирларига камондан ўқ уза бошладилар, ўқ-найзалар тамом бўлгач, ханжар ва найзабонликка ўтдилар. Душманлар узоқ вақт жанг қилдилар, ҳеч ким чекинишни истамади. Ниҳоят массагетлар устун чиқдилар. Жанг майдонида деярли ҳамма эронийлар ҳалок бўлдилар. Кирнинг ўзи ҳам ҳалок бўлди. У 29 йил шоҳлик қилди. Томирис май мешкопини одам қони билан тўлдириб, Кирнинг бошини мешкопга солдирди. Кейин ўликни ҳақоратлаб: "мен тирик қолиб ғалаба қозонган бўлсам-да, сен мени нобуд қилдинг, айёрлик билан ўғлимни тутиб олдинг. Шунинг учун сенга айтганимдек сени қонга тўйдираман" (1,24). Томирис тарихи ва Кирнинг ҳалокати воқеаси шундан иборат.

Ҳеродот боб охирида "Кирнинг ҳалокати ҳақида ҳикоялар кўп, фикримча энг тўғриси шу", дейди. Кир лашкарларининг тор-мор этилиши ва Кирнинг ҳалокати эрадан аввалги 530 йилнинг август ойи бошларида рўй беради. Бу сана, Вавилон ҳужжатлари томонидан ҳам тасдиқланган (530 йил 12 августдаги ҳужжат Кир номидан, 31 август ҳужжати унинг ўғли Камбис номидан берилади). В. В.Струвенинг айтишича, эрадан аввалги 530-йил, Кир ҳалокати йили, собиқ Иттифоқ тарихидаги аниқланган илк бор санадир [52]. Кейинча Плутарх Рим лашкарбошиси Красснинг парфиянларга қарши уруши ва унинг ҳалокати эпизодини тасвирлашда Кирнинг вафоти ҳақидаги Ҳеродот ҳикоясидан фойдаланган. Умуман Томирис тарихи деярли ҳамма антик адиблари асарларида бир оз ўзгартирилган ҳолда берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ктесий: "Кир саклар билан жангда саклар шоҳи Аморгни асир олади. Малика Спаретра эри асир тушгач, уч юз минг эркак ва икки юз минг хотин-қизни тўплаб Кирга қарши жангга чиқади. У Кирни енгиб, асир олади, кейин Аморг ва эронлик асирлар озод этилади... Иккала шоҳ сулҳ тузади. Кир дербикларга қарши курашда Аморгга ёрдам беради, жангда яраланади ва ўлади" (Фотий асарида келтирилган парча) [53].

Страбон: "Массагетлар Кирга қарши курашда мардонаворлик кўрсатдилар, уларни кўпчилик мақтайди" (VIII,6).

Помпей Трогнинг Томирис, Кир ҳақидаги ҳикоясини Юстин қуйидаги мазмунда келтиради: "Осиёни забт этиб, бутун Шарқни ўзига қаратиб, Кир скифларга қарши уруш бошлади. У даврда скифларда подшоҳ Томирис исмли аёл эди. У аёл киши бўлса-да, душман юришидан қўрқмади". Томирис турли мулоҳазалар билан душманларни Оксдан ўтишига тўсқинлик қилмади. Кир дарёдан ўтиб, мамлакат ичкарисига кириб, лагерь қурди. "Эртаси Кир қўрққан одамдек орқасига қочди. Лагерда кўплаб май ва зиёфатларни қолдирди. Воқеадан хабар топган малика ўғли ва учдан бир лашкарини душманни қувишга юборди". Тажрибасиз йигит май нималигини билмаган одамлар билан зиёфатга келиб меҳмонлардек еб-ичди ва уларни қурол эмас, мастлик енгди. Хабарчилардан воқеани эшитган Кир кечаси қайтиб келиб, маст ҳолдаги лашкар ва маликанинг ўғлини ўлдиртиради. Шунча лашкар ва ягона ўғилдан айрилган малика кўз ёши тўкиш ўрнига душмандан ўч олишга тайёрланади. У ҳам ҳийла билан Кир ва унинг лашкарларини тоғ дарасига қочгандек бўлиб ўша томон бошлайди, у ерда пистирмада ўтирган лашкар билан малика 200 000 эронийни, шоҳни ҳам тор-мор этади. Бу ғалабанинг яна шуниси ажойиб эдики, эронийларга бу даҳшатли талафот, мағлубият ҳақида хабар берувчи бирорта тирик одам ҳам қолмаган эди. Малика Кирнинг бошини танасидан жудо қилиб, "сен ҳамиша қонга ташна эдинг ва ҳеч қачон тўймас эдинг, мана энди тўй" сўзлари билан одам қони билан тўлдирилган мешкобга ташлашни буюради" (1,8)

Қадимги юнон ёзувчиси Ксенофонт асарлари орасида Эрон шоҳи Кирга бағишланган "Киропедия" ("Кирнинг тарбияси" ва Кирнинг шахсини идеаллаштирувчи "Анабасис" ("Кир юришлари") асарлари бор. Булар тарихий асардан кўра кўпроқ роман жанрига яқин. Ксенофонт асарлари ҳам композиция, ҳам материалга ёндашиш жиҳатидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳеродот асаридан мутлақ фарқ қилади. Бу асарларда аристократ Ксенофонт ҳар икки Кирни идеал аристократ ҳоким, тиран (наслдан-наслга қолувчи ҳоким) этиб тасвирлайди. У ҳар иккала Қир лашкарини тасвирлар экан, Марказий Осиё халқларини ҳам Эрон армиясининг ажралмас қисми сифатида кўрсатади. Лекин Кирни Томирис билан бўлган жангда ҳалок бўлганини ёзмайди, шоҳ ўз ажали билан ўлади, дейди.

Ксенофонт "Киропедия"да қуйидаги эпизодни келтиради: "Кир суворийлар мусобақасини уюштиради. Иштирок этувчилар орасидан чиққан бир сак йигит қолган иштирокчиларни ярим йўлда қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб келади. Ана шунда ҳайратда қолган шоҳ сак йигитга отини подшоҳликка алмаштиришни таклиф этади. Лекин сак йигит таклифни рад этиб, "отимни энг мард, жасур одамнинг миннатдорчилиги эвазига беришим мумкин", дейди. Албатта, эрон шоҳлари саройига яқин бўлган Ксенофонт бу воқеани ўзи кўрган бўлиши мумкин. Бу эпизодда кўчманчи халқларнинг олижаноблиги, мардлиги, яхши суворий ва жангчилиги ҳақидаги тушунча ўз ифодасини топган.

Лекин на антик ва на кейинги давр муаллифлари Ксенофонтнинг Кир ҳалокати ҳақидаги хабарига жиддий муносабатда эмас, балки тарихчининг тўқимаси деб қарайдилар. Аммо Пасаргадда Кирнинг мақбараси бор, буни қандай тушуниш мумкин? Балки Кир жасади массагетлардан нимадир эвазига олиб келингандир?

Кир қадим дунё тарихида сезиларли из қолдирган, Эрон давлатига асос солибгина қўймай, Помпей Трог айтганидек, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё давлатларини Эронга қўшиб, Осиё қитъасининг деярли ҳаммасини ўз ичига олган империя яратган тадбиркор ҳоким ва лашкарбоши бўлган. Лекин ана шундай инсон ҳам Марказий Осиёнинг эрксевар халқлари, бор имконият ва кучини мустақиллик ва озодлик учун курашга сафарбар этган кўчманчи массагет қабиласи ва унинг оқила, тадбиркор маликаси томонидан енгилади ва ҳалок бўлади.

Ҳеродот, Ктесий, Страбон ва Помпей Трог ва яна кейинги давр рим адиблари (Боэций, П. Орозий) асарларида келтирилган Кирнинг ҳалокати ҳақидаги ҳикоя мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин, фақат Ктесийда бир оз бошқачароқ. Кўпчилик олимларнинг фикрича, ҳикоя аслида массагет-саклар ўртасида кенг тарқалган ва реал тарихий воқеа асосида вужудга келган фольклор асари

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, турли адиблар унга турлича талқин берганлар. Айниқса, Ҳеродот ҳикоясида Кир лашкарларини ҳийлакорлик билан чекиниб, яна тунда қайтиб душман лашкарини мастликда ҳалок қилиши ёки Томирис тоғ дарасида пистирма уюштириб, душманни тор-мор этиш эпизодлари воқеаси грек адиблари томонидан бадиийлаштириб тасвирланганини кўрсатади.

Шуниси қизиқки, зардуштийларнинг анъанавий адабиётида Кир ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Доро ва унинг ворислари қоя тошларга ёздирган матнларда ҳам Кир номи тилга олинмаган.

Мустақиллик ва озодлик учун курашган массагетлар маликаси Томирис образи асрлар оша асардан-асарга ўтди. Унинг номи икки йўл-халқ оғзаки ижоди ва адабиёти асарлари орқали тарқалди.

Томирис исми Кавказ амазонкалари маликаси Томирандага (Страбон, XI, 5) жуда яқин. Булар ўртасида боғланиш борми, иккала малика икки шахсми ёки массагетлар маликаси ҳақидаги ҳикоя амазонкаларга кўчирилганми ёки ҳар иккала маликанинг исмларидагина яқинлик борми, деган савол туғилади. Фикримизча, масалага ҳар иккала маликанинг номлари адекват деб қараш тўғрироқ. Чунки бу исм Орол атрофи, Марказий Осиё, Кавказ, Ўрта ер денгизи ва Қора денгиз атрофларида кенг тарқалган. Қорақалпоқлардаги "Хотин хонлар ҳақида эртак"да жанговар аёллар (амазонкалар) Самирам шаҳарида яшаганлар. Бунда ҳам ўша массагетлар маликаси исмини, Томир — Самир трансформациясини кўрамиз ("т" ва "с" ҳарфларининг алмашуви тил қонуниятидан келиб чиққан). Лекин иккинчи томонидан Самирам шаҳрининг номи Ассирия маликаси Саммурамат (Шаммурат), грекча Семирамида (Э. ав. IX — VIII аср)исми билан ҳам ҳамоҳанг. Бу ўхшаш антропонимларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин. Томирис — массагетлар маликаси, Тамирис — грек мифологиясидаги персонаж, Томиранда — амазонкалар маликаси, Мирина — Кичик Осиёдаги амазонкалар маликаси, Самирам — Қорақалпоғистонда амазонкалар шаҳри, Саммурамат — Шамирам Ассирия маликаси (бактриялик), Томирис, Тамирид, Томирас, Томур исмлик коҳинлар авлоди ҳам бўлган. Тамара исми ҳам Томириснинг ўзгарган шакли.

Грецияда амазонкалар ҳақидаги мифнинг келиб чиқиши қадимги даврдаги ҳосилдорлик маъбудалари ибодати билан боғлиқ. Бу миф миной давридаги (э. ав. III — II минг

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиллик) Критда юзага келган бўлиб, кейинча Кичик Осиё ва Скифияга кенг тарқалган. Амазонкалар ҳақидаги миф подани сақловчи, овчи-маъбуда, ой худоси, Аполлоннинг синглиси Артемида шахси билан боғлиқ. Мифга кўра ўзларини маъбудага бағишлаган коҳин қизлар битта кўкракларини кесиб олиб унга ҳадя қилганлар. Ҳақиқатан Артемида ҳайкаллари кўп кўкракли, амазонкалар эса бир кўкракли этиб тасвирланган. Кейинчалик греклар ҳаёт тарзида матриархат элементлари кучли бўлган қайси бир халқ билан учрашмасинлар, у халқ билан амазонкаларни боғлашга ҳаракат қилганлар. Тасвирий санъатда амазонкалар скиф либосида чизилган. Ҳақиқатан скиф, массагет, савромат каби элат, халқлардан қолган аёллар дахмаларидан топилган археологик буюмлар айниқса, қурол-аслаҳаларнинг кўплиги бу халқлар аёллари жангда фаол иштирок этганини кўрсатади. Александр Македонский ҳақидаги тарихий асарларда шоҳнинг Сирдарё атрофида амазонкалар маликаси Фалестрия билан учрашгани ҳикоя қилинади.

Баъзи олимлар Томирис номи Яқин Шарқ халқларида тарқалган ҳосил маъбудаси номи билан боғлиқ бўлса керак деб ўйлайдилар, аммо ҳозиргача бу фикрни исботловчи далил йўқ.

Ҳеродот "Тарих" да (IV; 110—117) греклар билан амазонкалар ўртасидаги уруш, улардан савроматлар тарқалгани ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳикоя ҳам скиф фольклори асарининг қайта ишлангани бўлса керак.

Ҳеродот Кирнинг массагатларга қарши юришини тасвирлар экан, бу халқнинг урф-одатлари, эътиқодлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради. Массагетлар қуёшга сиғинганлар: "улар эъзозлаган ягона илоҳият — қуёш. Қуёшга улар отларини қурбон қиладилар, чунки уларнинг фикрича, энг чопағон илоҳиятга дунёдаги энг югурдак жонивор қурбон қилиниши керак" (1,216). Бу фикрни кейинча Страбон ҳам тасдиқлайди, "улар фақат қуёшни худо деб сиғинадилар, унга отларни қурбон қиладилар" (VIII, 6).

Ҳеродот ва Страбон берган хабарларни археологик материаллар ҳам тасдиқлайди. Кўчманчи халқлар, айниқса, скифлар ҳаётида от катта аҳамият касб этади, хўжаликда, қабила кўчишида, жангларда от тенги йўқ ёрдамчи, сути ва гўшти эса озуқадир. Шунинг учун ҳам от ҳамма ҳайвонлар орасида энг қимматлиси ҳисобланган, энг қадрли ҳайвон энг олий илоҳиятга қурбон қилинган. Эронйлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам худоларга отларни қурбон қилганлар (Ҳеродот, VII, 113).

Массагетларнинг эътиқоди билан дафн маросими ҳам боғлиқ. Адибнинг ёзишича, массагетлар "узоқ яшаб кексайиб кетганларни ҳамма қон-қариндошлар йиғилишиб қурбон қиладилар, гўштини бошқа қурбон этилган ҳайвонлар гўшти билан пиширib ейдилар. Бундай ўлим топиш улар учун бахтиёрлик, бирор бир касалликдан вафот этганларни эса емайдилар, ерга кўмадилар" (1, 216). Ҳеродот шундай одат ҳинд калатийлари (III, 38), исседонлар (IV, 26), падей (III, 99) халқларида ҳам борлиги ҳақида ёзади. Страбон эса ирланд (IV,5), скиф (VII, 3), массагет ва дербик (XI, 2) халқларида ҳам борлиги ҳақида хабар беради. Қадимий халқлардаги ушбу одат ўлган одамга хос яхши хусусиятларни қариндошларга ўтказиш тушунчаси билан боғлиқ. Лекин бу маросимнинг зардуштийлик динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Фикримизча, массагетлар эътиқоди зардуштийликнинг ибтидоий кўринишининг бири, лекин уларда ҳали маълум бир эътиқод вужудга келмаган бўлса керак.

Ҳеродот массагетларнинг асосий машғулоти ҳақида хабар бериб, "массагетлар буғдой экмайдилар, чорвачилик ва балиқ овлаш билан шуғулланадилар (Аракс дарёсида балиқ жуда кўп) ҳамда сут ичадилар" (1, 216) дейди. Демак, бу халқ асосан чорвачилик билан машғул бўлган.

Адиб массагетларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари ҳақида ҳам маълумот беради: массагетлар "ҳар бири битта аёлга уйланади, лекин у хотинлар билан ҳаммалари биргаликда яшайдилар. Эллинларнинг скифларнинг бу одати ҳақидаги ҳикояси массагетларга алоқадор" (1,216). Ҳеродотнинг бу хабари массагетларда ҳали полигамия (гуруҳ никоҳи) қолдиғи мавжуд эканлигидан дарак беради.

"Массагетлар скифларникига ўхшаш кийим киядилар, уларнинг ҳаёт тарзи ҳам ўхшаш. Улар отда ва пиёда жанг қиладилар" (1, 25), дейиш билан Ҳеродот массагетлар скифларга яқин эканлигини кўрсатади. "Улар темир ва кумушни ҳеч ишлатмайдилар, ҳатто бу нарсалар уларнинг юртида йўқ, олтин ва мис эса беҳисоб" (1, 215). Ҳақиқатан Олтой, марказий Осиёдаги қадимги қабрлар ва археологик қазилмаларда олтин буюмлар кўплаб топилган. Демак, олтинга бой бўлган Олтой ва Марказий Осиёда қадим даврларда яшаган халқлар ундан фойдаланиш йўлини ҳам яхши билганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бадиий адабиётда массагетлар маликасининг сўнмас образи минг йиллар давомида асардан асарга, Ҳеродотдан кейин грек, рим адиблари асарларига, ва ниҳоят, V асрда яшаган тарихчи Павел Орозийнинг "Жаҳон тарихи" асарига ўтди.

Орозий ўз асарини Томирис тилидан "Сенинг ўттиз йилдан буён қонга ташналигинг босилмади, энди мириқиб ич!" сўзлари билан тугаллайди. Бу асар билан яхшигина таниш бўлган буюк итальян шоири Алигьери Данте массагетлар маликаси тарихини шоҳ асари "Илоҳий комедия"нинг "Аъроф" қисмида келтиради:

Даҳшатли қасос олиб, намоён бўлган
Тамириса Кирга шундай дейди:
"Сен қонга ҳамиша ташна эдинг,
Қониқмайин ичабер".

("Чистилище", XII)

Шуниси ҳайратомузки, ўрта аср шоири христианлар учун ғайридин ҳисобланган массагетлар маликасини Аърофга жойлаштириб, христиан дин арбоблари, Рим папаси, кардинал, епископ ва қироллардан устун қўяди. Уларни эса дўзахга, ҳатто Папани дўзахнинг саккизинчи қаватига жойлаштиради. Томирис адолат, озодлик, мустақиллик учун курашгани туфайли маъжусий бўлса ҳам Аърофдан жой олади.

Дантега Кирнинг ҳалок бўлиш воқеаси ва айниқса, Томирис образи шунчалик кучли таъсир этганки, шоир "Илоҳий комедия"дан аввал яратган асари "Монархия"да Орозийдан қуйидаги парчани келтиради: "Эрон шоҳи Вавилонни вайрон қилгач, ҳокимият вавилонликлардан эронийларга ўтгач, у ғарбий мамлакатларни забт этишга интилмади, скифлар маликаси Тамириснинг зарбаси остида ўз ҳаёти ва мақсадидан айрилди" [54].

Томирис воқеаси қандай йўл билан, қайси асар орқали XIV аср Италиясидан XVI аср Англиясига бориб қолди, бу саволга жавоб берадиган манбаларни топмадим. Қандай бўлмасин, Томирис, массагетлар маликасининг номи буюк драматург Уильям Шекспирнинг Ҳенрих VI га бағишланган хроникаларининг биринчи қисмида яна тилга олинади. Инглиз тажовузкорларига қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўлган графиня Овернская:

Менинг режам тайёр, агар ўнгидан келса,
Кирни ҳалок қилиш билан ном чиқарган скиф Томиристан
Кам бўлмаган қаҳрамонлигим билан ном чиқараман (11, 3), дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Француз классицизмининг вакили драматург Ф. Кино (1635—1688) "Кирнинг вафоти" трагедиясида Томирисни француз халқининг миллий қаҳрамони Жанна д,Арк даражасига кўтариб, ватан, озодлик учун кураш тимсоли сифатида тасвирлайди.

Рим — Парфия урушларида Рим лашкарбошиси Красс эрадан аввалги 53 йилда Парфия билан жангда енгилган ва ҳалок бўлган эди. Рим манбаларидан келтирилган маълумотларга кўра Красснинг бошини Парфия шоҳи Ороднинг олдига келтирганларида, у олтинни эритиб Красснинг оғзига қуйинглар, деб буюради ва буйруқ бажарилаётганда шоҳ: "Сен олтинга ташна эдинг, энди ич",— дейди. Бу ўринда ҳам беихтиёр Томирис сўзларини эслаймиз. Албатта, воқеа ва Парфия шоҳи Ороднинг сўзлари массагетлар маликаси воқеасисиз бўлиши ғайритабиий бўлур эди. Данте бу воқеани ҳам "Аъроф"да келтирида (Чистилище, XX).

Шундай қилиб, ўзбек халқи аждодларининг қаҳрамонлик эпоси намунаси Ҳеродот туфайли минг йиллар давомида қитъалар оша асардан-асарга ўтиб келган ва ниҳоят бизнинг давримизда асли ватанига қайтди.

Эрадан аввалги 530 йили массагетлар Кир лашкарларини тор-мор этган бўлса, 517 йили Доро ҳам уларга қарши юриш ташкил этади ва ҳийла билан уларни енгади. Аммо Доро юришларини батафсил тасвирлаган Ҳеродот ва ундан кейин яшаган адиблар асарларида бу ҳақда маълумотлар берилмаган. Фақат II асрда яшаган Полиен "Ҳарбий ҳийлалар" асарида Доронинг сак-массагетларга қарши юриши ҳақида икки ҳикоя беради. Биринчисида, қабилалар бирлашиб босқинчиларга қарши курашадилар. Улар уч гуруҳга бўлиниб жанг қиладилар, бундан ўз ниятида фойдаланган Доро биринчи гуруҳни енгишга бор кучини қаратади ва ғолиб чиқади. Кейин ҳамма лашкарларига саклар кийимини кийдириб, ерли халққа ташланади, душманни ажратолмай саросимага тушган сак-массагетларнинг иккинчи гуруҳини у осонлик билан енгади. буни кўрган учинчи гуруҳ эса ўз ихтиёри билан таслим бўлади (VII, II).

Иккинчи ҳикояда оддий отбоқар Сирак[55] душман лашкарларини бир ўзи енгиши ҳақида сакларнинг уч подшоҳи Саксфар, Омарг ва Оамирисларга (бу исм малика Томирис номига яқин, уни С.АП. Толстов Тамирис шаклида келтиради) мурожаат этиб, авлодлари шоҳлар томонидан таъминланиши шарти билан душманни бир ўзи енгишини айтади ва улардан рухсат олиб, ҳарбий ҳийла қўллайди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

у ўз режасини шундай амалга оширади: пичоғини чиқариб бурни, қулоғини кесиб ташлайди, бошқа аъзоларини ҳам яралантиради ва қонга беланган ҳолда Доро ҳузурига келиб, саклар шоҳларидан шикоят қилади. У улардан ўч олиш учун келганини, эронийларга қочиб кетган саклар жойига яқин йўл билан Доро лашкарларини олиб боришини айтиб, худолар номи билан қасам ичади. Доро Сиракка ишониб, етти кунлик емиш-ичиш ғамлаб, лашкар билан унинг кетидан жўнайди. Етти кунда Доро ва унинг лашкарлари ўзларини бепоён чўлу биёбон, қумлик ўртасида, сувсиз, овқатсиз, ночор аҳволда кўрадилар, Доро лашкарларининг мингбошиси Раносбат Сиракка "нима сабабли буюк шоҳни алдаб шундай жойга бошлаб келдинг?" деб савол беради. У қаҳ-қаҳ уриб, бир ўзим ғалабага эришдим, чунки ватандошларим сакларни фалокатдан қутқариш учун эронликларни ташналик ва очликда ҳалок қилдим", дейди. Шунда Раносбат Сирак бошини қилич билан чопиб ташлайди. Доро шоҳлик атрибутларини ерга қўйиб, баланд тепаликка чиқиб қуёшга сиғинади ва илтижо қилиб ёмғир сўрайди. Ҳақиқатан ёмғир ёғиб, форслар мешкобларини ёмғир сувига тўлдириб оладилар ва аранг Бактр дарёсига етиб келадилар (XII, 12).

Полиен келтирган ҳар иккала ҳикоя фольклор асарларидан, асосан сак қаҳрамон эпосидан олинган, чунки уларда фольклор анъаналари яққол кўзга ташланади. Полиеннинг ўзи Сирак ҳақидаги ҳикоя Ҳеродотнинг "Тарих" сарида берилган (III, 153—160), Доронинг Бобилни ишғол қилишида ҳийла ишлатиб, шаҳар дарвозасини очиб берган Зопир ҳақидаги ҳикояга ўхшашлигини айтиб, Зопир Сиракка тақлид қилганлиги ҳақида тахмин қилади. Эпик асар намуналари эрон шаҳаншоҳлари қўшинида иштирок этган сак-сассагет ва умуман Ўрта Осиё халқлари орқали анашу қўшинда ёлланма аскар сифатида хизмат қилган юнонлар орқали Грецияда тарқалган бўлса керак. Антик муаллифлари асарларида сақланиб қолган парчалар Ўрта Осиё халқлари бой эпик асарларга, мураккаб мифологик ва диний тасаввурга эга эканликларидан далолат беради.

Ктесий "Эрон тарихи" асарида)Диодорда сақланган парча) саклар маликаси Заринея ҳақида қуйидаги ҳикояни келтиради: Саклар устидан Заринея исмлик аёл ҳукмронлик қилар эди. У ҳарбий фаолиятда, ишчанлик, тадбиркорликда бошқа сак аёлларидан устун турарди. Умуман бу халқнинг хотин-қизлари эрлари билан баробар жангда иштирок этар экан, лекин Заринея ҳар жиҳатдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

улардан ажралиб турар ва жуда ажойиб эди. У сакларни қисман бўйсундириб манмансираб кетган қўшни қабилаларни ўзига қаратди, мамлакатда ободончиликни таъминлади, катта-кичик шаҳарларга асос солди ва умуман ўз халқини бахтли ҳаётга олиб чиқди. Шунинг учун малика вафот этгач, халқ унга ажойиб мақбара қурди ва устига унинг олтин ҳайкалини ўрнатди.

Заринея ҳақида Ктесийнинг яна бир ҳикояси номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Аёллар ҳақида" асарида сақланган. Заринеянинг биринчи эри ва акаси саклар шоҳи Кидрей вафот этгач, Парфия шоҳи Мермерга турмушга чиқади. Форслар шоҳи уларга ҳужум қилади, жангда Заринея ярадор бўлиб қочади. Стриангей уни қувади, малика илтижо қилиб ҳалок қилмасликни сўрайди ва илтимоси Стриангей томонидан бажо келтирилади. Кўп вақт ўтмай унинг эри Стриангейни асир олади ва ўлдирмоқчи бўлади. Малика эридан халоскорини ўлдирмаслини сўрайди, эридан рад жавоби олгач, бир неча асирларни озод қилади ва улар ёрдамида Мермерни ўлдиради ва вилоятни Эрон шоҳига топшириб, у билан дўстона муносабат ўрнатади[56]. Заринея ҳақидаги ҳикоя Деметрий (э. ав. IV—III аср), Иоани Цец (XII аср) асарларида ва Миср папирусларида (II аср) учрайди. Булардаги ҳикоянинг умумий мазмуни қуйидагича: "Мидиялик Стриангей жангда отдан сак аёлини ирғитиб ташлайди. Сак аёллари амазонкалардек жанг қиладилар. Гўзал ва навқирон аёлни кўриб унга зарар етказмай озод қилади. Сулҳ тузилгандан сўнг у аёлга беқарор ошиқ бўлган йигит ночор аҳволга тушади, у очликдан ўзини ҳалок қилмоқчи бўлади. Лекин ўлим олдидан у аёлга қуйидаги мазмунда ҳат ёзади: "Мен сени қутқардим, мен туфайли сен озодсан, мен бўлсам сен учун ҳалок бўлдим"[57].

Арриан "Анабисис" асарининг К. Ф. Мюллер нашрида илова сифатида Искандар замондоши Харес Митиленскийнинг ҳикояси берилган: Мидия шоҳи Гистаспнинг укаси Зариадр тушида гўзал қизни кўриб унга ошиқ бўлади (Гистасп номи Фирдавский "Шоҳномаси"да ҳам келтирилган). Ака мамлакатнинг ғарбий, ука эса шарқий, Танаисгача бўлган қисмига ҳокимлик қилган. Танаис (Сирдарё) ортини скиф шоҳи Омарг идора этади. Омаргнинг Одатида исмли қизи бўлиб, ҳар иккала ёш бир-бирларини тушларида кўриб, севишиб қоладилар, лекин Омарг Зариадр совчиларига рад жавобини беради, ёлғиз қизини бегона юртга беришни рад

www.ziyouz.com kutubxonasi

этади, ўз қардошларининг бирига бермоқчи бўлади. Омарг зиёфат уюштириб жазманларни таклиф этади. Малика олтин қадаҳни ўзи танлаган йигитга бериши керак. Одатида воқеадан Зариадрни яширинча хабардор қилади. Зариадр қадаҳ тайёрланаётган вақтга етиб келади, Одатида қўлидаги қадаҳни унга узатади. Йигит қаллиғини енгил аравасида тезликда олиб кетади, воқеадан хабардор бўлган хизматкорлар қочқинларни қувмайдилар. Грек адиби ҳикоя сўнгида Осиёда яшаган хилқлар ўртасида бу ҳикоя кенг тарқалган бўлиб, ибодатхона, саройлар ва уйларда Зариадр воқеаси тасвирланган расмлар кўп учрайди, кўп одамлар қизларига "Одатида деб исм қўйганлар, дейди[58].

Фирдавсийда Зариадр эмас, балки Гистасп, Шарққа эмас, Ғарбга боради ва скифлар шоҳи қизига эмас, Рим императори қизига уйланади.

Биз сўз юритаётган даврларда кўчманчи қабилаларда матриархат ҳаёт тарзининг қолдиқлари анча кучли бўлган, жамият ҳаётида хотин-қизлар катта роль ўйнаганлар; жангда ҳам эрлар билан баббаравар иштирок этганлар, буни археологик топилмалар тасдиқлаётганини юқорида айтдик. Антик адиблари асарларида бизгача сақланиб қолган Томирис, Заринея ҳақидаги ҳикоялар ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди. Бу ҳикояларда аёллар ҳам тадбиркорликда, ҳам ақл-идрок, ватанпарварликда эркаклардан устун турувчи этиб тасвирланганлар.

Ҳеродот ва бошқа антик муаллифлари ўз асарларида, юқорида айтилганлардан ташқари, исседон, орий, эгл, пактий, сарангий, саттагид, дарик, апарит, гандарий каби Ўрта Осиё ва Хуросонда қадим даврларда яшаган қабила, элатлар ҳақида ҳам озми-кўпми маълумот берганлар. Баъзи ўринларда номлари келтирилган қабила, элатларни аниқлашнинг ҳалигача имкони йўқ (павсик, пантимаф,, датир, сагарти, матиен, саспир ва б.). Улар тасвири асосан Кир, Доро ва Ксеркс лашкарлари, кийими, қурол-аслаҳалари, Ахмонийлар давлатига қарам халқлар, уларнинг тўлаган божлари билан боғлиқдир. Олимлар пактий, сарангий, орий (Ҳирот атрофи), саттагид, гандарий элатлари ҳозирги Афғонистон тупроғида яшаганликларини аниқладилар.

"Авесто"нинг қадимий қисмлари, Зардушт номи билан боғлиқ бўлган гатларда "тур" халқи тилга олинади ва улар зардуштийлик таълимоти тарафдорлиги ҳақида ҳам айтилади (Ясна, 46, 12). Немис олимлари У. Ҳейгер, И. Маркварт, Х. Ньюберг ва В. И. Абаевларнинг аниқлаши ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъкидлашича, Ўрта Осиёдаги сак қабилалари "Авесто"да кўпроқ "тур" ёки "тура" номи остида берилган[59]. "Авесто" да тур қабилаларининг истиқомат қилган жойи Дану дарёси (Сирдарё) соҳиллари экани, Кангхой эса турлар раҳбарларининг қароргоҳи эканлиги қайд этилган. "Авесто" турлари эса "Шоҳнома"даги Турон аҳолиси.

"Авесто"нинг афсонавий қаҳрамонлари — Хаошанга ("Шоҳнома"да Хушанг) ва Тахма-Урупа (Шоҳнома" да Тахмурасп) кабилар сак эпоси қаҳрамонлари эканлиги ва умуман зардуштийлик таълимоти скиф-саклар билан тўқнашув, уларнинг иштирокида шаклланганини В. И. Абаев исботлади.

Антик манбаларда Марказий Осиёда яшовчи турли халқ, элат, қабилалар ҳақида маълумотлар бор, аммо ҳеч қаерда турлар номи тилга олинмаган.

Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, эътиқодлари ҳақида ҳам Ҳеродот ўз асарида фан учун муҳим маълумотлар келтирган. Масалан, у Осиё, Оврупо қитъаларининг тасвирини, Каспий денгизи ҳеч қандай бошқа сув ҳавзаси билан қўшилмаган мустақил денгиз эканлигини (I, 202—204) қайд этади. Қизиғи шундаки, Ҳеродотдан кейин яшаган деярли ҳамма муаллифлар Каспий Шимолий океаннинг кўрфази деб ҳисоблаганлар. Марказий Осиёдаги ирригация иншоотлари, пахта ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бор. "Жун ёввойи дарахтнинг меваси чирой ва пухталик жиҳатидан қўй жунидан юқори" (Ш, 106). Лекин нима учундир пахта ҳақида ёзар экан, уни Ҳиндистонда ўсади, дейди, Ўрта Осиё пахтаси ҳақида хабар бермайди. Балки бу ўринда Ҳеродотда учраб турадиган хатоликларнинг (масалан, Ашхобод яқинидаги Ниса ёки Насоимни адиб Ҳиндистонда, дейди, II,97) Ҳеродот Нисани у жойда етиштирилган чопағон, чидамли отлар муносабати билан тилга олади (III, 97, 106, VII, 40), балки бу отлар Туркманистоннинг машҳур ахалтекин отларининг аждодидир? Юнон мифологиясида май ва театр маъбуди Дионис Шарқдан келган деган тушунча бор. Тарихчининг хабарига кўра Дионисниинг ватани "муқаддас Ниса" (III, 97). Ҳақиқатан, археологлар Насоимни қазиганларида юзлаб катта-катта май сақланган хумлар топганлар. Ҳар бирига май тайёрланган йили ёзилган. Май тайёрлаш иши балки узоқ ўтмишда Ионияя ва Грецияга шу ердан тарқалгандир. Археолог В. М. Массон бундан гўрт ярим минг йил аввал Жанубий Туркманистонда мавжуд бўлган шаҳар — Олтин тепани қазиб, бўғин ёки сўзни билдирувчи белгилар бор сопол ҳам топган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз даврининг вакили сифатида Ҳеродот "Тарих"да жуда кўп афсона, мифларни ҳам келтиради. Масалан, қадим даврларда греклар форсларни "кафенлар", ўзларини эса "артей" деб атаганлар. Кейинчалик Зевс авлодидан бўлган Персей бу ерларга ташлаб кетилгач, форслар ўзларини унинг номи билан атай бошлаганлар (VII, 61). Ёки Осиё қитъасининг номи "Прометейнинг хотини Осиё номи билан аталган", мидиялик вариантида эса "Манеснинг набираси, Котийнинг ўғли Асия исмидан олинган" (IV, 45), дейди. Менда қитъамизнинг номи қадим даврларда бу ерларда яшаган ас (ос) халқи номи билан боғлиқ эмасмикин, деган фараз туғилди.

Фирдавсий "Шоҳнома"сида келтирилган айрим эпик мотивлар узоқ ўтмишга алоқадор ва уларнинг баъзилари фанга маълум. Шуниси аҳамиятлики, антик адибларнинг эпик асарлари намуналарининг ҳаммаси Эронда эмас, балки Марказий Осиёда яратилган. Уларда Кир ва бошқа эрон шоҳларининг Бобил, Миср, Ионияга, Грецияга эмас, балки Бактрия, сак, массагет, скифлар юртларига юришлари тасвирланади. Бу фикр яна эпик асар яратувчиларининг хайрихоҳлиги ана шу минтақа халқлари томонида эканлиги билан ҳам исботланади.

Харес Мтиленский ҳикояси охирида келтирилган муаллиф иловаси кичик детал бўлса-да, катта аҳамиятга эга. Унда Зариадр ва Одатида ҳақида ҳикоя мазмуни жуда кўп тасвирий санъат асарларига материал бўлгани айтилади. Ҳақиқатан, Халчаян, Болаликтепа, Афросиёб, Ёркўрғон, Панжикент каби жойларда ўтказилган археологик қазилмаларда сарой, ибодатхона ва шахсий уйлар деворларига ишланган бутун бир композициялик монументал тасвирлар топилган, улар грек ёзувчисининг ахборотини тасдиқлайди.

Антик адиблари асарларида сақланиб, бизгача етиб келган, аждодларимиз тарихи ўз ифодасини топган қаҳрамонлик эпоси намуналари эрксевар халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишидан бир-икки эпизод бўлиши билан бирга тарихимиз ҳақидаги илк ёзма маълумот ҳамдир.

Эрон ва Марказий Осиё ҳақида қадимги Ионияга логографлари Гекатей, Гелланик, сайёҳ-шоир Аристейлар ёза бошлаган бўлсалар, бу анъанани Ҳеродот, Ксенофонт, Эфор, Полибийлар давом эттирдилар, Эсхил ва Еврипидлар ҳам кези келганда озми-кўпми маълумот бердилар. Булар орасида, айниқса, инсоният тарихида биринчи бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарих ва этнографик материалга бой асар яратган, Цицерон айтганидек, "тарихнинг отаси" Ҳеродот асарининг қиммати, айниқса, беқиёс. Александр Македонскийнинг Марказий Осиё юришларидан кейин минтақага қизиқиш, айниқса, ошиб кетди. Аввало жаҳонгирнинг расмий тарихчилари юриш кундаликларини ёзиб бордилар (афсуски, улар сақланиб етмаган), кейинчалик бу кундаликлар асосида Арриан, Диодор, Страбон, Полибийлар ўз асарларида аждодларимиз ҳақида қимматли маълумотлар қолдирдилар. Марказий Осиёга қизиқиш Римда ва Рим ҳукмронлигидаги Грецияда ҳам давом этди. Бунинг сабаби бир томондан юнонлар анъанасини давом эттириш бўлса, иккинчи томондан Римнинг босқинчилик сиёсати эди. Рим давлати Искандар империяси ҳудудини ўзига қарам қилиш мақсадида Птоломейлар Мисри, Селевклар давлатини ўзига қаратади ва Парфияга кўз олайтиради. Қаттиқ тўқнашувлар, Красснинг ҳалокатидан сўнг Парфияни босиб олиш реал эмаслиги ойдинлашади. Плиний, Тацит (58—117), Полиен, Клавдий Птолемей (II аср), Элиан, Аммиан Марцеллин (330—400) каби адиблар асарлари, асосан грек асарларига тақлидий характерда бўлса ҳам, юқорида кўрганимиздек, Марказий Осиё ҳақида озми-кўпми маълумот беради. Албатта, Юнонистон ва Римда яратилган тарихий, география асарлар, асосан Греция, Иония, Македония, Рим муносабати билан ёзилган. Улар грек ва рим дунёсининг маҳсули, бошқа халқлар ҳақидаги маълумотлар фақат улар билан алоқада бўлганлари учун шунчаки берилган. Лекин ватанимиз ва аждодларимиз ҳақида ёзма маълумотлар бўлмагани туфайли Иония, Греция ва Рим адибларининг ахборотлари катта аҳамият касб этади.

АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЮРИШИ

Эрадан аввалги IV асрда, яъни Александргача бўлган Македония Грециянинг ғарби-шимолида, Болқон ярим оролида жойлашган бўлиб, патриархал мамлакат эди. Македониялик шоҳлар — Аргеадлар сулоласи ўзларининг келиб чиқишларини Зевснинг ўғли Ҳераклга олиб бориб боғлар, умуман олганда грекларга қардош, тили ҳам яқин, лекин ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан анча орқада қолган халқ эди. Шоҳ Филипп (э. ав. 382—336 йиллар) даврида Ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кедонияда қулдорликка асосланган давлат тузуми шаклланиб битади. Филипп узоқни кўзлаган, тадбиркор давлат арбоби бўлиб, юнон маданиятига чуқур ҳурмат билан қарар ва ўзи ҳам у маданиятдан баҳраманд эди.

Эрадан аввалги IV асрда Марказий Грецияда қулдорлик жамияти, унга асосланган демократия, полис — шаҳар-давлат тузуми зиддиятлари кескинлашаган давр эди. Филипп Болқон ярим ороли давлатларини ўзига қаратиш билан кифояланмай, Грецияга ҳам кўз олайтиради. У Грек шаҳар-давлатлари ўртасидаги келишмовчиликдан фойдаланиб, 338 йил Херонеяда юз берган жангда грекларни мағлубиятга учратади. Лекин греклар устидан ғалаба қозониш Элладага ҳукмрон бўлиш деган гап эмас, бунга Филиппгина эмас, ҳатто буюк Александр ҳам журъат этолмайди. Македония ғалабаси натижаси "Коринф иттифоқи" тузиш билан чекланилади. "Иттифоқ" аъзолари мунтазам равишда йиғилиб, келиб чиққан масалаларни биргаликда ҳал этар, полислар ўртасида урушлар келиб чиқишига йўл қўймас эди. Шуниси қизиқки, ғолиб Филипп Иттифоқда ҳал этувчи овозга эга эмас, фақат ўз маслаҳатини бериши мумкин эди, холос. Ҳар ҳолда қандай бўлмасин, Македония шоҳи Грек давлатлари гегемони даражасига кўтарилди, греклар ярим бадавий шимолий қўшниси билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Ўз навбатида Македония Эллада шаҳар-давлатлари даражасига кўтарилгандек бўлди. Филипп бу эришилган зафарлар билан қаноатланмай, Эронни забт этишни режалаштиради. Лекин ниятига етолмай, эрадан аввалги 336 йили сарой базми вақтида ўлдирилади.

Филипп вафот этганида Эпир шоҳининг қизи Олимпиададан туғилган ўғли Александр ўн тўққиз ёшда эди. Олимпиада ўта шуҳратпараст, ҳаммага ўз амрини ўтказишни яхши кўрган, қаттиққўл аёл эди. У ўз рақибларини, ҳатто ҳали туғилмаган, лекин тахтга меросхўр бўлиши мумкин бўлганларнинг ҳаммасини совуққонлик билан йўқ қилиб ташлайди.

Александрнинг тарбиясини Олимпиада ўз қариндоши Леонидга топширади, у ўз навбатида Лисимах исмли грекни ёллайди. Леонид Александрни қаттиққўллик билан, қийинчиликларга бардош берувчи этиб тарбиялайди. Филипп ўғли тарбиясига жиддий эътибор бериб, шаҳзода 13 ёшида эканида буюк олим, файласуф Аристотелни таклиф этади. Олим шаҳзодани сарой ва шаҳар муҳитидан узоқлаштириб, четдаги шоҳ саройида 3—4 йил таълим беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олим Александрга фалсафа, этика, адабиёт, санъат, табиий фанлари ва географиядан билим беради. Ҳамма фанларни қизиқиб ўрганган, истеъдод эгаси бўлган Александр, айниқса, географияга қизиқади, узоқ-узоқ номаълум ўлкалар, халқлар уни хаёлга чўмдиради. Александрнинг жаҳонгир бўлиб етишишида Аристотелнинг хизмати катта бўлди, у талабада ҳали грекларга маълум бўлмаган ерлар, халқлар, табиат ҳақида қизиқиш уйғотди. Лекин файласуф жаҳон империяси, Ғарб ва Шарқ халқларини бирлаштириш ғоясидан узоқ, аксинча, греклардан ўзга халқларни "варвар" деб билар ва бу ғояни шаҳзодага сингдиришга ҳам уринарди.

340-йиллардан бошлаб Филипп ўғлини давлат ишларига жалб этади, ҳатто кичикроқ бир ҳарбий тўқнашувни ҳал этишни ҳам топширади. Бу жангда Александр биринчи ғалабани қўлга киритади.

Александрга хос феъл-автор ёшлигидаёқ намоён бўлади: оташин қалбли, ўта сезгир, нафратда ҳам, муҳаббатда ҳам чегара билмовчи, кўнгилчан, қаттиққўл, иродаси кучли шахс. Ёш Александрга хос бу хусусиятлар буюк лашкарбоши, жаҳонгир шоҳ қиёфасида янада кескин тус олади.

Филипп томонидан Александр расмий равишда тахт меросхўри деб эълон қилинган бўлса-да Македонияда ворислар томонидан тахтга ўлтириш бир қонун ҳолига келмаган, қайси фарзанд кучли бўлса, ўша подшоҳ бўлар ва уни лашкарлар йиғини қўллаб-қувватлаши шарт эди. Бу маросимда марҳум шоҳга яқин бўлган давлат арбоби Антипатр катта роль ўйнайди. Тахту тожга эга бўлган 19 ёшли Александр ўз рақиблари ва тахтга даъво қилиши мумкин бўлган эркак зотини қуритади ва мутлақ ҳоким бўлиб қолади.

Шоҳ вафотидан сўнг Македонияга қарам этилган халқлар мустақил бўлиш истагида Александрга қарши курашадилар. Ёш шоҳ тезликда, тадбиркорлик билан жангда ғолиб чиқади, лашкарбошилик маҳоратини кўрсатади ва отаси яратган йирик давлатни янада мустаҳкамлайди. Аммо Греция полислари Александрни тан олишдан бош тортадилар. Грецияга раҳбарликни йўқотишни ҳеч истамаган Александр яшин тезлигида,ҳеч кутилмаганда Фессалия, Фивга юриш қилади ва ҳеч қандай жангсиз уларни мот қилади. Энди Афина қолган эди, бу буюк шаҳарга элчи юбориб уни ҳам ўзига қаратади. Спартадан бошқа ҳамма грек шаҳар-давлатлари Александрни гегемон деб тан олишга мажбур бўладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Александрнинг мақсади фақат отаси яратган давлат ва Македониянинг Болқон ярим оролида тутган ўрнини мустаҳкамлаш билан чекланиш эмас, балки Эронни забт этиш ва ҳаттоки афсонавий Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистонни ўзига қаратиш ва жаҳон ҳокими бўлиш эди. Ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш ва орқани мустаҳкамлаш мақсадида Александр Эронга қарши урушни греклар учун ўч олиш ва Ионияни эронийлардан озод этиш деб эълон қилади. Бу тактик ҳаракат натижасида грек полислари иттифоқи Эронга қарши урушни олқишлайдилар ва Александрни бу юришнинг раҳбари этиб тайинлашга розилик берадилар.

Осиё юришига тайёрланар экан, Александр сарой аҳллари, дўстлари, олим-файласуфлар, географ, тарихчи, шоир, хаттотлар, шифокорлар, мулозимлар, ҳарбий техника мутахассислари ва лашкарбошиларни ўзи билан бирга олиб кетишга тайёрлайди. Ҳарбий куч сифатида Македония ва Болқон ярим оролидаги қарам халқлар лашкари, грек шаҳарлари кўнгиллилари, Афинанинг кучли ҳарбий флотини тайёрлайди. Аммо Александр ҳозирлаган ҳарбий куч, айниқса, лашкарлар сони Эронникидан бир неча баробар кам эди. Лекин яхши йўлга қўйилган интизом, ўша давр учун илғор бўлган ҳарбий техника, Александр қўллаган ҳарбий тактика Эрон лашкарлари устидан ғалаба қозонишда асосий омил бўлди.

Эрон бир қанча сатрапликлар (вилоятлар)га бўлинган патриархал тузумга асосланган, Марказий Осиёдан Мисргача бўлган ҳудудни бирлаштирган йирик империя эди. Лекин ҳар бир сатрап ўзини шоҳ деб билар ва шаҳаншоҳнинг уларга ишончи кам эди. Шунинг учун ҳарбий куч, лашкарлар асосан греклардан ёлланганди. Ҳарбий техника эса умуман йўқ, лашкарлар ароба, отда ва пиёда жанг қилар эдилар.

Кичик Осиёдаги ғарбий соҳилларни Александр жуда осонлик билан қўлга киритди. У ҳамма вақт душман ҳеч кутмаган жой ва вақтда яшин тезлигида ҳужум қилар ва уни ҳайратда қолдириб, ғалаба қозонар эди.

Кичик Осиёдаги Гераникда худди шундай бўлди. Йўлдан чарчаб келган лашкарлар шоҳ раҳбарлигида тўғридан-тўғри ҳужум бошладилар ва ғалаба қозондилар. Ана шу биринчи жангнинг ўзи Александрнинг беқиёс лашкарбошилик салоҳияти, македонияликларнинг жанг қилиш усули эронликлардан устун эканлигини кўрсатди. Эрадан аввалги 334—333 йилларда Александр Кичик Оси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёнинг ғарбий соҳилини, юнон ополларини эронликлардан озод қилди.

Ишғол этилган орол, вилоят ва шаҳарларда Александр ҳокимлар (сатраплар) ни қолдирса ҳам, давлат тузуми жаҳонда биринчи маротаба марказлашган давлат аппаратига айланган эди. Александр отаси Филиппнинг грекларга нисбатан дўстона сиёсатини давом эттириш билан Кичик Осиёдаги юнон шаҳарларининг хайрихоҳлигига эришди. Умуман, асосий ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий масалаларда отаси бошлаган сиёсатни янада ривожлантирди. Шунинг учун кўпчилик тарихчилар "Александр Филипп эккан ҳосилни йиғди", дейдилар.

Эндиликда Александр бутун Кичик Осиёни забт этишга киришади. Эрадан аввалги 333 йили Иссда бўлиб ўтган жангда шоҳларнинг ўзлари лашкарларига бошчилик қилдилар. Александр лашкарларининг олдинги қисмида туриб жангга раҳабарлик қилса, эроншоҳ Доро II отлиқ лашкарлар қуршовида қўшин ортида туриб буйруқ беради. Жангда Александр лашкарларни ёриб ўтиб, Дорога яқинлашганида, эроншоҳ жангга раҳбарлик қилиш ўрнига, ваҳимага тушиб қочади. Буни кўрган лашкарбошилар ҳам чекинадилар. Икки соат давом этган даҳшатли жангда македонияликлар ғолиб чиқиб, бой ўлжани қўлга киритадилар.

333—332 йилларда лашкарбоши Парменион Дамашқни жангсиз эгаллайди. Ана шу вақтда Доро сулҳ тузиш, тинч ва биродарликда яшашни таклиф этиб, элчилар юборади. Александр эса таклифни рад этиб, мутлақ таслим бўлишни талаб қилади. Александр Марказий Эронни эмас, унга қарам мамлакатлар Финикия, эронийларнинг Ўрта денгиздаги таянчи, энг мустаҳкам истеҳкомли шаҳар Тирни 332 йил ёзида ишғол қилади. Бу ғалаба Александр обрўйини янада кўтаради. Эндиликда Доро яна сулҳни таклиф этиб, Ефрат дарёсининг ғарбидаги ҳамма ҳудудни олишни, қизини бериш, ўғли Ўхни шахсий гаров сифатида қолдириш ва Дамашқда асир этиб олинган онаси, оиласи, ҳарами учун ўн минг талант (олтин пул ўлчови) беришни таклиф этади. Оламшумул мақсадни мўлжаллаган Александр бу таклифни ҳам рад этади.

Энди Александр Тирдан Синай ярим оролини босиб ўтиб жанубга, Миср томонга йўл олади ва осонгина жангсиз бу қадимий мамлакатни эгаллайди. Александр Миср маъбудларига назр-ниёзлар бериб, уларни тан олади, натижада коҳинлар шоҳни бош худо Амоннинг ўғли, Миср фараони сифатида тан оладилар ва ёш шоҳ жаҳонни забт

www.ziyouz.com kutubxonasi

этиш қудратига эга ва уни амалга оширади,деб эълон қиладилар. Мисрликлар эътиқодига кўра мамлакатни идора этувчи ҳоким Амон авлодидан бўлиши шарт, ўшандагина у мамлакатни идора этиш ҳуқуқига эга бўлар эди. Александр Амоннинг ўғли эканлиги ҳақидаги миф ўз навбатида яна афсоналар туғдиради: Александр Филиппнинг эмас, балки вақтинча қувғин бўлиб Македонияга бориб қолган Нектанебнинг ўғли: у аждар (баъзи ўринда илон) қиёфасига кириб Олимпиада билан учрашади, натижада Александр дунёга келади.

Амонни қўчқор қиёфасида, икки шохли этиб тасвирлар эдилар, демак, Амоннинг ўғли деб эълон қилган Александр ҳам шохлик бўлиши керак эди. Александрнинг ана шундай тасвирлари Миср, Бобилларда кўп тарқалган эди. Амон-Александр, Александр Зулқарнайн (икки шохли) деган тушунча Миср орқали араб мамлакатларига ҳам етиб келади ва Қуръонга ҳам кирган, ислом орқали эса шарқ мамлакатларига тарқалади.

324 йили Афина халқ мажлиси декрети билан Александр Грецияда ҳам худо сифатида тан олинган эди (бунга бир оз бўлса-да, асос бор, чунки Македония шоҳлари Ҳераклни ўзларининг аждоди деб, Ҳераклни эса Зевснинг ўғли деб ҳисоблаганлар). Шунинг учун Александр ҳақида гап борар экан "Зевс — Амоннинг ўғли" деб айтилган.

331 йили Александр Доро билан асосий жангга отланади. Иссда бўлиб ўтган жангдан сўнг икки йил вақт ўтган бўлиб Доро бу тўқнашувга яхшигина тайёргарлик кўради. Ҳақиқатан эроншоҳ Александрникидан бир неча бор ортиқ бўлган пиёда, суворий лашкарлар, аробалар, 15 филга эга эди. Шунга қарамай, македонияликларга хос бўлган яхши интизом, тезкорлик, оқилона раҳабарлик туфайли 331 йили Ниневия вайроналарига яқин бўлган Гавгамелдаги жангда яна Александр ғалабани қўлга киритади. Доро кетидан лашкарлар бетартиб ҳолда қочадилар. Антик муаллифлари (Плутарх) берган хабарларга кўра фақат бактриялик ва суғдиёналик суворийлар тартиб билан чекинадилар, холос. Александр ғалаба билан чекланмай, Дорони қувиб, йўлакай Бобилни жангсиз қўлга киритади. Бобил сатрапи, коҳинлар, шаҳар аҳолиси музаффар шоҳни тантанали равишда қарши оладилар. Доро Мидияга қочади. Александрни энди "Осиё шоҳи" деб эълон қиладилар.

Эришилган ғалаба билан чекланмаган Александр марказий Эронга юриш қилиб, Суз ва Персеполни осонгина,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жангсиз ишғол қилади. Бу шаҳарларда Ахмонийлар хазиналари, беҳисоб бойликлар, олтин қуймалар сақланар эди. Буларнинг ҳаммаси Александрга ўтади. Энди у Грециядан кўплаб аскарлар ёллаш имконига эга бўлади.

Александр узоқ йиллар давомида олиб борган урушларида жангсиз таслим бўлган ҳокимлар, халқлар, шаҳар ва ўлкаларни кўпинча ўз ҳолича қолдирар, аммо сотқин, хоинларга шафқатсиз муносабатда бўларди. Ҳамма забт этилган халқлар эътиқоди ва урф-одатларига ҳурмат билан қарар, грек, Миср, Бобил ва бошқа халқлар маъбудларини тан оларди, ҳаммасига назр-ниёзлар қиларди, эронийлар томонидан вайрон этилган ибодатхоналарни тикларди. Ана шу тадбирлар туфайли халқларнинг ўзига нисбатан хайрихоҳлигига эришарди.

Александрнинг мақсади фақат забт этишгина эмас, Ғарб ва шарқ, грек-македон маданияти билан Миср, Эрон ва умуман шарқ халқлари қоришмасидан яхлит бир халқ, маданият, синтезлашган дин яратиш, македон, грек ва забт этилган халқлардан ташкил топган яхлит давлат тузумида ҳамма халқлар тенг ҳуқуқли бўлиши мумкин бўлган жаҳон империяси барпо этиш эди. Шунинг учун босиб олинган жойлар ва халқларни талашга, лашкарлар бебошлигига йўл қўймас эди. Лекин Ахмонийлар пойтахти Персепол бундан мустасно бўлди. Шаҳар жангсиз таслим бўлишига қарамай, лашкарбошининг ўзи ва лашкарлар шоҳ хазинаси, сарой ва аҳоли мулкини талон-торож қилдилар ва ниҳоятда катта зиёфат, базмдан сўнг Кайхусрав саройига ўт қўйдилар. Юзаки баҳона греклар учун ўч олиш бўлса, асосий мақсад эронийлар салтанати илдизини куйдириш ҳамда бошқаларга ибрат бўлсин учун шу варварлик акти амалга оширилди.

Гавгамел жангидан қочган Доро Мидия маркази Экбатанда паноҳ топган эди. Александр Персеполдаги қисқа дамдан сўнг Пасаргардни ишғол этади ва Дорони қувиб Экбатанга йўл олади. Бундан хабар топган эроншоҳ шарқий вилоятларга, Бактрияга қочади. 329 йили Александр тоғлар ошиб қисқа йўл билан 15—17 кунда Доронинг кетидан Бактрияга етиб боради, лекин на Доро, на вилоят сатрапи Бесс йўқ эди. Александрнинг яқинлашаётганидан хабар топган Бесс Дорони занжирбанд этиб шериклари билан қочган эди. Ниҳоятда тезликда 500 суворий билан Дорони қувиб борган Александр Бактрия ҳокими Бесс томонидан ўлдирилган эрон шоҳини топади. У жасадни шоҳона ҳурмат-иззат билан дафн этиш учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

Персеполга юборади. Шундай қилиб, эрадан аввалги 330 йили қудратли Эрон салтанати тор-мор этилади. Эндиликда эрон шоҳларига қарам бўлган охирги вилоятлар, греклар, айниқса, македонлар учун жуда узоқ ва номаълум бўлган шарқи-шимолий ерлар қолган эди. Грекларнинг Марказий Осиё ҳақидаги тушунчаси ўта афсонавий бўлиб, уларнинг тушунчаси бўйича Каспий денгизи Океанга қўшилади, Ҳиндиқуш тоғлари Кавказ тоғларининг давоми, бу ерларда афсонавий халқлар яшайди ва ҳоказо.

Александрнинг Бактрия, Суғдиёна, умуман Марказий Осиёга юришининг ҳам ғоявий, ҳам сиёсий сабаблари бор эди. Аввало шимоли-шарқий вилоятлар эронийларнинг расмий дини бўлмиш зардуштийликнинг ватани, бешиги эди, эронийлар тушунчасича халқ қудрати, халқ руҳининг сири ўша қадимий ватанда. Эрон забт этилгани билан мамлакат орти, халқ орти ҳали мустаҳкамдек, халқ руҳи тетикдек туюлар эди. Демак, Бактрия ва Суғдиёнани забт этмасдан туриб эронийлар қудратини енгиб бўлмас, келажакдаги тинчликка ҳам ишониб бўлмас эди. Аммо Александр урушлари тарихида энг мушкули ана шу вилоятларда бўлди.

Босқинчи македонияликларга қарши зарба аввало Ориёнада (ҳозирги Ҳирот вилояти) берилди. Сатрап Сатибарзан аввалига Александрга таслим бўлиб, ўз мавқеини сақлаб қолади, лекин шоҳ Бактрияга қараб йўл олгач, кетидан қўзғолон кўтаради. Грек-македонлар қўзғолонни шафқатсизлик билан бир ойда бостирадилар. Сатибарзан эса суворийлар отряди билан Бактрияга йўл олади, аммо йўлда душманга дуч келиб, жангда ҳалок бўлади.

Бактрия сатрапи Бесс Александр яқинлашаётганидан хабар топгач, ўз яқинлари билан келишган ҳолда хайрихоҳ кишилар ва халққа юртни босқинчилардан ҳимоя этаман деб ваъда қилиб "ўзини шоҳ деб эълон қилади...лашкар тўплайди ва қурол-аслаҳа жамғаради" (Диодор, XVII, 74). Аммо Бесс босқинчиларга қаршилик кўрсатиш ўрнига лашкарлари ва шериклари билан Суғдиёнага қочади. Александр Бактрияни ҳам жангсиз эгаллайди.

Александр 330-йили баҳорда жанубий Бактрияни ишғол этади. Бесс очиқ жангга журъат этолмаса-да, унинг ҳаракатлари ёвни ҳолдан тойдиради. У ҳимояга астойдил тайёргарлик кўради. Александр эса Бесс кетидан қувиб бориб Амударёдан ўтиб, Марказий Осиё ерларига бостириб киради, мақсад гўёки Доро учун Бессдан ўч олиш эди.

Шимоли-шарқий вилоятлар — Гиркания, Ария, Парфия, Дрангиана, Арахозия, Бактрия ва Суғдиёнани

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйсундириш учун энг кўп вақт-уч йил кетди. Айниқса, Бактрия ва Суғдиёнани забт этиш катта қийинчиликлар туғдирди. Шарқнинг сиёсий ва маданий марказлари бўлмиш Бобил, Миср, Экбатан кабилар жаҳонгирга жангсиз таслим бўлсалар-да Марказий Осиёнинг эрксевар халқлари мустақиллик, озодлик учун босқинчиларга қарши умумхалқ курашига отландилар. Ахмонийлар армияси билан Александр уч марта юзма-юз жанг қилиб, осонлик билан ғолиб чиқди, лекин Марказий Осиёдаги умумхалқ урушида енгиш осон бўлмади, айниқса Суғдиёнада босқинчилар катта талофат кўрдилар ва жуда қийналдилар. Бу қийинчиликлар ҳақида Элиан (II — III аср) қуйидагиларни ёзган: "Бесснинг кетидан қувган Александр лашкарлари катта машаққатларга йўлиқадилар, озиқ-овқат етишмайди, ҳаммалари, ҳатто шоҳ ҳам юк ҳайвонлари гўшти билан тамадди қилади. Ёқилғи ҳам йўқ бўлгани учун гўштни хомлигича ейдилар... Бактрианада бир қишлоққа йўлиқадилар, лекин у уйларни қор босган эди, фақат қорни тозалабгина уйларга кира оладилар" [1].

Антик муаллифларининг хабарларига кўра Марказий Осиёда мустаҳкам истеҳкомларга эга бўлган шаҳарлар (Бактрия, Кирополь, Мараканда сингари) бўлган. Археологик топилмалар ва антик муаллифлари хабарларига кўра минтақада яшовчи жанговар халқларда ҳарбий қуроллар, истеҳкомлар ва жанг олиб бориш санъати анчагина юқори ва грекларга маълум бўлмаган усулларда бўлган[2]. Ундан ташқари, Марказий Осиё халқлари босқинчиларга қарши умумхалқ уруши эълон қиладилар. Бактриялик, суғдиёналик ва скифлар уч йил давомида сабот-матонат билан босқинчиларга қарши курашадилар. Минтақада катта тўқнашувлар, жанглар бўлмаса-да, Александр олиб борган урушлардаги энг катта талофатларни македонияликлар шу ерда кўрадилар.

Антик адиблари Ўрта Осиёдаги жанглар ҳақида қисқа маълумот берганлар, батафсил ёзилган асарлари (масалан, Диодорнинг "Тарихий кутубхона" асарининг худди ана шу воқеалар тасвирланган XVII китобидан қисқа парчаларгина сақланиб қолган) йўқолиб кетган. Сақланиб қолган қисқа маълумотларда ҳам чуқур маъно бор: "Лашкарлар аввал ҳеч кўрмаган азобларни, очлик, совуқ, чарчаш, умидсизлик, тушкунликни бошдан кечирадилар. Кўплари совуқдан ўладилар... қорғинликдан қорга ётиб оладилар" (Курций, VII 12, 13). Ёки лашкарларнинг ёз иссиғида қийналганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуйидагича тасвирлайди: "Александр... Суғдиёна даштликларида кечалари йўл босди. Сув етишмас эди, ташналик сувсагандан эмас, ноумидликдан, ўта мушкул аҳволдан ҳам юзага келарди. Ёзги қуёш иссиғи даштни алангалатади: бир ўт тушгандан кейин чўлу биёбон гулханга айланади, иссиғидан оғиз ва тананинг ичи қуриб қолгандек туюлади. Жангчилар руҳан тушкунликка тушадилар, кейин ҳолдан тоядилар. Ҳатто бир жойда туриш ҳам қийин, олға босишнинг ҳам иложи йўқ эди. шунчалик фалокатдан шоҳ ташвишга тушади". (Курций VII , V, 2,3, 5, 6, 9).

Эронийлар асоратидан озод бўлишни орзу қилган Марказий Осиё халқлари янги босқинчиларга қарши кескин кураш олиб борганлар. Бесс халқнинг ишончини оқламагач, уни Александрга тутиб берганлар, кейин бутун халқ бактр ва суғдилар Спитамен, Датаферн, Катанлар раҳбарлигида македониялик босқинчиларга қарши курашга отланганлар. Айниқса, Маракандани (ҳозирги Самарқанд, суғди тилида Смарқанца, Маҳмуд Қошғарийда Самизканд, яъни катта шаҳар...бу шаҳар туркий халқлар томонидан бино қилинганига шу номнинг ўзи далилдир"[3]) ишғол қилишга икки йил вақт кетган. Даставвал шаҳар сулҳ йўли билан ишғол этилган, лекин кўп вақт ўтмай, Спитамен раҳбарлигида шаҳарда қўзғолон кўтарилиб, македониялик лашкарлар ҳалок этилиб, шаҳар озод этилган. 328 йили Александр иккинчи марта ўта шафқатсизлик билан шаҳарни ишғол этган, Спитамен эса шаҳарни ташлаб чиқиб кетган. Шоҳ, шаҳар атрофидаги аҳоли яшовчи жойлар, қишлоқларга ўт қўйиб, вайрон қилган, афтидан улар ҳам шаҳар ҳимоясида иштирок этган бўлсалар керак. Бу воқеалардан кейин Спитамен раҳбарлигида суғдлар ва уларга хайрихоҳлик билдирган бактрияликлар оммавий қўзғолон кўтарганлар. Ғалабани осонгина қўлга киритишга ўрганиб қолган македонияликлар учун эрксевар Суғдиёна халқларининг қаршилик кўрсатиши, катта талафотлар кўрилганлиги, от-улов, озиқ-овқат етишмаслиги босқинчиларда бир қанча қийинчиликлар туғдирган. Александр даставвал асосий кучни қаёққа ташлашни билмай тўлқинланаётган вилоятда ўзини у ёқ, бу ёққа уриб, асаблари ўйнаб, қандай тадбир кўришни билмай қийналади. Александр яқинлари Клит (у шоҳга энг яқин лашкарбоши, ўз вақтида уни ўлимдан сақлаб қолган эди, энди шоҳ уни ўз қўли билан ўлдиради), Каллисфен (Аристотелнинг жияни, империя тарихчиси), шоҳга хизмат қилувчи зодагон ўспиринлар суиқасдлари уларнинг ҳаммасининг ҳалокати

www.ziyouz.com kutubxonasi

худди Суғдиёнада юз берган, армия ва шоҳдаги диққат-пазликнинг натижаси бўлган.

Александрнинг асосий душмани Спитамен бўлган. Қаҳрамоннинг бизга маълум исми грекча бўлиб, она тили, яъни суғд тилида тахминан Спента Майнъо ("ҳаракатчан" ёки "муқаддас руҳ" маъносини билдиради) бўлса керак. Унинг аждодлари ким, ўзи ким эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Унинг қизи Апамага Александр Селевкни уйлантирган. Плутарх Селевкнинг хотини "эроний" дейди. Страбон ҳам бу фикрга қўшилади, Арриан "бактрияли" дейди. Қаҳрамон асосан Суғдиёнадан чиққан ва ўша вилоятда фаолият кўрсатгани учун суғди ҳам дейилади, мен ҳам шу фикрга қўшиламан. Селевкийлар сулоласидан бўлган шоҳлар она томонидан Спитамен авлодлари эди.

Александр Доронинг юз минглаб лашкарларига қарши курашгандан кўра умумхалққа қарши курашиш оғирроқ эканини энди тушунади. Тутқич бермас Спитамен ҳали у жой, ҳали бу жойда пайдо бўлиб, македонияликларга талафот келтирарди (Арриан, IV, 16, 4). Масалан, Курций қуйидаги эпизодни келтиради: "Жангчиларнинг чаққонлиги отларнинг тезлигига мос эди. Спитамен лашкарларига ўрмонни қуршаб олишни буюради ва бир вақтда уларни душманнинг фаланга, фронт орқасидан олиб чиқди. Менедем ҳар томонлама қуршовда қолди...лекин узоқ вақт қаршилик кўрсатди. Бу жангда 2000 пиёда ва 300 суворий ҳалок бўлдилар. Бу талафотни Александр усталик билан ҳаммадан яширди" (Курций, VII, 33, 34, 39). Ёки Зарафшон дарёсидан ўтиш воқеаси: "Македонияликлар дарёдан мутлоқ тартибсизлик билан ўта бошладилар. Варварлар улар йўл қўйган хатоликни сезиб ҳар томондан ўраб оладилар...уларни қайта дарёга итариб ташлайдилар ёки ўқ-ёй билан отадилар, чорасиз қолган македонияликлар дарё ўртасидаги оролга чиқиб оладилар. Скифлар ва Спитамен лашкарлари уларни қуршаб, камондан отиб ташлайдилар; бир қисмини асир оладилар, аммо кейинча уларни ҳам отиб ташлайдилар" (Арриан, IV, 5, 7, 8). Ҳақиқатан талафотлар анчагина бўлса керак, чунки "ғарбий вилоятлардан қўшимча куч (19 минг ёлланган аскарлар) олмасдан Суғдиёна ва Бактриядаги исённи бостиролмайди"[4]. Спитаменнинг чаққон суворий гуруҳларида суғдлар, бактрияликлардан ташқари кўчманчи халқлар — сак ва массагетлар ҳам бўлган. Александр халқ исёнини раҳбарсиз қолдириш ва шу йўл билан уни бостириш

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўлига тушади. Агар кўчманчилар хоинлиги бўлмаганда балки Александрнинг Марказий Осиёни забт этиш дастури бошқача бўлиши мумкин эди.

Спитаменнинг ҳалокати ҳақида икки хил ҳикоя бор. Қадимийси ва ҳақиқатга яқини Арриандa: "Скиф-массагетлар енгилганларидан сўнг ўзлари билан бирга иттифоқ бўлиб душманга қарши жанг қилган бактрияликлар ва суғдлар юкларини талайдилар ва қочадилар, Спитамен ҳам улар билан кетади. Уларга "Александр даштга ҳужум бошлар эмиш", деган хабар етгач, Спитаменнинг бошини танасидан жудо қилиб шоҳга юборадилар ва шу йўсинда Александрнинг ҳужумини олдини олмоқчи бўладилар" (Арриан, VI, 4, 7). Квинт Руфда: "Спитамен рафиқасини чексиз севар эди, у ҳам эрининг бошига тушган ҳамма қийинчилик, сарсонлик, қувғиндаги ҳаётни у билан баробар бошдан кечирар эди. Бундай ҳаёт унинг жонига теккач, Спитаменни Александрга таслим бўлишга ундайди". Натижада иккаласи жанжаллашиб қоладилар. Хотини энди эрининг сўзидан чиқмасликка ваъда беради. "Хотинининг ёлғон ваъдасига ишонган Спитамен кундузи зиёфат уюштиришни буюради: таомлар ва майдан оғирлашиб, ухлаб қолган Спитаменни дам олиш хонасига олиб кириб ётқизадилар. Хотини эрининг чуқур уйқуда эканига ишонч ҳосил қилгач, кийими орасига беркитилган қилични олиб унинг бошини танасидан жудо қилади, қонга беланган аёл бошни жиноятда иштирок этган қулга беради. Иккаласи Спитаменнинг бошини Александрга олиб борадилар. Лекин бу воқеа қанчалик унга фойдали бўлмасин, нафрат устун чиқади ва аёлни ҳайдаб юборади" (Курций, VIII, III, 2—15). Фикримизча, Курций варианти бадиийлаштириб ишланган тўқима бўлиб, адабий асарга тааллуқли бўлса керак.

Қаршилик кўрсатиш воқеаларининг ривожида Спитамен тадрижий равишда ўсиб, ҳақиқий оқил давлат арбобига айланади. Лашкарбоши ўша шароитдаги ўз имкониятидан эҳтиёткорлик, айни вақтда тадбиркорлик билан фойдаланади. Кўпинча мағлубиятга учрашига қарамай орқага қайтмайди, душман йўл қўйган хатоликдан у ўз мақсади йўлида оқилона фойдаланади. Босқинчиларнинг сони, қурол-аслаҳаси кўп бўлганлиги, шунингдек, кўчманчиларнинг хоинлиги туфайли Спитамен енгилади. У Марказий Осиёдаги эрксевар халқларнинг ватанпарвар йўлбошчиси эди.

Спитамен ҳалокатидан сўнг раҳбарсиз қолган халқ исёни секин-аста бостирилди, лекин бутунлай тинчиб кетма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Александр жойларда қолдирган гарнизон, кекса ва яраланган жангчилар гуруҳлари, янги барпо этилган полис типидаги шаҳарлар бўлишига қарамай, Марказий Осиё фақат Александр давридагина эмас, ундан кейин Селевкийлар даврида ҳам нотинчлик, бўйсунмаслик ўчоғи бўлиб қолаверади.

Александрнинг Хоразм ўлкасига борган-бормаганлиги тўғрисида қадимги адиблар асарларида якдиллик йўқ. Агар Арриан хоразмийлар шоҳи Фарасман Александрга бош эгиб келди (IV, 5, 15) деса, Страбон "массагет ва сакларга аттасий ва хорасмийлар ҳам кирадилар, Спитамен у ерга қочиб кетган...Александрга бўйсунмаган" (XI, VIII, 8) дейди. Ёки яна бир асарда: "Хорасмийлар шоҳи Фарасман ҳам юришда иштирок этиш учун Александрга суворийлар отрядини олиб келди" (Дорожник Александра, 96), дейилади. Тўғрироғи, Александр Хоразм билан алоқа ҳам ўрнатмаган бўлса керак. Марказий Осиё босқини 327 йили тугалланган. Александр Бактрияга қайтиб Ҳиндистонга юриш учун ҳозирлик кўради.

Македониялик Александрнинг юришлари натижасида қанчадан қанча шаҳарлар вайрон этилди, юз минглаб ерли халқ қулга айлантирилди, дунё бозорларида сотилди, қанчаси қириб ташланди (Диодорнинг айтишича, фақат Суғдиёнада 120 минг одам ўлдирилди), беҳисоб моддий бойликлар талон-торож этилди ва йўқ қилиб ташланди, ер сув ўрнига қон ичди, турар жойлар, боғу роғлар, шаҳарлар ёндирилиб, кули кўкка совурилди. Буларнинг ҳаммаси минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта зарба берди. Аммо аждодларимиз бошига тушган бу фожиаларнинг иккинчи томони ҳам бўлди: "Қулдорлик тузуми ривож топди, Ҳиндистон ва Ғарбий вилоятлар билан савдо-алмашув кучайди. Тарихий тараққиётдаги бу ижобий томонлардан кўз юмиб бўлмайди, чунки Александр урушлари натижасида Марказий Осиё, Греция, Македония халқлари, элатларининг бирлашуви юзага келди, бу ҳолат кейинча Грек-бактрия ва Парфия давлатларининг яратилишида катта роль ўйнади"[5].

327 йил ёзида Александр Бактриядан чиқиб Ҳиндиқуш тоғларидан ўтиб Ҳинд дарёсига етади. У ҳинд юришларида суғди, бактриялик ва эрон суворийларини ҳам ўз сафига қўшган эди. У 326 йили Панжобни жангсиз қарам қилади. Кашмир рожаси Абисар ҳам Александрга қарам эканини тан олиб, элчи юборади, лекин унинг билан иттифоқ тузган Пор босқинчиларга қарши жангга астой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дил тайёргарлик кўради. Александр Панжоб рожаси тортиқ қилган 25 та фил билан Порга қарши юриш бошлайди ва ҳарбий ҳийла билан Порни енгиб, асир олади. Александр олиб борган урушлари давомида очиқ жангда ҳақиқий қаршилик кўрсатган ҳинд рожасига ҳурмат эҳтиром билдириб, юртни идора этишни яна ўзига топширади ва кейинги юришларини Порнинг маслаҳати билан амалга оширади. Александр кемалар қурдириб, Ҳинд ва Акесин дарёлари орқали океан соҳилигача етади. Бир қисм лашкарларини Неарх бошчилигида кемаларда сув йўли билан жўнатиб, бир қисм лашкари билан ўзи соҳилга яқин бўлган вилоятлар орқали катта қийинчилик, очлик, сувсизлик, талафотлар билан 324 йили Сузга етиб келади.

Жаҳоннинг ярмини забт этган Александр аввалги, грек демократиясини жорий этмоқчи бўлган панэллин, Аристотелнинг шогирди бўлган файласуф эмас, балки Эрон шаҳаншоҳларига хос ҳашаматли ҳаёт, айш-ишратни ёқтирувчи, атрофдагиларнинг сўзсиз бўйсунишини талаб қилувчи, умуман эроншоҳлар урф-одатларини қабул қилган шаҳаншоҳга айланган эди. Бу ўзгаришлар, айниқса Суғдиёнада яққол кўзга ташланади. Македония урф-одати бўйича шоҳ ҳуқуқи тенг бўлган дружинанинг бошлиғи, эроншоҳга ўхшаган мутлақ ҳоким эмас, асосий фаолиятини лашкарлар йиғини розилиги билан амалга ошириш мумкин эди.

Александрдаги бу ўзгаришлар, ўта манманлик, золимлик, қизиққонлик каби хусусиятлар атрофдаги урушларда хизмат кўрсатган македон, грек лашкарбошлари, жангчиларга ёқмас эди. Норозиликнинг иккинчи сабаби урушнинг ниҳояси кўринмаслигида, шоҳнинг на Македония ва на Греция ҳақида ҳеч қайғурмаслигида, бутун эътибори Шарққа қаратилганлигида, лашкарлар, суворийлар, ҳатто шоҳ яқинларини ҳам Шарқ халқлари вакиллари ҳисобига кенгайтирилганлигида эди. Ветеранлар эса Шарқ халқларини "варварлар" деб менсимасдилар. Буни сезган Александр турли сабаблар топиб энг яқинлари, йирик лашкарбошилари Парменион,унинг ўғли Филота, Клит, Каллисфен, Александр Линкестид кабиларни бирин-кетин йўқотади.

Александр Шарқ юришига отланар экан, Пелледаги сарой аҳлларини, устозлари, дўстларини, ҳаттотлар, олимлар, тарихчилар, шифокорлар, шоирлар, рапсодлар, актёрлар сингари маданият арбобларини ҳам ўзи билан бирга

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб кетган. Кейинча Грецияда эллинлар ҳисобига уларнинг сони янада ортган. Александр қаерда бўлмасин, Ҳомер ва бошқа юнон адибларининг асарларини ўтириш ва зиёфатларда ўқитар, Софоқл, Ёврипид трагедияларини ўйнатиб томоша қилар эди. Александрнинг ўзи ҳам трагедия ва тарихий асарлар грек шоирлари асарларини ўзи билан олиб юрар ва зўр қизиқиш билан ўқир эди. Ҳатто Плутарх ва Диодорларнинг хабарларига кўра шоҳнинг ўзи ҳам пьеса ёзишда иштирок этган, асар Экбатанда ўйналган. Александр янги дўстлари — Шарқ халқларини юнон маданиятидан баҳраманд қилишга уринар эди. Ҳатто Марказий Осиёда эканида ерли аристократларнинг фарзандларидан 30 минг йигитни танлаб олиб, уларга юнон тилини ўргатиб, грек маданияти илмидан таълим беришни буюради (Плутарх, Александр, 47), лашкарларининг сонини ерли халқлар ҳисобига кўпайтиради.

Александрнинг мақсади забт этишгина эмас, Ғарб ва Шарқ, грек-македон маданияти билан Миср, Бобил, Эрон ва умуман Шарқ халқлари маданияти, "халқлар, урф-одатлар, қонунларнинг қоришмасидан яхлит бир халқ, маданият, синтезлашган дин яратиш", Греция ва македонияга забт этилган халқларни қўшиб янгича яхлит давлат тузуми барпо этиш, унда ҳамма халқларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, давлат идорасига ҳамма халқлар вакилларини жалб этиш, умуман Александргача ҳеч кимнинг хаёлига келмаган яхши ниятлар эди. Шу мақсадда шоҳ жойларда шаҳарлар барпо этади, Плутархнинг маълумотига кўра "Александр варвар халқлар учун етмишдан ортиқ шаҳарлар қуриб, бутун Осиё бўйлаб эллин муассасаларини таъсис этди" (Плутарх, Александр, 1,9). Тўғри, юнон ёзувчиси Плутарх тилга олган 70 шаҳарни ҳозирги замонда аниқлаш кийин, аммо Марказий Осиё ва Хуросонга оид баъзиларини айтиш мумкин. Александрия Эсхата (яъни четдаги Александрия), ҳозирги Хўжанд, Александрия-Ариана (ҳозирги Ҳирот), яна бир Александрия — Қандаҳар шаҳари экани маълум, холос. Лекин амалда Александрнинг бу яхши ниятларининг амалга оширилиши босқинчилик зулмини ўтказиши, қурилишдан кўра кўпроқ вайроналик, қон тўкишлар, талон-торожлар, ғам-ғусса келтиради. Ҳатто Ҳиндистон юришларида қаршилик кўрсатгани учун Сангалу шаҳрини ер билан яксон қилиб, бутун аҳолисини қириб юборган эди. Ундан аввал эса Яқин Шарқда Тир шаҳрини ҳам вайрон қилиб, 30 минг аҳолисини қулликка сотиб юбор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган эди. Александр келтирган "озодлик" ана шундай қимматга тушган.

Юқорида айтилган Шарқ ва Ғарб бирлигини яратиш мақсадининг рамзи сифатида Александр Сузда оммавий никоҳ тўйи уюштиради. Аввало ўзи 328 йили бактриялик зодагон Оксиартнинг гўзал қизи Роксанани (Раҳшона, Равшанак) бир кўришда севиб қолиб, расмий равишда катта тантанали тўй қилиб, унга уйланади ва уни империянинг маликаси, деб эълон қилади. Уйланиш воқеаси ерли аҳолига ижобий таъсир этади. Улар шаҳаншоҳ ерли халқ номусини ерга қаратмади, ҳалол иш қилди, бизни ўзига тенг кўрди деган хулосага келдилар. Бу воқеадан сўнг ерли аристократия Александр томонига ўтди, халқ эса бебош қолди, шоҳнинг яширин нияти ҳам шу эди. 324 йили, ҳинд юришидан сўнг, Сузда бир кунда 10 минг жангчи шоҳ яқинлари — Гефестион, Кратер, Птолемей, Селевк, Эвмен, Пердикка ва бошқалар Шарқ аёлларига уйландилар. Шоҳнинг ўзи эса Шарқ одати бўйича, Роксана малика бўлса-да, иккинчи марта Доронинг катта қизига уйланди, эронликлар одати бўйича катта тантанали тўй-томоша уюштирди, шоҳ куёв-келинларга қимматбаҳо тортиқлар берди.

Александр олиб борган сиёсат, айниқса Шарқ халқлари вакилларини грек ва македонлар, шоҳ яқинлари — гетайрлар даражасига кўтариш грек-македонларда норозилик туғдиради. Тинимсиз юришлар, машаққатли жанглар, ўзгача иқлим, шароит қийинчиликларидан ҳориган лашкарлар ватан, оила, одатдаги хизматларидан узоқ вақт узилиб қолишлари ҳам бу норозиликни кескинлаштиради. Натижада Тигр соҳилидаги Опис деган шаҳарда лашкарлар Александрнинг буйруғига бўйсунмайдилар, очиқ норозилик эълон қилинади, армия шоҳ раҳбарлигида ватанга қайтишни талаб қилади. Бу исён эди. Ғазаби қўзғаган Александр 13 жангчини жазолаб, ўн минг фахрийларни Македонияга қайтаради. Эндиликда Александр армиясининг кўпчилигини эронийлар, Марказий Осиё халқлари ва Шарқ халқлари вакиллари "варварлар" ташкил қилар эди.

Александрнинг асосий Шарққа қаратилган сиёсати ҳам грек, ҳам македон маданияти, жамоатчилик тушунчаси учун мутлақ янгилик, асрлар давомида ҳукмрон бўлиб келаётган анъаналар, греклардан бошқа халқлар қолоқ халқлар, "варварлар" деган тушунчага зарба беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳомерда "варвар" сўзи фақат "тушуниб бўлмайдиган тилда сўзлашувчи" тушунчасида қўлланган. Ҳатто эрадан аввалги VII — VI асрларда ҳам ҳақорат сифатида ишлатилмаган, буюк олим, файласуфлар Фалес, Пифагорлар миллати юнон бўлмаган. Фукидид (VI аср), Аристофан (V аср)да ҳам бу сўз Ҳомердаги маънода қўлланилган. Фақат эрадан аввалги V аср охирларига келиб грекларга бошқа халқларни қарама-қарши қўйиш, камситиш кенг тус олади. Бу ўзгариш, биринчи навбатда, ижтимоий сабабларга эга эди. Агар шу давргача қуллар асосан ҳарбий асирлардан ташкил этилган бўлса, эндиликда Грециянинг қул бозорларида шарқ халқлари вакилларини қул сифатида сотиш авжга чиқади. Инсонни қул этиб, ўта ҳақоратлаш, уни ҳайвонга тенглаштириш, меҳнатини ўта эксплуатация этиш, қулни ҳатто "одам" деб атамай, "тана" деб аташни ғоявий жиҳатдан асослаш, оқлашга эҳтиёж туғилади. Натижада қуллар грек миллатига эмас, балки бошқа халқларга мансуб бўлгани учун "варвар" сўзи қулга ҳам тааллуқли этиб ишлатила бошланади. Масалан, Еврипидда "қул" ва "варвар" сўзлари бир маънони билдирган. Бундай ғайриинсоний назарияни асослаганлар Исократ, айниқса Аристотел бўлади, "грек" бўлмаганлар "варвар" деган тушунча шу даврга келиб чиқди. Греклар эркин бўлиб, буйруқ беришга, "варвар" қулларча ҳаёт кечириб, буйруқни бажо келтириш учун яратилган, деган шиор пайдо бўлди.

Аристотел очиқдан-очиқ антик қулдорлик тузумининг назариётчиси сифатида чиқди. Унинг фикрича, Шарқ мамлакатларини забт этиш Грециянинг фаровонлигига хизмат қилиши, янги бозорлар, савдо йўллари, арзон қуллар келтириши керак. Олим фалсафий қарашларида ўз фикрини назарий жиҳатдан асослашга уринган. У тўғридан-тўғри "эллинларга нисбатан варварларда, европаликларга нисбатан осиёликларда туғилишданоқ қуллик табиати яққол намоён бўлади" ("Политика") ёки "қул ва варвар табиатан битта" деган фикрни илгари суради. Александрга "грекларга раҳбар сифатида муносабатда бўл, варварларга ҳоким бўл, эллинларни ўз яқинларинг ва дўстларинг сифатида ҳисоблаб ғамхўрлик қил, варварларга уй ҳайвонлари ва ўсимликларга қарагандек бўл", дейди (Александрга ёзган хати).

Шарқ халқларига бундай қараш, эрадан аввалги IV асрда қулдорлик жамияти ҳали гуллаб турган даврда бу ғайриинсоний фикрларни рад этиш ҳеч кимнинг хаёлига

www.ziyouz.com kutubxonasi

келмасди, Шарқ ва Ғарбни яқинлаштириш ёки яхлит бир давлатга бирлаштириш, эллинлар билан "варварлар"га бир хил муносабатда бўлиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бундай шароитда тарбияланган, қулдорлик тузуми назариётчиси Аристотелдан таълим олган Александрда даставвал Шарқ ва Ғарб бирлигини барпо этиш фикри йўқ бўлиши табиий. Аммо Шарқнинг эллинларга маълум бўлмаган, мутлақ янгилик бўлган хусусиятлари, грек полисларидан ўзгача бўлган шаҳарлари, урф-одатлари, айниқса, эроншоҳларнинг ҳашаматли саройлари, беҳисоб бойликлари, турмуш тарзи Александр ва унинг шерикларини ҳайратга солади. Айниқса, Шарқ халқларининг оқиллиги, маданиятининг қадимийлиги, маданий анъаналарининг яхши сақланганлиги, Шарқнинг монументал архитектураси ва ўзига хос санъати шоҳда зўр таассурот қолдиради. Шарқ Александр нигоҳида мутлақ ўзгача бўлиб гавдаланади. Шарқ донишмандлиги, маданияти, одамлари характерини англаб етиш осон эмаслигини тушунади. Шарқ ва Ғарб бирлиги ғояси Македония шоҳида кўп йиллик юришлар, кўп учрашувлар натижасида шаклланади.

Александр, албатта, ҳамма одамлар ҳуқуқи тенг эканлиги ҳақидаги тушунчани тасаввур ҳам қилмас, унинг мақсади грекларда ҳукмрон тусга кириб қолган Шарқ халқлари "варварлар" "варвар" ва "қул" тушунчалари айнан бир хил, деган нотўғри фикрни йўқотиш эди. Шарқ халқлари билан яқиндан тўқнашган Александр грек-македонлардаги тушунча мутлақо нотўғри эканини яхши англайди, унинг учун халқлар бир хил, биридан иккинчисининг устунлиги фақат империяга ким қанча фойда келтириши масаласида бўлиши мумкин, холос.

323 йили Александр Бобилни пойтахт деб эълон қилади ва ҳамроҳлари, сарой аҳллари, лашкарлари, ҳарами, маликалари билан шу ерда жойлашади. Жаҳоннинг ярмини забт этган Македония шоҳи, ажойиб лашкарбошининг шуҳрати Ғарб ва Шарқ халқларига кенг тарқалади, турли давлатлар, халқ ва элатлар унинг олдига элчилар юборадилар ва шоҳлар шоҳига ўз хайрихоҳликларини изҳор қиладилар. Тинч, осойишта ҳаётга ўрганмаган Александр Италия юришига отланаётган пайтда оғир касалга чалиниб, 323 йилнинг 13 июнида ўттиз уч ёшга тўлмай, Бобилда вафот этади.

Александр тахтга ўтирганида эркак қариндошларининг ҳаммасини йўқ қилган, ўзидан ҳам зурриёт қолдирмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоҳ вафотидан тўрт ой ўтгач, Роксана ўғил кўради, отини Александр қўядилар. Лекин тахт учун курашда ёш шаҳзода ҳам ёшига етмай ҳалок бўлади.

Тарихий шароитга биноан Александр ўз истеъдоди ва қурол кучи билан яратган фавқулодда бирлаштирилган катта империя давлати яшаши мумкин бўлмаганидек, аввалги ҳолатга қайтиши ҳам ғайритабиий бўлар эди.

Александр вафотидан сўнг ҳокимият шоҳнинг энг яқин лашкар бошлари қўлига ўтади. Улар диадохлар, яъни ворислар ёки эпигонлар — ворислар вориси, деб аталдилар. Шоҳдан кейиноқ империяга ҳокимлик қилиш учун диадохлар ўзаро кураш бошлайдилар, лекин бирортаси ҳам енгиб чиқа олмайди. Унинг устига Александр вафоти ҳақидаги хабарни эшитган халқлар озодлик учун қўзғолон бошлайдилар. Антик муаллифларининг маълумотига кўра Мурғоб водийсида барпо этилган шаҳар — Маргиана Александриясини варварлар вайрон қиладилар (Плиний,IV, 16). 301 йили Фригиянинг Ипс деб аталган жойида қонли жанглар натижасида Александр империяси уч мустақил давлатга тақсимланади:Македония, Миср, Сурия ва Шарқ. Македония Антиох авлодларига, Миср — Птолемей авлодларига, Суриядан то Ҳиндистонгача Селевкка тегди (Аппиан, "Сирийские дела", 55). Натижада Оврупо, Яқин ва Марказий Осиёда ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий талабларни олдинга сурган эллинистик давлатлар ташкил топди, жаҳон тарихида эллинизм деб аталган давр, икки қитъа маданиятининг ўзаро таъсир даври бошланди.

АЛЕКСАНДР ҲАҚИДАГИ АСАРЛАР ВА ШОҲ ОБРАЗИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Буюк Александр вафотидан кейин юнон файласуфлари, айниқса, стоиклар шоҳни ўзлари тарғиб этган ғояларни амалга оширувчи инсонпарвар ҳоким деб эълон қиладилар (Эратосфен). Бу анъанани Плутарх ҳам давом эттирди. Ёзувчининг ёшлик пайтида ёзилган "Александрнинг муваффақияти ва қаҳрамонлиги" деб аталган шеърда шоҳ образи идеаллаштирилганлигини, стоицизм файласуфларига хос фикрлар нисбат берилганини кўрамиз. "Александр Аристотел берган маслаҳатга амал қилади...Худонинг буйруғи туфайли ўзини турли жойлардаги одамларни ўрни келганда яхши сўз билан, бўлмаса қурол кучи билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

яраштирувчи, бирлаштириб, дўстлаштирувчи деб ҳисоблаб, урф-одатларни, яшаш тарзи, оила, хулқ-атвор кабиларни қориштириб юборди ва ҳаммага ватан — бутун олам, қаср ва уй-жой-лагерь, қардошлар — яхши одамлар, бегоналар — ёмон одамлар, эллинлар — хайрли ишлар, варварлик — ёмон ишларда намоён бўлади, деб эълон қилди" (I,6); Плутарх каби адибларнинг фикрича, Александр инсонларга қонли фожиалар, бахтсизликлар, йўқотишлар эмас, балки дўстлик, тинчлик, иттифоқлик келтирувчи бўлган. Амалда эса Александр босиб олган жойларда давлат идоралари тузумини ўзгартирмай, Ахмонийларда қандай бўлса, шундайлигича қолдирган, фақат ўзи барпо этган шаҳарларни грек полисларига ўхшатиб қурган, холос. Лекин шуниси қизиқки, Александрнинг ўзи фаолияти, уруш, қон тўкишлари билан халқларга озодлик, фаровонлик келтираётирман, миллий чекланишлардан қутқараётирман, деб тасаввур қилган. Ўз яқинлари, лашкарбошиларга ҳам шу фикрни сингдирган. Александр фаолияти ҳақидаги ана шу тасаввур у ҳақида яратилган асарларда ҳам ўз аксини топган. Амалда эса Александр шахсияти, характерида қарама-қарши хусусиятлар кўп бўлган. Бир томондан, меҳрибон, лашкарларини оталардек севувчи лашкарбоши, иккинчи томондан, ҳеч қандай эътирозга чидамовчи, энг яқин, унга умр бўйи хизмат қилган (Парменион, Филото, Клит, Каллисфен каби) кишиларни ўлимга маҳкум этувчи золим шоҳ. Одамлар, халқларга яхшилик қилиш империянинг фойдаси билан ўлчанган, халқлар иттифоқи, дўстлиги шоҳга мутлақ бўйсуниши сифатида тушунилган. Албатта, ҳақиқий Александр кўпчилик адиблар томонидан мадҳ этилган идеал қаҳрамон эмас, ўта қарама-қарши табиатга эга; бир томондан, катта истеъдод эгаси, лашкарбоши; довюрак жангчи, меҳрибон раҳбар, иккинчи томондан, фақат ўз амри билан иш юритувчи, яхшиликни, қадрламовчи, инжиқ, ўта манман, кучли шахс бўлган.

Александр ҳақида дастлабки асарларни юришлар иштирокчилари, расмий тарихчи Каллисфен, сарой маросимларини бошқарувчи митиленлик Харес шоҳнинг тенгқур дўстлари Птолемей Лаг, Клитарх, Аристобуллар ёзганлар. Лекин буларнинг биронтаси ҳам кейинги даврлар учун сақланиб қолмаган. Саройда олиб борилган кундалик, Александрнинг хатлари ҳам бизгача етиб келмаган. Тўғри, Александр ҳақида ёзган антик муаллифлари Арриан, Диодор, Курций, Плутарх, Страбон, Клавдий, Птолемей кабилар ўз асарларида юқорида зикр этилган Александр

www.ziyouz.com kutubxonasi

юришлари иштирокчиларининг асарларидан фойдаланганлар. Александр ҳақида бадиий асар ёзган адиблар ҳам тарихий манбалардан фойдаланганлар. Бадиий асарларда тарихийлик эмас, балки ахлоқий муаммолар устунлик қилади. Адиблар ўзларининг миллий, сиёсий, фалсафий ва ахлоқий қарашларидан келиб чиққан ҳолда жаҳонгирнинг у ёки бу ҳаракати, қилмишига баҳо берадилар. Антик муаллифлари шоҳга қарши кураш олиб борувчиларни ўта қўрқоқ, уларга жиддий қарашга арзимайдиган (Бесс ва унинг атрофидагилар) ёки Спитамен ва Порларни "буюк шоҳга тенг келувчи буюк душман" тарзида тасвирлайдилар. Антик адибларининг бундай муносабатларини Уйғониш даври француз ёзувчиси Франсуа Рабле заҳарханда билан масхаралаб, "Гаргантюа ва Пантагрюэл" романида Гаргантюани ҳинд шоҳи Порнинг авлоди сифатида таърифлайди.

Александр ҳақидаги бизгача етиб келган асарларнинг қадимийси сицилиялик Диодор (эр. ав. 90—21 йиллар)нинг 40 китобдан иборат "Тарихий кутубхона"си. "Кутубхона" антик даврда яратилган дастлабки "жаҳон тарихи" бўлиб, унда Шарқ мамлакатлари, Греция ва Рим тарихи берилади. "Кутубхона"нинг I — 5 ва II — 20 китоблари тўлиқ, қолганларидан эса парчалар сақланиб қолган. Асарда узоқ ўтмиш, афсонавий даврдан бошлаб то Галлиянинг Цезарь томонидан босиб олинишигача, яъни адиб яшаган давргача бўлган воқеалар қамраб олинган. "Кутубхона"нинг ўн олтинчи китоби Филиппга, ўн еттинчиси Александрга ва ўн саккизинчиси Диадохларга бағишланган.

Диодорнинг асари соф тарихий асар. Адиб ўзигача ёзилган манбалардан фойланган. "Кутубхона"нинг қиймати ҳам унда энг қадимий муаллифларнинг маълумотлари сақланиб қолганлигида. Александрга бағишланган бобларда у лашкарбоши ҳаёти ва жанглари тасвирини объектив кўрсатиш билан бирга жанг, ерли халқлар, шаҳар ва қишлоқларни жангчилар томонидан талаш, яраланганларнинг оғир аҳволи, ўликлар, босқинчиларнинг ёвузликларини тасвирлашга ҳам кўп ўрин беради. У Александр шахси ва фаолиятини идеаллаштиради, аммо шоҳ характерини очиб бермайди. Диодорни умуман на воқеалар сабаби, на персонажлар характери, на узоқ юртларга қилинган юришлар, на беҳисоб жанглар, на вайроналиклар, на талафотлар, на қон тўкишлар қизиқтиради. Диодор "Кутубхона"синиг моҳияти фактик материалларга бойлигидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Римлик адиб Квинт Курций Руф (э. ав. I аср ва I аср ўртасида) ҳам ўн китобдан иборат "Македониялик Александр" асарини ёзган. Асар лотин тилида ёзилган бўлиб, биринчи, иккинчи қисмлари ва қолган китобларнинг ҳам баъзи боблари йўқолган. Курций асари, муаллифнинг айтишига кўра, Птолемей Лаг ва Клитарх асарлари асосида яратилган бўлишига қарамай, унда фантастика элементи жуда кўп, тарихий воқеалар бадиийлаштириб ёритилган, персонажларнинг психологик ҳолатини очишга қаратилган ва узундан-узоқ панд-насиҳат характеридаги парчалар киритилган. Қаҳрамонлар бир-бирлари билан баҳслар олиб борадилар, узун нутқлар сўзлайдилар. Асарни ўқиганда Курций асосий диққатни Александр воқеасини ёритишга эмас, балки ўз билимини намойиш қилишга қаратгандек туюлади.

Курций асарида Александр зиддиятли шахс этиб тасвирланган. У ўта шуҳратпараст, кўп ўринда ўзини тута билмайди, бузуқ аёллар билан айш-ишратда ҳаёт кечиради, жуда золим, ўз яқинлари, унга хизмат кўрсатган, қатто ҳаётини сақлаб қолган одамларни ҳам ўлдиртиради. Курций Александрнинг ёвузликларини элчиларнинг шоҳга қарата айтган нутқларида беради. Элчилар нутқларини "агар сен умуминсониятни бўйсундира олсанг, кейин ўрмонлар, қорлар, дарёлар ва ёввойи ҳайвонларга қарши урушасан. Бойликнинг сенга нима кераги бор? У яна ортиқроқ очлик туғдиради. Сенда қанча кўп бойлик бўлса, уни яна орттиришга уринасан, баттарроқ очкўзлик қиласан" (VIII, 65), деган сўзлар билан тугатадилар. Иккинчи томондан, Курцийнинг фикрича, Александр яхши ниятлар билан Шарқ золимларидан, халқларни озод этиш мақсадида иш бошлаган, уларнинг эркин, фаровон яшашини таъминламоқчи бўлган. Ўспиринлар суиқасди фош этилгач, Александр ўз золимликларини оқлаш учун нутқ сўзлаб, асли ниятлари хайрли эканини айтади. Бутун асар давомида лашкарбоши ўта жасур этиб тасвирланади, ҳатто баъзида унинг хатти-ҳаракатлари ақл доирасига ҳам сиғмайди.

Курций бактрияликлар тилидан турли мақоллар ҳам келтиради: "Қўрқоқ ит кўп ҳурийди", "Энг чуқур дарёлар сокин оқади", "Яхши отга бир қамчи" ва ҳоказо.

Квинт Курций Руфнинг асари тарих, этика, фалсафа, сиёсатшуносликнинг йиғиндиси бўлиб, яхлит бир тарихий ёки бадиий асар даражасига кўтарила олмаган, шунинг учун ҳам кейинги даврларда яратилган Александр ҳақидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарларга асос бўла олмаган. Лекин Курцийнинг бадиийлаштирилган, замонавий фалсафий қарашлар билан бойитилган асари антик давр китобхонлари талабига жавоб берар эди. Шунинг учун ҳам бу асар кенг тарқалган ва келажакда шаклланган антик тарихий роман табиатини аниқлаб берган.

Александр ҳақида антик даврда яратилган асарлар орасида Плутархнинг шоҳ ҳаёт йўлини ёритувчи "Александр ва Цезарь" асари бизга етиб келган асарлар орасида греклар томонидан яратилган асарларнинг дастлабкиси ҳисобланади. Адибни урушлар тарихи эмас, балки Александрнинг шахси қизиқтирган. Шунинг учун адиб асар бошидаёқ "биз тарих эмас, балки таржимаи ҳол ёзмоқдамиз", дейди. Таржимаи ҳоллар ёзишдан мақсад бошқаларга ибрат бўлсин учун у ёки бу арбобнинг эҳсон ва нуқсонларини кўрсатиш эди. Тарих ва шахсларга ёндошиш шу нуқтаи назардан бўлган.

Александр Миср фараони Нектанебнинг ўғли, вақтинча Македонияда яшашга мажбур бўлган фараон илон қиёфасида Олимпиада ётоқхонасига кирган деган афсона Мисрда кенг тарқалган эди. Унинг сабаби мамлакат ва халқни фақат худолар зотидан тарқалган фараонлар идора эта олади, деган тушунча бор эди. Александрнинг Мисрни босиб олиш ва ҳукмронлик қилиши бу афсонага зид эди. Шунинг учун коҳинлар Нектанеб ҳақидаги афсонани ўйлаб топганлар. Плутарх Нектанеб ҳақидаги афсонага дин арбоблари Александрни Мисрнинг бош худоси Амоннинг ўғли деб эълон қилишларига, шоҳ шахсини илоҳийлаштириш ғоясига ишонмаган ва киноявий муносабатда бўлган. Ёзувчи Александрнинг "ҳаёт йўлини" берар экан, афсона ва ҳикоялардан фақат лашкарбоши феъл-атворини очиб беришда ёрдамчи материал сифатидагина фойдаланган. Адиб Македония шоҳини аямай, унинг табиатига хос салбий томонларни ҳам кўрсатган ("Александрнинг мижози иссиқ бўлгани учун ичкиликка берилган ва жаҳли тез эди"). Адиб шоҳни ўта шуҳратпараст сифатида тасвирлаган. Шоҳ доимий урушларда бўлгани учун яхши хусусиятларини анча йўқотган, қўполлашган, айш-ишрат, ичкиликбозликни, лаганбардорлик ва мақтанишни яхши кўрган.

Адиб Александрнинг салбий томонларини бериш билан бирга, ижобий томонларини ҳам бўрттириб кўрсатади. Плутарх яратган Александр идеаллаштирилган шоҳ. У, биринчи навбатда, Аристотелнинг шогирди — файласуф,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ботир, жасур қаҳрамон, жангга лашкарлардан аввал ўзи отилади, яқинлари ва лашкарларига нисбатан меҳрибон ота, хушхабиат, ниҳоятда олижаноб инсон. У катта истеъдод эгаси, раҳмдил инсон, қон тўкиш, уруш қилишларининг сабаби халқларни золим шаҳаншоҳдан озод этиш, қолоқликдан чиқаришдир. Шунинг учун ҳам у жангсиз таслим бўлганларни ўз ўрнида қолдиради, ҳатто уларга ёрдам қўлини чўзади. Плутарх тасвиридаги Александр салбий томонлардан кўра яхши хусусиятлари кўп бўлган ҳақиқий инсон сифатида гавдаланади. Плутарх Александр тилидан ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган "Фароғотда дабдабали ҳаёт кечириш қуллар орзуси, меҳнат қилиш шоҳона иш" сўзларини айтади. Адиб Александр ўз яқинлари, унга хизмат қилган одамлар Парменион, Филото, Клит, Каллисфен, Александр Линкестид кабиларнинг бегуноҳ ҳалок этилишини оқловчи сабабларни ҳам топиб, айб уларнинг ўзида, дейди.

Плутархнинг лашкарбоши ҳақидаги мазкур асари антик даврда яратилган асарлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди, унда тарихийлик тарбиявий мақсадга бўйсундирилган. Грек адиби асарининг худди ана шу хусусияти Шарқнинг буюк адиблари Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Навоийлар томонидан давом эттирилган.

II асрда яшаб ижод этган грек сатирик ёзувчиси Лукиан ҳам ўзининг "Ўликлар дунёсидаги суҳбатлар" асарида Александр ҳақида ёзади. "Диоген ва Александр" суҳбатида Александрга замондош бўлган файласуф Диоген тилидан, "Филипп ва Александр" да ҳам Македония шоҳи Амоннинг ўғли экани, Нектанеб ҳақидаги афсона, айниқса Александрни илоҳийлаштириш ғояси кескин фош этилади. Айниқса, эроншоҳлар урф-одатлари, ҳашаматли ҳаёти ва кийимлари, кўп хотинлилик ва ҳарам, шоҳ учун жон фидо қилган Клит ва Каллисфеннинг ҳалок қилингани ҳақидаги парчаларда сатира заҳарханда тусини олади, Филипп ҳам ўғлининг фаолиятини оқламайди. Лукиан асарида Александр ота-онасини ҳурмат қилмовчи, уларнинг шаънига доғ туширувчи, айёр, ёвуз, қонхўр, шуҳратпараст инсон сифатида гавдаланади.

Александр юришлари ҳақида антик даврда ёзилган тарихий асарлар орасида Флавий Аррианнинг (95—175 йиллар) "Александрнинг юришлари" асари алоҳида ўрин эгаллайди. Арриан Кичик Осиёда Вифиния вилоятининг Никомедия шаҳрида дунёга келган. У грек ва лотин тилларида фалсафий, тарихий ва географик асарлар ярат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Тарихий ва географик асарлар орасида аҳамиятлиси "Александр юришлари" ва бу асарга илова сифатида ёзилган "Ҳиндистон тасвири" дир.

"Александр юришлари" ("Александр анабасиси") Ксенофонтнинг "Анабаси"си ("Эронга қарши юриш") асарига тақлидан яратилган бўлиб, бу ҳам етти китобдан иборат. Асар деярли тўлиқ сақланган, фақат еттинчи китобнинг ўн иккинчи боби тўлиқ эмас. Адиб Александрнинг бутун ҳаётини эмас, балки фақат юришлар бошланган пайтдан кейинги ҳаётини ёритган.

Лашкарбоши фаолияти Аррианни қанчалик ҳайратга солмасин, муаллиф шоҳнинг ярамас, ножўя қилмишларини очиқ кўрсатади. Арриан ўзи фойдаланган манбаларга нисбатан танқидий муносабатда бўлади. У Александр юришлари иштирокчилари ёзиб қолдирган бир қанча асарлар орасидан Птолемей Лаг ва Аристобул асарларини манба сифатида танлайди: Лашкарбошиларнинг бири, кейинчалик Миср подшоҳи бўлган Птолемей Лаг ҳам Александр вафотидан анча кейин Александр юришлари ҳақида асар яратган. Лекин бу асар қадим даврлардаёқ йўқолиб кетган, номи ҳам номаълум. Шоҳ вафотидан кейин Аристобул ҳам 84 ёшида юришлар ҳақида асар ёзган. Ҳар иккала асар ҳам бири иккинчисини тўлдирган. Агар Птолемейни асосан жанг, қамал қилиш, шаҳарларни ишғол этиш каби масалалар қизиқтирса, Аристобулни эса ҳарбий ишлар эмас, мамлакатлар, табиат, дарёлар, тоғлар, ўсимликлар, урф-одатлар қизиқтирган.

Арриан асарида воқеаларни, у ёки бу персонажларнинг ҳаракатлари сабабини очмайди, унга нисбатан ўз фикрини ҳам билдирмайди, ахлоқий ёки сиёсий мулоҳазалар ҳам юритмайди, фақат фактлар ва воқеаларни объектив тарзда баён қилади, холос.

"Александрнинг юришлари" асари Александрнинг Ахмонийлар давлати ҳудуди, айниқса, Марказий Осиёни босиб олиши, ерли халқнинг босқинчиларга қарши исёни, минтақа табиати, у ерда яшовчи халқлар ҳақида (III—IV китоблар) маълумот бериши жиҳатидан қимматли.

Антик даврда Александр ҳақида тарихий, бадиий асарлар ва кўплаб афсоналар (афиналик Антиклид, хераклийлик Нимфис, афиналик Дорофей, митиленлик Потамон, астипалейлик Онесикрит, пеллалик Марсий ва бошқалар томонидан) яратилган. Агар тарихий асарлар орасида энг муҳими ва ишончлиси Арриан асари бўлса, бадиий асарлардан Каллисфенга нисбат берилган "Александр фаолия-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ти" ёки "Александр ҳақидаги роман" эди. Тарихий воқеа, бадиий асар ва афсона элементларини ўзида мужассамлантирган "Александр фаолияти" асари антик даврда яратилган лашкарбоши ҳақидаги асарлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Эллинизм даврида яратилган юнон адабиёти эндиликла инсон-худолар, инсон-жамият муаммоларини эмас, балки инсон шахси масаласини олдинга суради. Бу даврда роман жанри кенг тарқалган бўлиб, унда қаҳрамонлар севгиси, севги туфайли турли саргузаштлар тасвирланади. I—III асрларда кенг тарқалган бу жанр намуналари орасида энг характерлиси "Александр фаолияти" асари эди. Асарнинг яратилиш даври ҳақидаги баҳслар ҳали ниҳоясига етгани йўқ, эрадан аввалги III аср билан янги давр III асри ҳақида гап боради. Асар биринчи птолемейлар даврида Мисрда яратилиб, кейинчалик бир неча марта қайта ишланган ва бизга маълум нусхаси III аср бошларида юзага келган бўлса керак.

III аср бошларида Александр мавзусига қайтишга маълум тарихий шароит сабаб бўлган: 222—235 йиллари Рим салтанатини Александр Север идора этган эди. У атайлаб машҳур лашкарбоши номини танлаб Александр номи билан тахтга ўтиради, шу йиллари, Сосонийлар даврида Эрон яна йирик давлатга айланган эди. 233 йил Александр Север Эронга юриш қилади, вақтинча ғалабасини катта тантана билан нишонлайди, аммо ўзи қўзғолон кўтарган лашкарлар томонидан ўлдирилади. Худди ана шу йиллари Александр образи ва унинг юришларига қизиқиш кучайган, ана шу тарихий шароитда "Александр фаолияти" асари қайта ишланган бўлса керак. Асарнинг муваффақияти катта бўлди, IV аср бошида лотин тилига таржима этилиб, қайта-қайта унинг қисқартирилган нусхалари тузилди, бир қанча Шарқ тилларига ҳам таржима қилинди (24 тилга ағдарилган).

Роман уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Александрнинг туғилиши, ёшлиги, иккинчи қисмда юришлари то Порнинг асир олинишигача, учинчисида — Ҳиндистондан қайтиши, Бобилда вафот этиши, Александрнинг Аристотел ва Олимпиадага хатлари берилган. Хатларда Александр кўрган ажойиботлар, ҳайвонлар ҳақида ёзилади. Асосий боблар орасида Александрнинг турли саргузаштлари қистирма ҳикоятлар сифатида берилган, масалан, денгиз остига ва "зулмат олами"га саёҳат, оби ҳаёт, одамюзли қушлар, осмонга саёҳат, сув парилари, турли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ажойиботлар, одамхўр яъжуж ва маъжужлар, мўъжизакор икки дарахт ва ҳоказо. Псевдо Каллисфен романи тарихий асарлар, мифологик афсоналар, Шарқ ва Ғарб халқлари афсоналари асосида яратилган эди. Тарих ва тарихий асарлар эса Каллисфенга нисбат берилган асарда лашкарбошининг афсонавий таржимаи ҳоли учун фақат асосий сюжет ролини ўйнади, холос[2].

"Александр фаолияти"нинг мазмуни қуйидагича: Эрон, Сурия ва Мисрни забт этган Александр денгиз туби ва бепоён осмонни текширмоқчи бўлади. Шаффоф идиш тайёрлатиб, ичига тушиб денгизни сайр этади. Сув остида баҳайбат бир жонивор Александр тушган идишни кўтариб ташлайди, идиш синишига оз қолади. Қўрқувдан қалтираган Александр жон ҳолатда соҳилга чиқади ва бу мудҳиш жонивордан эсон-омон қутулганига шукур қилади. Бу воқеадан сўнг бир гуруҳ одамлар билан абадий зулматлик юртига жўнайди. Зулматликда нур сочиб турувчи чашмани кўрадилар, йўловчилар овқатланиш учун тўхтайдилар. Ошпаз шўр балиқни ювса, балиққа жон кириб, сузиб кетади. Бундан ажабланган ошпаз воқеани Александрга айтмай, сувдан ўзи ичади ва бир қултумини шоҳнинг қизига беради. Кейинчалик воқеани Александрга айтганда унинг ғазаби қелади, лекин уни ўлдиролмайди, чунки булоқ оби ҳаёт[3] эди, уларни ҳайдаб юборади. Йўловчилар зулмат ичида кетишни давом эттирадилар, энди улар одамюзли қушларга йўлиқадилар, қушларнинг бири юнон тилида гапириб, Александрга: "сен бораётган юрт илоҳиётники, бахти қаро, тезликда орқангга қайт! Эй инсон, ўзингга ажратилган ерларда юр", дейди. Иккинчи қуш "Сени Шарқ чорлаяпти, Александр, сен Пор шоҳлигини забт этасан", дейди. Александр ва унинг ҳамроҳлари эсон-омон ўз манзилларига етиб келадилар.

Александр энди коинотни текширмоқчи ва поёнига етмоқчи бўлиб яна шаффоф идишга тушиб, уни мифологик қушлар — грифларга бойлаб, осмонга парвоз қилади. Қушлар оч, қути устида гўштлар бор, лекин улар гўштга етолмайдилар, натижада емишга етаман деб баландларга парвоз қила берадилар. Уларга яна одамюзлик қушлар йўлиқадилар. Улар: "Александр, нима учун сен ер юзида ҳамма нарсани билиб етмай, осмонга интиласан, забт этмоқчи бўласан? Тезликда ерга қайт, бўлмаса, қушларинг ўзингни ейиши мумкин", дейдилар. Қўрқиб кетган Александр ерга қараса катта илон доира шаклида ётипти, ўртасида хирмон бор. Одамюзли қуш унга "Биласанми,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу нима? Хирмон бу ер, ерни қуршаб олган илон денгиз", дейди. Александр орқага қайтади ва лашкарларидан узоқликка қўнади. Бундан кейин ғайритабиий ишларга қўл урмайди. Бу воқеадан сўнг Александр Ҳиндистон юришига ҳозирлик кўради, лекин йўлда Гелиополда илоҳий куч унинг ўлими яқинлигини хабар қилади. Буни эшитган Александр узоқ вақтлар хомуш бўлиб юради, бир куни бир оёқда сакраб-сакраб қочиб кетаётган ярим одам, ярим қўйларни кўриб кулиб юборади.

Псевдо Каллисфен асарида асосий мазмунга илова сифатида берилган Александрнинг онаси ва Аристотелга ёзган хатларида ажойиботлар тасвири асосий ўрин олган. Йўл азоблари, ташналик, сув тошқини, бўронлар, совуқ, қор, турли одамларнинг урф-одатлари таърифи билан бирга, турли ажойиботлар ҳақида ҳам ёзилади, филдан катта уч шоҳли жонивор, кўлда яшовчи тимсоҳ ва шер бошли ҳайвон, сув парилари, оғзида йирик зумрад тошларни сақловчи илонлар, ит бошли одамлар, яъжуж ва маъжуж каби ажойиботлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинган. Бу ҳикоятлар асрлар давомида кишиларни ҳайратга солиб келган.

Ҳиндистондан қайтаётганда Александр одамга ўхшаб гапирувчи Қуёш ва Ой дарахтларини ҳам зиёрат қилади. Қуёш дарахти; "Эй жангларда енгилмас Александр, сен ниятингга етиб ҳамма ерларнинг ягона ҳокими бўласан, лекин ватанингга тирик қайтмайсан, тақдиринг шу", дейди. Ой дарахти: "Александр, сенинг яшаш муҳлатинг тугади, янаги йилнинг тўққизинчи ойида Бобилда ўласан. Бутунлай кутмаган одам томонидан алданасан", дейди. Александр ва унинг яқинлари бу гапни эшитиб фарёд қиладилар. Қуёш дарахти унинг онаси ва опа-сингилларининг тақдирини ҳам айтади. Аристотелга ёзган ушбу хат Александрнинг Эрон ва Ҳиндистонда ўз шарафига олтин устунлар ўрнатишни буюргани билан тугалланади.

"Александр фаолияти" асарида қаҳрамон Нектанебнинг ўғли, бундан хабар топган Александр ҳақоратланганидан фараонни қоядан улоқтириб ҳалок қилади. Асарнинг яширин сиёсий мақсади Александрни фараонлар, улар орқали илоҳият билан боғлаш ва, ниҳоят, Птолемейларнинг Мисрдаги ҳокимлигини оқлаш эди.

Асарда Александр тимсоли адолатли, виждонли, озодлик учун курашувчи сифатида идеаллаштириб тасвирланган, у маърифатпарвар, билимга чанқоқ шахс, файласуф, жасур лашкарбоши, донишманд шоҳ, ўткир ақл эгаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳатто юзаки қиёфаси билан ҳам бошқалардан ажралиб туради.

"Александр фаолияти" асарини кўпинча тарихий роман дейдилар. Аммо антик даврнинг бирор бир жанрида унинг ўхшашини топиб бўлмади. Бу асарда тарихий материал замонавий муаммоларни ҳал этиш учун хизмат қилдирилган. Шунчалик фаол, ҳаракатчан шахснинг қилмишлари бахт келтирдими, Александр тўғри иш қилдими? Асарда бу саволга жавоб йўқ, Рим ҳукмронлигининг афгорлик даврида одам ўз кучига ишонишдан бошқа чора йўқ, ҳар бир инсон ўз имконидан келиб чиқиб бахтини топади, деган хулоса чиқариш мумкин.

Юнон ва Рим тарихчилиги ва адабиётида Александр шахси ва юришларига қизиқиш бутун антик даврда давом этади, аммо булардан Александр тарихи ва тимсоли ҳақида анъанага айланиб қолган маълум бир концепция яратилмади, муаллифларнинг сиёсий, фалсафий, ахлоқий қарашларидан келиб чиққан ҳолда шоҳ тимсоли турли талқинда берилади. Бу ўринда V аср Рим муаллифи Орозийнинг "Маъжусийларга қарши етти тарих китоби" характерлидир. Адиб Александр фаолиятига юқори баҳо бериш билан "Александрни одам қони билан тўйдириб бўлмас эди, у ҳаммавақт одамнинг янги қонига ташна эди, хоҳ у душманлариники, хоҳ у дўстлариники бўлсин", дейди. Орозий хулоса қилиб, "бутун дунёни забт этган қаҳрамонлик даври, Александр даврини мақташ керакми ёки у келтирган вайронагарчилик, дунёни ларзага солган қилмишларини мақташ керакми? Ўз бахтини бошқалар бахтсизлигидан топишни мақтовга сазовор қаҳрамонлик деб ҳисобловчилар ҳали ҳам оз эмас", дейди. Александрга бўлган ана шундай қарама-қарши муносабат Европада бутун Ўрта аср даврида ҳам давом этди.

Александр Македонский Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатлари — Миср, ҳозирги Сурия, Ироқ, Синай ярим ороли, Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Шимолий Ҳиндистонларни баъзида осонлик, баъзида катта талафот ва қон тўкишлар билан босиб олар экан, бу халқлар фольклори, кейинча эса тарихи ва ёзма бадиий адабиётида ўчмас из қолдирди.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби, айни вақтда бадиий асарнинг энг қадимий намунаси бўлмиш "Авесто"нинг тўлиқ нусхаси бизнинг давримизгача етиб келмаган. Бу асарнинг кейинги даврларда яратилган қисмларида хабар берилишича, "Маккор Александр муқаддас китобни куйдирган". Ана шу воқеа ҳақида Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида "Подшоҳ Доро

www.ziyouz.com kutubxonasi

ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди"[4], дейди. Умуман форсигўй ва арабгўй тарихчиларнинг ҳаммаси 12000 терига ёки 12000 тахтачага олтин ҳарфлар билан битилган "Авесто"нинг тўлиқ нусхасини Александр Македонский Эронга юриши вақтида, табиат, география, деҳқончилик, табобатга оид қисмларини юнон тилига таржима қилдириб, оташхоналарни бузгани ҳақида ёзадилар. Зардуштийлик расмий адабиётида Александр қонхўр, золим, вайроналик, ўлим, очлик, яланғочлик келтирувчи босқинчи, жаҳаннам, дўзахдан чиққан тажовузкор сифатида тасвирланади. Немис шарқшунос олими Шпигелнинг маълумотига кўра, қадимий парс (яъни зардушт) қиссаларининг бири "Қиссаи Санжлон"да "Кейинчалик Сикандар Шоҳ пайдо бўлди, у ҳақиқий ваҳйлар (худо сўзи — Ф. С.) китобларини куйдиради, 300 йил давомида дин бисёр маҳфий сақланади, муътақидлар эса таъқиб остига олинди"[5], дейилади. Александр ҳақидаги бундай салбий фикр "Ардавиразнамак", "Бундахишн", "Денкард", "Пандномаки зардушт", "Меноки храд" каби зардуштийлик асарларида ҳам мавжуд.

Эрон расмий доираларида Александрнинг лашкарлари Эрон шоҳникидан бир неча баробар кам бўлгани ҳолда Доронинг мағлубияти, Александр ҳокимиятининг ўрнатилишини қандайдир йўл билан оқлаш заур эди. Натижада Александр ҳақида қуйидагича афсона пайдо бўлди: "Доро III Кодоманнинг отаси Доро I Гуштасп ўғли Дорони Македония шоҳи Филиппнинг қизи Олимпиадага катта тантана билан уйлантиради. Аммо келин куёвга ёқмайди, оғзида ёқимсиз ҳид бор экан, деган баҳона билан Олимпиадани отасининг олдига жўнатади. Вақт ўтиши билан Искандар дунёга келади, ўсиб улғаяди. Филиппнинг ўғли йўқ бўлгани учун унинг ўрнига вафотидан сўнг набираси Искандар ўлтиради. Македония Эронга бож тўлар эди, эндиликда Искандар Дорога уни тўламайди. Натижада низо чиқиб уруш бошланади. Жангда Эрон лашкарларининг кўзларини сирли туман босади ва улар енгиладилар".

Афсонага кўра Искандар ҳам Доро Кодоман каби Доро Гуштаспнинг набираси, Доронинг акаси, демак, у Эрон тахтини эгаллашга тўлиқ ҳақли. Натижада Эрон лашкарларининг енгилиши, Искандар ҳукмронлиги табиий, илоҳий кучлар томонидан муқаррарланган бўлиб чиқади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу афсона Динаварийнинг (IX аср) "Китоб ал ахбор"ида берилиб, Табарий тарихида ҳам келтирилади, лекин олим "кўп билимдонлар шундай дейдилар", деб изоҳлайди. Александр авлодини Табарий Иброҳим пайғамбарга тақайди. Равшанакни эса Доронинг қизи дейди. Александр Эрон, Ҳиндистон, Тибет ва Хитойни забт этади. Шимолий қутб олдида-Абадий зулмат юртида оби ҳаётни ахтаради, тополмайди. Александрияга қайтишда Шаҳразурда вафот этади[6]. Табарийдан кейинги тарихчилар ҳам асосан шу тўқимага амал қиладилар.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган кўпчилик тарихчилар (Табарий, Балъамий, Беруний, Байҳақий ва б.) ҳақиқатга яқин бўлган зардуштийлар концепцияси нуқтаи назаридан туриб, баъзи ўринларда эса тарихий воқеаларни Сохта Каллисфен асари воқеалари билан бойитиб (Табарий, Балъамий ва б.) Александр тарихи ҳақида фикр юритсалар, бадиий адабиётда Псевдо Каллисфен асари расмий Эрон, Македонскийнинг қонуний эрон шоҳи сифатида қараши ҳақидаги афсона билан бойитилган ҳолда талқин этилади ("Шоҳнома").

Ўрта аср тарихчилари орасида Александр фаолиятига энг тўғри тарихий объектив баҳо буюк олим Абу Райҳон Беруний томонидан берилган. "Қонуни Маъсудий" асарида Александр ҳақида ҳамма афсоналарни рад этиб, "Филипп юнонликларнинг йигирма биринчи подшоҳи бўлмиш Пердикка вафотидан кейин йигирма етти йил Македонияда подшоҳлик қилган...ўғли Искандар Олимпиададан туғилган"[7]. Ушбу парча олим тарихни қанчалик яхши билганининг яна бир исботи. Аммо "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"да Филиппнинг Шарқда тарқалган афсонавий насаби ҳам келтирилади: "Филифнинг келиб чиқиши эса, насаб билимдонларининг айтишларича, мана бундай: Филиф ибн Мазрабу ибн Ҳирмис ибн Майтун ибн Румий ибн Лайтий ибн Юнон ибн Ёфис ибн Сухун ибн Румия ибн Бизант ибн Туфил ибн Румий ибн-ал Асфар ибн Алифаз ибн ал Ийс ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир". Бу парча Берунийнинг фикри бошқалардан қанчалик фарқли эканини кўрсатади. Юқорида Македония шоҳлари Грециядан чиққанини олим таъкидлаганини айтган эдик. Ёки: "Филиф подшоҳлигининг саккизинчи йилида Искандар Олимпиададан туғилди. Искандар ўз отасидан кейин ўн икки йил ва олти ой подшоҳлик қилди....Искандар (Шарқ юришидан) қайта ётиб Бобилда вафот этгач, мамлакат уч бўлакка бўлинди. Македония

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва унга туташ ерлар ўз биродари Филипп Арридейга тегди.... Миср Искандарияси ва Ғарб ерлари Птоломейга тегди. Буларнинг биринчиси Птолоймей Лаг ўғли эди. Сурия ва Осиё, яъни Шом ва Ироқ, Антакия (Антиохия — Ф. С.) шаҳрини бино қилган Антиохга тегди. Селевк Никатор, Антиохга ҳамкорлик қилди"[8]. Ҳақиқатан, қисқа қилиб айтганда, Александр тарихи Беруний келтирган ана шу парчадан иборатдир. Абу Райҳон Беруний ҳақиқий олим сифатида ҳеч қандай ғайритабиий кучлар, ҳодисаларга ишонмайди. "Минералогия" асарида "Зу-л-қарнайн македониялик Александрнинг араб-форс лақабидир, икки шоҳ эгаси демакдир", дейди[9].

Беруний асарларида Александр Македонский тарихи, фаолияти ва шахси фантастика ва лофлардан мутлақ узоқ объектив тарзда тасвирланган, тарихийлик тўлиқ сақланган. Беруний юнон тилини билганлигининг яна бир исботи шуки, у "Минералогия" китобида "Биллур" ҳақида фикр юритар экан, Плутархнинг "Ҳаёт тасвири" ва "Ахлоқ ҳақида" асарларидан Нерон ва Сенека, Архимед, Александр ҳақида, улар учун ишланган биллур идишлар ҳақидаги ҳикоялардан маълумотлар келтиради[10].

Демак, Беруний фақат Шарқ манбаларидан эмас, Искандар ҳақидаги юнон тилидаги тарихий асарлардан ҳам истеъфода этган. Шунинг учун ҳам олим афсоналарга суянган ҳолда эмас, балки масалага тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашган. Аксинча, илмий ёндошиш натижасида Псевдо Каллисфен китоби орқали тарқалган баъзи ғайритабиий, фантастик воқеаларни рад этади: "Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган олмос тошларининг ҳаммаси олмослар водийсидан Зулқарнайн томонидан олинган деб таъкидланиши беҳуда гап. У ерда бир боқишда одамларни ўлдирувчи илонлар ҳам бор экан. У олдинда катта ойналарни кўтариб, ўзларинг ойналар ортига яшириниб боринглар деб, буйруқ берибти. Илонлар ўзларини ойнада кўриб қирилиб кетиптилар. Ахир аввал ҳам бир илон иккинчисини кўрган ва ўлмаган-ку, ахир ойнадаги тасвиридан кўра тирик тананинг ўлдирув кучи ортиқ-ку. Агар улар айтган гаплар фақат одамларга алоқадор бўлса, нега илонлар ўз тасвирларини ойнада кўриш билан ўладилар? Ва, ниҳоят, одамлар Зулқарнайн ўйлаб топган йўсинни энди билиб олгандан кейин унинг ишини яна такрорлашларига нима ҳалақит беради?"[11] Ёки Искандарнинг зулматлик элига қилган саёҳати ҳақиқатдан қанчалик узоқ эканини қуйидагича исботлайди: "Зулқарнайн зулмат элига кирга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нида (лашкарлари) отлари тошда юрганларидан тарак-тарак овоз чиқади, шунда у ҳамроҳларига "бу тошлар ҳам уларни олган, ҳам олмаган одамларда ачиниш уйғотади", дебди. Баъзи жангчилар тошдан олиптилар, баъзилари олмаптилар. Улар ёруғликка чиққанларида бу тошлар забаржад эканини кўриптилар, олган одамлар кам олдим деб, олмаганлар ололмагани учун ачиниптилар. Ана шу (ривоят) асосида энг яхши зумрад тош Зулматлик элидан чиқади деб ҳисобланади...Аммо бутун ер куррасида, агар уни ҳар тарафлама ва устини беркитилмаса мутлақ қоронғу бўлган жой йўқ. Фақат қутб юлдузлари остидаги жойларда олти ой қоронғулик бўлиб, ундан кейин олти ой узлуксиз ёруғлик бўлади[12].

Беруний Псевдо Каллисфен асаридан фойдаланиш ўрнига олди-қочди, фантастик жойларни ўша давр фани ютуқлари асосида инкор этади.

Беруний Искандарнинг босқинчилик юришлари, ерли халқлар маданий мероси, бойликларини талон-тарож этишини ҳам қоралаб: "Искандар ва унинг ворислари румликлар томонидан (эронликлар) рағбат қилган барча илмий китоблари куйдирилиб, ҳаёт воситаси бўлган ва фахр қилинадиган гўзал санъатлари барбод қилинган эди. Ҳатто Искандар кўплаб диний китобларни куйдирган, ажойиб биноларни вайрон қилган", ёки: "Искандар...уларнинг (забт этилган халқларнинг Ф. С.) илму фан хазиналарини ўз мамлакатига олиб кетган", дейди[13]. Буюк олим "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарининг тўртинчи бобини "Зулқарнайн лақабини олган подшоҳнинг (кимлигини) аниқлашда турли миллатларнинг ихтилофлари устида сўз" деб атаб, бутун бобни Александр Македонскийга бағишлайди. Унда Зулқарнайн ҳақида гапириб, Александрнинг ҳақиқий тарихини баён қилишга ўтади. Искандар шохларининг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар уйдирма гап эканини мисоллар билан кўрсатади: "Баъзилар Искандар қуёшнинг икки "шохига", яъни кун чиқиш ва кун ботиш томонларига боргани сабабли шу лақабни олди, деб изоҳлаган... Бошқалар Искандар икки наслдан, (яъни) Рум ва эронликлардан туғилгани учун бу лақабни олди, деб тасниф этиб...бу ҳақда эронликларнинг уйдирма ҳикояларига асосланадилар" деб, Олимпиада Дородан фарзанд кўргани ва бобоси Филипп уни ўз ўғли сифатида ворис қилгани ҳақидаги афсонани келтиради. Беруний Зулқарнайн лақабли бошқа шахслар ҳақидаги афсоналарни ҳам келтириб, "Искандар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг Филипп ўғли эканлиги яширин эмас, жуда равшандир"[14], деб тарихийликни таъкидлайди.

Абул Фазл Байҳақий Искандар ўз мақсадига эришиш учун ҳеч қандай маккорликдан қайтмагани, Доро ва Фор (Пор) устидан ғалаба қозониш учун турли қабиҳликлар қилганини ёзади. Олим Искандар обод мамлакатларни забт этди, лекин бирортасини идора этмади, шоҳнинг вазифаси обод этиш ва идора этиш, у эса дунёдан шамолдек ўтиб кетди, "ёзги булутдек тезликда тарқалиб кетди"[15], дейди. Тарихчи Искандар тарихини ўзи хизмат қилган ғазнавийларга ибрат бўлсин учун келтиради.

Салжуқийлар сулоласидан бўлган Малик шоҳ ибн Муҳаммаднинг (1072—1092) вазири Низомулмулк томонидан яратилган машҳур "Сиёсатнома"да ҳам Александр ҳақида фикр юритилиб, Доронинг мағлубияти, унинг ўлими ҳақида тўғри маълумотлар берилади. Асарда агар маликалар давлат ишига аралашсалар, эрлари уларнинг сўзлари билан иш кўрсалар яхшилик келиб чиқмаслиги ҳақида ҳам ёзилиб, Александрни мисол қилиб келтиради. Унга Доронинг асир бўлган оила аъзолари орасида катта қизи бениҳоят гўзаллигини таърифлаганларида Александр "Мен уларнинг эрлари устидан ғалаба қозондим, уларнинг аёллари бизнинг устимиздан ғалаба қозониши тўғри бўлмайди"[16], дейди. Бу ўринда ҳам Александр қилмишларидан ҳокимларга ибрат, ўгит сифатида фойдаланилган. Худди ана шу йўналиш кейинчалик Шарқда яратилган "Искандарнома"лар йўналишини аниқлаб берди.

Александр Македонский Шарқ халқлари адабиёти ва оғзаки ижодининг энг севимли қаҳрамони. Лашкарбошининг туғилишидан то ўлимигача бўлган ҳаёт йўли турли афсоналар билан бойитилган. Шарқ халқларининг севимли қаҳрамонига хос хусусиятларнинг ҳаммаси-олижаноблик, одоб, билимга ташналик, енгилганларга, умуман мазлумларга нисбатан раҳмдил бўлиш, ажойиб жасорат, қаҳрамонлик, тадбиркорлик, кўп жойларни билиш, кўриш, забт этишга интилиш кабилар унинг шахсида мужассамлашган эди. Тарих осмонида у метеордек ўтиб кетишига қарамай, ҳалигача унинг номи катта қизиқиш уйғотади. Шунинг учун Александр ҳақида фақат тарихий, бадиий асарлардагина эмас, балки диний асарларда (Библия, Талмуд, Қуръон) ҳам маълумотлар берилган.

"Библия"да Александр ўн икки йил ҳукмронлик қилгани, дунёни забт этиш орзусида кўп қон тўккани, мамлакатларни талон-торож этгани ҳақида ёзилади. "Хеттиим

www.ziyouz.com kutubxonasi

юртидан чиққан македониялик Филиппнинг ўғли Александр форслар ва мидияликлар подшоси Дорони енгиб, ҳалок этиб унинг ўрнига ўлтирди, биринчи бўлиб Элладага ҳукмрон бўлди; ва кўп жанглар қилди, ва кўп қалъаларни ишғол қилди, ва дунё шоҳларини енгди;

ва у ернинг чегарасига етди, ва кўп халқлардан кўп ўлжалар олди, ва унинг юзи олдида ер маъюсланиб жим бўлиб қолди, ва мағрурланиб кетди, қалби фахрланди;

ва у катта куч, лашкарлар жамғарди, ва юртлар, халқлар, подшоҳлар устидан ҳукмронлик қила бошлади, улар унга бож тўладилар;

ва шундан сўнг у ерга юзи билан йиқилди, ва ўлаётганини англади;

ва ёшлигида бирга тарбия топган содиқ дўстларини чақирди, ва ҳали тириклигида салтанатни уларга тақсимлаб берди;

ва Александр ўн икки йил ҳукмронлик қилди, ва ўлди"[17].

Бу асарда Александр Филиппнинг ўғли эканлигига ҳеч қандай шубҳа қилинмайди, аммо у эронийларга нисбатан худонинг қаҳр-ғазабининг қуроли сифатида талқин этилади. Лекин IV—VI асрлар ўртасида яратилган яҳудийларнинг догматик, диний-ахлоқий ҳикоялар тўплами бўлмиш "Талмуд"да Александр ҳақида тарихий воқеалар, Псевдо Каллисфендан олинган ва қўшимча қилинган афсонавий ҳикоятлар кўп берилади.

Ҳамма диний китоблардаги каби "Талмуд"даги ҳикоятлар ҳам бу дунё ўткинчи, астойдил меҳр қўйишга арзимайди, деган ғоя билан суғорилган. Александр масаласига ҳам бу асарда ана шу ғоя нуқтаи назаридан ёндошадилар: ер куррасининг поёнини топган лашкарбоши ҳам ўлимга маҳкум этилган.

"Талмуд"да обиҳаёт, зулматликка Александрнинг бориши, амазонкалар билан учрашув, Аристотел Олимпиадага хат каби ҳикоятлар келтирилади: Африкага бориш учун зулмат тоғидан ўтиш шарт, донишмандларнинг маслаҳатига кўра Александр эшакка миниб, бир тўп ипни чуваб йўлга тушади. Оқиб турган ариққа йўлиқади, бу обиҳаёт ариғи эди. Лекин Александр ундан ичмайди. Йўлида давом этган қаҳрамон амазонкаларга йўлиқади, улар Александрни ҳурмат билан қарши оладилар. Қаҳрамон улардан нон сўраса, улар олтин нон олиб чиқадилар. Ҳайратда қолган Александрга "агар сен оддий нон билан қаноатлансанг, наҳотки юртингда оддий нон бўлмаса-ю, сен бизникига келдинг", дейдилар. Босқинчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик юришлари, умуман забт этиш сиёсатини қораловчи бу эпизод Псевдо Каллисфенда йўқ. Обиҳаёт ариғини учратган Александр ариқ бўйлаб юқорига бориб жаннат дарвозасига йўлиқади. Лекин уни бу ерга киритмайдилар. Бу жой ҳаётда адолатли, ҳаққоний бўлганларнинг жойи, сен ҳали тириксан, сенинг бу ерга киришга ҳаққинг йўқ, дейдилар. Қаҳрамон эсдалик сўраганида унга одам кўзини берадилар. Александрнинг саволига жавоб бериб, донишмандлар кўз "манфаатпарастлик ва шуҳратпарастлик тимсоли", дейдилар. Тарозининг бир палласига кўзни, иккинчисига бутун шох хазинасини қўйсалар ҳам кўз оғирлик қилади. Бу инсон очкўзлигининг ифодаси, кўзнинг устига бир сиқим тупроқ ташласалар енгиллашиб кетади. Ҳикоят "ўлим бутун очкўзлик, хасислик, ҳирсга чек қўяди", деган ўгит билан якунланади. "Талмуд"даги ҳамма ҳикоятлар ҳам ўгитли хулоса билан якунланган. Мозорга Александрни олиб кетаётганда қўлини тобутдан чиқариб қўйиш (бу эпизод кейинча "Искандарнома"ларнинг ҳаммасига киритилади), онаси зиёфат бериб фақат ҳеч кими ўлмаганларгина овқатдан тамадди қилиши мумкинлиги каби ахлоқий парчалар "Талмуд"да келтирилган ҳикоятлар учун характерлидир. Яҳудийларнинг афсоналарида Александр ҳақиқий динни ҳурматловчи Йахве ҳимояси остида яҳудийлар иззатига сазовор авлиё сифатида гавдаланади.

"Талмуд"даги Александр ҳақидаги ҳикоятларнинг ҳаммаси ахлоқий-тарбиявий мазмунга эга. Александр мисолида босқинчилик урушлари, қон тўкиш, молу дунёга ҳирс қўйиш, очкўзлик қораланади. Ҳаёт ва ўлим, хурсандчилик ва қайғу ҳамиша бир-бирига ҳамроҳ, бу ҳаёт қонунияти, деган хулоса чиқарилади.

Александр тарихи ва тимсолининг Шарқ адабиётидаги ривожига Қуръоннинг 18-сурасидаги Зулқарнайн ҳақидаги маълумотлар катта таъсир этади. Қуръон ривоятларининг манбаи Сурия афсонаси бўлиб, унда Искандар бошида шохга ўхшаш икки нарса ўсиб турган дейилади[18]. Бу ҳақда Е. Э. Бертельс "Афсонада Александр худо билан суҳбатида "Мен биламан, жаҳон подшоҳликларини тормор этсин деб менинг бошимда икки шох ўстирдинг[19]", дейди.

Яқин Шарқ халқлари тушунчасида шохдорлик илоҳиятга алоқадор эканлигининг белгиси сифатида талқин этилган. Шунинг учун тафсир тузувчилар 18-сура ҳақида аниқ бир фикрга келолмагандилар. Улар Александрни

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисрда Амон ўғли сифатида икки шохлик тарзида қабул қилганлар ва бу тушунча араб халқларига ҳам ўтган, иккинчидан, уни зардуштийликка қарши кураши туфайли набийлар тўдасига қўшиб Муҳаммад Пайғамбарнинг илкдошларидан деб ҳисоблаганлар. Лекин Александрнинг қандай дин вакили экани ҳақида исломнинг илк вакилларида ҳеч қандай тушунча йўқ, шунинг учун уни Каъбани қурган Иброҳимга яқин, ханафийлар маслаги вакили деб тушунадилар. Александрга бундай муносабатда бўлишга яҳудийларнинг Александр фаолияти талқини ҳам сабаб бўлган бўлса керак. Сохта Каллисфен асари IV асрда суръёний тилига ағдарилган бўлиб, Александрнинг Қуръонда берилишига ана шу суръёний таржима таъсир этган бўлса керак[20].

"Қуръон"да худо тилидан "Биз айтдик; 0 Зу-л-Қарнайн" деган жой бор, кейинчалик шу ўрин, худонинг Александрга мурожаатига (чунки худо пайғамбаргагина мурожаат қилади, ваҳий фақат пайғамбарга тушади) асосланган ҳолда Искандарни пайғамбарлар қаторига қўшадилар (Низомий, Навоий). Худо Зу-л-Қарнайнга Яъжуж-Маъжужларга қарши тўсиқ қуришни буюради. У темир ва мисдан икки тоғ ўртасига тўсиқ (садд) қуради, улар энди ўтолмайдилар, лекин худонинг буйруғи билан бир кун келадики, тўсиқ кукунга айланади. Яъжуж-Маъжужлар илк бор "Библия"да учрайди. Е. Э. Бертельс улар тафсилотига тўхталиб, улар Иёфат авлодидан, тўсиқ мусулмон оламини Яъжуж-Маъжужлардан сақлайди, дейди[22]. 1864 йили Қуръоннинг французчадан русчага таржимаси чоп этилган эди. К. Николаев томонидан унга ёзилган иловада "Библия"даги Гог-Магог, Шарқдаги Яъжуж-Маъжуж Шарқий Осиёда узоқ асрлардан буён давом этиб келаётган кўчманчи халқларининг Марказий Осиёга ҳужумининг акс садоси бўлса керак. Александр Македонский икки тоғ ўртасида тўсиқ қуриб, улар ҳужумини тўхтатиши керак"[23], дейилади. Яъжуж-Маъжужлар "Библия" афсонаси бўлса-да, унда реал ҳаётнинг узоқ акс-садоси бўлиши мумкин. Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга биноан "Библия" афсоналари тарихий воқеаларнинг мифологик талқини, деган фикрга келинди. Юқорида, биринчи бобда Аристей тасвирлаган аримасплар ҳақида фикр юритар эканмиз, Яъжуж ва Маъжужлар масаласига ўз фикримизни билдирган эдик. Низомийнинг "Искандарнома"сидаги Яъжуж-Маъжужлар ҳам афсонавий жониворлар эмас, балки реал ҳаётга яқин қолоқ кўчманчи халқларга ўхшайди. Навоий, Жомийда ҳам шундай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ ТИМСОЛИНИНГ ШАРҚ АДАБИЁТИДАГИ ТАЛҚИНИ

Александр Македонский тарихи ва шахси Шарқ бадиий адабиётига тўлақонли сюжет ва тимсол сифатида X — XI асрларда кириб келди. Бу даврга келиб Марказий Осиё, Хуросон ва Эрон араблар босқинчилиги натижасида юз берган инқироздан анчагина ўзига келган, қисман бўлсада, миллий мустақилликка эришган, эндиликда умуман мустақиллик учун кураш муаммоси турар эди. Ана шу тарихий шароитда миллий онг ўсди, натижада қаҳрамонона ўтмишга қизиқиш ортди. Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур "Шоҳнома"си худди ана шу даврда вужудга келди.

Фирдавсий ўз асарида Александр воқеасини тасвирлашда тарихий асарлардан кўра Сохта Каллисфен асарига суянади. Искандар Филипп ва Олимпиаданинг ўғли эмас, Филиппнинг набираси, Доронинг ўғли, Доронинг акаси, демак, Эроннинг қонуний шаҳаншоҳи. Воқеа Доро Баҳман билан Филипп ўртасидаги жанг, Македония шоҳининг енгилиши, олтин тухумдан бож тўлашни бўйнига олишдан бошланади. Александрнинг бож тўлашдан бош тортиши, натижада низо ва урушлар келиб чиқиши, ундан кейинги воқеалар ҳам "Александр фаолияти" мазмуни тарзида боради. Фарқи шундаки, Доро ва Искандар тимсоллари асарда бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Доро ҳеч кимнинг маслаҳатига қулоқ солмовчи, манманликка берилган шахс. Искандар эса Аристотелнинг шогирди, файласуф. Доро — зардушт, Искандар эса христиан (шоир Александрни Византия қайсари, императори деб ҳисоблайди). Олимпиаданинг номини "Ниҳид"га айлантиради. Фирдавсийда ҳам Табарийдаги каби Равшанак Доронинг қизи. "Шоҳнома"да Доро ва Александр лашкарлари ўртасида даҳшатли жанг етти кун давом этади, лекин ҳар иккала томон ҳам бир-биридан устун чиқолмайди ва охири саккизинчи кунда эрон лашкарлари бамисоли зулматда қоладилар, уларни туман босади. лашкарлар жангни давом эттиролмай қочадилар. Искандар ғалаба қозонади, лекин жангда эмас, балки ғайритабиий кучларнинг аралашуви натижасида. Яна икки маротаба тўқнашув бўлиб, ҳар иккаласида ҳам Доро лашкарлари енгилади. Натижада Доро қочади ва ҳинд шоҳи Фурдан (аслида Пор) Искандарга қарши кураш учун ёрдам сўрайди. Хабар топган Искандар Доронинг кетидан боради. Лекин шоҳ яқинла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридан икки киши унга хиёнаткорона ханжар уриб, Македония шоҳига хабар қиладилар. Жон талвасасида ётган Дорони кўрган Искандар уни қутқаришга ҳаракат қилади, аммо кеч бўлади. Искандар қотилларни жазолаб, шоҳнинг уч илтимосини бажаради, қизи Равшанакка уйланади, ўзини Эрон шоҳи деб эълон қилади ва унинг учун ўч олади.

Доро ҳаёти охирида салбий хусусиятларидан халос бўлади, ҳар иккала шоҳ ҳам анча-мунча илоҳийлаштирилиб, Искандар эса христианларга хос хусусиятлар билан бойитилиб тасвирланади. Подшоҳ Қайдга хат ёзиб, жангсиз забт этади. Кейин ҳинд подшоҳи Фур билан яккама-якка жангда уни ҳалок қилади, кейин ғарбга қайтиб, Маккани зиёрат қилади. Бир қанча жанглар натижасида қанчадан-қанча шаҳарларни забт этади, саргузаштларни бошидан кечиради, Яъжуж ва Маъжужларга қарши тўсиқ қуради, Хитой, Синд, Йаман мамлакатларидан ўтиб Бобилга қайтади ва у ерда касал бўлиб вафот этади, жасади Искандарияга дафн этилади. Фирдавсий Искандар ҳаётига якун ясаб, "у ўттиз олти шоҳни ўлдирди, ўн шаҳар қурди, аммо ундан фақат номи қолди, холос", дейди.

Фирдавсий "Шоҳнома"да Эрон йилномалари ва "Александр фаолияти" элементларини контаминациялаштириш натижасида мустақил мазмун яратди. Фирдавсий нусхасида тарихий Македония шоҳи Александр исмидан бошқа ҳеч нима қолмайди. Доронинг эса Табарийда кўрсатилган салбий хусусиятларини Фирдавсий камайтиради. Фирдавсий яратган Искандар идеал шоҳ ҳам, босқинчи ҳам эмас, Эрон тахтининг қонуний меросхўри, нимаки қилмасин, Эрон манфаатини кўзлайди, Доро билан ҳам бирдардек видолашади. Фирдавсий асаридаги Искандар Эрон шаҳаншоҳларининг бири.

Яқин ва Ўрта Шарқни яшин тезлигида ишғол қилган, ярим жаҳонни забт этган, йирик давлат тузиб, 33 ёшга етмай вафот этган жаҳонгир шоҳ ҳақида Шарқда кўпдан-кўп афсоналар яратилган. Буларнинг кўпчилиги Александрнинг ҳақиқий тарихидан узоқ. Фирдавсий Александр тарихини баён қилар экан, фақат "Александр фаолияти" изидан борибгина қолмай, уни янги афсона ва ажойиботлар билан ҳам бойитди: юмшоқ оёқли одамлар, қизил юзли, қизғиш сочли одамлар, олтин тахтдаги ўлик шох, ваҳийлик қилувчи яшил қушлар, зумраддан қурилган сарой, ундаги ажойиб жониворлар Фирдавсий томонидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

киритилди. Буларнинг кўпчилиги Фирдавсий хаёлотининг маҳсули, лекин Шарқ эртакчилигига хос элементлар ҳам бор. Масалан, рамзий мазмунга эга бўлган туҳфалар, Қайднинг тушлари ва ҳоказо. Айниқса, Фирдавсийда "Александр фаолияти"нинг композицияси эркин ҳолда ўзгартирилган. Фирдавсий талқини Табарий тарихига яқин. Фирдавсий асарида Эроннинг ўз тарихи афсоналаштирилгандек Искандар тарихи ҳам ҳақиқий Александр тарихидан йироқ тасвирланган. Искандарга бағишланган боблар тарихийлик энг кам ёритилган боблардир. Бу ерда эрон-зардуштийлик билан ислом таълимотлари ўртасидаги кескин қарама-қаршилик жаҳонгир тимсолининг талқинида ифодасини топган[1]. Александр ҳақидаги қисмда тарихнинг асосий умумий қисми ва тарихий номлар Доро, Файлакус (Филипп), Русталис (Аристотел), Фур (Пор), Равшанак кабилар сақланиб қолган, холос. Албатта, Александр шахси ва тарихига бундай муносабатда бўлишнинг ўзига хос сабаблари бор эди. Шоирнинг мақсади Эрон тарихини эмас, балки эроншоҳлар тарихини ёзиш бўлган. Шундай экан, Искандар образини бошқача талқин қилиш мумкин эмас эди. Фирдавсий Искандар воқеасини тасвирлашда қаҳрамонлик эпоси анъаналарига суянган. Шунинг учун ҳам достонларда бўлганидек, қаҳрамон психологияси очиб берилмаган, қотиб қолган ҳолатда, ички кечинмаларнинг фақат юзаки белгиларигина тасвирланган. Воқеа бошида ҳам, охирида ҳам у олижаноб жангчи, фотиҳ, файласуф-донишманд, саргузаштларга интилувчи, ҳам бераҳм босқинчи, айни вақтда кўнгли бўш инсон[2].

Александр тимсолининг аввалги талқинидан фарқли ўлароқ, Фирдавсий Искандари зиддиятли шахс. Унинг интилишлари, осмон, сув ости, абадий зулмат юрти сирларини англаб етишга ҳаракат қилиши билан имконияти ўртасида катта масофа бор. Ҳинд брахманлари, гапирувчи дарахтлар, қушлар, олтин тахтдаги мурдаларнинг ҳаммаси Искандарга бу дунёнинг бевафолиги ҳақида гапирадилар, у ёлғиз, уни ҳеч ким тушунмайди, нима мақсадда шунчалик қон тўкишлар, вайронагарчиликлар бўлди — аниқ эмас, Фирдавсий қаҳрамонида икки, қаҳрамонона даврга хос бўлган эпик қаҳрамон идеали билан ислом ўрта асрига хос бўлган таркидунёчилик идеали тўқнашади. Лекин бу тўқнашув фожиали эмас, эпик қаҳрамон ва диний тушунчалар ҳам бир давр маҳсули. Шунинг учун бўлса керак, К. Э. Бертельс "Искандар тимсоли аниқ шаклланмаган"[3], дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фирдавсий асарида, иккинчи томондан, Қуръондаги Зул-Қарнайнга ишора ва лақабнинг ўзи йўқ. Александрни на илоҳият, на набилар ва на авлиёлар қаторидан деб ҳисоблашни ҳам кўрмаймиз. Фирдавсий тасвиридаги Искандар тарихи ғайриоддий, фавқулодда ҳолат ҳам эмас, идеал ҳам эмас, ўта золим қонхўр ҳам эмас, у Эрон шоҳларининг бири. Е. Э. Бертельснинг маълумотига кўра давлатни идора этиш, ҳоким ва жамият муносабати, умуман панд-насиҳат тарзида яратилган. Абу Бакр Муҳаммад Туртуши (XI — XII аср), Абу Ҳамид Муҳаммад Ғаззолий (XI — XII аср) кабилар асарларида ("Сирож ал-мулук", "Ат-Тибр ал-Масбук") Искандар намуна сифатида келтирилиб, жуда кўп насиҳатомуз ҳикоятлар берилади[4].

Яқин ва Ўрта Шарқ классик адабиётининг буюк вакилларидан бири бўлмиш Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг (1184—1292) ахлоққа оид асарларидан "Гулистон"да ҳам Искандар ҳикояти бор. "Гулистон"нинг биринчи боби "Подшоҳлар одати баёни"нинг охирги ҳикоятида Искандар воқеасидан панд-насиҳат учун "фуқароларга озор бермовчи шоҳ" сифатида фойдаланади. Адаб ҳақидаги адабиётлардаги Александр талқини ҳам кейинги давр адабиётидаги Искандар — файласуф, Искандар — адолатли шоҳ тимсолининг яратилишига асос бўлган бўлса керак.

Шарқда Александр ҳақида даставвал махсус йирик достон яратган шоир озар халқининг буюк адиби Илёс ибн Юсуф Низомий Ганжавий эди. Низомий достони "Искандарнома" икки қисм: "Шарафнома" ва "Иқболнома" (ёки "Ҳираднома")дан иборат бўлиб, бу асар шоир ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган. Асар катта билим ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган адибнинг авлодларига қаратилган васияти эди.

Низомийнинг ўзи айтишига кўра, "бу подшоҳ ҳақида яхлит бир асар кўрмаган, янги яҳудий, христиан ва паҳлавий тарихи" билан таниш бўлган холос, демак, Низомий "Александр фаолияти" билан таниш эмас.

Низомийда Александр Нектанебнинг ўғли ҳам эмас, онаси ўлган етим ҳам эмас (достон бошида шоир Искандар ҳақидаги афсоналарни келтирар экан, византиялик бир аёл вайрона ичида ўғил туғиб, ўзи ўлгани, овда юрган Филипп уни топиб олиб ўз ўғлидек тарбия қилгани ҳақидаги афсонани ҳам келтиради), Эрон шаҳаншоҳлари авлоди ҳам эмас, у Рум (Византия) ҳокими. Низомийни Александр тарихи қизиқтирмайди, адибнинг диққат марказида уму-

www.ziyouz.com kutubxonasi

минсоний тушунчалар қадр-қиммати, инсонпарварлик туради.

Низомий асарида Искандар Файлакус (Филипп)нинг ўғли, уни Аристотел эмас, балки отаси Никумахус тарбиялайди. Аристотел эса шаҳзода билан бирга ўқийди, у билан умрбод бирга бўлади. Искандар босқинчилик урушлари олиб борувчи ҳам эмас, мисрликлар илтимосига кўра Занзибарга қарши жанг қилиб, мисрликлар мустақиллигини таъминлайди. Искандар тимсоли асар бошиданоқ мазлумларнинг ҳимоячиси сифатида талқин қилинади. Эронга қарши уруш ҳам фақат Македония мустақиллиги учун, Доро олтин тухумларни талаб қилиб юриш бошлаганидан кейингина Искандар жангга отланади. Қўпол, қизиққон Доро Искандарга хат ёзади, Искандарнинг жавоби эса донишмандниng хати. Шу эпизоднинг ўзидаёқ икки шоҳ, икки характер, идора этишнинг икки усули намоён бўлади. Доро жангда енгилмайди, икки хоин Искандарнинг розилиги билан шаҳаншоҳни оғир ярадор этадилар. Доро ҳузурига етиб келган Искандар у билан суҳбатлашади, шоҳ Фирдавсийда айтилган уч шартни қўяди — қотилларни жазолаш, Эрон арбобларига хайрихоҳ муносабатда бўлиш ва маликаларни хотинликка олмай, қизи Равшанакка уйланиш. Искандар ҳамма шартни бажаради.

Искандар Эронда зардуштийлик ибодатхоналарини бузиб, ҳақиқий дин тан олинишига замин ҳозирлайди. Мамлакатда осойишта, адолатли тартиб ўрнатади, чунки Доронинг золимлиги натижасида халқ жабрланган эди.

Низомий бу достонда Александр тарихда умуман бўлмаган, лекин Низомий ватанига алоқаси бор эпизодларни ҳам киритади: Искандар Бардага бориб, Нўшоба билан учрашади. Каллисфендаги амазонкалар берган олтин нон ғояси шоирда бошқача ҳал этилади. Зиёфатда Искандар олдига бир коса лаъли жавоҳир қўядилар, ҳайратда қолган шоҳга Нўшоба босқинчилик урушларини тарк этиш ҳақида насиҳат қилади. Иккинчи эпизод — Искандар Дарбендга бориб, аҳолини қароқчилардан қутқаради. Низомий яратган Александр тарихининг асосий чизиғи — Миср, Эрон, Хуросон, Марказий Осиё, Шимолий Ҳиндистонни забт этиш бўлиб, воқеалар изчил тасвирланади. Искандар Низомийда Чин мамлакатига ҳам боради, лекин Низомий Искандари мамлакатларни босиб олиш учун эмас, балки босқинчилардан озод қилиш, мазлумларни ҳимоя қилиб, эркинликка чиқариш учун юришларни амалга оширади. Низомийнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу асарни ёзишдан мақсади жаҳонгирни куйлаш эмас, балки ахлоқий камолотга эришган, соф виждонли, пок қаҳрамон мисолини яратиш эди. Ҳақиқий гуманист шоир фикрича, ҳар бир инсон фақат ўзини, нариги дунёдаги тақдиринигина ўйламай, оламдан ўтиб кетганлар, келажакда яшовчилар ва ўз замондошлари олдида ҳам жавобгардир. Келажакда нариги дунёни ўйлаган одам бу дунёда бошқаларга хизмат қилмоғи шарт. Ўлим олдида барча баробар, ҳамма одам ўлади, демак, ер юзида зўравонлик бўлмаслиги керак. Чин ҳоқони Искандарга "Мен ҳам, Сен ҳам туфроқданмиз, туфроқ эса ердан, бутун ҳукмронлик ергача, холос, туфроқда ҳеч ким бир-биридан ортуқ эмас", дейди. Лекин бу умидсизлик эмас, балки адолатли бўлиш, халққа хизмат қилишга ундашдир.

Низомий Александрнинг Шарқда тарқалган лақаби "Зу-л-Қарнайн" ҳақида ҳам фикр юритади, бир қанча вариантлар келтириб, "Абу-л-Маъшар талқини тўғри", дейди. Искандар вафот этгач, Румда унинг ҳайкалини ишлайдилар, ҳайкал калласининг икки ёғида икки фариштa тасвирланган, фаришталарда олтин ва мовий бўёқда ишланган иккитадан шох бўлган, Араблар фаришталарни Искандар, деб ўйлаганлар. Шунинг учун унга "Икки шохли" лақабини берганлар дейди. Шоир Грецияда яратилган ва Яқин, Марказий Осиёда кенг тарқалган Крит ороли шоҳи эшак қулоқли Мидас ва бу сирни жаҳонга тарқатган Қамиш най ҳақидаги афсонани ҳам келтиради.

Кексайган Низомийнинг ҳаёт фалсафаси Искандар тимсоли орқали тарғиб қилинади. Асардаги Искандар билан боғлиқ бўлган ҳар бир эпизод маълум ахлоқий нормага иллюстрация. Искандар ҳаёти бу ҳақиқатга эришиш йўли, аммо у ҳам хатоликлардан ҳоли эмас.

"Искандарнома"да қаҳрамон фаолияти уч нуқтаи назарда берилади — жаҳонни забт этувчи, донишманд-файласуф ва пайғамбар. Искандар тимсоли одил шоҳдан олим-файласуф, донишманд даражасига ва ниҳоят набиликка кўтарилди.

"Шарафнома"да Искандар эзилган, жабр-зулм кўрганларга ёрдам қўлини чўзувчи адолатпарвар. Шу мақсадда Мисрга, Македония мустақиллиги ва халқни золим, жоҳил Дородан қутқариш учун Эронга, Бардани вайрон қилгани учун русларга қарши, ҳиндларга енгиллик туғдириш учун Шимолий Ҳиндистонга, бутун жаҳонда бир турдаги адолатли тузум ўрнатиш учун Чинга юриш қила-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Искандарни оби ҳаёт энди қизиқтирмайди (Кимки инсон бўлиб туғилдими, ажал чангалидан қутула олмайди), чунки абадий барҳаётлик бефойда, мақсад тирик юришда эмас, балки инсониятга хизмат қилиб бурчини бажаришда, қилмишлари билан ўзидан яхши ном қолдиришида. Достон биринчи қисмининг ниҳоясида Искандар ёвуз, қора кучларнинг офати, мазлумлар ҳимоячиси сифатида гавдаланади.

"Иқболнома"ни икки асосий бўлимга ажратиш мумкин. Искандар ватани Румга қайтиб, мамлакат идорасини йўлга қўяди, Эрондан келтирилган китобларни таржима қилдиради ва ўз атрофида турли соҳа билимдонларини тўплайди. Низомий дунёқараши асосан шу қисмда тўлиқ ифодасини топган. Қадимги юнон олимлари Аристотел, Валис (Фалес Милетский), Булинас (Апполоний Тианский), Сократ, Фурфуриус (Порфирий Тирский), Хармис (Гермес Трисмегист) ва Платонлар билан Искандар дунё, ер ва осмоннинг келиб чиқиши ҳақида илмий баҳслар уюштиради. Бу масалада қаҳрамон мавжуд илмларни тўлиқ ўзлаштирган донишманд сифатида гавдаланади. Асарга Низомий илмнинг турли соҳаларидан баҳслар киритади, асосий мазмунни қистирма ҳикоялар билан бойитади. Низомий Платон тилидан бронза от, унинг ичида мурда, мурданинг панжасида сирли олтин узук топган ва кейинчалик узук ёрдамида бойиб, катта мансабларга эришган чўпон ҳақида ҳикоя қилади. Худди ана шу ҳикоя Платоннинг "Давлат" рисоласининг иккинчи қисмида ҳам келтирилган. Низомийда узукнинг ажойиб хусусиятини чўпон пода эгаси олдида аниқлайди. Платонда эса чўпонлар йиғинида билиб қолади, Низомийда чўпон набийликни даъво қилади. Платонда маликани йўлдан уриб, шоҳ бўлади. Демак, Низомий қандайдир рисола, балки Платон асарининг арабча таржимаси билан таниш бўлиши ҳам эҳтимол ёки бирор асар орқали файласуф ҳикояси билан таниш бўлган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, "Искандарнома" да Низомий имкони борича антик манбалардан фойдаланишга уринган, бу фикрни Мидас ҳақидаги афсона ҳам қувватлайди.

Эндиликда Искандар камолот босқичининг чўққиси набийлик даражасига кўтарилади. Аллоҳ вакили унга аён бўлиб, буйруқни етказади. Искандар дунёни айланиб, инсониятни тўғри йўлга бошлаши лозим. Искандар учун набийлик бу камолотга эришган донишмандлик. Искандар юз минг лашкар тўплаб йўлга тушади. Низомий шу йўсинда Ғарб, Жануб, Шарқ ва Шимолда турли мамла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

катлар, халқлар, ажойиботларни тасвирлайди. Шимолда ёввойи қабила Яъжуж ва Маъжужлар яшайди, Искандар улар йўлини тўсувчи "Садд" қурдиради. Шимолда саёҳат ниҳоясида Искандар яшнаб гуллаган, бой ва камбағал, золим ва мазлум бўлмаган, ёлғон, адолатсизлик нима эканини ҳеч ким билмаган ҳамма бахтиёр яшовчи мамлакатга келади. Бу ерда касаллик ҳам йўқ, одамлар кексаликдан вафот этадилар. Парадокс шундаки, Низомий ҳар тарафлама камолот босқичига эришган донишманд, наби-ҳокимни жамият тузумининг энг олий шакли бўлмиш синфсиз жамиятга йўлиқтиради. Искандар бахтиёрлар жамиятини топди, бошқалар, бутун бир халқ бахти уни бахтиёр қилади. Шу ўринда Искандар Гёте Фаустининг "Тўхта, эй дақиқа! Гўзалсан ғоят!" деган хитобини айтиши мумкин эди. Бу сўзни шоир айтади, қайтишда Шаҳразурда Искандар вафот этади. Машҳур шарқшунос олим, академик И. А. Орбели "Низомий Александр ҳақидаги достонга эпизод сифатида ажойиб хаёлий жамият тасвирини киритди ва Томас Мор, Кампанелла ғояларини бир неча аср аввалдан айтди"[5], дейди. Искандарнинг саргузаштларга тўлиб-тошган ҳаёт йўли ҳақиқатга эришишнинг бошланмаси эди. Юқорида қадимий халқлар, жумладан грекларда, Аристей "Аримаспея"сида ҳам узоқ шарқи-шимолда яшовчи, Аполлон ҳомийлигидаги гиперборейлар ва улар ҳақидаги миф Низомий достонидаги утопик жамият тасвирига асос бўлганлиги ҳақидаги фикрни айтган эдик.

Македония шоҳи ҳақидаги ҳикояни Низомий янги мазмун билан бойитди. Александр тарихи асосида йирик фалсафий-ахлоқий достон яратди, Низомий асарининг Александр тарихига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Яминиддин Абул Ҳасан Амир Хусрав ал-Деҳлавий (1253—1325) "Хамса"сида "Ойнаи Искандарий" (1299) тўртинчи достон сифатида келади. Хусрав Деҳлавий Искандар тарихи, тимсоли орқали ўзининг ижтимоий, сиёсий ҳаёт ҳақидаги фикрлари, адолатли тузум ўрнатиш тўғрисидаги орзу-умидларини ифода этади. "Ойнаи Искандарий" "Шарафнома"нинг мазмунини қисқача беришдан бошланади. Искандар отаси Файлақус вафотидан кейин тахтга ўтиради, занжиларни енгади, Доро билан жанг қилиб, мағлубиятга учратади. Эронда зардуштийликни йўқ қилади, Озарбайжонга, Маккага боради, кейин Ҳиндистон, Марказий Осиёга юриш бошлайди. Чин ҳоқони лашкарлари билан жанг қилиб, ҳоқонни асир олади, лекин олижаноблик қилиб тортиқлар билан озод қилади, кейин

www.ziyouz.com kutubxonasi

абадий зулматликка боради. Ниҳоят Яъжуж-Маъжужлар билан жанг қилади ва садд қурдиради. Баҳорда Румга қайтиб, ихтирочилик билан шуғулланди. Қаерга бормасин, Искандар исломнинг ҳанафий мазҳабини тарғиб қилиб, бўйсунмаган греклар юртини сувга бостиради. Платон билан учрашади ва узоқ йиллик денгиз саёҳатига отланади. Денгиз ости ва устида саёҳат қилиб ажойиботларни кўради, ниҳоят илоҳий куч ёрдамида узоқ сафардан бир зумда ватанга қайтади, чунки ўлими яқинлиги ҳақида унга нидо келган эди. Деҳлавийда ҳам Искандар шартларининг бири, Низомийдаги каби, тобутдан қўлини чиқариб, бир сиқим тупроқни солиб қўйишдир.

Агар тарихий Александр 33 йил, Низомий қаҳрамони 36 йил яшаса, Хусрав Деҳлавий Искандари 100 йил яшайди. Асарда Искандар тимсолининг талқини бутунлай бошқача берилади: Агар Низомийда лашкарбоши, файласуф, донишманд, пайғамбар бўлса, Хусрав Деҳлавийда моҳир лашкарбоши, ихтирочи, ойна ва астролябия асбобини яратган.У ҳам Низомий қаҳрамонига ўхшаб Маккага борган, лекин пайғамбар эмас, фақат авлиё. Низомий воқеани Искандарнинг дунёга келиши ҳақидаги ривоят, аммо шоир уларга ишонмаслигидан бошласа, Хусрав Деҳлавийда асарнинг бошида Искандар балоғатга етган, Эронни забт этган шоҳ. Низомийда қаҳрамон адолатпарвар, халқпарвар, мазлумларнинг ҳимоячиси, ҳақиқий дин тарқатувчиси бўлса, Амир Хусравда у ҳамма подшоҳлардек ўз ерларини кенгайтирувчи ўрта аср шарқидаги кўпчилик подшоҳларнинг бири. Деҳлавий достонида утопик жамият тасвири ҳам йўқ. Аммо Хусрав Деҳлавий асарида жуда кўп ҳикоятлар берилиб, улардан ахлоқий хулосалар чиқарилади. Кўп ўринда шоҳлар, зодагонлар, бева-бечораларнинг ҳомийси бўлмоғи кераклиги ҳақида насиҳатомуз ҳикоятлар келтирилади.

Низомий "Хамса"сига назира ёзиш анъанасини адабиётга олиб кирган Амир Хусрав Деҳлавий достони Искандар номи билан аталган бўлса ҳам унда тарихий Александр, Юнонистон, Македонияга хос воқеалар, файласуф-олимлар таълимотидан ҳеч нарса берилмаган, Хусрав Деҳлавий Искандари шоир хизмат қилган Деҳли ҳокимларининг бири сифатида тасвирланган.

XV асрнинг 80-йилларида Ҳиротда устоз ва шогирд Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам Александр Македонский мавзусида асар ёздилар — "Хирадномаи Искандарий" ва "Садди Искандарий". Ҳар иккала достон

www.ziyouz.com kutubxonasi

деярли бир даврда, бир ижтимоий муҳитда бир-бирига руҳан жуда яқин бўлган икки буюк зот томонидан яратилган. Ҳар иккала достон бири иккинчисини тўлдирган ҳолда юзага келган дейиш мумкин.

Абдураҳмон Жомийнинг (1414—1492) "Ҳафт авранг"ининг еттинчи достони бўлмиш "Хирадномаи Искандарий" аввалги "Искандарнома"лардан фарқли ўлароқ, асосан панд-насиҳатдан иборат бўлиб, мазмун, воқеалик минимумга келтирилган. Достон асосан етти ҳираднома, донишмандлик китобидан иборат. Жомийнинг Александр Македонский ҳақидаги асари фалсафий-дидактик достон, Искандар тимсоли эса мавҳумлаштирилган, Искандар шахси, фаолияти шоир фикрларини изҳор қилувчи восита, холос. Александр тимсоли Македония, Греция ва у забт этган Шарқ мамлакатлари тарихидан узиб олинган ҳолда талқин этилган.

Жомий ҳам Низомий каби достонда замонаси олдида турган фалсафий масалаларга, айниқса бу ўткинчи дунёда инсонлар қандай ҳаёт кечиришлари, қандай қўлланмага амал қилишлари керак, деган масалаларга эътиборини жалб этади. Шахс имкони борича инсониятга фойдали иш қилиши кераклиги уқтирилади. Алишер Навоий "Садди Искандарий"нинг саккизинчи бобида Жомий ҳақида гапириб:

Эшиттим, қилиб зеб дафтар сўзин,
Қилур назм гўё Скандар сўзин.

Вале қилмайин майл ҳолотиға,
Шуруъ айламишдур мақолотиға.

Қўюбтур таворихи афсонасин,
Битипдур деган дурри якдонасин,—

дейди. Демак, Жомий Искандар тарихи ҳаммага кенг маълум бўлгани учун "қўюбтур таворихи афсонасин" ва асосий диққатини "дурри якдона", панд-насиҳат, чуқур маъноли байтларни битишга қаратади.

Жомий ҳам Низомий каби Искандарнинг дунёга келиши ҳақидаги афсоналарга ишонмайди, Искандар Македония шоҳи Файлақуснинг ўғли. Файлақус шаҳзода тарбиясини файласуф олим Аристотелга топширади. Ўлими олдидан у донишмандларни чақириб ўғлини имтиҳон қилади. Шоҳнинг топшириғига биноан донишмандлар Аристотел, Платон, Сократ, Гиппократ, Пифагор, Исклинос (бу олим номининг грекча асли ҳали аниқланма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган), Гермес Трисмегистлар, етти олим (Шарқда етти сонининг аллегорик маъноси бўлиб, етти иқлим, етти қават осмон, етти сайёра, Жомийда етти достон) Искандар учун хираднома яратиб, ўрта аср фани, фалсафаси, айниқса, тасаввуфнинг нақшбандия тариқати таълимоти асосларини баён қилганлар. Назарий фикрлар маҳорат билан ёзилган ҳикоятлар билан иллюстрация этилган. Булардан ташқари Искандарнинг ўзи ҳам хираднома ёзган. Аристотел, Олимпиадаларнинг Искандарга ёзган хатлари, донишмандларнинг Искандар қабри устида айтган нутқларини ҳам ўзига хос хираднома деб қарашимиз мумкин.

Жомий асарида ҳам Навоийдагидек Искандарни халқ подшоҳ этиб сайлайди. Салафлардаги каби Жомийда ҳам шоҳликдан Искандар эмас, балки халқ манфаатдор бўлади, юришлари эса илоҳий кучлар топшириғини бажариш учун амалга оширилади.

Достонда воқеа изчиллиги Низомийдан ўзгача ва ниҳоят қисқа: занжилар билан жанг, кейин Эронга юриш, Доронинг ўлими, аввал шимол, кейин шарқ, жануб ва яна ғарбга, кейин Чин, Хоразм ва Ҳинд элларига юришлар, ҳамма ерларда зардуштийлик ибодатхоналарини вайрон қилиш, абадий зулмат элига бориш, Яъжуж-Маъжужлардан сақланиш учун садд қуриш ва ниҳоят Хизр, Илёс ва Аполлоний Тианский (Булинас) иштирокида денгиз саёҳати, Жомий достонида ҳам Низомийдаги каби Искандар ҳокимлар ва хусусий мулк бўлмаган шаҳарга келади:

На эшон тавонгар касе, на фақир,
Бар эшон на султон касе, на амир.

Баробар ба ҳам қисмати молашон,
Мувофиқ ба ҳам сўрати ҳолашон.

(Булар орасида на бойлар, на камбағаллар бор
Улар устида турувчи на эшон, на султон , на амир бор.

Ҳамманинг мол-мулки баробар,
Бир-бирига нисбатан мавқеи ҳам баробар).

Бу шаҳар тасвирида Жомий Низомий изидан боради. Денгиз саёҳатидан дашт-биёбон орқали қайтаётган Искандар иссиқдан хасталанади ва вафот этади.

"Хирадномаи Искандарий"да воқеа, ҳикоятлар фақат

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосий назарий фикрлар, панд-насиҳатларни баён этиш воситаси, холос. Жомий достонида Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Деҳлавийда бўлган қаҳрамонлик эелементи умуман йўқ. Натижада Жомий Искандарида тарихий Александр Македонский номидан бошқа деярли ҳеч нарса қолмаган. Жомий Искандари нақшбандий таълимотига мансуб бўлган, кишилар орзу қилган подшоҳ, холос. Е. Э. Бертельснинг айтишича, Искандарни қуршаган юнон олимлари ҳам сўфилардек фикр юритадилар, "аслида бу файласуфларнинг ҳар бири дарвеш хирқасини кийиб, Ҳиротдаги Жомий хонақоҳида насиҳатомуз суҳбатлар олиб бориши мумкин"[6]. Жомий достони давомида қаҳрамонда ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди, шоҳлик фаолияти бошланишиданоқ Искандар адолатли ҳоким, у фақат халқ фаровонлиги, тинч-тотув яшаши учун қайғуради, хайрли ишлар қилади, иллатларга қарши курашади, у ҳақиқатгўй ва донишманд. Лекин Жомийнинг идеал ҳоким ҳақидаги фикрлари абстракт ҳолда берилган. Агар Низомий ижтимоий-фалсафий фикрларини Искандарнинг амалий фаолиятини тасвирлаш билан исботласа, Жомий фикрлари догмалигича қолган. Шоирнинг ўзи ҳам буни сезган бўлса керак, шунинг учун у асарга ўз фикрларини ёритувчи кўплаб ҳикоятлар киритган. Жомий яратган Искандар тимсолида ўсиш-ўзгариш сезилмайди.

Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг Македонский тарихига бағишланган "Садди Искандарий" достони "Хамса"нинг якунловчи бешинчи достони сифатида яратилган. У ҳам ўз салафлари Низомий, Деҳлавий ва устози Жомий каби олдига тарихий достон яратишни вазифа қилиб қўймаган. Шоир учун Искандар тарихий лашкарбоши эмас, балки идеал ҳоким, саркарда, ҳақиқий изловчи олим, табиат, жаҳондаги баҳру бар (ҳўллик ва қуруқлик) тадқиқотчиси. Достонни китобхон қўлланма сифатида қабул қилиши лозим бўлган ўгитлар тўплами ҳам дейиш мумкин. Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоийлар ўз "Искандарнома"ларини ёзар эканлар, давр талаби ва ўз дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу масалани ҳал қиладилар. Шунинг учун Македония лашкарбошисининг номи Навоий асарларида Искандар, Скандар шаклида юзлаб маротаба тилга олинади.

"Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр"нинг (1483) қирқ саккизинчи боби сарлавҳаси "Афлок ҳайъати шикоятидаким..." сўзлари билан бошланиб, тақдир қанча-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик ўзгарувчи, бу дунё, салтанат, ҳокимият ўткинчи, Фаридун, Жамшид, Доро, Искандар, Чингизхон, Темур кабилар қанчалик қудратли бўлишларига қарамай, олам-дан ўтдилар, бу дунёда инсоннинг фақат яхши ишларигина қолади, деган панд-насиҳат сўзлари билан тугалланади. 25 байтдан иборат бўлган қирқ тўққизинчи бобда Искандар тарихи қисқа баён этилиб, шоҳнинг қўлини тобутдан чиқариб қўйишлари, жаҳонни забт этган шаҳаншоҳ ҳам бу дунёдан ҳеч нима олиб кетмаётгани ҳаммага ибрат бўлсин, деган мақсадда келтирилади:

То кишиким қилса назар ул сари,
Ибрат ила боққай ўшал қўл сари.

Боб охирида Навоий одатдагидек хулоса ясаб, ўзига:

Торт, Навоий бу жаҳондан илик,
Қайси жаҳон, жавҳари жондин илик[7],

сўзлари билан мурожаат қилади.

Алишер Навоий "Тарихи мулуки ажам" (1488) асарини ёзар экан, Искандар юришлари мавзуига тўхтамай ўтиши мумкин эмас эди. "Иккинчи табақа каёнийлардур" бобида Доро ибн Дороб таъбиридан сўнг Искандарга махсус жой ажратилиб, уни Банокатий Ҳамдулоҳ ал-Мустафийнинг (вафоти 1329—30) асари "Девон ун-насаб", Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Ойнаи Искандарий" ва Хазрат шайх Низомийнинг "Искандарнома" асарларига суяниб ёзгани ҳақида маълумот беради.

"Доро ибн Дороб" қисмида эроншоҳни "золим табъ киши эрди" деб характерлаб, Македония Эронга бож тўлаши, Искандар эса уни тўлашдан воз кечгани, ғазабланган Доро лашкар тўплаб Македония шоҳига қарши чиққани ва шу вақтда шоҳдан зулм кўрган икки киши уни ўлдиргани, Искандар унинг бошини тиззасига олиб, унинг уч шартини (қизи Равшанакка уйланиш, қотиллардан ўч олиш ва шоҳ авлодлари ҳаётини сақлаб қолиш) бажаришга ваъда бергани ҳақида ёзади. Шундан сўнг Навоий Искандар баёнига ўтиб, Искандарнинг дунёга келиши ҳақидаги қуйидаги афсоналарни келтиради: "баъзи ани Дороб ўғли дебтурлар", сўнг Банокатий ва "Девон ун-насаб" асарига суянган ҳолда "Искандар Хирмиси Румий ўғилдурким...Зулқарнайнки, анинг лақабидур, важҳи...ул замонда минг йилни бир қари дер эмишлар (демак — икки минг йил яшагани учун Зулқарнайн деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

атаганлар — Ф. С.) Яна ҳам Банокатийдадурким, анинг отаси Бозур бинни Албон эрди". Турли саргузаштлардан сўнг Искандар йўлда, дашту биёбонда туғилгани, оллоҳнинг буйруғи билан уни бир кампирнинг эчкиси боқиб юргани, сўнг кампир болани топиб олиб, вояга етказгани, бола яхши тарбия ва таълим олгани ва ниҳоят онасини топиб, бобосининг юртига подшоҳлик қилгани ҳақида ҳикоя қилади. Навоий бу ҳикоядан сўнг "аксар таворихда анинг умрини ўттуз олти йил ва салотинин ўн уч йил битибтурлар. Аммо маҳолдурким, ўн уч йилда ул қилған ишча қилса бўлғай", дейди ва Амир Хусрав Деҳлавий ва Низомийларнинг Искандар ҳақидаги фикрларини келтиради: "фақир ҳам "Садди Искандарий"да ул икки бузургвор қавлини сойир муаррихлар аҳволиға таржиҳ қилиб, назм адосиға қарор берибмен. Ҳар тақдир била Искандар подшоҳе эрдиким, андин бурунғи ва сўнгғи салотин бу кунгача ул қилған ишни қилмадилар. Ҳам ҳаким эрди, ҳам вали. Баъзи анга нубувват устоди ҳам қилибтурлар. Тўрт юз ҳаким анинг хидматида эрдилар. Афлотун илоҳий бошлиғ ва Арастудек вазири бор эрди. Саккиз минг шоҳ ва шаҳзода хидматини қилур эрдилар. Оламнинг барру баҳрин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулматқа кирди"[8].

Навоий Македония шоҳининг ҳайратомуз ишларига баҳо берар экан, ўзигача бўлган муаллифларнинг ғайритабиий маълумотларини шубҳа остига олади. Навоий Искандар оби ҳаётни излаб зулматлик юртига боргани ҳақида ёзиб, унга насиб бўлмагани ва баъзи хабарларга кўра Шаҳризурда ва баъзиларда Бобилда вафот этди ва Александрияга дафн этилди, дейди. Бу ўринда яна "Ҳайрат ул-аброр"да берилган Искандар васиятини келтириб, "олам аҳлиға мужиба танбиҳ, балки ибрат бўлғайким, оламдан илик торта тутқайлар", дейди. Навоий Искандар Яъжуж-Маъжужларга қарши тўсиқ қургани ва Марв, Ҳирот, Самарқанд ва Исфаҳон шаҳарларини барпо қилганини таъкидлайди. Искандардан сўнг Батлимус (Птоломей) Румда ҳоким бўлганини ёзади.

Навоий Искандар фаолияти, донишмандлиги ҳақида ёзар экан, шоир жаҳонгирни куйламайди, шону шавкатини улуғламайди, балки шундай одам ҳам бу дунёдан қўл силкиб кетгани, "баҳру бар"ни забт этган одам ҳам ўлимдан қочиб қутула олмагани ва китобхонга унинг тақдири ибрат бўлиши кераклигига ўқувчининг эътиборини жалб этади. Бобга якун ясаб, саккиз байт маснавий

www.ziyouz.com kutubxonasi

беради, унда Македония шоҳининг қисқа тарихини бериб, охирида шундай ҳашаматга эга бўлганни тақдир қандай эзди, гадолар каби қўлини узатиб бормоқда, шунча эл-юрт эгаси бўлиб қуруқ қўлини чўзиб кетмоқда дейди.

Яналарға кўр, чарх неткусидур,
Санга ё манга худ не еткусидур?

Шоир ўз усули, дунёқарашига содиқ қолиб Искандар ҳақидаги бобни панд-насиҳат билан тугаллайди. Кейинги бобларда Искандар империясининг тақдири, "мулуки тавойиф" — диадохлар ва эпигонлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Алишер Навоий Македония шоҳи Александрга бағишланган ва барҳаёт "Хамса"нинг якунловчи — бешинчи достонини 1485 йили ёзиб тугаллади.

Навоий ҳам ўз салафлари Низомий ва Хусрав Деҳлавий каби олдига тарихий достон яратишни вазифа қилиб қўймади. Навоий учун Искандар тарихий шахс эмас, балки идеал ҳоким, лашкарбоши, айни вақтда, ҳақиқий олим, табиат, жаҳондаги баҳру бар тадқиқотчиси. "Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонига бош қаҳрамон қилиб румлик фотиҳнинг тимсолини олган бўлса ҳам, унинг кураш ва ғалабаларини тавсифлаш мақсадини кўзда тутган эмас. Асар йирик фалсафий-дидактик умумлашмалардан иборат. Шоир ифодаламоқчи бўлган барча фикрлар ана шу марказий қаҳрамон орқали баён этилади"[9]. Фикримизча, фақат Искандар орқалигина эмас, балки уни қуршаган олимлар, айниқса, Арасту фикрлари орқали ҳам баён этилади. Достон китобхон қўлланма сифатида қабул қилиши лозим бўлган ўгитлар тўплами ва шоҳларга ибрат бўлиши керак бўлган фаолият тасвиридан иборат. Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий ўз "Искандарнома"ларини ёзар эканлар, давр талаби ва ўз дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу масалани ҳал қиладилар.

"Садди Искандарий" Навоий достонлари орасида энг йириги ўн тўрт минг тўрт юз мисрадан ортиқроқ. Достонда анъанавий боблардан сўнг Эрон тарихи — "Ажам мулки"нинг тўрт табақа ҳокимлари (пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сосонийлар) тарихи берилади. Шоирнинг фикрича, Искандар каёнийлар билан ашконийлар ўртасида яшаган. Достонда Искандар мавзуи ўн бешинчи бобдан бошланади.

Навоий Искандарнинг туғилиши ҳақида мавжуд афсо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

налардан номаълум аёл вайрона ичида ўғил туғиб, ўзи ўлгани, Файлакус уни топиб олиб ўз ўғлидек ўстиргани, Искандар ҳақида Эронда тарқалган афсона — у Доронинг ўғли экани, тарихда икки Искандар ўтгани, бири Дорони енггани, садд қургани ҳақидаги афсонани келтириб, ўзи ҳайратда қолгани ва ҳақиқат излаб Жомийдан савол қилганини айтади. Жомийнинг жавоби:

Анингдекки аслин Низомий деди,
Ҳамул навъ фарзона Жомий деди.

Демак, Искандар Файлакуснинг ўғли. Аммо яна уч байтдан сўнг:

Скандарни топти малик Файлакус,
Ясаб мулкин андоқки зебо арус,—[10]

дейди. Демак, Навоий вайронадан топилган бола ҳақидаги афсона тарафдори бўлиб чиқади.

Навоийнинг масалага бундай ёндошишининг, яъни Искандарни вайронадан топилган бечора аёлнинг фарзанди сифатида тасвирлашининг чуқур маъноси бор, албатта. Феодализм ақидаларига биноан фақат шоҳ, олий табақадан чиққан шахсларгина юксак инсоний хусусиятларга эга бўладилар, деган тушунча ҳукмрон бўлган. Навоий эса онгли равишда, атайлаб ана шу ақидага зид ўлароқ, энг олижаноб инсон, одил, инсонпарвар, халқпарвар шоҳ, буюк тадбиркор лашкарбоши, олим-файласуф, ҳаким ва набилик даражасига кўтарилган Искандар насл-насаби номаълум шахс — топиб олинган бола дейди. Искандарнинг келиб чиқишига бундай муносабатда бўлиш феодализм анъанасини рад этиш, инсонни ҳимоя этиш, унинг имконияти чексиз эканини таъкидлаш ва шоирнинг инсонга катта ишончининг ифодаси эди. Навоий шундан сўнг Искандар тарбиясининг тасвирини бериб, Накумахис (Арастунинг отаси) устоз сифатида таклиф этилганини қисқача баён қилади. Файлакус вафот этиши олдидан ўғлини валиаҳд этиб қолдиради:

Анга тож ила тахт тушмай қабул,
Бу андешадин беҳад эрди малул.

У халқни йиғиб ўз қарорини изҳор қилади, "Рум аҳли бошларини оёғига қўюб, анинг мақдамидин тахт ғоясин баланд қилиб, тож қадрини аржуманд қилғанлари" ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

Искандар ноилож рози бўлгани, буюк олимлар Арасту ва Балинос (Гален) уни икки қўлидан ушлаб тахтга ўтқазганлари, халққа кўп инъомлар берилгани ва тантаналардан сўнг ёш шоҳ олимлар даврасида суҳбат олиб боргани, шоҳликни қабул қилгач, Искандарнинг дастлабки қилган иши халқ арзини тинглаш ва золимларни жазолаш, халқни икки йиллик солиқдан озод этиш, умуман адолат ўрнатиш бўлгани ҳикоя қилинади. Ана шу бошланғич бобдаёқ Навоий Искандар тимсолини қандай талқин этгани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Шоирни жаҳонгир таржимаи ҳоли эмас, балки адолат ўрнатиш йўлида олиб борган фаолияти ва ўгитли нутқлари қизиқтиради.

Ўз юртида тартиб жорий этган Искандар халқларни озод этиш ва адолатли тузум ўрнатиш мақсадида фотиҳлик юришларини бошлаб юборади — аввал Мағрибга бориб Занзибар шоҳини ўзига бўйсундиради, олтин тухумлардан иборат божни талаб қилган эроншоҳ Доро билан жанг қилиб, ғолиб чиқади.

Доро билан тўқнашувга бағишланган қисмлардаёқ икки шоҳ табиати, идора этиш усули, одамларга муносабатида катта фарқ борлиги аён бўлади: Доро қизиққон, мулоҳазасиз фикр юритади, қўпол, одамларни, Македония шоҳини ҳам менсимайди, ўта мағрур. Искандар эса олим-файласуф, донишманд сифатида тадбир кўради. Искандар истамаса-да урушишга мажбур. Лекин Дорони македониялик ҳалок қилмайди, эроншоҳнинг ўз қилмишлари бошига етади, унинг зулмидан безиган икки ноиби шоҳни оғир жароҳатлантирадилар. Аввалги манманликдан тушган шоҳ Искандарни чақиртиради ва унга илтимосларини баён қилади: қотилларни жазолаш, қавму қариндошларини таъқиб қилмаслик ва қизи Равшанакни ўз никоҳига олиш. Искандар ҳаммасини бажаришга ваъда беради ва кейинча ўз ваъдасида туради.

Искандар Эрон аҳолисини ўзидан рози қилгач, бошқа мамлакатларни фатҳ этишга киришади. Аммо шоҳ тўғридан-тўғри юриш бошламай, аввал турли юртлар ҳокимларига элчилар юбориб, ихтиёрий бўйсунишни таклиф қилади. Лекин ҳамма подшоҳлар ҳам бу таклифни тўғри тушуниб, қабул қилмайдилар, ўшандагина Искандар ҳарбий куч қўллашга мажбур бўлади. Искандар Фаранг, Қрим, Андалус, Миср, Ироқ, Халаб, Яманни эгаллайди ва Маккани зиёрат қилади. Сўнг шимолга юз ўгириб, Хоразм, Дашти қипчоқ, Сақасин (саклар юрти, кейинча Систон), Сақлаб, Ос, Рус, Чаркас, Гурж элларини забт этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундан кейин Марказий Осиё, Чин-Хито, ҳинд юришлари, жануб томонларда Синд, Мукрон, Кирмон, Хуросон, Исфахон каби жойларни ўзига қарам қилади, Марказий Осиёда Самарқанд, Хуросонда Ҳирот (Ория Александрияси) ва Рой шаҳарларини барпо этади. Кашмирни забт этиш анча ташвиш туғдиради, шоҳ Маллу турли фусункорлар ёрдамида мудофаа иншоотлари қурдиради. Искандар олимлар ёрдамида сеҳрли ҳамма тўсиқларни барбод этиб, ғолиб чиқади. Маллу ҳам қанча ёмонлик қилса-да, Искандар уни афв этади ва қизи Меҳрнозни ўз никоҳига олишга унинг розилигини олади.

Искандарнинг Кашмирдаги фаолияти ва Маллуга бўлган муносабатидан хабар топган Ҳиндистон ройи (рожаси) ўз ихтиёри билан жаҳонгирга тобе бўлади ва Деҳлида қишлашни таклиф қилади. Навоий Искандарни шунчалик инсонпарварлик, халқпарварлик хислатлари билан бойитганки, халққа озор бермаслик учун рой таклифини рад этиб, Синд дарёси соҳилидаги дарахтзорга жойлашади. Баҳорга чиқиб Искандар ўз ихтиёри билан бўйсунишдан бош тортган хоқонга қарши "Хито бирла Чин азмини қилди жазм".

Хоқон ҳарбий тўқнашувга ҳозирлик кўриб, лашкар тўплайди, лекин улар орасида ғулу борлиги, Искандар қўшини енгилмаслигидан аскарлари хабардор эканини билгач, Македония шоҳи билан иттифоқ тузади. Шоҳ навбатдаги қишни Чинда ўтказади, баҳорга яқин катта тўй-томоша билан Искандар Равшанак ва Меҳрнозга уйланади.

Баҳор фаслида шоҳ Чину Хитони хоқонга топшириб, яна Ҳиндистонга юради, Гужарот орқали денгиз йўлига чиқиб, Мағрибга йўл олади. Йўлда одамхўр баҳайбат чумолилар, мудҳиш кўринишли ёввойи одамларга йўлиқадилар, олтин ва кумуш тоғлар борлигидан хабар топадилар, ёввойилар подшоси Раъд билан жангда бир қанча паҳлавонлар енгилади. Раъдни хитой канизаги енгиб, Искандарни хушнуд қилади. Искандарни олтин ва кумуш тоғларига бориш орзусидан ваҳший одамлар қайтарадилар, йўл азоблари ҳақида ҳикоя қилиб, мудҳиш илонлар борлиги, унга кўзи тушган одам ўлишини ҳам айтадилар. Навоийдаги бу ҳикоят юқорида келтирганимиз Беруний асаридаги даҳшатли илонлар ҳақидаги афсонанинг акс садоси деб қараймиз.

Искандар ватанига йўл олади, "Русу диёри Фаранг"дан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтиб "Ғарбу Шимол"дан кетаётганида Кирвон ўлкасининг аҳолиси шоҳга арзиҳол қилиб, Яъжуж фалокатидан қутқаришни илтимос қилади. Шоҳ турли ўлкалардан мутахассислар жалб этиб, икки тоғ ўртасига металлар эритмаси ва тошлардан тўсиқ (садд) қурдиради ва шу йўсинда мудҳиш махлуқлар йўлини тўсади. Искандар Румга қайтиб йиғилиб қолган ишларни бажаради ва шунча машаққатли юришлардан кейин дам олади.

Осойишта ҳаётга ўрганмаган шоҳни энди денгиз сирларини ўрганиш чорлайди. Олимларни жалб этиб уч минг кема қуриб, саккиз йиллик озиқ-овқат жамғаради. Шоҳ саёҳатга жўнаш олдидан халойиққа қарата нутқ сўзлайди, халқнинг шоҳга бўлган меҳри шунчалик кучли эдики, улар шоҳни кўз ёши билан кузатадилар. Искандар қўшин, от-улов билан денгиз сафарига чиқади. Суқрот ҳамроҳ бўлиб, денгиз,океан, улардаги жониворлар, ороллар, денгиз йўллари ҳақида муҳим маълумотларни айтиб беради. Етти денгизни ўлчаб, тадқиқ этадилар ва шоҳ энди жаҳон океани марказини кўрмоқчи бўлади. Лашкарлар ва кемаларнинг асосий қисмини ватанга қайтариб, бир қисмини оролда қолдириб, йўлга чиқади. Унинг мақсади сувликни тадқиқ этиш эди. Океан марказига етиб келгач, лангар ташлаб тўхтайдилар. Искандар шишадан ишланган сандиқда океан тагига тушади, турли ажойиботларни кўради. Юз кундан сўнг шиша идишни арқон билан тортиб оладилар. Навоийнинг фикрича, денгиз ва океан саёҳатлари Искандарнинг руҳини софлантиради, форғ этади ва энди у авлиё ва наби даражасига кўтарилади. Лекин бу тезисни Навоий талқин этмайди, бу фикрни Низомий анъанасига кўра киритади, холос. Искандар ватанга қайтади, лекин унинг саломатлиги анча ёмонлашган эди, у садоқатли дўстларини атрофига тўплаб мамлакатни тақсимлаб беради. Искандар хасталикдан отга миниб доим чопар эди. Бир кун ғоят иссиқ бўлди, от чоптириб кетаётган шоҳнинг аҳволи иссиқдан ёмонлашди, отдан тушиб иссиқ қумга ётди, олтин қалқонини бошига соя қилдилар, натижада олдиндан айтилган ҳолат-темир ер ва олтин осмон рўй беради. Искандар ҳаётининг охирги дамлари келганини англади. У онасига хат ёзади, ўзини Александрияга дафн этишларини, қабристонга олиб кетаётганларида қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини васият қилди.

Навоий ижодининг билимдони А. П. Қаюмовнинг фикрича, шоир "Садди Искандарий" достонига бош қаҳрамон

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб румлик фотиҳ тимсолини олган...Асар йирик фалсафий-дидактик умумлашмалардан иборат. Шоир баён қилмоқчи бўлган барча фикрлар ана шу марказий образ орқали баён этилади"[11]. Шоир ана шу асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда достон композициясини тузади: фалсафий-дидактик қисм, уни иллюстрация этувчи ҳикоя, сўнг Искандарнинг саволи ва Арастунинг жавоби ва, ниҳоят, шоҳнинг шуларга суянган ҳолда қилган иши. Ўз салафларидан фарқли ўлароқ, Навоий Искандарнинг шоҳлик ва донишмандлик фаолиятини туташтирган ҳолда тасвирлайди. Навоий ҳар бобнинг хотима қисмида соқий, муғанний ва ўзига мурожаат қилиб, ахлоқий хулосалар чиқаради. Шунинг учун "Садди Искандарий"ни "Искандарнома"лар орасидаги энг характерли насиҳатнома дейишга ҳақлимиз.

Низомий Искандар тимсолининг изчил равишда аввал лашкарбошилик, кейин донишманд-файласуфлик ва пайғамбарлик фаолиятини тасвирласа, Навоийда лашкарбошилик ва олим-донишмандлик фаолияти биргаликда берилади. Навоий ўз қаҳрамони характерини тарбия ва ижтимоий шароит шакллантирганини кўрсатади. Бу ўринда, айниқса, устоз Накумахис ва айрилмас мактабдош дўсти, қадим дунёнинг буюк олими Арастунинг роли катта. У жаҳонгирнинг асосий маслаҳатчиси. Файласуф билан бўлган суҳбат ва савол-жавобларнинг аҳамияти бениҳоя улкан. Акад. А. Қаюмов айтган қуйидаги фикрга биз ҳам қўшиламиз: "Искандар ўз муҳити ва шароитининг таъсири остида донишманд олим, элпарвар инсон, одил подшоҳ, қўрқмас жангчи бўлиб етишди"[12].

Навоий достонида қаҳрамон асар бошиданоқ ўзини Низомий ва Хусрав Деҳлавий қаҳрамонларидан ўзгача тутади. Агар аввалги Искандарлар Филипп вафотидан сўнг иккиланмай ота тахтини эгалласалар, Навоий қаҳрамони катта мажлис тўплаб, халойиққа ўзига ҳоким сайлашни таклиф қилиб, бу ҳоким қандай бўлиши кераклиги ҳақида программа нутқ сўзлайди. Мамлакат идораси, шоҳнинг қандай бўлиши ҳақидаги Искандарнинг фикрлари халқнинг орзусига яқин эди, шунинг учун уни подшоҳликка кўтарадилар. Ёш шоҳ ҳаётнинг икир-чикирларигача ўз назоратидан ўтказади, адолат ўрнатади,зулм ўтказган амалдорларни жазолайди. Халққа "мендан қўрқмай, ўз тенгларингга бўлгандек муносабатда бўлинглар", дейди. Рационалист Навоий асарида Искандар ҳамма вазифаларни белгилаб, кейин бажаради. Куннинг биринчи ярмида мам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лакатни идора этса, иккинчи ярмида дам олади ва кўнгил очади, лекин кўнгил очиш ўйин-кулги эмас, балки файласуф-олимлар билан суҳбат, илм-фан, адабиёт билан шуғулланишдан иборат.. Искандар олимлар билан бўлган машғулотлардан амалий хулосалар чиқариб, мустақил, адолатпарвар, инсонпарвар бўлишлик, манфаатпарастликдан мутлақ узоқда бўлишни олдига мақсад қилиб қўяди. Арастунинг:

Ўзин чунки мақсуд аро қилди йўқ,
Ўзи қолмайин, қолди мақсуди-ўқ[13],

деган сўзларига амал қилишга интилади. Бу фикрнинг иллюстрацияси сифатида Навоий Доро хазинасига эга бўлган Искандар бойликларнинг кўпини халқ ва лашкарларга улашган эпизодини келтиради. Қаҳрамон тимсолининг бундай талқини Навоий олдига қўйган мақсад билан боғлиқ эди. Навоийнинг асосий вазифаси мамлакат, халқни идора этувчи, унинг масъулиятини устига олган одам қандай бўлиши кераклигини кўрсатиш эди. Шоирнинг мамлакат идораси ҳақидаги назарий фикрларига қаҳрамон ҳаёти иллюстрация сифатида берилади. Шоир Искандар тимсоли орқали босқинчилик сиёсати, жаҳонгирликнинг бемаъни иш эканини кўрсатмоқчи бўлади. Навоий асарининг ўзига хослиги ва қиммати ҳам ана шунда. Навоий урушни ёвузлик деб ҳисоблаб, рад этади, аммо Арасту тилидан золимликни, халқни эзувчиларга қарши урушни оқлайди. Шоир ўз қаҳрамонини фақат мазлумларни озод этувчи, эзилганларнинг ҳимоячиси сифатида тасвирлайди, беҳуда қон тўкишларни, ўлим жазосини қоралайди:

Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусқа ани кўрма асло раво[14].

Алишер Навоий Александр Македонский қилич кучи билан забт этган мамлакатлар — Хуросон, Бактрия, Суғдиёна ҳақида ёзади. Албатта, ҳали XV асрда халқ ўртасида босқинчи ҳақида зардуштийлик расмий доираларидан сақланиб қолган турли-туман ҳикоялар, уларда жаҳонгирнинг қирғинлари, вайронагарчиликлари ҳақида маълумотлар сақланган бўлса керак (масалан, Бобур "Бадахшон шоҳлари ўзларининг келиб чиқишларини Файлақуснинг ўғли Искандарга боғлайдилар"[15], дейди). Навоий, албатта, булардан хабардор бўлиши мумкин, лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу ҳақда ҳеч қандай маълумот бермайди. Навоий ўз қаҳрамонининг, аксинча, бошқа подшоҳларга ўхшамаслигини, адолатпарвар эканлигини алоҳида таъкидлайди. Айниқса, ҳинд юришини тасвирлар экан, Навоий ўз қаҳрамонини ҳинд халқига нисбатан раҳмдил, меҳрибон, ҳатто Деҳли аҳолисига малол келмасин деб, рой таклифини рад этувчи этиб тасвирлайди. Агар буюк озар шоири қаҳрамони достоннинг иккинчи қисмида пайғамбарлик вазифасини адо этиш, исломнинг ҳанафийлик мазҳабини тарқатиш учун ер юзи ва сув остини кезса, Навоий Искандари ер юзи ва сув ости сирларини ўрганиб, олим-файласуфлар таълимини олгач, аввал авлиё, кейин набийликка эришади, лекин бу соҳада у ҳеч қандай фаолият кўрсатмайди. Достон охирида Навоий Искандар ҳақида:

Билиб халқ шоҳи музаффар ани,
Ҳакиму валию паямбар ани, —

дейди. Навоийнинг асосий мақсади пайғамбарларнинг тенглашиб бўлмас тимсолини яратиш эмас, балки реал ҳоким ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қандай хайрли ишлар қилиши, ижтимоий фойдали вазифаларни бажариши мумкинлигини кўрсатиш эди. Шунинг учун Навоийда илоҳий, ғайритабиий кучлар эмас, юнон олимлари шоҳга маслаҳат берадилар. Шунинг учун Навоийда Искандар-набий тимсоли конкретлашмаган, македониялик шоҳнинг камолот чўққисига чиққан синфсиз жамият тузуми жорий этилган жойга бориши ҳам тасвирланмаган. Е. Бертельснинг айтишича, агар Навоий Искандарнинг пайғамбарлигини бўрттирса, асар насиҳатнома қимматини йўқотар эди[16].

Искандар тимсолини Навоий валий ва набий сифатида очмасдан, унинг инсоний хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилади. Бу ўринда унинг энг яқинлари бўлмиш онаси ва икки хотини Равшанак ҳам Меҳрнозга бўлган муносабати характерли: онаси олдида ўғиллик бурчини бажаролмаганига ўкиниб, вафоти туфайли онасининг кўп азият чекмаслигига ҳаракат қилса, ҳар иккала хотинларига, уларнинг жамиятда тутган ўрнига қараб ўзига хос муомала қилади. Айниқса, хонимларга нисбатан Искандар ўрта асрнинг назокатли рицари сифатида гавдаланади.

А. Қаюмов "Садди Искандарий" китобчасида Искандар образини зиддиятсиз идеал қаҳрамон эмаслиги ҳақида гапириб, "Навоийдек буюк ижодкор сунъийликка йўл қўйиши мумкин эмас эди. У ҳар бир воқеа, характер

www.ziyouz.com kutubxonasi

замирида ётган қарама-қаршиликни яхши тушунар эди. Шунинг учун у идеал қаҳрамон образи яратиш вазифасини ҳатто ўз олдига қўйиши ҳам мумкин эмас эди"[17], дейди. Ҳақиқатан, Навоийдек буюк адиб ўз қаҳрамонини фақат ижобий хусусиятлар, идеаллар йиғиндиси этиб тасвирлаши мумкин ҳам эмас эди. Агар шундай бўлса беш асрдан буён ўз моҳиятини йўқотмай келмаган бўлар эди. Навоий яратган Искандар эрадан аввалги IV аср Македония подшоси эмас, балки XV асрда яшаши мумкин бўлган, шоир орзу қилган, ижобий фаолиятлар кўрсатган ва салбий хусусиятлардан холи бўлмаган феодал подшоси. Навоий, айниқса, Искандарнинг жаҳонни, сув усти ва остини эгаллашга қаратилган фаолиятини оқламайди.

Бу андеша чун кўнглин этти забун,
Димоғиға юзланди бийми жунун.

Искандарнинг "бийми жунуни" шоҳ ҳаётининг сўнгги дамлари, ўзига ором тополмай, хаста ҳолда тинмай от устида кезиши ва айниқса, ўлими картинасида, ўтдек қизиган қум устида, ёлғизликда вафот этиши эпизодида ниҳоясини топади.

Шарқда яратилган "Искандарнома"ларда қаҳрамон онасига хат ёзиб,унда зиёфат уюштириш, таомлардан ҳеч кимини йўқотмаган одамларгина тамадди қилиши мумкинлигини айтади. Аслида бу эпизод Каллисфенга нисбат берилган "Искандар ҳақидаги роман"да келтирилган ва ундан Шарқ адабиётига ўтган. Бу ўринда хатда келтирилган илтимоснинг асли негизи ҳақида ўз фаразимизни келтирмоқчимиз.

Рим императори Юлианнинг (331—363 й.) "Хатлар"ида қадимги юнон файласуфи Демокрит (э. ав. V—IV аср) ҳаётидан бир қизиқ воқеа келтирилади: Эрон саёҳати вақтида шаҳаншоҳ Доро файласуфни чақириб, севимли рафиқаси вафот этганини айтиб, уни тирилтириб беришни илтимос қилади. Олим Дорога ваъда бериб, зарур бўлган ҳамма нарсани ўз вақтида етказиб беришни сўрайди.

Шоҳ одамларга буйруқ бериб, Демокритнинг айтганларини бажо келтиришни топширади. Маълум вақт ўтгач, Дорога "ҳамма тайёргарлик битди, фақат Осиёнинг шаҳаншоҳи бажариши мумкин бўлган биргина зарурат қолди, холос. Шоҳ яқинларидан айрилиб ғам тортмаган уч киши номини марҳуманинг қабр тоши устига ёздирса бас, малика ўша ондаёқ тирилади", дейди. Аммо шаҳаншоҳ олим талаб қилган уч кишининг бирортасини ҳам топол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

майди ва ўзига тасалли беришга мажбур бўлади. Демокрит Дорога "Ҳа, қалай, тентак одам, ўзинг ўлим қайғуси бошига тушмаган битта ҳам одамни топа олмадинг-ку, яна бахтсизлик фақат сендагина рўй бергандек кўз ёшингни тўхтатолмайсан" мазмунда айтган сўзларини Искандар онасига ёзади:

Ва гар кимса қўл сунмаса ҳар тараф,
Емак шуғулини қилсалар бартараф.

Бу маълум ўлурким, йўқ эрмиш бирав
Ки, туфроқ аро йўқ кишиси гаров.

Билингачки бу навъ эмиш рўзгор,
Ул ишдин ўзунгта бўл омўзгор[18].

Шарқ адабиётидаги Демокритнинг "инсон зоти орасида яқин кишисидан жудо бўлмаган одам йўқ" мотиви даставвал Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида учрайди. Искандар вафоти олдидан онасига ёзган хатида: "Мендан сўнг андуҳ тортмагин, излаб кўргин, дунёда ажал туфайли яқинларидан айрилмаган киши борми?" — дейди.

Низомий "Искандарнома"синиng охирида ўлим тўшагида ётган шоҳ онасига хат ёзади: "Агар менга аза тутиб, мотам қилмоқчи бўлсанг, шоҳона дастурхон тузаб халойиқни меҳмонга чақир, кимки яқинларидан жудо бўлмаган бўлса, зиёфатдан тамадди қилсин", — дейди. Онага шу мазмундаги хат Жомийнинг "Хирадномаи Искандарий"сида ҳам бор, лекин Хусрав Деҳлавийнинг "Ойнаи Искандарий" достонида учрамайди. "Искандарнома"ларда онага тасалли бериш усули қадимий Юнонистонда кенг тарқалган Демокрит ҳақидаги афсонанинг акс-садоси "Александр ҳақидаги роман" орқали Шарқ адабиётига ўтган бўлса керак, деб фараз қиламиз.

Юқорида айтганимиздек, "Талмуд"да Александр вафотидан олдин васият қилиб, жасадини мозорга олиб кетаётганларида қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини айтган эди. Иудаизмни исломга таъсири катта бўлганидек, "Талмуд"даги бу эпизод Шарқ адиблари асарларига ўтган. Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий "Искандарнома"ларида (Навоийда "Ҳайрат ул-аброр"да ҳам) бу эпизод мавжуд. Тобутдан қўл чиқариш эпизоди ислом, айниқса суфизм фалсафасига хос бўлган бу дунёга меҳр қўймаслик таълимотининг иллюстрацияси вазифасини адо этади. Навоий Искандар тилидан қуйидаги сўзларни айтади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чиқоринг бир илгимни тобутдин,
Ҳамул навъким ришта ёқутдин.

Ки эл солиб ул сари ҳайрат қўзи,
Не ҳайрат қўзи, балки ибрат кўзи:

"Бу панжаки бармоғлари чекти саф,
Жаҳонни жаҳон кафидин урди каф.

Кафи ичра олди жаҳон кишвари,
Барру баҳрнинг лаъл ила гавҳарин.

Чу урди ажал илги табли раҳил,
Бақо бўйнига солди ҳабли раҳил.

Жаҳондин шол илги мисоли борур,
Нечукким чинор илги холи борур"[19]

Навоий таъбирича, Искандарнинг қўлини тобутдан чиқариб қўйилиши бошқаларга ибрат бўлиши керак, бу ҳақда "Ҳайрат ул-аброр" да очиқдан-очиқ айтилади:

Жисмида жон йўқ бу макондин борур
Хомит илик бирла жаҳондин борур.

Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,
Ушбу илик тажриба басдур анга[20].

Искандардек жаҳонни эгаллаган, ҳатто денгизлардаги "лаъл ила гавҳарлар"гача ўзиники қилган жаҳонгир ҳам нариги дунёга ҳеч нима олиб кетмаётир, кафтида бир сиқим туфроқ, холос. Демак, дунёга ҳирс қўймаслик, ундан кўра хайрли ишлар қилиб яхши ном қолдириш керак:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от[21].

1972 йили Е. А. Костюхиннинг "Александр Македонский адабиёт ва фольклор анъанасида" монографияси чоп этилди. Асарда қадимий Юнонистон , Европа ва Шарқ мамлакатлари адабиёти ва фольклор асарларида Искандар мавзуи хусусида фикр юритилади. Фикримизча, бу мавзуларнинг ҳар бирига махсус монография бағишлаш лозим. Муаллиф эса бу кўп нарса кутса бўладиган сарлавҳа остида тасодифий ёки фақат рус тилида маълум бўлган асарлар ҳақида фикр юритади, холос. Е. А. Костюхин Навоийнинг "Садди Искандарий" достони устида тўхталиб: "Низомий ҳаёти охирида ўзи эришган ахлоқ нормаларига

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқаларни ундайди. Навоий ҳам ундайди, лекин фақат китобхоннигина эмас, ўзи ўзини ҳам, вақти-вақти билан шоир ўзи ҳақиқат излайди"[22], — дейди. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Тўғри, Навоий ўгитлари Низомийнинг қатъий талабларидан фарқ қилади, аммо ҳеч қандай далилсиз шоирнинг ўзи ҳақиқат излайди деб бўлмайди. Навоий Искандарга бағишланган достонини ёзишга киришар экан, олдига қўйган мақсадини амалга ошириш йўлларини аниқ тасаввур этган ва Искандар тимсолини ана шу мақсадга хизмат қилдириш нуқтаи назаридан яратган.

Алишер Навоий яратган Искандар тимсоли золим босқинчи, вайрона келтирувчи зобит ҳам эмас, дунё лаззатларидан қўл силкиган дарвеш, зоҳид ҳам эмас. Зўравонлик, золимликнинг ашаддий душмани, имкони борича қон тўкишдан қочиб, мазлумларни ҳимоя этувчи адолатли, лекин шахсияти зиддиятлардан холи бўлмаган, борган сари ҳукмронлик лаззатини англаб ета бошлаган шоҳ. У дунё лаззатларидан меъёрида фойдаланувчи, меҳрибон, раҳмдил одам, олим-донишманд.

Академик И. А. Орбели: "Александр Македонскийни янги мамлакатларни забт этишга бетўхтов интилган лашкарбоши этиб талқин этган Ғарб халқларидан фарқли ўлароқ, Шарқ халқлари уни қадимги замон файласуфларининг энг буюги бўлмиш Аристотелнинг ҳақиқий шогирди, ўзи ҳам фалсафага берилган, атрофини файласуф олимлар куршаган...одам сифатида тасаввур этганлар. Александрни шу йўсинда қабул қилиш учун тарихий шароит бор эди[23], — дейди. Биз ҳам шу фикрга мутлоқ қўшиламиз. Ҳақиқатан ўрта асрда диний жаҳолат, инквизиция ҳукмрон бўлган Европа мамлакатлари билан жаҳон маданиятига буюк олимларни берган Шарқ халқлари маданияти ўртасида катта фарқ бор эди.

Македония шоҳининг ҳаёти, фаолияти, мисли кўрилмаган қаҳрамонликлари, узоқ юртларни яшин тезлигида босиб олишлари фольклор асарлари яратиш учун туганмас манба бўлди. Александр ҳақидаги фольклор асарлари даставвал Шарқ мамлакатларида яратилган бўлиб, уларнинг баъзилари Европада Александр ҳақидаги достонлар яратилишига ҳам таъсир этади.

Шарқда яратилган халқ оғзаки асарлари достон, эртак, ҳикоят жанрларида бўлиб, уларда жаҳонгир донишманд-файласуф, омадсиз ошиқ, қаҳрамон, иши юришмаган подшоҳ, золим ҳоким, шуҳратпараст сифатида тасвирланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай фольклор асарлари Яқин Шарқ, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва Марказий Осиё халқлари томонидан кўплаб яратилган. Буларни ўрганиш махсус тадқиқот ишлари олиб боришни талаб қилади.

Ўзбекистон ФА Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтининг фольклор фондида "Искандар Зулқарнайн", "Искандарнинг мақтанчоқлиги", "Искандарнинг шохи", "Искандар" сингари достонлар сақланмоқда. Булар Искандар ҳақида яратилган фольклор асарларининг бир қисмини ташкил қилади.

ЭЛЛИНИЗМ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ

Қадимги дунё тарихида эллинизм деб номланган давр энг мураккаб ва қарама-қаршиликлар билан тўлиб тошган давр ҳисобланади. Александрнинг ғалабаси ва эллинистик давлатларнинг ташкил топиши иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ўз анъана ва хусусиятларига эга бўлган Шарқ халқлари устидан грек-македонияликларнинг тўлиқ ғалаба қозониши деб бўлмайди. Эллинизм конкрет тарихий ҳодиса, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва маданий ҳаётда грек ва ерли хусусиятларни ўзида мужассамлантирган тарихий воқеъликдир.

Эрадан аввалги 312 йили Селевк Бобилда ўз ҳокимиятини қатъийлаштиради ва тўққиз йил давомида давлати чегарасини кенгайтира бориб, Эрон ва Марказий Осиёни ҳам эгаллайди. Аммо Марказий Осиёнинг эрксевар халқларини осонлик билан ўзига қарам этолмайди, қўзғолонлар тинчимайди. 293 йили Спитаменнинг қизи Апамадан туғилган ўғли Антиохни Марказий Осиёга ёрдамчи ҳоким этиб тайинлайди. Антиохнинг фаолияти натижасида қўзғолонлар бирмунча бостирилади. 280 йили Селевк вафот этгач, Антиох отаси ўрнини эгаллайди. Селевкийлар даврида Марказий Осиё минтақасида Александр юришлари, ундан сўнг ҳокимият учун бўлган курашлар натижасида издан чиққан нормал ҳаёт тиклана бошлайди. Лекин осойишта ҳаёт узоқ давом этмайди, марказий давлатдаги нотинчликдан жойлардаги ҳокимлар фойдаланиб, Бактрия ва Парфияни мустақил давлат деб эълон қиладилар. Юстиннинг берган маълумотига кўра "Бактриянинг минг шаҳарини ҳокими Диодот ўзини подшоҳ деб аташни бўюрган" (XLI 1,4—7), лекин бу воқеа

www.ziyouz.com kutubxonasi

қачон юз бергани ҳақида маълумот йўқ. Ҳар ҳолда Ўрта Осиёда греклар ҳукмронлиги (Греко-Бактрия) йилдан-йилга кучайиб бораётган кўчманчилар босқини ва қулдорлик тузумининг ички зиддиятлари натижасида эрадан аввалги II аср ўрталарида ўз мавқеини йўқотади.

Александрнинг Осиё ва Европа синтези ҳақида Диодор қуйидагиларни ёзади: "Александр одамларни Осиёдан Европага ва, аксинча, Европадан Осиёга кўчириш, аралаш никоҳлар ташкил этиш, халқлар ўртасида алоқа ўрнатиш йўли билан буюк қитъани бир хил фикрлаш ва қардошларча дўстликка олиб келиш йўлида иш олиб борди" (XVIII, 4,4). Плутарх эса "Александр Аристотел берган маслаҳатга амалга қилмади...Ўзини худонинг иродаси туфайли турли жойлардаги одамларни яраштирувчи, баъзиларни ишонтириш йўли, баъзиларни қурол кучи билан бирлаштирувчи, дўстлаштирувчи деб ҳисоблаб, урф-одатлар, яшаш тарзи, оила, хулқ-атвор кабиларни қориштириб юборди ва ҳаммага Ватан-бутун олам, қаср ва уй-лагерь, қардошлар — яхши одамлар, бегоналар-ёмон одамлар... эллинлик-хайрли ишларда, варварлик — ёмон ишларда деб эълон қилди" (Александр, 1,6), дейди. Албатта, Александр ўз мақсадини Плутарх айтганча аниқ шакллантирган эмас, ундай бўлиши мумкин ҳам эмас эди (одатда, ёзувчи Македония шоҳи тимсолини илоҳийлаштириб тасвирлайди). Александр сиёсий жиҳатдан мақсадини амалга оширолмади, империя бўлиниб кетди, лекин объектив қаралганда Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида ҳақиқатан аралашув, ҳар иккала қитъа халқлари маданиятининг бир-бирига таъсири, савдо алоқаларининг кенгайиши амалга ошди. Александр юришлар давомида касалланган, яраланган, кексайган ва умуман юришда иштирок этишни истамаган жангчиларни жойларда қолдирган, айниқса, жанглар кексин тус олган Бактрия ва Суғдиёнада грек-македонлар кўплаб қолдирилган, антик адибларнинг ёзишича, уларнинг сони 23 минг атрофида бўлган. Албатта, бу "аралашув" тарихда, маданиятда из қолдирмаслиги мумкин эмас эди.

Эллинизм даврида грек маданияти, аниқроғи тили ва адабиёти Александр босиб олган мамлакатлар — Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Кичик Осиё, Марказий Осиё, Эрон ва Ҳиндистонгача тарқалди ва бу халқлар маданияти билан ўзаро бойиш жараёни бошланади. Грек тили эса эллинистик давлатларга сунъий равишда бирлаштирилган халқлар (Мисрдан то Ҳиндистонгача) ўртасида алоқа этиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

воситаси вазифасини адо этади. Грек адабиёти, санъати, фалсафасидан миллионлаб одамлар баҳраманд бўладилар.

Европа олимлари кўпинча бир ёқлама таъсирни тан олиб, Шарқ таъсирини инкор этадилар (агар шундай бўлса, Александр Шарқ халқлари, шоҳлари урф-одатини қабул қилмаган бўлар эди), аслида таъсир икки ёқлама бўлган.

Афсуски, бизгача етиб келган ёзма манбаларнинг камлиги ва тўлиқ эмаслиги Александргача бўлган Марказий Осиё халқлари маданияти, турмуш тарзи, урф-одати, ижтимоий тузуми ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлишга имкон бермайди. Бор маълумотлар ҳам, юқорида айтганимиздек, Шарқ халқларини менсимай, "варвар" деб қараш нуқтаи назаридан ёзилган. Аммо сўнгги 30—40 йиллар мобайнида Марказий Осиё жумҳуриятларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган қимматли материаллар антик адиблари маълумотларини тўлдиради ва камчиликларини қисман бўлса-да, тузатишга, эллинистик маданият таъсири нимада эканини аниқлашга ёрдам беради. Баъзи Европа олимларининг Шарқ халқлари шунчалик тараққиётда орқада бўлганларки, ҳатто эллинистик таъсирни ўзлаштиришга ноқобил эдилар, деган фикрлари қанчалик ғайриилмий эканлигини археологик топилмалар исботламоқда. Марказий Осиёда юксак маданият мавжуд бўлганлиги исботининг бири "Авесто", зардуштийлик таълимоти ва юқорида кўрсатилганидек, унинг Ионияя ва Марказий Греция фани, фалсафасининг шаклланиши ва ривожига таъсиридир. Марказий Осиё маданияти ривожи Александр юришларидан кейин ҳам тўхтаб қолмади, юнон таъсирини ўзлаштириши билан бир қаторда эллинизм адабиёти, санъати, маданиятининг тараққиётига ҳам ўз навбатида таъсир этди.

Эллинистик маданиятнинг шаклланишида Шарқ катта роль ўйнади. Яқин ва Марказий Шарқда ривож этган илм-фан, айниқса астрономия, математика, табобат ва ўзига хос қишлоқ хўжалиги борлиги, греклар таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усуллари, улар билмаган озуқа, мева, полиз етиштирилишини кўрдилар. Айниқса бир-бири билан алоқаси кам бўлган мустақил шаҳар-давлатлар — полислар тузуми шароитида яшашга ўрганган келгиндилар Шарқда ягона давлат, йўлга қўйилган савдо алоқалари, шаҳарлар аро яхши йўллар ва қишлоқлар билан бирдамлик, умумий дин, ибрат олишга арзигулик кўп нарсалар борлигини кўрадилар. Ҳақиқатан Шарқ халқлари давлат тузуми, иқтисоди ва маданиятининг эл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

линизмга таъсири оз бўлмади. Умумий тил эса умумий маданият яратишнинг омили бўлди.

Александр ва унинг ворислари жорий этишга интилган иқтисодий ва сиёсий бирлик эллинизм даврида узоқ давом этмади, аммо турли халқлар маданияти қориштирмаси бўлган эллинистик маданият Европа ва Шарқ халқлари тарихида ўчмас из қолдирди ва кейинги даврлар маданиятининг шаклланишида катта роль ўйнади. Бу даврда деярли ҳамма катта шаҳарларда кутубхоналар ташкил этилди (Александриядаги кутубхонада етти юз минг ўрам асарлар тўпланган), уларда илмий ишлар олиб борилди. Худди шу даврда филологик изланишлар, матншунослик фан сифатида шаклланади.

Шарқ мамлакатларида грекларникига тақлидан мактаблар, гимназия, грек адабиёти, театрлар, грек байрамлари кенг тарқалади, грек адабиёти жанрлари Шарқ адабиётига кириб келади. Афсуски, у асарлар бизгача етиб келмаган, фақат баъзиларининг (айниқса, яҳудийлар томонидан яратилганлари) номлари сақланиб қолган, холос.

Грек адабиётининг ўзида ҳам катта ўзгаришлар рўй беради, янги ғоявий йўналиш, янги мавзу, янги жанрларни келтириб чиқаради. Ўткир сатирик мазмунга эга бўлган сиёсий комедия ўрнига бадиият жиҳатидан ишланган, шахсий ҳаётда юз бериши мумкин бўлган мураккаб воқеалар, маиший ҳаёт тарзи тасвирланган янги комедия деб аталган жанр келиб чиқади. Ғоявий ва сиёсий кураш қуроли бўлган сиёсий нотиқлик полислар йўқолиши билан ўз моҳиятини йўқотади, ўрнини Шарқ адабиётида кенг тарқалган амалдор ва шоҳларга қаратилиб айтилувчи мадҳия эгаллайди. Грек классик адабиётига хос бўлган ижтимоий муаммолар ўрнига энди шахсий, инсоний мотивлар талқин этилган асарлар юзага келади. Янги муаммони ёритувчи янги жанрлар — эпиграмма, элегия, ишқий лирика ва роман жанрлари пайдо бўлади. Асар ғояси, мазмуни майдалаша борган сари шакли, бадийяти орта боради, тумтароқлашади. Бу асарлар кенг китобхон оммаси учун эмас, балки тушуниб, қадрига етадиган маданиятли доира учунгина мўлжалланган. Эллинистик давр адабиёти юқорида айтилган специфик сабабларга кўра ўз моҳиятини қисқа даврда йўқотади, ёддан кўтарилади, бизгача, деярли, ҳеч нарса сақланиб қолмайди.

Грек романларининг энг қадимги намуналари бўлмиш Каллисфенга нисбат берилган "Александр фаолияти" ва "Нин ҳақидаги роман" Грецияда эмас, балки Мисрда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчиси Сурияда яратилганлиги, муаллифлари грек бўлмагани сўнгги даврларда аниқланди. Ҳақиқатан бу асарларнинг тарихий шахслар билан боғлиқ экани, аммо уларнинг фаолиятини бадиийлаштириб, фантастик ҳикоялар, воқеалар билан бойитиб тасвирлаш, ҳокимни мадҳ этиш Шарқда яратилган тарихий асарларга яқин. Уларнинг шаклланишида Шарқда кенг тарқалган тарих асарларининг таъсири катта.

Антик адабиётида, даставвал грек ва унинг таъсири остида рим адабиётида кенг тарқалган асосий мазмунга бир қанча кичик ҳажмдаги асарларни қўшиб жойлаштириш усули эрадан аввалги III — II асрларда, яъни эллинизм даврида, Шарқ ва Греция ўртасида маданий алоқалар авжга чиққан даврда бошланган. Аристиднинг "Милет ҳикоялари", Антоний Диогеннинг "Фуланинг нариги тарафида юз берган ажойиб саргузаштлар", Овидийнинг "Метаморфозалар", Апулейнинг "Олтин эшак" каби асарлари киритма ҳикоя жанрининг характерли намунаси, Шарқда эса, жумладан ўзбек адабиётида бу усул яқингача қўлланиб келинди.

Эллинистик даврда фақат грек адабиётигина эмас, санъат, мафкура соҳаси — фалсафа ва динда ҳам кескин ўзгаришлар рўй беради. Ҳар бир озод (яъни қул бўлмаган) инсон аввалги сиёсий эркинлигидан маҳрум бўлади, унинг ҳаёти, бахт-саодати, золим ҳоким, сиёсат, иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ, лекин бу ташқи кучларнинг бирортасини ўзгартиришга шахснинг қурби етмайди. Натижада шахс ўз қобиғига ўралиб қолади. Ана шундай шароитда фалсафа даставвал шахс масаласи, ахлоқ, одоб, мавжуд жамият тузумида қандай йўл билан инсон умидсизликка тушмай, ўз мавқеини йўқотмай ҳаёт йўлини босиб ўтиши мумкинлиги масалаларини ишлайди. Бу даврда табиат фанлари фалсафадан ажралиб, мустақил ривож этади, тадқиқотлардан назарий хулосалар чиқармайди. Эллинистик давр файласуфлари айниқса, буюк салафлар асарларини изоҳлаш, талқин этиш билан кўп шуғулланадилар. Бу даврда шаклланган фалсафий таълимотлар орасида энг муҳими Демокритнинг материалистик таълимоти асосида яратилган Эпикур (э. ав. 342/41—272) фалсафаси эди. Эпикуреизмдан ташқари стоицизм, скептицизм таълимотлари ҳам мавжуд бўлган.

Эллинизм даврида қадимий Олимп худолари дини аввалги мавқеини анча йўқотади. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар талабига полис дини жавоб беролмай қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин эллинизм яхлит диний тузум яратмади, фақат Олимп дини Шарқ халқлари эътиқодлари билан қоришишини таъминлади, холос. Шарқ халқлари "варвар" деб менсимовчи греклар эндиликда ўзларидан эскироқ маданиятга эга бўлган Шарқ халқларига мурожаат қиладилар ва ўзларида келиб чиққан мафкуравий масалаларга тайёр жавобни улардан топадилар. Дин масаласида ҳам Шарқ халқларига, жумладан яҳудий (э.ав. III асрда Библия грек тилига ағдарилади), зардуштийлик, айниқса, Митра таълимотига, Миср динларига мурожаат этадилар. Бу динлар таъсирида христиан дини, монотеизм шаклланади.

Зардуштийлик динининг грекларга таъсири қадим даврларда кучли бўлганидек, эллинизм даврида ҳам кам бўлмади, масалан, Коммаген подшоҳи Антиохнинг (э. ав. I а.) тошга ўйилган ёзувида "Зевс ва Оромазднинг осмон тахтлари" дейилади. Демак, зардуштийлик маъбуди Ахура Мазда грекларнинг бош худоси Зевс билан бир даражага қўйилади.

Эллинизм даврида, айниқса, зардуштийлик таълимоти катта роль ўйнаган, даставвал аҳдга содиқлик, кейинчалик ҳақиқат учун курашаётганлар томонида жанг қилувчи уруш худоси, буюк судья ва ниҳоят, Қуёшга йўлбошчилик қилувчи Митра эллинистик мамлакатларда кенг тарқалади. Митраизм бошқа динлар ва фалсафий таълимотларга, Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистондан то Атлантик океан соҳилларида яшаган халқлар динларига ҳам таъсир ўтказади. Митра кушанлар империяси ва Эронда энг иззат-ҳурмат этилувчи маъбуд ҳисобланган. Рим империясида ҳам бу таълимот кенг тарқалиб, антик даврнинг охирги асрларида христианликнинг энг кучли рақиби ҳисобланган.

Бу маъбуд ҳиндларда "Митра", "Авесто"да "Мисра", суғдиларда "Мишра", (яъни Авесто тилидаги "р" товуши суғди тилида "ш"га айланган, натижада "Мисша" шакли пайдо бўлган, кейинчалик "Мисра" шаклини олган , масалан "Авесто"даги "отар" олов, суғди тилида "оташ", Персополдаги қоятош ёзувида Митра "Миша" шаклида берилган). Энг қадим даврларда Митра худо ҳисобланмаган, фақат "қабила" тушунчасини билдирган (Риг-Ведада "Митра" "дўст" маъносини билдириб, кейин маъбуд бўлган, "Авесто" да "Мисра" — шартнома, аҳд ва маъбуд, суғди тилидаги шакли ҳам "дўст" ўзбек тилида "меҳр" шаклида бўлиб, қуёш, офтоб ва севги маъносини билдиради), кейинчалик мавжуд жамият тартибини сақловчи илоҳиятга айлантирилган, вақт ўтиши билан унга янги-янги вазифалар юклатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зардуштийлик мифологиясида Митра ҳақида қуйидаги афсона бор: Митра қоядан туғилган, уни чўпонлар тарбиялаган Митра Қуёш билан курашади ва бу курашда ҳеч ким ғалабага эришолмайди. Иккаласи иттифоқ тузадилар ва Митра оқ отда Қуёш олдида унга йўл кўрсатиб бориш вазифасини адо этишни устига олади. Ахура Мазда дастлабки жонивор — Ҳўкиз бунёд этади. Митра эса уни тутиб олиб, қилич билан сўяди, унинг қонидан инсонларга фойда келтирувчи ҳамма ўсимликлар ўсиб чиқади, ер эса ҳосилдорлик хусусиятига эга бўлади.

Қадимги юнон адабиётида Митра даставвал Ҳеродот "Тарихи"ининг биринчи китобида тилга олинади: Афродитани "эронийлар Митра деб атайдилар" (1, 131). Митранинг Ҳеродот томонидан берилган талқини биздаги "меҳр" шаклига яқин. Лекин кейинчалик, айниқса, эронийларда бу тушунча ўзгариб кетган. Агар Афродита гўзаллик, ишқ-муҳаббат маъбудаси бўлса, Митра Қуёшга йўлбошчилик қилувчи, нариги дунёда ўликлар устидан ҳукм чиқарувчи, дўстлик, аҳд, шартномаларга ҳомийлик қилувчи. Аммо қандай бўлмасин, эрадан аввалги V асрда Митранинг номи юнонийларга маълум бўлганлиги жиҳатидан Ҳеродот маълумоти аҳамиятли.

Хоразмда олиб борилган археологик қазилмалар чоғида Тупроқ қалъадан топилган ҳужжатларда қадим даврларда минтақада Митрага сиғиниш кенг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ерда Митра ўликлар устидан ҳукм чиқарувчи, ҳосилдорлик худоси ва сув маъбудаси Арадви Сура Анахитанинг (маъноси — нам, қудратли, покдомон) қаллиғи сифатида танилган, Хоразмда Митрани "сув берувчи", "ўсимликларни ўстирувчи", "ўғил берувчи", "ҳаёт бағишловчи" деб сифатлайдилар[1]. Марказий Осиёда Митра ва Сиёвуш тимсоллари баъзида туташиб ҳам кетади, Митра оқ отда қуёш ва кундузги ёруғлик, Сиёвуш эса қора отда тун ва қоронғулик рамзи бўлиши эҳтимол.

Эллинизм даврида Шарқ халқлари маданияти аввал Греция, кейинчалик Рим маданиятига таъсир этганидек, Миср, Марказий Осиё, Эрон динлари ҳам уларга ўз таъсирини ўтказган. Мисрликлар эътиқодидан Исида, Марказий Осиё халқлари динларидан Митра ва Анахита (грекча Анаитис) Олимп худолари қаторига қўшилади ва уларга ибодатхоналар қурилади. Грецияда Митра Апполон, Гелиос билан, Анахита Артемида ва Афина билан, Ахура Мазда Зевс билан, Сиёвуш Дионис билан тенглаштирилган[2]. Анахита ибодатхоналарида сак байрамлари ўтказилган, бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

байрамга атаб май тайёрланган, Анахита байрамлари иштирокчилари скиф, сак либосларини кийиб зиёфат ва рақсларда иштирок этганлар. Сак байрамлари Бобилда ҳам ўтказилган.

Митра номи билан боғлиқ бўлган эътиқод Ғарб мамлакатлари халқларига яқинлашган сари ўз мазмунини ва у билан боғлиқ бўлган урф-одатлар ўз шаклини ўзгартира боради. Агар Анахита ой билан боғлиқ маъбуда сифатида талқин этилса, Митра эса Қуёш билан боғлиқ ва олий илоҳият билан инсонлар ўртасида алоқа ўрнатувчи худо сифатида қаралган. Митраизм, айниқса, Римда кенг тарқалган. Ёзма манбалар сақланиб қолмагани учун бу таълимотнинг тарқалиш тарихини аниқлаш кийин, ҳар ҳолда фақат греклар таъсиригина бўлиб қолмай, Рим узоқ вақтлар Парфияга қарши уруш олиб борган, лашкарлари Марказий Осиё ўлкаларида бўлган. Албатта, улар ерли халқлар урф-одатлари билан танишиб, кўп нарса ўрганганлар. Иккинчидан, Рим билан Марказий Осиё орасида интенсив савдо алоқаси бўлган. Фикримизча, ана шу уч канал орқали митраизм Римга ўтиб, кенг тарқалган, ҳатто Миср ва Британия ороларида ҳам унга ҳайкаллар ўрнатилган. Баъзи Рим императорлари унга ҳомийлик қилганлар, исмларига "митра" сўзини ҳам қўшганлар. Митрага сиғинувчилар бир қанча синовлар, очлик, ташналик, совуқ, оғриқ каби етти поғонадан ўтишлари керак бўлган. Митраизмнинг христиан динига таъсири катта, ҳатто Митранинг туғилган куни — 25 декабрда қуёшнинг баҳорга қараб ҳаракати, кун узая бошлаши Исонинг ҳам туғилган куни деб эълон қилинган, христиан динининг баъзи урф-одатлари (тавба, муқаддас сув сепиш, Исо вафотидан сўнг олий илоҳият томонидан осмонга олиб кетилиши ва ҳ. к.), айниқса, байрам, ҳайитлар ана шу маъжусийлик динидан ўтган. Гегельнинг фикрича, Митрага хос "аломатлар ҳатто Ўрта асрларда ҳам учрайди"[3]. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида, айниқса, Италия ва Францияда кенг тарқалган ғайрирасмий диний оқимлар — бидъатлар, айниқса, альбигойлар оқими зардуштийлик таъсири остида шаклланган.

Европа мамлакатларида кейинги даврларда, ҳатто XVIII асрда ҳам, Шарқ маданияти, фани, айниқса, табобати билан таниш бўлган билимдон одамларни "маг" деб атаганлар. Оддий кишилар бу сўзга "сеҳргар" маъносини берганлар. XIX асрда яшаган француз шарқшуноси Гюи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг маълумот беришича, "Испанияда араб фанини ўрганганлар ватанларига маг бўлиб қайтар эканлар"[4]. Европа мамлакатларида ва Россияда кенг тарқалган "магистр" илмий даражаси номи ҳам "муғ" — "маг" билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрга келдик.

"Авесто"нинг тарихи, талқини Европада асрлар давомида кўплаб олимларни қизиқтириб келмоқда (Г. Лорд, Т. Хайд, А. Дю Перрон, Р. Раск, Гердер, Э. Бюрнуф, Х. Бартоломе, Ф. Альтхайм, Гегель, И. Маркварт, С. Ф. Ольденбург, Г. Виденгрен, Е. Бенвенист, И. М. Дьяконов, М. Бойс ва б.). Бу қизиқиш жаҳон классикасидан ўрин олган бадиий асарларда ҳам ўз аксини топган (Ж. Свифтнинг "Гулливернинг саёҳати" — "Лапутуга саёҳат", Гётенинг "Ғарбий-Шарқий девони" ва б.). Немис файласуфи Ф. В. Ницше ўзининг зўравонлик таълимотини Зардушт номи билан боғлайди ва 1885 йили Лейпцигда "Заратустра шундай деган" номли аллегорик-фалсафий рисоласини чоп эттиради.

Асар насрий достон сифатида ёзилган. Мазмуни: Заратустра баланд тоғда ўн йил мутлақ ёлғизликда яшайди. Қуёшга мурожаат этиб нутқлар сўзлайди, пировардида ерга тушиб, ўзининг ҳаёт ҳақидаги ўй-фикрларини одамларга айтса, улар донишмандни тушунмайдилар. Унинг асосий фикри олий инсон ("сверх человек") ғоясини тасдиқлаш, "олий инсоннинг қўлидан ҳамма иш келади". "Донолик-ботирлик ҳеч нарсага парво қилмай зўравонлик қилишга лаёқатли эканликдадир", "олий инсонлар бошқаларга йўлбошчилик қилмоғи лозим" каби зўравонлик, босқинчиликни тарғиб этувчи ғояларни олға суришдир. Ницше асарида Зардушт номидан бошқа бу таълимотга алоқадор бирорта сўз ҳам йўқ, аксинча унинг тескариси бўлган ғоялар тарғиб этилади.

"Авесто" француз, немис ва инглиз тилларига таржима этилган. 1990 йили эса Ленинград Давлат университетининг эроншунослик кафедрасининг профессори И. М. Стеблин-Каменский "Авесто"нинг етти яштини шеърий усулда рус тилига ағдарди. ЮНЕСКО 1990 йилни "Авесто" йили деб эълон қилган.

Эрадан аввалги IV асрдан бошлаб Марказий Осиё халқлари тарихида янги давр бошланади. Ҳиндистондан то Европагача, Европадан то Мисргача бўлган ҳудудни ўз ичига олган эллинистик давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётида Марказий Осиё халқлари ҳам иштирок этадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эллинистик давр маданияти, яъни грек ва Шарқ халқлари маданиятини умумлаштириш жараёни Александр юришларидан аввал бошланган эди, аммо юришлар натижасида ва эллинизм даврида, айниқса, кенг тус олди. Таъсирнинг характери ҳам ўзгарди, агар аввал фавқуллодда руҳда бўлса, эндиликда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт талабига биноан онгли равишда маданиятларни қориштирма этиш жараёни бошланди.

.Қадимги ҳинд, ахмоний ва юнон манбаларида Бактрия вилоятига алоҳида аҳамият берилади. Бактрияга Александрнинг муносабати ҳам бошқача бўлган. Шоҳ Бактрия амалдорлари ва зодагонлари билан яқинлашишга уринган. Минтақа ҳокимларидан бирининг қизи бўлмиш Рахшонага уйланишининг фақат бир кўришдаги муҳаббатдан ташқари сиёсий сабаблари ҳам бўлса керак. Александр Бактрия шаҳарларида грек ва македон лашкарларидан кўпроқ қолдиришга уринган. Албатта, бундай муносабатнинг тарихий сабаблари бор эди. Минтақа Ипак йўли, Ғарб ва Шарқ савдо йўлининг муҳим қисмида жойлашганлиги туфайли бошқа вилоятларга нисбатан иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан аввалроқ ривожланган. Бу вилоятнинг Иония ва Марказий Греция билан алоқаси ҳам аввалроқ бошланган (Амударё хазинаси деб аталувчи санъат буюмлари, кўплаб топилган пуллар бунинг исботи). Ана шундай замин бўлгани учун ҳам эллинизм даврида Бактрияда эллинлаштириш жараёни аввал ва тез ўтди (Парфия ва Хоразмда бу жараён анча кечикди). Бактриянинг грек подшоҳлари Диодот, Евтидем, Евкратид, Антимах кабилар вилоятни Грециянинг бир қисми деб қараганлар. Агар Парфия, Суғдиёна ва Хоразм учун эллинистик маданият намуналари эрадан аввалги III-II асрларда мода, расм сифатида қабул қилинса, Бактрияда маданиятнинг тадрижий тараққиёти маҳсули сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам эллинистик санъат намуналари, айниқса, Бактрияда етук тус олган.

Антик адиблари "Минг шаҳарли Бактрия" дейдилар. Ҳақиқатан бу водийда (Амударёнинг икки соҳили, Ўзбекистоннинг жануби ва Афғонистоннинг шимоли) археологлар кўплаб катта ва кичик шаҳарлар вайронасини топдилар[5].

Агар Александрдан аввал греклар Бактрия ва Ҳиндистонни жудо узоқ ўлкалар, дунёнинг чеккаси деб тасаввур этсалар, Македония шоҳи юришлари бу тасаввурни пучга чиқаради, юришлар жараёнида минглаб лаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

карлар бу ерларда ўтроқлашиб қоладилар. Эллинизм даврида эса кўплари кўчиб келганлар. Эрадан аввалги III аср ўрталарида Бактрия Диодот раҳбарлигида Селевклар давлатидан ажралиб чиқади ва ўзини мустақил давлат деб эълон қилади. Натижада Бактрияда қулдорликка асосланган греклар ҳукмронлигидаги давлат ташкил топади. Бактрия ҳокимлари, айниқса, Евтидем ва Евкратидлар колониялаштириш сиёсати олиб борадилар, ҳатто жанубий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни ҳам босиб оладилар.

Бактриянинг грек шоҳлари грек полислари усулида шаҳарлар қурадилар, бинолар қурилишида эса, грек ва шарқ элементлари ишлатилади. Археологлар Г. А. Кошеленко ва З. В. Сердитихларнинг фикрича, "шаҳар аҳолисининг кўпчилиги греклар бўлган", улар қишлоқларда ҳам яшаганлар[6].

Греклар Бактрияда қурган шаҳарларнинг ҳозиргача маълум бўлганининг энг йириги Афғонистоннинг шимолида жойлашган Александрия Оксиана, яъни Аму Александрияси (ҳозирги номи Ойхоним). Бу шаҳар 400 гектар ерни ишғол этган. Унда театр, гимнасий (саводи чиққан болалар илмий ва жисмоний камолот топганлар), кутубхона, хазина, грек худоларига ибодатхоналар, давлат идоралари, қасрлар, саройлар, ҳайкаллар билан безатилган бўлиб фонтан, шахсий ҳовлилар мавжуд эканлигини француз археологлари аниқлашди. Шаҳар эрадан аввалги IV асрда барпо этилиб, эрадан аввалги 147 йиллар атрофида кўчманчилар тажовузи остида вайрон этилган[7]. Ойхонимни кавлаган француз олимлари Д. Шлюмберже ва Поль Бернарлар грекча ёзувли икки папирус парчалари топганлар, уларнинг бирида фалсафий мазмундаги диалог, иккинчисида шеър бўлган. Афсуски, намгарчиликда кутубхонанинг ер полига ёзув из бўлиб тушган, ерда ҳам, пергаментда ҳам сақланган ёзув изини ўқиб бўлмаган. Археологлар топилган идишларда грекча ёзувлар (идишдаги нарсалар номи, оғирлиги ва ҳоказо) бўлганини аниқлаганлар.

Бактрияда Ойхонимдан бошқа Кофир қалъа, Емиштепа, Дилбержин, Саксонохур, Тахти Сангин, Ёвон, Томошотепа, Халчаян, Ёрқўрғон, Канка каби эллинистик типдаги шаҳарлар мавжуд бўлганлигини археологлар аниқлаганлар. Тўғри, булар Александрия Оксиана даражасига кўтарила олмаганлар. Лекин бу шаҳарларнинг очилиши грек шоҳлари Бактрияда ҳукмронлик қилган даврларда элли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нистик маданият, санъат бутун вилоят бўйлаб кенг тарқалганлигини исботлайди. Шу ўринда агар ички иқтисодий-ижтимоий шароит ташқаридан бўлган таъсирни қабул қилиб олиш ва ривожлантириш даражасида бўлмаса ҳар қандай кучли таъсир ҳам ерли маданиятга сингмаслиги ва из қолдирмаслигини яна бир бор эслаб ўтишни лозим кўрдик. Ҳақиқатан, минтақада юзага келган тарихий шароит эллинистик маданиятни ўзлаштириш ва ўзи ҳам унинг юксак намуналарини яратишга қодирлигини таъминлади.

Бактрияда эллинистик услубда яратилган санъат буюмлари, расмларни пулларда тасвирлаш маҳорати юксак бўлган. Бу ҳақда Санкт-Петербурглик олима К. В. Тревер шундай дейди: "Портретларни пулларда ажойиб, ўта реалистик тасвирлай олиш жиҳатидан грек-бактрия санъати Греция ва Суриянинг пулда тасвирлай билиш санъатидан ўзиб кетган... Рассомлар ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини индивидуал равишда реалистик бера олганлар"[9], дейди. Бу фикрни замонавий олимлар ҳам (Маршак Б. И., Кругликова И. Т. ва б.) қувватлайдилар. Бактрия пуллари грек анъанасини давом эттириб, бир томонда подшоҳ портрети, иккинчи томонда шаҳарга ҳомийлик қилувчи худо ва мифологик сюжет тасвирланган. Уларни юксак санъат намунаси дейиш мумкин.

√Бактриядан ташқари, бир оз кейинроқ, Суғдиёна, Парфия, Хоразмда ҳам эллинистик маданият таъсири остида яратилган архитектура ва санъат ёдгорликлари топилган. Уларда ҳам эллинистик тимсол ва шакллар ерли бадиий анъаналарга биноан қайта ишланганлигини кўрамиз[10]. Қизиғи шундаки, Марказий Осиёнинг эллинлашган марказларида ишланган санъат буюмларини кўчманчилар Евроосиё чўлликларига ҳам тарқатганлар. Ҳалигача Урол, Олтой, Қозоғистон[11] қўрғонларида Амударё хазинасидаги буюмларга яқин бўлган санъат асарлари топилмоқда[12].√

Марказий Осиё ва Шимолий Афғонистонда ривожланган эллинистик санъат асарларини мавзу жиҳатидан уч гуруҳга ажратиш мумкин: диний, эпик ва фольклор билан боқлиқ бўлган асарлар. Айниқса, эр. ав. IV-II асрларда Бактрияда ривожланган эллинистик санъат диний эътиқод билан боғлиқ эди.

Марказий Осиёда эллинизм даврида Олимп худолари билан ерли маъбудлар тимсоллари ва вазифалари бирлаштирилади. Ахура-Мазда-Зевс, Митра-Зевс, Апполон, Ника-Тюхе-Хванинда, Анахита-Афина, Посейдон-Вахшу ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

б. Қизиғи шундаки, кўп ўринларда грек худолари ерли кийимда, қиёфада тасвирланганлар, масалан, Митранинг бошидан нур сочиб турган қиёфаси Зевс, Гелиос, Ҳераклга кўчирилган, ёки аксинча ерли маъбуда Хванинда Грецияда ғалаба маъбудаси Ника (Тюхе) рамзлари-гулдаста ва уч тишли асбоб билан тасвирланади. Булардан ташқари, минтақада Диоскурлар, Дионис эътиқодлари ҳам кенг тарқалган (Бандиҳонда Ҳеракл ҳайкалчалари тайёрловчи қолип, Ойхонимда Зевснинг катта ҳайкалининг парчаланган бўлаклари, яна 12 Олимп худоларининг тасвири туширилган гипс қолип, Дионис культининг Шарқ мамлакатларида кенг тарқалгани ҳақида Еврипид "Вакханкалар" трагедиясида ёзган, Еврипиддан олинган парчани Страбон ҳам келтирган-1,11,20). Грек маданияти билан танишмасдан аввал Марказий Осиё халқларида худоларни инсон шаклида тасвирлаш бўлмаган. Эрадан аввалги V асрда эроншоҳлар томонидан минтақа босиб олингач, халқлар Эрон орқали Ионня ва Греция маданияти билан танишганлар. Шу даврдан бошлаб ерли худоларни одам шаклидаги ҳайкал ва ҳайкалчаларда тасвирлаганлар[13]. Худолар тасвиридан ташқари биноларни қуйма тасвирлар билан безаш, колонналар, биноларни режалаштиришлар ҳам Эллада санъати, архитектураси таъсири остида бўлган. Халчаянда топилган ҳайкаллар, ўғил болалар тутиб турган гул шодалари тасвири бунга ёрқин мисол бўла олади. Санъатшунос олим Л. И. Ремпельнинг хабарига кўра"... Марказий Осиёга бостириб кирган араблар ерли олтин ва кумушдан бўлган санамларни эритишдан анчагина катта бойлик орттирганлар"[14].

Маълумки, Александр юришлари натижасида Суғдиёна, Самарқанд катта талафот кўрган. Аммо бу минтақада ҳам ҳаёт секин-аста изга тушган, ҳунармандчилик, савдо, қишлоқ хўжалиги йўлга қўйилган, эллинистик ва суғд маданиятининг икки ёқлама бойиш жараёни амалга ошган. Суғдиёнада эллинистик маданиятнинг маркази Самарқанд бўлган, лекин бу минтақада эллинистик пуллар, грек идишлари, тақлидий яратилган буюмлар бўлса-да, Бактрия масштабида эмас. Бу минтақада эллинистик усулда қурилган шаҳарлар ҳалигача топилмаган, аммо кейинроқ барпо этилган шаҳарларда (Афросиёб, Панжикент) эллинистик маданият элементлари бор.

Александр юришлари натижасида ташкил этилган империяда грек тили ва ёзуви расмий давлат тили, ёзуви сифатида қабул қилинган эди. Эллинизм даврида бу тил

www.ziyouz.com kutubxonasi

уз мавқеини янада мустаҳкамлади. Ҳиндистондан то Италиягача бўлган ҳудудда яшаган халқлар ўзаро грек тили ёрдамида фикр алмашадилар, у иккинчи тилга айланади, ҳатто Парфияда ҳам грек тили анча юқори мавқега эга бўлади. Тил бирлиги, ўз навбатида, маданиятлар, адабиёт яқинлигига олиб келади. Аммо, афсуски, адабий алоқалар ҳақида деярли ҳеч қандай материал бизгача етиб келмаган, турли урушлар, айниқса, араблар истилоси даврида китоблар шафқатсиз куйдирилган. "XVI-XVIII асрлардаги Ўрта Осиё миниатюраси" альбом муқаддимасида Санкт-Петербурглик олима Н. В. Дьяконова "Усрушона афшинининг ислом динига хиёнатда айбланиши сабабларидан бири (аббосийлардан бўлган халифа Мустаъсим даврида — 218-228/833-842 йиллар) қийматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган аждодларнинг ғайридиний китобларини кимхобларга ўраб асраши бўлган" [15], дейди.

Шарқ мамлакатларида грек тилида асарлар яратилгани ҳақида маълумотлар бор, аммо улар сақланиб қолмаган [16]. Тўғри, ўша даврнинг маданий марказлари бўлмиш Александрия, Пергам, Косс каби шаҳарларда ривожланган грек адабиётини яратишда эллинистик мамлакатлардан чиққан адиблар (уларнинг маълум қисми, албатта, грек бўлмаганлар) ҳам иштирок этганлар. Лекин бу марказларда яратилган асарлар хусусият, услуб, маҳорат жиҳатидан грек адабиётининг тадрижий давоми, ажралмас қисмини ташкил этади. Юқорида айтилганларни назарда тутганимизда эллинистик маданият таъсири кучли бўлган Бактрияда ҳам адабий асарлар яратилиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Бизгача Парфияда Артемон ўғли Ҳеродор (э. ав. III-II аср) томонидан ёзилган уч эпиграмма ва Аполлонга бағишланган лирик ода етиб келган, холос [17].

Бадиий асарлардан кўра тарихий асарлар кўпроқ яратилган бўлса керак (артемиялик Аполлодорнинг "Парфия тарихи" ва б.), улардан парчалар бошқа муаллифлар асарларида сақланган.

Шарқ мамлакатларида миллий адабиёт ҳам ўз навбатида ривожланган айниқса, парфия тилида бой адабиёт бўлган. Немис олими Ф.Альтхайм "Александр ва Осиё" асарида араб манбаларига суянган ҳолда Парфия шоҳлари даврида яратилган етмишга яқин бадиий асарлар бўлгани ҳақида маълумот беради [18]. Албатта, буларга ҳам грек адабиётининг таъсири ўтиши табиий ҳол эди. Александр ўзи билан бирга шоирлар, тарихчилар, актёрларни олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юргани, жойларда шеърхонликлар, театр ўйинлари уюштирганй ва Ҳомер асарларини олиб юриб доим ўқигани ва мажлисларда кўпчилик учун ўқитгани ҳақида маълумотлар борлигини юқорида айтган эдик. Плутарх ва Элиан эса Ҳомер асарларини Эрондан то Ҳиндистонгача бўлган масофада яшаган халқлар ўқиганлар дейди ("Ҳомер достонларини фақат ҳиндларгина эмас, эроншоҳлар ҳам ўз тилларига ағдариб ўқийдилар ва куйлайдилар" — Элиан, XII,48). Плутархнинг маълумотига кўра Бактрия ва Парфия шоҳлари саройларида Софокл ва Еврипид трагедиялари ўйналган. Фикримизча, бу маълумот ҳақиқатдан узоқ бўлмаса керак, грек театри бўлгандан кейин, албатта, унда грек трагедия ва комедиялари ўйналган. Ойхонимда эса "Илиада" мазмунига алоқадор тасвир туширилган идиш топилган. Албатта, буларнинг ҳаммаси адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий, аммо уларнинг намуналари сақланиб қолмаган.

Эрадан аввалги III асрда Марказий Осиё ва Хуросонда Грек-Бактрия давлатидан ташқари иккинчи қудратли давлат Парфия ташкил топди. Парфия ҳам Селевкийларга бўйсунган бўлиб, III аср ўрталарида, Бактриядан кейин ўзини мустақил давлат деб эълон қилди. Қадимги Рим тарихчиси Юстин (II аср) "Бу даврда келиб чиқиши номаълум бўлган, лекин ўта жасур Арсак яшаган. Одатда, у қароқчилик билан шуғулланган. Селевк Осиёда мағлубиятга учради деган хабарни эшитиб, энди шоҳдан қўрқмай қароқчилар билан парфларга ҳужум қилади, уларнинг ҳокими Андрогорни енгади, уни ўлдириб, халқ устидан ҳоким бўлади" (X, I, 4-7), дейди. Страбоннинг фикрича, "баъзилар Арсакни скифлардан десалар, бошқалар аксинча, уни бактриялик дейдилар" (XI, 9, 3).

Парфия Митридат I (э.ав. 171-138/37 йиллар) даврида ўз ерларини кенгайтиради, Ғарбий Эрон, Мидия, Месопотамияни қўшиб олади, айниқса, Митридат II (123-87) даврида дунёдаги тўрт буюк давлатнинг (Рим, Хитой, Кушан империяси ва Парфия) бирига айланади. Ефрат дарёси Рим ва Парфияни ажратиб турувчи чегара бўлган, аммо Римнинг агрессив сиёсати натижасида икки давлат ўртасида тез-тез тўқнашувлар бўлиб турган. Агар эрадан аввалги 65-йилдаги тўқнашувда римликлар устун чиққан бўлса, 54-йилда машҳур лашкарбоши Красс раҳбарлигидаги рим армиясини парфиянлар тор-мор этади ва лашкарбоши ҳалок бўлади. Афсона ёки парфянлар эпик асарида берилган маълумотга биноан шоҳ Ород II Красс

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошини чоптириб, оғзига эритилган олтин қуйдиради ва "Сен ҳеч бойликка тўймагансан, энди тўйгин" дейди. Юқорида айтганимиздек, бу ўринда Ҳеродотда келтирилган Кир ҳалокати ва малика Томирис сўзларининг таъсири остида Красс ҳалокати ҳақидаги ҳикоят яратилган бўлса керак. Рим шоири Ҳораций қасидаларида (III, 5, 5) айтилишича, асир тушган римликлар Марв шаҳри атрофига жойлаштирилган, улар парфянлар лашкарлари билан хизмат қилганлар ва оила қуриб, ўтроқлашиб қолганлар. Баъзилари минтақада тарқалиб, ҳатто Хитойгача борганлари ҳақида маълумотлар хитой манбаларида сақланган.

Ўзбекистонлик археолог олим М. Е. Массон раҳбарлигидаги гуруҳ Ашхобод яқинида 30-50 йилларда Ниса (Насоим) вайроналарини ковлаб, катта кашфиётлар қилди. Натижада Парфия санъати намуналари асосан Нисада сақланиб қолганлиги маълум бўлди. Булар мармар тош, сопол ва оддий лойдан ишланиб, устидан алебастр қопланган ҳайкал ва ҳайкалчалар, май ичиш учун идиш-ритонлар ва муҳрлардир.

Мармар ҳайкаллар эллинистик давр маҳсули бўлиб, уларда, асосан илоҳий персонажлар тасвирланган. Изланишлар натижасида Ниса маъбудаси Родогуна, греклар эътиқодида гўзаллик, ишқ-муҳаббат маъбудаси Афродитанинг боши, Артемиданинг оёғи топилган. Ҳайкалчалар орасида Афинанинг олтин суви берилган кумуш тасвири, ишқ маъбуди Эротнинг кумуш ҳайкалчаси бадиияти билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ритонлар фил суягидан ишланган бўлиб, уларда ўн икки Олимп худолари, Пенфея ҳақидаги миф, Дионисий байрамлари каби сюжетлар ўйиб ишланган. Қизиғи шундаки, миф грекча, персонажлар кийими, қиёфаси ерли, кўпинча ерли афсона грек мифи билан контаминация этилган, лекин соф ерли мазмун ҳам бор, масалан, Гопатшоҳ тасвири.

Муҳрларда турли-туман тасвирлар билан бир қаторда соф грекча мазмун, Зевс, Афина, Афродита каби худолар тасвири берилган.

Самарқанд яқинидаги Панжикентда топилган деворларга ишланган расмларда тумшуғида ленталик гулчамбар ёки ҳалқа ушлаб турган қуш тасвирланган. Бу тимсол грек ва рим санъатида кенг тарқалган бўлиб, бу символик образ Марказий Осиёда Парфия даврида пайдо бўлган. Қуш тимсоли Грецияда Ника ва Зевснинг бургути ҳақидаги миф билан боғлиқ. Парфияда аввал Ника шоҳ бошига

www.ziyouz.com kutubxonasi

лентали гулчамбар кийдирувчи сифатида пулларда зарб этилган бўлса, кейинроқ Зевс ва бургут тасвирланади. Фраат IV пулларида эса фақат гулчамбар тумшуғида ушлаб турган қуш тасвири зарб этилади. Ника ўрнини бургут эгаллайди (Ника ва бургут тимсоллари Парфиянинг Яқин Шарқда сақланиб қолган санъат ёдгорликларида ҳам кўп учрайди). Ҳам Ника, ҳам Зевс бургути бўлажак шоҳга худолар тортиғи, тожни символлаштирувчи гулчамбар келтирадилар. Шоҳ бошига гулчамбар кийдираётган Ника тасвирланган пуллар Хоразмда ҳам зарб этилган. Бу ўринда ўзбек эртакларида учрайдиган бошига қуш қўнган одамни подшоҳ этиб сайлаш ёки "давлат қуши" ибораси ҳам балки Зевс бургути билан боғлиқдир, деган фикр туғилди.

Парфияда грек ёзуви қўлланса-да, Нисадан фақат арамей ёзувида битилган хўжаликка оид материаллар топилган. Парфия шоҳи Митридат II пулларда ўзини адолатли ва саҳоватли шаҳаншоҳ" деб атаб, "филэллин" (панэллин) ҳам дейди. Плутархнинг хабарига кўра шоҳ Ород II грек тилини яхши билган ва грек трагедияларини театрда ўйнатган.

Рим адиби Помпей Трог "Филипп тарихи" асарининг қирқ биринчи китоби дебочасида "Бактрия ва Суғдиёнани скиф қабилалари сарауклар ва осиёнлар босиб олишди", дейди. Хитой манбаларида эса хуннлар юечлар ерларини эгаллагач, улар Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёга кўчганлар[19], дейилади. Хитой манбаларига биноан Марказий Осиёда яшовчи бир қанча қабила ва элатлар билан тўқнашувлардан сўнг юечлар эрадан аввалги II асрнинг охирги чорагида Бактрия ерларига жойлашадилар[20]. Антик адиблари юечлар номини умуман тилга олмайдилар, юқоридаги воқеани Страбон қуйидагича тасвирлайди: "Бу кўчманчилардан Бактрияни греклардан тортиб олган осийлар, пасианлар, тохар ва сакаравларнинг довруғи тарқалади, улар Яксартнинг нариги соҳилидан, сак ва суғдилар томонидан ишғол этилган вилоят яқинидан келганлар" (XI, 8,2). Помпей Трог ҳам "Бактрия ва Суғдиёнани скиф қабилалари сарауклар ва осийлар босиб олдилар" (XI китоб муқаддимаси) дейди. Ҳалигача Хитой манбаларида "юеч" деб аталган халқ кимлар эканини олимлар аниқлай олмадилар. Қандай бўлмасин, юечларнинг пайдо бўлиши Марказий Осиё ва унга яқин ерлардаги (Шарқий Туркистон, Еттисув) кўчманчиларни ҳаракатга келтиради, улар Бактрия ва Суғдиёнани босиб оладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрамизнинг бошларида Бактрия ва шимолий Ҳиндистондаги грек давлатлари вайроналарида Кушан империяси ташкил топган. Бу тарихий воқеанинг аниқ, ҳатто тахминий йили номаълум, кушанлар кимлар ва қаердан келдилар деган саволга ҳам ҳалигача жавоб йўқ. Хитой манбаларига қараганда кушанлар юечларга тааллуқли бир қабила. Ҳар ҳолда қандай бўлмасин, эрамизнинг бошланғич асрларида Кушан империяси жаҳондаги тўрт буюк империянинг бирига айланган. Британия оролларидан то Тинч океан соҳилларигача бўлган энг маданий илғор ўлкалар Рим, Парфия, Хитой ва Кушанлар империяларига қарам этилган. Бу тўрт империя ўзаро қалин алоқа ўрнатадилар. Инсоният тарихида қитъалараро савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатилади. Буюк Ипак йўли расмий тан олинади ва давлатлараро савдо алоқалари кучаяди. Шарқ ва Ғарб ўртасида Ҳинд океани орқали денгиз йўли ҳам очилади (Кушан пуллари Киев, Эфиопия, Скандинавия, Римда топилса, Рим пуллари Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистонда топилмоқда), Кушанлар империяси IV асрда Сосонийлар томонидан тор-мор этилади.

Кушанлар империяси Марказий Осиё жануби, Шимолий Афғонистон, шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг талайгина ҳудудини ўз ичига олган бўлса-да, уни ҳинд давлати деб бўлмайди. Кушанларнинг асосий ўзаги қадимий маданият ўчоғи бўлмиш Бактрия эди.

Ўзига хос ва мураккаб кушанлар дунёси "уч компонент — ерли, Бактрия-эллинистик ва Марказий Осиёга қўшни бўлган Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Эрон маданияти билан ҳамоҳанг бўлган кўчманчилар маданияти элементларидан шаклланади"[21]. Ўз навбатида, кушанлар маданияти Сосонийлар даври Эрон маданиятининг шаклланишига катта таъсир этди. "Маълумки, Сосонийлар санъати эса нафақат Эрон, ҳам Византия, ҳам роман, ҳам рус, ҳам хитой санъати шаклланишида катта роль ўйнади"[22].

Ҳақиқатан кушанлар маданияти гибрид характерда экани аниқ, лекин унда асосни грек-бактрия эллинистик маданияти ташкил этса-да кўчманчи халқлар ва ҳинд-буддизм маданиятларининг таъсири ҳам кучли. Ҳатто Б.Ғофуровнинг фикрича, "ерли анъана кушан санъатида етакчи роль ўйнайди... ва грек-рим санъатининг энг ажойиб анъаналари билан органик равишда уйғунлашади"[23]. Мафкура соҳасида ҳам Кушанлар даврида қизиқ бир ҳолат ҳукм сурган — буддизм ва турли-туман ҳинд эътиқодлари, зороастризм, монийлик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўчманчи қабила ва элатларнинг эътиқодлари мавжуд бўлган. Кушан шоҳлари зарб этган пулларда Амударё маъбуди Вахшо, Митра, ғалаба худоси Хванинда, шамол худоси Вадо, олов худоси Фарро, Месопотамиянинг буюк она худоси Нана, грек худолари Гелиос, Ника, Селена, Миср худоси Сарапис, Будда ва турли-туман ҳинд эътиқодлари персонажлари тасвирлари туширилган. Динлар ва фалсафий системаларнинг бирқанчалари бир давлат, бир сиёсий тузумда бундай дўстона яшаши инсоният тарихида ҳеч қаерда учрамайди. Кушанлар даври мафкурасига хос бу хусусият санъатда ҳам ўз аксини топган. Худди ана шу даврдан бошлаб Буддани инсон қиёфасида тасвирлаш Бактрияда тарқалади[24]. Грек худолари ва мифологик персонажлар ерли қиёфа ва либосларда тасвирланадилар ва ҳоказо.

II-III асрда Бактрияда ва Марказий Осиёнинг бошқа маданий марказларида антик грек услубида ишланган металл идишлар ҳам бўлган. Буларнинг иккитасида Еврипид трагедиялари сюжетлари, бирида Вакх байрами, яна бирида Ҳомер "Илиада" сига оид воқеа тасвирланган. Б. Маршакнинг фикрича, "бу идишлар грек сюжетларини билмаган ёки яхши тушунмаган муҳитда яратилган, лекин иккинчи томондан усталар грек тасвирини грекча кўринишда беришга уринганлар"[25]. Булар ва Г. А. Пугаченкова Жанубий Ўзбекистонда очган Халчаян саройи санъати Марказий Осиёда Кушанлар даврида эллинистик санъат анъаналарининг давом этганининг исботидир (Афина, Апполон, Ника, гул ушлаб турувчилар ҳайкаллари). Кушанлар давлат тили сифатида бактрия тилини қабул қилдилар. Бактрия анъанасини давом эттириб, грек алифбосини ҳам сақлаб қолдилар, фақат битта ҳарф қўшиб баъзиларини ўзгартирдилар. Қадимий ёзувлар мутахассиси, профессор В. А. Лившицнинг фикрича, "Бактрия ёзуви VIII асрда ҳам қўлланилган, балки XII асрда ҳам мавжуд бўлган..."[26]. Демак, грек ёзуви Марказий Осиёда минг йилдан анча ортиқ қўлланилган. Бу ёзувнинг кичик намуналари Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистонда топилган бўлиб, кейинча Афғонистонда Қундуз яқинидаги Сурх-Котал деган жойда кушан ёзувидаги бир қанча намуналари сақланган. Булар асосан эроншоҳлар ҳужжатларини эслатади, лекин шоҳлар, Ахура Мазда мадҳияси Сурх-Котал ёзувларида йўқ.

Кушанлар даврида Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу давр ерли,

www.ziyouz.com kutubxonasi

грек, рим, ҳинд ва кўчманчи халқлар маданияти, анъаналари, ҳаёт тарзи қориштирмаси шаклланаётган мураккаб, ва айни вақтда, зиддиятли давр эди. Аммо худди шу даврда Марказий Осиё халқлари антик санъатининг энг буюк намуналари-монументал расмлар, катта ва кичик ҳайкаллар, амалий санъатнинг ажойиб намуналарини яратган эдилар.

Шарқ ва Ғарб халқлари иқтисодий, ижтимоий ҳаётида рўй берган интенсив ўзаро алоқалар, илм, фалсафа, санъат соҳасида бўлган икки ёқлама таъсир жараёнида адабиёт иштирок этмаслиги ҳеч мумкин эмас. Шарқ халқлари вакиллари томонидан грек тилида асарлар ёзилгани ҳақида маълумотлар бўлса-да, бирорта асардан парча ҳам сақланиб қолмаган. Тўғри, Александрия ва Пергамда грек адабиётининг вужудга келишида Шарқ мамлакатларидан чиққан адиблар ҳам иштирок этганлар, лекин ҳозир у адиблар қайси халқ вакили эканини аниқлаб бўлмайди. Аниқлашнинг аҳамияти ҳам йўқ, чунки Александрия адабиёти умум грек адабиёти йўналишини давом эттирган. Афсуски, Шарқ мамлакатларида яратилган бадиий адабиёт намуналари бизгача сақланиб қолмаган, фақат халқ оғзаки ижоди баъзи маълумотларни етказиб келган. Бу ўринда асосий материални дидактик жанрлар, айниқса, масаллардан топамиз.

Қадимий юнон афсонавий масалчиси Эзоп (э. ав. VI-V а) масаллари Месопотамия, яҳудий ва ҳинд масалларига яқин эканлиги ҳақида олимлар ёзганлар (П. А. Гринцер ва б).

Эзоп ҳақидаги энг қадимий маълумот Ҳеродот "Тарихи"да берилади: "...масал ёзувчи қул Эзоп ҳам бор эди" (11, 134). Қадим юнон адабиётида Эзоп ҳақида бошқа маълумот бўлмаган, ҳатто антик даврдаёқ тарихий шахс бўлганми ёки афсонавийми, деган саволга жавоб бўлмаган. Бизга маълум бўлган масаллар тўплами "эрадан аввалги II-I асрларда қайсидир бир эллинистик Шарқ мамлакатида яратилган бўлса керак"[27]. Тўплам "Философ Ксанф ва унинг қули Эзоп ҳақида ҳикоят ёки Эзоп саргузаштлари" деб аталиб, унда Эзоп номи билан боғлиқ бўлган масаллардан ташқари масалчи ҳақидаги кўплаб афсоналар ҳам тўпланган.

Эзоп номи билан боғлиқ бўлган бир қанча масалларга ўхшаш мазмун ҳинд адабиётининг кўҳна намунаси "Калила ва Димна" (бу асар асримиз бошида Византияда "Стефанит ва Ихнилат" номи остида грек тилига таржима

www.ziyouz.com kutubxonasi

этилган), арамей адабиёти намунаси "Ахикар ҳақида ҳикоят", шумерлар асари "Хаттотнинг ўғлига насиҳати", яҳудийлар асари "Соломоннинг рамзли ҳикоятлари" ва Шарқ халқларида кенг тарқалган ибратли ҳикоятларда кўп учрайди. Албатта, бу ўринда тўғридан-тўғри таъсир ҳақида фикр юритиш тўғри бўлмас, бир хил ижтимоий шароит ўхшаш ҳолат ва мазмунларни келтириб чиқарган бўлса керак деб ўйлаймиз. Аммо юнон масалларининг Марказий Осиё халқлари ўртасида тарқалиши бутунлай бошқача характерга эга. Марказий Осиё халқлари греклар билан даставвал эрадан аввалги VI асрда, айниқса, Александр юришлари ва Грек-Бактрия давлати мавжуд бўлган даврларда учрашар экан, минтақада театр, кутубхона ва гимнасий каби грек оқартув муассасалари мавжуд экан, бу маданий алоқа жараёнидан масал четда қолиши мумкинмиди? Фикримизча, йўқ. Чунки масал жанрига хос хусусият, халқ ҳаёти, ижодига яқинлиги туфайли бошқа жанрларга нисбатан тез ўзлаштирилган. Айниқса, Шарқ халқларига хос панд-насиҳат характеридаги адабиётнинг кенг тарқалиши Эзоп масалларининг ҳам кенг тарқалишига олиб келди, масал катталарнинг кичикларга, юқори табақа вакилларининг пастдагиларга панд-насиҳат воситаси бўлган.

Эзоп номи билан Шарқ, жумладан Марказий Осиё халқлари таниш эмас, масаллар Луқмон номи билан боғлиқ бўлган.

Қуръоннинг 31-сурасида Аллоҳ тилидан "Лақад аътайна Луқмон ал ҳикмата", яъни — Биз Луқмонга ҳикмат, донишмандлик бердик, дейилган. Хўш, Луқмоннинг ўзи ким? Бу ҳақда 1982 йили "Совет Ўзбекистони" газетасида (№ 150—18328) Ш. Зуннун, "Гулистон" журналининг 1988 йил, 6-сонида А. Қаҳҳоров мақолалари чоп этилди. Буларда араблардан бўлган Луқмон исмли донишмандлар ҳақида гап кетади.

Донишманд Луқмон номи билан боғлиқ бўлган панд-насиҳат ҳикоятлар Шарқ адабиёти классикларининг деярли кўпчилик асарларида (Низом ал-Мулкнинг "Сиёсатнома"си, "Қобуснома", Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон"ида, Байзовийнинг "Низом ут-таворих"ида) учрайди. Сринагар музейида 414 рақами остида сақланаётган, 1287 ҳижрий (1870 й.) йили кўчирилган "Чанди панд" қўлёзмаси ҳам Луқмонга нисбат берилган.

Алишер Навоий "Тарихи мулуки Ажам" ва "Маҳбуб ул-қулуб" да Луқмон номини келтиради, ҳар иккала

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўринда ҳам араб Луқмони ҳақида гап кетгани аниқ. "Тарихи ҳукамо ва анбиё"нинг "Луқмони ҳаким" бобида "Эзопнинг таржимаи ҳолида" берилган[28] қуйидаги ҳикоят келтирилган: "...Хожаси бир руд қирғоғида биров била нард ўйнади, бу шарт билаки, мағлуб бу руд суйин тамом ичгай ё молин бергай. Ва Луқмон хожаси ютқузди. Ҳариф рудхона суйин тугатмак таклиф қилди. Ва ул мутахаййир бўлди. Луқмон дедиким, шарт қиладурғон вақтдаги суни ҳозир қил ё ғаразинг бу ҳозир су бўлган бўлса, руднинг бу қирғоғиндаги суни ичкунча нари қирғоғиндаги сувни турғуз. Ҳариф бу ишдин ожиз бўлди. Хожаси халос топиб, Луқмонни озод қилди"[29]. Навоий келтирган ҳикоят Эзоп ва хўжайини файласуф Ксанф ҳақидаги ҳикоятнинг айнан ўзи, фақат грекчадаги "денгиз" сўзи "руд" — "дарё" сўзи билан алмашинган. Навоий бу ҳикоятдан сўнг яна Эзопга тааллуқли икки масални, қўйнинг энг ширин ва энг ёмон гўштини пишириш ва кунжут ўрнига арпа эккани ҳақидаги масалларни ҳам келтиради.

И. С. Лисевич "Эзоп масаллари мазмуни Шарқда" мақоласида "Бир-бири билан чиқишмаган ўғиллар ва бир даста хипчин" деб номланган ҳикоятни Ўрта денгиз атрофида яшовчи халқлар — греклар, скифларда (Эзоп, Плутарх), яхудий, рим ва Шарқ халқлари хитой, тибет, ҳинд, тожик, ўзбекларда турли вариантлари борлиги ҳақида фикр юритади[30].

Эзопда И. Лисевич келтирган масал "Деҳқон ва унинг ўғиллари" деб аталади: "Бир деҳқоннинг икки ўғли бўлиб, улар бир-бири билан чиқишмас ва кўп уришар эканлар. Ота уларга қанча гапирмасин, фойдаси бўлмапти. Шунда ота уларга бир даста хипчин олиб келишни ва келтирган хипчинларини синдиришни буюрипти. Улар қанча уринмасинлар, хипчинларни синдиролмаптилар. Шунда ота даста хипчинни битта-битта ажратиб ўғилларига берипти ва синдиришни буюрипти, улар осонлик билан барча хипчинни синдириптилар. Шунда деҳқон уларга: кўрдингларми, болаларим, иттифоқликда гап кўп. Агар иттифоқ бўлиб яшасанглар, ҳеч қандай душман сизларни енга олмайди",- дейди.

Худди ана шу мазмундаги масал ва ҳикоятлар бир оз ўзгариш билан бўлса-да, юқорида тилга олинган халқлар ижодида мавжуд.

Эзоп масалларидан "Соҳибкор деҳқон ва унинг ўғиллари", "Тулки ва гўшт ўғирлаган қарға", "Ўтин кўтарган чол ва ажал", "Одамларни алдаган чўпон бола",

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Ўғри бола ва унинг онаси", "Тулки ва узум" кабилари ўзбек фольклорида ҳам мавжуд. Афсуски, ўзбек фольклор асарларида масаллар махсус жанр сифатида алоҳида чоп ва тадқиқ ҳам этилмаган, уларга ҳикоят, эртак сифатида қаралади.

Эзоп масаллари Марказий Осиёда бадиий адабиёт, фольклордан ташқари археологлар томонидан очилаётган илк ўрта аср тасвирий санъатида ҳам из қолдирган.

Самарқанд яқинидаги Панжикент (Тожикистон) ёдгорлигида хоналар деворларига ажойиб рангдор расмлар ишланган бўлиб, мавзу жиҳатидан расмларни шартли равишда диний, эпик ва фольклор турларига ажратиш мумкин.

Диний мазмундаги расмларда Қуёш, Митра, Анахита номлари ҳафта кунларига берилган беш сайёра билан боғлиқ бўлса, эпик расмларда кейинча Фирдавсий "Шоҳнома"си учун асос бўлган сюжетлар ва ҳозирча фанга маълум бўлган бирон та ҳам асарга ўхшамаган, қайси асарга тааллуқли эканини аниқлаб бўлмаган тасвирлар ҳам бор. Демак, Марказий Осиё халқлари қадимда яратган жангномаларнинг бир қанчалари сақланиб қолмаган.

Фольклор ва ҳайвонлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган тасвирлар ҳам Панжикент расмлари орасида оз эмас. Бизни XXI хонанинг биринчи расми қизиқтиради[31]. Мазмун уч тасвирда берилган: бирида чўққилик бош кийими кийган йигит чордана қурган ҳолатда ўтирибди, қўлида олтин тухум, олдида каттагина қуш ва сариққа бўялган олтита олтин тухум: иккинчисида ўша йигит бош яланг, ўша қушни сўймоқда, учинчисида эса яна ўша йигит "аттанг" дегандек қўлини пешонасига урмоқда. Панжикентдаги уй деворига ишланган ушбу расм мазмунини Эзоп масалларида учратдик (№ 87): ҳар куни олтин тухум туғадиган ғознинг эгаси очкўзликдан ғознинг ичидан ҳамма олтин тухумларни бирдан оламан деб уни сўяди, ҳеч қандай олтин тополмай афсусланади, фойда манбаидан айрилади.

30-йилларда Шарқий Туркистонда топилган археологик ёдгорликлар орасида Эзоп масалларининг суғди тилига таржимасининг бир парчаси топилган. Ана шу фактга суянган ҳолда ушбу асар муаллифи Марказий Осиё халқлари адабиёти, фольклори ва тасвирий санъатида грек масаллари ўрин олганлиги табиий деган хулосага келди.

Марказий Осиё халқларининг маданий алоқалари антик даврда жуда кенг бўлганлигининг яна бир исботи Панжикентда топилган Ромул ва Ремни она бўри эмизаётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

тасвири туширилган олтин тақинчоқдир. Рим мифологиясидаги бу мазмун Ўратепа яқинидаги Шаҳристон вайроналарида топилган сарой деворида ҳам тасвир этилган. Марказий Осиё халқлари ўтмишда тотемчилик даврида у ёки бу қабила келиб чиқишини ҳайвонлар, айниқса, бўри билан боғлаганлар. Рим мифи ана шу эътиқод қолдиқларига ҳамоҳанг бўлгани учун ижодкор ундан фойдаланган бўлса керак.

Марказий Осиё ва грек-рим дунёси ўртасидаги маданий алоқалар, албатта, бир ёқлама бўлмади. Юқорида айтганимиздек, деярли минг йилдан ортиқ бўлган даврда грек ёзуви минтақада ҳукмрон бўлди, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар жадал давом этди. Грек тилида ижод этган ва асарлари ёки улардан парчалар бизгача етиб келган адиблар орасида ватандошларимиз ҳам бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, чунки Шарқ мамлакатларидан чиққан ва грек тилида асар яратувчилар, одатда, грек исмларини қабул қилганлар. Бу муаммо бўлган масалларни четда қолдириб, эрамизнинг бошланғич асрларида яратилган грек адабиётида Марказий Осиё мавзуси устида тўхтаймиз.

Греция Римга қарам бўлган давр (э. ав. II аср) адабиётида Рим-Парфия алоқалари кескинлашган ва, айниқса, император Траян (98-117 йил) парфянлар устидан ғалаба қозонган даврда грек адабиётида Марказий Осиё мавзуси яна жонланади. Дионисий Александрийскийнинг "Периегез" (Дунёда одамлар яшаган жойларнинг тасвири, II аср), Дионисийнинг "Бассарий" ва Нонн Пононолийскийнинг "Дионсий" достонларида маъбуд Дионис томонидан Шарқни забт этиш афсонаси асосий мазмун сифатида танланган (бунга сабаб Траяннинг Дионисга ўхшатилганлиги). Дастлабки ҳар иккала асар "Периегез" ва "Бассарий"лар муаллифларининг исмлари бир хил — Дионисий, лекин булар икки шахсми ёки ҳар иккала асар битта шоир қаламига мансубми, масаласида ҳалигача аниқлик йўқ.

"Периегез" Ҳесиоднинг "Меҳнат ва кунлари"га хос бўлган дидактик анъанани давом эттиради. "Бассарий"да маъбуд Дионисниг ҳинд подшоси Дериадга қарши уруши воқеаси тасвирланади. Бу асардан фақат папирус парчаларидаги фрагментлар сақланиб қолган, холос. Асар I-II асрларда яратилган бўлса керак. Бу достон V асрда яшаб ижод этган мисрлик шоир Нонн Пононолийскийнинг қирқ саккиз бўлимдан иборат катта эпопеясига асос бўлган. "Дионисий" достонининг воқеаси Зевс Европани олиб қочи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шидан бошланиб, унда Олимп худолари ҳақидаги жуда кўп мифлар асар сюжетига жалб этилган.

Асар охирида Зевс ва гўзал аёл Семеладан туғилган, май тайёрлашни ўйлаб чиққан Дионис ўғли Иакҳ билан Зевс томонидан Олимпга олинади, барҳаётлик ва май маъбуди вазифаси топширилади.

"Периегез", "Бассарий" ва "Дионисий" мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, ҳаммасида ҳам Дионис ҳақидаги афсоналарга қизиқиш кучли. Учала асарда ҳам Ҳиндистон дейилишига қарамай, одамлар, жойлар, дарёлар номлари Эрон, Марказий Осиё номлари билан чалкаштириб юборилган. "Ҳиндистон" деб тасвирланган ўлкада Яқин Шарқ қўшниси бўлган Эрон умуман тилга олинмайди. Кавказ тоғлари Ҳиндиқуш деб аталади. Достонлар муаллифлари массагетлар ҳақида қуйидагича маълумот берадилар: "Улар нон емайдилар, асални эса билмайдилар ҳам, май уларда тарқалган эмас, овқатни, сутни от қони билан аралаштириб тайёрлайдилар" (V 740-745)... Бу маълумот Ҳеродотда келтирилган скифларнинг турли маросимларда қондан фойдаланишларини эслатади. Скифлар ҳақидаги шунга ўхшаш маълумотлар рим адабиёти намояндаларида ҳам учрайди: Вергилий (э. ав. 70-19) "Георгиклар" да олов қалбли Гелон гетлар (массагетлар — Ф. С.) томонига қочганида қуриб қотиб қолган сут (қурт бўлса керак — Ф. С.) еган ва от қонини ичган" (III, 461-463). Сенека "Эдип" трагедиясида "Массагет найзалари билан ғолиб камонини туширди, идишда сут билан қонни аралаштирди" (V, 469-470) дейди. Страбон ҳам "қуритилган қатиқ" ни тилга олган эди. Ўрта аср саёҳатчилари (Рубрук, Марко Поло) ҳам тошдек қуритилган қатиқ, туркий халқлар ва мўғуллар жоиз бўлганида отларнинг бўйин томирини очиб, қонини ичганлари ҳақида маълумот берадилар. "Периегез" да Бадахшон ферузаси ва бошқа тошлар ("ер одамларга ўз хазинасини очиб берди"), Амударё водийларидаги қизғин савдо-сотиқлар ҳақида ҳам ёзилган.

"Бассарий" ва, айниқса, "Периегез" да Марказий Осиё тасвири берилади, лекин у Ҳиндистон деб аталади. Ҳинд лашкарбошлари деб аталган икки шахснинг исми ҳам ҳинд номлари эмас, балки исломгача бўлган ерли исмлар — Оронта ва Морея шаклида берилган. Уларнинг эътиқодлари ҳам Марказий Осиё халқлари эътиқодларининг ўзгинаси, улар сув ва қуёшга сиғинадилар.

Эрамизнинг бошланғич даврларида грек адибларининг Марказий Осиёга шунчалик қизиқишларининг сабаби Рим

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Парфия муносабатлари эди. Рим Парфия устидан император Траян даврида ғалаба қозонди, император фаолиятини май маъбудининг фаолиятига ўхшатиб, Дионис деб атай бошладилар.

Инсоният тарихида ҳеч қачон ҳеч қайси бир халқ бошқа халқлардан узилиб қолган, ажралган ҳолда яшаган эмас. Археологик изланишлар натижасида топилаётган узоқ ўтмиш ёдгорликлари ҳам бу фикрни қувватламоқда (масалан, Миср фиръавнлари пирамидаларида Бадаҳшон ферузаси топилган). Аммо четдан бўлган таъсир ҳамма вақт ҳам осонлик билан ўзлаштирилмаган. Унинг учун маълум иқтисодий-ижтимоий шароит, чет таъсирини ўзлаштиришга эҳтиёж лозим бўлган. Ҳақиқатан, юқорида кўриб ўтганимиздек, Марказий Осиё халқлари билан антик дунё мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқалар фикримизнинг яққол исботидир.

Муаллифнинг ушбу ишда олдига қўйган вазифаси ҳозирги Марказий Осиёда узоқ ўтмишда яшаган халқлар билан марказий Греция, Иония ва грек ороллари да истиқомат қилган халқлар ўртасидаги адабий ва умуман маданий алоқаларни батафсил тадқиқ этиш эмас, балки алоқаларни тартибга солиш, уларнинг асосий турларини аниқлаш, илм-фан, санъат ва адабиёт соҳасидаги ўзаро таъсир йўналишларини белгилаб бериш эди.

Турли мамлакат олимлари Шарқ маданияти, адабиётининг умуминсоний маданиятга қўшган ҳиссасини тан оладилар, аммо бу ўринда, одатда, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари халқлари назарда тутилади. Баъзи ўринда, айниқса, сўнгги даврларда Ҳиндистонни ҳам тан олмоқдалар. Аммо Марказий Осиё ва Хуросон халқлари маданияти олимлар назаридан четда қолиб келмоқда, ана шу минтақаларда маданият, адабиёт ривож топмагандек. Ваҳоланки, худди ана шу минтақа Узоқ ва Яқин Шарқни боғловчи ҳалқа вазифасини адо этган. Яқин Шарқ ва Европада яшаган халқларнинг Узоқ Шарқ билан бўлган савдо алоқаси — Ипак йўлининг маркази бўлган. Фикримизча, бунинг сабаби минтақанинг сўнгги асрларда умумжаҳон савдоси ва маданияти тараққиётидан ажралиб қолганлигида бўлса керак.

Марказий Осиё халқлари маданиятининг, Эрон ва машҳур Иония маданиятининг шаклланишида аждодларимиз яратган маданий мероснинг роли нечоғли муҳим, ҳал этувчи эканини ушбу тадқиқот кўрсатди. Афсуски, Европа олимлари ўртасида Марказий Осиёда яшаган халқлар ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даниятда шунчалик орқадаларки, ҳатто четдан бўлган таъсирни ўзлаштиришга ҳамма вақт ҳам қодир бўлмаганлар, деган нотўғри фикр қатъийлашиб қолган. Менинг олдимга қўйган вазифам ҳам шу ғайриилмий назарияни мисоллар асосида рад этиш эди.

Археология фани, айниқса, жумҳурият археологларининг сўнгги даврлардаги самарали изланишларининг ажойиб топилмалари фикримиз асосли эканини исботлади. Марказий Осиё халқлари ўзига хос бой маданият эгаси эканликлари, қадим-қадим даврларда эрон, юнон, ҳинд ва бизнинг минтақа халқларининг келиб чиқишлари яқин эканлиги, шунинг учун афсона, мифлари яқинлигини тасдиқлади. Антик даврда ҳам Ғарб ва Шарқ (марказий Шарқ) ўртасидаги алоқа узоқ масофага қарамай, бир-биридан узилиб қолган эмас эди. Фақат Греция билангина эмас, кейинчалик Рим республикаси ва империяси билан ҳам иқтисодий, маданий алоқа давом этган (ҳатто Хитой императорлари тарихида ҳам римликлар ҳақида маълумот берилади).

Буюк ипак йўли туфайли минглаб, ўн минглаб одамлар Марказий Осиёда ўтроқлашганлар. Александр юришлари, Рим — Парфия тўқнашувлари натижасида халқлар аралашганлар, яшаш жойларини ўзгартирганлар. Албатта, бундай ҳолат адабиёт ва умуман маданиятнинг бир-бирига таъсирини таъминлайди. Бу ўринда таъсир фақат бир ёқлама бўлмаслиги ва тўғридан-тўғри бўлиши шарт эмаслиги, ҳар бир адабиёт, маданият четдан бўлган таъсирни ўз хусусиятига, талабига мослаштиришини эслатмоқчиман.

Тарих саҳнасида Македония подшоҳи Александрнинг келиб чиқиши, унинг юришлари, ғалабалари, халқлар, маданиятларни қориштириш сиёсати кейинча эллинистик давлатларнинг ташкил топиши, маданиятлар, адабиётларнинг ўзаро бойишини таъминлади.

Эллинизм даври Шарқ ва Греция халқлари маданияти, адабиётларининг ўзаро бойиши жараёнининг олий чўққиси бўлади. Эллинизм Александр босиб олган халқлар ҳаётининг турли соҳалари — иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий-маданий ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келиб, эллинистик маданиятнинг равнақ топиши ва кенг тарқалишига замин ҳозирлади. Тўғри, Марказий Осиёнинг ҳамма минтақаларида ҳам эллинизм бир текисда ривож топди деб бўлмайди. Аммо эллинистик давлатлар инқирозга учраган, кушанлар ҳукмронлиги ўрнатилгандан бир неча аср кейин ҳам эллинистик маданият анъаналари, санъат ва адабиётда давом этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсоният тарихида ёруғ чақмоқдек ўтиб кетган Александр тарихи, унинг шахсига хос бўлган салбий хусусиятлардан мусаффолаштирилган, афсоналаштирилган тимсоли у босиб олган мамлакатлар халқлари хотирасидан абадий жой олди ва адабиётларга сингишиб кетди (Озарбайжон — *Низомий*, Ҳиндистон — *Хусрав Деҳлавий*, Марказий Осиё, Хуросон — *Жомий, Навоий*, Туркия — *Аҳмадий* ва ҳ.к.).

Агар Рим антик маданиятининг меросхўри бўлган Европада ўрта асрда диний жаҳолат, инквизиция ҳукмронлик қилган бўлса, Шарқ халқлари, айниқса, Марказий Осиё халқлари ўзларигача, айниқса, қадимий Иония, Грецияда яратилган маданият, илм-фан, фалсафанинг меросхўригина бўлиб қолмай, балки унинг такомил эттирувчиси сифатида чиқдилар ва жаҳонга Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби буюк тафаккур эгаларини бердилар. Лекин адабиётда бу жараённи кўрмаймиз — адабиёт Яқин Шарқ халқлари адабиёти йўлидан, ўзига хос йўналишда ривож этди ва Рудакий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улкан сўз усталарини берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II ҚИСМ

ХАЛИФАЛИКДА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Арабларнинг ижтимоий-маданий тараққиёти VII аср бошларида араб қабилаларининг бирлашиши ва умумийлашувига олиб келди. Ислом дини бу бирлашувни мафкуравий тасдиқловчи, оқловчи бўлди: ҳамма учун баб-баравар принциплар, миллатларнинг этник келиб чиқишига қарамай, дин олдида ҳамманинг ҳуқуқ тенглиги араблар олдида катта имкониятлар туғдирди. Натижада ислом байроғи остида бирлашган араб қабилаларининг босқинчилик сиёсатини амалга оширишга қодир вазият юзага келди. Расулуллоҳдан кейин чаҳориёрлари Абубакр, Умар, Усмон, Алилар бирин-кетин халифа бўлдилар ва забт этиш, ислом динини тарқатиш сиёсатини давом эттирдилар. Араблар ҳайратомуз тезликда Африканинг шимолий қисмини, Эрон, Марказий Осиё, Закавказ ўлкаларини, Ғарбда Пирений ярим оролини забт этдилар. Хитой чегараларидан Испаниягача бўлган жойларда, ўша вақтларда маълум бўлган ойкуменанинг (ер курраси-нинг инсон яшайдиган жойлари) ярмини бирлаштирган халифалик давлатини тузадилар. Араблар Византияга қарам бўлган Сурия, Миср ва Эрон, Марказий Осиёда мавжуд ижтимоий ва сиёсий давлат тузуми, маъмурий ташкилотлар, моддий ва маънавий ҳаёт удумларини қабул қиладилар. Масалан, Эрондаги Сосонийлар давлатидан марказлашган давлат идораси, феодал ишлаб чиқариш усулини қабул қиладилар. Халифаликда тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатлар ва халқларнинг бир давлатга бирлашуви, улар ўртасида яқин алоқаларнинг ўрнатилиши, иқтисодий ҳаётнинг равнақ топиши ички ва ташқи савдо алоқалари ривожига туртки берди. Натижада халифаликни ташкил этган халқлар маданияти Овруподаги тарқоқ давлатлар, мамлакатлар маданиятидан юқори даражада бўлди. Металлургия, тўқувчилик саноатида қатор янгиликлар кашф этил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, қоғоз, сопол ва шиша буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, маъданлар қазиб олиш ва қайта ишлаш тараққий эттирилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида халифаликдаги ривожланган мамлакатлар, айниқса, Марказий Осиё халқлари ютуғи сунъий суғориш, гидротехник иншоотлардан фойдаланиш, тўғонлар, ариқлар, сув омборлари қуриш, боғдорлик, полиз, техник (пахта, шакарпоя) ўсимликлар экиш кабилардан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлдилар. Халифаликни ташкил этган минтақаларда ҳунармандчилик, бозор учун буюмлар ишлаб чиқариш, ички савдо алоқалари, товар алмаштиришлар кенг йўлга қўйилди. Бу даврда қуруқлик орқали амалга оширилган қитъалар аро савдо йўли (Буюк ипак йўли) билан қаноатланмай, денгиз, океан йўллари ҳам очилди, дарё сув йўлларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Савдо ва ҳунармандчилик, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар турли муаммоларни келтириб чиқарди. Уларнинг ечимини топиш илм-фаннинг ривожига эҳтиёж туғдирди. Жумладан, математика, астрономия, табиат фанлари кемасозлик ва катта иншоотлар қуриш кабилар учун ўта зарур эди. Аҳолининг кўпайиши, шаҳарлар сонининг ошиши ва умумий тараққиёт даражаси табобат фани ривожини тақозо қилди. Саноат, ҳунармандчилик тараққиёти маъданчиликни юксалтирди. Бу даврда ал-кимё (алхимия) фани ҳам кенг тараққий этди.

Ислом дин сифатида шаклланган даврда араблар ярим бадавий элатлардан иборат бўлган халқ эди. Табиийки, улар забт этилган халқлар маданиятини зудликда ўзлаштирадилар. "Араб маданияти" деб ном олган маданият халифаликни ташкил этган халқлар маданияти асосида исломга мослаштириб мужассамлаштирилган маданият эди.

Араб тили фақат халифаликни ташкил этган халқлар ўртасида алоқа тилигина бўлиб қолмай, илм-фан тилига айланади, унинг илмий грамматикасини ишлашда Марказий Осиёлик олимлар Абдулла Хоразмий (ваф. 976), Маҳмуд Замахшарий (1074-1144), Юсуф Саккокий (1160-1229) кабилар катта ҳисса қўшдилар.

Халифаликда илмий изланишлар эрта, Умавийлар давридаёқ бошланди, кўплаб сурёний олимлар халифалар саройида хизмат қилдилар. "Булар орасида Север Себахт (XII а), Жиржис Усқуф (балки Исқиф — скифдир — *Ф. С.*), Яъқуб-Руҳавий (640-702) ва бошқалар бор эди"[1]. Улар грек тилидаги қатор асарларни сурёний тилига ағдардилар.

Оббосийларнинг ҳокимият тепасига келиши (749) билан маданий ҳаётда ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Араб

www.ziyouz.com kutubxonasi

— ислом маданияти, илм-фани ривожининг энг юқори чўққиси Оббосийлар даврига тўғри келди. Давлат тузуми ва идораси, урф-одатлар, ҳаёт тарзи, маданият, меъморчилик каби соҳаларда халифаликнинг шарқий вилоятлари, Эрон ва Мовароуннаҳрдан кўпроқ ибрат олинганини, бу минтақалардан чиққан арбобларга суянилганини кўрамиз. Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини исломлаштириш кучаяди, забт этиш сиёсати давом этади. Илм-фанда қадимги Греция роли аввалгидан ҳам ортади.

Г. Э. фон Грюнебаумнинг фикрича, агар грек, сурёний ва эроний маданият орқали ўтган эллинистик мерос таъсири бўлмаганда классик мусулмон маданияти юксак даражага эриша олмаган бўлур эди[2].

Мисрдаги Александрия, Эдесса, Нисибин, Селевкия, Антиохия, Жундишапур, Бактрия каби эллинистик маданият марказлари халифаликка қарам ва мусулмон маданияти шаклланишида ижобий роль ўйнаган эди. Бу даврда грек, сурёний, санскрит ва форсий тилидаги асарларни араб тилига ағдариш ва шу йўл билан улардан жамоатчиликни баҳраманд этиш муаммоси олдинга сурилади. VIII асрда бошланган таржимонлик иши эндиликда, айниқса, авжга чиқади. Халифаликда хизмат қилиб грек, сурёний, форсий ва ҳинд тилларидаги асарларни араб тилига ағдарган таржимонлар орасида айниқса, Ҳунайн ибн Исҳоқ (810—873), Исҳоқ ибн Ҳунайн, Ҳубайш Собит ибн Курра (886—901), Яҳъё ибн Ади, Исҳоқ ад-Димишқий, Масаржувайхлар оиласи, Ноубахт, Ибн Муқаффа, ибн Манка, ибн Ваҳшиялар алоҳида ажралиб турадилар. Араб тили эндиликда аввалгидан анча бойиган, илмий атамалар бирмунча ишланган бўлиб, аввалги мавқеини янада орттирган эди.

Ислом байроғи остида ривожланган маданиятда юнон элементи билан бир қаторда Эрон-Мовароуннаҳр элементи ҳам кучлилиги шубҳасиздир. Ҳатто кўпинча бу маданият "форс-ислом" уюшмаси сифатида қабул қилинади. X аср бошларидан эса форс тили ислом мамлакатларида бадиий адабиёт, айниқса, шеърият тилига айланади, унинг элементлари араб тилига ҳам қўшилади. Ҳатто Испанияда форсий шеърлар ёзиш одат тусига киради. Жамият ҳаёти тарихи Оббосийлар даврида шундай даражага кўтариладики, энди табиат ва ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу ҳодисани диний ёки адабий афсоналар ёрдамида изоҳлаш имкони қолмайди. Натижада диний муаммоларда ҳам ислом ақидаларига сўзсиз бўйсуниш ўрнига рационал қарашни ислом, исавия, яхудийлик, зардуштийлик динла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри масалалари бўйича илмий баҳслар уюштирилишини кўрамиз.

Оббосийлар ҳокимият тепасига келар эканлар, асосан Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрондаги халифалик, Умавийларга қарши қаратилган, миллий мустақиллик учун курашган кучларга суянган эди. Оббосийлар даврида, табиийки, бу минтақаларда, айниқса, Сўғдиёна, Бохтари, Хоразмдан чиққан аслзодалар (масалан, иқтидорли вазирлар оиласи бўлмиш Бармакийлар), илм, маданият аҳллари халифаликнинг мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ҳал этувчи роль ўйнайдилар. Худди ана шу ватандошларимиз томонидан халифаликнинг маънавий бойлиги яратилган эди.

Халифаликнинг пойтахти 762 йили Дамашқдан Бағдодга кўчирилади. Олимлар ҳам янги пойтахтга ўтадилар. Тез орада Бағдод давлатнинг илмий марказига айланади. Оббосий халифалар ал-Мансур (754—775), Хорун ар-Рашид (786—809) ва унинг ўғли ал-Маъмун (813—833) илм-фан, айниқса, фалсафа, математика, астрономиянинг ривожига хайрихоҳлик билдирибгина қолмай, унинг ривожига ҳомийлик қиладилар. Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда кўплаб кутубхоналар ташкил этилади. Уларнинг энг йириги халифа кутубхонаси эди. Кутубхоналарга халифаликнинг турли минтақалари ва хорижий юртлардан китоблар келтирилади, уларни кўплаб таржимонлар, олимлар бошқа тиллардан араб тилига ағдарадилар. Бағдодда ижод этган олимларнинг кўпчилиги юртдошларимиз бўлиб, "араб фани" деб аталмиш илмнинг аксарият ижодкорларини ташкил этадилар. Афсуски, бугунги кунда қадимги Хоразм маданияти, илм-фани ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган.

Хорун ар-Рашид ўғли Маъмун аввал Хоразм, кейинчалик Хуросон ноиби этиб тайинланган эди. Маъмун ёшлигида яхшигина маълумот олган ва отаси каби илм-фан ривожига ҳомийлик қилувчи шахс бўлган. Маъмун Марвда ўз атрофига Хоразм, Фарғона, Сўғдиёна, Шош, Фороб каби ўлкалардан ерли олимларни тўплаб, уларнинг илмий-ижодий фаолиятларига шароит яратиб берган. Марвда тўпланган олимлар Муҳаммад Мусо Хоразмий, Оббос ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад Фарғоний, Ҳабаш ал-Ҳосиб номи остида машҳур бўлган Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Абу Бакр Аҳмад бин Али ал-Марвазий кабилар эди.

Ўз биродари билан ҳокимият учун курашда ғолиб чиққан Маъмун 813 йили халифа лавозимига ўтиради. Ал-Маъмун халифа бўлгач, Мовароуннаҳрда бошланган

www.ziyouz.com kutubxonasi

хайрли иш илм-фан ривожига ҳомийлик қилишни кенгроқ миқёсда давом эттиради. Маъмун давридан бошлаб, табобат, фалсафа, фалакиёт, математика каби фанларга оид рисолалар (Платон — "Қонунлар", "Тимей", Аристотел — "Сиёсат", "Категориялар", "Аналитика", "Одоб", "Қалб ҳақида" ва б.) грек, сурёний, санскрит, паҳлавий ва хоразм тилларидан араб тилига ағдарилади, бунинг натижасида ўша давргача инсоният яратган маънавий бойликларни ўзлаштириш ва янада ривожлантириш осонлашади.

Халифа ал-Маъмун Марвдаги олимлар гуруҳини (алмаровиза) Бағдодга таклиф этади. Кейинчалик "Байт-ул-ҳикма" (бизнинг давримизда "Маъмун академияси" деб ном таратган) уюшмасини ташкил этади. Кейинчалик "Байт-ул ҳикма" ни араб, эрон, сурёний, юнон, яхудий миллатларига мансуб бошқа олимлар, хаттотлар ва таржимонлар ҳисобига кенгайтиради. Олим Ашраф Аҳмедов немис тадқиқотчиси Ҳ. Зутерга суянган ҳолда олимларнинг деярли ҳаммаси "нуқул Хуросон, Мовароуннаҳр, Бактрия ва Фарғоналиклардир"[3], деб таъкидлайди. Мен бунга Хоразмни ҳам қўшган бўлур эдим.

Яқин вақтларгача "араб фани" деб аталиб келинган, аслида эса бошқа миллат вакиллари томонидан араб тилида яратилган илм-фаннинг юзага келишида, Мовароуннаҳр ва Хуросондан чиққан олимлар катта роль ўйнаганлар. Булар Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу-Маъшар ал-Балхий, Абу Наср Форобий, Абул Оббос ибн Муҳаммаб ибн Касир Аҳмад Фарғоний, Яхъё ибн Мансур, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал Марвазий (Ҳабаш ал-Ҳосиб), Турк-ал Хутталий, Марваррудий, Баттоний, Маъсудий, Ҳолид ибн Абдул Малик, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний, Абу Бакр ар-Розий, Абул Қосим Халаф ибн Аббос аз-Заҳравий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий ва бошқалардир.

Қадим даврлардан инсоният маданияти бешикларининг бири ҳисобланган, зардуштийлик ватани бўлган минтақада эллинизм даврида грек маданияти кенг тарқалган эди[4]. Бу ерда араблар истилосигача йирик маданий марказлар, айниқса, Хоразм маданиятининг мавжудлигини унутмаслик керак. 431 йилдан кейин Византияда исавия динининг насроний мазҳаби манъ этилгач, уларнинг кўпчилиги муҳожир бўлиб Марказий Осиё ва Эронга келадилар ҳамда грек-византия маданияти, исавия динининг тарқалишида муҳим роль ўйнайдилар. Император Юстиниан (527—565) Александрия, Афина академияларини манъ эттиргач, исавий ва мажусий олимлар ҳам Эрон ва Марказий Осиёда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошпана топадилар.

Маърифатпарвар шаҳаншоҳ Хусрав Анушировон (531—579) Ҳузистондаги Жундишапурда табобат академиясини ташкил этиб, унга муҳожир олимлардан таклиф қилади. Кейинчалик Жундишапур академияси фаолиятини кенгайтириб, астрономия, математика, фалсафа, табиат фанлари бўйича ҳам тадқиқот ишлари олиб борила бошлайди, расадхона қурилади. Жундишапур шуҳрати бутун Шарқ мамлакатларига тарқалади. Унга тақлидан бошқа марказлар (Нисабин, Эдесса) ҳам ташкил этилади. Бу илмий марказларда грек тилидаги илмий-фалсафий асарлар паҳлавий ва сурёний тилларига ағдарилади.

Марказий Осиё халқлари маданияти ва илм-фаннинг ривожида Юнон таъсиридан ташқари, ҳинд-санскрит ҳам катта роль ўйнаган. Кушанлар даврида минтақа халқлари билан Ҳиндистон халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар кучли бўлган. Бундан ўн йиллар муқаддам археологларнинг Кашмирда олиб борган изланишлари натижасида топилган одам суякларини (эр. ав. III-II минг йилликлар) антропологлар тадқиқ қилганларида улар этник жиҳатдан минтақамиз халқларига жуда яқин бўлиб чиққан. Шунга асосланган ҳинд олимлари узоқ ўтмишда Марказий Осиё, Хуросон ва Ҳиндистон шимолида бир тоифа халқлар яшаган, деган хулосага келганлар.

Минг йиллар давомида жаҳон савдо йўллари чорраҳаси бўлган Марказий Осиё минтақасида ўзига хос бой маданият мавжуд бўлган. Юқорида зикр этилган тарихий ҳолатга биноан Ўрта асрларда ҳам илғор маданият, илм-фан худди айнан Марказий Осиё ҳудудида ривожланиши ва кейинчалик Бағдод академиясининг шаклланишида ҳал этувчи роль ўйнагани табиий ҳолдир. Санкт-Петербурглик олим Б. И. Маршак бу ҳақда шундай деб ёзади: "Бу давр Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон маданияти, фани, адабиёти ва санъатининг араблар томонидан босиб олинган мамлакатларга ўта кенг тарқалган ва бу маданиятнинг араблар томонидан ўзлаштирилган давр эди. Сиёсий ҳокимият араблар қўлида бўлгани билан маданий ҳукмдорлик улар томонида эди"[5]. Ҳамма дипломатлар, араб тилида ёзган ҳамма олимлар, шоирлар бекорга Марказий Осиё ва Хуросондан чиқмаган эдилар. Халифаликда давлат идоралари, марказда ва вилоятларда идора этиш усули Эрон давлати, Сосонийлар томонидан ўрнатилган тартиб асосида қурилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз фикрининг исботи сифатида Маршак VIII-IX асрларда яшаган сўғдиёналик араб шоири ал-Хураймий ҳақидаги қуйидаги маълумотни келтиради: "Ал-Хураймий сўғди асилзодалар оиласидан бўлиб, оила Марвда қарор топганди. У Шимолий Месопотамия, Арманистон, Сеистонда, XI аср бошида Бағдодда яшаган. Ал-Хураймий шеърларида сўғди, Ироқ, Тохаристон ватанпарварлиги қоришиб кетган эди... У "отам, Хусрав II, қариндошим — турк ҳоқони, сўғди... Билингки, улар менинг илдизим, мен ундан ўсиб чиққанман, ахир ҳар бир шохчанинг ерда илдизи бор-ку!"[6] Исавия динидан фарқли ўлароқ, исломда маълум вақтгача маънавий ҳаётда руҳонийлар монополияси бўлмаган, аксинча, халифалар ижтимоий ва табиат фанларининг турли соҳалари ривожига ҳомийлик қилганлар.

"Байт-ул-ҳикма" да юнон фани ютуқларини ўзлаштиришдан ташқари, ҳинд-санскрит маданияти ҳам қизиқиб ўрганилади. Бу ўринда Марказий Осиёлик олимлар фаоллик кўрсатадилар (Хоразмий, Беруний ва бошқалар). Ҳинд маданиятининг халифаликда тарқалишида аждодлари Балхдаги буддистлар монастрининг раҳбарлари бўлган, халифа Хорун ар-Рашиднинг вазири Бармакийнинг хизмати катта эди. Табобат, фалакиёт, математикага оид рисолалар, "Калила ва Димна" араб тилига таржима этилади, астрономияга оид "Синдҳинд"га шарҳлар ёзилади. Инглиз олими Ж. Бернал рус тилига ағдарилган "Жамият тарихида фаннинг ўрни" асарида ислом дунёсида илм-фаннинг ривожи ҳақида ҳақ сўзларни ёзади: "Оврупонинг кўпчилик қисми Рим империясининг ҳалокатидан келиб чиққан фалокатга ботиб ётган даврда... мусулмон дунёси ажойиб тараққиётни бошидан кечираётган эди". "...Мусулмон олимлари... тараққий этувчи, жонли тил яратдилар...Эрон, Ҳиндистон ва Хитой тажрибаларини ўзлаштириб, бу олимлар грек математика, астрономия ва медицина фанларининг тор асосини кенгайтиришга муваффақ бўлдилар, алгебра ва тригонометрия, оптика асосини яратдилар. Кимё ёки алкимёда ҳам мусулмон фани ҳал этувчи ғалабага эришди"[7].

"Байт-ул-ҳикма" олимлари астрономия, жуғрофия, математика, табиий фанлар, фалсафа билан шуғулланган, грек тилидан Ҳиппократ, Аристотел, Порфирий, Евклид, Гален, Архимед, Птоломей каби олимлар асарларини араб тилига таржима этганлар, уларга шарҳлар ёзганлар. Таржима ишлари билан қаноатланмай, илмий экспедициялар ҳам уюштирганлар. Масалан, 830 йилларда Муҳаммад Мусо Хоразмий раҳбарлигида Ғарбий Ҳиндистонга, кей-

www.ziyouz.com kutubxonasi

инчалик Византия, Хазарияга илмий экспедициялар юборилган эди. А. Аҳмедовнинг фаразига кўра Хоразмий ҳинд сифралари билан ўзи амалга оширган экспедиция даврида танишган ва математика фанига киритган[8].

Шу ўринда илм-фан, адабиёт фақат халифалик пойтахти бўлмиш Бағдоддагина эмас, балки олдиндан маданий анъаналарга бой бўлган Хоразм, Марв, Бухоро, Самарқанд, Балх ва бошқа жойларда ҳам ривожланганини айтиш зарур. Абу Райхон Беруний, Абу Наср Мансур Ироқ, Абу Али ибн Сино каби кўплаб олимлар фикримиз далилидир.

Неоплатонизм таълимоти ислом динини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, тартибга солишда қўл келади. Арабшунос олим Г. Э. фон Грюнебаумнинг фикрига кўра "эллинистик меросга кўп томондан ёт бўлган ўрта аср исломи худди ана шу меросга суянди"[9]. Ислом назариётчилари билан файласуфлар ўртасида грек ва сурёний тилларида кўплаб баҳслар бўлиб ўтган. Грек файласуфлари ва уларнинг мусулмон издошларини ислом ақидаларидан четланишда айблашларига қарамай, грек фалсафасининг хизмати "исломнинг назарий томондан бойитилишида беқиёс бўлди"[10], дейди олим.

Расмий ислом, Қуръон, ҳадислар илмини, унга интилишни тарғиб этиш билан бир қаторда дунёвий, ҳақиқий илмни ривожлантириш, уни эгаллашни ҳам манъ этмайди. Америкалик шарқшунос олим Ф. Роузентал "Билим тантанаси" рисоласида шундай дейди: "Улар расмий илмни рад этмайдилар... аммо унга альтернатив бўлган илм аввалгисидан моҳияти кам эмаслигини исботлашни истайдилар. Бу давр илм-фан даври эди... Қуръондан бошлаб то шеърият гача ҳаммаси махсус илмий фанлар методикаси билан суғорилган эди"[11].

Ўрта асрлардаги ислом шарқи маданияти хусусида фикр юритганда, унда илмнинг турли соҳалари, айниқса, мантиқ фанининг ривожланганини қайд этиш жоиз. Мантиққа ҳамма фанларнинг калити сифатида қаралган, уни "илмлар раиси" деб атаганлар. Бу даврда илм ва олимларга бениҳоят ҳурмат, эҳтиром билан қараш одат бўлган. Инсоннинг олижаноблиги билимдонлигидан эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмас эди. Фахриддин ар-Розий ибн Синонинг "Ишорат" асарига шарҳ ёзар экан, "ҳамма қалблар ва ҳамма оқиллар илм энг олий бахт ва энг юқори камолот босқичи ва энг олий фазилат эканлиги, билим эгалари эса энг олийсифат, энг атоқли инсон эканликларини бир оғиздан тасдиқлайдилар"[12] дейди. Аммо илмнинг амалий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаётга тадбиқ этилиши ҳам талаб қилинади (илм ва амал), "илм-ота, ҳаракат-ўғил" дейдилар. Амалиётсиз илм бефойда, илм тажрибага асосланмоғи шарт. "Илм мулкдан устунлик қилади, билим уни ҳимоя қилса, мулкни сен ҳимоя қилишинг керак. Мулкни сарфлаб ундан айриламиз, илмни сарфласак, унга янада сайқал берамиз" (ҳазрат Алига нисбат берилган ҳадис) сўзларида олим ва илмдон кишиларга муносабат ўз ифодасини топган.

Шарқ олимлари илм ҳақида кўплаб ҳикматли сўзлар ҳам айтганлар, уларни юнон файласуфларига нисбат ҳам берганлар" "илм-бу ҳаёт, аъвомлик-ўлим" (ал-Мубашшир), "билим-қалб таоми" тушунчасини Диоген, Феогнис, Платон, Сохта Аполлоний Тианский (Балинус), Сократ каби антик файласуфлар тасдиқлайдилар ("донолик-билим, аъвомлик ўлим", "илм-шоҳлар зийнати"). Ёки — олимлар абадий яшайдилар, асарлари-авлодлари, "бойлик эгалари ҳаёт пайтларида ҳам ўлик бўлганлар. Билим эгалари вафотларидан кейин ҳам яшайдилар" (Ибн ал-Мутаза, "Адаб"). Бу мавзу ҳақида Беруний ҳам "Минералогия" асарида кўп фикрларни баён қилади. "Билим дилга ҳаёт бағишлайди...", "илм-кўз қорачиғи" (аз-Замахшарий). Бу даврда халифаликда илмга катта аҳамият берилганининг яна бир исботи олимларнинг шоҳлардан устун қўйилиши эди. VII асрда яшаган Абул Асвад ад-Дуалига қуйидаги парча нисбат берилади: "Билимдан қудратлироқ ҳеч нарса йўқ". "Шоҳлар халқ устидан ҳукмронлик қилсалар, олимлар шоҳлар устидан ҳукмронлик қиладилар"[13]. Кейинги даврларда олимлар ва шоирларнинг шоҳлар маслаҳатчиси бўлишининг боиси ҳам шунда эди. Юқорида келтирилган тушунча қадимги греклар ва эронийларда ҳам бўлган: "Қачон жаҳон осойишта ҳаёт кечиради?"— деган саволга Диоген "қачонки шоҳлар файласуф бўлсалар ёки файласуфлар — шоҳ бўлсалар" деб жавоб берган. Хусрав Анушировн эса "қачонки оллоҳ бирор халққа яхшилик қилмоқчи бўлса, унинг шоҳларига билим беради ва шоҳликни олимга беради"[14], дейди.

Ҳар бир ўғил ёки қиз боланинг савод чиқариши ва илмлар, бадиий адабиётдан бошланғич маълумот олишга имкони бор эди. Бу даврда оддий халқ ўртасида бадиий адабиётнинг оммавий тури ислом байроғи остида босқинчилик сиёсати олиб борган қаҳрамонлар, авлиёлар ҳақидаги қиссалар, насиҳатомуз ҳикоялар, адаб ҳақидаги рисолалар, ислом ақидаларини тарғиб қилувчи асарлар, "1001 кеча" туридаги асарлар кенг тарқалган эди. Шуниси қизиқки, Ҳомер достонларидан катта-катта парчалар, Ев-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рипид трагедиялари араб тилига ағдарилган. Эронийларда қаҳрамонлик достонлари кенг тарқалган бўлса-да, бу жанрлар араб тилидаги адабиётга таъсир ўтказмади. Араб тилидаги адабиётда шеъриятнинг ғазал, қасида, марсия, рубоий каби турлари ривожланади. Улар шеъриятнинг юксак намуналари деб ҳисобланар эди.

Бу даврда илм ва илм одамларига нисбатан иззат-ҳурмат, эҳтиром шунчалик юқори даражага кўтарилган эдики, бундай ҳолатни на бирор давр, на бирор мамлакатда, ҳатто кўкларга кўтарилиб мақталган Оврупада ҳам учратмаймиз.

Ислом дини, Пиреней ярим оролидан то Ғарбий Хитойгача бўлган ерларни ўз ичига олган халифаликнинг ижобий муносабати натижасида илм-фан мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Унинг умуминсоният тарихи учун аҳамияти беқиёс ва уни ҳеч қандай жараён билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳозирги фанларнинг пойдевори ўша вақтларда яратилган, унинг амалга оширилишида иштирок этганларнинг аксарияти юртимиз вакиллари бўлганлар. Диний эътиқоди ягона бўлган турли миллат, халқ вакилларининг ақл-заковати, идроки, билими, маънавий бойликлари бир мақсадга қаратилганлиги ва ислом динининг бирлаштирувчи кучи[15] туфайли илм-фан ва маданият бобида умуминсоний ғалабага эришилди.

Ислом дини ҳукмрон синфнинг маънавий қуролига айлангач, халифаликнинг иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланган ўлкаларида унга қарши бўлган турли бидъатлар шаклланади. Булар орасида кенг тарқалгани ва расмий ислом учун хавфлиси исмоилийлик эди. Шу оқим вакили файласуф олим Абул Фатҳ аш-Шахристонийнинг (1086—1153) таъбирича исмоилийлар "қачонки руҳ онг даражасига етганида ва у билан муштарак бўлганида олий камолот даражасига кўтарилади"16 дейдилар. Улар маърифат, илм-фан, фалсафанинг кенг тарқалишини истайдилар. Исмоилийлар оқими антик гностицизми, зардуштийлик ва монийлик динлари таъсири остида шаклланган эди. Кейинчалик исмоилизм Оврупода кенг тарқалган карматлик, альбигойлик, кадарит, ботинит, павликийлик каби оқимларга асос бўлди. Бу оқимларнинг бир-биридан фарқи кам, турли минтақаларда турлича аталиб, расмий ислом ва католик динига қарши қаратилган эди. Улар миллий озодлик, қашшоқ табақаларни ҳимоя қилиш, расмий динлар таълимотларини зардуштийлик, монийлик таълимотлари элементлари билан бойитиш каби сиёсий талабларни ҳам олға сурадилар. Уларнинг фикрича, дунё абадий, нариги дунё ҳақидаги таълимот асоссиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бидъат оқимлари таълимотига зардуштийлик дуализмининг таъсири кучли бўлган. Улар ҳам бутун борлиқ яхшилик ва ёмонликнинг курашидан иборат деб ҳисоблайдилар. Бидъат оқимлари, айниқса, Оврупо мамлакатлари — Италия, Болгария, Византияда кенг тарқалади, Болгария ва Францияда қуролли урушлар, қон тўкишларга олиб келади. Бу ҳаракатлар расмий дин арбоблари ва ҳокимиятлар томонидан шафқатсизлик билан бостирилган.

Ўрта асрларда тарқалган турли таълимотларнинг кўп тарқалгани ва эътиборлиси муътазиллик эди. Бу оқим VIII асрда шаклланган бўлиб, халифа ал-Маъмун даврида давлат ҳомийлигидаги таълимот даражасига кўтарилган, аммо эллигинчи йиллардаёқ манъ этилган эди.

Муътазиллик ислом Шарқида фалсафий, илмий дунёқарашга асос бўлиб хизмат қилади. Бу оқимнинг дастлабки вакилларидан бири Восил ибн Ота (699—748) эди. Олим Аллоҳнинг 99 сифатини рад этиб, Аллоҳ одамсифат, яккаю-ягона ва абад-боабад экан, демак, унинг номи ҳам битта бўлиши керак, деган тезисни олға суради. Ибн Ота Аллоҳнинг одамсифатлигини ҳам шубҳа остига олади, одамга ўхшатиш билан Аллоҳнинг моҳиятини пасайтириб юбориш мумкин, дейди. Ибн Ота тезисларининг бири инсонда ихтиёр йўқлигини рад этиш, акс ҳолда инсонларнинг салбий қилмишларининг масъулияти Аллоҳ амри билан амалга оширилган бўлур эди.

Инсон истаги, ихтиёри масаласи ўта муҳим бўлиб, расмий ислом ақидаларига биноан одамнинг бутун хатти-ҳаракати, тақдири фақат Аллоҳ амрига боғлаб қўйилган эди. Муътазиллийлар эса инсон эркин, "Аллоҳ эса ўз бандаларига нисбатан масъулият ҳис этиши лозим"[17], деган тезисни олға сурадилар. Уларнинг фикрича, Аллоҳ — соф, тутиб бўлмас ва кўриб бўлмас руҳ. Муътазилликнинг инсоният олдидаги асосий хизмати тажриба ва билимнинг инсоният тараққиётидаги ролини тан олган ҳолда ақл, онг аҳамиятини ҳам юқори кўтариши билан белгиланади. Муътазиллик таълимоти ислом расмий дин сифатида тан олинган минтақалар — айниқса, Мовароуннаҳр, Эрон, Испанияда илм-фан, фалсафанинг ривожланишига замин ҳозирлади. Муътазиллик таълимоти халифа Мутаваккил (847—861) даврида манъ этилиб, бидъат деб эълон қилинди. Ҳақиқатан улар ҳурфикловчи эдилар. Муътазиллийлар фаолияти "Ихвон ус-сафо" номи остида бирлашган эркин фикрловчи олим-файласуфлар гуруҳининг келиб чиқишига замин ҳозирлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Ихвон ус-сафо" (пок биродарлар) таълимоти исмоилийлик ва карматлар бидъати билан боғлиқ бўлгани туфайли уларнинг фаолияти махфий тусда эди. "Ихвон ус-сафо" 938 йили Басрада ташкил топди. Улар элликдан ортиқроқ илмий фалсафий рисолалар-номалар яратдилар. Яширин ташкилот "Ихвон ус-сафо"нинг аъзолари Зайд бин Рифаат, Абу Сулаймон ал-Муҳаммад, Абул Ҳасан ал-Занжоний, Абу-Аҳмад ал-Наҳражоний ва бошқалар эди. Улардан етиб келган рисолалар — "Пок биродарлар ва содиқ дўстлар номалари" деб аталиб, фанлар бўйича қуйидагича тақсимланади: математика — 14, табиат фанлари — 17, метафизика — 11, дин масалалари — 10, ҳаммаси — 52 рисола. Улар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ[18]. Йирик арабшунос олим К. Брокельманнинг айтишича, "Ихвон ус-сафо" олимлари расмий ислом реакцияси анча сусайган даврда ижод этганлар. Олимнинг фикрича, онгни бирламчи даражага кўтарган қомусий олимлар исмоилий гуруҳи билан боғлиқ бўлганлар. Илмий таълимотлар ва тажрибаларини Қуръонни айнан шарҳлашга қарама-қарши қўйганлар[19]. Ўз илмий-фалсафий таълимотларини муқаддас китобни эркин равишда шарҳлаш билан асослаганлар.

"Ихвон ус-сафо" олимлари табиат, математика, астрономия, фалсафа фанларига кўпроқ аҳамият берганлар, илмда ҳалоллик учун курашганлар. Неоплатонизм фалсафа мактабининг асосчиси Плотиннинг (тахминан 203—270 йиллар) эманация ҳақидаги идеалистик таълимотидан материалистик хулосаларни изҳор этишда фойдаланадилар.

"Ихвон ус-сафо" олимлари қадим Иония фанига, Аристотел, Пифагор, Ҳиппократ, Гален таълимотларига юқори баҳо берадилар. Дин масалаларида олимлар синкретик назарияни тарафдори бўлганлар. Уларнинг фикрича, ҳамма динларнинг ҳам рационал томонлари бор. Аристотел олдинга сурган муаммо-модда ва шакл масаласи уларни айниқса, қизиқтиради. Улар модда ва шакл бир деб ҳисоблайдилар. Уларнинг Аллоҳга муносабатлари расмий ислом муносабатидан ўзгача — Аллоҳ кўриб ва тутиб бўлмас, аммо ҳаракатга келтирувчи нур сочувчи руҳ. Бу фикр зардуштийларнинг Қуёш атрофидаги нурнинг тимсоли бўлмиш Ахура Маздасини эслатади.

Инсонларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовор. Ҳаёт экватор минтақасида, кеча ва кундуз тенг, иссиқ ва совуқ, намлик ва қуруқлик гармоник ҳолатда аралашган жойда келиб чиққан, ўша жойда, ғайри табиий кучларнинг иштирокисиз, Одам ато ва Момо ҳаво

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайдо бўлганлар. Ҳайвонот ва наботот дунёси, табиат ҳодисаларини тушунишда ҳам илмий одилликка яқинлашганлар.

"Биродарлар" ахлоқ, одоб масаласига алоҳида аҳамият берадилар. Бу ўринда ҳиндилар динига хос бўлган ёмон одамларнинг руҳи жонивор ва ҳайвонларга ўтиши мумкинлиги ҳақидаги фикрга қўшиладилар. Олимлар инсоннинг руҳий, ахлоқий камолоти, поклик, меҳр-шафқатлилик, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этадилар. Грек файласуфлари таълимотига суянган ҳолда илм-фанни диндан устун қўядилар.

Муътазиллийлик, исмоилийлик оқимлари заминида ташкил топган "Ихвон ус-сафо" ислом шарқида Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём, Ибн Бажжа, Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аби Валид ибн Рўшд каби буюк олимлар ижоди пойдеворини ҳозирлади. Уларнинг асарларида мусулмон Шарқида яратилган илмий-фалсафий таълимотнинг деярли ҳаммаси якунланди, шунинг учун "Номалар"ни илмий-фалсафий қомус деб ҳисоблашга асос бор. "Ихвон ус-сафо" яратган қомусий рисолалар кейинчалик Шарқда аниқ ва амалий фанлар учун асос бўлди.

"Ихвон ус-сафо" яратган "Номалар" билан Оврупо фақат XIII асрда таржимон Кало Калонимуснинг лотин тилига таржимаси орқали танишди. Бу асарлар Оврупо мамлакатлари, айниқса, Францияда илм-фан ривожи ва шаклланишида асосий омилларнинг бири бўлди.

Халифалик ва ислом мамлакатларида илғор дунёвий фанларнинг эркин тараққиёти ҳамма вақт ҳам осонликча, бир текисда бўлмади. Чунки ислом мамлакатларидаги ижтимоий ҳаёт, илм-фан ва фалсафанинг тараққиёти эркин фикрлаш, ислом ақидаларига нисбатан танқидий қарашни ҳам келтириб чиқарган эди. VIII асрнинг иккинчи ярмида динда бидъатлар, маънавий ҳаётда турли илғор фалсафий таълимотлар, мутазиллитлар, "Ихвон ус-сафо", қадимги грек фани, фалсафаси таъсирига қарши кураш заминини ҳозирлаш, исломнинг расмий таълимотини ҳимоя этиш мақсадида қалам (мутакаллимлар) ҳаракати ташкил топди. Ғаззолийнинг фикрича, мутакаллимлар ислом принциплари, суннани турли чалкашликлар, бидъат таълимотлардан ҳимоя қиладилар. Улар дин софлиги учун курашадилар, ҳаёт олдинга сурган муаммоларга фақат Қуръон, ҳадислардан олинган парчалар, худонинг имконияти кенглигини таъкидлаш билан жавоб берадилар. Ўз таълимот-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини оқлаш учун ўн икки тезисни майдонга ташлайдилар. Масалан, бўлиши мумкин бўлган нарсага ишонч (худонинг буйруғи билан инсон филдек, фил пашшадек қолга келиши мумкин), ҳиссиёт орқали билимни рад этиш ва ҳ.к. Қалам "улум ул-ислом"нинг бир қисми бўлиб, табиат фанлари, илғор фалсафий оқимларга қарши курашди. Улар танқид манбаларининг асосийси табиат ҳодисалари ва инсон ҳаёти табиий қонуниятлар асосида рўй беради деган тушунча бўлган. Мутакаллимлар қадимги грек файласуфи, материалистик дунёқарашнинг асосчиси Демокрит (эр. ав. 470—360 й.)нинг атомлар ҳақидаги материалистик таълимотини бузиб, ундан ўз мақсадларида фойдаланадилар. Улар Демокритни динни оқловчи, тарғиб этувчи деб билиб, атом ҳақидаги таълимотидан дунёвий фан, эркин фикрлашга қарши кураш қуроли сифатида фойдаланганлар[20]. Уларнинг фикрича, абадийлик фақат Аллоҳга хос хусусият, "буюмларда ҳеч қандай абадийлик йўқ", атомлар субстанция сифатида бир хил, лекин уларга хос хусусиятлар фавқулодда, буюмлар ва уларни ташкил этган атомлар фаол ҳаракатдан маҳрум бўлганлари учун улар орасида ҳеч қандай объектив алоқа ҳам бўлиши мумкин эмас. Атомлар ҳаракатини Аллоҳ истаган вақтда ўзгартириши ёки тўхтатиши мумкин. Борлиқ ва атомлар доимо ўзгариб турадилар, аммо на улар орасида, на умуман борлиқда ҳеч қандай доимий алоқа йўқ, деган таълимотни ишлаб чиққанлар. Мутакаллимлар табиат ва жамият ҳаётидаги қонуниятни ҳам мутлақ инкор этадилар. Жаҳондаги ҳамма нарса, ҳам атомлар, ҳам ундан ташкил топган йиғиндиларни фақат Аллоҳ ўз хоҳишига биноан бошқаради. Инсонда ҳеч қандай ихтиёр йўқ, у ҳамма ҳаракатини Аллоҳнинг амри билан бажаради. Шундай қилиб, агар Аристотел, Платон, Пифагор, Сократ ва бошқа грек файласуфлари таълимотлари ўрта аср ислом мамлакатларида ривожланган илғор илм-фан, фалсафага асос бўлган бўлса, материалистик дунёқарашнинг асосчиси Демокрит таълимоти мутлоқ таниб бўлмаслик даражада ўзгартирилган ва ислом ақидаларига хизмат қилдирилган эди. Шуниси қизиқки, Форобий, ал-Киндий, ибн Сино, ибн Рўшд каби ҳур фикрлик олимлар ҳам Демокрит таълимотини ҳимоя эттмаганлар. Бунинг сабаби, фикримча, файласуф асарларининг бирортаси тўлиқ сақланиб қолмаганида бўлса керак[21].

Мутакаллимларнинг кўзга кўринган вакили Шайх ал-Ашъорий (873—935) ва унинг маслакдошлари уларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ақлга сиғмаган баъзи фикрларини юмшатишга, мутакаллимлар таълимотини фалсафий жиҳатдан асослашга уринганлар.

Халифаликда мутакаллимликдан кейин расмий диний ақидаларга мутлоқ риоя қилиш, ҳеч қандай чекинмаслик, реакциянинг кучайиши натижасида Бағдод аввалги мавқеини секин-аста йўқотади. Халиф ҳокимияти, халифаликнинг инқирозга юз тутиши, қарам бўлган мамлакатларнинг, айниқса, Шимолий Эрон, Марказий Осиё, Шимолий Африка, Испаниянинг халифаликдан ажралиб чиқиши натижасида Бағдод маданий, илмий марказлик хусусиятини йўқотади. Янги давлатлар, айниқса, Мовароуннаҳрда арабларгача бўлган маданий марказлар — Хоразм, Бухоро, Марв, Самарқанд каби шаҳарларда иқтисодий, маданий ҳаёт тез ривож этади.

Оббосийлар давридаги маданиятнинг ажойиб хусусияти ва аҳамиятли томони шундаки, фаннинг ва бадиий ижоднинг ҳамма соҳаларида диний мафкуравий чекланганликдан юқори кўтарилиб, дунёвийлик таъминланган. У давр олимлари ислом ақидаларига маҳкам боғланиб қолмаган, ҳатто расмий ислом догмаларига риоя қилмай, эркин фикрлаш даражасига кўтарилганлар. Улар инсон табиатнинг энг олий маҳсули эканини тасдиқлайдилар[22].

У давр олимлари ва бадиий ижодкорлари фақат тор бир соҳанинг мутахассиси эмас, балки ҳам олим, ҳам сўз устаси бўлганлар ва бу ҳолат табиий деб ҳисобланган. Қадимги Юнонистондаги каби илмий рисолалар шеър билан ҳам ёзилган, олимлар шеърлар, шоирлар эса илмий рисолалар ёзганлар. Улар илмнинг бир қанча соҳаларида тадқиқот олиб борган қомусий фозиллар бўлганлар. Масалан, Хоразмий математик, астроном, географ, тарихчи, Беруний — астроном, тарихчи, геометр, фармаколог, геолог, Форобий — файласуф, мусиқашунос, тарихчи, химик, табиат фанлари мутахассиси, Ибн Сино — шифокор, табиатшунос, файласуф, мантиқ фани мутахассиси, шоир бўлганлар. Ўрта аср шарқ олимларининг ўз тадқиқотларида табиат ва жамият ҳаётининг турли томонларини қамраб олиши бошқа давр ва бошқа минтақалар тарихида учрамайди. Шарқ олимлари ижодида табиат ҳар тарафлама ва яхлит ўрганилган.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛМ-ФАН

704 йил Хуросонга ноиб Қутайба ибн Муслим тайинланиб, унга топширилган вазифа Мовароуннаҳрни мутлақ босиб олиш эди. Қутайба шу топшириқни ўта золимлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан амалга оширади. Аммо бу вилоятларни мутлақ бўйсундириш учун яна бир неча ўн йилликлар керак бўлди, баъзи жойларни қайта-қайта босиб олишга тўғри келарди. Араблар фақатгина ерли аҳолининг турли табақалари, турли вилоятлар орасида низолар келтириб чиқариб, VIII асрнинг ўрталарига келиб Марказий Осиё аҳолисини қисман тинчита олди. Ислом динини Марказий Осиёда жорий этиш ҳам осонлик билан бўлмади. Араблар не-не ҳийлалар кўрсатмасинлар, аҳоли имкон борича зардуштийликка қайта берди. Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг эрксевар аҳолиси ҳатто бир асрдан кейин ҳам араблар ҳукмронлигига, оғир солиқларга, айниқса, инсон ҳуқуқининг поймол этилишига кўника олмадилар. Абумуслим, Муқанна каби ватанпарварлар бошлиқ кўплаб қўзғолонлар дунёнинг ярмини эгаллаган халифаликни анча-мунча заифлаштирди. 821 йили Хуросон ноиби Тоҳирий ўз юртини мустақил давлат сифатида эълон қилади. Сомон бўлажак халифа Маъмунга яқин одам бўлиб, унинг илтимосига кўра зардуштийликдан исломга ўтган эди. Унинг ўғли Асад ва набиралари Нух, Аҳмад, Яхъё, Илёслар 806 йилдаги қўзғолонни бостиришда хизмат кўрсатганлари учун турли вилоятларга ноиб этиб тайинланган эдилар. 873 йил Сомонийлар расмий жиҳатдан халифага тобе бўлсалар-да, амалда мустақилликка эришадилар. Исмоил ибн Аҳмад 888 йилдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг якка ҳокимига айланади ва 900 йили Хуросон билан Шарқий Эронни ҳам қўлга киритади. Шундай қилиб, X аср бошларига келиб Сомонийлар давлати Шарқдаги энг йирик ва кучли давлатга айланади. Давлатнинг пойтахти Бухорода жойлашади. Аммо феодал тузумга хос зиддиятлар шундай қудратли давлатни ҳам заифлаштирди. Ҳали у, ҳали бу вилоятларда кўтарилган ва шафқатсизлик билан бостирилган қўзғолонлар, феодалларнинг ўзбошимчалиги давлатни кучсизлантирди. Ҳусайн ибн Али Марвазий раҳбарлигидаги карматлар ҳаракати ҳам худди шу даврда, X асрнинг бошларида рўй берди ва қон тўкишлар билан бостирилди. Аммо карматлик бидъати халқ орасида узоқ вақтлар яшади, ҳатто Оврўпа мамлакатлари, айниқса Францияда (альбигойлар) кенг тарқалди.

IX—X асрларда Мовароуннаҳр ривожланган қишлоқ хўжалиги, ички ва ташқи савдо, ҳунармандчилик юксак тараққий этган, иқтисодий жиҳатдан Яқин ва Марказий шарқдаги илғор мамлакат эди. Бу даврда Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган Бухоро Марказий Осиёнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиёсий ва маданий марказига айланган, шаҳарда кўплаб мактаб, кутубхона, мадрасалар, масжидлар ташкил этилган, бинолар, саройлар ва истеҳкомлар қурилган эди. Бухоро Сомонийлар даврида Марказий Осиёнинг энг обод, гўзал шаҳрига айланган эди.

Сомонийлар илм-фан, адабиёт, санъат, умуман маданиятнинг тараққиётига катта аҳамият берганлар. Улар саройга олим, шоир, бастакор, муҳандис кабиларни жалб этганлар. Бу даврда аҳолининг тили суғди, тожик ва туркий бўлса-да, араб тили ҳам кенг тарқалган эди. Араб тили илм-фан, адабиёт, дин, фиқҳ тили ва жаҳондаги энг катта давлат бўлган халифаликда халқаро алоқа тили ҳам эди. Шунинг учун араб тилини билмай ижод этиш ёки бирор вазифага тайинланиш мумкин бўлмаган.

IX—X асрда Бухорода форс тили шунчалик ривож этадики, бу тил ҳалигача адабий форс тили сифатида қўлланилмоқда.

Бухорода Сомонийлар саройи кутубхонаси Шарқдаги кутубхоналарнинг энг йириги ҳисобланган. Сомонийлар даврида Бухоро Ибн Сино, Рудакий, Дақиқий, Балъамий, Наршахий каби буюк зотларнинг ватани бўлган. Сомонийлар даврида Бухорода бадиий адабиёт, аввал араб кейинроқ, X асрда халқ ижоди анъаналарига суянган форс-тожик тилидаги лирик ва эпик шеърият, айниқса, тараққий этади. Рудакий, Фаррухий, Шоҳид Балхий, Дақиқий, Абу Зарраъа, Абу Шукур Балхий, Фирдавсий ижоди ҳам худди Сомонийлар даври анъаналари асосида шаклланди. "Шоҳнома"ни даставвал бошлаган шоир Дақиқий бўлиб, анча ёш эканида зиёфатда ўлдирилган. Шоирдан минг байт достоннинг бошланғич қисми қолган. Айтишларига қараганда, Фирдавсий ўз асарини бухоролик шоир тўхтаган жойидан давом эттирган.

Сомонийлар даврида, айниқса, илм-фан ривожи юксак чўққиларга кўтарилади. Бир томондан ҳудуднинг тарихий шароити бунга имкон туғдирса, иккинчи томондан "ислом фалсафасидаги кучли рационалистик ва материалистик элементлар қадимги дунё ғоявий бойликларини ўзлаштиришни осонлаштирди ва табиий фанларнинг тараққиётига ёрдам берди"[1]. Ҳозирги замон фанлари асосини яратган буюк олимлар — Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолар Сомонийлар даврининг маҳсулидир. Халифа Маъмун ибн Хорун ар-Рашид бекорга бир гуруҳ марказий Осиёлик олимлар — Хоразмий, Мар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

влик Абу Мансур, Фарғоналик Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир, марвлик Аҳмад ибн Абдуллоҳ (Ҳабаш ал-Ҳосиб), Марваррудлик Холид ибн Абдулмалик кабиларни Бағдодга олиб кетган эмас. Бу олимлар Маъмун томонидан Бағдодда ташкил этилган "Байт-ул-ҳикма"нинг асосини ташкил этдилар ва аш-Шаммасия ва Дамашқ яқинидаги Қайсиюн тоғидаги обсерваторияларда илмий кузатувлар олиб бордилар.

Ғарб мамлакатлари олимларининг Мовароуннаҳрга антик, юнон маданияти, илм-фанига қизиқиш араблар орқали келди, деган фикр одат тусига кириб қолган. Бу фикрга ўз эътирозимни билдирмоқчиман.

Александр Македонский урушлари натижасида юнон ва Марказий Осиё халқлари маданиятининг қоришиши юз берган эди. Жаҳонгир вафотидан сўнг шаклланган Грек-Бактрия давлати, юнонларнинг ҳудудда кенг тарқалиши, юнон ёзувининг Бактрия, Парфия ва Кушанлар давлатида расмий ёзув сифатида тан олиниши ва асрлар давомида мавжуд бўлгани албатта изсиз йўқолиб кетмади. Юнон фани ва адабиётига оид китоблар ҳам бу ерларда сақланиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Иккинчидан, 431 йили Византияда Исавия динининг мазҳабларидан бўлган Нестор таълимоти қораланган ва тарафдорлари мамлакатдан қувғин қилинган эди. Нестор тарафдорлари асосан Шарқ мамлакатлари, Сурия, Эрон, Марказий Осиёдан бошпана топадилар. Улар ҳатто Хитой ва Мўғулистонгача тарқалдилар (Чингизхон лашкарлари орасида исавия динининг насроний мазҳабидан бўлган шахслар ҳам бўлган). Ҳозирги Ўзбекистон минтақасида христиан черковлари, несториан епископати ҳам бўлган. Умуман Суғдиёна ва бошқа Марказий Осиё давлатларининг Византия билан иқтисодий, ижтимоий алоқаси анча кенг йўлга қўйилган. Шундай экан, нима учун антик юнонистоннинг таъсири фақат араблар орқали бўлиши керак? Ахир ташқи маданий таъсирни қабул қилиш учун эҳтиёж, ўшанга яраша тараққиёт бўлмаса, ҳеч қандай таъсир илдиз отолмаслиги маълум-ку! Бундан ташқари, Марказий Осиё ва Юнонистонда ривожланган илм-фаннинг илдизи битта-зардуштийлик эди.

Овруполик баъзи тадқиқотчилар Марказий Осиёдан чиққан олимлар фақат Дамашқ ва Бағдодда таълим олиб етишдилар, деган фикрни олға сурадилар. Бунга ҳам ўз эътирозимни билдирмоқчиман. Хоразм, Суғдиёна, Хуросон каби Марказий Осиё вилоятлари маданиятининг мустақил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лигини инкор этиш қўпол хатолик бўлур эди. Тўғри, Марказий Осиё маданиятини умумий маданиятдан ажратиб ҳам бўлмайди. Минтақа бу даврда шунчалик кўп буюк олимларни бердики, уларсиз ўрта аср шарқ фанини умуман тасаввур этиб бўлмайди. IX—XII асрларда минтақада адабиёт, архитектура, санъат ривож этди, илм-фан тараққиёти, айниқса, юксак чўққиларга кўтарилди.

Ишимизнинг биринчи қисми зардуштийлик динининг минтақамизда шаклланган, бу дин академик С. Ф. Ольденбург таъбири билан айтганда, "инсоннинг ер юзидаги ҳаётини енгиллатишга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг оқилона дин"[3] эканлиги, унинг қадимги юнон фани ва фалсафаси шаклланишига, Демокрит, Платон, Аристотел таълимотларига, греклар динига таъсири ҳақида ёзилган эди.

Марказий Осиёда араб истилоси, ваҳшиёна қирғинлардан кейин ҳам аждодлар динига қайтиш кўп учраган. X асргача Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Эрон (979 йилда Шерозда зардуштийларнинг мусулмонлар билан тўқнашуви ҳам рўй берган), Бобилда зардуштийликка мансуб бўлганлар анчагина эдилар. Немис олими Адам Мец, Нольдеке нашр этган Табарий тарихига суянган ҳолда, "X асрда зороастризм (маъжус) исавия ва Яҳудийлар дини билан бир қаторда ҳимоя остига олинган (халифалик томонидан — *Ф. С.*) дин сифатида сўзсиз эътироф этилган эди. Исавийлар ва яҳудийлар каби улар сарой ва давлат қошида ўз бошлиқларига эга бўлганлар. Аммо зардуштийликка ҳалигача қўл етмайдиган жойларда макон топган мустақил ва жасур душман сифатида қаралган"[4], деган маълумот беради. Археолог Г. В. Григорьев Самарқандда ҳатто XIII асрга тааллуқли муғлар қабрини топган[5].

Тарихчи Наршахий Бухоро Кўшки ҳақида қуйидагиларни ёзади: Қутайба Бухорони эгаллагач, аҳолига ўз уйлари ва ерларини ярмини арабларга беришни буюради. "Бухорода бир қавм бор эдики, Кашкашон дер эдилар... Қутайба уйлар, асбоб-анжомларни тақсим қилиб беришни қистай бергач, улар ўз уй-жойлари ва асбоб-анжомларини бутунлай арабларга қолдириб, ўзлари учун шаҳар ташқарисида етти юзта кўшк бино қилдилар... ҳар бири ўз кўшкининг атрофига хизматкорлари ва ўзига қарашли одамлари учун уйлар қурди ва ҳар бир киши ўз кўшкининг олдига боғ ва текис майдон барпо қилди ва улар ана шу кўшкларга кўчиб келдилар. У кўшклар ҳозирда вайрон бўлиб, кўпроқ қисми шаҳарга қўшилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетган, у жойда фақат икки-учта кўшк сақланиб қолган ва уларни "Кўшки муғон" дейдилар. Чунки у жойда оташпараст (муғ)лар турганлар. Бу вилоятда оташпарастларнинг ибодатхоналари кўп бўлган..."[6]. Кейинги асрларда ошкора зардуштийлар оз бўлса-да, махфий равишда ота-боболар динига эътиқод қилиш анча давом этган.

Зардуштийлар моҳир соҳибкор, боғбон ва деҳқон бўлганлар, узоқ вақтларгача май тайёрлаш, сотиш ишлари билан ҳам шуғулланганлар (дайри муғон, харобот, пири муғон ва ҳоказо) Византия императорлари молия министри ва дипломатия ишлари учун бекорга зардуштийликка эътиқод қўйган суғдиларни таклиф этмаганлар.

Зардуштийликни моддий ҳаётдан кўра маънавиятга таъсирини ҳеч қандай жуғрофий ва даврий чегаралар билан аниқлаб бўлмайди. Исавия, ислом динларидаги бидъатлар, фалсафадаги пантеизм, тасаввуф оқимларини зардуштийлик таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг халифаликка қарши, миллий озодлик учун кураши даврида қадимий эътиқодга қизиқиши кучаяди. Бу жараён ҳақида Е. Э. Бертельс қуйидаги сўзларни айтади: "Иш шу даражага бориб етадики, мўмин мусулмонлар Заратуштранинг қадимий, ислом томонидан сиқиб чиқарилган динини завқ билан ўрганадилар, ундан донишмандлик, гўзаллик топадилар"[7].

Зардуштийлик IX—XIII аср Мовароуннаҳр ва Хуросон айниқса, Сомонийлар даври адабиётида анча сезиларли из қолдирган. Бу ўринда яна Е. Э. Бертельсга мурожаат этамиз — "...Шарқий Эрон халқларининг "Авесто" яштлари яратилиш даври билан Сомонийлар даври шоирлари ижод этган давр оралиғида адабий жараёнда узилиш бўлмаган, табиийки, бу шеърият эски анъаналарни давом эттирган, балки баъзи тадқиқотчилар ҳанузгача таъкидлашларидек Ўрта Осиёга араблар томонидан олиб келинган эмас, ниҳоят македониялик Александр босқини билан араблар ҳужуми ўртасида бўлган даврда адабий ҳаёт, асосан, Ўрта Осиё ва Хуросон минтақаларида мужассамланган бўлса керак, бинобарин X асрда шеъриятнинг гуллаб-яшнаши худди ана шу вилоятлар билан боғлиқлиги бежиз эмас эди"[8]. IX—XII асрларда аввал Сомонийлар, кейинчалик Ғазнавийлар даврида яшаб ижод этган шоирлар асарларида, айниқса Фирдавсий, Унсурий, Саноий, Лабибий, Асадийлар ижодида ота-боболар динига қизиқиш билан зардуштийлик ибораларидан кенг фойдаланишни кўрамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шуниси ҳайротомузки, ислом дини жорий этилгач, май сотувчи муғ образини шеъриятга илк бор араб тилида ижод этган, аммо эронийлардан бўлган шоир Абу Нувос (747/762—806/814) олиб кирган.

Фирдавсий "Шоҳнома"сининг дастлабки минг байтининг муаллифи бўлмиш Дақиқий шеъридан олинган қуйидаги парча фикримизнинг далили бўла олади:

Дақиқий чор хислат бар гузида аст
Ба гити аз ҳама хубию зишти:
Лаби ёқутрангу нолаи чанг,
Ман чун з нагу Зардҳушти[9].
(Дунёдаги ҳамма яхшилик ва ёмонликлардан
Дақиқий тўрт хислатни танлади:
Ёқут рангли лабу нолан чанг,
Ой рангли маю дини Зардуштий).

Ёки яна бир ғазалда:

Эй рўйи ту рахшанда тар аз қиблаи Зардҳушт
Бе рўйи ту чун зулфи ту куж аст маро пешт[10]
(Эй юзи Зардушт қибласидан ёруқ бўлган,
Агар сенинг юзунгни кўрмасам қаддим зулфинг каби ҳамдур).

Ёки

Ба яздонки ҳаргиз набинад беҳишт,
Касе ков надорад раҳ Зардҳушт[11].
(Ёздан номи билан қасам ичиб айтаманки,—
Ким Зардушт йўлидан бормаса у беҳиштни кўрмайди).

Агар Дақиқий зардуштийлик динига мойиллигини очиқдан очиқ ёзса, буюк Фирдавсий зардуштийлик даври, бу динга эътиқод қўйган қаҳрамонларни кўкларга кўтариб тасвирласа, бошқа шоирлар зардуштийлик иборалари — май, майхона, муғбача, соқий, пири муғон, муғ дайри кабилардан ўз асарларида кенг фойдаланадилар. Бу ҳолат шартли бўлса-да, кейинги давр шеъриятида ҳам, айниқса, тасаввуфга мансуб шоирлар ижодида кенг қўлланади.

Зикр этилаётган даврда шеърий асарлардан ташқари сиёсий мустақиллик қадимий миф ва афсоналар, жангномалар ва умуман миллий ўтмишга қизиқиш уйғотади. Натижада халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрган кўплаб нақл, ривоят, ҳикоят, қиссалар шеърий ва насрий шаклда ёзилади[12], булар асосан "Шоҳнома"лар эдилар. Уларнинг орасида диққатга сазоворлари Абулмуайяд Балхий (X) яратган "Шоҳнома" (Гистаспнома" қисми кенг тарқалган),

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абу Али ибн Муҳаммад Балхийнинг (X) "Шоҳнома"си, Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдураззоқ (X-XI) раҳбарлигида номлари сақланиб етмаган" тўрт зардуштий олим томонидан ёзилган "Шоҳнома"дир"[13]. Абу Али Муҳаммад Абулфазл ибн Муҳаммад Балъамийнинг Табарий тарихи таржимаси жараёнида яратилган "Тарихи Балъамий" асари ҳам Бухорода, Сомонийлар даврида ёзилган эди. Бу асарлар Дақиқий ва Фирдавсийнинг шоҳ асари ҳамда бошқа тарихий достонлар учун манба вазифасини ўтаган. Уларда араб босқинчилари ва халифалик олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши ўлароқ, зардуштийлик ўтмиши хайрихоҳлик билан тасвирланиб минтақавий қаҳрамонлар фаолияти кўкларга кўтарилади.

Зардуштийликнинг инсоният маданияти ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида араб олими Собит бинни Қурра (836—901) шундай дейди: "Биз дунёга тарқалган маъжусийлик меросхўрлари ва авлодларимиз... Дунёни ким маданиятли қилди? Маъжусийлар шоҳлари, доҳийлари бўлмаса, ким унда шаҳарлар барпо этди? Ким каналлар қурди ва денгиз портларини ким яратди? Буларнинг ҳаммасини шонли маъжусийлар барпо этганлар. Худди ана шулар руҳимизга осойишталик, танимизга соғлиқни сақлаш санъатини ҳадя этдилар. Дунёдаги энг зўр олий буюм — донишмандлик, одамийлик тушунчаларини инсониятга тақдим этдилар. Маъжусийликсиз жаҳон бўшлиқдан иборат, қашшоқликда ночор ҳаёт кечирар эди"[14]. Табиийки, бу ўринда Собит бинни Қурра Мовароуннаҳр, Эрон халқларини назарда тутган, чунки "маъжус" сўзи грекларнинг "магус" (муғ) сўзининг арабча ўқилишидир.

Эрон ва Мовароуннаҳрни босиб олган араблар зардуштийлик ва бошқа динлар билан, шунингдек, ўзгача ҳаёт тарзи, юксак маданият, урф-одат, мафкура ва фан билан танишадилар, забт этилганлар эътиқоди ҳам ўзгача эди. Эрон, Сурия, Мовароуннаҳрда ерли маданият билан уйғунлашган грек фалсафаси, адабиёти, илм-фани, санъати ва умуман маданиятининг турли соҳалари билан тўқнашдилар.

Китобнинг биринчи қисмида таъкидлаганимиздек, зардуштийлик таълимоти, айниқса, ундаги табиий материалистик дунёқараш қадимги юнон фани, фалсафаси, дастлабки файласуф олимлар — Фалес, Анаксимен, Анаксимандр, Ҳераклит, улар орқали Платон ва Аристотел таълимотларининг шаклланишида ҳал этувчи роль ўйнаган. Ўрта аср

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарқ фани ва фалсафаси эса грек фани ва фалсафаси таъсири остида шаклланган эътироф этилган.

Буюк олимлар Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ҳатто буюк муҳаддис — олим ибн Исмоил ал-Бухорийнинг (тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Муғира ибн Бардазбах ал-Жуафий ал-Бухорий) ота-боболари зардуштийлик динига мансуб бўлганлар, уларнинг "Маъжусий" лақаби бор. Сомонийлар сулоласига асос солувчи Сомоннинг ўзи зардуштийлик динига мансуб бўлиб, кейинчалик исломга ўтган эди. IX-XI асрларда минтақада боболар динига содиқ қолганлар оз эмас, исломга ўтган оилаларда эса қадимий дунёқараш, урф-одат, удумлар аввалгича қолган эди (Баъзилари бизнинг даврмизда ҳам барҳаёт).

Сомонийлар дин соҳасида ҳамма дин ва мазҳабларга эркинлик бериш сиёсатини олиб борганлар, ҳатто саройда сунний, шиа, зардуштий ва исавия динига мансуб одамлар хизмат қилганлар. Давлатда диний масалада одамларни таъқиб этиш бўлмаган, аксинча, мутлақ фикр эркинлиги ҳукм сурган. Бундай сиёсат мамлакатда илм-фан, унинг амалий ва назарий турлари, фалсафанинг кенг ривож этишига шароит яратди[15]. Худди ана шу даврда Бухорода бой дунёвий адабиёт — шеърият ва қаҳрамонона ўтмишни улуғловчи достонлар ва насрий қиссалар яратилди, юнон-грек олимларининг асарлари таржима қилинди ва энг аҳамиятлиси, бу даврда Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закария Розий, Абу Мансур Ҳасан ибн Нух ал-Қамарий ал-Бухорий, Абул-вафо Муҳаммад ал-Бузжоний Нишапурий (940—997), Абу Жаъфар ал-Хазин Хуросоний, Абулҳасан ибн Аҳмад Насавий, тарихчилар Наршахий, Балъамий, географлар Масъудий, Истахрий, Мақдисий, Жайҳоний каби буюк олимлар етишиб чиқдилар. Уларнинг ижоди Сомонийлар даврининг маҳсули эди.

Юқоридаги мулоҳазалардан сўнг менда, табиийки, қуйидаги фикр туғилди: агар зардуштийлик таълимоти таъсири остида юнон-грек фани шаклланган бўлса, нима учун бу диннинг ватани бўлмиш минтақамизда етишган олимлар ижоди ота-боболар таълимоти таъсири остида эмас, балки фақат греклар, асосан Аристотел таъсири остида шаклланиши керак? Ахир "Авесто" фақат зардуштийларнинг диний китобигина эмас, балки ўша давр илм-фани, фалсафаси, тарихи, адабиёти, фольклори, миф, афсоналари, айниқса, астрономия, табобат, жуғрофия, қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар йиғиндиси ҳам эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Беруний ва умуман форсигўй ва арабигўй тарихчиларнинг ҳаммаси 12000 тери ёки 12000 тахтага олтин ҳарфлар билан битилган "Авесто"нинг тўлиқ нусхасини Александр Македонский Эронга қилган юриши вақтида олиб кетиб, табиат, астрономия, география, деҳқончилик, табобат, тарих каби илмларга оид қисмларини юнон тилига таржима эттириб, қолганини куйдиртиргани ҳақида ёзадилар. Муқаддас китоб куйдирилгани билан асрлар давомида хотирага сингдирилган зардуштийлик таълимоти асослари халқ хотирасида сақланган, одамларнинг дунёқараши шу асосда шаклланган.

Зардуштийлик таълимоти, табиий материалистик дунёқарашга биноан борлиқ абадий, аммо у бир ҳолатда қотиб қолган эмас, доимий ўзгариш, ривожланиш жараёнидадир. Буюмлар ва моддаларнинг ҳеч бири мутлақ йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас, улар фақат бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлари, шаклларини ўзгартиришлари мумкин. Моддасиз шакл бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ҳамиша модда ва шакл бир-бири билан боғлиқдир. Борлиқ ва ҳаётнинг асоси сув, олов, ҳаво ва ер, дунёдаги ҳамма нарса ана шу тўрт унсурдан пайдо бўлган, ҳаётни Қуёш таъминлайди, олов эса унинг ердаги заррачасидир. Агар бир ҳафта қуёш чиқмай зулмот бўлса ердаги ҳаёт сўна бошлайди. Лекин Қуёшнинг ўзи бош маъбуд Ахура Мазда эмас, у қуёш гардиши атрофидаги нурдир, дейилади. Мени Навоийда бир нарса ҳайратга солди: "Садди Искандарий" достонининг "Мерож" бобида шоир ўзининг коинот ҳақидаги фикрларини изҳор қилар экан, Муҳаммад Расулиллоҳ Арши аъзамга кўтарилиб,

Мунаввар бўлуб лавҳ анворидин,
Қилиб шамса хуршид рухсоридин.

(яъни рўпараларида нурли, равшан, афсонавий гўзал бир ёлқин, ёруғлик қуёш янглиқ юзидан намоён бўлди).

Ёруб васл хуршидидан айн анга,
Муайян бўлуб қоби қавсайн анга.

(яъни висол қуёшидан унга моҳияти аён бўлиб, Аллоҳ ва Расулиллоҳ ораларидаги масофа қисқаради)[16]. Шу тахлит Муҳаммад пайғамбар "кўнгул мулкига, кўнгул мулки ҳам эмас, маънавият оламига сайр" қилади. Асарнинг биринчи қисмида "Фавойид ул-Кибар" девонининг 230 ғазалида Навоийнинг зардуштийлик таълимотига бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

муносабати ҳақида фикр юритилган эди. "Садди Искандарий"дан келтирилган парчалар дастлабки фикримизни янада тасдиқлайди. Агар XV асрда яшаб, ижод этган шоир асарларида аждодлар динининг таъсири, Аллоҳни нурга ўхшатиш мавжуд бўлса, IX, X, XI асрлар файласуф олимлари дунёқарашида бу таълимот таъсирининг бўлиши табиийдир. Фикримча, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва ўша даврнинг бошқа олимлари дунёқарашига хос бўлган хусусиятлар илдизини зардуштийлик таълимотидан ахтариш, шу нуқтаи назардан бу олимлар ижоди ҳақида янги асарлар яратиш мақсадга мувофиқ бўлур ва улар дунёқарашидаги баъзи ноаниқликларни бартараф этишга эришилар эди.

IX—XI асрларда илм-фан, фалсафа фақат антик фани, зардуштийлик таълимоти асосида шаклланди дейиш ҳам мутлақ хато бўлур эди. Бу ўринда ислом дини ва, айниқса, ўша даврга хос бўлган умумий маданий, илмий муҳитни ҳам назарда тутиш лозим.

Оврупода материализм, рационализмга асосланган маданият кризисга учрагани ҳақида деярли юз йиллардан, яъни XIX аср охирларидан, маданиятда, айниқса, адабиёт ва санъатда тушкунлик (декадентчилик) оқимлари келиб чиққандан бошлаб гапира бошладилар. Бу даврда Оврупо мамлакатларининг маданияти Шарққа ўз таъсирини ўтказа бошлайди, табиийки, декадентчилик ғоялари Шарққа ҳам кириб кела бошлайди. Шуниси қизиқки, худди шу даврда минтақамиз билан декадентчилик, айниқса, ривожланган Франция, Англия ва Германиянинг бевосита алоқаси йўқ эди. Аммо XIX асрнинг охирида Қўқон, Хива, Бухоро адабиётида формалистик асарлар яратилди. Агар Францияда шеър мисралари жойлашуви тасвир этилаётган буюм шаклида бўлса, Қўқонда гул, гўзал офтоба шаклида мисралар жойлаштирилган шеърлар ёзилган. Ғарб формализми минтақамизга қандай келди? Ажабо? Беихтиёр равишда, инсоният тақдири, тараққиётини бошқариб турувчи куч борлиги кишини ҳайратга солади.

Сўнгги йилларда Овруподаги у ёки бу мамлакатнинг донишмандлари маданият кризиси, танглиги, инсоният боши берк кўчага кириб қолганлиги ҳақида бонг урмоқдалар. Бу кризис маданият кризиси эмас, балки рационализм, материализмга асосланган маданият танглиги деб ўйлайман. Большевизм, коммунизм мафкурасида одамлар абстракт тафаккур, яхшилик нимада, ёвузлик нимада эканлиги ҳақида бош қотиришдан маҳрум бўлдилар. На-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тижада маънавий дунёмиз қашшоқлашди, ҳалол-ҳаромни унутдик, ҳамма нарсага эътиборсиз бағритошга айландик.

Ўтмишдаги буюк зотларнинг гениаллиги рационализм ва материалистик таълимотни ислом динига хос бўлган сирли борлиқ, ҳаёт, инсон ҳар бир ҳодиса ва шахсга ижодий ёндошувни тасаввуф фалсафаси билан уйғунлаштирганлар. Улар зардуштийлик таълимотининг ҳаёт Яхшилик (Ахура Мазда) ва Ёвузлик (Ангра Маню) ўртасидаги курашидан иборат, ниҳоят Яхшилик ғолиб чиқади, деган назариясига ҳам ўз ишларида қаттиқ амал қилганлар. Натижада Ибн Синонинг "Рисола — фи-л-ишқ" каби гениал асари юзага келган.

IX—XI асрлар ҳам халифалик, ҳам Мовароуннаҳрда, Андалусда эса бир оз кейинроқ илм-фан, фалсафа тараққиётининг олий чўққисига чиққан давр бўлган.

Тўққизинчи аср — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Ҳабаш ал-Ҳосиб ва бошқалар математиканинг турли соҳалари, астрономия, география фанларида катта ютуқларга эришадилар. Ўнинчи аср — Форобий табиатшунос, мусиқашунос, файласуф, жамиятшунос, умуман қомусий олим. Қадимий Юнонистон файласуфлари меросини ижодий ўзлаштиришнинг олий чўққиси IX—X асрларда Марказий Осиё мутафаккири "Алмуаллими соний" деб ном таратган Форобий ижоди бўлди. "Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари фақат антик фалсафаси таъсири остидагина эмас, балки Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон ва Яқин Шарқнинг маданий анъаналари ва ўша даврда Марказий Осиёда ривожланган илғор илмий тафаккур асосида шаклланди"[2]. Унинг асарлари Шарқ ва Ғарб олимларини ҳалигача билим доираси кенглиги билан ҳайратга солиб келмоқда. Олим Аристотел таълимотининг рационал томонларини шунчалик ривож эттирдики, ҳаёт эканидаёқ "иккинчи Аристотел" деган фахрий номга эга бўлди. Файласуфнинг ижтимоий қарашлари, борлиқ абадийлиги ҳақидаги таълимоти Испания орқали Оврупога ўтиб, Уйғониш даври гуманизми ва ундан кейинги материалистик фалсафий оқимларнинг шаклланишига таъсир этди. Олимнинг XII асрда лотин тилига таржима этилган асарлари кейинчалик Рожер Бэкон каби олимларга ўз таъсирини ўтказган. Қомусий олим Абу Райхон Беруний тарих, астрономия, геодезия, минералогия, этнография каби фанлар ривожини ўз даври учун олий даражага кўтарган, тажриба асосида иш кўрган, асарлари савияси, тадқиқот методи билан замонамиз фани

www.ziyouz.com kutubxonasi

даражасига кўтарила олган олим эди. Ёки "Шайх ул раис" ибн Сино инсоният тарихидаги энг буюк шифокор-олим, айни вақтда инсонпарвар файласуф. Унинг шуҳрати ҳам Шарқ, ҳам Ғарбга тарқалган. Бу буюк олимлардан ташқари ал-Жайхоний, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Зайд ал-Балхий, аз-Заҳравий каби ўнлаб олимлар яшаганлар. Абулқосим Халаф ибн Оббос аз-Заҳравий (936—1012 Оврупода Абулкасис) ибн Синонинг катта замондоши ва тиббиётдаги салафларидан. Олимнинг "Китоб ат-тасриф ли-ман ажаза ан-ат-таъриф" асари XII асрда Толедода қисқартириб лотин тилига ағдарилган. Шуниси ҳайратланарлики, табобатга оид бир мунча сўзлар ар-Розий, Аз-Заҳравий, ибн Сино асарларидан Оврупо медицинасига ўтган ва ҳозир ҳам қўлланиб келинмоқда (касатир — катетир, катаракта ва бошқалар).

Сартон Ж. ўнинчи асрнинг иккинчи ярмини "Бузжоний даври" деб атаган. Хуросонлик олим Евклид меросини ижодий ўрганиб тригонометрия асосларини ишлаб чиқди. Берунийнинг устози Абу Наср Мансур ибн Ироқ синуслар теоремасини исботлади. Ал-Хўжандий эса йирик математик ва астроном бўлган. Олим биринчилардан бўлиб қуёш апогейи узунлиги ўзгарувчан эканлигини аниқлаган. У кейинчалик Улуғбек томонидан қўлланилган секстантни ишлаб чиқди, математика, геометрияларга янгилик киритди ва ҳоказо. Минтақамиздан етишиб чиққан олимлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Улар Аристотел, Платон, Ҳиппократ, Гален, Птоломей, Гиппарх, Евклид каби қадимги юнон олимларининг илмдаги ютуқларини шарқ фанига олиб кирибгина қолмай, уни юқори босқичга кўтарганлар. Улар илмни тажриба билан боғлаган ҳолда ривож эттирганлар.

Марказий Осиёда маданий марказ фақат Бухорода эмас, Хоразмда ҳам бўлган. Ҳам ёзма адабиёт, ҳам археология манбаларида Хоразм қадимий ва бой маданиятга эга бўлгани эътироф этилган. Хоразм ҳақида дастлабки маълумот Ҳеродотнинг "Тарих"ида берилади[17]. Ундан кейин деярли ҳамма антик тарихчилари — Ктесий, Страбон, Арриан, Эллиан, Плиний асарларида Хоразм ҳақида маълумотлар бор. Жаҳон маданиятининг қадимий ёдгорликларидан бўлган "Авесто"да бу ўлка аҳолиси зардуштийлик динига эътиқод қўйди, дейилади. Қадимий Хоразм ва "Авесто" тилини тадқиқ қилган олимлар (Лившиц, Кляшторный, М. Исоқов) ҳар иккала тилдаги яқинликдан келиб чиқиб, зардуштийлик дини Хоразмда шаклланган бўлса

www.ziyouz.com kutubxonasi

керак, деган фикрга келганлар. Машҳур археолог, Хоразм ўтмишининг билимдони проф. Толстов хоразмликлар томонидан илм-фанга қўшилган улуш ҳақида "Хоразмнинг эллинистик дунё ва Ҳиндистон билан қадимий тарихий алоқалари Грек-Бактрия ва Кушанлар давлати даврига бориб тақалади. Бу алоқалар антик Хоразм ёдгорликларида яққол кўзга ташланади. Хоразмлик олимлар қадимги ҳинд ва антик математикаси ютуқларини биринчи бўлиб "мусулмон Шарқи" деб аталган ўрта аср фанига, у орқали Оврупо фанига олиб кирдилар"[18], дейди.

Ўзбек ва рус олимларининг изланишлари натижасида энг қадимий даврларда (эр. ав. VI—IV а.) Хоразм воҳасида элликка яқин шаҳарлар, қаср ва туманлар, узунлиги 60 70 км., кенглиги 20—40 метрли каналлар, улардан чиққан кўплаб ариқлар, қувурлар орқали сув тарқатиш усули, ер остида қурилган сув омборлари (ҳозир шундай иншоот Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳри яқинидаги тоғда мавжуд), сунъий суғоришга мўлжалланган экинзорлар бўлгани аниқланди. Албатта, бу ўз даври учун анча мураккаб бўлган хўжаликни муносиб ҳолатда сақлаб туриш, қийин шароитдаги атрофни ўзлаштириш, табиат қийинчиликларига қарши доимий кураш олиб бориш учун тажрибадан ташқари, ривожланган илмга асосланган назария ҳам бўлиши шарт эди.

Ҳаёт тараққиёти натижасида деҳқонлар қуёш ва юлдузлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иш тутганлар, инжиқ Ваҳшо (Аму) дарё ва унинг тармоқлари одатларини кузатиб хулосалар чиқарганлар. Қадимий хоразмлик атроф табиат, ер, сув, ёғинлар ҳақида билим орттиришга мажбур эди. Моваройуннаҳрда илм-фан ривожига хоразмлик олимларнинг қўшган ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Математика, астрономия, тарих, кимё, минералогия, табобат, доричилик, тилшунослик, шеърият санъати — поэтиканинг мустақил фан сифатида шаклланиши асосан хоразмликларнинг хизматидир.

Археологик изланишлар натижасида топилган шаҳарлар, қасрлар, архитектура шаклларида ўта аниқ математик ҳисоб ётганлиги археологларни ҳайратга солгани бежиз эмас. Булар минтақада юксак даражада ривожланган техникавий тафаккур мавжуд бўлганидан далолат беради. Айниқса, Қўйқирилган қалъа иншооти ниҳоятда мураккаб ҳисоблар асосида қурилганини астроном И. Н. Веселовский ва астрономия тарихчиси М. И. Рожанскаялар мақолаларида исботлаганлар[19]. Абу Райхон Беру-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ний Хоразмда аҳоли ўтроқлаша бошлаганини эрамиздан аввалги 1292 йил деб ҳисоблайди[20]. Санкт-Петербурглик проф. Г. Г. Леммлейн Хоразмда илм-фан тараққиёти хусусида шундай ёзади: "Бу даврда (Беруний даврида — Ф. С.) Оврупода табиат фанлари мутлақ йўқ даражада бўлгани айнан Ўрта Осиё вилоятларида ва биринчи навбатда Хоразмда илмий тафаккур юксак чўққиларга кўтарилди ва антик фаннинг юқори анъаналарини сақлаб турди. Амалиётдаги турли-туман зарурат туфайли "араб фани" деб аталмиш илмнинг шуҳратини яратган экспериментал фаннинг турли соҳалари ҳам шу заминда шаклланди ва ривож топди. Араблар эса ўзларидан маданиятли бўлган ва забт этилган халқлар ютуқларини тарқатувчи бўлганлар"[21]. Бу фикрни француз олими Л. Гардэ ҳам тасдиқлайди: "Араб зиёлилари камдан кам ижодкор бўлганлар, чунки улар кўпинча забт этилган халқларнинг кучли таъсири остида бўлган"[22]. Беруний: "Хоразмни араблар ўта золимлик билан босиб олгач, китобларни куйдирдилар, натижада хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар ва керак нарсаларни хотирада сақладилар"[23] дейди.

Аждодлар ютуғи, маданияти, илмини хотирада сақлаганларнинг бири зардуштий динига мансуб одамнинг ўғли — Муҳаммад Мусо Хоразмий Маъжусий эди. Олим қадимий Хоразмда анъанавий тусга кирган математика, астрономия ҳам жуғрофия билан шуғулланди, бу фанларни ўрта асрга олиб кирди ва янги давр илми пойдеворини яратди.

Маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва умуман маданият ҳеч қандай чегараланиш, миллий чекланишни тан олмайди, жаҳонда ҳеч қандай халқ бошқа халқлардан узилиб қолган ҳолда ривожланган эмас. Аммо четдан бўлган таъсир ҳамма вақт ҳам қабул этила бермаган. Жамият тараққиётида бошқа таъсирга эҳтиёж туғилгандагина у ўзлаштирилади. Лекин маълум ғоялар айнан қабул қилиниши шарт эмас, қабул қилувчи ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб ўзига мослаб ўзгартириши ҳам мумкин. Масалан, Аристотел, Ибн Сино таълимотларини ўрта аср Оврупосида исавия черкови оталари Буюк Альберт ва Аквинолик Фома исавия динининг католик мазҳабига мослаштириб талқин этган.

Хоразмийнинг "Зижи ал-Хоразмий", "Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва-л муқобала" ва "Ал-жам ват-тафриқ би-ҳисоб ал-ҳинд" асарлари XII асрдаёқ Толедода Батлик Аделярд, Кремоналик Ҳерардо, инглиз Роберт Че-

www.ziyouz.com kutubxonasi

стер, Севильялик Хуанлар томонидан лотин тилига таржима этилган. Бу таржималар мазкур асарлар яратилганидан уч юз йил кейин Оврупода астрономия, математика, жуғрофия, медицина фанларининг тарқалишига олиб келди ва уларнинг пойдеворига асос бўлди.

1126 йил батлик Аделярд (1090—1160) Хоразмийнинг "Зижи"нинг ("Маъмун зижи") араб-испан олими Мажритий томонидан қайта ишланган нусхасини лотин тилига ағдарди. Ҳозирги рақамларнинг Оврупода тарқалишига сабабчи бўлган Хоразмийнинг арифметикаси ва "Альхоризми томонидан ёзилган астрономия санъатига кириши китоби"ни ҳам Аделярд таржима этган бўлса керак. Кремоналик Ҳерардо эса "Ал-жабр"нинг таржимасини амалга оширган бўлиб, шу даврнинг ўзидаёқ рисола лотин тилига иккинчи дафъа Роберт Честер томонидан ағдарилган. Ҳар иккала таржима кенг тарқалган бўлиб, ҳозир уларнинг қўлёзмалари шунчалик кўп учрайдики, бу ҳолат ўша асарлардан дарслик сифатида фойдаланганликларидан далолат беради. XII асрда Хоразмий рисолаларининг осонлаштириб, Овруполиклар савиясига мосланиб ишланган вариантлари ҳам тарқалади.

Рим папаси Сильвестр II (вафоти 1003 йил) буйруғи билан Хоразмий рақамлари Оврупода жорий қилинади, аммо унинг кенг тарқалиши XIII асрга тааллуқлидир. XIII асрдан бошлаб Оврупо мамлакатларида математика фанига қизиқиш ортади. XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Пизалик савдогар Леонардо Фибоначчи Оврупонинг дастлабки кўзга кўринган математиги бўлиб, унинг математика қомуси, "Абака китоби"да Хоразмий асарларидан яхшигина фойдалангани сезилиб туради. Леонардо асарлари масалани баён этиш нуқтаи назаридан ҳам Хоразмийни такрорлайди, асар қўлёзмаси ҳошияларда Хоразмийдан далиллар келтиради[24].

Айниқса, ҳинд-араб деб аталмиш ҳозирги рақамларнинг Хоразмий ишлаб чиққан варианти "алгоритм" ёки "алгорисм", яъни ал-Хоразмий номининг лотинчалаштирилган шакли остида кенг тарқалди.

Олимнинг арифметикага оид асарининг лотин тилидаги таржимаси Англиянинг Кембриж университети кутубхонасида сақланмоқда, рисола "Dixit Algorizmi" ("Ал-Хоразмий деди") сўзлари билан бошланади. Математика тарихининг билимдони Г. П. Матвиевскаянинг ёзишича, "алгоритм" сўзининг келиб чиқиши, яъни ал-Хоразмий номи, овруполиклар ёдидан кўтарилиб, уни бошқа турли-туман олим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар номлари билан боғлайдилар. XIX асрга келиб олим ижодини илмий ўрганиш, янги таржима ва факсимиле нашрларини амалга ошириш кенг тус олади, бу иш XX асрда ҳам давом этди. Масалан,, 1963 йил немис олими К. Фогель Хоразмий "Ал-жабр"ининг янги таржимаси ва факсимиле нашрини амалга оширди.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг алгебрага оид "Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала" асарининг арабча нусхаси Оксфорд университетининг Бодлеян кутубхонасида сақланмоқда. Рисоланинг лотинча таржимаси Испаниянинг Сеговия шаҳрида 1145 йили черстерлик Роберт ва иккинчи таржимаси XII асрда Толедода кремоналик Ҳерардолар томонидан амалга оширилган.

Ўнлик позицион ҳисоблаш тизими ва ҳинд рақамларининг Оврупода тарқалишида Хоразмий рисолаларининг лотинча таржималари ва Леонардо Фибоначчининг асари катта аҳамият касб этди: рим сифралари ўрнига қулайгина рақамларни қўллашга ўтишни осонлаштирди. Шунинг учун Хоразмий рисоласи овруполиклар учун осонлаштирилиб қайта-қайта ишланди: севильялик Хуаннинг "Алгоризмийнинг арифметика амали ҳақида китоби" (XII), испаниялик Савасорданинг (тахм. 1070—1136) "Ўлчашлар ҳақида китоб"и, Иордан Неморарийнинг (XI—XII) "Алгоризмни тушунтириш", француз математиги Александр де Вильденинг (XII—XIII), "Алгоризм ҳақида шеър" шеърий рисоласи, инглиз Жон Галифакснинг (XIII) "Оддий алгоризм" асарлари шулар жумласидандир. Улар Хоразмий ишлаб чиққан рақамлар тизимининг Оврупода кенг тарқалишини таъминлади.

Олимнинг арифметика ва алгебрага оид асарлари математика тарихининг янги саҳифасини очди. Шарқ ва Ғарб мамлакатларида бир неча асрлар давомида математикани Хоразмий асарлари асосида ўргандилар. Америкалик фан тарихи мутахассиси Ж. Сартоннинг фикрича, олим "ўз даврининг буюк математиги, аммо ҳамма ҳолатларни ҳисобга олсак, Хоразмий ҳамма даврлардаги буюк математикларнинг биридир"[25].

Астрономия Шарқ мамлакатларида зардуштийлик ва бошқа қадимий динлар замона эҳтиёжи натижасида кенг тарқалган даврлардан ривожланган фан. Мисрда тараққий этган илми фалакиёт юнонлар ютуғи билан бойитилган ҳолда, Птоломейнинг "Мегале Синтаксис" асарида аксини топган эди. Араблар астрономия соҳасидаги изланишларини Птоломей асари таржимасидан ("Ал-Мажистий", тар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жимон ибн Матар) бошладилар, кейинчалик сурёний, паҳлавий, санскрит тилларидаги асарларни ҳам араб тилига ағдардилар. Таржима этилган асарлар таъсири остида қуёш, ой, беш сайёра ва сокин юлдузлар ер атрофида айланадилар, деган гелиоцентристик таълимотни ишлаб чиқдилар.

Хоразмий Птоломей таълимотини ўзлаштирибгина қолмай, уни Хоразм астрономияси ютуқлари билан бойитди. Олимнинг фикрича, "астрономия фанига биноан ўн осмон бор. Ер, албатта, биринчи курра. Унинг устида сайёраларнинг етти осмони бор, тўққизинчи осмон сокин юлдузлар осмони... ўнинчиси-нотекис бўлган олий осмон"[26], дейди.

Фан тарихининг билимдони А. Аҳмедов адолатли равишда "Хоразмийнинг арифметика ва алгебра каби астрономия соҳасидаги буюк хизмати шундаки, у эҳтиёж туғилган пайтда шундай асар яратдики, бу билан у астрономияни Улуғбек давригача, яъни бир неча асрга "стандартлаштирди". Хоразмийдан кейинги барча астрономлар ўз зижлари учун унинг "Зижи"ни намуна сифатида дастак қилиб олдилар",[27] дейди. Академик И. Ю. Крачковский эса "Ишонч билан айтиш мумкинки, Хоразмийнинг ал-Мажритий қайта ишлаган астрономик жадваллари Ғарбий Овруподаги кейинги даврлардаги астрономик асарлар учун асос вазифасини ўтади"[28], дейди. Математик ва астроном сифатида ном таратган ал-Баттоний (852—929) "Зиж" яратар экан, Хоразмий "Зиж" идан фойдаланганлиги маълум. Бу асар XII асрда лотин, кейинчалик испан ва бошқа тилларга таржима этилган бўлиб, Оврупода Колумбгача кенг тарқалган астрономик асарларнинг бири эди. Албатта, шу нуқтаи назардан Хоразмий "зижи" Колумб экспедициясига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Энди олим нисбасининг Оврупода тарқалишига келсак, у Alghoarismus, Alkanresmus, Alchocharithmus тарзида бир неча хил аталиб келинган.

Хоразмий яратган "Зиж"нинг (840 йиллар) асли арабча матни сақланмаган, фақат Маслама ибн Аҳмад ал-Мажритий томонидан Кордовада қайта ишлаган нусхасининг батлик Аделярд лотин тилига ағдарган варианти етиб келган, холос. Хоразмий яратган асарлар орасида "Китоб аз-зиж ал-синдҳинд" (уни "Маъмун зижи" деб ҳам юритадилар) фан тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Ал-Мажритий вариантини ал-Фарғоний "Зиж"и, Хоразмий асарига ёзилган шарҳлар ва бошқа замондошларнинг шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

масалага бағишланган асарлари билан муқояса қилиш натижасида олим асарининг асли варианти ҳақида фикр юритиш мумкин. Лекин Хоразмий йил ҳисобини йездигирддан, меридианни Ҳиндистондаги Арин шаҳаридан олган бўлса, Мажритий йил ҳисобини ҳижрий, меридианни Кордовага алмаштиргани аниқ.

Аделярд таржимасидаги "Зиж" овруполиклар учун мутлоқ янгилик бўлди. Хоразмий "Зиж"и аввало испан арабларига ўз таъсирини ўтказади. XI асрда яшаган Аҳмад ибн ал-Мусанно ибн Абдулкарим "Хоразмий зижига шарҳ" ёзди. Бу асар XII асрда яхудийча, кейинроқ испан, инглиз тилларига ҳам ағдарилди. Хоразмийга тақлидан аз-Заркалийнинг "Толедо зижи" ҳам яратилди. "Толедо зижи"нинг Хоразмий "Зиж"ига муқояса этиш натижасида испан зижи Хоразмий зижи таъсири остида ёзилгани, ундан бутун қисмларни кўчирилгани аниқланди. "Толедо зижи"дан сўнг Хоразмий таъсири остида Испанияда илми нужумдан қатор рисолалар ҳам ёзилди.

"Толедо зижи" ўрта асрда Оврупода кенг тарқалди ва икки юз йил давомида шу соҳадаги ягона тадқиқотлигича қолади. Испанияда "Алфонс жадваллари" (XIII) яратилгунча Оврупода шу турдаги ягона асар бўлиб, астрономиядан қўлланма сифатида фойдаланилган. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, Хоразмий "Зиж"и Оврупода зижлар тузишдаги ягона намуна ва Уйғониш даврида кенг ривож этган астрономия фанининг пойдеворини яратди.

Хоразмий асарлари фақат аниқ фанлар ривожини белгилаб беришгина қолмай, ўрта аср табобатига ҳам баракали таъсир этган. Ўрта асрларда астрология (инсонлар тақдирини юлдузлар ҳаракати орқали аниқлаш) Шарқда кенг ривож топган ва Хоразмий ҳам бу ҳақда рисола яратган эди.

Асрлар ўтиши билан осмон жисмларининг ҳаракати одамлар соғлиғига таъсир этиши аниқланди. Бунинг натижасида астрология муҳим "фан"га айлана боради. Лекин юлдузлар ҳолати ва ҳаракатини аниқлаш ҳамманинг ҳам қўлидан кела бермайди. Бунинг учун ҳам астрономия, ҳам математикани яхши билиш керак эди. Шунинг учун ҳатто XVIII асргача шифокорлар математик бўлиши шарт эди. Ўрта асрларда Оврупо университетларида математикани фақат медицина факультетларида ўтганлар. Астрология инсон соғлиғи табиат ҳодисалари билан боғлиқлиги, ҳар бир инсоннинг табиатига қараб муолажа бериш за-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рурлиги тушунчасини медицинага олиб кирди. Шундай қилиб, астрология орқали математика медицина билан боғланди; ҳатто испан тилида "алхебристика" сўзи ҳам шифокор, ҳам математик маъносини билдирган[29]. Хоразмийнинг мухлиси австриялик инженер Х. Земанек Париж миллий кутубхонасида олим номи билан юритилган астрология ҳақидаги араб тилидаги рисола "Китоб ал-амал би-л астурлаб"ни топади. Шунга кўра айтиш мумкинки, Оврупода бу соҳани ўрганишга ҳам Хоразмий рисоласи асос бўлган бўлиши эҳтимол, аммо ҳалигача асарнинг лотинча варианти топилмаган.

Шундай қилиб, Хоразмий Оврупога фақат астрономия, арифметика, алгебра, ҳинд-араб сифрларига ўргатишда устозлик қилиб қолмай, медицина фани ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Хоразмийнинг шогирдлари устоз бошлаган ишни давом эттирдилар. Масалан, ал-Уклидисий (яъни Эвклидчи) 995 йиллар атрофида ёзган асарида ўнли каср ҳақидаги таълимотнинг бошланғич элементларини беради. Ан-Майризийнинг (вафоти 922 йил, Оврупода Анаритиус) математикага бағишланган рисоласи ҳам лотин тилига таржима этилган. Ибн ал-Ҳайсам (вафоти 1039 йил, Оврупода-Алҳазен) ўзидан аввалги грек ва Шарқ математиклари, физиклари асарларини ўзлаштириб янги муаммоларни ҳал этишга ўтади. Ибн ал-Ҳайсам номи билан боғлиқ бўлган элликка яқин рисолалар фанга маълум. Улар орасида кенг тарқалгани "Китоб ал-манозир". Бу асарда Эвклид ва Птоломейларнинг айрим қарашларини танқид қилиб, тўғрисини баён қилади (буюмлардан кўзга нур келиши). Математика фанида ҳалигача "Алҳазен проблемаси" деб номланган масалани олға сурадилар. Ҳатто олим ер атмосфераси зичлигини ҳам аниқлайди, катталаштирувчи линзаларни кашф этади ва ҳ.к.

Академик Н. И. Конрад "Ғарб ва Шарқ" асарида Марказий Осиёда шаклланган маданият ҳақида қуйидаги адолати сўзларни ёзади: "Мусулмон дунёсига, даставвал IX—X асрлардаги Ўрта Осиё мусулмон дунёсига мурожаат этайлик. Бизга маълумки, бу асрларда у ерларда ўша давр учун олий даражада бўлган илм-фан, фалсафа ва маърифат мавжуд бўлган. Яна маълумки, ал-Форобий, ибн Сино (Авиценна), ал-Хоразмий ва ал-Беруний ва бу тараққиётнинг бошқа буюк замондошлари қадим давр фалсафа ва илмий меросини ўзлаштириб, ўша даврдаги илмий ва фалсафий тафаккур йўналишини яратдилар. Улар тарихий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақдирлари билан боғлиқ бўлган буюк қадимий цивилизацияларнинг манбаларига суяндилар... Ўрта Осиё қадим даврлардаёқ умуминсоният цивилизацияларининг чорраҳаси бўлган ва ўзи ҳам ана шу цивилизация марказини бири бўлган. Шунинг учун IX—X аср Ўрта Осиё дунёсининг фан ва фалсафа арбоблари ўз принциплари бўйича маърифат яратишлари билан... ўз даврлари ва қадим дунё ўртасидаги тарихий чекланишдан бошқача қилиб айтганда, ўз "ўрта асрлари"дан сакраб ўтганлар"[30].

Оврупода астрономия фани ҳам Шарқ астрономияси таъсири остида шаклланди. Одатда, араб тилидаги илмий асарлар Толедода, XII асрда лотин тилига таржима этила бошланган дейилади, лекин энг дастлабкилари XI асрдаёқ яҳудийлар томонидан амалга оширилган. Хоразмий, Фарғоний, Баттоний каби номлар Оврупода тез-тез ишлатилувчи, зиёлилар орасида одат тусига кирган исмларга айланади. Илк таржималар савия жиҳатидан унча юқори бўлмаса-да, худди ана шулар араб илмий атамаларининг лотинлаштирилган ва ҳозиргача ҳам ишлатилиб келинаётган илмий атамашунослигини яратган.

Овруполиклар илк бор танишган олимлардан яна бири Аҳмад ибн Касир ал-Фарғоний ал-Маъжусий (вафоти 861 йил) бўлган. Олим номини дунёга танитган асари "Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавоми илм ан-нужум" ("Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб") ёки "Астрономия негизлари" деб ҳам юритилади. У шарқда араб тилида илми нужумдан илк бор яратилган асарларнинг биридир. Муаллиф унда ўз давригача бўлган илми нужумга оид билимларни тартибга солди, ўзининг Маъмун обсерваториясида олиб борган кузатишлари натижалари билан бойитди. Асар XII асрда Толедода икки маротаба лотин тилига, XIII асрда эса оврупо тилларига ағдарилган ва минтақада кенг тарқалиб, шуҳрат қозонган. "Китоб"да Фарғоний астрономия фанининг асослари ҳақида бой маълумот беради.

Фарғоний асарининг сўнгида турли жуғрофий жойларни шарқдан ғарбга йўналишда етти иқлимга жойлаштириб, уларнинг координатларини ҳам беради. Фарғоний, Қуръонда ер текис доира дейилишига қарамай, сайёрамизнинг шар шаклида эканини ҳозирги тушунчалар билан исботлаб берган[31]. Астрономияга оид билимлар қомуси бўлган Фарғонийнинг рисоласи қайта-қайта таржима қилиниб, Коперниккача бўлган илми нужумдан асосий қўлланма вазифасини адо этди, 1493 й. биринчилардан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб чоп этилди. Олимнинг асари ва номи Оврупода алоҳида ҳурмат билан тилга олиниб, астрономия фанининг шаклланиши ва ривожига кўрсатган таъсири эътироф этилади. Буюк итальян шоири Алигьери Дантенинг космогоник қарашлари айнан Фарғонийнинг "Китоб алҳаракат ас-самовия" асари таъсирида шаклланган мутлақ аниқдир.

Ватандошимиз яна "Астурлаб тузилиши ҳақидаги китоб" ҳам ёзган. Унда математика илмидаги стереографик проекцияларга оид теоремаларнинг исботи берилган. У теоремаларнинг бизгача етиб келган биринчи исботидир.

Олим амалиётдан ҳам четда турган эмас. У Дамашқ яқинидаги Қайсиюн, Бағдоддаги Шаммасия расадхоналарининг қурилишида Хоразмий билан бир қаторда раҳбарлик қилган, Птоломейнинг "Юлдузлар жадвали" асаридаги маълумотларни текширишда қатнашган, Мисрда Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб ясаган, 812 йилда рўй берган Қуёш тутилишини ҳисоблар натижасида олдиндан аниқлаган, расадхоналарда кузатиш ишлари олиб борган ва ҳ.к.

Афсуски, Фарғоний ҳаёти ва ижоди ҳалигача илмий тадқиқ этилмай келмоқда, ваҳоланки қўлёзмалари кутубхоналарда кўплаб сақланмоқда.

Агар Муҳаммад Мусо Хоразмий математика илми мактабининг асосчиси, Фарғоний — астрономия, Беруний — тарих, астрономия, фармакогнозия, Ибн Сино — тиббиёт, фалсафа, Ҳабаш ал-Ҳосиб-математика, астрономия фанлари асосчиси бўлсалар, ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Форобий (873—950) фалсафий, ижтимоий-сиёсий фикрлар ривожини белгилаб берди. Форобий математика, логика (мантиқ), табиатшунослик, ҳуқуқшунослик, филология, мусиқа назарияси билан ҳам шуғулланди. Бу даврда яшаб ижод этган олимлар математика, астрономия, кимё, тиббиёт, техника фанлари билан бирга фалсафа, ахлоқ-одоб, инсон тарбияси масаласига ҳам катта эътибор берганлар. Улар "гуманистик ғояларни, принципларни амалга оширишнинг асосий йўли, воситаси сифатида олий, етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласини олдинга сурдилар"[32]. Ижтимоий фанлар тараққиётини белгилаб берган олимлардан бири Абу Наср Форобий эди. Профессор Б. Д. Петровнинг ёзишича, "Оврупони Аристотел таълимоти билан таништириш хизмати Форобийга тааллуқли... У модданинг абадийлиги ва борлиқ кимдир томонидан яратилмагани ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Форобий умуман ўрта аср маданиятининг энг буюк фигураси бўлмиш Ибн Синонинг юзага келишига замин ҳозирлади"[33].

Қадимги юнон файласуфларининг энг буюги бўлмиш Аристотел асарлари Жундишапурда ўрганилган, исломдан аввал сурёний тилга ағдарилган, қадимий Римда эса III—IV асрларда неоплатониклар томонидан бузиб қайта ишланган, V асрда файласуфнинг баъзи асарлари исавия динига мослаштирилиб Боэций томонидан лотин тилига таржима этилган. VII асрдан бошлабоқ Аристотел асарлари аввал сурёний, кейинчалик юнон тилидан араб тилига таржима қилинади. IX асрга келиб файласуфнинг деярли ҳамма асарлари таржима этилиб бўлади, уларга шарҳлар ёзилади. Аристотел ислом шарқида ниҳоятда катта обрўга эга бўлиб, у ҳақиқатнинг ифодачиси ҳисобланар эди. Олим обрўйини кўтаришда Форобийнинг хизмати катта бўлган.

Форобий бой мерос қолдирган, ҳатто олим яратган асарлар сонини аниқлаш ҳам қийин. Бу асарлар ҳажм жиҳатидан ҳам турлича. Форобий ўз давридаги фанларнинг турли соҳаларидан етук мутахассис бўлиш билан бирга, қадимги юнон фани, айниқса, Аристотел асарларини ўрганиш, уларга шарҳлар ёзиш ва тарғиб этиш билан ҳам шуғулланган. Олим файласуфнинг мантиққа оид "Биринчи аналитика", "Иккинчи аналитика", "Талқин этиш", "Топика", "Софистика", "Категориялар", "Этика", "Риторика", "Поэтика", "Метафизика" ва б. асарлари, Птоломейнинг "Алмагест", Афродизиялик Александрнинг "Қалб ҳақида", Евклид "Геометрия"сининг баъзи боблари, Порфирийнинг "Исагога" каби асарларига шарҳлар ёзган. Қадимий грек фани, айниқса, Аристотел асарлари ислом дини ҳукмронлиги даврида илм-фан ва хусусан табиат фанлари ва фалсафа ривожига катта йўл очар эди. Юқорида айтганимиздек, Аристотел рисолалари таржимаси сурёний, юнон тилларидан амалга оширилган бўлиб, илмий атамалар ҳали ишлаб чиқилмагани туфайли файласуф асарларининг арабий таржималарини тушуниш бениҳоят мушкул эди. Е. Э. Бертельс айтганидек, "Форобийнинг бу ишини тақлидий ва номустақил деб баҳолаб бўлмайди. Форобийнинг ишлари қадимий илмни тўғри тушунишни таъминлади"[34].

Шарқ олимлари шарҳланувчи асарнинг асосий мазмунини тушунтирибгина қолмай, балки француз олими Э. Ренан қайд қилганидек, қадимий олимлар фикрларини ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

билимлари нуқтаи назаридан тушунтирганлар[35]. Демак, шарҳлар фақат қадимги олимлар фикрларини тушунтириш билан чекланмай, балки шарҳловчининг дунёқараши, ғояларини ҳам ёритган. Шунинг учун ҳам баъзи асарларга шарҳлар бир неча бор ёзилган. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Форобий шарҳлари фақат Аристотел ғояларини кенг оммалаштирибгина қўймай, "Абу Насрнинг фалсафий қарашларини ўрганишда бой материал ҳам бўлади"[36]. Форобий яратган шарҳлар фақат юнон файласуфининг материалистик таълимотини шарқона талқин этибгина қолмай, олимнинг ижтимоий-сиёсий ғояларини оммалаштириш усули ҳам бўлган. Шарқдаги илм-фан, айниқса, фалсафанинг шаклланиши ва ривожига таъсирини ҳам таъминлаган.

Аристотел асарлари билан ал-Киндий, Ибн Сино, Ибн Рўшд каби буюк олимлар ҳам шуғулланганлар. Улардан Ибн Рўшд илмда Аристотел асарларининг шарҳловчиси сифатида танилди. Унинг шарҳлари Форобийникидан фарқли ўлароқ, батафсил, катта шарҳ, уларда олим Аристотел асарларидан катта-катта парчалар келтириб, изчил равишда тушунтириш берган.

Форобий асарлари тўлиқ сақланмаган бўлса-да, борларида ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидан тўлиқ маълумот берилади. Бу рисолаларни илмий-фалсафий тафаккурнинг асосий муаммолари қўйилишига кўра VII—IX асрлар илм-фанининг қомуси дейиш мумкин.

Форобийни фанларнинг назарий, фалсафий томонлари қизиқтирган. Масалан, ўз даври тиббиётининг яхшигина мутахассиси бўлган Абу Наср касалликларни даволаш билан эмас, балки уларни келтириб чиқарган қонуният, инсон соғлиғини сақлашнинг умумий муаммолари, саломатликнинг умуман табиат ҳолатига боғлиқлиги масалалари билан шуғулланган.

Шарқда Аристотел энг буюк донишманд, ҳамма олимлар устози ҳисобланиб, унга "ал-Муаллими ал-аввал" номи берилган. Илмда қизиқиш доираси кенглиги, билимининг кўп қирралилиги, фозиллиги, кўп масалаларда материалистик дунёқарашга яқинлашгани жиҳатидан Форобий юнон файласуфига яқин туради. Олимнинг "Ал-Муаллими соний" (Арастуи соний) деб ном таратгани бежиз эмас. Форобийга берилган бу ном олим Аристотел асарларининг шарҳловчиси ва илмий қизиқишларнинг мутаносиблиги, ижтимоий-фалсафий тизимнинг умумий руҳи ва йўналишига мутлоқ мувофиқдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрта аср Шарқ илм-фани, фалсафаси юнон маданияти таъсири остида шаклланди, дейдилар. Ҳақиқатан қисман шундай, лекин юнон маданиятидан ташқари, Марказий Осиё, Эрон маданияти, илм-фани ҳам бу ўринда катта роль ўйнаганини эсдан чиқармаслик керак.

VIII—X асрларга келиб, қадимий Грецияда яратилган маънавий бойлик — Платон, Аристотел, Теофраст, афродизиялик Александр, Прокл, Ҳиппократ, Порфирий, Гален, Эвклид, Птоломей, Архимед, Менандр, берглик Аполлоний, самослик Аристарх каби олимлар асарлари икки, уч маротабадан таржима қилинган эди. Форобий эллинлар тафаккурининг чуқур билимдони ва толмас, изчил тарғиботчиси бўлган. Олим Аристотел, Платон, Ҳиппократ, Эпикур, Феофраст, Анаксагор, Диоген, Хризипп, Сократ, Зенон, афродизиялик Александр каби олим файласуфлар асарлари, стоицизм, эпикуреизм, киниклар, пифагорчилар, платониклар, аристотелчилар (перипатетиклар) таълимотлари билан яхши таниш бўлган. Шу ўринда Форобий юнон тилини яхшигина билгани, унинг исботи асарларида келтирилган парчалар эканини ҳам қайд этмоқ лозим, бундан ташқари, олим юнонча сўзлар, айрим илмий атамаларни тушуниш осон бўлсин учун маъно жиҳатидан тенг бўлган бир неча араб сўзларини ҳам беради.

Антик дунёсининг сўнгги даврларида ташкил топган фалсафий оқим неоплатонизм асосчиси Плотин Платон идеализмини "Эннеадалар" асарида системалаштиради. Антик дунёсининг бу идеалистик фалсафий оқими фақат Платон идеализмигагина асосланмай, Аристотел таълимотининг идеалистик томонлари ва стоиклар фалсафасига ҳам суянган эди. Плотин ва унинг маслакдошлари (Порфирий, Ямвлих, Юлиан ва бошқалар) Аристотел асарларининг кўпларини ўз маслакларига мослаштириб, қайта ишлайдилар. Бу оқимнинг исавия дини шаклланиши ва Шарқ идеалистик фалсафий оқимлари, айниқса, тасаввуфнинг ташкил топишига таъсири катта бўлган.

Форобийнинг фалсафага қилган хизматлари Аристотел асарларини шарҳлашдан ташқари, файласуф таълимотини неоплатонизм сохталантиришларидан тозалаш каби буюк ишлари билан ҳам белгиланади.

Форобийнинг илғор фалсафий қарашлари табиат ва аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари натижасида эришилган ғояларга асосланган эди. "Ал-Муаллим ал-аввал" Аристотел ўзининг натурфилософиясида материализмга ёндошганидек, Абу Наср ҳам баъзи фалсафий масалалар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да материалистик дунёқарашга яқинлашди. Шунинг учун ҳам Абу Ҳамид ал-Ғаззолий (1059—1111 йиллар) ўз танқидини Ибн Сино билан бир қаторда Форобийга ҳам қаратган эди[37]. Ҳақиқатан "Араб маданияти учун характерли бўлган табиатни ўрганишга интилиш аристотелизмнинг айни материалистик томонини қабул қилишга олиб келар эди"[38].

Форобий ҳақида Оврупода яратилган илмий ишларда кўпинча файласуф Платон ва Аристотел таълимотлари ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этишга уринади, дейилади ва олимнинг "Китоб аъраз фалсафа ал-Афлотун ва Аристотелис" асари мисол тариқасида келтирилади. Бу асар олимнинг қадимги юнон фалсафасини тўлиқ ва ҳар тарафлама ўзлаштирганидан дарак беради.

Рисолада ҳар иккала файласуф таълимотлари ҳақида маълумот бериб, кейин умумий фалсафий муаммолар бўйича бирини иккинчиси билан муқояса этади. Мантиқ, табиат, субстанция, руҳ интеллектига доир муаммоларнинг ҳар иккала файласуф томонидан қандай ҳал этилишини изчил равишда кузатади. Олим Аристотел таълимотининг илмий-табиий, натурфалсафий, Платон таълимотининг диний характерда эканини, ҳар иккиси ҳам зиддиятлардан ҳоли эмаслигини кўрсатади. Лекин ҳар иккала таълимотни бир-бири билан яқинлаштиришга уриниш умуман йўқ[39].

Араб тилида асар яратган файласуфлар орасида "Ал-Форобийнинг фалсафий системаси борлиқнинг ҳамма томонларини қамраб олган"[40]. Ҳақиқатан ўз устози Аристотел изидан бориб олим табиат ва ижтимоий ҳаётнинг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланган. Шу жиҳатдан ҳам Форобий "ал-Муаллим ас-соний" аталишга ҳақли эди. Форобий асарларида фалсафа фанининг асосий принциплари, билиш назарияси, мантиқ, психология, табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари масалалари ўз ечимини топган. Ижтимоий масалаларда Абу Наср ўз даври учун илғор нуқтаи назардан туриб фикр юритган. Олимнинг ижтимоий қарашлари бир нечта кичик рисолалар ва йирик тадқиқот — "Рисола фи ари аҳл ал-маданат ал-фадила" ("Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари") да ўз ифодасини топган.

Рисола 942 йили Дамашқда тугалланган бўлиб, уни фалсафий қомус дейиш мумкин. Бу асарда Форобий фақат қадимги грек олимлари Платон ва Аристотелнинг сиёсий, ахлоқий қарашларидан фойдаланибгина қолмай, Яқин Шарқ, Марказий Осиёда шаклланган таълимотлардан ҳам фойдаланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Фозиллар шаҳри" рисоласи Аристотелнинг "Сиёсат", Платоннинг "Давлат" рисолалари таъсири остида яратилган. "Ал-Муаллим ал-аввал" инсон бахтли ҳаётга фақат онгли равишда тузилган жамоада яшаш орқали эришуви мумкин деган ғояни олдинга сурган эди. "Ал-Муаллим ас-соний" эса худди ана шу фикрни қувватлаб, қадимги грек қулдорлик жамиятидан ўзгача бўлган тарихий ва ижтимоий шароитда файласуфнинг фикри қандай амалга ошиши мумкинлигини кўрсатган.

Форобийнинг фикрича, инсоннинг тақдири аввалдан белгиланган эмас, ҳар бир шахс ўз ихтиёрига биноан фаолият кўрсатиб, ўз бахтини ўзи яратади, тақдирини ўзи ҳал этади. Яратилишдан инсонлар бир хил, лекин тарбия, муҳит таъсири остида улар ўзгарадилар. Олим бу ўринда тарбияга катта аҳамият беради. Файласуфнинг ижтимоий қарашлари, айниқса, давлат тузуми, фозиллар шаҳри ҳақидаги фикрлари Платон — Аристотел ғоялари каби кўп масалаларда утопик бўлишига қарамай, хуррамий, исмоилий, Сомоний, Лахсдаги карматлар давлати, ал-Маорий давлатида қисман бўлса-да, амалга оширилган[41]. Ибн Сино ҳам Форобийнинг ижтимоий тузум ва умуман ҳаёт ҳақидаги фикрларига ҳамоҳанг фикрлар айтади. Абу Наср "инсонпарвар мутафаккир сифатида келажак жамиятнинг урушлар, қашшоқлик, эксплуатациясиз бўлишини, умумий бахт, адолат ғалабаси, ҳуқуқ тенглиги, дўстлик, ўзаро ёрдам, бир-бирини ҳурматлаш, юксак маданият бўлган ер куррасидаги яхлит жамият сифатида тасаввур этади"[42]. Олим илм-фан, адабиёт, мусиқа соҳаларида бой мерос қолдирди. Шу ўринда шарқда ривожланган ва умуминсоний маданият пойдеворини яратган буюк олимлар Беруний, Ибн Сино, Ибн Туфайл, ал-Кифтий, Ибн Рўшд ва бошқа кўплаб олимлар ижодининг шаклланиши ва ривожида Форобий таълимотининг роли беқиёслигини таъкидлаш жоиз.

Форобий асарлари XII асрда Толедо таржимонлик мактаби ва Испаниянинг бошқа шаҳарларида XII—XIV асрларда лотин ва яҳудий тилларига ағдарилган. Олимнинг илмлар таснифи ҳақидаги рисоласи XII асрдаёқ лотин тилига икки маротаба таржима этилган, кейинчалик эса бир неча бор кўчирилиб тарқатилган. Бу даврда Абу Насрнинг фалсафага оид бошқа асарлари "Ақлнинг мазмуни", "Бахт-саодатга эришиш ҳақида рисола", "Масалалар манбаи", "Исбот китоби", "Жон (руҳ)нинг моҳияти

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида", "Мантиққа кириш китоби", "Физика"га шарҳлар", "Поэтика"га шарҳлар" каби асарлари лотин ҳам яҳудий тилларига таржима қилинган. Толедода канцлер Раймундо томонидан тўпланган Ҳерардо, Доминик Гундисалинус, севильялик Хуан, олмониялик Ҳерман кабилар Абу Наср асарларининг таржимонлари бўлганлар.

Форобий асарлари Шарқнинг бошқа алломалари, айниқса, Ибн Сино, Ибн Рўшд асарлари билан бир қаторда ўрта асрлар Оврупосида кескин тус олган мафкуравий курашда ҳар иккала томон вакиллари учун ғоявий қурол вазифасини ўтайди. Агар инглиз монахи Александр (1170—1245), Аквинолик Фома (1225—1274), Буюк Альберт (1207—1280) Аристотел ва унинг шарқдаги издошлари таълимотини бузиб, исавия дини ақидаларини оқлашга хизмат қилдиришга уринсалар, қарама-қарши томон вакиллари черков ҳукмронлигига қарши кураш қуроли сифатида фойдаланадилар. Бу масалада, айниқса, Францияда Шартр, Париж, Англияда Оксфорд, Италияда Болонья, Падуя университетлари катта роль ўйнадилар.

Форобий асарлари "Ихвон ас-сафо" яратган илмий рисолалар жамламаси пайдо бўлишига илмий замин ҳозирлади. Кейинчалик испан араб файласуфи, Аристотел асарларини "шарҳловчи" деб Оврупода машҳур бўлган Ибн Рўшд дунёқараши, шарҳлари, асарларини пайдо бўлишига Форобий асарларининг таъсири катта бўлган. Овруполик олимлар Ибн Рўшд асарларида Форобийга алоқадор парчаларни топганлар. Кейинчалик Париж аверроистчилари таълимотининг шаклланишида ҳам Форобий асарларининг роли катта бўлган. Француз тадқиқотчиси Париж Миллий кутубхонасида топган XIII асрнинг 60—70 йилларига оид лотин қўлёзмаларида Форобий асари ҳам борлиги[43], Париж епископи тадқиқларида олим шарҳлари тилга олиниши фикримизнинг исботидир.

Фалсафада Абу Наср Форобий асос солган йўналишни деярли тўлиқ қабул қилган, давом эттирган ва такомиллаштирган олим Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино (980—1037)эди. Шарқ манбаларида олим кўпинча "Шайх" ёки "Шайх ар-Раис" унвони билан эъзозланади. Донишмандлар, алломалар сардори маъносини билдирувчи бу сўз олимнинг юксак обрўйи, элнинг унга бўлган ҳурмати ифодасидир.

Ибн Сино инсоният маданияти, дунё фани хазинасига беқиёс катта ҳисса қўшган, ўша даврдаги илмларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланган қомусий олимдир. Турли манбаларда олим яратган асарлар тўрт юз элликдан ортиқ дейилади. Аммо ҳозирча фанга маълум бўлгани икки юз қирқ атрофида бўлиб, уларнинг кўпчилик қисми фалсафа ва тиббиётга алоқадордир.

Ибн Синога жаҳон миқёсида шуҳрат келтирган асари беш китобдан иборат бўлган "Ал-қонун фи-т-тиб"дир. "Қонун" Ибн Синогача Шарқ, Греция ва Римда яратилган тиббиёт ҳақидаги илм ва шахсий тажриба якунигина бўлиб қолмай, бу фанни ўз даври учун ҳайратомуз юқори даражага кўтарган асардир. "Қонун" XII асрдаёқ Толедода Ҳерардо томонидан араб тилидан лотинчага қисқартирилиб таржима этилган. Ҳерардо "Аш-шифо"ни ҳам лотин тилига ағдарган. 1279 йили Натан та Меати Римда "Қонун"нинг тўлиқ нусхасини яҳудий тилига таржима этади. Шу ўринда олим исмининг оврупоча транскрипцияси ҳақида ўз мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз[44]. Яҳудий таржимон "Ибн Сино" номини яҳудий вариантида "Абен Сена" деб берган. У бориб оғзаки тилда "Авен Сина"га, бу вариант лотин транскрипциясида "Авиценна"га айланган. Олим асрлар давомида бутун Оврупо мамлакатларида шу исм остида машҳур бўлган.

Овруполиклар араб испаниясидаги Шарқ маданияти билан тўқнашмагунча тиббиёт фанининг энг дастлабки маълумотлари билан ҳам таниш эмас, касалликларни ибтидоий йўл билан даволар эдилар. Ҳерардо амалга оширган Ибн Сино "Қонун"ининг қисқартирилган матни XIII асрда Францияга, кейинчалик бошқа мамлакатларга кириб келди. Кўпинча король ва йирик аслзодаларнинг шахсий шифокорлари Испаниядан таклиф этилган яҳудийлар бўлиб, улар Ибн Сино таълимоти асосида иш кўрганлар ва олим усулини Оврупода оммалаштирувчи бўлганлар. Натижада "Қонун" шуҳрати тез тарқалиб, чоп этувчи ускана кашф этилгунга қадар ўнлаб маротаба лотин таржимаси кўчирилиб, қўлдан-қўлга ўтиб юради. 1493 йил китоб босиш кашф этилгач, 20-30 йилда ўн олти маротаба чоп этилади. У даврда ҳеч бир асар, ҳаттоки исавийларнинг диний китоблари ҳам шунчалик кўп босилмаган. "Қонун" Оврупонинг ҳамма университетларида то XVIII асргача тиббиёт бўйича асосий қўлланма сифатида хизмат қилиб келган. "Қонун"нинг асосий томонларини Ибн Сино табобат ҳақидаги, 1322 байтдан иборат "Манзума фит-тиб" деб номланган уржузада баён қилган. "Қонун" ғоялари кўпроқ оммалашсин ва ёдда яхши қолсин учун олим уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

шеър билан ёзган. "Ал-Қонун"нинг таржимони кремоналик Ҳерардо "Манзума"ни ҳам лотин тилига таржима қилади (ражас баҳрида ёзилган шеърлар уржуза деб аталган). Ҳерардо ўз таржимасини "Cantica de Medicina" деб атаган. XII асрда "Уржуза"га машҳур олим Ибн Рўшд шарҳ ёзган. Шарҳнинг лотинча таржимасини Венецияда Арменго де Блез бажарган. Бу асар XV асргача яна бир неча бор лотин тилига ағдарилиб, 1498 йили испан тилига қисқартирилган шеърий таржимаси шоир ва шифокор Франциско Виллялобос томонидан амалга оширилган. XVI асрда "Уржуза" лотин тилига Жен Фошер томонидан шеър билан таржима қилиниб, чоп этилган. Ибн Синонинг табобат ҳақидаги "Уржуза"си XVI—XVII асрларда француз, инглиз, немис ва румин тилларига ағдарилган.

Ибн Сино инсоният тарихида фақат тиббиётга оид олий даражадаги асарлари билангина эмас, балки етук файласуф олим сифатида ҳам яхшигина из қолдирган. Олимнинг фалсафага оид асарларининг энг йириги "Китоб аш-шифо" бўлиб, мантиқ, физика, математика ва метафизика қисмларни ўз ичига олади. Мантиқнинг ўзи тўққиз китоб, физика саккиз китоб, математика тўрт ва илоҳиёт бир китобдан иборат бўлиб, "Аш-шифо" йигирма икки китобни ташкил этади. "Китоб ан-Нажот", "Аш-шифо"нинг қисқартирилган тури бўлиб, табиат, илоҳиёт, риёзиёт қисмларидан иборатдир. Олимнинг фалсафага оид йирик асарларининг бири "Донишнома" бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, Исфахон амири Аъло уд-Давла илтимосига биноан форс тилида ёзилган. Бу китоб ҳам ўз навбатида мантиқ, илоҳиёт, табиат, геометрия, астрономия, арифметика, мусиқа каби қисмларга бўлинган. Мусиқа масаласида Ибн Сино Форобий ғояларини янада такомиллаштирди. Мусиқашунос олим Г. С. Визгонинг фикрича, "Ибн Сино назариялари ўша давр учун мутлақ янгилик эди. Унинг мусиқа ҳақидаги таълимоти, Форобийнинг мусиқа назариясига оид асарлари билан бир қаторда Оврупо мусиқа фанининг пойдеворини ташкил этди, у фан шулар асосида ўсди"[45]. Юқоридаги йирик асарлардан ташқари Ибн Сино фалсафага оид яна бир қанча рисолалар ҳам яратган: "Ал-Ансоф" Аристотел асарларига шарҳлар, "Фи-л-ҳудуд", "Ҳикмат алоия", "Ал-ҳикмат ал-мушриқия", "Уюн ал-ҳикма", "ал-Мабоҳисот" шулар жумласидандир. Ибн Сино назарий асарлардан ташқари фалсафий қиссалар ҳам яратган — "Ҳайй ибн Якзон", "Юсуф қиссаси" ва "Қиссаи Саломон ва Ибсол". Бу асарларнинг мазмуни чуқур ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

легорик, мажозий маънога эга. Улардаги бадиий образлар орқали юксак ахлоқий нормалар, ўз даври тушунчасидаги инсонпарварлик ғоялари тарғиб қилинади.

Буюк олим адабиёт назариясига ҳам қизиққан, 1958 йил Лондонда Л. Доҳият исмли олим "Авиценна Аристотел "Поэтикаси"нинг шарҳловчиси" асарини чоп эттирди. Унда Ибн Синодан қуйидаги парчани келтиради: "грек шеърияти асосан ҳаракат ва ҳис-туйғуни тасвирлашга қаратилган, бошқа ҳеч нарса эмас. Греклар... нутқ воситаси билан ҳаракатни кучайтирганлар. Улар баъзида нотиқлик (санъати), баъзида шеърга мурожаат қилганлар. Демак, улар поэтик тақлид, ҳаракат ва ҳиссиётга чорлаганлар"[46].

Доҳият берган маълумотга кўра Форобий "Шеърият қонунлари" асарини Аристотелнинг "Поэтика" ва грек шарҳловчилари таъсири остида ёзган. Олим фикрини давом эттириб ёзади: "Авиценна ҳам Форобий каби адабиётни қуйидаги жанрларга бўлади: гимн, қаҳрамонлик достонлари, сатира ва достон"[47].

Аристотел поэтикасини даставвал Абу Башр Матта (вафоти 932) сурёний тилидан арабийга ағдарган, Яҳъё ибн Аъдий (вафоти 960) эса асарни яна сурёнийдан таржима қилган. Ибн Сино ана шу ибн Аъдий таржимаси асосида унга шарҳлар ёзган. Ибн Рўшд ҳам ибн Аъдий таржимасини шарҳлаган. XII асрда Толедода Ибн Рўшд шарҳини олмониялик Ҳерман (вафоти 1256) лотин тилига ағдарган.

Ибн Сино фалсафада Аристотел таълимоти изидан бориб, Форобий ғояларини янада камолотга эриштиради. Олим ўз давридаги табиат фанлари ютуғидан келиб чиқиб, Форобий тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда "ал-Муаллими аввал" қарашларидаги идеализмни танқид қилади. Аммо ўз даврининг фарзанди сифатида эркин фикрлаш билан бир қаторда, олим дунёқараши, албатта, ислом таъсиридан ҳам ҳоли эмас эди. Масалан, илмни чуқурлаштириш йўли билан Аллоҳ жамолига эришув мумкин деган фикрни олға суради. Ибн Сино ўрта асрларнинг энг буюк шифокори сифатида тиббиётга оид асарларида инсон саломатлигини сақлашга уринса, фалсафий асарлари унинг руҳиятини соғломлаштиришга қаратилган. Файласуф Шарқ алломаларига хос бўлган хусусият, яъни ахлоқ, одоб, инсон психологиясининг камолотига алоҳида аҳамият беради.

Аристотел ва Форобий анъаналарини давом эттириб, Ибн Сино ҳам илмлар таснифини ишлаб чиқади (бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

масалага кейинроқ тўхтаймиз). Ибн Синонинг илмларга бўлган муносабати борлиқни билиб бўлади деган ишончидан келиб чиққан. Олимнинг бу масаладаги фикри мутакаллимлар қарашларига зид эди.

Шунинг учун калом тарафдорлари, Ғаззолий бошлиқ ислом назариячилари ҳам Форобий, ҳам Ибн Сино қарашларига қарши курашга отланадилар.

Ғаззолий "Файласуфларни инкор этиш" асарида ҳар иккала файласуф асарларини яхлит бир бутун таълимот сифатида тадқиқ қилади, улар ғояларининг бидъатга яқин, ғайри диний, жамоатчиликка зиён келтирувчи эканлигини кўрсатишга уринади. Ғаззолий ҳар иккала файласуф таълимотининг ҳаётийлиги, илмий ютуқлари, тажрибаларга асосланган, шунинг учун ҳам яшовчанлиги, мафкура жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, бири иккинчисининг давомчиси эканлигини яхши англаган. Ғаззолий илм-фан, фалсафани, юнон файласуфлари ижодини яхши билган, ҳатто ёшлигида Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби олимлар таълимоти билан анчагина қизиққан, аммо ҳаётининг иккинчи ярмида дуёқараши мутлоқ ўзгарган, илғор таълимотларнинг танқидчисига айланган эди. У илғор файласуфлар таълимотини тушуниб етган ҳолда "Файласуфларни инкор этиш" асарида Форобий ва Ибн Синоларнинг "асосий принциплари асоссиз эканини исботлашга" уринади. Асарда метафизика, яъни умумий масалалар, борлиқ принциплари ва категориялари ҳақида гап боради. Форобий "Метафизика"нинг мақсадлари", Ибн Сино эса "Донишнома" асарларида метафизика (илм ал-илоҳия) ни олий илм, унинг ўрганиш мавзуи алоҳида масалалар, буюмлар эмас, балки абсолют борлиқ эканини таъкидлайдилар ("Ҳамма буюмлар яратувчиси, унинг танҳолиги ва ҳамма нарсалар унга қарам эканлигини англаб етиш бу фанга алоқадордир" Ибн Сино, "Донишнома", 141—142-бетлар). Бу масалаларнинг ҳаммаси Аристотелнинг "Метафизика"сида ўз ечимини топган эди. Шарқда эса Аристотелга тенг келувчи, у қўйган масалаларни янги ижтимоий шароитда, ислом дини рамкасида ҳал этган қомусий олимлар "Шарқ аристотелчилари" буюк мутафаккирлар Форобий ва Ибн Сино бўлдилар. Франция президенти Ф. Миттеран 1994 йил Ўзбекистонга ташриф буюрганда "Ибн Сино Оврупога Аристотелни таништирди" деган эди. Улар грек файласуфи таълимотини ўз даврларига татбиқ этибгина қолмай, баъзи идеалистик фикрларини танқид ҳам қилганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунинг учун ҳам Ғаззолий "Ал-Муаллими ал-аввал", "ал-Муаллими ас-соний" ва "ал-Шайх ар-Раис" ғояларини баробар инкор этади.

Ўз вақтида зардуштийлик таълимоти Ионияда ибтидоий материалистик фалсафани, кейинчалик эса пантеизм фалсафасининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказган эди. Албатта, IX—X асрларда зардуштийликка эътиқод қўйган одамлар ҳали мавжудлиги, бу таълимот одамлар хотирасидан кўтарилмаган даврда унинг айрим томонлари бу диннинг ватани бўлмиш минтақамиз файласуфлари таълимотига ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас эди.

Ибн Синонинг фикрича, Яратувчи абадий, у яратган борлиқ ҳам абадий. Борлиқ абадий эканини Форобий ҳам таъкидлаган. Бу ғоя зардуштийликнинг йўқлиқдан ҳеч нарса пайдо бўлмайди, бор нарса мутлоқ йўқ бўлиб кетмайди, деган таълимотига ҳамоҳангдир. Мавжудотни Аллоҳ яратган, аммо унинг асосида зардуштийликнинг тўрт унсури-ҳаво, олов, сув ва ер ётади. Олимларнинг фикрича, ана шу тўрт унсурдан мавжудот яратилган. Ҳар иккала олимнинг фикрига кўра материя абадий, фақат шакли ўзгариши мумкин, аммо аслияти ўзгармайди. Бу масалаларда Форобий ва Ибн Сино таълимотларида баъзи жузъий тафовут бўлса ҳам асосий фикрлар бир-бирига монанд. Ибн Синонинг фикрича, мавжудотнинг ҳамма кўринишлари абадий, конкрет буюмлар йўқ бўлиши, янгилари келиб чиқиши мумкин, аммо уларнинг асли моҳияти, дастлабки асоси йўқолмайди, у абадий. Ибн Синонинг Аллоҳ ва у яратган борлиқ ҳам абадий, деган таълимоти деизмга яқин бўлса ҳам амалда материалистик натижа берди, аниқ фанлар ривожини таъминлади. Бу таълимот фақат ислом эмас, балки яхудийлик, исавия динларига бўлган муносабатга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Ибн Сино таълимотидаги эманация (нурланиш) назарияси уни олдинга сурган грек файласуфи Плотин назариясидан ўзгача бўлиб, зардуштийликдаги осмон, қуёшнинг табиат, инсонлар ва умуман жонзотларга қаратилган ҳаётбахш ёғдуси ва иссиқлиги ҳақидаги тушунча билан боғлиқ. Ваҳоланки, Плотин эманацияси ҳам зардуштийлик таълимоти таъсири остида, яъни Қуёш бош маъбуд, у таратган эманация туфайли борлиқ мавжуддир деган ғоя таъсири остида шаклланган эди. Лекин кейинчалик Плотиннинг бу таълимотини исавия дини арбоблари ўз манфаатларига хизмат қилдирган эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Форобий, Ибн Синоларнинг онтологик[48] масалаларга оид қарашлари ҳам зардуштийлик таълимотига яқин эканлиги, Аллоҳ, материя, табиатнинг бирлиги ҳақидаги ғоялари ҳам аждодларимизнинг қадимий диний қарашларга яқинлиги кишини ҳайратга солади. Зардуштийлик таълимотига кўра қуёш ёғдуси жаҳондага наботот ва ҳайвонот ҳаётини таъминлайди. "Авесто"нинг "Қуёшга алқов" қисмидан қуйида келтирилган парчага аҳамият беринг:

1. Биз Қуёшга топинурмиз,
Унинг ўлмас ёлқинига.
.....
2. Қуёш балқиб чиққанда
Мазда берган ер ялқир,
Оқар сув балқир шунда,
Балқир булоқ сувлари,
Барча хилқат яшнайди.
.....
3. Қуёш агар чиқмаса,
Девлар ғорат қилғайлар
Ерда барча хилқатни...[49]

Зардуштийлик таълимотида дунёда қуёшсиз ҳаёт бўлмаганидек, ҳар бир ўсимлик ва жонзотда қуёшнинг заррачаси бор, дейилади. Шунинг учун бўлса керак, Ибн Синода табиат — борлиқ ва Аллоҳ бир-бири билан боғлиқ, ҳар иккаласи абадий дейилади.

Ибн Сино Шарқ ва Ғарб олимлари ўртасида баҳс шаклида китоб ёзган: "Мен "Инсоф" номли китоб ёздим. Бу китобда мен олимларни икки гуруҳга ажратдим: Машриқийун ва ғарбийун. Машриқийун ва ғарбийунлар ўзаро баҳслашадилар. Ҳар бир баҳсда улар ўртасида зиддиятни кўрсатдим, ундан кейин баҳсли муаммони адолатли ҳал этиш йўлини аниқладим. Китобда тахминан 28000 проблема келтирилган." Афсуски, бу йигирма жилдлик китоб йўқолган, аммо Ибн Сино бу асар ғояларини "Ҳикмат ал-машриқийун" асарида тиклашга ҳаракат қилган, ундан "Мантиқ" қисми сақланган[50]. Буюк олим ўз асарида юнон фани ва фалсафасига танқидий ва ижодий ёндошишни тавсия этади. Йўқолган китобларда Платон, Аристотел ва бошқа юнон файласуфлари асарларидаги идеализм, эманация ва яна бошқа келишмовчиликлар ҳақида фикр юритилган бўлиши мумкин деб фараз қиламиз.

Файласуфлар пантеизми билан сўфизм пантеизми ўртасида фарқ бор. Тўғри, Мансур Ҳаллож "Анал ҳақ"

www.ziyouz.com kutubxonasi

дегандаги пантеизм билан кейинги давр сўфийларининг Аллоҳ жамолига эришув ҳақидаги тушунча ўртасида ҳам фарқ бор. Агар "Анал ҳақ" зардуштийлик таълимотига, яъни "ҳар бир мавжудотда Аллоҳнинг зарраси бор" деган ғояга яқин бўлса, кейинги давр сўфийлар таълимоти мистицизмга яқиндир.

Ибн Сино "аш-Шифо" асарида ернинг фойдали қатламларини синчковлик билан кузатиши натижасида геологик тарихини ҳам аниқлай олганлиги маълумдир. Асарнинг шу муаммога бағишланган қисми XII асрда лотин тилига ағдарилган. Шу давргача тоғларнинг пайдо бўлиш сирини Леонардо да Винчи билан Николай Стено кашф этган, деган фикр юради. Бизнингча, итальян олимлари Ибн Сино рисоласидан хабардор бўлсалар керак[51].

Форобий ва Ибн Сино пантеизми табиат фанлари ютуқлари натижаси билан бойитилган ҳолда кейинчалик Спинозанинг материализмга асосланган таълимотига замин ҳозирлади.

Ибн Сино таълимоти араб Испаниясида яшаб ижод этган яҳудий олимлар, айниқса Моисей Маймонид (1135—1204) дунёқарашига ўз таъсирини ўтказган. XVII асрда яшаб ижод этган испан яҳудийларининг авлодидан бўлган файласуф Бенедикт Спинозанинг фалсафий қарашлари Ибн Сино таълимотига яқинлигини Маймонид таъсири орқали бўлган деб тушуниш мумкин. "Ҳақиқатан Спиноза фалсафий муаммоларни Ибн Сино руҳида ҳал этади (масалан, Ғарб-Модда, материя...Шарқ-борлиқ дунёнинг онги, тафаккур манбаи, фаол онг-мутлоқ чексиз зиё, оламнинг руҳи — ҳаракат ва сокинлик ва ҳ.к.)"[52]. Умуман ҳар қайси давр ўзи олдида турган фалсафий муаммолар ечимини буюк олим асарларидан топган.

Ибн Синонинг шифокор, табиат тадқиқотчиси сифатида фаолияти олимнинг материалистик дунёқараши асосли эканини исботлар эди. Геологияда ер сатҳи шаклининг келиб чиқиши ҳақидаги олимнинг фикри Оврупода фақат XIX асрнинг бошларида қарор топди, холос. Тиббиётда эса Ибн Сино ўз тажрибаси билан бойитган бутун юнон, Рим, Шарқ ва араб тиббиётининг қисқа баёнини "Қонун"да берди. Олим фалсафасининг материалистик йўналиши тиббиёт соҳасидаги тажрибасига асосланган. Ўрта асрларда Ибн Синони Ҳиппократ ва Гален билан бир қаторда энг буюк шифокор деб ҳисоблаганлар. Тиббиётга оид деярли ҳамма билимлар "Қонун"дан олинган эди. 1471 йил Италияда чоп этилган тиббиёт қомусида Ибн Синодан уч

www.ziyouz.com kutubxonasi

минг, ар-Розий ва Галендан бир минг уч юз, Ҳиппократдан бир юз қирқ марта парчалар келтирилади. "Ал-Қонун" XVI асрдан Оксфорд, Париж, Болонья, Падуя, Вена, Франкфурт ва бошқа Оврупо университетларида дарслик сифатида ўрганилган. Баъзи университетларда бу ҳолат XVIII асргача давом этган.

Ижтимоий масалалар, хусусан давлат идораси масаласида Ибн Сино Форобийнинг "Рисола фи ари аҳл ал-маданият ал-фадила" асарида изҳор қилинган фикрларга яқин туради. Ибн Сино шаҳарнинг маданият, адолат иқтисодий фаровонликни таъминловчи тузум эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ибн Синонинг фикрича, энг олий фазилат назарий донолик эмас, балки ҳаётга татбиқ этилган, одамларга фойда келтирувчи ақл-заковатдир. Ижтимоий масалаларда ҳам, фалсафанинг бошқа соҳалари каби, ҳар иккала буюк ватандошимизнинг фикрлари бир-бирларига яқиндир.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973—1048) кўпчилик Шарқ олимлари каби илмнинг турли соҳаларининг яхшигина мутахассиси бўлган қомусий олим эди. Беруний ўрта аср Шарқ илм-фанининг деярли ҳамма соҳасида — астрономия, математика, жуғрофия, тарих, геодезия, минералогия, фармакогнозия, фалсафа, филология, ҳатто шеъриятда ҳам сезиларли из қолдирган.

Тақдир тақозоси билан Беруний номи ва асарлари то XIX асргача Овруполик олимлар диққатидан деярли четда қолиб келган. Фақат 1876—1878 йиллари австриялик олим Эдуард Захау Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарининг арабча матнини чоп эттирди, 1879 йили эса инглиз тилига ағдарилган таржимасини оммалаштирди. Натижада Овруполиклар кечикиб бўлса-да, Беруний асарлари билан таниша бошладилар ва олим номи ўз сафдошлари қаторидан арзигулик жой эгаллайди.

Беруний даставвал яратган асарларнинг энг йириги "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" бўлиб, мавзу доираси, унда қамраб олинган материал шунчалик бой, кенгки, асарнинг бирор бир конкрет илм соҳасига тааллуқли эканини аниқлаб бўлмайди. Унда Марказий ва Яқин Осиё, Греция, Рим халқлари тарихининг қиёсий хронологияси, этнографияси, маданияти, эътиқоди, турли анъаналаридан маълумотлар берилади. Бу асарда Беруний дунёқараши ҳам ўз ифодасини топган. Олим Шарқ фанининг Форобий, Ибн Синога ўхшаган илғор вакиллари каби Марказий Осиё халқларига хос бўлган илғор фалсафий қарашлар ва қадимги грек файласуфлари, айниқса, Ари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

стотел ва атомчилар анъанасини давом эттириб, деизм нуқтаи назаридан фикр юритган. Яъни Аллоҳ яратувчи ва у бутун борлиқни ҳаракатга келтиради. Аммо у яратган ва ҳаракатга келтирган дунё кейинчалик табиат қонунига биноан ривожланади, уни билиш дин эмас, илм соҳасидир[53].

Математика ва астрономияга оид ишларида олим тригонометрияга оид баъзи муаммоларни ҳал қилади, ер куррасининг ўз даври учун энг аниқ бўлган ўлчовини ишлаб чиқади, ўрта асрларда биринчи бўлиб ер курраси модели — глобусни, астрономияга оид янги асбобларни яратади. Беруний, Архимед қонунига суянган ҳолда минераллар оғирлиги орқали сифатини аниқлаш йўлларини кашф этади, уларнинг таснифини тузишга киришади. Астрономияга оид асари "Ал-Қонун ал-Масъудий"дан олдин ҳам Беруний бу соҳа, айниқса осмон ёритқичлари ҳаракати билан қизиқиб келган ва бир қанча рисолалар ёзган ("Истиҳрож ал-автар", "Такмил зижи Ҳабаш", "Ал-Бурҳон ал-мунар" ва бошқалар). Берунийнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссасининг бири "Геодезия" ("Китоб таҳдид ниҳоят ал-амокин ли-тасҳиҳи масофот ал-масокин") асарида ер куррасининг аниқ ўлчамини белгилаш бўлди. Халиф ал-Маъмун даврида ҳам Хоразмий бошлиқ олимлар ерни ўлчаган эдилар, аммо кичик ноаниқлик Берунийни бу масалага қайтишга мажбур қилади. Итальян олими К. А. Наллинонинг аниқлашига кўра бу масалада Беруний ўз даври учун ҳайратомуз аниқликка эришган, меридиан ўлчовида фақат 620 метр хатога йўл қўйган[54]. "Геодезия"нинг асосий мазмуни амалий астрономия ва геодезия билан боғлиқ, бу масалалар олимгача методология жиҳатидан ишлаб чиқилган эмас ва уни махсус мустақил фан даражасига кўтарган Беруний бўлди. Бу асарда олим жамият ҳақида ҳам ажойиб фикр айтади — инсонлар бошқа жониворлардан онги билан ажралиб туради, улар жамоа бўлиб яшашларининг икки сабаби бор — турли хавф хатардан биргаликда сақланиш ва жамиятга фойдали бўлган меҳнатни бирдамлик билан бажариш, деб билади. Илм-фан масаласида унинг келиб чиқиши ва амалий аҳамияти ҳақида ҳам Беруний тўғри, материалистик нуқтаи назаридан фикр юритади. Агар XIX асрда "ҳамма фанлар каби математика ҳам одамларнинг амалий эҳтиёжидан, ерлар майдонини ва идишларнинг сиғдириш имкониятини ўлчаш, вақтни ҳисоблаш ва механика заруратидан келиб чиққан"[55] дейилган бўлса, Беруний XI аср бошларидаёқ бу фикрни

www.ziyouz.com kutubxonasi

деярли ўша сўзларда баён қилади: "инсон ўз ҳирсига кўра отлар, инъомлар ва ерларга эга бўлиб олди ва бу (нарсаларни) ёки уларнинг ортиқча қисмларини бировнинг мулкидан ўзининг мулкига (ҳисоблаб) ўтказишда ёки мерос сифатида ўтказишда ҳисоб ва юза ўлчашга заруран эҳтиёж тушди. Булар (ҳисоб ва юза ўлчаш) иккиси риёзат ва таълимий деб аталган билимларнинг асоси бўлди. Уларнинг амалда қўлланиши геометрия илмидир"[56].

Олим барча фанларнинг келиб чиқишини ҳам инсон ҳаётий эҳтиёжи билан боғлайди. Беруний илмни диндан алоҳида тадқиқ этиш тарафдори. Олимнинг фикрича, илмий ҳақиқатни диний ҳақиқатдан ажрата билиш, бирини иккинчиси билан қориштирмаслик лозим. Астрологияни эса мутлақ қоралайди. Илмий тадқиқотнинг асоси тажриба эканини тасдиқлайди, аммо назарияни ҳам рад этмайди.

Илмда тажрибага суяниш антик фанига нисбатан янгилик ва илмни олға суриш эди. Бу масалада Ибн Сино Беруний бошлаган йўналишни давом эттирди. Беруний ўша даврдаги Шарқ олимлари орасида тажрибага аҳамият бериш билан алоҳида ажралиб туради.

Беруний яратган асарлар орасида ҳам ҳажми, ҳам аҳамияти жиҳатидан йириги "Ҳиндистон" эди. Ҳозирги ҳинд олимларининг фикрича, Ҳиндистон ҳақида ҳалигача ҳиндларнинг ўзлари шундай ажойиб асар яратмаганлар, Берунийгача эса умуман ҳеч нарса ёзилмаган. Шунинг учун ҳиндлар Беруний номини чуқур ҳурмат билан тилга оладилар.

Ҳиндистон ҳақида асар ёзишга киришар экан, Беруний қадимий ҳинд тили санскритни ўрганади, бу тилда ёзилган китоблар билан танишади, турли соҳа вакилларидан маълумотлар тўплайди, ҳиндлар ҳаёти, урф-одати, айниқса, эътиқодига оид диний китоблар билан батафсил танишади. Беруний фақат ҳинд китоблари билангина қаноатланмай, қадимги грек, рим адиблари асарларидан ҳам фойдаланади. "Ҳиндистон"ни рус тилига таржимаси учун сўз боши ёзган олимлар А. Б. Холидов ва В. Г. Эрманларнинг аниқлашича, Беруний асарда Ҳомер, Платон, Прокл, Аристотел, Иоанн Грамматик, афродизиялик Александр, тианлик Аполлоний, Порфирий, Аммоний, Арат, Гален, Птоломей, Сохта Каллисфен кабилар асарларидан фойдаланган ва парчалар келтирган[57].

Беруний яратган "Ҳиндистон"га ўхшаган асар умуман фан тарихида учрамайди. Унда ҳам мамлакат, ҳам ярим

www.ziyouz.com kutubxonasi

орол халқлари ҳақида шунчалик бой маълумот берилади-ки, ақл бовар қилмайди: диний табақалар, эътиқодлар, хурофот, фалсафа, аниқ фанлар, қонун ва урф-одатлар, диний-тарихий афсоналар, ёзув турлари, ярим орол жуғрофияси, адабиёти ва ҳоказолар. Кейинги даврлар олимлари Беруний берган маълумотларининг тўғрилигини текшириб, олимга хос бўлган илмий ҳалолликни яна бир бор тан олганлар.

"Ҳиндистон" асарида берилган маълумотлар шунчалик бой ва қимматлики, улар ҳалигача ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган. Бу асарга тенг келадиган бирор асарни тилга ололмаймиз, дейдилар "Муқаддима" муаллифлари. Беруний "Ёдгорликлар", "Минералогия", "Сайдана", "Ал-Қонун ал-Масъудий", "Геодезия", "Астрономия" каби буюк асарларнинг муаллифи, аммо у "Ҳиндистон"нинг муаллифи сифатида юксак баҳоланади[58]. Китобнинг яна бир қимматли томони йўқолиб кетган ҳинд, қадимги эрон, Монийлик китобларидан кўплаб парчалар келтирилганки, улар орқали ўша асарлар характеридан хабардор бўлишимиз мумкин. Ҳиндистон ҳақида Беруний бу йирик асаридан ташқари кичик ҳажмдаги илмий рисолаларида ҳам маълумотлар беради.

Берунийнинг оламшумул асарларининг бири "Қонун Масъудий" рисоласидир. Олимнинг ўз эътирофича, бу асарни ёзишдан мақсад астрономия соҳасида ўзигача яратилган ишларга якун ясаш, йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш ва келажакда яратилажак ишлар йўналишини аниқлаб беришдир.

"Қонун Масъудий"ни ўрта аср астрономиясининг қомуси дейиш мумкин. Олим ўзигача яратилган ишларнинг ютуқлари ва камчиликларини йўқотиш билан кўп масалада янги фикрларни баён қилади, астрономия тарихидан бой материал беради. Шунинг учун ҳам фан, айниқса, астрономия учун бу асарнинг моҳияти беқиёс. Асарда тарих ва этнографияга оид материаллар ҳам кўплаб учрайди, унда зардуштийлар, суғдлар, хоразмликлар, қадимий араблар, исавия мазҳаблари ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Асарнинг асосий илмий қиммати астрономия, геодезия, математика, тригонометрия ва математик жуғрофия соҳасидаги бой маълумотдадир. Тўғри, Беруний ҳам Птоломей каби геоцентрик таълимот тарафдори, аммо олим аниқлаб чиққан ер ҳаракатининг ўлчовлари фанда гелиоцентризм ғояси ғалабасини ҳозирлади. "Қонун Масъудий"

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарида ҳам Беруний ўз дунёқарашининг материалистик асосига содиқ қолади — ер шар шаклида, асосий табиат қонунларининг бири — ҳамма жисмлар ҳар ёқдан ер марказига қараб ҳаракат қиладилар. Шу сабабдан ҳам денгиз, океанлардаги сувлар тўкилиб кетмайди. Олим ана шу ернинг ўзига тортиш назарияси билан Ньютон очган қонуниятни бир неча аср аввал башорат қилган.

"Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир" ("Минералогия") ва "Сайдана" Берунийнинг сўнгги йирик асарларидир. Минералогия билан Беруний ёшлик чоғларида қизиқиб, имкони бор жойда маълумотлар тўплаб юрган, умрининг сўнгги йиллари саломатлик ва кексалик астрономик кузатишлар олиб боришни қийинлаштиргач, олим қимматбаҳо тошлар ва ўсимликлар тадқиқоти билан шуғулланади.

"Минералогия"да деярли ҳамма қимматбаҳо тошлар ва турли маъданлар, улар қориштирмаси ҳақида маълумот берилади. Асарнинг дастлабки қисми минералларга, иккинчи қисми маъданларга бағишланган. Булардан ташқари асарда бадиий адабиётга оид бой материал ҳам мавжуд. "Минералогия" Берунийнинг бошқа соф илмий асарларидан асосий мавзу бадиий адабиёт ва адабга оид материаллар билан бойитилгани билан ажралиб туради. Бу ҳақда академик И. Ю. Крачковский шундай дейди: "Унда Беруний кўп йиллик махсус изланишларини фақат илмийгина эмас, балки бадиий адабиёт, фақат оригинал араб эмас, унга бошқа тиллардан ўтган адабиёт билан бойитди"[59]. Асарни Қуръондан парчалар, турли афсоналар, кўплаб шеърий парчалар ва адабга оид асарлардан парчалар билан бойитади.

Асарнинг асосий қиммати минераллар оғирлигининг аниқлаб чиқилишидир. Берунийгача бундай иш на антик даврда ва на кейинчалик амалга оширилмаган эди, олим эса Архимед қонунига асосланган ҳолда бир қанча минераллар оғирлигини аниқлайди[60]. Проф. Г. Г. Леммлейннинг фикрича, Беруний минераллар оғирлигини бениҳоят аниқ ўлчаган, ҳаттоки ҳозирги замондаги ўта сезгир технология жалб этилганида ҳам олим ўлчови билан фарқи ўлчовнинг юздан бирига ҳам тўғри келмайди[61].

Олтин конларини топиб, қазиб олиш масаласида ҳам Беруний баён этган фикрлар ҳозир ҳам катта аҳамият касб этади[62]. Минераллар ва маъданлар қаерларда бўлиши мумкинлиги ҳақидаги Беруний берган маълумотлар геология

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихи ва ҳозирги изланишлар учун ҳам муҳимдир.

Ўрта асрларда Шарқда ал-кимё деб аталмиш (сунъий йўл билан қимматбаҳо маъданлар олиш) сохта фан кенг тарқалган бўлиб, илк ўрта асрлар, VIII—IX асрлардаёқ алхимия Оврупога ўтган ва тез тарқалган эди. "Алхимия ўрта аср Ғарби билан ўрта аср Шарқи тафаккурини даставвал боғловчи бўлган ва кейинчалик ижтимоий, маданий, илмий таъсирни қабул қилишга Оврупони тайёрлаган"[63]. Беруний ҳақиқий олим сифатида астрологияни тан олмай, танқид қилганидек, "Минералогия"да алхимиянинг сохта фан эканини исботлаган.

"Минералогия" фақат аниқ фанлар мутахассислари учунгина эмас, ижтимоий фанлар — бадиий адабиёт, фольклор мутахассислари учун ҳам қимматли манбадир. Афсуски, Берунийнинг филологияга оид ижоди билан ҳали етарли шуғулланилмаган, фақат академик А. Қаюмовнинг "Беруний ва адабиёт" рисоласи (1974) ва А. Расуловнинг "Некоторые соображения о Беруни и его стихах" мақоласи мавжуд, холос[64].

Беруний агар "Ёдгорликлар", "Ҳиндистон", "Геодезия" каби асарларида турли халқларга оид афсона ва мифларни келтирган бўлса, "Минералогия" ва "Сайдана"да араб тилида яратилган шеърлардан кўплаб парчалар келтиради. Улар қадим даврлардан бошлаб олимнинг ўзи яшаган давргача бўлган шоирлар асарларидан олинган парчалардир. "Минералогия"да олим саксон тўрт шоир номи ва асарларидан парчалар келтирган[65]. Баъзи ўринларда Эрон, Хоразм, Бухоро, Хуросон шоирлари шеърларидан ҳам фойдаланган. Кўпинча Беруний шеърларга изоҳ ҳам беради. Бу ҳолат Берунийнинг адабиёт соҳасидаги билими қанчалик кенг эканини кўрсатади.

Асарда олим ҳаётининг сўнгги даврларидаги дунёқарашига оид маълумотлар ҳам анчагина бор. Олим сохта фанларга нисбатан кескин салбий муносабатда бўлган. Умрининг охирида ижтимоий масалалар, одамларнинг жамиятга бирлашуви ва пулларнинг келиб чиқиши масаласида аввалги фикрларидан чекинади. Инсонлар томонидан ишлаб чиқилган бойликлар масаласида илмий тушунчага эга эканини кўрсатади. Инсон, унинг ахлоқ, одоби масаласида Берунийнинг қарашлари чуқур инсонийдир[66]. Бу асарида олим жамиятдаги табақалар, олижаноблик, олиҳимматлик, мардлик каби хусусиятлар фақат аслзодаларга тааллуқли деган чиркин тушунчани кескин танқид қилиб, рад этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буюк олимнинг сўнгги йирик асари "ас-Сайдана фи-ттиб" ("Фармакогнозия") — доривор ўсимликлар ҳақидаги рисоладир. Асар Беруний ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган бўлиб, кекса олим ёрдамчи, шифокор Абу Ҳомид ан-Нахшаинийни жалб этади. Аммо асар барибир тугалланмай қолади. Олимларнинг айтишича, асар моҳияти шундаки, "Сайдана" фақат табиат ва тиббиёт соҳасидаги беқиёс рисолагина эмас, балки лексикография нуқтаи назаридан ҳам тенги йўқ асардир. Ҳар бир ўсимлик, доривор модданинг арабча номидан ташқари форсий, қадимий форсий, грек, сурёний, ҳинди ва шевалардаги номлари ҳам келтирилади. Зикр этилган дориворлар қаерда бўлади, агар топилмаса, ўрнига нимадан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳам маълумот берилади. Алоҳида атамалардан ташқари, асарда шеърлардан парчалар ҳам кўплаб келтирилади. "Сайдана"да берилган материал Яқин ва Марказий Осиё, Ҳиндистоннинг ўсимлик дунёси, қишлоқ хўжалиги тарихи учун муҳим манба бўлади. Беруний "Сайдана"сининг яна бир қимматли хусусияти шундаки, китобда мавзуга оид бир ярим минг йил давомида Марказий Осиё, Хуросон, Эрон, Ҳиндистон, Арабистон, Кичик Осиё, Греция, Рим олимлари (ҳаммаси бўлиб 250 муаллиф) асарларидан парчалар келтирилади. Масалан, грек олимлари Диоскорид (I аср), Феофраст (эр. ав. IV—III аср), Рим олимлари Гален (II аср), Орибазий (IV аср), Павел (VII аср) ва бошқалар шулар жумласидандир. Китобда бизгача етиб келмаган ал-Омоний, аз-Занжоний, Абу Аббос, ал-Хушшакий, ал-Хузий, Жайхоний ва бошқаларнинг асарларидан ҳам парчалар берилган. Миср маликаси Клеопатранинг асари "ал-Китоб ал-Клубатра" ҳақида ҳам фикр юритилиб, ундан тўққиз парча келтирилади. Олим ибн Аби Усайбиага суянган ҳолда аёллар касалликларини даволаш усулларини ҳам баён қилади.

Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний бутун умри ва ҳаётини илм-фанга сарфлади. Фаннинг, турли соҳаларини юқори даражага кўтарди. Олимнинг астрономиядаги улкан хизматлари жойларнинг жуғрофий узунлиги, кенглигини аниқлаш усуллари, астрономик ўлчовларни аниқлашни ишлаб чиқиш, қуёш апогейини аниқлаш ва унинг ўзгарувчанлигини исботлаш, гелиоцентризм ғоясини тасдиқлашга яқинлаш кабилардир. Геодезия муаммоларини ҳам ҳал этишда катта ишлар қилди. Ердаги турли масофалар ва азимутини аниқлаш методини ишлаб чиқди, ер ҳажмини ўлчади, геодезияни махсус фан дара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жасига кўтарди. Математика соҳасида ҳам катта тадқиқотларни амалга оширди. Евклид таълимотини ҳинд математикаси ютуқлари билан бойитди, геометрия ва тригонометрия соҳаларида ҳам Беруний хизматлари улкан, синус ва тангенслар жадвалини ишлаб чиқди. Жуғрофия фанида ҳам Беруний янги сўз айтди, айниқса, денгизлар назариясида Птоломейнинг ўрнашиб қолган фикри хато эканини аниқлади. Дунёда биринчи бўлиб ер тасвири, яъни глобусни яратди. Геологияда ҳам ажойиб фикрларни олға сурди — аллювиаль қатламлар, ер ости сувлари, қатъаларнинг силжиши, ер курраси қиёфаси ўзгарувчан эканлигини исботловчи ва яна қатор ҳозирги илм-фан тасдиқлаган фаразларни илгари сурди. Минералогияда эса жаҳонда биринчи бўлиб минераллар ва маъданлар оғирлигини, уларни аниқлаш методини ишлаб чиқди. Фармакогнозия соҳасида ҳам олимнинг хизматлари беқиёс — дориворлар нималардан иборатлиги, улар ўрнига нималардан фойдаланиш мумкинлиги, уларнинг турли тиллардаги номларини аниқлади. Филология соҳасида ҳам Берунийнинг хизматлари сезиларли. Классик араб шеърияти ва ҳинд шеърияти ҳақида ҳам тадқиқотлар яратган, форсий афсоналарни араб тилига ағдарган, номлари унутилиб кетган кўплаб шоирларнинг асарларига мурожаат қилган.

Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқлари қадимий даври ва Ўрта асрлар тарихини илмий жиҳатдан ишлаб кўрсатди. "Ал-Осор-ул-боқия ан ал-қарун ул-ҳолия" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") ва "Ҳиндистон" асарларида тарих, этнография, фалсафа, эътиқодлар, астрономия, ижтимоий тафаккурга оид ўта қимматли маълумотлар берилган. Берунийнинг тарихий асарларига ўтган аср рус олими В. Р. Розен юқори баҳо бериб, "...унинг фикрлари ҳайратомуз кенг, бир сўз билан айтганда, унда замонавий тушунчамиздаги ҳақиқий илм бор"[67],— деган. Ҳақиқатан буюк ватандошимиз ҳозирги давр фанларининг деярли ҳаммасининг пойдевори асосини яратган, олим ижоди ҳали келажак даврларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Берунийнинг дунёқараши, фалсафий масалаларга келсак, олим кўпчилик илғор замондошлари каби деизм нуқтаи назарида бўлган. Олимнинг фикрича, яратувчи бор, у бирор диннинг вакили эмас, балки умум башарий бўлиб, бутун башариятни яратган, ҳаракатга келтирган. Шунга кўра ҳаёт табиат қонунига биноан давом эта беради. Табиат эса қотиб қолган ҳолда эмас, балки доимий ҳаракатда, ўзгарувчан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олим жамиятга ҳам ҳақиқий илмий муносабатда бўлган. Одамларнинг бошқа жонзотлардан фарқи ақл-идрокида. Инсонлар ҳаёт тақозосидан келиб чиқиб жамият бўлиб яшаганлар. Меҳнат тақсимоти ўз навбатида сарф этилган меҳнатни қадрлаш лозимлигини туғдиради, бу эса пулни келтириб чиқарди. Илм-фан инсониятнинг моддий зарурати натижасида келиб чиқади (Геодезия). Беруний ўз даврининг чин фарзанди сифатида мавжуд тузумни оқлайди, миллий, ирқий, диний тенгсизликни қоралайди.

Беруний ҳаёти ва ижоди Шарқ олимларини ҳамма вақт қизиқтириб келган, асарларини кўчириш, ўрганиш олим ҳаёт эканидаёқ бошланган. Тарихчи Абул Фазл Байҳақий (XII асрнинг биринчи ярми), Гардизий (XI асрнинг иккинчи ярми), Йоқут ал-Ҳамавий ар-Румий (1179—1229), Абул Фараж Григорий Йоанн Бар-Эбрей (1226—1286), Ибн Абу Усайбиа (1203—1270), Умар Ҳайём, Абу-л-Фатҳ Абдураҳмон ал-Ҳазиний (XII), Муҳаммад Ауфий (XIII), Рашид ад-дин (1247—1318), Наср ад-дин ат-Тусий (1201—1274), Ҳамдаллоҳ Қазвиний (1281—1349) каби кўплаб олимлар ўз асарларида буюк алломанинг илмий меросидан фойдаланганлар.

Инглиз короли Ҳенрихнинг шифокори сифатида хизмат қилган испаниялик яҳудий Педро Алфонс ўз эхтиёжидан келиб чиқиб Берунийнинг "Сайдана" ва "Минералогия" асарларини лотин тилига қисқартириб ағдарган. Кейинчалик "ал-Қонун ал-Масъудий"нинг ҳам катта қисмини лотин тилига таржима этади. Асар Францияниг Монпелье шаҳрида қайта-қайта кўчирилади. Бу асарлар Франция мактаблари ва университетларида ҳозиргача ўрганилиб келади. Аммо таржимон олим исмини "Али Бороний" шаклида ёзган ва ҳалигача шундай аталади[68].

Оврупо Беруний асарлари билан XIX асрда француз М. С. Рено,итальян Б. Бонкомпанъи ва австрия олими Э. Захау таржималари орқали кенгроқ танишиш имконига эга бўлди. Айниқса, Э. Захаунинг "Ҳиндистон" таржимаси, "Ёдгорликлар" нашри ва мақолалари Оврупо илмий жамоатчилигининг Берунийга бўлган қизиқишини уйғотди. Лекин Берунийнинг илмий фаолияти, математика, астрономия, минералогия, фармакогнозия, тарих ва бошқа соҳаларга оид таълимотлари ўзидан кейин яшаган Шарқ олимлари асарлари орқали бевосита бўлмаса-да билвосита умуминсоний цивилизация ва илм-фан тараққиётига таъсир ўтказган. Масалан, Сицилия короли Рожер II нинг саройида яшаб, ижод этган Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий "Нўзхат ал-муштоқ фи-хи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирок ал-офоқ" ("А л-Китоб ар-Ружжар") асарида "Ҳиндистон" асарининг XVIII бобидан тўлиқ фойдаланган.

Беруний ижодини энг юқори ва ҳаққоний баҳолаган олим америкалик Ж. Сартон бўлди.У буюк ватандошимизни ўз даврида жаҳондаги энг доно мутафаккир, деб атади.[69]

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу-л-Валид бин Аҳмад Ибн Рўшд (1126—1198) Оврупо мамлакатларида Аверроэс номи остида машҳур бўлган. Олим испан арабларидан бўлиб, Кордовада аслзода оиласида дунёга келган. Бўлажак олим она шаҳрида бошланғич маълумот, фикҳ, адаб, адабиётдан таълим олади. Кейинчалик табиат фанлари ва тиббиёт билан шуғулланади. Аммо Ибн Рўшд асосан файласуф сифатида ном чиқарган. Испания халифаси Абу Ёъқуб олимга Аристотел асарларига шарҳлар ёзишни топширади. 1171 йили отасининг вафотидан сўнг Кордованинг бош қозиси этиб тайинланади. 1182 йил эса Абу Ёъқуб олимни Марокашга ўзининг шахсий шифокори сифатида таклиф этади. 1195 йил Кордовада расмий ислом арбоблари Ибн Рўшднинг фалсафага оид асарларини бидъатда айблаб, файласуфни яхудийлар яшаган қишлоққа сургун қиладилар. Кўп вақт ўтмай файласуфни яна Марокашга таклиф этадилар. Олим 1198 йил Фесда вафот этади, 1199 йил эса унинг жасади Кордовага кўчирилади.

Ибн Рўшд ижоди илмнинг турли-туман соҳаларига бағишланган бўлмаса-да, у орқали Форобий, Ибн Сино таълимотлари Оврупода кенг тарқалди. Ибн Рўшд тиббиётга оид бир китоб, Гален, Ибн Сино асарларига шарҳ ёзган, астрономия, фикх ва адабиётга оид асарлар яратган, лекин улар буюк салафлари ижоди олдида янгилик эмас эди. Ибн Рўшд асосан антик ва Шарқ файласуфлари, жумладан, Платоннинг "Давлат", афродизиялик Александрнинг "Онг ҳақида", Форобийнинг мантиқ ҳақидаги рисолалари, Аристотелнинг деярли ҳамма асарларига шарҳлар ёзган. Ибн Рўшд шарҳлари уч турли бўлган — баъзи парчаларни осон иборалар билан изҳор этиш, маълум жойларни шарҳлаш ва ниҳоят парчани ўз фикрлари билан изоҳлаб кенг тушунтириш ёзган. "Аристотел табиатни англатган, Аверроэс эса Аристотелни тушунтирган" деганлар. Шунинг учун уни "комментатор" (шарҳловчи) деб ҳам атаганлар.

Грек файласуфи асарлари, айниқса, "Метафизика"сини шарҳлаш осон эмас эди. Чунки файласуф кўп масалаларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқ бир фикрни изҳор қилмас, фикрлари қарама-қарши бўлган жойлар ҳам кўп эди. Ибн Рўшд ўз шарҳида Шарқ файласуфлари Форобий, Ибн Сино таълимотлари асосида кўп муаммоларни ижодий ҳал этади, олим файласуф асарларини неоплатониклар томонидан киритилган "тузатишлардан" тозалайди.

Ибн Рўшд Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг "Файласуфларни инкор этиш" асарига жавобан "Инкорни инкор этиш" асарини ёзади. Ғаззолий ўз асарида ҳаётий аҳамиятга эга бўлган тиббиёт, математика, физика, ҳатто мантиқни танқид доирасидан четда қолдиради. Олим метафизика, табиат, фалсафа фанларининг ҳам антик, ҳам IX—X асрлардаги вакиллари, айниқса, Форобий ва Ибн Сино таълимотларини, уларнинг "яратувчи абадий бўлганидек, борлиқ ҳам абадий", табиат Аллоҳнинг иштирокисиз ўз қонунияти асосида ривож этади, деган қарашларини қоралайди, уларни даҳрийликда айблайди.

Бу таълимотга даставвал Абул Аббос ал-Эроншаҳрий (IX асрнинг ик. ярми—X аср боши) ва унинг шогирди Абу Бакр ар Розий (X аср) асос солган эдилар. Кейинчалик уни буюк алломалар ривожлантирадилар. Ибн Рўшд Ғаззолий асарида фалсафий таълимотларни инкор этишни бобма боб таҳлил этиб, хулосаларини рад этади. Файласуф бу билан чекланмай инсон онги, билими борлиқ сирларини англаб етишга қодир эканлигини исботлайди. Афсуски, Ибн Рўшд асарлари араб тилида яратилган фан энг ривож топган, Форобий, Беруний, Ибн Синолар давридан анча кеч ва анча узоқ минтақада яратилди, шунинг учун Овруподан фарқли ўлароқ, Шарқ фалсафасининг ривожига ҳал этувчи таъсир этмади.

Ибн Рўшд "Инкорни инкор этиш" асаридаги Ғаззолий ғояларини танқид этиб, ислом дини асосларига қарши чиқмоқчи эмас. Олим ўз даврининг вакили сифатида динни қаттиқ тутган мусулмон, у фақат дин ўз йўлига, фалсафа, илм ўз йўлига ривож этишининг тарафдори эди, холос. Файласуф фалсафа ва дин табиатан эгизак: бири исбот усули билан, иккинчиси аллегория усули билан Аллоҳга хизмат қилади, дейди. Муқаддас китоблардаги қарама-қаршиликларни изоҳлайди. Ибн Рўшднинг фикрича, авом халқ диний китоблар қандай бўлса, у ҳақда фикр юритмай, шундайлигича итоат этиши керак, исботлаш усули фақат файласуф олимларга хосдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Инкорни инкор этиш" 1328 йил лотин тилига таржима этилди. Асар Оврупода фалсафий ва диний оқимлар, бидъатларнинг шаклланишида катта роль ўйнади.

Ибн Рўшдни ҳам фалсафа ва диннинг асосий муаммоси бўлган борлиқ абадийми ёки Аллоҳ яратганми деган масала қизиқтиради. Юқорида бу муаммо Форобий, Беруний, Ибн Сино томонидан рационализм нуқтаи назаридан, яъни борлиқ абадий, табиат қонунларига биноан ривожланади, деган концепция асосида ҳал этилганлиги ҳақида айтилган эди. Олимларнинг бу фикрлари Ғаззолий томонидан "Файласуфларни инкор этиш" асарида кескин танқид қилинган эди. Испан файласуфи "Инкорни инкор этиш" асарида Ғаззолий фикрлари асоссиз эканини исботлаб, файласуф-олимлар таълимотини ҳимоя қилди. "Агар борлиқ Аллоҳ томонидан яратилган бўлса, табиатдаги ўзгарувчанликни қандай қилиб изоҳлаш мумкин, ахир Аллоҳ яратган ҳар бир нарса ўзгариши мумкин эмас-ку?", дейди олим. Материя, табиатнинг Аллоҳдан мустақиллиги масаласида Ибн Рўшд Ибн Синодан ҳам ўзиб кетади. У материя ва шакл бирлиги ҳақидаги ғояни олға суради, материясиз шакл бўлиши мумкинлигини мутлоқ рад этади.

Ибн Рўшд Яратувчи ҳақидаги таълимотида пантеизмга яқинлашади. Наботот, ҳайвонот, ҳатто инсонлар ҳам, умуман борлиқ билан боғланган, ҳаммасининг асосида олий осмоний илиқлик бор, дейди у. Бу фикрда зардуштийликнинг ҳамма наботот ва ҳайвонот оламида Қуёшнинг заррачалари бор, деган таълимоти таъсири сезилиб туради.

Ибн Рўшд инсон руҳининг мангулиги ҳақидаги таълимотни рад этиб, материядан кейин руҳнинг яшаши мумкин эмас, фақат инсон онги, пассив онг илоҳий онг каби абадий, у коинот, осмон интеллигентацияларига қўшилади, дейди. Испан файласуфининг инсон руҳи абадийлигини рад этувчи назарияси умуман монотеистик динлар асосига танқидий муносабатни кучайтирди. Ўрта асрларда ҳам ислом, ҳам исавия динларида инсон ўз ҳатти-ҳаракатида эркинми ёки ҳар бир яхши ёки ёмон қилмиши Аллоҳ томонидан белгиланганми деган муаммо бир неча асрлар давомида қизғин баҳсларга олиб келган эди. Испан олимини ҳам бу масала қизиқтирган. Файласуф ҳар иккала лагерь вакилларининг фикрларига ҳам қўшилмайди. Унинг фикрича, Аллоҳ ҳар бир инсоннинг ҳамма фаолиятини олдиндан белгилаб бериши мумкин эмас. Иккинчи томон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан инсон иродаси, фаолияти мутлоқ эркин бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир одам жамиятнинг заррачаси, жамиятда эса асрлар мобайнида ишлаб чиқилган норма, қонун-қоида бор. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, Ибн Рўшд "зарурат" тушунчасини аниқлайди. Унинг фикрича, инсон фаолияти, хатти-ҳаракати ана шу "зарурат" билан боғлиқ.

Платоннинг "Давлат" рисоласи шарҳларида Ибн Рўшд ўзининг ижтимоий-фалсафий фикрларини изҳор этган. Файласуф ғоялари Форобий фикрларига яқин, у ҳам мавжуд феодал тузумини оқлайди. Унинг фикрича, ҳамма одамларнинг имконияти, қобилияти, лаёқати бир хил эмас. Демак, улар орасидаги фарқланиш, табақаланиш табиий ҳолат.

Олим тарбия масаласига катта аҳамият беради. Шуниси қизиқки, у дин арбобларини тарбия ишларидан четлаштириш тарафдори, Оврупода эса бу фикрлар фақат XVIII—XIX асрлардагина майдонга ташланди.

Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби файласуфлар таълимотини бошқа ижтимоий шароитда ишлаб чиққан Ибн Рўшд таълимоти Шарқ илм-фани, фалсафасининг Оврупода кенг тарқалишида восита бўлди. Брабантлик Сигер, Рожер Бэкон, Буюк Альберт, Гвидо Кавальканти каби Оврупо фалсафаси ва фани асосчиларига Ибн Рўшд таълимотининг таъсири, айниқса, беқиёс бўлди. Ибн Рўшд асарларида дин ва фалсафанинг ўзаро муносабати масаласига кўп ўрин беради. Олимнинг фикрича, ҳар иккаласи ёнма-ён яшамоғи керак. "Дин ва фалсафа гармонияси" рисоласида "фалсафа-ҳақиқат, Аллоҳ томонидан инсонларга юборилган Қуръон ҳам ҳақиқат, улар орасида зиддият бўлиши асло мумкин эмас", деган ғояни олға суради. Рисолада дин ва фалсафадаги бир-бирига зид бўлган ҳолатларни келиштиришга уринади. Файласуф баъзи зиддиятлар файласуфлар йўл қўйган маълум хатоликлар ва муқаддас китобнинг тўғри талқин қилинмаганидан келиб чиқиши мумкин, шунинг учун динни ҳам фалсафий фаҳмлай билиш керак, деган фикрни ёқлайди. Ибн Сино билан мутасаввуф Абу Саид Майхоний (968—1049) ўрталаридаги хат алмашув ва ниҳоят шайхнинг "Мен фаҳм билан пайқаганимни у билади", Ибн Синонинг эса "У кўрганини мен англатаман"[70] дегани худда Ибн Рўшд айтган "динни фалсафий фаҳмлай билиш"нинг ўзгинасидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АРАБЛАР ИСПАНИЯДА

Оврупо мамлакатларида ўрта аср исавия дини (IV аср) расмий давлат дини деб тан олишдан бошланади ва турли мамлакатларда ҳар хил даврда — XVII—XVIII асрларгача давом этади. "Ўрта аср" номи Уйғониш даврида берилган бўлиб, юксак ривожланган, юқори маданиятга эга бўлган, ёрқин икки давр, яъни антик ва Уйғониш даврлари ўртасидаги диний жаҳолат, иқтисодий ва маданий қолоқлик, бадавийлик, зулмат ҳукмрон бўлган ўрталик даврни англатади. Аммо олимларнинг сўнгги ярим асрда олиб борган изланишлари натижасида бир қанча қўлёзмалар топилдики, улар кечки ўрта аср, яъни XII—XIV асрлар ҳақидаги аввалги тушунчани ўзгартирди. Эндиликда Ўрта асрларда яшаб ижод этган, черков ақидаларини танқид қилувчи, атроф дунё сирларини англаб етишга интилувчи исёнкор ақл эгалари ҳам бўлганлиги, улар Уйғониш давр маданияти, фанининг равнақ топишига замин ҳозирлаганлиги, ўрта асрлар феодаллар ва черков раҳбарларига итоаткорлик билан тинчгина, осойишталик билан ҳаёт кечирилган давр эмас, балки мафкураларнинг даҳшатли курашлари авж олган, инкивизиция гулханлари алангаси кўкларга кўтарилган давр эканлиги аниқланди. Бу жараённинг амалга ошишида Шарқ маданияти ва унинг Оврупога ижобий таъсири катта роль ўйнади.

Рим империясининг олмон қабилалари билан бўлган жангда мағлубиятга учраб, тор-мор этилиши Оврупо мамлакатлари ерларини бадавий халқлар учун очиб беради. Рим империясининг тор-мор этилиши қулдорлик тузумининг чириши ва халқларнинг буюк силжиши билан айни бир вақтда, IV—VII асрларда бўлиб ўтган жараёндир. Герман, готт, весигот, осгот, гунн, англо-сакс, бритт, франк, вандал, лангобард каби қабилалар Олмония, Италия, Пиреней ярим ороли, Британия, Галлияни ишғол қилдилар ва бу жойларда ўз давлат тузумларини ўрнатдилар. Оврупони, аввалги Рим империяси ерларини босиб олган халқлар ҳали патриархал-уруғчилик алоқалари инқирозга юз ўгирган давр даражасида бўлсалар, империяга қарам жойларда қулдорлик таназзулга учраган, ана шу икки тузумнинг V—X асрлар мобайнида ўзаро аралашуви натижасида катта ер майдонларга эга чиққан ҳарбий дружиналар, эркин деҳқонларга суянган короллик тузуми дунёга келди. Катта ер эгалари бўлган дружиначилар йирик феодалларга айландилар. Феодал тузумининг шаклланиш жараёни X асрларга келиб тугалланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Христиан динининг расмий тус олиши осонлик билан бўлмади. 391—392 йиллар император Феодосий исавия динини буйруқ билан расмийлаштирган бўлса-да, у 451 йилга келиб амалга оширилди. Эндиликда бу дин антик дини, фалсафаси ва фанига қарши шафқатсиз курашувчи, фақат дин арбоблари, Рим папаси, черков манфаатини кўзловчи жанговор кучга айланди. Ҳуқуқ тенглиги нариги дунёда, бу дунёда азоб чекканлар нариги дунёда роҳатда бўладилар, деган таълимот ишлаб чиқилди. Исавия дини Оврупо мамлакатларида феодализм тузумининг тасдиқловчи ва оқловчисига, ўрта асрларнинг ҳукмрон мафкурасига айланди.

V—XI асрларда исавия дини секин-аста ижтимоий ҳаётнинг турли томонларига кириб бориб, X асрга келиб йирик халқаро сиёсий ва маданий кучга айланди, черков лотин тилини муқаддас тил деб эълон қилиш билан антик маданиятининг меросхўри ҳам бўлиб қолди.

Антик фалсафаси, табиий материалистик дунёқарашга асосланган фани ўрта асрларга келиб изсиз йўқолиб кетмади. Агар исавия динининг дастлабки мафкурачилари (Ориген, Тертуллиан, Августин) дунёқарашларида антик фалсафаси элементлари кучли бўлса, XII—XV асрларда Шарқ маданияти, илм-фани, фалсафаси, улар орқали қадимги грек маданиятининг Оврупога таъсири самарали бўлди. VIII—XIII асрлар орасида Испаниядан тортиб то Хитой чегараларигача "Ислом мамлакатлари" деб аталмиш минтақада яратилган илмий-фалсафий ютуқлар, техник ва табиий фанлар ривожи самарасини ўзлаштириб, ҳаётга татбиқ этиш учун Ғарбий Оврупо халқларига камида беш юз йил зарур бўлди. Оврупо маданияти, илм-фани, фалсафаси ва адабиёти ривожини тўғри англаб етиш учун Шарқ маданияти ва унинг Ғарбга таъсирини аниқламоқ лозим.

Христиан дини мавжуд феодал тузумни оқловчи, унга хизмат қилувчи бўлган. Черков ақидаларида ҳар бир инсон ҳокимларга бўйсуниши шарт, бу дунёда қанчалик кўп азоб чекилса, нариги дунёда роҳатда бўлинади, дейилади. Ўрта аср адабиёти ҳам исавия дини, черков билан мутлоқ боғлиқ бўлган. Ўрта аср Оврупосида адабиётга фақат сўз санъати билан боғлиқ ижод сифатида қаралмаган, балки диний маросимлар билан алоқадор жанрлар — мадҳия, эпитафия, диний шеърлар, авлиёлар ҳақидаги қиссаларнигина адабиёт деб ҳисоблаганлар. Ҳақиқий бадиий асарларни расмий диний "адабиёт" тан олмаган. Аммо худди

www.ziyouz.com kutubxonasi

ана шу норасмий адабиёт янги давр адабиётининг асосини ташкил этди, Ўрта асрнинг расмий адабиёти эса барҳам топди. Янги давр адабиётида фақат бадиий, тарихий асарларгина сақланиб қолди. Қадимги Грецияда тарих бадиий адабиёт жанри ҳисобланганидек, Ўрта асрда ҳам тарихий воқеалар бадиий талқин қилинади. Улар кейинчалик тарихий мазмундаги эпик асарлар, тарихий романлар, қиссаларга асос бўлди.

Пиреней ярим ороли эрадан аввалги III—II асрларда римликлар томонидан босиб олинган бўлиб, у ерда лотин тили ўзлаштирилган. II—IV асрларда эса исавия дини қабул қилинган бўлиб, лотин тилидаги диний адабиёт ҳам ривож топган эди. V аср бошларида Испанияга олмон қабилалари бостириб кирадилар. V аср ўрталарида эса весиготлар ярим оролни босиб оладилар ва араблар истилосигача ҳукмдорлик қиладилар. Весиготлар бадавий халқлар орасида исавия динини қабул қилган, лотин тилини ўзлаштирган, анча маданийлашган қабилалардан эди. VII асрда ерли аҳоли ва босқинчилар яхлит бир халқ ҳолига келди. Аммо Испанияда феодал жамиятининг текис ривожланишига VIII аср бошида рўй берган сиёсий воқеа йўл қўймади.

711 йили Шимолий Африка араблари Гибралтардан ўтиб, Испанияга бостириб кирдилар ва уч йил давомида жанубий ва Марказий вилоятларни эгалладилар. Ерли халқнинг каттагина қисми ярим оролнинг шимолидаги тоғли ўлкалар Бискайя ва Астурияда яшириниб, кейинчалик Арагон давлатини туздилар. Испаниянинг араблар томонидан забт этилиши испан араби Аҳмад ибн Муҳаммад ар-Розий (вафоти 955 йил) томонидан ёзиб қолдирилган. Араблар томонидан Пиреней ярим оролининг босиб олиниши инсоният тарихининг янги саҳифасини очди. Александр орзу қилган Шарқ ва Ғарб синтезининг янги даври бошланди. "Шарқ фақатгина Оврупо маданиятининг ривожига таъсир этибгина қолмай, умуман Ўрта аср Оврупо одамининг тафаккури характерини тубдан ўзгартириб юборди"[1].

Атлантик океан ва Ўрта Ер денгизи соҳилларида жойлашган шимолий Африка ва Пиреней ярим ороли Шарқда Мағриб деб аталиб, жуғрофий ва иқлим жиҳатидан бир-бирига жуда яқин, уларни фақат торгина сув оқими — Гибралтар ажратиб туради, холос. Табиийки ҳар иккала минтақа ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқа асрлар давомида мавжуд бўлган. Испания

www.ziyouz.com kutubxonasi

араб мамлакатлари орасида табиий жиҳатдан, айниқса, Марокашга яқин. Ўртадаги ўхшашлик туфайли ҳар иккала мамлакат бир-бирининг давомидек туюлади. Испанияни даставвал босиб олганлар ҳам марокашликлар бўлиб, кейинчалик мавританияликлар ва бошқа араб мамлакатлари вакиллари ҳам Пиреней ярим оролига кўчадилар. Ерли халқнинг ҳам маълум қисми зўравонликсиз, иккинчи даражадаги фуқаро бўлмаслик учун исломни қабул қилади ва оз вақт ичида араблар билан бирлашиб кетади. X асрга келиб Испания (араблар "ал-Андалус" деб атаган жанубий ва марказий қисми) аҳолисини асосан мусулмонлар ташкил этган.

Араб Испанияси халифаликдан узоқда жойлашган бўлиб, кўп масалаларда мустақил сиёсат олиб борган. Халифалик марказида ҳокимиятга Оббосийлар келгач, Умавийлардан бўлган Абдураҳмон (халифа Хишомнинг набираси) 755 йил ғарбда Умавийлар ҳукмронлигини тиклайди. Давлат пойтахти Кордова (Кордуба)да жойлашди. 929 йилга келиб Абдураҳмон III ўзини мустақил халифа деб эълон қилади. Испанияда Умавийлар ҳукмронлик қилган давр, мамлакатнинг иқтисодий-маданий гуллаган даври бўлган. Абдураҳмон III шарқий ислом мамлакатлари, айни замонда, Оврупо мамлакатлари билан савдо, маданий алоқалар ўрната бошлайди.

Умавийлар Испанияда ўрнатган қудратли давлат узоқ давом этмади. XI аср бошларида феодал тузумига хос бўлган зиддиятлар, ҳарбий феодалларнинг марказий давлатга қарши кураши натижасида Умавийлар давлати парчаланиб, мулук ат-тавоифлар вужудга келади. Ўз навбатида улар ҳам бир-бирлари билан доимий низода бўладилар. Бунинг натижасида арабларга қарши курашаётган исавий испанлари ҳаракатларини фаоллаштирадилар. Кастилия давлати ташкил топади. Кастилия короли Альфонс VI раҳбарлигида испанларнинг босқинчиларга қарши кураши фаол тус олади ва натижада 1085 йил араб маданияти марказларининг бири бўлган Толедо қўлдан кетади. Аммо худди ана шу сиёсий беқарорлик даври маданият, тафаккур энг тараққий этган давр ҳам бўлган. Мусулмон давлатлари пойтахтлари Кордова, Толедо, Бадахоса, Валенсия, Дения, Альмерия, Гранада, Севильяларда маданият арбоблари, шоирлар, олимлар, актёрлар, шифокорлар, раққоса ва ашулачилар, бастакорлар кўплаб тўпланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1086 йил Испаниядаги майда араб давлатлари раҳбарлари испан христианларининг озодлик учун курашлари-реконкиста фаоллашгач, Марокаш амири Юсуф ибн Ташфинни ёрдамга чақирадилар. Аммо Юсуф аҳволни тубдан ўзгартиролмайди, ғалаба эса вақтинча бўлади. Бир йилдан сўнг Юсуфни яна ёрдамга чақирадилар. Юсуф испанлар ҳужумини қайтаради, лекин ўзи майда араб ҳокимларини ағдариб, Андалусияни бирлаштиради ва ҳокимиятни қўлга олади. Ал-Андалус Марокаш вилоятларининг бирига айланади. Марокаш ҳокимлари реконкистага қарши кескин кураш олиб борадилар. Натижада Испанияда араб маданиятининг яна ривожланишига шароит яратилади, аммо маданият арбобларининг кўпчилиги Марокашда янги ватан топадилар.

Испанларнинг миллий озодлик кураши XII—XIII асрларда ҳам давом этади. 1212 йили Лас Навас де Толосадаги жангда араблар мағлубияти Испаниядаги араб ҳокимиятига путур етказади. Исавийлар бирин-кетин ғалабага эришадилар. Ал-Андалус эса яна бир қанча давлатчаларга бўлиниб кетади. 1236 йили Кордова, кейинчалик Мурсия, 1248 йили Севилья, Валенсиялар испанлар қўлига ўтади. XIII аср ўрталарида араблар қўлида фақат Гранада сақланиб қолади, холос. Бундан кейин Испаниядаги араб маданияти худди ана шу Гранадада мужассамланади.

1492 йил 2 январь куни Арагонлик Фердинанд ва Кастилиялик Изабеллалар Гранада устидан ғалаба қозонадилар. Шу кундан бошлаб Испанияда араб ҳукмронлигига чек қўйилади. Аммо бу ярим оролда Шарқ маданияти ўлди деган гап эмас эди. Шуниси ажабланарлики, бу маданият асрлар давомида ривожланиб, Ғарб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказаберди.

Араблар Испанияни босиб олиб ҳукмронлик қилар экан, узоқ вақтлар ўзларининг ҳаёт тарзлари, маданиятларини давом эттирдилар. Марказий халифалик эса Пиреней ярим оролини узоқ ўлка деб ҳисоблаб, унинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига аралашмади. VIII—IX асрлар ерли ва келгинди халқлар маданияти, урф-одатларининг бир-бирини бойитиш даври бўлди. Абдураҳмон II ҳукмронлик қилган йиллар (822—852) араб Испаниясининг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан қудрати ошган давр эди. Бу даврда араб Испанияси яхлит бир давлат бўлиб, испан Умавийлари давлат тузуми, ободончилик ва шаҳарлар қуриш, урф-одат, маданиятда аввалги пойтахт Дамашқ ҳаётидан ибрат оладилар ва ўзларини Умавийлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

сулоласи ва анъаналарининг давомчиси деб биладилар. Халифаликда Оббосийлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, Дамашқ ва умуман Суриядан кўплаб маданият арбоблари ва умуман Умавийларга содиқ бўлганлар Андалусга кўчадилар. Натижада ярим оролда сиёсий тузум, маданият ва адабиётда Дамашқ халифалигига хос хусусиятлар кенг тарқалади. Аммо улар Оббосийлар ва Бағдод ҳаётидаги ўзгаришларга ҳам бефарқ қарамайдилар.

Араблар истилоси натижаси турли минтақаларда турлича бўлади. Агар Марказий Осиёда вайроналик келтириб, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ривожига путур етказган бўлса, Испанияда аксинча натижага олиб келди. Араб ҳокимлари ярим орол ободонлиги, айниқса, қишлоқ хўжалиги ривожи, уни сунъий суғориш усулига кўчириш борасида анчагина самарали ишлар қилдилар. Қулдорлик бекор қилиниб, озод бўлган қуллар исломга эътиқод қўядилар. Деҳқонлар феодалларга мутлақ тобеликдан озод этилади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бир хил қонунларга амал қиладилар, инсон ҳуқуқи муҳофаза этилади. Натижада иқтисодий ҳаёт яхшиланиб, шаҳар бозорлари кенгаяди, натурал алоқалар ўрнини пул алоқалари эгаллайди. Шаҳарларда ҳунармандчилик ривожланади, ички ва ташқи савдо кенгаяди, ярим оролдаги исавия давлатлари, жанубий Франция ва Италияга андалус товарлари экспорт қилинади. Бундан ташқари умум халифаликда йўлга қўйилган савдо алоқаларида ҳам испан араблари иштирок этадилар. Моддий ҳаётнинг турли томонларида кашфиётлар, янгиликлар рўй беради. 880 йил Андалусияда Ибн-Фирмас шиша ишлаб чиқаришни кашф этади ва фабрика очади. У метрономни кашф этади, планетарий қуради ва ҳавода парвоз этишга ҳам ҳаракат қилади.

Араблар истилосидан кейин Испаниянинг иқтисодиётидаги ўзгаришлар ижтимоий ҳаёти, маданиятига ҳам катта таъсир этди. Жамиятнинг маданий ҳаётига ислом исавия динидан фарқли ўлароқ, анча ижобий таъсир этди, маданий, илмий алоқалар кенгайди. Маданият жиҳатидан юқори бўлган шарқий минтақа фанининг ютуқлари халифаликнинг бошқа вилоятларига ҳам ўз таъсирини ўтказиш имкони туғилди. Арабларда маориф ишлари ҳам анча юқори савияда эди. Испаниянинг энг қолоқ вилоятларида испан ва араб болалари учун ўнлаб мактаблар очилди. Масалан, Ҳакам II (961—976) Кордовада камбағалларнинг болалари учун давлат ҳисобидан 27 та мактаб ташкил этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Испан Умавийлари прогрессив сиёсат олиб бориб, турли эътиқоддаги фуқароларнинг ҳаёт даражасини ошириш, маданиятини кўтариш, аҳолини ёппасига саводли қилиш борасида анчагина ишлар қилганлар. Илғор илм-фан ривожига ҳисса қўшганлар. Ҳатто реакцион йўналишдаги таълимотларнинг тарқалишига тўсқинлик қилганлар. Масалан, Ғаззолийнинг "Файласуфларни инкор этиш" рисоласи XII аср охири XIII аср бошида халифа буйруғига биноан Кордовада халойиқ ўртасида куйдирилади.

Абдураҳмон Соний адабиёт, санъат, астрономия ва умуман илмнинг мухлиси бўлиб, Андалусда маданиятнинг равнақ топишига катта ҳисса қўшган. Ислом дунёсининг турли мамлакатлари — Мовароуннаҳр, Эронга вакиллар юбориб, ноёб қўлёзмаларни олдиртиради, имкони бўлмаган чоғда улардан кўчирмалар буюртиради, грекча асарларни араб тилига ағдаришни уюштиради. Ўз саройига кўзга кўринган олим, шоирларни жалб этади. Амир Абдураҳмон II саройида ўнлаб ҳаттотларни тўплаб, уларга китоблар кўчиришни топширади. Натижада Испанияда араб тилида яратилган асарлардан ташқари, грек тилидан таржима этилган Ҳиппократ, Аристотел, Платон, Эвклид, Гален, Птоломей кабиларнинг асарлари ҳам тўпланади. Мовароуннаҳрда яратилган ёки таржима этилган илмий, бадиий асарлар ҳам тез фурсатда Андалусга бориб етган. Тарихчиларнинг хабарларига кўра Кордовада халифа кутубхонасида тўрт юз минг китоб тўпланган. Афсуски, бу бой кутубхона вайрон қилинган. Бир қисмини муваққат ҳукмдор Ан-Мансур ибн Абу Амир (ал-Манзор, вафоти 1002 йил) X аср охирида ислом хурофоти доираларидан чўчигани учун атайлаб йўқ қилади, асосий қисми XVI асрда исавий диндорлар ва королларнинг арабча китобларни йўқотиш ҳақидаги буйруғига биноан куйдирилган.

Испан араблари халифаликнинг турли вилоятларида яратилган фан ютуқларини имкон борича ўзлаштирибгина қолмай, уни бойитишга ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар (Ибн Рўшд, Ибн Туфайл, Ибн Хазм, ал-Арабий ва бошқалар). Бундан ташқари, испания яҳудийлари (Авицеброн, Галеви, Маймонид, Ибн Закбель ва бошқалар), араблашган ёки ислом динига ўтган испанлар ҳам Шарқ маданияти ва илм-фанини такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Араблар илм-фанга оид фаолиятларини таржимонлик ишидан бошладилар. Уларда бу масалада бой тажриба ҳам бор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Араблар VII асрда Ироқ, Сурия, Миср ва Эронни ишғол этганларида бу мамлакатларда кутубхоналар, грек фанини ўрганувчи марказлар бўлган. Бу марказларда таълим олувчилар асосан исавийлар эди. Илмий марказларнинг энг йирик ва муҳими Эрондаги Жундишапур мактаби эди. Сосоний шоҳлар томонидан ташкил этилган бу марказда V асрда Византиядан қочган насронийлар бошпана топган. У ерда фалсафадан ташқари медицинадан ҳам таълим берилган, дарслар сурёний тилида олиб борилган.

Жундишапурда даставвал (VIII аср) сурёний тилидан араб тилига Ҳиппократ ва Галеннинг табобатга оид асарлари таржима қилинди. Кейинчалик халифа ал-Маъмун томонидан ташкил этилган "Байт-ул-ҳикма"да таржимонлик фаолияти кенг йўлга қўйилди. IX—X асрлар давомида юнонлар яратган кўпчилик асарлар араб тилига ағдарилиб тугалланади. Бу йўналишда таржимонларни қийнаган муаммо атамалар масаласи бўлди. Кейинчалик фаннинг турли соҳаларида араб тилида мустақил асарлар яратилгач, аввал амалга оширилган таржималар қайта кўриб чиқилади. Бу вазифани бажаришда Испаниядаги араб, яҳудий олимлар фаол иштирок этдилар.

Араб тилига ағдарилган грек асарлари, табобат илмидан ташқари илми нужум ва ҳисобга алоқадор эди. Ҳар иккала фаннинг ҳам амалий аҳамияти бўлган. Агар математика кенг йўлга қўйилган қурилиш, савдо-сотиқ, ер ўлчаш каби ишлар учун зарур бўлса, астрономия муқаддас қиблани, денгиз ва қуруқликда фаолият кўрсатувчи савдогарлар, зиёратчилар йўлини аниқлаб бериш учун беҳад муҳим эди. Таржималар натижасида арабларга қарам мамлакатларда яшаган олимлар Яқин Шарқ, Греция, Ҳиндистон, Эрон ва Марказий Осиёда яратилган фан ютуқларини ўзлаштирдилар. Машҳур араб олими Йақуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (вафоти 870 йил)"биз ҳақиқатни англаб етиш ва уни қўллаш учун билим қаердан келмасин, хоҳ аввалги авлодлар, хоҳ бегона халқлардан бўлсин, ҳеч уялмай ўрганишимиз зарур"[2], деган эди. Бу даврда Миср, Месопотамия, Греция, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Эрон, эллинистик мамлакатлар халқлари илмий мероси ўзлаштирилибгина қолмай, балки янада ривожлантирилди. Бошқача айтганда VIII—XIII асрларда Шарқда араб тилида яратилган илмий мерос кўплаб халқлар илмий потенциалининг синтези бўлди. Кейинчалик у Оврупо илм-фани ва маданиятининг пойдевори вазифасин ўтади.

Оврупо мамлакатларида дунёвий маданият, илм-фан, адабиётнинг бошланиши Испанияда 1085 йили Толедонинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

исавийлар томонидан ишғол этилиши ва 1125—1151 йиллари Кастилия давлатининг канцлери, Толедо архиепископи Раймундо ўз замонасининг йирик олимларини тўплаб таржимонлар мактабини ташкил этишдан бошланди. Толедо таржимонлик мактабининг умуминсоний цивилизация тараққиёти учун аҳамияти ниҳоятда катта эди. Унинг фаолларидан Доминик Гундисальво, Кетнеслик Роберт, Гундисалинус, Батлик Аделярд, Шотландиялик Михаил, Италиянинг Кремона шаҳрилик Ҳерардо (1114—1187), Олмониялик Герман, Севильялик Хуанлар ҳам араб, ҳам лотин тили билимдонлари эди. Улар кўплаб Шарқ олимлари асарларини лотин тилига таржима қиладилар. Булар орасида, айниқса, сермаҳсули Ҳерардо бўлиб, юзга яқин асар таржимасини амалга оширган. Араблардан исавийлар қўлига ўтган бошқа шаҳарларда ҳам таржимонлик ишлари уюштирилади. Шотландиялик Михаил фақат Толедода эмас, Франция, Италия, Англияда ҳам ишлаб ижод этган. У Сицилияда Фридрих II саройида ҳам таржимонлик фаолиятини давом эттириб, шоҳ учун Аристотел асарлари ва Ибн Рўшд томонидан уларга ёзилган шарҳлар, Ибн Сино асарларини ҳам лотин тилига ағдарган.

Кастилия шоҳи Донишманд Альфонс X (1252—1284) ҳам замонасининг илғор шахсларидан эди. 1863 йил Мадридда Донишманд Альфонснинг астрономияга оид икки жилдлик илмий рисоласи чоп этилади. Унинг ёзилишида испан, араб ва яҳудий олимлар иштирок этганлар. Бу факт араб Испаниясида тарбия топган исавий корол ўз замонасининг маърифатпарвар арбоби бўлиб етишганидан далолат беради. Король ўз манфаатидан келиб чиқиб бир қанча тарихий, илмий асарлар таржимасини уюштиради, мадрасалар ташкил этади. Альфонс X нинг буйруғи билан амалга оширилган таржималар ҳам лотин, ҳам испан тилининг кастил шевасида амалга оширилган. XIII асрга келиб оммавий таржима ишлари ниҳоясига етади, тўғри, XVI—XVII асрларгача ҳам давом этади, лекин энди аввалгилари такомиллаштирилиб қайта таржима қилинади. Испания ва Сицилилда XIII асргача амалга оширилган таржималар туфайли Шарқ фани Ғарбий Оврупонинг маънавий камолотига ўз таъсирини ўтказади.

Шарқ маданияти, фанининг Оврупода тарқалишига ҳам Оврупо, ҳам Шарқ мамлакатларида истиқомат қилувчи яҳудийлар ҳам катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг араб ва оврупо тилларини билганлиги бу борада қўл келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Араблар, юқорида айтганимиздек, Испанияда араб ва испан тилида таълим берувчи юзлаб мактаблардан ташқари олий ўқув юртлари ҳам очдилар. Уларнинг дастлабкиси IX асрда Кордовада ташкил этилди. IX—XIII асрларда илмга чанқоқ овруполик ёшлар Испанияга келиб аввал тил, маданиятнинг умумий элемантларини ўзлаштириб сўнгра мадрасаларда таълим оладилар. Испаниядаги араб университетларини тамомлаб ватанларига қайтганларни "маг" (яъни зардушт), ҳамма билимлардан хабардор деб атаганлар. У даврдаги мадрасалар бизнинг тушунчамиздаги олий диний ўқув юрти бўлмай, ҳақиқий университетга яқин турган. Таълим масканларида илм-фаннинг турли соҳаларига доир энг сўнгги ютуқлардан билим берилган.

Кордова университетидан кейин бирин-кетин Севилья, Толедо, Валенсия, Гранада мадрасалари ташкил этилади. Овруподаги энг қадимий таълим ўчоқлари Париждаги Сорбонна, Англиядаги Кембриж университетлари эса XII асрда ташкил этилган.

Араб рақамлари деб аталувчи рақамлар (1, 2, 3, 4, ва ҳ.к.) Оврупо мамлакатларида Рим папаси Сильвестр II (999—1003) буйруғи билан жорий этилган. Аслида бу рақамларни Муҳаммад Мусо Хоразмий ҳинд рақамлари асосида ишлаб чиққан эди. Сильвестр II буйруғигача Оврупо мамлакатларида ўта ноқулай рим рақамларидан (XXXXIV ва ҳоказо) фойдаланганлар. Папа Сильвестр II нинг асли номи Орийаклик Герберт бўлиб, ёшлигида Испанияда таълим олган, араб тилини билган. У замонасининг ўқимишли, фанларнинг турли соҳаларидан яхшигина хабардор одам бўлган.

Испания ёки Сицилия араблари билан учрашмагунча Оврупо мамлакатларида ҳеч қандай илмий медицина бўлган эмас.

Фикримизнинг далили сифатида испаниялик араб тарихчиси Ҳусам ибн Мунқис асаридан олинган қуйидаги парчани келтирамиз: "Салб юришлари кезлари француз короли Андалус халифасига чопар юбориб, тажрибали шифокор юборишни илтимос қилган. Халифа қўшни мамлакат короли илтимосини бажо келтириб, ўзининг шахсий шифокорларидан бирини юборади. Король шифокорга бир рицар ва бир хонимни даволашни буюради. Рицарнинг бир оёғи яллиғлаб шишиб кетган, қорасонга айланиш хавфи бор эди. Табиб уни шарқона усул билан даволаб, хавфнинг олдини олади. Хоним эса ошқозон-ичак касал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лигига дучор бўлиб, аҳволи ночор эди. Табиб унга дори-дармон бериб, парҳез тайинлайди, касал анча енгил тортади. Аммо муолижа тугамай, қирол француз табибини чақиртириб, беморларни даволашни топширади. Табиб рицарга "Икки оёқ билан ўлишни истайсанми ёки бир оёқ билан яшашни истайсанми?" деган савол беради ва яшашни исташи ҳақида жавоб олади. Шунда у тўнка келтириб болта билан рицар оёғини чопади. Мўлжалдаги жой чопилмагач, иккинчи марта болта уради ва тизза суягини чилпарчин қилади. Йигит тил тортмай ўлади. Аёлни кўриб "бунинг ичига шайтон кириб олган, уни ҳайдаш керак" дейди. Саримсоқ пиёз билан горчица едиради. Хонимнинг аҳволи яна оғирлашади. Шайтонни бошқа йўл билан чиқармоқчи бўлиб сочини қирдиради. Мия усти терисини кесиб, очилган жойига саримсоқ пиёз билан туз ишқалайди. Бундай муолажадан хоним ҳам тўппа-тўғри нариги дунёга равона бўлади. Халифа шифокори Испанияга қайтади". Ибн Мунқис бундан бошқа бир қанча мисолларни ҳам келтиради.

X асрда Италиянниг Салерно шаҳрида медицина мактаби ташкил этилиб, унда Доиноло исмли яҳудий Шарқ медицинасидан ўта бошланғич маълумот берган. Фақат XII асрда Толедода Ибн Синонинг "ал-Қонуни" олим вафотидан 56 йил кейин Италиялик Ҳерардо томонидан қисқартирилиб, осонлаштирилиб таржима қилинган ва шундан сўнг олим таълимоти асрлар оша секин-аста тарқалади.

1279 йил Римда яҳудий Натан та Меати томонидан "Қонун" тўлиқ ҳолатда яҳудий тилига ағдарилган. Бизнинг тушунчамиздаги касалхоналар Оврупода фақат 1500 йилларгина ташкил топади. Унда Ибн Сино билан бир қаторда ар-Розий асарларидан ҳам фойдаланадилар. Ибн Сино "Қонуни" эса 1500 йилгача 16 марта чоп этилади. То XVIII асргача Оврупо медицинаси фақат Шарқ табобати асосида иш олиб борган.

Оврупода математика фанининг билимдони юқорида тилга олинган папа Сильвестр II бўлиб, унинг фаолиятини давом эттирувчилар бўлмади. Илми фалакиётдан ҳам бирорта иш қилган овруполик олимни тилга ололмаймиз. Сильвестрнинг буйруғи билан қабул қилинган араб рақамлари ҳам XIII асргача амалда қўлланмади. 1202 йил пизалик Леонардо Фибоначчо Жазоир — Пиза ўртасида савдогарлик қилар ва араблардан ўнлик рақамларни ўрганиб, унинг афзаллиги ҳақида рисолача ёзади,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уғилларини Жазоирда Шарқ математикасига уқитади. Леонардонинг китобчаси туфайли Овруполиклар араб рақамларининг афзаллигини англаганларидан сўнг секин-аста ҳаётга тадбиқ этадилар. Рақамлар билан бирга Оврупога янги сўзлар ҳам кириб келади — французча chiffre, немисча ziffer, инглизча cipher русча "цифра" сўзлари арабча "сифр" — "бўшлиқ" деган сўздан олинган.

XII асрга келиб Оврупо мамлакатларида илми нужумга ҳам қизиқиш бошланади. Юқорида номи келтирилган исавия динига ўтган яҳудий Педро Алфонс араб тили, шарқ илм-фани билан яхшигина таниш, айниқса, астрономия билан унча-мунча шуғулланган эди. Алфонс 1110 йил Англияда король Генрих I нинг шифокори сифатида хизмат қилади ва фанларнинг бошқа соҳаларидаги билимларини ҳам тарқатади. Алфонснинг Англия ва Францияда Шарқ астрономиясини тарқатишдаги роли катта. Унинг таъсири остида Англияда астрономия шаклланади ва ривожланади (Уолчер, батлик Аделярд, Роберт Гроссетесте). Айниқса, Гроссетесте (вафоти 1253 йил) табиат ҳодисаларини изчил кузатиб бориб, борлиқнинг асосини математик принциплар ташкил этади, деган хулосага келади.

XII асргача Оврупода дин арбоблари томонидан мантиқ ва фалсафа фанлари, Аристотел ва Платоннинг баъзи асарлари исавийлаштирилиб, лотин тилига ағдарилган бўлса-да, фақат Шарқ фалсафаси таъсири остида бу фанларга қизиқиш уйғонади. Испаниялик Гундисалво (XII аср) таржимон сифатида Шарқ фалсафаси билан яхшигина таниш эди. У "Инсон руҳининг мангулиги", "Фалсафанинг бўлиниши" асарларида Аллоҳни "ҳаракатсиз ҳаракатлантирувчи" сифатида талқин этиб, Ибн Синонинг "Китоб аш-шифо" ва ал-Ғаззолийнинг "Мақосид ал-фалсафа" асарларининг таъсири остида дин илмига физикани олиб киради.

Аристотел асарлари Боэций амалга оширган лотинча таржималари орқали илк ўрта асрда маълум бўлса ҳам, буюк файласуф таълимоти Форобий, Ибн Сино асарлари, айниқса, Ибн Рўшд шарҳлари орқали кенг тарқалди. Буюк Альберт (1206—1280) ва Аквинолик Фома Аристотел таълимотини христиан динига хизмат қилдиришда Шарқ аристотелчилигидан кенг фойдаланганлар.

IX—XI асрларга келиб Испанияда ҳам Эрон, Марказий Осиё халқлари маданияти, адабиётига қизиқиш жараёни бошланади. Мовароуннаҳрдан чиққан олим, файласуфлар асарларини ахтариб топиш, уларни ўрганиш, шарҳлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзиш кенг кўламда олиб борилади. Бу борада, айниқса, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино асарларига қизиқиш катта бўлган. Адабиётда ҳам форс тилидаги адабиёт, айниқса, одоб мавзуидаги китоблар ва шеърият анъаналарини, форсча ибораларни испан-араб шеъриятига олиб кириш ҳолларини учратамиз (Ибн Абу ар-Раббиҳий — "Ал-Иқд ал-Фарид"). "Кордова аслзодалари орасида форсий ҳаёт тарзи, расм-русумларига риоя қилиш мода ҳисобланган"[3].

Абдураҳмон Сонийнинг таклифи билан Бағдодлик бастакор ва ашулачи Зирйабнинг Кордовага келиши Андалус маданий ҳаётида катта воқеа бўлди ва Шарқ халқлари маданиятига қизиқишни янада кучайтирди. Зирйабнинг асли исми Абул Ҳасан Али ибн Нафи бўлиб, Эрон маданияти вакили эди. Санъаткор Испанияга бир қанча шарқона янгиликларни — ҳаёт тарзи, расм-русм, таомлар, кийиниш, урф-одат, санъатда Шарқ мамлакатларига хос мода олиб келди. У Кордовада гўзаллик корхонаси ҳам очди. Зирйаб амалга оширган ишларнинг яна бири Кордовада мусиқа, ашула ва рақс мактабининг очилиши эди. Санъаткорнинг бу фаолияти фақат араблар Испанияси учунгина эмас, балки унга чегарадош бошқа мамлакатлар адабиёти ва умуман маданий ҳаёти учун аҳамиятли эди.

Абдураҳмон Соний даврида, унинг анъанасини давом эттирган испан амирлари ислом юртлари ва қўшни христиан мамлакатлари билан иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйди. Айниқса, денгиз савдо йўллари кенг ривож топди, Ўрта ер денгизидаги кемаларнинг кўпчилик қисми испан араблари қўлида бўлган. Испанияда тайёрланган зебу-зийнат, гилам, мўйна, мато, чарм, қоғоз, олтин, кумуш идишлар денгиз савдогарлари туфайли жаҳонга тарқалди.

Бу даврда Испанияда Қуръон, Муҳаммад ал-Бухорийнинг ҳадислар тўплами каби диний асарлар қайта-қайта кўчирилиб, Қуръонга тафсирлар ёзилади, араб тили грамматикаси (Ибн Малик, "Алфия"), луғатлар тузилади (Ибн Сиданинг 17 жилдлик "ал-Мухассас" луғати), адабдан ҳам қатор асарлар яратилади (булар орасида энг аҳамиятлиси Ибн Абу ар-Раббиҳийнинг "Ал-Иқд" рисоласи). Абу Бакр ат-Туртушийнинг машҳур "Сирож ал-мулук" рисоласи, Ҳаририйнинг "Мақомалар"и ҳам шу даврда Испанияда яратилган эди. Умуман араб адабиёти, фалсафаси, фанининг тараққиётида араб испанияси ижодкорларининг ҳиссаси катта бўлган.

Араб испаниясида классик араб шеъриятига тафсирлар ёзиш ҳолатини ҳам кўрамиз (Масалан, XI асрда Кордо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вада ал-Ифлилий исмли ўқитувчи Мутанаббий шеърига тафсир ёзган).

Испаниядаги араб шоирлари ажойиб поэтик асарлар ҳам яратганлар. У шеърлар мазмун бойлиги, турлилиги билан характерланади: табиат гўзаллиги, муҳаббат, маҳбубанинг гўзаллиги, дўстлик, мадҳия, сатира, ҳаётдан завқланиш ёки унинг аламларидан зорланиш ва ҳ.к.

Араб испаниясида дин, эътиқод масаласи ҳал этувчи роль ўйнамаган. Ҳамма шаҳар, туман ва қишлоқларда масжид ва черковлар бемалол ёнма-ён иш олиб борганлар. Исломни қабул қилган испанларни муваллад ёки мориск деб атаганлар, улар солиқлардан озод қилинганлар. Асрлар ўтиши билан Испания аҳолиси хоҳ исавий, хоҳ мусулмон бўлсин, ислом туфайли Оврупода шаклланган маданият ташувчиси бўлганлар. Бу ҳақда IX асрда Кордовада яшаган ва мусулмонларга қарши курашнинг фаол ташкилотчиларидан бири бўлган дин арбоби Альваро 854 йили ўзининг лотин тилидаги асари "Jndiculus luminosus"да қуйидаги сўзларни ёзади: "Менинг маслакдошларим арабларнинг достонлари ва турли асарларини ўқишни жуда ёқтирадилар. Мусулмон дин арбоблари асарларини рад этиш учун эмас, балки араб тили талаффузини тўғри ўрганиш ва ҳамма нозик томонларини ўзлаштириш учун ўқиб, ўрганадилар. Муқаддас китобларга лотинча ёзилган шарҳларни ўқий оладиган бирорта одам борми? Уларнинг орасида ким "Инжил"ни, пайғамбарлар ва апостоллар ҳаётини ўрганади? Афсус! Ўз истеъдодлари билан бошқалардан ажралиб турган ёш исавийлар фақат араб тили ва араб адабиётини биладилар, улар араб китобларини катта иштиёқ билан мутолаа қиладилар, араб китобларидан ўз кутубхоналарини яратиш учун катта маблағлар сарфлайдилар ва бу адабиёт ажойиб, бениҳоят гўзал деб сафсата уриб юрадилар. Агар уларга исавий китоблар ҳақида гапирсангиз, нафрат билан, улар аҳамиятга молик эмаслар, дейдилар. Қандай бахтиқаролик! Исавийлар ҳатто ўз динлари тилини ёддан чиқариб юбордилар, орамизда ўз дўстига лотин тилида хат ёза оладиган мингдан битта одамни аранг топа оласиз. Агар араб тилида ёзиш лозим бўлса бу тилда бемалол сўзлашувчи ва зўр маҳорат ва назокат билан ёза оладиган кўплаб одамларни учратасиз. Шуниси қизиққи, улар араб тилида шеърлар ҳам ёзадилар, бу шеърларнинг баъзилари маҳоратда ҳатто араб шоирлариникидан ҳам устун туради"[4].

Испанлар салкам саккиз аср (781 йил) давомида истилочиларга қарши курашган бўлсалар ҳам VIII асрнинг иккинчи ярмиданоқ икки халқ ўртасида дўстона муноса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

батлар ўрнатилди. Ҳар иккала миллат ва дин вакиллари орасида оила қуришлар, испанлар томонидан ислом динини қабул қилишлар одат тусига кирди. 794 йилиёқ истилочилар испанлар учун кўплаб араб мактаблари очдилар. Испанлар ҳам араб ҳарбий кучлари қаторида хизмат қилдилар, давлат идорасида иштирок этдилар, араб либослари кийдилар, истилочиларнинг урф-одати, ҳаёт тарзини ўзлаштирдилар. Ҳатто тасбиҳ ўгиришни ҳам қабул қилдилар. Бу одат кейинчалик исавий динига ҳам ўтди. Испанлар секин-аста миллий хусусиятларини йўқотдилар, натижада ерли халқ билан истилочилар орасида фақат эътиқодда фарқ қолади, холос. Бундай испанларни "мосараб", яъни арабларга ўхшаганлар деб атайдилар. Испан исавий короллари истилочилар маданияти таъсирига қаршилик кўрсатиш ўрнига ўзлари ҳам бу таъсирдан четда қолмаганлар. Тарихчи Ибн Хайяннинг ёзишича, Кастилия ҳокими Санчо чодирига кирган мусулмон шундай ҳолатни кўради: "Уни сўри устида кўрпачалар, ёстиқларга суянган ҳолда, мусулмонга ўхшаб кийинган ҳолатда кўрдик, фақат боши очиқ эди, холос". Ҳатто испан халқининг миллий қаҳрамони истилочиларга қарши кураш, реконкистанинг ташкилотчиси Родриго Сид ҳам бу таъсирдан четда қолмаган. У фақат арабларга қарши курашиб қолмай, араблар томонидан туриб адолатсиз испан корольларига ҳам қарши жанг қилган. Кексайиб, жангдан четланган даврда эса шарқона ҳаёт кечирган[5] ("Сид"—"Саид" демакдир).

Испан короллари саройларида ҳам шарқона ҳаётга тақлид кучли бўлган. Айниқса, хонимлар бирор одам араблар томонидан келганини билиб қолсалар, Шарқ хонимларининг кийим-кечаклари, безаклари, модалар ҳақида суриштирганлар. Испанларнинг араблашуви шу даражага бориб етадики, ҳатто исавийларнинг муқаддас китоби Евангелиени Севильянинг епископи Иоанн араб тилига таржима қилади, чунки испанларнинг асосий қисми бошқа тилни тушунмаганлар, исавий дуоларини араб тилида ўқиганлар. Афсуски, бу воқеа қачон юз бергани ҳали фанда аниқланмади, фикримизча, X асрдан кеч бўлмаса керак. Черков ҳужжатлари, туғилган-ўлганлар рўйхати ҳам араб тилида олиб борилган.

Христианлар ғалаба қозонган баъзи вилоятларда ҳам юқорида келтирилган ҳолат давом этади. Альфонс VI ва Альфонс VIII лар 1183—1212 йилларда зарб этилган пулларда ҳам араб рақамлари ва ёзувларидан фойдаланганлар, лекин кўпинча араб амирлари зарб этган пулларни иш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

латганлар. 1254 йили король Донишманд Альфонс X халқ маорифи ҳақидаги буйруғида Севильяда ҳам араб, ҳам лотин мактаблари ташкил этишни буюради. Ҳатто кейинчалик, XIV асрда мамлакатнинг асосий қисми араблардан озод этилгач ҳам расмий ҳужжатлар араб тилида олиб борилади. Масалан, 1315 йил Толедода ёзилган 1175 расмий ҳужжатнинг 1154 таси араб тили ва алифбосида ёзилган, черков ҳужжатлари эса испан ёки лотин тилида, лекин араб ёзувида битилган. 1492 йили арабларнинг Испаниядаги охирги макони Гранада исавийлар томонидан ишғол этилгандан кейин ҳам араб маданияти, урф-одати, тилидан фойдаланиш удуми узоқ вақт сақланиб қолади.

1083—1315 йилларда испанлар қўлига ўтган Толедо ва шаҳар атрофидаги туманларга оид ҳужжатларда испанларнинг араблашган вилоятлардаги ҳаёти ҳақида ўта қизиқарли маълумотлар келтирилади: Араб тилида ёзилган мазкур ҳужжатларда ислом фиқҳи исавия қонунларининг асоси сифатида қабул қилинган; гувоҳлар "Аллоҳи акбар" номи билан қасамёд этганлар; исавия руҳонийлари "имом" деб аталган; исавия дини ман этган никоҳни бузиб "қўйдичиқдилар" бемалол амалга оширилган ва ҳ.к.

Арабча сўзлар, араб тили элементларини ҳозирги замон испан тилида, айниқса, топонимикасида кўплаб топиш мумкин: Гвадалквивир — ал-Вади-л-кабир, Гвадалавиар — ал-Вади-л-абйяд, Алмодовар — ал-Мудаввар, Иснахар — Хисн ал-хажар, Мединасели — Мадинат Салим, Калатайюд — Қал'ат Айюб, Албасете — ал-Восит каби жойлар, дарёлар номларини кўплаб учратиш мумкин. Ҳатто бирор туманнинг ҳокими номини ҳалигача "алкалд", яъни "алқоди" (қози), "уй" сўзини арабча "албанил" деб атайдилар.

Испанияда араб тили фақат ислом тили бўлиб қолмай, илм-фан, шеърият тили ҳам бўлди. Бу тил миллионларнинг жонли тили, халифаликни ташкил этган ўнлаб халқлар бир-бири билан алоқа воситасига айланган тил эди. Тўғри, христиан дунёсини ҳам лотин тили бирлаштирган, аммо лотин тили ўрта асрларда ўлик тил ҳолида эди. Тил муштараклиги жараёни халқларнинг иқтисодий-маданий алоқаларини осонлаштириш, тараққиётни тезлаштиришга олиб келди. Оврупо халқлари орасида, хусусан испанларда мақол, маталлар, айниқса, кўп. Масалан, 1549 йили ёзилган асарларда 4300 та мақол ва маталлар борлиги қайд қилинган. Испан тилида мақол-маталларнинг кўплигини олимлар араб тилининг таъсири деб биладилар[6].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Давр ўтиши, замонлар алмашуви билан испанлар ўзларининг вулгар лотин ва ибер лаҳжаларидан ташкил топган тилларида етишмаётган сўзларни араб тилидан олганлар. Бу жараён XIV—XV асрларда ҳам давом этган. Масалан, ҳарбий, давлат идоралари ишлари, қурилишга оид, қишлоқ хўжалиги, ирригация атамаларига оид сўзларнинг кўпчилиги араб сўзлари. "Ҳозирги Пиреней ярим оролида мавжуд бўлган кастил, португал, каталон тилларига хос бўлган ўткир ва нозик гўзаллик арабизмларнинг натижасидир"[7]. Ҳалигача мевалар, гуллар, ўсимликлар, ранглар номлари араб тилидан ўтган сўзлар билан юритилади. Баъзи ўринда кийимлар, пойафзал, аёллар безаклари, гиламлар, уй жиҳозлари номлари ўрта шарқ халқларидан арабларга ўтиб, улардан испанларга ҳам ўтган сўз, иборалар ҳали ҳам ишлатилади. Кўп сўзлар испанлар орқали француз тилига, Испания ва Сицилия орқали француз, инглиз, немис, итальян тилига, улардан рус тилига ҳам ўтган (абрикос, персик ва б.). Фикримизча, Шарқ халқлари маданиятининг Оврупо халқларига таъсирининг энг зўр исботи тил фактидир.

Испанияда қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик сунъий суғориш асосига қурилган эди, араблар уни янада такомиллаштирдилар. Ўша даврнинг сув иншоотларидан Испанияда ҳалигача фойдаланадилар. Испан тилидаги суғоришга оид лексика араб тилидан олинган. Араблар чархпалак усулини ҳам олиб келганлар. Испанларга араблар орқали шакарпоя, гуруч, апельсин, лимон, бақлажон, пахта ўстириш, доривор ўсимликлар ўтади. Араблар Испанияга ипак қуртини ҳам олиб келадилар. Оила, уй, ҳовли-жой, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший ҳаёт, саёҳат, ҳунармандчиликка оид атамаларни ҳам испанлар араблардан олганлар ва бу сўзлар испан тилида ҳалигача фаол муомалада бўлиб келмоқда.

Араблар денгиз ва океанларда сузиш ишида ҳам илғор эдилар. Денгиз хариталари даставвал араблар томонидан тузилган бўлиб, кейинчалик овруполиклар испанлардан олганлар. Кемачиликка оид кўплаб сўзлар халқаро атамаларга айланган ва ҳалигача истеъмол этилмоқда (адмирал, барқа, баркас ва б.). Умуман ер куррасининг тузилиши ҳақидаги маълумотларни Шарқ олимларидан олганлар. XII асргача ҳам улар Овруподан бошқа жойларнинг ҳаммаси мусулмонларга қарайди, деб ҳисоблашган. Фақат Сицилия короли Вильгельм (1154—1166) даврида Ҳиндистон, Хитой ва Африка ҳақидаги маълумотларни сарой олими араб Идрисий асаридан биладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Араб Испанияси мусулмон дунёсида кенг ривож топган савдо алоқаларида ҳам иштирок этади. Шарқ мамлакатларининг ўзаро савдоси, Шарқ мамлакатлари билан Оврупо мамлакатлари, ислом дунёси билан Ҳиндистон, Хитой ўртасидаги савдо алоқаларида ҳам испан араблари ва яҳудийлари иштирок этадилар. Савдо, иқтисод, божхонага оид сўзлар араблардан ўтган ва ҳалигача ишлатилиб келинмоқда. Агар Овруподан Шарққа хом ашё, қуллар борса, Шарқдан Оврупога ҳашаматли, шукуҳли ҳаёт буюмлари, маданият маҳсуллари, қимматбаҳо матолар, атторлик моллари етказиб берилган. Овруподан Шарқ мамлакатларида сотиш учун келтирилган қуллар асосан славянлар эди. Шунинг учун Оврупо тилларида ҳалигача "қул" сўзи "слав", "славян" ибораси билан англатилади. Ана шундай славлар араб Испаниясида ҳам кўп бўлган. Славянлар исавия динини қабул қилганларидан кейин уларни қул сифатида сотиш тўхтайди.

Испания араб маданияти ва араблар орқали халифаликнинг ҳамма минтақалари илми, санъати ва архитектура ютуқларини бошқа Оврупо мамлакатларига ўтказиш воситачиси бўлган. Испаниядаги гуллаган, обод араб шаҳарлари Кордова, Толедо, Севилья, Волюбилис, Валенсия, Мурсия, Гранаданинг шуҳрати Оврупо мамлакатларига тарқалади, короллар, императорлар уларга элчилар, вакиллар юбориб, бу шаҳарлар ҳақида аниқ маълумотлар олишга уринадилар (масалан, олмон императори Оттон 956 йил Кордовага, халифа Абдураҳмон III ҳузурига файласуф Жан де Горцни юборади, элчининг ҳикояси ҳайратомуз эди). XII аср ўрталарида яшаб ижод этган немис шоираси Хрозвифа (Розита фон Ҳандерсхейм, вафоти 1200 йил) Кордова "ер куррасининг зийнати, муқаддас шаҳар... у гўзаллиги, бой, ҳашаматли ҳаёти, донишмандлиги билан ном таратган..." дейди.

Франциянинг жануби ҳам V асрнинг ўрталарида Испания билан бир қаторда висиготлар томонидан босиб олинган эди. 719 йил араблар Ўрта ер денгизи соҳилидаги Нарбонн ва Пуатье шаҳарларидан то Тулузагача бўлган жойларни ишғол қиладилар. 721 йил эса Аквитания герцоги келгиндиларни ҳайдайди, босқинчилар яна тинчланмай, 725 йил Каркасон ва Нимни ишғол этиб, Рона дарёси томон силжийдилар, 732 йил йирик шаҳар Бордони эгаллайдилар. Лекин франклар шаҳзодаси Карл Мартел (бўлажак Буюк Карл) Пуатьедаги жангда ғолиб чиқади. Босқинчилар 738 йил Франция жанубидаги Арль, Авиньон

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳарларини ҳам забт этадилар, ўн уч йилдан сўнг Карл яна ғолиб чиқиб мамлакатини босқинчилардан бутунлай озод этади. Аммо арабларнинг оз вақт бўлса-да, мамлакатда бўлиши изсиз кетмайди, французларда босқинчиларга нисбатан қизиқиш уйғотади. X асрдан бошлаб жанубий Францияда барпо этилган сарой, қасрларда меъморлар Испания шаҳарлари қурилишида ишлатиладиган шарқона услубдан фойдаланадилар.

Уч жилдлик "Испан адабиёти тарихи"нинг муаллифи Тикнор эса "Кордова ҳаётининг энг ажойиб даври 750 йил шаҳарни араблар босиб олганидан то 1236 йил испанлар қўлига ўткунгача бўлган даврда тафаккур, илм-фан, адабиёт ва умуман маданият ривожининг шунчалик олий чўққисига кўтарилган эдики, бундай ҳолатни Оврупонинг бошқа минтақасида ахтариш умуман бемаънилик эди",[8] дейди.

1064 йил французлар араблар испанияси, асосан шимолдаги Барбастро шаҳрига салб юриши уюштирадилар. Мақсад маслак масаласи эмас, балки мусулмонларнинг бой шаҳрини талаш эди. Французлар каттагина моддий бойликдан ташқари, эркак ва аёлларни асир қилиб олиб кетадилар. Аёллардан раққоса, созанда, ашулачи сифатида ва оила маданиятини, эркаклардан техника ва моддий ҳаётнинг турли томонларини ўрганиш ва ўзлаштиришда фойдаланадилар. Улар Франция жанубида даставвал шарқ санъати, адабиёти намуналарини тарқатувчи бўлганлар, XI—XII асрларда бу жараён кенг тус олади ва провансаль шеъриятининг шаклланишига туртки бўлади.

Халқларнинг бир-бири билан яқиндан алоқада бўлишининг самараси қанчалик буюк эканини Испания мисолида кўрдик. Арабларнинг минтақага келиши жаҳоннинг ярмини ташкил қилган халифаликнинг бир қисми бўлишига олиб келди. Бу жараён халифаликни ташкил этган ўнлаб халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ютуқларидан баҳраманд бўлишга, натижада Испаниянинг бошқа Оврупо мамлакатлари орасида кескин ривожланишига сабаб бўлди. Табиийки, минтақа ютуқларидан чегарадош Прованс (жанубий Франция) ва шимолий Италия ҳам баҳраманд бўлдилар, савдо-сотиқ, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ютуқлари қўшни чегарадош мамлакатларга ҳам ўтди ва уларни асрлар мобайнида давом этган Ўрта аср уйқусидан уйғотди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСПАНИЯДА АРАБ АДАБИЁТИ

VIII асрнинг биринчи ярмида араб шеърияти тараққиётнинг маълум даражасига кўтарилган бўлиб, унинг қонун-қоидалари ҳам ишланиб бўлган эди. Бу даврда шеъриятнинг мадҳ, ғазал, васф, қасида ва муқиттаот турлари мавжуд бўлиб, маросим ва тантаналарда ижро этилган. Ғазал жанрининг энг ривожланган даври XI—XII асрларга тўғри келади.

X—XI асрлар Испанияда араб маданиятининг гуллаган даври бўлди. Мамлакат 31 давлатчаларга бўлиниб, ҳар бир ҳоким ўзини халифа даражасида тасаввур этади, саройини маданият, илм-фан, санъат, адабиёт арбобларининг маконидек ҳис этади. Назм, наср, фикх, илм-фан, санъат, меъморчиликда бир-биридан зўр бўлган истеъдод эгалари етишиб чиқадилар. Шоир Ибн Зайдун (1003—1071), файласуф-ёзувчи ибн Хазм (994—1064), Ибн Туфайл (1110—1185), олим-файласуф Ибн Рўшд, сўфий-файласуф Ибн ал-Арабий, яҳудий файласуф рабби Моше бен Маймун (Маймонид 1135—1204), тарихчи-саёҳатчилар Ибн Жубайр (1145—1228), ибн Баттута (1304—1377), ҳоким-шоирлар ал-Муътадид (1012—1069), Ибн Аммар (1031—1083), ал-Муътамид (1040—1095), Ибн Ҳамдис (1055—1132) ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу даврнинг энг буюк шоири Ибн Зайдун шоҳнинг қизи, шоира ал-Валладга бўлган муҳаббатини, маҳбубанинг гўзаллиги ва бепарволиги, ўзининг бахтсизлигини самимий байтларда юксак маҳорат билан куйлайди. Ўзи хизмат қилган, лекин яхшиликни билмаган Альмоҳад ҳокимларига ҳажвлар ҳам ёзади.

Испаниядаги араб тилидаги шеъриятда араб ярим оролида қадим даврларда шаклланган бедуин шеърияти анъанаси давом эттирилиб, шоирлар умрида кўрмаган чўлу биёбон, қум барханлари, туя образини шеърларига киритадилар. Кейинчалик, X—XI асрларда бу қадимий анъанавий тимсоллар жуда камаяди, энди кўпроқ гўзаллик, ҳаёт лаззатларини куйлаш, ҳомийлик қилувчи ҳокимни мадҳ этиш, кўпинча уни маҳбуба сифатида назарда тутиб, унга ўз садоқатини изҳор қилиш каби Шарқ шеъриятига хос хусусиятлар қўлланади. Панд-насиҳат ҳам кенг ўрин олган. Бу вақт адабиётига бадиий юксак маҳорат, ўта назокат ва айни вақтда ҳиссиётпарастлик характерлидир. Ал-Андалус шеъриятининг асосий мавзуи ишқ-муҳаббат, маҳбуба, табиатнинг гўзаллиги, гуллар, айши-ишратга асосланган гўзал ҳаёт, классик шарқ адабиёти — араб, форс ва туркий тиллардаги шеъриятдан фарқли ўлароқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI—XII аср испан араб шеъриятида маҳбубага бўлган муносабат анча енгил, жисмоний гўзаллигини мақтаб, ҳиссиётга кўпроқ ўрин берилади.

Испанияда араб шеъриятининг мувашшаҳ ва зажал жанрлари кенг ривожланади. Мувашшах яратган шоирларнинг машҳури Абу Бакр Муҳаммад ибн Зуҳр (1110—1111 йиллар вафоти) эди.

Араб шеърияти байт, мувашшах эса банд асосига қурилади. Бу жанрлар икки халқ адабиётининг ўзаро бирлашуви натижасида дунёга келган, икки маданият маҳсулидир. Зажалнинг энг ривожланган даври XII аср бўлиб, унга асос солган шоир Муқаддам ибн Муаффа ал-Кабри (тахаллуси эл Сиэго, яъни кўзи ожиз, кўр маъносини билдиради)дир. Шоир Кордова атрофидаги Кабрида дунёга келган бўлиб, Кордова амирларидан Абдуллоҳ ва Абд-ар-Раҳмон III даврида IX—X асрларда яшаб ижод этган. Ал-Кабри кашф этган шеър тури ашула сифатида айтишга мўлжалланган бўлиб, "марказ" деб аталувчи нақорат (2 мисра) ва мазмунан ундан келиб чиққан "агсан" деб аталувчи тўртликлардан иборат бўлган. Зажал шоир ёки бирор ашулачи томонидан куйланиб, эшитувчилар ҳар тўртликдан кейин нақоратни такрорлаганлар. Зажал кўпчилик оддий кишилар учун мўлжалланган. Унда араб шеърига "ал-ҳама", яъни испан сўзлари ҳам қўшилиши мумкин эди. Масалан:

Ya, mutarnani Salbato,
tu'n hazin, tu'n penato,
tara al-yauma wastato,
lam taduq fih geir luqeyma.

(Ҳой менинг енгилтак Салбатойим,
Кун бефойда ўткани,
Ундан ўзинг учун жуда оз манфаатланганингни билиб
Сен ҳазинсен, сен азобланаётирсен).

Зажал икки хил мазмунга эга бўлган: олдин маҳбуб ёки маҳбубага муҳаббат изҳор қилинган, сўнгра шоир ўз ҳомийсига мурожаат этиб, унинг олижаноблигини улуғлаган.

Испан-араб шеъриятида ишқ сўфизмга хос бўлган мажозий илоҳий ишқгина эмас, балки дунёвий ишқ мавзуи ҳам кенг тарқалган эди (Ибн Кузмон). Иккинчи кенг тарқалган мавзу май бўлиб, фақат унинг сўфиларга хос талқинигина эмас, балки ҳақиқий майхўрлик ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғиб қилинган. Табиат манзаралари, боғлар, гуллар, бинолар, санъат буюмлари ҳақида ҳам юзлаб шеърлар ёзилган: битта гулнинг гўзаллигини тасвирлашда ўнлаб шоирлар мусобақалашган. Араб адабиётининг ўта билимдони академик И. Ю. Крачковскийнинг ибораси бўйича "бир образда қуёш, ой ва юлдузларни қимматбаҳо тошлар билан бирлаштиришда Андалусия ҳаёти аниқ ифодасини топган"[1].

Зажал икки халқ маданиятининг қоришуви натижаси деб қаралса ҳам, асос араб адабиётининг намунасидир. Унда бир шеърда қофия бошдан-оёқ бир хил, иккинчидан, юқорида кўрганимиздек, ғазалга ўхшаб ҳар бир шеърда бир неча мавзу куйланган. Аммо шеърнинг бандларга бўлиниши, нақорат Оврупо шеъриятига хос.

Зажалга хос хусусиятларнинг яна бири бўғинлар сонининг бир хил бўлмаслигидир. Асосий тўртликнинг биринчи уч мисраси қофиядош бўлиб, тўртинчи мисра нақоратга қофиядош бўлган (а-а-б-б-ба). Зажал мусиқа билан, баъзи ўринларда рақс воситасида ижро этилган, юзлаб тингловчи ва томошабинлар тўпланишган. Лекин оддий шеър сифатида ўқиш ҳам одат бўлган, бу ҳолда нақорат айтилмаган, умуман нақоратсиз зажаллар ҳам бўлган. Зажал жанрида кўп шоирлар ижод этганлар (Ибн Абу ар-Раббиҳи — X аср, ар-Рамади — XI аср, Убад ибн Ма ас-Сама —XI аср, ал-Ахтал ибн Нумар—XI аср, ибн Кузмон — XI—XII аср, Ибн Лаббон ат-Дени—XII аср ва б.). Зажал яратган шоирлар кўп бўлишига қарамай, асарлари деярли сақланиб қолмаган, бизгача фақат Ибн Кузмоннинг "Девони" етиб келган, холос.

Зажал Испанияда шаклланиб XII—XIII асрларда араб мамлакатларига ҳам тарқалади. Масалан, Ибн Кузмон бир шеърида шундай фахрия ёзади: "Менинг ажойиб зажалларимни Ироқда ҳам куйлайдилар, бу жуда соз! Менинг зажалларимнинг гўзаллиги, нозиклиги олдида бошқа шоирларнинг шеърлари ҳеч нарса эмас". Шоир бошқа бир шеърида "менинг маҳбубамнинг исми Ироқда ҳам маълум", дейди. Кейинчалик зажал ҳатто диний асарларда ҳам қўлланади. Масалан, машҳур мутасаввуф Ибн ал-Арабий Муҳийиддин (1165 йил Испанияда туғилиб, 1240 йил Дамашқда вафот этган) ўзининг сўфиёна қарашларини зажал жанрида ёзган. Уларни сўфийлар ўз йиғинларида хор сифатида куйлаб,. зикр тушганлар, нақоратсизларини ўқиганлар. Ҳатто XIII аср бошларида мисрлик олим Ибн Сано ал-Мулк зажал таскирасини ҳам тузган. Зажал биз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг давримизда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган, араб дунёсида ҳали ҳам адабий жанр сифатида қўлланиб келинмоқда.[2]

Араб тилида яратилган адабиёт тарихида Испанияда яратилган мувашшах ва зажал классик араб шеъриятига хос бўлган шартлиликни бузиб, халқ ижоди асосида оригинал, қувноқ, ҳаётий шеърлар сифатида кенг тарқалади.

Адабиётшунослик ва тилшуносликни ўзида мужассамлаштирган филология фани арабларда кенг ривожланган. Араб тилшунослари ўз тадқиқотларини қадимий араб шеъриятидан кўплаб мисоллар келтириш асосига қурганлар. Бунинг натижасида қадимий шеърият намуналари тўпланиб, ёзиб олинган, бу жараён тазкиралар, луғатлар, шеърий тўпламлар ва уларга шарҳлар ёзишга олиб келди. Адабий танқидчилик шундан келиб чиққан.

Испанияда ҳам кўплаб тазкира ва тўпламлар, луғатлар яратилган. Буларнинг орасида кенг тарқалгани Ибн Сид (1006—1066) луғатидир.

Испанияда одоб-ахлоқ ҳақида ҳам асарлар яратилган. Улар орасида энг машҳури Абу Бакр ат-Туртушининг (1069—1130) "Сирож ал-мулук", Йусуф ибн Аш-Шайхнинг (1132—1207) ҳикоятлар тўпламидир. Тазкиралар орасида Абу-л Валид ал-Химйарийнинг (1026—1084) баҳор ва гулларга бағишланган тазкираси испан-араб адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Ибн Хазмнинг ўша даврда кенг тарқалган "Тоукал-ҳаммана" фалсафий рисоласини ишқий шеърлар тазкираси ҳам дейиш мумкин. Чунки муаллиф ишқ ҳақидаги фалсафий-ахлоқий рисоласида келтирилган фикрларни турли шоирлар асарларидан олинган парчалар билан далиллайди.

Ибн Бассомнинг (вафоти 1147 йил) "Аз-Заҳра" тазкирасида ал-Андалус шоирлари ҳақида маълумотлар ва асарларидан намуналар берилган. Бу асар манбаларга бойлиги жиҳатидан ҳалигача аҳамиятини йўқотмаган.

Испан араб адабиётида энг паст табақадан чиққан айёр, ақлли, тадбиркор шум бола саргузаштлари тасвирланадиган, саж усулида ёзиладиган ҳикоячилик, қиссачилик ҳам шаклланади. Бу турдаги дастлабки асарларнинг муаллифи Бади ал-Замон ал-Ҳамадоний (969—1008) эди. Кейинчалик бу жанр кенг тарқалади. Булар орасида энг характерлиси ал-Ҳаририйнинг (1054—1122) "Мақомат" тўплами ва яҳудий тилида ёзилган Йеҳуда ал-Харизийнинг (1165—1225) "Тахкмон"и дейиш мумкин. Кейинчалик Оврупо

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабиётида бу жанрга тақлидан кўплаб асарлар яратилган ("Тормеслик Ласарильо", "Дон Кихот"даги Санчо Панса, Рабленинг "Гаргантюа ва Пантагрюэль" романидаги Панург образлари ва б.).

Испанияда ривожланган насрий адабиёт вакилларининг энг буюги кордовалик Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад ибн Ҳазм (994—1064) бўлиб, ёзувчи Оврупода Абенҳазам номи остида танилган. Ибн Ҳазм ўз даврининг беқарор ҳаётини бошидан кечирган, замонасининг кўзга кўринган ислом-шунос, фикҳшунос олими, сиёсий арбоби эди. Аммо беқарор сиёсий турмуш 1031 йилдан бошлаб ижодкорнинг дарбадар ҳаёт кечириши ва фақат ижодий иш билан шуғулланишига сабаб бўлади.

Олимнинг биринчи асари "Тоукал-ҳаммана" ("Кабутарнинг зебигардони") ҳаммани ҳайратга солади. Чунки асар ишқ масаласига бағишланган бўлиб, асосий қисм ишқий мазмундаги ғазаллар, ҳикоятлар, саройлар, ҳарамлар ҳаётидан олинган эпизодлар билан бойитилган эди. Асарни ўқир эканмиз, ўзимизни худди ал-Андалусда бўлгандек ҳис этамиз. Маълумки, ислом мамлакатларида хотин-қизларга бўлган муносабат, албатта, ҳурмат даражасида эмас эди. Лекин Шарқий мамлакатлардан фарқли ўлароқ, исавия динига мансуб одамлар аҳолининг маълум қисмини ташкил этган Испанияда аёллар аҳволи бирмунча эркин эди. Ибн Ҳазм асари ана шундан далолат беради. Ҳарамлардаги фисқу-фужур, фитналарни яхши билган адиб асарида ҳокимлар саройидаги ҳаётни жонли равишда тасвирлайди. Олим назарий фикрларини ўзи яратган бошқа Андалус шоирлари шеърларидан олинган парчалар билан далиллайди. Рисолада адиб ўз диққатини асар мазмунидан кўра кўпроқ услуби ва тилига қаратади. Ибн Ҳазм асари кириш ва ўттиз бобдан иборат. Адибнинг қайд қилишича, "ўн боб ишқнинг илдизларига бағишланган... Ўн икки боби муҳаббатнинг фавқулодда ҳолатларига ва унинг хусусиятларига... олти бобда ишқ келтирган бахтсизликдир ва сўнгги икки ниҳояга етказувчи бобда муҳаббат келтирган гуноҳнинг расволиги ва покдомонлик, ҳалолликнинг олий хусусияти ҳақида"[3] фикр юритилади.

Ибн Ҳазм асарининг ягона қўлёзмаси Лейден кутубхонасида сақланади.

Ибн Сино ҳам ишқ масаласига бағишланган рисола ёзган бўлиб, ҳар иккала адиб деярли бир даврда яшаганлар. Ибн Сино ибн Ҳазмдан 14 йил аввал таваллуд топиб, 27 йил аввал вафот этган. Демак, испан файласуфи тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кистонлик олимнинг асари билан таниш бўлиши мумкин. Ҳар иккала асарни синчковлик билан муқояса қилиш натижасида шундай хулосага келдик. Аммо умумийлик мавзуда, холос. Ибн Сино асари соф илмий-фалсафий рисола, Ибн Ҳазм асари эса аллегорик характердаги, қистирма ҳикоялар билан бойитилган, бадиийлаштирилган фалсафий асардир.

Ибн Ҳазм "Таукал-ҳаммана"дан ташқари дин ва бидъат, одоб ва ахлоқ, фиқҳ ҳақида рисолалар ва бирқанча ҳажвиялар, Аристотелнинг мантиққа оид асарини танқидий таҳлил этувчи рисола ҳам ёзган. Ибн Ҳазм ижоди ал-Андалусда ижтимоий фанлар юксак даражага кўтарилганидан дарак беради.

Испанияда ижтимоий фанлар орасида, айниқса, фалсафа ривожланган. Унинг дастлабки вакили Ибн Бажжа (вафоти 1138 йил), асосий асари "Хилватга чекинганнинг ҳаёт тарзи"да бойликка берилиб кетган замондошларини танқид қилиб, хилватга чекинишга чақиради. Файласуф рисолада кўпроқ ахлоқ масалаларини кўтаради.

Испаниядаги ислом фалсафасининг дастлабки йирик вакили Абу Бакр Ибн Туфайл (1105—1185, Оврупода—Абубасер) Алмоҳад халифаси Абу Йақуб Йусуф (1163—1184) даврида вазир, сарой шифокори даражасига кўтарилади. Файласуф номини дунёга танитган аллегорик фалсафий асар "Хайй ибн Яқзон"дир. Асар ўша даврларда кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик деярли ҳамма Оврупо тилларига ағдарилган.

Қисса қаҳрамони Ҳайй (Тирик) чақалоқлигидан кимсасиз оролда она кийикни эмиб улғаяди. Атроф ҳаёт, табиатни кузатиш натижасида аста-секин маълум бир фалсафий таълимот ишлаб чиқади. Унда Аллоҳ ҳақидаги фикрларга ҳам кенг ўрин берилиб, важд ҳолатига тушиш назарда тутилади.

Оролга жамиятдан узоқлашиб хилват жойни ахтарган Асал исмли йигит ҳам келади. Унинг мақсади бутун ҳаётини Аллоҳга бағишлаш, важд ҳолатига эришиш. Ҳар иккала йигит ўз қарашларини бир-бирларига айтадилар. Расмий исломга танқидий назарда бўлиш натижасида ишлаб чиқилган Асалнинг қарашлари жамият ҳаётидан узоқда, кимсасиз оролда ўсиб-улғайган Ҳайй ишлаб чиққан фалсафий таълимотга яқинлиги аниқланади. Ҳайй ҳаяжонланиб, ғайрати ошиб, дўсти билан қўшни орол аҳолисини ўз кетларидан эргаштирмоқчи, расмий диндан Ҳаййлар таълимотига ўтишини таъминламоқчи бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо одамлар уларни тушунишни истамайдилар, таълимотларини ҳам рад этадилар.

Зўр бадиий маҳорат билан тасвирланган ушбу воқеани Ибн Туфайл ўз даврида долзарб бўлган дин ва фалсафа ўртасидаги муносабат масаласига бағишлаган. Ҳаййни соф фалсафанинг рамзи деб ҳисоблаш мумкин бўлса, Асални тариқат фалсафасининг етук вакили дейиш мумкин. Аҳоли яшайдиган оролнинг ҳокими Саламан Қуръон, ҳадислар ва диний ақидаларни талқин этмай, айнан тушунишнинг, яъни зоҳирийлар оқимининг тарафдори. У мажозий талқин, яъни тавил усулини рад қилади. Ибн Туфайл рисолада масалани манфий ҳал этади: фалсафий дин — ҳақиқат, аммо ундан давлат ва жамият ишида фойдаланиб бўлмайди. Фалсафа оддий кишилар учун эмас, балки ўқимишли зиёлилар, уни тўғри талқин этувчилар учун яратилган. Бу одамлар фалсафа ёрдамида инсониятга яхшилик келтирувчи ишлар қилиши мумкин. Лекин Ибн Туфайл мунтахаб одамлар қай усулда ва қандай яхши ишлар қилиши мумкинлигини айтмайди.

Даставвал худди ана шу сарлавҳа остидаги фалсафий қиссани Марказий Осиёлик буюк олим Ибн Сино ёзган эди. Ҳар иккала асар ҳам фалсафий қисса. Агар Ибн Сино асаридаги Ҳайй бин Яқзон (Уйғоқ ўғли Тирик) олим фикрларининг тимсоли бўлса, Ибн Туфайл кимсасиз оролда она кийик боқиб вояга етказган бола ҳақидаги испан фольклори ҳикояти асосида ўзининг фалсафий фикрларини баён қилади.

Ибн Туфайл инсоннинг ҳеч нарса, ҳеч қандай тарбиячисиз руҳий камолотга эриша олганини тасвирлайди. Ибн Туфайл Хаййиси ижтимоий, миллий, диний, оилавий анъаналардан холис. Унинг дунёқараши табиат билан тўқнашув туфайли келиб чиқади. Қаҳрамонни ҳеч ким "Ундай қил, бундай қил" деб ўргатмаган. Ибн Туфайл Ҳаййисининг маслаги табиий равишда шаклланади. Хайй тимсоли XVIII аср француз маърифатчи адиби Жан-Жак Руссонинг "Эмиль ёки тарбия ҳақида" романи қаҳрамони Эмилдан дарак беради. Аҳоли яшайдиган оролнинг шоҳи Салманнинг исми Ибн Синонинг фалсафий қиссаси "Саламан ва Ибсол" қаҳрамони бўлган шаҳзода номидан олинган.

Ибн Туфайлнинг буюк олим Ибн Сино асари билан танишлиги табиий. Аммо ҳар иккала асар бир хил номланган, ҳар иккаласи ҳам фалсафий қисса бўлса-да, фарқи катта. Агар Ибн Туфайл испан фольклори ҳикоятини ишлаб, изчил мазмундаги, аммо рамзий асар яратган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлса, Ибн Сино асари ҳам образлар, ҳам Ҳайй бин Яқзоннинг мантиқ илми ҳақидаги ҳикояти мутлоқ мажозий, чуқур фалсафий маънога эгадир. Ибн Туфайл асари ўз даври ва минтақаси учун қанчалик аҳамиятли бўлмасин, Ибн Сино асари даражасига кўтарила олмаган. Умуман Ибн Синонинг дунёқараши, фалсафий қарашлари ва қаҳрамонлар тизимининг андалус адибига таъсири муқаррардир.

Араб Испанияси инсоният ўтмишидаги буюк файласуфларнинг бири бўлган Абул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рўшд Кордубавийни берди. Ибн Рўшд 1126 йил Кордова шаҳрида қози оиласида дунёга келди. У ёшлигида замонасининг маданият, илм-фан маркази бўлган Кордовада маълумот олди, дорилфунунни тамомлади, ўз даврида фиқҳнинг энг етук мутахассиси бўлиб етишди. Ибн Рўшд аввал Севилья, кейин Кордованинг қозиси лавозимида хизмат қилди. Файласуфнинг дўсти Ибн Туфайл 1153 йил ёш олимни Алмоҳадлар шаҳзодаси Абу Йақуб Йусуф билан таништирди. Суҳбат чоғида Ибн Рўшддан файласуфларнинг борлиқ ҳақидаги таълимотига қандай қарайсиз, деб сўраса, бу масала юзасидан маълум фикрга эга бўлган олим чўчиганидан юнон фалсафасидан хабарим йўқ, деб жавоб берди. Амирнинг ўзи Платон, Аристотел, Ибн Сино ва бошқа файласуфлар ҳақида суҳбат бошлаганидан кейингина баҳсда иштирок этади. Шу воқеадан сўнг олим бўлажак Амир Абу Йақуб Йусуф ва унинг ўғли Абу Йусуф Йақуб ал-Мансурнинг яқин дўсти, суҳбатдошига айланади. Аммо 1195 йил амир ал-Мансур Ибн Рўшдни Кордова қозиси вазифасидан озод этиб, ҳатто китобларини куйдиришни ҳам буюради. Лекин Амир ғазаби узоқ давом этмай, Шимолий Африкага кетиб қолган олимни Марокашдаги саройига жалб этади. Ибн Рўшд Амирнинг шифокори этиб тайинланади.

Ибн Рўшднинг фалсафадаги энг катта хизмати Аристотелнинг баъзи асарларини шарҳлаш эди. Айниқса, неоплатониклар томонидан яратилган "Аристотел теологияси" рисоласи Шарқнинг баъзи аристотелчилари таълимотини анча-мунча чалғитган эди. Қадимги Грециянинг буюк олими кейинги даврлар илм-фани, фалсафасининг асосий йўналишларини ишлаб чиққан, илм-фаннинг турли соҳаларига оид ўнлаб рисолалар яратган Аристотел мероси антик даврнинг сўнгги асрларида фаолият кўрсатган неоплатониклар, айниқса Плотин ва унинг шогирдлари томонидан бузиб шарҳланган эди. Бутун Оврупо то XII—XIII

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрларгача файласуф асарларининг ана шу бузилган вариантлари билангина таниш бўлган. Даставвал Форобий грек файласуфи асарларини неоплатончилар сохталаштиришларидан тозалайди, Аристотелнинг мантиқга оид деярли ҳамма асарлари ("Биринчи аналитика", "Иккинчи аналитика", "Топика", "Категориялар"), табиатга, ахлоққа бағишланган ("Метафизика", "Риторика", "Поэтика" ва б.) асарларига шарҳлар ёзган эди. Форобий ишини давом эттириб Ибн Сино ҳам Аристотелга шарҳлар ёзган. Лекин "Катта шарҳларни Ибн Рўшд ёзган... Авиценна ва ал-Форобийлар ибораларни ўз тилларидан баён этишдан ўзгача йўл тутмаганлар".[4] Ибн Рўшднинг фан, фалсафа олдидаги энг катта хизмати Аристотел таълимотини неоплатончилар томонидан сохталаштиришлардан мусаффо этиб, қайта кашф қилганидадир. Бу кашфиёт Уйғониш даврида Оврупо мамлакатларида фалсафанинг тез суръатда ривожланишига олиб келди. Ибн Рўшд ижоди Испанияда араблар яратган маънавий бойликнинг олий чўққиси эди.

Испан арабларига доир файласуфларнинг яна бир буюк вакили Муҳийиддин ибн ал-Арабий (1165—1240) эди. Аммо ал-Арабий диний фалсафа, тариқат йўлининг авлиёлар тўдасига қўшилган вакилидир. Испанияда тариқатнинг бир неча хил оқимлари, уларнинг вакиллари мавжуд бўлган. Аммо уларнинг орасида ислом шарқи халқлари маънавий ҳаётида сезиларли из қодиргани ал-Арабий эди.

Ибн ал-Арабий Мурсияда туғилган, Испания ва Шимолий Африкада таълим олган. У 1201 йил араб мамлакатларига зиёратга жўнайди ва қолган умрини Макка, Бағдод ва Дамашқда ўтказади. У ерларда тариқатни ўрганади ва бу фалсафий йўналишнинг энг кўзга кўринган назариячиларидан бирига айланади. Ибн ал-Арабий "ваҳдат ал-вужуд" таълимотининг асосчиси, унинг асосий фалсафий қарашлари "фусус ал-ҳикам" (1230) ва "Футухат" асарларида ифодасини топган. Ибн ал-Арабийнинг издошлари Жалолиддин Румий (1207—1273) ва Шабистарий (1287—1320), умуман тасаввуфнинг бошқа оқимларига ҳам таъсири катта бўлган.

XIII аср бошларига келиб испанларнинг миллий озодлик ҳаракати фаоллашади ва Испаниядаги майда араб давлатчалари бирин-кетин мустақиллигини йўқотади. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, испан давлатлари Арагон, Кастилияларнинг қудрати ошиб, испан халқининг миллий мустақилликка бўлган интилиши орта бориши бўлса, иккинчидан, майда араб давлатларининг инқирозга юз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўгириб, иқтисодий, ижтимоий қарама-қаршиликлари кескинлашиши, ўзаро низоларининг кучайиши эди. Фақат ярим оролнинг жанубида, деярли Гибралтар яқинида 1235 йил Гранадада Насрийлар сулоласигина омон қолди. Унинг сабаби аввало ҳоким Муҳаммад ибн Йусуф ибн Насрнинг Кастилия короли Фердинанд III га тобелигини эълон қилиши бўлса, иккинчидан, ўлканинг жуғрофий ўрни, яъни баланд тоғ билан ўралган ўлкага келишни қийинлаштирганида эди.

Насрийларнинг Гранада давлати то 1492 йилгача яшайди. 1474 йил Кастилия тахтига малика Изабелла, 1479 йил эса Арагон тахтига шаҳзода Фердинанд IV ўтиради. Ҳар иккала тахт меросхўрлари никоҳи натижасида Кастилия ва Арагон бирлашиб, Испания яхлит христиан давлатига айланади. 1462 йил христианлар Гибралтарни араблардан тортиб оладилар, бу ҳодиса Гранаданинг ҳарбий жиҳатдан заифлигини кўрсатади. Гранада давлатининг ўзида, жамиятда ҳамжиҳатлик йўқ, тахт учун кураш, иғво, фитна, диндорлар хуружи кучли эди. Исавийлар бундан жуда усталик билан фойдаланадилар. Натижада 1492 йили Гранада жангсиз таслим бўлади. Насрийларнинг охирги амири Абу Абдуллоҳ Андалус билан видолашади. Бу воқеа ҳақида испанлар таъсирли баллада ҳам яратганлар.

Аммо Испаниядаги сўнгги араб давлатининг ҳалокати мамлакатда араб, Шарқ маданиятининг ниҳояси деб бўлмайди. Чунки ярим оролнинг турли жойларида минглаб араблар ва исломни қабул қилган испанлар яшар, қолаверса, деярли саккиз аср мобайнида сингишиб кетган ва одат тусига кириб қолган Шарқ маданияти анъаналари Испания ва унинг халқи ҳаётида расмий ҳокимият ва исавия дини монелигига қарамай, узоқ асрлар давомида яшади ва ҳозир ҳам яшамоқда.

Испаниядаги араб давлатлари тарихининг билимдони бўлмиш ирланд олими проф. Уотт У. Монтгомери П. Какиа билан ҳамкорликда ёзган "Мусулмон Испанияси" асарида Испанияда қолган араблар ҳақида қуйидаги сўзларни ёзади: "... христиан королликларида мусулмонлар кўп эди. Кастилияда улар аҳолининг кўпчилигини ташкил этар, Арагонда, Марказий вилоят ва Валенсияда исавийлар озчиликни ташкил этар эдилар. Бундай ҳолат заруриятдан келиб чиққан,... чунки улар мамлакат иқтисодининг асосини ташкил этар ва боришга жойи ҳам йўқ, шунинг учун улар аввалгидек ўз ҳунарлари билан шуғулланишни давом эттирганлар".[5] Уларнинг диний эътиқодлари урф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

одатларига ҳеч қандай тўсиқ бўлмаган. Улар деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланганлар, савдогар бўлганлар. Уларнинг ораларида олимлар, адиблар ҳам кўп бўлган. Шарқ халқларига хос бўлган илм. фалсафа ва бадиий ижоднинг Оврупо мамлакатларига тарқалишида, айниқса, ана шу христиан Испаниясида қолган мусулмонлар катта роль ўйнаганлар. Расмий ҳокимият ва исавия дин арбоблари араб маданиятидан нималарни олиш фойдали эканини синчковлик билан ўрганадилар. Оврупонинг бошқа мамлакатларидан олим, адиб, мусаввир, муҳандислар юнон фани, фалсафасига асосланган Шарқ жонли фани, фалсафаси, санъати, меъморчилик намуналари, адабиёт билан танишув учун Испанияга тез-тез келадиган бўлиб қоладилар.

Юқорида келтирилган осойишта ҳаёт узоқ давом этмайди. 1499 йил Гранададаги Шарқ қўлёзма китоблари сақланаётган бой кутубхона ёндирилади. Юз минг китоб куйиб кул бўлади, аввал Кордова халифалари кутубхонасидаги тўрт юз минг қўлёзма куйдирилган эди. Буюк аждодларимиз Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Марвазий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн ал Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ал-Хўжандий каби зотларнинг мерослари бизгача тўлиқ етиб келмаганлигининг сабаби бежиз эмас. Хуллас, мусулмонларни таъқиб этиш бошланади. Натижада 1500 йил Гранада аҳолиси қўзғолон кўтаради. 1502 йил исавия динига ўтиш ёки ярим оролни ташлаб кетиш шартини қўядилар. Кўпчилик она юртини ташлаб кетади. 1525—1526 йиллари ярим оролнинг бошқа ўлкаларида ҳам шу воқеа такрорланади. Шундан сўнг Испанияда, расмий равишда исломга эътиқод қўйган одамлар қолмайди, аммо махфий равишда ота-боболар эътиқодига содиқ қолганлар юз йиллар давомида яшайдилар. Бундай муносабат яҳудий динига мансуб одамларга нисбатан ҳам қўлланган.

Испаниянинг асосий қисми озод этилганидан кейин ҳам Испанияда араб тилида ижод этиш давом этади. Лекин бу давр адабиёти асосан тақлидий характердаги, ёки аввалги даврларда яратилган асарларни қайта ишлаш руҳида бўлган (Ибн Малик-араб тили грамматикасини уржуза жанрида ёзган, Абу Ҳайян — турк, эфиоп тиллари грамматикалари, Ибн Саид ал-Мағрибий испан-араб адабиёти тазкираси ва ҳ.к.)

Гранадада Насрийлар саройида ижод этган шоир ва ёзувчилар орасида ҳақиқий истеъдод эгалари ҳам бўлган. Булар

www.ziyouz.com kutubxonasi

орасида энг кўзга кўринган Лисон ад-Дин ал-Хотиб (1313—1374) эди. Ал-Хотиб ўқимишли инсон, вазир, тарихнавис, биографик луғат, насрий асарлар, кўплаб мақомалар, қасидалар, мувашшахлар, уржузалар ("Рисолат ал-хулол фи назм ад-дувал"— ғарбда ислом тарқалишининг тарихи) каби асарлар муаллифи. Ал-Хотиб асарларида янгилик йўқ, лекин улар шунчалик юксак маҳорат билан ёзилганки, кишини ҳайратга солади. Шеърлар назокати, латифлиги, қофиялар, вазнлар соддалиги, образлар самимийлиги билан ажралиб туради. Ал-Хотибнинг ижодий йўлини унинг шогирди, Андалус адабиётининг сўнгги буюк вакили Ибн Замрак (1333—1393) давом эттирди. Унинг шеърларидан парчалар Гранада амирларининг ажойиб қасри Алхамбранинг деворларини ҳалигача безаб турибди.

Исавия короллари қўл остида бўлган мусулмонлар ҳам бадиий ижод билан шуғулланишни давом эттирганлар. Бу асарлар Қуръон мазмунларининг бадиийлаштириб ишлангани, қиссас-ул анбиё, тарихий қаҳрамонлар ҳаёти тасвирланган қиссалардан иборат бўлган. Шуниси қизиқки, юқорида зикр этилган асарлар испан тилида, аммо араб ёзувида яратилган. Бундан маълум бўладики, шу вақтгача лотин графикаси халқ ўртасида кенг тарқалмаган, ёки бу асарлар асосан исломни қабул қилган испанлар учун яратилган. Бу турдаги асарлар ҳозир ҳам испан кутубхоналарида сақланмоқда (масалан, Мадрид кутубхонасида "Юсуф ва Зулайҳо"нинг араб ёзувида испан тилида ёзилган қўлёзмаси бор).

Испанияда араблар ҳам испан мусулмонлари томонидан яратилган илмий, фалсафий, бадиий асарлар аввал Шарқий ўлкаларга камроқ тарқалган, Реконкиста ғалаба қозонгандан кейин олимлар, адиблар шахсий кутубхоналарини ўзлари билан олиб кетган бўлсалар керак. Ҳозирги кунда араб Испанияси маънавий бойлигининг анчагина қисми Марокаш, Тунис, Фес каби шаҳарлар кутубхоналари ва шахсий кутубхоналарда сақланмоқда. Испаниянинг маънавий бойлиги эндиликда умуман ислом Шарқи халқларининг меросига айланган.

Испанияда араблар ҳукмронлиги яҳудийлар маданиятини дунёга келтирди. Узоқ асрлар давомида тарқоқ яшаган миллат ўзининг маданиятини ривож эттиришдан ожиз эди. Испан халифалари ва амирлари яҳудий миллати вакилларига мамлакат дарвозасини кенг очиб бердилар. Улар бу давлатда бошқа халқлар билан тенг ҳуқуқли бўлиб яшадилар. Бу ҳолат уларнинг савдо-сотиқдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқари, илм-фан, ижодиёт билан шуғулланишларига имконият туғдирди.

Испан яҳудийлари она тилидан ташқари араб, лотин ва испан тилларини ҳам яхшигина билганлар. Илмий, фалсафий, бадиий асарлар яратар эканлар, Шарқ фани, фалсафаси ва бадиий асарлари улар учун намуна бўлди. Шарқ олимлари, адиблар уларга устозлик вазифасини ўтадилар. Яҳудийларнинг буюк олими Моше ибн Маймун ёки Маймонид ўзини буюк Шарқ олимларининг шогирди ҳисоблаган ва асарларини араб тилида ёзган. Шеърларини қадимий яҳудий тилида битган шоир Ибн Габирол (Авицеброн, 1021—1052) эса араб шеъриятининг шартлилик хусусиятини ўзлаштириб, аруз вазнида ижод этган, яҳудийча муваш-шаҳлар, ғазаллар битган. У яратган шеърлар асосан араб шеъриятига тақлид эди. Яҳудий шоирлари Ибн Габирол анъанасини кейинги асрларда ҳам давом эттирганлар.

Шарқ адабиётининг Оврупо исавия мамлакатларида тарқалишида яҳудийлар, айниқса исавия динига ўтган яҳудийлар анча хизмат қилганлар. Исавия динига ўтган яҳудий Иоанн Капуани "Калила ва Димна"ни XIII асрда эски испан тилига ағдарган. Исавия динини қабул қилиб, Педро Альфонс исмини олган яҳудий ҳикоятлари "Клирикларга насиҳат" аслида араб тилида ёзилиб, муаллиф уни кейин лотин тилига ағдарган. Бу асар Оврупо тилларига таржима этилиб, кенг тарқалади. Бу эртакларнинг элементлари Хуан Мануэл асарлари, Сервантеснинг "Дон Кихот", Боккаччонинг "Декамерон", Рабленинг "Гаргантюа ва Пантагрюэль", Маргарита Наваррскаянинг "Гептамерон" каби асарларига ҳам ўтади.

XIII асрда "Синбоднома", "Минг бир кеча"дан Ҳиндистонга алоқадор ҳикоятлар тўплами, Будда ҳаётига боғлиқ бўлган "Варлаам ва Иосафат" асарлари, мақомалар тўпламлари лотин ва испан тилларига ағдарилади. Бу таржималар Оврупо мамлакатлари, айниқса, француз ва итальян адабиёти учун изсиз ўтиб кетмади. Ўрта асрда кенг тарқалган "Рим ҳикоялари" (XIII аср), "Новеллино" (XIII аср) Жованни Боккаччонинг "Декамерони", Наварра маликаси Маргаританинг "Гептамерон" ҳикоялар тўплами, француз фаблиолари, айниқса, Данте ижоди шулар жумласидандир.

"Минг бир кеча", "Қуръон", "Мерожнома" король Альфонс X нинг буйруғи билан XIII асрда испан тилига агдарилган. Муҳаммад пайғамбарнинг "Мерож"и, турли ҳикоятлар ва Шарқ шеърияти Оврупо халқлари дунёвий

www.ziyouz.com kutubxonasi

мазмундаги адабиётнинг шаклланиши ва камол топишида катта роль ўйнаган.

Мусулмон Испаниясида ривожланган фалсафий тафаккурнинг Ўрта асрларда Ғарбий Оврупога таъсири кучли бўлгани ҳаммага маълум ҳақиқатдир. Араб Испанияси орқали шарқ архитектураси, санъати, техникаси, ҳарб иши, фаннинг турли соҳаларининг таъсири ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Табиийки, ҳамма соҳада бўлган таъсир, албатта, адабиётда бўлмаслиги мумкин эмас эди. Таъсир адабиёт соҳасида ҳам бўлгани ҳақиқат. Масалан, Шарқ адабиётидаги адаб, панд-насиҳатга оид насрий асарларнинг Ўрта аср Оврупо адабиётига таъсири мутлоқ эътироф этилган. Аммо гап Шарқ шеъриятининг Оврупо шеърияти, айниқса, Жанубий Франция — Провансда ривожланган рицарлик шеърияти, трубадур ва труверлар шеъриятига таъсири ҳақида борганида овруполик адабиётшунослар ўртасида ҳақиқий жанг бошланади. XVII асрдан бошлаб адабиётшунос олимлар икки гуруҳга бўлинади. Улар таъсирни тан олувчилар ва рад этувчилардир. XVII, XVIII, XIX асрларда тарихнавис, адабиётшунос олимлар (Хуе, Уортон, Массие, Қуадрио, Женгене, Андрес, Сисмонди ва б.) Шарқ, айниқса, Испаниядаги араб шеърияти таъсирини мутлоқ тан оладилар. Аммо таъсирни инкор этувчилар ҳам бўш келмайдилар. XIX аср охирларига келиб улар устун чиқадилар. XX асрнинг 30-40 йилларига келиб Шарқ таъсири масаласи янада кескинроқ руҳда кўтарилади, янги олимлар масалани янгича ҳал қиладилар.

Испаниядаги Шарқ адабиёти намуналарининг ривожи ҳамда рицар шеъриятини чуқурроқ татқиқ этиш натижасида ҳар иккала шеъриятда анчагина умумий хусусиятлар борлиги аниқланди. Умумийликни икки сабаб, яқин алоқалар ва бу шеъриятни келтириб чиқарган ижтимоий тузум яқинлигидан, деб аниқлайдилар.

Таъсирни тан олувчи олимларнинг энг кўзга кўринганлари испан олимлари Р. Менедес-Пидал, Э. Леви-Провансал, Х. Рибера, итальян С. Х. Наллино, инглиз А. Р. Никл кабилардир. Рад этувчилар орасида энг характерлиси А. А. Смирновнинг фикрича, "... адабиётда таъсир имкони эътиқод ва дунёқарашдаги чуқур тафовут борлиги, яна арабларда Оврупо Ўрта асрга хос бўлган жанрлар, масалан, қаҳрамонлик эпоси ва драманинг бўлмагани учун таъсир чекланган бўлган".[6] А. Смирнов "Ўрта аср испан адабиёти тарихи" асарида "трубадурлар шеърияти билан ундан анча олдин келиб чиққан араб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишқий шеърияти ўртасида анча ўхшашлик бор. Араблар шеърияти билан овруполиклар Испанияда танишган бўлишлари мумкин. Бу ерда мусулмон ҳокимларининг кўплаб феодал саройларида олий муҳаббат ғояларини тараққий эттирган олий табақанинг кўнгул очиши учун ишқий шеърият яратилган эди. Баъзи олимлар трубадурлар лирикасининг манбаи араб шеъриятида, деб ўйлайдилар. Аммо Ғарбий Оврупо мусулмон халқлари тили ва маданияти билан таниш бўлмаганликларини ҳисобга олиб, ҳар иккала поэтик ғоялар ва кечинмалар бир-бирига яқин бўлган ижтимоий шароитда мустақил келиб чиққанлар",[7] дейди. Бу фикр мутлоқ нотўғри, чунки асримизнинг иккинчи ярмида ижод этган олимлар изланишлари натижасида XII—XV асрларда яшаган ва илм, адабиёт билан шуғулланган ҳар бир овруполикнинг араб тилини билганлиги аниқланган. А. А. Смирновнинг иккинчи фикри, яъни X—XI асрларда араб Испанияси билан Оврупо мамлакатларида бир-бирига яқин ижтимоий шароит ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққий этган, техника анчагина ривожланган, ҳам араб, ҳам испан халқлари деярли ёппасига саводхон бўлган Андалус билан ўта қолоқ, ҳам ўрта асрлар зулматидан чиқмаган Оврупо халқларини қандай қилиб "яқин ижтимоий шароит" дейиш мумкин.

Шуниси қизиқки, А. Смирнов ўзини-ўзи рад этувчи қуйидаги сўзларни ёзади: "араб шеъриятига хос бўлган шаклни устун қўйиш ва субъективизм жамият тараққиётининг ҳали тубан ҳолатида бўлган роман-герман халқларига нотаниш ва тушуниш қийин эди. Агар испан шеърияти ҳақида гап кетса, аксинча, таъсир шимолдан, Провансдан бўлган".[8] Ваҳоланки, Прованс халқи француз, роман халқи бўлган. Олим фикрини қуйидаги зиддиятли сўзлар билан тугаллайди: "...провансал трубадурлари, балки, испан ва португал шоирлари араблардан баъзи шеърий шакллар ва лирик шеърларни мусиқа билан ашула сифатида айтиш усулларини олганлар".[9] Шуниси ажабланарлики, мавзу, ғоя, услуб, жанр, бадиият яқинлигини бу олим ҳам кўрмаган, ҳам сезмаган. Наҳотки, А. А. Смирнов бу масалага аниқлик киритган академик И. Ю. Крачковскийнинг "Испанияда араб шеърияти" асари билан таниш бўлмаса. Ваҳоланки, академикнинг фикрича, Испаниядаги араб шеърияти илк бор провансал, у орқали бутун Оврупо халқлари шеъриятига таъсирини ўтказган. Таъсирнинг тарафдорлари эса Андалус ва Провансал шеъриятидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўхшашликни халқларнинг чегарадошлиги, яқин иқтисодий, маданий алоқалар мавжудлиги билан изоҳлайдилар.

А. Р. Никл "Испан-араб шеърияти ва унинг эски провансал трубадурлар шеърияти билан алоқаси" асарида араб шеъриятининг XI—XIII асрлар провансал шеърияти, айниқса, Гильом IX, Маркаброн, Рюделлар ижодига таъсири ҳақида фикр юритади. Ҳар иккала минтақада яратилган шеърларда мисрама-мисра ўхшашлик топади, қачон ва қаерда шоирлар испан араб шеърияти билан танишуви мумкинлигини кузатиб чиқади ва провансал шеърияти тақлидий, испан арабларидан ўзлаштирилган қонуниятлар асосида яратилган, деган фикрга келади.[10]

Р. Менендес-Пидал ҳам икки томоннинг бир-бири билан алоқалари кучли бўлганлигини фактлар асосида исботлади. Испан олими "Араб шеърияти ва Оврупо шеърияти" асарида, "араб-андалус ашулаларининг чегарадош ўлкаларда Гильем саёҳатларидан анча олдин тарқалганлиги"ни фактлар асосида исботлайди. 995—1017 йиллардаёқ Кастилия графи Санчо Гарсия саройида "Кордова халифаси томонидан тортиқ сифатида юборилган мавр ашулачи қизлар ва раққосалар ўзларининг ажойиб санъатларини намойиш қилганлари", Барбастродан Францияга асир сифатида махсус ашулачи ва раққосаларнинг олиб кетилганлиги ҳақида ёзадилар. Олим бўлардан ташқари яна бир қанча мисолларни келтиради.[11] Олим "Минг бир кеча" ҳикояларининг бир қисмини Педро Альфонс томонидан бажарилган таржимаси, Толедодаги таржимонлар мактабида араб тилидаги юзлаб илмий асарлар таржимаси ва бунинг натижасида Оврупо мамлакатларида илм-фаннинг дастлабки куртаклари ривожланганини эслатиб, "юқоридаги ҳодисаларни тан олган ҳолда, қандай қилиб ҳеч қандай шубҳа туғдириш мумкин бўлмаган, андалус ашуласи провансал шеъриятига таъсирини инкор этиш мумкин?" деб сўрайди. Давом этиб, олим "арагонлик Педро Альфонс шарқ эртакларини овруполикларга тақддим этишдан сал аввал ва сеговиялик Гундисальво лотин тилида ўқий оладиган овруполикларга грек-араб фалсафасини очиб беришдан анча аввал андалус ашуласи ўзига йўл очганди. Ахир мусиқа таржимага муҳтож эмас-ку, ашула сўзлари учун Педро Альфонс ва Гундисальвога ўхшаган олим талқинчилар шарт эмас, ашулага эшитувчилар диққатини жалб қилиш, тингловчилар олқишига сазовор бўлиш, уларга эстетик лаззат бериш учун етук бўлмаса ҳам, ўша онда қилинган таржима етарли",[12] дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Испан олими Х. Рибера ҳам таъсир тарафдори бўлиб, таъсирни назарий жиҳатдан асослаб беради. Унинг фикрича, Испанияда яшаган араблар "учинчи, ҳеч бўлмаганда тўртинчи авлодда" романлашганлар, "расмий ҳаётда араб, кундалик ҳаётда испан тилидан фойдаланганлар". Шуни назарда тутиб, XI—XIII асрларда ҳам Испания, ҳам Провансда яратилган шеъриятнинг илдизи битта дейиш мумкин ва бунга мисол тариқасида Ибн Кузмон ижодини, зажаллари икки тилда эканини айтиш кифоя.

Зажал жанри IX асрнинг иккинчи ярмида, яъни провансал шеъриятидан анча аввал вужудга келган эди. Шунинг учун трубадурлар шеъриятига таъсир этган бўлиши мумкин, дейди Х. Рибера. "Провансал шеъриятининг энг қадимий намуналари мисраларидаги қофиялар уйғунлиги Андалусиядаги араблар зажалига монанддир... Ҳар иккала андалус ва провансал шеърларининг яқин ўхшашлиги, биринчисининг қадимийлиги андалус шеърияти провансал шеъриятига, демак, бутун кейинги Оврупо шеърига намуна бўлган деган хулосага олиб келмоқда. Андалус шеърияти, иккинчи томондан, шимолий Африка орқали бутун Шарққа таъсир этишини тан олсак, Андалус лирикасининг энг характерли намунаси бўлмиш Ибн Кузмон Девони бутун Ўрта Ер денгизи атрофидаги маданиятли халқлар шеърияти хусусиятини англаб етишга ёрдам беради".[13] Иккинчи томондан Рибера араблардан аввал испанлар, ёки португаллар фольклорида ишқий мазмундаги ашулалар бўлиши мумкин, уларнинг таъсири остида андалус шеърияти шаклланди, провансал шеърияти келиб чиқди, деган мулоҳазани ҳам айтиб ўтади.

Бу ерда қизиқ ҳолат келиб чиқмоқда: Сақланиб қолмаган, бўлган, бўлмагани мавҳум, энг қадимий оғзаки яратилган португал шеърлари араб шеъриятига таъсир этган, натижада зажал, мувашшах жанрлари яратилган ва улар, ўз навбатида, провансал адабиётига таъсир этган эмиш. Рибера Андалусда араб шеърлари анчагина овруполашган, шунинг учун Оврупо шеъриятига таъсир ўтказа олган, таъсир икки ёқлама бўлган, дейди. Ажабо, овруполик олимлар қандай йўл билан бўлмасин, ўзларини кўтариш, Шарқни камситишга уринадилар. Ахир улар фараз қилган португал фольклор шеъриятидан бирор намуна, бирорта ҳам мисра йўққу, араб шеъриятида эса ғазал мавжудлигига эътибор бермайдилар. Овруполик олимлар ўз фикрларининг тасдиғи сифатида араблар ҳукмронлиги даврида яратилган зажал, айниқса, муваш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳда испан сўзлари, мисралари мавжудлигини келтирадилар. Тўғри, Андалузия аҳолиси икки тилли бўлган. Шунинг учун халқ вакиллари томонидан ашула қилиб айтишга мўлжалланган шеърларда испан сўзлари учрашини Оврупонинг қадимий шеърияти анъанаси деб бўлмайди. Андалус ва провансал шеъриятига араб шеърияти таъсирини инкор этувчилар нима учун IX асрда яшаган, юқорида келтирганимиз Альваронинг сўзларини эсламайдилар. Ёки IX асрда Кордовада очилган университет, Оврупо мамлакатларидан билимга ташна ёшлар XI асрлардан бошлаб билим олиш учун бу ерга келиб, араб тилини ўрганганлари ватанларига қайтганларида уларни "билимдон", "маг" дейишлари ҳеч кимга сир эмас-ку. Ана шу "маглар" Франция, Италия ва бошқа юртларда Шарқ фани билан бир қаторда Андалусдаги лирик шеърларни тарқатиши мумкин эмасмиди?

Таъсир ғоясини шубҳа остига олувчилар фикрларининг бир заиф томони бор. У ҳам бўлса X—XI асрларда француз миллатининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёти шунчалик қолоқ ҳолатда эдики, бу маданий шароит трубадурлар ижодиётини келтириб чиқариши ғайри табиий бўлур эди. Юқорида зикр этганимиздек, таъсир иқтисодий, ижтимоий ва маданий бўлдики, бадиий адабиётда ҳам таъсирни қабул қилиш шароити юзага келди. Натижада ҳам мазмунан, ҳам шакл жиҳатидан олий даражадаги шеърият вужудга келди. Трубадур ва труверлар шеъриятидаги аёлга, муҳаббатга муносабат фақат андалус адабиётига хос хусусият эмас, балки умуман Шарқ шеъриятига хос ҳолат эди: маъшуқанинг золимлиги, садоқатсизлиги, ошиқ шоирнинг ачинарли ҳолати, рақиб туҳмати, айғоқчининг қилмишлари ва ҳоказоларнинг ҳаммаси умуман Оврупо адабиётига ёт хусусият ва шарқдан ўтганлиги аниқдир.

Араб шеъриятининг жанубий француз, яъни прованс адабиёти, рицарь шеъриятига таъсири ҳақида уни тан олувчи ва рад этувчи оврупошунос ва шарқшунослар томонидан кўплаб илмий асарлар ёзилган. Фикримизча, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётнинг ҳамма томонлари, кундалик ҳаёт тарзи, емак-ичмак, кийиниш, ҳарб ишлари, кўнгил очиш, тил, мусиқа, рақс ва санъатда бўлган таъсир нима учун адабиётда бўлмасин!? Мен таъсир бўлган ва оз эмас, деган тезисини олға сурувчилар қаторидаман. Шуниси қизиқки, таъсирни рад этувчилар овруполиклар, тан олувчилар Шарқ мамлакатлари вакиллари — араблар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисман эронийлар ва арабшунос испанлардир. Таъсир ўтказиш учун сабаблар керагидан ортиқроқ бўлган савдо алоқалари, ўзаро борди-келди, сайёҳ, ашулачи, созанда, раққосалар, монахлар, зиёратчилар, саёҳатчилар тергалмайдиган чегарадан уёқ, бу ёққа ўтиши осон бўлган. Ҳарбий тўқнашувлар, ҳар иккала томондан олинган асирлар ўз халқига хос санъат билан иккинчи халқни таништирган. Исавийларнинг йиғинларида асир олинган мусулмон йигитлари ва қизларга ашула айтдириш, рақсга тушириш ҳақида ёзма маълумотлар бор (масалан, Корол Донишманд Альфонсе X нинг "Cantigas de Santa Maria" асари, 1265). Ҳатто Реконкиста ғалабасидан кейин черковларда араб ашулачилардан фойдаланилган. Уни ман этиш ҳақида 1322 йил черковлар иттифоқининг қарори ҳам бор. Гарсиа Фернандес исмли шоир мусулмон хонанда қизига уйланиб (XIII аср), ҳам христиан, ҳам мусулмон шинавандаларни ашула айтиб, шеър ўқиб хурсанд қилиб юрганлари ҳақида ҳам маълумот бор.

Испан араблари ўз қўшнилари Провансга, трубадур ва труверлар шеъриятига назокатли, юксак бадиият билан ёзилган ишқий шеърлар, ашулалар (зажал, мувашшах), саргузаштлар, ажойиб образларга бой бўлган эртаклар, аския, ҳазил-мутойиба усулида ёзилган мақома таъсирини ўтказдилар.

XII асрга келиб Францияда феодал тузуми шаклланиб битади, феодал табақалари аниқланади, рицарлик эса сиёсий ва ижтимоий мавқеъини қатъийлаштиради. Салб юришларидан сўнг Испания ва Шарқ мамлакатлари билан ўрнатилган иқтисодий ва маданий алоқалар ўз натижасини беради. Тўғри, рицарлар ҳали ҳам асосан феодал урушлари, босқинчилик билан шуғулланадилар, аввалги қўполликлари сақланади, лекин эндиликда маданият, гўзаллик, латофатга интилиш кўзга ташланади. Улар эндиликда Шарқдан ўрганиб ҳашаматли ҳаёт кечириш, сахий, олижаноб бўлишга уринадилар. Кейинчалик бу хусусиятлар рицар бўлиш учун шарт бўлган хусусиятларга айланади. Ҳатто сахийлик қаҳрамонликдан ҳам устун қўйилади. Рицарлик қонуни ишлаб чиқилади. Рицар нозик табиатли, хушмуомала, латофатли, ёқимли бўлиши шарт бўлган. Агар аввал рицарлик идеали асосан жасурлик, қаҳрамонлик бўлса, энди унга эстетик идеал ҳам қўшилади.

Прованс Франциянинг жанубида жойлашган, шаҳарлари денгиз соҳилларида бўлиб, вилоятда ички ва ташқи савдо

www.ziyouz.com kutubxonasi

кенг ривожланган. Минтақа Шимолий Франциядан кўра кўпроқ араб Испанияси ва Шимолий Италия билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Ўрта асрларда Оврупонинг илғор вилояти ҳисобланган.

Бу даврда Провансда йирик феодаллар саройида дунёвий мазмундаги адабиёт, санъат тўгараклари пайдо бўлади, кейинча улар маданият марказига айланадилар. Бу тўгаракларда асосан аристократ хонимлар ташкилотчи ролини ўйнаганлар. Сарой тўгаракларида шеърлар ўқилиб, ашулалар айтилади, санъат, илм, дин, адабиёт ҳақида баҳс, суҳбатлар бўлади. Эндиликда рицарлик тарбиясига мусиқа, ашула, рақс, шахмат, нард, шеър ёзиш, хонимларга хушомад қилишни ўргатиш ҳам киради. Бу даврда Францияда, айниқса Провансда, хотин-қизлар жамият ҳаётида анча фаол иштирок эта бошлайдилар. Рицар муҳаббати ҳам худди шу давр ва шу минтақада юзага келади. Ҳақиқий рицар бўлиш учун ошиқ шоир бўлиши, маҳбубасини кўкларга кўтариб куйлаши шарт эди. Ижтимоий ва маданий ҳаёт, рицар идеали ўзгариши билан хотин-қизларга, айниқса, аристократ аёлларга бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Эндиликда гўзал, олижаноб хонимларни (қизларни эмас) улуғлаш кўзга ташланади.

Провансдаги рицарь шеърияти асосан араб шеърияти шакли ва тушунчаси, ҳатто унинг вазни асосида шаклланди. Уни яратувчи шоирларни трубадур ёки труверлар, Олмонияда миннезанг деб атаганлар. Трубадурлар куйлаган ишқни "сарой муҳаббати" деб атаганлар. Ишқ тушунчасининг ўзи Ибн Синонинг "Ишқ рисоласи" таъсири остида шаклланган. Фалсафа тарихида Ибн Сино биринчи бўлиб жисмоний ва руҳий ишқ тушунчасини ишлаб чиққан. Шарқ фалсафаси, айниқса, Ибн Сино таълимоти Испания орқали ҳатто король ва аслзодалар саройларига ҳам ўтган. Бу таъсир аниқлиги ва қандай ўтганлигини Канадалик олим А. Деноми қуйидагича характерлайди: "Бу ўринда лотин аверроизмида бўлганидек таъсирнинг бўлиши муқаррардир. ...онг ҳукмронлигини тан олган дунёқараш, онгни имондан айрим тушуниш... жанубий Францияга одатдаги алоқалар ва муносабатлар — савдогарлар, денгизда сузувчилар, дарвешлар билан мусулмон Испаниясидан ўтган".[14]

Йирик аслзодаларнинг саройларида бек хизматини рицарь, шоир, мусиқачи, ашулачилар бажо келтирганлар. Улар бек ва беканинг кўнгил очишига хизмат қилганлар. Сарой ишқи ана шу шахслар томонидан уй бекасига изҳор қилинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин аристократлар саройларида вужудга келган ишқ-муҳаббат ҳақиқий муҳаббатдан узоқ бўлган. Уларни тасаввур, ақл ўйини, шоирларнинг ишқий мавзуни ким қанчалик яхши ёритиши мумкинлиги ҳақидаги мушоира дейиш мумкин. Аммо шундай бўлишига қарамай, дунёвий, инсоний мавзунинг даставвал Провансда адабиётга кириб келиши адабиёт тарихида ижобий ҳол эди. Провансал шеъриятининг асосий мавзуи олий даражали, унга эришиш амри маҳол бўлган хоним (кўпинча шоир хизмат қилган олий шахс, ҳомийсининг рафиқаси) гўзаллиги, олий инсоний хусусиятлари, лекин ошиққа нисбатан шафқатсизлиги, садоқатсизлиги, шоирнинг азоб-уқубатлари, рашк мушкулликлари, садоқати бўлиб, трубадурлар уларни юксак маҳорат билан турли алфозда куйлаганлар. Бу даврда муҳаббат илоҳийлаштирилади, унга сиғинадилар, қадимги грек мифологиясидаги ишқ маъбуди Амур тирилтирилади (энди уни Амор деб атайдилар). Маҳбуба ҳам идеаллаштирилиб, баъзи ўринларда Исо пайғамбарнинг онаси биби Марямга тенглаштирилади. Аммо провансал шоирларининг маҳбубаси жонли, ҳаётий маъшуқа эмас, балки мажозий, хаёлийдир. Муҳаббат изҳор қилувчи аёлга шоир тасаввуридаги энг яхши хусусиятларни нисбат беради.

Трубадурлар шеъриятида маҳбубанинг фақат ташқи қиёфасига доир "ажойиб малласоч", оқ гулга ўхшаган "оппоқ манглай", "силлиқ, ингичка, узун панжалик оқ қўл", "ёш, гўзал, алифдек қомат" каби сифатлашлар гўзалларни мадҳ этувчи адабий қолип тусига айланган эди. Севимли аёлнинг ҳеч қандай шахсий хусусияти йўқ, унинг исми ҳам тилга олинмайди. Хоним одобли, хушмуомала, ақлли, олийҳиммат, пок, дид билан кийинган, суҳбатларда иштирок эта олиши керак. Шоир маҳбубага яқинлашувни орзу ҳам қилмайди, ошиқлиги махфий, унинг учун энг олий мукофот бир қиё боқиш, айниқса, бир жилмайиш. Шуниси қизиқки, аслзода хонимлар учун ҳам жуфти ҳалоли ва бошқалар томонидан тан олинган ошиқ рицар шоири бўлиши шарт эди, акс ҳолда обрўйи тўлиқ бўлмаган. Никоҳда бўлганлар ўртасида рицар муҳаббати бўлиши мумкин эмас, чунки оила қуриш фақат сиёсий ёки моддий манфаат нуқтаи назаридан амалга оширилган, холос.

Провансал ишқий шеъриятида маъшуқа илоҳийлаштириш даражасигача кўтарилади, ошиқ эса бир қанча синовлардан ўтиши шарт. Лекин рицар ишқий лирикасида жисмоний яқинлашиш умуман тасаввур этил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, маҳбуба худди мажозий ишқдагидек куйланади. Маҳбубага бундай муносабатда бўлиш ўта муболағага асосланган образлар, иборалар келтириб чиқаради (совуқ — оқ, иссиқ — қизил, сариқ гул — садоқатсизлик, сабо — жаннат шабодаси ва б.). Маҳбуба яшаган жой жаннатдек, унинг яқинлари, хизматкорлари яқин қариндошдек, хоним нафас олган ҳаво жаннат ҳавосидек туюлади. Шоир эса заъфарон юзлик, алифдек озғин, кўз ёши дарё бўлиб оқади, маҳбубани кўрганида танаси узоқлашса ҳам қалби, руҳи гўзалнинг ҳузурида қолади. Трубадурлар шеъриятининг ушбу хусусиятлари шарқ шеърияти, айниқса, ғазалга хосдир. Трубадурлар лирикасида қуйидаги жанрлар бўлган: канцона — ишқий мавзудаги ашула, сирвентес — сиёсий, ижтимоий ёки шахсий мавзудаги шеър, тенцона — икки шоир ўртасидаги мунозара, альба — дўст томонидан ижро этилувчи тонг ашуласи, сирена — кечки, маҳбубани куйлаб айтилувчи ашула, йиғи (марсия) ва бошқалар.

Бу даврда ишқ фалсафаси, ишқ назарияси, ишқ илми ҳам ишлаб чиқилади. Ошиқ бўлган одам ҳеч қачон ёмон ниятлар, ёмон ишларни қилмайди. У ҳамма вақт олий ҳимматли бўлишга интилади. Шоир Арнаут де Марюэль прованс шоирларига хос фикрни қуйидагича баён қилади: "Ҳақиқий ошиқ муҳаббат туфайли мутакаббир бўлса тавозели бўлади,қўрқоқ — мард, дангаса — ишчан, тентак — донишманд, беадаб — боадаб, ғамгин — қувноқ, мақтан-чоқ — ростгўй, камтарин, заҳар одам — ёқимли, фитначи, хоин — яхши одам, қўпол, ёввойи сифат — хуш табиатли, бахил — олижаноб, заиф — полвон, хасис — олийҳиммат одамга айланади. Муҳаббатсиз одам ҳурматга сазовор бўлолмайди".[15] Ишққа бундай муносабатда бўлиш ҳам провансал шоирларига хосдир. Прованс трубадурларининг ишқ фазилатлари ҳақидаги фикрлари Шарқ файласуфлари қарашларига ҳамоҳангдир. Рицар ишқий шеъриятининг мазмуни, шакли, услуби, лексикаси Шарқ шеърияти асосида келиб чиққани ҳақида кўпчилик олимларда шубҳа қолмаган. Лекин унинг асосини ташкил этган маслак, ғоялар масаласи анча-мунча баҳсларга олиб келмоқда.

Канада олими А. Деноми сарой муҳаббати илдизи Шарқ адабиётида эмас, балки фалсафасида, уни Ибн Сино асарларидан ахтариш керак,[16] деган фикрни майдонга ташлади. Ҳақиқатан ишқ масаласи, мажозий, олий инсоний, жисмоний ишқ масаласи файласуф-олимларни анчадан буён қизиқтириб келган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Испанияда ҳам Ибн Ҳазим, Ибн Сино рисоласидан илҳомланиб бўлса керак, "Китоби ишқ" (1022 йил) асарини ёзган эди. Испан-араб файласуфининг фикрига кўра ошиқ маъшуқага ўз ихтиёрини мутлоқ бериши ва садоқатли бўлиши шарт эди. Ибн Ҳазм, Ибн Сино фикрини давом эттириб, муҳаббат инсонни поклантирувчи кучга эга эканлигини таъкидлайди: ошиқ маҳбубаси учун ҳеч қандай қийинчиликлардан қайтмайди. Шоир "Озод одам ўз ихтиёри билан муҳаббатнинг қулига айланади, қандай ажойиб ҳолат!", дейди. Бу фикр рицар шеъриятининг яратувчи шоирлар, трубадурлар, труверлар фаолияти ва ижодига айнан кўчган: граф Гильом — 1071—1127, Серкамон, Маркабрюн, Арнаут де Морейль — 1170—1200, Жауфре Рюдель, Раймбаут III (Линьяур), Бернарт де Вентадорн — 1150—1195, Жираут де Борнель — 1175—1220, Бертран де Борн — ? — 1196 ва бошқалар. Ҳаммаси 500 атрофида шоирлар номи бизгача сақланган.

Шуниси қизиққи, ҳам араб-испан, ҳам провансал шеъриятида "ҳосид", "рақиб" ёки гўзалга соқчи этиб қўйилган "гардадор" (балки пардадор? бу сўз арабий эмас, балки форсийдир), ошиқ маъшуқларга тўсиқлик қилувчи тимсоллар ҳам мавжуд. Лекин овруполиклар "рақиб" сўзига нотўғри талқин бериб, уни "гўзал олдига қўйилган қўриқловчи" деб тушинадилар. Ошиқ ҳам испан, ҳам роман халқлари ишқий шеъриятида садоқатли ва ҳар қанча қийинчиликларга бардош берувчи, маъшуқанинг қули. У айрилиқни, шафқатсиз маҳбубага бўлган муҳаббатни лаззат, худонинг олий марҳамати деб билади. Муҳаббатсиз кишини одам қаторига қўшмайдилар (шу ўринда Нодира бегим шеъри хаёлга келади). Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир одамнинг маҳбубаси, севиш, сиғиниш объекти бўлиши керак. Аммо бу севги асло яқинликка интилиш эмас, маъшуқа томонидан бир қиё боқиш, назар ташлаш, ҳомийлик қилиш, холос. Бундай фикрларни Кордовада яшаган шоир ибн Ҳакам (вафоти 822 йил) ўз шеърларида баён қилган эди ("озод инсон муҳаббатга хизмат қилиб, ўз ихтиёрини маҳбубага бериб, унинг қулига айланиши қандай бахт!"). Бу севги Ибн Сино, Ибн Ҳазмларнинг олий севгисига яқин. Трубадурларнинг фикрича, бундай муҳаббат ошиқнинг инсоний фазилатларини оширади, аммо ошиқ ўз эркини йўқотиши шарт. Масалан, Бернарт де Вентадорн бир шеърида "Гўзал агар истаса мени сотиб юборсин, ёки тақдим қилсин" дейди. Ҳаттоки ошиқ-шоир вафотидан кейин қабрда ҳам севишини давом эттирар эмиш. Трубадурлар муҳаббатининг яна бир хусусияти ишқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

азоби, маҳбубанинг золимлиги қанчалик даҳшатли бўлса, унинг лаззати ҳам шунчалик ортади деб тушуниш. Бундай муҳаббат тубан, жисмоний ишқдан юқори туради; у фақат олий даражадаги одамларга муяссар бўлади. Аммо ошиқ трубадур атайлаб ўзини маҳбуба олдида паст тутади, ўзи устидан ўзи кулади.

Испан-араб шеъриятига хос хусусият, умуман Шарқ шеъриятига алоқадор бўлганидек, ишқ объекти аёл бўлиши шарт эмас, эр киши, яъни устоз, дўст, ҳомий, бирор мансабдор шахс бўлиши ҳам мумкин эди. Бу хусусиятга Оврупо олимлари талқин беролмайдилар. Ваҳолонки, қадимги юнон адабиётида (эр. ав. VII—VI асрлар) лирика жанрининг вакиллари (Архилоҳ, Алкей, Сапфо,, Пиндар, Анакреонт) асарларида дўст, ҳомий, мансабдор кишига маҳбубага мурожаат қилгандай муносабатда бўлиш характерли бўлиб, бу хусусият кейинчалик александрия шеъриятида (эр. ав. III—II асрлар) ҳам давом этади. Грек шеъриятидаги бу анъана Шарқ шеъриятига ўтган эди. Ўзбек адабиётида ҳам то Ҳамзагача бу анъана сақланган. Академик И. Ю. Крачковский зажалда "ҳомийга мадҳ ёки унинг олий ҳимматини мақтов баъзида шаҳвоний ишқ изҳор қилишни эслатади. Бундай ҳолатни жанубий Францияда ҳам кўрамиз, бу ҳолат таъсир Шарқдан ўтганини кўрсатади"[17] дейди. Аммо провансал шеъриятида баъзи ўринларда ошиқ маъшуқга Madomna (бекам) деб эмас, балки Midons (хўжайин) деб мурожаат қилади. Шу мисолнинг ўзиёқ трубадурларнинг ишқий лирикасининг манбаи Шарқда эканини исботлайди.

Провансал трубадурлари фақатгина дунёвий мазмун, ишқий мавзу ва миллий тилдаги шеърият яратибгина қолмай, ўзига хос ишқ маданиятини ҳам яратдилар. Исавия дини, феодал жамияти томонидан таҳқирланган, камситилган хотин-қизларни илоҳийлаштириб, кўкларга кўтариб куйлайдилар. Оила қуриш, фарзанд кўриш гуноҳ ҳисобланган даврда трубадурлар дунёвий ишқни илоҳийлаштирдилар, Ўрта асрлардаги "руҳ ва тана ўртасидаги зиддият"ни муросага келтирдилар. Трубадурлар ишқи, айниқса, беғараз ишқ Оврупо учун мутлоқ янгилик эди, на қадимий Юнонистон, на Рим ва на Оврупо Ўрта асрларида фақат четдан, узоқдан туриб севиш тушунчаси умуман бўлмаган. Бундай севги ошиқни руҳий камолотга эришувга ундайди.

Провансал шеърияти, трубадурлар ижоди — Оврупо шеъриятининг йўналиши, шаклларини аниқлаб берибгина

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолмай, ишқ тушунчаси, ишқий кечинмалар қандай бўлишини ҳам кўрсатиб берди. Кейинги давр Оврупо ишқий шеърияти бу моделни ўзлаштирди, анъанага айлантирди. Трубадурларнинг ишққа бўлган муносабати реал ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Араб, форс шеърияти таъсира остида шаклланган провансал лирикасининг оламшумул аҳамияти шулардан иборатдир.

XVII—XVIII асрлардаёқ олимлар провансал шеърияти ҳам мазмунан, ҳам шакл жиҳатидан Шарқ шеъриятига яқин эканлигини тан олган эдилар. Бу фикрни сўнгги давр олимлари А. Р. Никел, Р. Менендес — Пидал, А. Деноми, П. Жентил, С. Фине, А. Паглиаро, Г. Лей каби олимлар ҳам тан олмоқдалар. Ҳақиқатан, Оврупо халқларининг иқтисодий-ижтимоий тузуми, маданияти, адабиёти трубадурлар шеърияти даражасида эмас эди. Прованс эса Испанияга чегарадош, Шимолий Франциядан кўра, кўпроқ Испания билан боғланган вилоят бўлгани сабаб испан-араб маданияти, у орқали умуман Шарқ маданияти, адабиёти таъсирини ўтиши табиий ҳолдир.

1064 йил французлар араб Испаниясига салб юриши уюштириб, Барбастро шаҳри ва атроф минтақани вақтинча босиб олдилар. Улар кейинчалик ватанларига ёш арабларни ашулачи, ўйинчи қилиб олиб кетадилар. Ўша даврда яшаган тарихчи Ибн Ҳайан шундай воқеани келтиради: "Бир бой араб қизларининг асирликка тушганини айтиб, яҳудий савдогардан уларни олтин эвазига янги хўжаси графдан қайтариб олиб беришни илтимос қилади. Яҳудий бу топшириқни графга баён қилганда у "агар менинг олтин-кумушларим ва бошқа бойликларим бўлмаган чоғда ҳам мен уларни қайтармайман, чунки қизлар ўз ашула-ўйинлари билан менинг руҳимни шод этадилар", дейди. Бу воқеа ўша даврда маданиятларнинг ўзаро қоришуви қанчалик аҳамиятли эканини характерлайди.

Араб Испаниясида ривожланган зажал жанри фақат Провансал рицар шеъриятига таъсир этиб қолмай, умуман роман халқлари ижодига ҳам таъсир этади. Зажал туридаги шеърлар Франция ва Италияда кенг тарқалиб, сайёҳ ашулачи ва раққосалар томонидан бозорлар, қишлоқларда мусиқий асбоб, қайроқ тош ва рақс билан ижро этилади. Фикримча, зажал трубадурлардан аввал провансал халқ ижодига таъсир этган, халқ ўртасида унга тақлидий ашулалар куйланган. Кейинчалик ҳам халқ зажал-ашулалари, ҳам испан-араб зажали таъсири остида бу жанр Провансда ривож топади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Араб-испан шеъриятига хос бўлган зажал Провансал шеъриятида ҳам йўлиқади. Зажал усулида шеър ижод этган дастлабки прованс шоири Гильом IX эди. Араб-испан зажалида нақорат ҳамма вақт бўлавермаганидек, роман халқларида яратилган зажал туридаги шеърларда кўпинча нақорат сақланмаган. Чунки рицар шеърияти кўпчилик ўртасида эмас, балки қасрда, имтиёзли эшитувчилар олдида жонглёрлар томонидан ижро этишга мўлжалланган.

Масалан: Pois de chantar m'es pres talenz,
Farai un vers don sui dolenz:
Mais non serai obedienz
En Peitau, ni en Lemozi.

(Мен ашула яратмоқчи бўлдим,
У ашулада ўз қайғумни изҳор этай деб:
Йўқ, мен ҳеч қачон севолмайман
На Пуатуда, на Лемозида!)

Бу шеър Гильомнинг бошқа шеърлари каби а,а,а,б усулида, зажал йўлида ёзилган. Зажалга хос хусусиятнинг энг асосийси нақорат бор-йўқлигида эмас, балки қофиядош уч мисрадан кейин келувчи тўртинчи мисра қофиясининг бошқача бўлиши, бу мисра қофиясиға шеърдаги ҳамма бандларнинг тўртинчи мисраси қофияси монанд бўлиши шартлилигидир. Провансал трубадурларидан Гильом IX, Рюдел, Маркабрюн, Пейре Видаль, Саркамон кабилар ўз шеърларида зажалнинг худди шу турига амал қилганлар.

Зажал усулида ёзилган шеърлар фақат Провансалдагина эмас, балки XII—XIII асрга келиб бутун роман халқларида ҳам тарқалади, уларда нақорат сақланиши ва сақланмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин халқ ашулаларида (баллада, рондо ва бошқа ашулалар) албатта сақланган, чунки улар кўпчилик ўртасида ижро этишга мўлжалланган. Зажал усулидаги халқ ашулалари испан, прованс, португал, француз, итальян тилларида ҳам кенг тарқалган. Бундай ашулалар XVI—XVII асрларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қизиғи шундаки, XI—XIII асрларда араб-испан адабиётида вужудга келган асар тури, албатта, 20-30 йилдан сўнг исавия мамлакатларига ўтган. Масалан, машҳур мутасаввуф Ибн ал-Араби Муҳийиддин ўз таълимотини зажал усулидаги шеърларда баён қилган бўлса, Альфонс X ҳам христиан-католик диний шеърларини ундан 30-35 йил кейин, ундан 10-20 йил сўнг эса итальян шоири Якопона Тоди францискчилик таълимотини зажал жанри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да ёзадилар. Арабларда шаклланган шеърият, ярим асрдан сўнг роман халқлари ўртасида кенг тарқалади.

Ғарбшунос олимлар роман халқлари орасида ўрта асрда дунёвий мазмундаги, ишқий шеърият лотин адабиёти таъсири остида келиб чиққан, дейдилар. Бу мутлоқ нотўғри фикр. Аввало антик давр лотин тилидаги ишқий шеъриятнинг ғайри динлар адабиёти сифатида тарқалиши ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Клириклар (руҳонийлар) томонидан лотин тилида яратилган шеърият эса фақат диний мазмунда эди. Ўрта асрдаги лотин тилидаги адабиётда зажал усулида яратилган бирорта шеър йўқ, аксинча испан-араб шеъриятида уч мисра қофиядош, тўртинчиси эса бутун шеър бандларининг тўртинчи мисралари билан қофиядош шеърлар кўплаб мавжуддир. Буларнинг ҳаммаси роман халқлари тараққиётининг бу босқичида маданиятда араблар Оврупо халқларидан устунлиги, провансал, француз ва итальян халқлари шарқ шеъриятига тақлидан шеърий асарлар яратганларини исботлайди. Агар араб-испан ишқий шеърияти IX—X асрларда яратилиб, XI асрда кенг тарқалган бўлса, Провансал трубадурларининг шеърияти XI асрдан бошлаб ривож эта бошлайди. Тўғри, юқорида айтиб ўтганимиздек, провансал шеъриятнинг шаклланиш ва ривожида араб-эрон шеъриятидан ташқари, халқ ашулалари ҳам анча-мунча роль ўйнаган.

Агар Шарқ шеъриятининг Оврупо шеъриятига таъсири уч аср давомида кўп баҳсларни келтириб чиқарган бўлса, насрий асарлар таъсири анча осонлик билан тан олинди. XII аср илмий асарлар, Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Ғаззолий, Авицеброн, Ибн Рўшд каби олимлар ва араб тили орқали қадимги юнон файласуфлари ва олимлари асарларини лотин тилига ағдариш асри бўлса, XIII аср бадиий насрий асарларни испан тилига таржима этиш билан характерланади: "Бониум ёки олтин таомлар", "Сирлар сири", "Сендебар", "Калила ва Димна" ва ҳоказо. Арагон короли Донишманд Альфонс X даврида Кастилияда лотин-араб институти, Мурсияда яна бир таржима мактаби ташкил этилди. Шуниси қизиқки, бу фаолиятнинг моҳиятини яхши тушунган Рим папаси уни рағбатлантиради.

Таржима мактаблари ва Альфонс институтида илмий асарлардан ташқари панд-насиҳат, ахлоқ ва адаб ҳақидаги умуминсоний қадриятларга эга бўлган асарлар, асосий мазмунга бир қанча қисса ва ҳикоятларни қистирма шаклида биркитилган асарлар ҳам таржима қилинади. Бу асарлар фақат испан адабиётидагина эмас, балки бутун

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оврупо адабиётидаги насрий асарларнинг шаклланишида ҳал этувчи роль ўйнади.

XII асрнинг биринчи ярмида исавия динига ўтган яҳудий Педро Алфонс "Клирикларга насиҳат" (клирик руҳонийликка тайёрланаётган ёш йигит) асарини ёзади. Асарни даставвал араб тилида ёзган бўлиб, кейинчалик адиб уни лотин тилига ағдарган. Асар бошида адиб китобхонларга мурожаат этиб, ўзи ҳақида баъзи маълумотларни, ушбу китоб ёзишнинг сабабларини айтади. Асарнинг асосий мазмуни вафот этаётган арабнинг ўз ўғлига насиҳатомуз воқеаларнинг баёнидан иборат. Бир қисм ҳикоялар эса ўқитувчининг талабага насиҳатлари шаклида ёзилган. Асосий мазмунга ўттизта ҳикоя қистирма қилиб берилган.

Ўттиз ҳикоятнинг қайсинисини қаердан олгани ҳақида испан олими М. Менендес-и-Пелайо шундай ёзади: "Ўттиз ҳикоятнинг ҳар бирининг қаердан олганини аниқлаш қийин... аммо бу XII аср китобининг XIII—XIV асрларда пайдо бўлган ҳикоялар тўпламлари таржималари билан муқояса қилганимизда шундай хулосага келдик: арагонлик исавий кенг маълум бўлган манбалар —"Калила ва Димна", "Аёллар ҳийла ва фирибгарликлари", "Синдбоднома" каби китоблардан олганлиги маълум бўлди".[17]

Педро Алфонс ҳикоятларни Шарқ манбаларидан олар экан, кўп ўринда Шарқ колорити ва номлари, шарқона тушунчаларни сақлаб қолади (Маккага зиёрат, Миср тасвири, Мисрлик савдогарлар, Луқмони ҳаким ва ҳ.к.). Шу билан бир қаторда антик давр арбоблари номлари (Платон, Аристотел, Александр, Сократ) ҳам учрайди, лекин булар ҳам Алфонсга араблар орқали маълум бўлган.

Ҳикоятларнинг аксарияти панд-насиҳат характерида ва ҳар бир ҳикоят сўнгида шарқ адабиётига хос ахлоқий хулоса чиқарилади. Педро Алфонснинг китоби Оврупода кенг тарқалган бўлиб, Менендес-Пидалнинг айтишига қараганда, ҳамма Оврупо мамлакатларида Ўрта асрларга оид олтмишта қўлёзмаси топилган. Бу ҳикоятлар турли халқлар вакиллари томонидан қайта-қайта ишланиб, уларга тақлидан кўплаб ҳикоятлар яратилган (Дон Хуан Мануэл — "Граф Луканор", Жефри Чосер — "Кентерберия ҳикоялари", "Новеллино" ва б.).

Педро Альфонс асари Ўрта асрлардаёқ испан, француз, олмон, инглиз, итальян, исланд тилларига ағдарилган. Педро Алфонснинг катта хизмати Шарқ адабиётига хос ушбу жанрни Оврупо адабиётига олиб кириши бўлди. П. Алфонс

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Клирикларга насиҳат" асарини ёзишдан мақсади кексалар, устозлар тажрибаси ва билимини ёшларга бериш, уларнинг ноқулай аҳволга тушмаслигининг олдини олиш эди. Агар дастлабки қаҳрамонлар кекса араб ва унинг ўғли мусулмон бўлсалар, кейингилари устоз, ўқитувчи ва шогирд яҳудийлардир. Чунки кўп ҳикоятларда Сулаймон пайғамбар ҳикоятлари тўпламидан парчалар келтирилади. Лекин муаллиф исавийлиги сабаб ҳикояларни исавия дини нуқтаи назаридан якунлайди. П. Алфонс асарининг шунчалик муваффақияти фавқулодда ҳолат эмас, балки табиий эди. Чунки исавия динининг дунёвий ҳаётдан бездириш, дарбадарликка ундаш таълимотига зид ўлароқ, бу асарда ҳаётбахшлилик кучли эди. Ҳаётда учраб турадиган турли ҳолатларга диний абстракт тушунчалар эмас, балки дунёвий, ҳаётий, ҳар куни йўлиқиши мумкин бўлган воқеалар қарама-қарши қўйилади. Асарда оддий ўрта ҳол одамларнинг ҳаётга соғлом, оқилона муносабатлари, Шарқ халқларига хос бўлган одоб, ахлоқ нормаларига риоя этишлари тарғиб этилади.

XIII аср охирларида Италияда муаллиф номисиз "Новеллино ёки юзта қадимий ҳикоялар" тўплами пайдо бўлди. Тўпламга жамланган юз ҳикоянинг мазмуни турлича, лекин Шарқ ҳикоятлари ҳам киритилган. Бу ҳикоятларда Алфонс ҳикоятларининг таъсири кучли экани сезилади. Уларда қисқа, қизиқарли воқеалар тасвирланиб, насиҳатомуз хулосалар чиқарилади. Худди ана шу "Новеллино" таъсири остида Боккаччо номини жаҳонга таратган "Декамерон" яратилган эди.

Ўрта асрларда испан ва, умуман, Оврупо адабиётига ҳам жанр, ҳам услуб, мазмун жиҳатдан, айниқса, кучли таъсир этган асар III—IV асрларда санскрит тилида яратилган ҳикоялар тўплами "Панчататра" бўлди. Асар VI асрда паҳлавий, VIII асрда араб тилига "Калила ва Димна" номи остида таржима қилинди. Кейинчалик араб тилидан XI асрда грек, XII асрда яҳудий, XIII асрда лотин, 1251 йилда Алфонс X топшириғи билан испан тилига ва сўнгра деярли ҳамма оврупо тилларига ағдарилди. Ҳозир унинг турли тилларга қилинган 200 дан ортиқ таржимаси мавжудлиги аниқланган. Словакиялик олим М. Галик академик С. Ф. Ольденбургга суянган ҳолда "Панчататра китоб дунёсида Библиядан кейинги энг кўп тарқалган асар. У ўрта аср ва Уйғониш даври адабиёти ривожига шунчалик таъсир этдики, буни Шарқ адабиётининг бирорта асари ҳақида айтиб бўлмайди",[18] дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарнинг испан варианти Абдулло Ибн Муқаффа таржимасидан фарқланмайди, ҳар ҳолда испан таржимаси лотин вариантига нисбатан араб оригиналига яқин туради. "Калила ва Димна" таржимаси билан айни вақтда "Аёлларнинг ҳийла ва фирибгарликлари" номи остидаги тўплам ҳам кастилия тилига ағдарилган эди. Бу тўпламнинг мавзуи тор ва унда насиҳатомуз хулосалар йўқ эди. Бу асар нафақат оврупо, испан адабиётида ҳам сезиларли из қолдирмади.

Донишманд Алфонс ўзи олим, адиб бўлиб, илмий асарлардан ташқари бадиий асарлар ҳам яратган, адабиётнинг ривожига раҳбарлик қилган. Унинг даврида "Ўн икки донишманд", "Фалсафанинг гуллари", "Бониум ёки олтин таомлар", "Сирлар сири" каби ахлоқий-сиёсий ва ахлоқий-фалсафий рисолалар ёзилган. Бу асарлар асосан шарқдаги адаб ҳақидаги рисолаларга тақлидан яратилган. Аммо энг асосийси уларнинг Оврупо маданияти, адабиёти ривожига таъсири катта бўлганлигидир.

Юқорида номлари зикр этилган асарлар ҳам композиция, ҳам мазмун, насиҳатгўйлиги жиҳатидан Шарқ адабиётининг характерли намуналари эди. "Калила ва Димна", "Клирикларга насиҳатлар"нинг киришида муаллифлар китобхонларга мурожаат этиб, баъзи нодонларга ўхшаб китобни тўғридан-тўғри ўқиб кетаверманглар, қайта-қайта ўқиб, мағзини чақиб, ўзларингга хулоса чиқаринглар, дейди. Худди ана шу мурожаатга кейинчалик испан адабиётида кенг амал қилинади (Хуан Мануэлнинг "Граф Лукanор", Хуан Руиснинг "Соф муҳаббат китоби" ва б.).

Испан фольклорида кичик-кичик, кулгили, қизиқарли, насиҳатомуз, бизнинг Насриддин Афанди ҳақидаги ҳикояларга ўхшаган, эшитувчини кулдирувчи ҳикоячалар кенг тарқалган эди (энг характерлиси "Дон Кихот"даги Санчо Пансанинг ҳикоят ва ҳикматлари). Бундай асарлар бошқа Оврупо мамлакатларида ҳам кўп учрайди. Аммо буларда панд-насиҳат элементи оз, бори ҳам қизиқарли мазмунни оқлаш учун сунъий равишда киритилган. Педро Алфонс асарининг ҳар бир ҳикояси бошланишида насиҳатомуз моҳияти яққол билинади, охирида эса албатта хулоса берилади.

"Калила ва Димна"нинг насиҳатомуз руҳи, бу жанрнинг Оврупо китобхони учун янгилиги асар муваффақиятини аниқлаб берди. Бу асар "Клирикларга насиҳат"дан деярли бир аср кейин таржима этилган бўлсада, давр маданияти, тарбиявий аҳамияти жиҳатидан бири

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчисини тўлдиради. Ҳикояларга, одатда, оддий кишиларга мўлжалланган адабиёт деб қаралишига қарамай, ҳар иккала тўпламнинг ўз даври учун аҳамияти беандоза эди. Ҳар иккала тўплам аввал испан, кейинчалик эса умуман Оврупо адабиётида насрий жанрнинг, айниқса ҳикоянинг адабий жанр ҳолига келишида моҳияти катта бўлган. Аввалига асосий мазмунга қистирма ҳикояларни жойлаштириш, Шарқ адабий анъанасига тақлидий асарлар яратиш фақат испан адабиётида кенг тарқалиб, кейинчалик бошқа халқлар адабиётида ҳам учрайди: король Санчонинг "Ҳужжатлар ва топшириқлар" (XIII аср охири), "Рицар Сифар ҳақидаги китоб" (XIV аср боши), Санчес де Версиальнинг "Намуналар китоби" (XIV аср охири) ва энг характерли намунаси Хуан Мануэлнинг "Граф Луканор" (1328—1334 йиллар) асари эди. Кейинчалик эса Италияда "Новеллино (XIII аср) Англияда "Кентерберия ҳикоялари", Боккаччонинг (1313—1375) "Декамерон"и, Францияда Маргарита Наваррскаянинг (1492—1549) "Гептамерон" асарлари, ҳатто "Дон Кихот" ҳам шулар жумласидандир.

Ўрта аср испан ёзувчиси Дон Хуан Мануэл (1282—1344 йиллар) Кастилия ва Леон короллари авлодидан бўлиб, бир неча йиллар короллик вазифасини ҳам адо этган, арабларга қарши курашда фаол иштирок қилган, тинибтинчимас, урушқоқ рицар бўлиш билан бир қаторда ўн икки асарнинг муаллифи ҳамдир. Афсуски, уларнинг бир қисми сақланиб қолган, холос. Улар орасида "Рицар ва қурол ташувчи ҳақида китоб" айнан Педро Альфоне асарига тақлидан ёзилган, асосий мазмунга панд-насиҳат руҳидаги бир қанча ҳикоялар қистирма этиб жойланган.

Мануэлга шуҳрат келтирган энг йирик асари "Граф Луканор" эди. Бу асар ҳам Педро Алфонс асарларининг айнан тақлиди. Испанияда ўз вилоятини мустақил идора этувчи графларнинг бири бўлмиш қадимий испан аристократи, вилоят ҳокими ҳурматли граф Луканор давлат ва шахсий ҳаётда ўзи ҳал этишга қийналган масалаларда вазири Патрониодан маслаҳатлар сўрайди. Вазир тўғри жавоб ўрнига саволга мос келган ҳикоят, масал, ҳаётдан олинган воқеани айтади. Шунга кўра граф бир қарорга келади. Ҳикоятлар элликта, улар мазмун жиҳатидан турлича — мамлакат тарихи, Шарқ ҳикоятлари, халқ оғзаки ижоди, масаллар, баъзида тайёр асарлардан, масалан, Педро Алфонснинг "Клирикларга насиҳат"идан олинган. Уларнинг кўпчилиги панд-насиҳат характерида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мануэл асари ҳам жанр, ҳам мазмун жиҳатидан "Клирик насиҳатлари" асарига яқин. Ҳар иккаласида ҳатто бир хил масал, маталлар ҳам келтирилган. Аммо ҳар бири ўз даврининг маҳсули сифатида ўзига хос, яъни икки аср фарқланган давр урф-одатлари, ҳаёти тасвирланади. Ҳар иккала асарнинг "Минг бир кеча" таъсири остида яратилгани яққол кўзга ташланади. "Граф Луканор"га киритилган ҳикоялар ҳам мазмун, ҳам услуб жиҳатидан Шарқ ҳикоятлари, "Минг бир кеча" ва унга тақлидан яратилган асарларни эслатади"[19]. Асардаги ҳикояларнинг бир қанчалари "Новеллино", "Декамерон", "Кентерберия ҳикоялари", "Гептамерон" каби асарларга кўчган. "Граф Луканор" 1575 йил Парижда чоп этилган. Дон Хуан Мануэл асари "Клирикларга насиҳат" билан бир қаторда Оврупо адабиётида асосий мазмунга қистирма ҳикоялар бериш туридаги асарларнинг пайдо бўлишида ҳал этувчи роль ўйнаган.

Испан адабиётида асосий мазмунни қистирма ҳикоялар билан бойитишга асосланган жанр кейинчалик шу даражада ривожланиб камолотга эришадики, Дон Хуан Мануэлнинг "Граф Луканор"ида ҳаммага маълум бўлган ҳикматлар ҳар бир ҳикоянинг асосий мавзуига айланади. Хуан Мануэл асарига киритилган ҳикоя, воқеаларнинг бир қанчаси кейинчалик жаҳон адабиёти дурдоналарининг намунасига айланади. "Граф Луканор"нинг 45-бобида "Маврлар тўйи" деб номланган ҳикоя бор. Инглиз олими Жон Малкольм шунга ўхшаш мазмунни исломгача бўлган форс оғзаки ижодидан топиб, унинг арабча таржимасидан икки бет кўчирма олган. Бу олимнинг фикрича, тантиқ, ўжар қизни тарбиялаш Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган ҳикоятдир.[20] Мануэл ҳикоясининг куёвлар можароси қисми даставвал Уйғониш даври итальян шоири Ариосто (1474—1533) томонидан достон сифатида ишланган ва 1566 йил инглиз тилига ағдарилган. Кейинчалик Мануэл "Граф Луканор"да "араб ҳикояси асосида ёздим" деган "Маврлар тўйи" ҳикояси XVI асрда Англияда маълум бўлиб, "Бир қайсар аёлнинг ажойиб тарихи" номи остида баллада шаклида ёзилган эди. 1594 йил эса номаълум адиб томонидан "Бир қайсар хотинни бўйсундириш" номидаги комедия чоп этилган эди. Ҳар иккала асар "Граф Луканор"да келтирилган "Маврлар тўйи" ҳикояси таъсири остида яратилганлиги аниқ. Умуман Мануэл ҳикоясига яқин бўлган асарлар Оврупо халқлари адабиётида ҳам кўп учрайди.

Шекспирнинг "Ўжар қизнинг бўйсундирилиши" (Т. Тўла таржимасида "Қийиқ қизнинг қуйилиши") комедияси

www.ziyouz.com kutubxonasi

1594 йил чоп этилган асар асосида ёзилиб, илдизи Хуан Мануэл асари, араб варианти ва форс фольклорига бориб тақалишини аниқладик.

Испан драматурглари Лопе де Вега, Кальдеронлар ҳам "Граф Луканор", "Клирикларга насиҳат" асарларидан кўп фойдаланганлар. Испан адабиётида Шарқ, араб адабиётидан фойдаланиш шунчалик кенг тус олган эдики, ҳатто XVI аср охирида Сервантес "Дон Кихот"да асар мазмунини араб тилида ёзилган "эски дафтарлардан олдим", "улар араб тарихчиси Сид Аҳмат Бенинҳоли" томонидан ёзилган эди"[21] дейди.

Қистирма ҳикоялар испан адабиётида фақат махсус жанр ҳолида бўлибгина қолмай, деярли ҳамма насрий жанрларга ҳам киритилади (Сервантес — "Насиҳатомуз ҳикоялар", Фернандо Рохас — "Селестина" ва б.). Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, испан адабиёти намуналарида панд-насиҳат элементи бошқа адабиётлар намуналарига ("Декамерон", "Гептамерон") нисбатан кучли.

Испанияда дидактик характердаги ҳикоялар тўпламларининг кўплаб пайдо бўлиши бу мамлакат халқларининг ижтимоий ва маданий тараққиёт даражасида шу жанрга эҳтиёж бўлганидан. Кўп асрлар давомида турли Шарқ халқлари билан ёнма-ён яшаган испан халқи психологияси, маданий тараққиёт даражаси, маънавий талаби жиҳатидан Шарқ халқларига яқин эди. Овруполик олимларнинг бундай руҳий яқинликни тан олмасликларига қарамай, Шарқ адабиёти анъанаси бошқа Оврупо мамлакатларига қараганда Испания-Андалусда кенг илдиз отди. Ҳикояларнинг насиҳатгўйлик характери на Италия ва на Францияда бу даражада эмас. Испан ҳикоясига хос бўлган бу хусусият кейинчалик минтақада яратилган ҳамма насрий асарларда ҳам ўз аксини топди.

Ҳақиқатан шеъриятдаги таъсирга нисбатан насрий асарлардагиси шунчалик очиқ-ойдинки, буни инкор этишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шарқ адабиётига тақлидан ёзилган илк испан насри, айниқса, Педро Алфонс ва граф Мануэл асарлари итальян, француз ва инглиз насрий асарлари, айниқса, ҳикоя жанрининг шаклланиши ва ривожида асосий омил бўлди. Ҳатто XVI аср ва XVII аср бошларида яратилган асарлар ("Гаргантюа ва Пантагрюэль", "Дон-Кихот") ҳам бу баракали таъсирдан баҳраманд бўлдилар.

Араб Испаниясидаги ажойиб ҳаёт тарзини Италияга ҳам ўтганини қуйидаги парча аниқ характерлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XII—XIII асрларда яшаб ижод этган Пармалик (Италия) монах ёзган хроникада Пизада бир ҳовлига тиламчилик қилиб киргани ва ундаги ажойиботлар, шарқона ҳаётни қуйидагича тасвирлайди: "Ям-яшил токнинг сояси ҳузур бахш этар, у ерда паланглар ва ажойиб ҳайвонлар юрарди... У ерда ёш йигит-қизлар, гўзал кийинган, хушмуомала, қўлларида мусиқий асбоблар, ажойиб латофат билан ёқимли куйлар чалар, ажойиб ашулалар айтар эдилар. Ҳамма фақат тинглар, ҳеч ким қимирламас ва гапирмас эди. Мусиқа ва ашула ижро этиш усули киши қалбига ором бахш этарди... Мен билмайман, бу ажойиб кўриниш қаердан келди, чунки на аввал ва на кейин бундай ҳолатни ҳеч кўрмаганман"[22]. Испания ва Сицилияда мусулмонларнинг яшаши натижасида Шарқ маданиятининг Оврупо мамлакатларига таъсири кучайди.

Мексикалик олим Америко Кастро Севильянинг улуғворлиги ҳақида шундай ёзади: Андалусда "Исавийларнинг ғолиб лашкарлари (1248 йил) ҳайратдан ўзларини тутолмаганлар. Исавийлар на санъат, на маиший ҳашамат, фуқаро ташкилотлари, ишлаб чиқариш, илмий ва бадиий ижоддаги дабдабали тараққиётни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда кўрмаган эдилар"[23]. Ҳақиқатан Ўрта асрдаги Оврупо мамлакатларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳолатига нисбатан Испанияда юқори савиядаги ҳашаматли моддий, маиший ҳаёт, яхши йўлга қўйилган давлат идораси, қонунчилик, обод, озода шаҳарлар, дабдабали, улуғвор бинолар, либослари гўзал, шай, саводли, ўқимишли, хушмуомала фуқаролар, умуман юксак маданият мавжуд бўлган. Шуларни тан олган ҳолда У. М. Уотт ва П. Какиаларнинг Испания тарихининг мусулмонлар ҳукмрон бўлган даврини "инсоният ҳаётидаги буюк даврларнинг бири дейишга ҳақлимиз"[24] деган фикрига мутлоқ қўшиламан.

Оврупо халқлари учун Шарқ буюк душман ва айни замонда ўзлаштиришга арзигулик, ўша даврга нисбатан олий моддий ва маънавий манба вазифасини бажарган.

Агар Шарқ халқлари маданиятидан Оврупо иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиётида нималарни олгани рўйхатини тузсак, узундан-узоқ бўлар эди. Масалан, давлат тузуми, қонунчилик, илм-фан, фалсафий концепциялар, техника, адабиётда бадиий шакл ва мазмун, меъморчилик тасвирий санъатдан тортиб то кундалик ҳаётда лозим бўлган майда-чуйда буюмлар, кийимлар, ҳатто дастрўмол, емак-ичмак, лимонадгача, оддий озодагарчилик — ювиниш, қўл ювиш ва ҳоказо,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқорида номини тилга олганимиз Ҳорун ар-Рашиднинг хонанда ва созандаси Зирйаб ҳатто зиёфатларда таомлар тортиш, қайси озиқ-овқатдан қандай таомлар ва уларни қандай тайёрлаш тартибини ўргатган. М. Уоттнинг "Исломнинг ўрта аср оврупосига таъсири" асарининг муҳаррири фалсафа тарихининг мутахассиси, проф. А. Сагадеев шундай деб ёзади: "Зирйаб аввал суюқ таомлар, кейин гўштлик овқатлар, кейин қушнинг зираланган гўшти ва, ниҳоят, зиёфат ширинликлар, пиширириқлар билан тугайди деб ўргатган". Ҳақиқатан Зирйаб киритган қоида ҳозир ҳам кўпчилик халқлар томонидан қўлланиб келинмоқда. Умуман овруполикларнинг ўша даврдаги таомида ҳақиқатан турли хиллик бўлмаган, айниқса, қишда тузланган гўшт ва тузлаб қуритилган балиқдан бошқа таом бўлмаган. Турли-туман таомлар тайёрлашни шарқликлардан ўрганганлар. Аввалари улар ҳатто шакар, қандни ҳам билмаганлар. Овруполиклар шарқ ширинликлари ва шакар билан танишганларидан кейин таомлари мутлоқ ўзгарилади. Ҳаттоки улар битта кийимни қишу-ёзин кийган. Фаслларга биноан кийим кийиш, одам ўзига қараб юриш, соч-соқолларни текислаш, аёллар пардоз-андози ҳам Шарқдан ўтган. Булар ҳақида немис олимаси Зигрид Хунке "Шамс ул-Арабия" номли тадқиқот ёзган. Афсуски, муаллиф бутун Шарқ, Испаниядан тортиб то Хитой чегарасигача бўлган халқларни "араб" деб атайди.[25]

Шарқ халқларида мусиқий асбобларнинг турли-туманлари кўплаб қўлланилган. Табиийки, бир қанча асбоблар араблар орқали Испанияга, ундан бошқа халқларга ўтган. Масалан, "ал-уд"— лютня, "дутор"— гитара, "рабаб"— ребек, "ат-табар"— литавр ва ҳ.к. Мусиқа назарияси ҳақида Шарқда яратилган рисолаларнинг баъзилари (Форобий) лотин ва яҳудий тилларига ағдарилган эди.[26]

X—XI асрларда Испанияда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, уни тайёрлаш усули Самарканддан келтирилган. Сицилияда 1090 йили Рожер II давлат ҳужжатларини қоғозга ёздиради. Қоғоз ишлаб чиқариш бошқа Оврупо мамлакатларида эса фақат XIV асрда йўлга қўйилади, холос. Қоғоз ишлаб чиқариш испан жамоатчилиги маданий ҳаётида катта ўзгариш ясади — ҳар бир саводли одам учун ўз китобига эга бўлиш имкони яратилди. Бу эса илм-фан, дин, бадиий адабиёт асарларини кенг омма ўртасида тарқатишни осонлаштирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оврупо мамлакатларида Шарқ маданияти, илм-фан ва адабиётининг тарқалиши ва таъсир этишида Сицилия оролида ҳукмронлик қилган Гогенштауфенлар сулосанининг хизмати ҳам катта бўлди.

692 йил араблар Сицилия пойтахти Сиракузага ҳужум қилиб анчагина ўлжа билан қайтадилар, кейинчалик бундай ҳужумлар бир неча бор такрорланади. 827 йили Ифриқия (Турис)даги Аббосийлар ҳокими Аглабид Сицилияни ўзлаштиришни режалаштиради. Натижада 831 йил Палермо, 843 йил Месина, 878 йил Сиракуза, бутун орол 902 йил босиб олинади.

Сицилияга арабларнинг кириб келиши Италияга ҳам йўл очади. Италиядаги майда давлатларнинг ҳокимлари ўртасидаги ўзаро низолар арабларнинг Италияга кириб келишини осонлаштиради. 837 йил Неаполь, 841 йил Адриатик денгизидаги Бари ороли араблар томонидан босиб олинади. 846—849 йиллари Римга ҳужум қилиб, босиб олиш хавфини туғдирадилар, аммо чекинадилар. Сўнгги йилларда топилган архив ҳужжатларига биноан Рим папаси Иоаин VIII (872—882) икки йил давомида мумулмонларга бож тўлаган.[27] Бутун IX аср давомида Марказий Италияда араблар билан исавийлар тўқнашувлари давом этган.

IX асрда араблар Альп тоғларидан довон ошиб бир неча бор Шимолий Италияга ҳам ҳужум қиладилар. Фақат аср охирида бу вилоят Византияга бўйсундирилгач, араблар ҳужумни тўхтатадилар. 909 йил Мисрда ҳукмрон бўлган Фотимийлар Ифриқиядан Аглабидларни қувиб ўз ҳукмдорлигини ўрнатгач, Сицилия янги ҳокимлар қўлига ўтади. 948 йил Фотимийлар томонидан Сицилияга тайинланган ҳоким асосан мустақил иш олиб борган. У Калбитлар сулоласининг асосчини бўлиб, бу сулола даврида оролда иқтисодий, маданий ҳаёт анча ривожланади, Шарқ маданияти кенг илдиз отади.

XI асрнинг биринчи ярмида Франциянинг шимолишарқида жойлашган Нормандия рицарларининг кўпчилиги Жанубий Италия шаҳарларига ёлланма аскар сифатида жойлашадилар. Бир неча юз рицар Роберт Гискар бошчилигида Норман князлигини ташкил қилади. 1060 йил Робертнинг укаси Рожер Сицилия оролига ҳужум қилиб, Мессинани араблардан озод қилади, 1091 йил эса бутун оролни босиб олади. Норманларнинг жанубий Италия, айниқса, Сицилияда олиб борган сиёсати оролни озод қилишгина эмас, балки уларни ривожланган моддий ҳаёт ҳам қизиқтирган. Рожер оролни идора этар экан, уни на

www.ziyouz.com kutubxonasi

ислом дини, на маданияти таъсири қизиқтирмади. Ўрнатилган тартибни ўзгартириш Рожер, Рожер II (1130—1154) ва унинг набираси Фридрих II Гогенштауфенларнинг хаёлига ҳем келмади. Улар, аксинча, Шарқ маданияти таъсири остида бўлдилар. Шунинг учун замондошлари уларни "Сицилия оролининг чўқинтирилган султонлари" деб атаганлар. Улар иқтисодий, ижтимоий сиёсатда араблар ишини давом эттириб, араб давлатлари, айниқса, Миср билан яқин алоқада бўлдилар. Миср шоҳи Салоҳиддин (Оврупода Саладин) Фридрих II нинг яқин дўсти бўлган.

Рожер II ва Фридрих II лар Сицилияда Шарқона ҳаёт тарзини ўрнатадилар. Испания халифаларининг Кордовадаги ҳаёти уларга намуна бўлади, араб тилида сўзлашадилар, шарқона либослар киядилар. Улар саройида ашулачи ва раққоса канизаклар ҳам бўлган. Саройда ғазалхонликлар, қасидалар ўқиш одат тусига кирган. Королларнинг маслаҳатчи ва амалдорлари ҳам мусулмонлардан бўлганлар.

Шарқдан келган олимлар орасида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Идрис алоҳида ўрин эгаллайди. У араб тилида ижод этган олимлар орасида энг истеъдодлиги бўлмаса-да, Рожер II нинг топшириғига биноан ёзган асари "Нузхат ал-муштоқ фи-хтифоқ алофоқ" билан жуғрофия фанининг ривожига ҳисса қўшган эди.

Олимнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар оз. У амир Али Идрис авлодидан бўлиб, бобокалонлари Марокашдаги Сеута, Фес шаҳарларига ҳокимлик қилганлар. Лекин олимнинг ота-боболари оддий аристократ сифатида Сеутада яшаганлар. Идрисий 1100 йилда шу ерда дунёга келган. Кордова университетида таълим олган, кўп саёҳат қилган, қизиғи шундаки, у ҳеч ким бормаан жойлар — Франция, Англия, Кичик Осиёларда бўлган. Сицилияда узоқ вақт яшаб, 1165 йил Сеутада вафот этган. Асосий асарини ҳам Палермода, Рожер II нинг топшириғи билан ёзади. Шунинг учун кўпинча Идрисий асари "ал-Китоб ар-Ружжарий" деб ҳам аталади.

Идрисий Фарғонийга суянган ҳолда ер куррасини шар ҳолида этиб тасвирлайди, етти иқлимга етти харида беради. Идрисий Рожер II нинг ўғли Вильгельм I учун ҳам жуғрофия асари "Рауд ал-унс ва нузхат ан-нафс" асарини ёзади, лекин бу китоб сақланиб қолмаган.

Оролнинг пойтахти Палермо ва, айниқса, корол саройи ўша давр Ғарб ва Шарқ элементларини ўзида мужассам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаштирган ва Оврупонинг энг йирик маърифат марказларининг бирига айланган эди. Испаниядаги араб маданияти билан бир қаторда Палермо таъсири деярли Италиянинг ҳамма минтақасига ўтган. Сицилия короли Рожер II шоир, араб маданиятининг мухлиси бўлиб, шарқлик муҳандисларни чақириб саройлар қурдиради, атрофига араб тилида ижод этувчи шоирлар, олимларни жалб этади, грек ва араб олимлари асарларини араб тилидан лотин тилига ағдартиради. Шотландиялик Михаил Скотт Фридрих II учун Аристотел, Ибн Сино ва Ибн Рўшд асарларини лотин тилига таржима қилади. Араб шоирлари маърифатпарвар королга мадҳиялар ёзадилар. Королнинг энг ишонган ҳарбий кучи Шарқдан таклиф этилган жангчилар бўлган.

Рожер II нин иг она томонидан қариндоши ва вориси Фридрих II Гогенштауфен (1194—1250) унинг сиёсатини давом эттириб, Шарқ маданиятининг мамлакатда кенг тарқалишига ҳомийлик қилади. Унинг саройида черков таққиби остида бўлган бидъат таълимотлари тарафдорлари, турли миллат вакиллари бўлган олимлар, грек, араб тили таржимонлари, шоирлар тўпланган эдилар. Королнинг ўзи эса ҳур фикрловчи, худосиз деб ном чиқарган эди. Яҳудийлик, исавия, мусулмон динларининг асосчилари ҳақидаги "Уч алдоқчи" рисоласини Фридрих II га нисбат берадилар. Миср, Сурия ва умуман Шарқ мамлакатларидан келган олимлар, файласуфлар араб лашкарлари қуршовида яшаган. Миср султони Салоҳиддиннинг яқин дўсти бўлган Фридрих II муқаддас Рим империясининг ҳукмдори эмас, балки Шарқ мамлакатлари Султонларининг бирига ўхшар эди. Фридрих II Италиянинг мутлоқ ҳокими бўлиш мақсадида Рим империясига қарши курашади. Ҳақиқатан Фридрих II Германия ва муқаддас Рим империясининг императори бўлишга муяссар бўлади. Лекин унинг хатти-ҳаракатлари Рим папасига ёқмас, натижажа императорни худосизга чиқариб, ўзи билан ўғилларини черковдан бадкарда қиладилар, империяни эса "Шайтон империяси" деб эълон этадилар. Аммо буларнинг ҳаммаси Фридрих II нинг салб юришларида иштирок этишига ҳеч тўсиқлик қилмайди. У Синай ярим ороли, Қуддуси шарифни, у ерлар табиатининг бефайзлигини кўриб, "худо бундай қашшоқ жойда туғилмаслиги керак эди", дейди.

Социлия саройида араб, яҳудий, итальян, француз олимлари тўпланган бўлиб, таржимонлар катта ишларни амалга оширадилар. Араб тилидан Аристотелнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Хайвонлар ҳақида"ги ўнг тўққиз китобдан иборат асари, испаниялик файласуф Муҳаммад Ибн Рўшднинг Аристотел асарларига ёзган шарҳлари, Ибн Сино асарлари лотин тилига ағдарилади. Умуман олганда, Сицилия аверроизмнинг дастлабки марказига айланган эди. Палеро саройида турли илмий-фалсафий масалалар, моддий дунёнинг абадийлиги, инсон руҳининг боқий ва фонийлиги, фалсафа ва дин муаммолари ҳақида баҳслар бўлиб турарди.

Испаниядан кейин Сицилия Шарқ маданияти, илм-фани, фалсафасини Ғарб маданияти билан уйғунлаштирувчи маърифат макони ҳисобланарди. У Шарқнинг Ғарбга таъсир этиш тармоқларининг бири бўлган.

Палермо саройида лотин, араб, француз, прованс, яхудий, итальян тилларида шеърлар ёзилади. Император Фридрих II ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлиб, яхшигина шоир ҳам бўлган, итальян тилининг бир лаҳжаси бўлмиш сицилия тилида ижод этган.

Буюк итальян шоири Алигъери Данте саройдаги шоирлар ва уларнинг ҳомийси ФридрихII ва унинг ўғли шаҳзода Манфред ҳақида қуйидаги сўзларни ёзган: "Қалби олижаноб ва шоирлик маҳоратига эга бўлганлар бу буюк ҳокимларга яқинлашувга интиладилар ва ўша даврда Италияда яшаган ҳамма тафаккур эгалари қандай ишларни амалга оширган бўлсалар, улар худди анашу буюк ҳукмдорлар саройида вужудга келди: корол пойтахти Сицилияда бўлгани учун, табиийки, бизнинг илкдошларимиз халқ тилида нимаики ёзган бўлсалар, Сицилия тили, деб атала бошланди".[29] Ҳақиқатан, Фридрих саройида ижод этган шоир Генуя, Тоскано, жанубий италиялик бўлсаларда, анъанага кўра Сицилия лаҳжасида ижод этганлар. Булар Жакомо де Лентини (XIII асрнинг биринчи ярми), Одо делле Колонне (1210—1280), Пьеро Делла Винья (вафоти 1249), Жакомино да Апулий, Ринальдо Аквино, Энцо (1242—1272), Стетран Протонотарий ва бошқалар. Ҳатто Шимолий Италияда XIII асрнинг иккинчи ярмида яратилган халқ ашуласида ҳам анъанага кўра Сицилия сўзлари ишлатилган.

Сицилия шоирларининг дастлабкилари король Роже II даврида саройга жалб этилган бўлиб, улар ҳақида маълумотлар сақланмаган. Сицилияда адабий жараён, асосан XIII асрнинг биринчи ярмида, Фридрих II ва Манфред даврида, айниқса, ривожланди.

Сицилия шоирлари ижоди араб ва Франциянинг жанубидаги провансал шеърияти таъсири остида шаклланди

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва уларнинг анъанасини давом эттирди. Шеър техникаси, лексика, бадиий иборалар шартлилиги Шарқ шеъриятидан прованс трубадурлари орқали Сицилия шеъриятига ўтган. Сицилия шеъриятида яратилган сонетлар жаҳон леъриятига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бу жанрнинг дастлабки ижодкорлари Жакомо да Лентини, Пьеро делла Винья, Тиволилик Аббат ва Якоб Мостаччилар эдилар. Канцона ва баллада жанрларида ҳам улар провансликлар анъанасига эргашадилар.

Гогенштауфенлар саройида бўлиб ўтадиган фалсафий баҳсларда шоирлар фаол иштирок этганлар. Бу баҳсларда муҳаббат муаммоси шоирларни, айниқса, қизиқтирган. Қадимги юнон мифологиясида ишқ маъбуди Амур бўлса, Сицилия шоирларида ажойиб аслзода, лекин у ҳам Амурга ўхшаб шафқатсиз. Сицилия шоирлари муҳаббат ва Амор (Амурни шундай атаганлар) ҳақида кўплаб сонетлар ёзганлар. Шоирларнинг бири Аморни шундай характерлайди: "Муҳаббат — қувончга тўлиб тошган қалб истагидир; кўз муҳаббат уйғотади, қалб эса униозиқлантиради". Сицилия шоирлари ўртасида келиб чиққан Амор муаммосини Алигъери Данте давом эттиради. Ишқ маъбудининг тимсоли ҳақидаги тушунчага аниқлик киритишда Сицилия шоирлари Прованс шоирлари ижоди, Шарқ адабиёти ва фалсафасидан (Ибн Синонинг "Рисола фи-л-ишқ") фойдаланадилар.

Сицилия шоирлари шеърларида халқ оғзаки ижодига яқинликни ҳам кўрамиз (Ринальдо Аквино, Чело Д'Алькамо). Жанубий Италияда араблардан ўтган қасида ва унга тақлидан яратилган асарлар шаҳарликлар томонидан севиб айтилар эди. XII—XIII асрларга келиб бу ерларда зажал ҳам кенг тарқалади. Натижада жанубий Италия шеъриятида Шарқ адабиётига хос метафоралар ҳам ишлатилади: "Даричада ой кўринди", "Маҳбубам шунчалик нурафшонки, Трамонтанонинг чақмоғини эслатади" ва ҳоказо.

Умуман олганда, Жанубий Италия шеъриятининг шаклланишида Сицилия, Шимолий Италия шеъриятининг тараққиётида провансал адабиёти ҳал этувчи роль ўйнаган.

XII асрга келиб Оврупонинг илғор мамлакатлари бўлмиш Италия ва Францияда феодал тузуми шаклланиб бўлади. Феодал аристократияси, рицарлик ўзининг сиёсий, ижтимоий ва маданий мавқеини ўрнатади. Эндиликда рицарларнинг қаҳрамонлик идеалига эстетик идеал ҳам қўшилади. Бу жараёни салб юришлари тезлаштирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Овруполиклар Испания ва Сицилияда кўриб, салб юришларида, мусулмонлар билан учрашувлари натижасида ўзларининг ўта қолоқликларини англаб етадилар. Шарқ мамлакатларида техника Оврупога нисбатан бир неча баробар олдинда эди. Ҳаёт тарзи, иқтисод томонидан ҳам овруполикларнинг ҳаёти анча ночор эди. Лекин ҳарбий кучда ҳар иккала томон деярли баробар келади. Аммо исавийларда мусулмонлардан қўрқув кучли эди. Иккинчи томондан, жаҳоннинг учдан икки қисми — Осиё ва Африка ҳам Оврупонинг бир қисми мусулмонларники, исавийлар эса мусулмонларга нисбатан оз ерларнинг эгаси. Бу ҳол, ўз навбатида, христианларни руҳан эзар ва камситар эди.[31] Худди ана шу хусусият салб юришларни келтириб чиқарди. Салб юришларига мафкуравий тайёргарлик ислом таълимотини бузиб, ўта ёмонлаб тасвирлашдан бошланди. Шарқ мамлакатларига юриш баҳонаси худо қабри Қуддуси шарифда деб ҳисобланиб, Исо пайғамбар ҳокини "ғайридан" мусулмонлардан қутқариб, муқаддас шаҳар Римга олиб келиш бўлса, аслида Шарқнинг бой шаҳарларини талаш эди.

Биринчи ва энг йирик салб юришлари 1096—1099, учинчиси 1189—1192 йилларда бўлади. Ғарб билан Шарқнинг майда тўқнашувлари тарзида ўтказилган салб юришларини француз короллари раҳбарлигида Рим папаси уюштиради. Шуниси ажабланарлики, салб юришлари фақат ислом мамлакатларигагина эмас, балки исавия динига эътиқод қўйган Византияга қарши ҳам уюштирилган. Рим папаси бу ҳаракатни исавия динининг проваславия мазҳабига қарши юриш, асли дин католик мазҳаби, проваславия эса бидъат деб эълон қилади. Асли мақсадни эса Вольтер ва бошқа маърифатчи тарихчилар очиб ташлайдилар.

Салб юришларининг Оврупо мамлакатлари ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти учун моҳияти ниҳоятда катта эканлигини илк бор буюк француз файласуфи ва адиби Вольтер (1694—1778) таъкидлаган эди. Унинг фикрича, салб юришлари инсоният тарихида хуннлар, готлар, бургундлар, вандаллар, кейинчалик арабларнинг ва турклар истилолалари билан бир қаторда туради.[32] Иккинчи томондан, салб юришлари бошланиши сабабларини жуда тўғри талқин қилади: "Бу муҳожиротни дин, очкўзлик, ҳарислик, бетоқатлик келтириб чиқарди" 33 Вольтер салб юришларининг сиёсий, иқтисодий сабабларини ҳам очиб беради: Рим папаси Урбан II нинг асл мақсади "Исавия дунёсида бош раҳбар бўлиш, грек черко-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вининг рақиби, шарқий императорларнинг (Византия кўзда тутилмоқда — *Ф. С.*) душмани бўлди, у Герман императорларининг ҳам душмани эди". "Грекларга ёрдам бериш фикридан узоқ бўлган папа Шарқни ўзига бўйсундирмоқчи", "жаҳон мустабид тузумига раҳбарлик қилмоқчи эди". Вольтернинг таъбирига кўра, "бесаранжом, жанжал ва урушларни ёқтирувчи, жиноятларга кўмилиб кетган... аъвом ва фахш ишларга берилиб кетган рицарларнинг асосий мақсади бой шарқ халқларини талаш эди".[34] Вольтер Рим папаси ва руҳонийларнинг асл мақсади дин ва исавия динига мансуб одамларни ҳимоя қилиш эмаслигини фош этади. Худди ана шунга яқин фикрлар француз тарихчиси Б. Ж. Майи (1724—1794), инглиз маърифатпарвар тарихчиси Э. Гиббон (1737—1794), шотланд тарихчиси В. Робертсон (1721—1793), немис файласуфи И. Г. Гердер (1744—1803), немис шоири Ф. Шиллер (1759—1805), Гегель, Делакруа, Жерарден, Геллер, Лейбниц, Зибель кабилар ҳам Рим папаси, уни қуршаган руҳонийлар, француз короли, аслзодаларнинг салб юришларини уюштиришдаги мақсадларни очиб берадилар. Византияга қарши юришлар ҳақиқатан қолоқ, қашшоқ Оврупонинг юксак маданиятли, иқтисодий жиҳатдан илғор мамлакатни тобе қилиш ва талаш мақсадида уюштирилган эди.

Майининг фикрича, салб юришлари иштирокчилари "номаи-аъмолсиз, интизомсиз, ахлоқ-одобсиз оломон... ярамас ифлослар", "дарбадар, ўғри, юз минг девоналар тўдаси", "икки юз минг қотиллар", "қабиҳ, қашшоқ" дайдилар тўдаси"[35]. Гиббон эса салбчилар "аъвом ва қўпол қишлоқилар", "ўғрилик, ичкиликбозлик, зинокорликка берилган оломон", "очкўз аламзадалар тўдаси", "қароқчи ўғрилар", "яланғоёқ, жулдир кийимли бадавий, ёввойилар", "ваҳший ҳайвонлар тўдаси, уларда на инсонга шафқат, на ақл ва онг бор". "Улар Константинополга уч марта ўт қўйиб вайрон қилдилар",[36] дейди. Салб юришларининг оқибати ўта ачинарли экани ҳақида маърифатчи тарихнавислар шундай ёзадилар: Вольтер: — "Шарқ икки миллиондан ортиқ овруполикнинг қабристони бўлди", Майи: "Асосий мақсадни амалга ошириш йўлида ҳали бир қадам ҳам қўймай 300 минг одам ҳалок бўлди... Оврупо вайроналикка айланди... Оврупо узоқ вақт ўзини ўнглай олмади", Гиббон: "Салб юришларининг натижаси вайроналик ва Шарқдан олиб келинган мохов касаллиги бўлди", Гердер: "салб ташувчиларнинг ваҳшонияти Оврупонинг ўта кўп маблағи ва инсон ҳаёти эвазига бўлди" ва ҳ.к.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маърифатпарварлар масалага тарихий ёндошиш ўрнига кўпроқ ҳиссиётга бериладилар, салб юришларнинг асосий тарихий сабаби ва моҳиятини очиб беролмайдилар. Аммо улар асарларининг қиммати салб юришлари, Қуддуси шарифни ғайридинлардан озод этиш, Исо пайғамбар жасадини, ҳеч бўлмаганда ҳокини муқаддас шаҳар Римга олиб келиш борасидаги беъманигарчиликларини реалистик тасвирлаш, салб юришлар ташкилотчилари ва иштирокчиларининг афти-башараларини очиб беришдадир.

1806 йили Франция фанлар академияси "Оврупо халқларининг фуқаро эрклиги, маданияти, маърифатининг ривожи, саноат, савдосининг ўсишига салб юришларининг таъсири қандай бўлган?" деган мавзуда халқаро танлов эълон қилган. Унга жавобан Оврупо мамлакатларидаги тарихнавис олимлар қатор илмий асарлар яратганлар.[37] Бу ўринда тарихчилар фикри иккига бўлинади — прогрессив романтизм вакиллари Дайкур ва Ҳейерен ва бошқалар салб юришларининг Оврупода маданият ривожи учун катта ижобий моҳиятини таъкидлайдилар. Салб юришлари ҳақида ёзган деярли ҳамма муаллифлар юриш уюштирганларни "бадавий", "жоҳил", "қолоқ" ва ҳ.к. деб атайдилар. 1109 йили Тараблусда бутун Шарққа машҳур бўлган кутубхонанинг муқаддас армия лашкарлари томонидан ёндирилгани исбот тарзида келтирилади. Бунда юз минг, баъзи маълумотларга кўра уч миллион қўлёзма китоб сақланган.[38] Фақат реакцион романтизм мафкурачилари Шатобриан ва Шлегел ана шу воқеани маъқуллаб, салб юришлар ташкилотчилари ва иштирокчиларини мақтаб, кўкларга кўтариб, Шарқ халқларини золимликда айблайдилар. Буюк немис файласуфи Гегель (1770—1831) "Тарих фалсафаси" асарида Вольтер, Гиббон каби маърифатпарварларнинг салб юришларига бўлган муносабатини давом эттириб, салб юришлар Ғарбнинг Шарққа қарши уруши, черков, Рим папасининг мавқеини мустаҳкамлаш учун уюштирилган, аммо тескари натижага олиб келган ҳаракатдир,[39] дейди.

XVIII—XIX асрларда салб юришлари тарихини ёзган олимларнинг ҳаммаси бу диний урушлар келтирган беҳисоб фалокатлар билан бир қаторда, Оврупо халқларининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёти учун фойдаси бениҳоят катта эканини ҳам кўрсатганлар.

Салб юришларидан сўнг крепостной тузуми ўз-ўзидан барбод бўлди. Бу жараён анча-мунча ижобий ҳолатларни келтириб чиқарди. Феодал зодагонларнинг ўзбошимча

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳокимияти сусайгани, марказлашган мустабид корол тузуми мустаҳкамлангани, бечора оддий меҳнаткаш бир оз эркинликка, шаҳарлар ўзини ўзи идора этишга эришгани, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо алоқаларининг кенгайиши каби хусусиятларни кўрсатадилар. Вольтернинг фикрича, унинг натижасида савдо, ҳунармандчилик ривожланади. В. Робертсон эса "XI асргача Ғарбда феодал жамияти чуқур зулмат, авомликда яшаган, салб юришларидан бошлаб, улар туфайли тубдан ўзгариш рўй беради... Бу Оврупони узоқ вақтли уйқудан уйғотган, идора этиш ва ахлоқда мутлоқ ўзгаришга олиб келган воқеадир", дейди. Олим ўз фикрини давом эттириб ёзади: "Салбчилар кўплаб мамлакатлардан ўтар эканлар, турли муассаса, урф-одатларни кўрар эканлар, Шарқда ўзлари учун фойдали маълумотларга эга бўлдилар, уларнинг билим доираси кенгайди, хурофий одатлари камайди, ақлий доираси кенгайди, ўзларининг қўполликлари, авомликларини ўзлари сезиб қоладилар".[40] Маданиятнинг дастлабки нурлари салб юришлари иштирокчилари билан келди.

Тарихчи Майи эса салб юришлари натижасида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо йўллари ўрнатилиши, хўжалик ҳаётига Шарқнинг ижобий таъсири, умуман жамият ҳаётидаги ажойиб ўзгаришлар ҳақида ёзади.

Шиллер ҳам салб юришлари ўрта аср зулмати, жаҳолатининг маҳсули бўлиш билан, "шу жаҳолатни бартараф этувчи дастлабки нур", деган фикрга келади. Шоирнинг фикрича, "салб юришлари кетидан савдогарлар йўлга тушадилар ҳамда "Ғарб ва Шарқ ўртасида кўприк ҳосил қиладилар".[41]

Ҳақиқатан, Шарқ мамлакатларидаги марказлашган давлат тузуми, иқтисодий тараққиёт, йўлга қўйилган қишлоқ хўжалиги, юқори ривожланган ҳунармандчилик, ўзаро ва халқаро савдо алоқаларининг кенг ривожи, юксак маданиятнинг турли соҳаларда намоён бўлиши, ажойиб меъморчилик, санъат, адабиёт, илм-фан, техника, юксак ахлоқ, одоб, нозик дид, назокатли ҳаёт тарзи — ҳаммаси салб ташувчиларни ҳайратга солади. Юриш иштирокчилари Қуддуси шарифда Исо пайғамбар жасадини тополмайдилар, аммо кўп нарсаларга кўзлари очилади.

Салб юришлари даврида Шарқда энг йирик давлат Салжуқийлар салтанати эди. Унга кўплаб мусулмон мамлакатлари, ҳатто халифалик пойтахти Бағдод ҳам қарам эди. Бу улкан давлатнинг пойтахти Исфахон бўлиб, унга

www.ziyouz.com kutubxonasi

салб юришлари сезиларли таъсир кўрсатмаган. Шунинг учун Шарқ тарихчилари асарларида салб юришлари воқеасига урғу берилмайди, ҳатто у Шарқ тарихнавислигида из ҳам қолдирмаган.

Салб юришлари воқеаларидан сўнг Шарққа, шарқ халқлари маданиятига қизиқиш кучаяди. Оврупо мамлакатларига яқин бўлган, Шарқ маданияти кенг тарқалган Испания, Италия ва Сицилияга келиб билим олувчи, маданият ўрганувчиларнинг сони йилдан йилга орта боради.

Оврупонинг илғор мамлакатларида Шарқ маданиятини ўзлаштириш салб юришлари натижасида анча жонланади. Таъсир жамият ҳаётининг ҳамма томонларида ўз изини қолдиради.

Шарқнинг Оврупога таъсири уч ёқлама — араб Испанияси, норманнлар Сицилияси ва бир неча бор такрорланган салб юришлари орқали бўлди. Афсуски, бу масала фаннинг турли соҳалари томонидан ўрганилган эмас. Оврупролик олимлар атайлаб таъсирни кўрмасликка уринсалар, Шарқ олимлари, асосан араб мамлакатларидан чиққанлар, бу масалага эндигина, шунда ҳам жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқдалар. Ваҳоланки, бу жараён Оврупо мамлакатларидаги Уйғониш даври ва унинг мафкураси шаклланишига замин ҳозирлади, келажакдаги тараққиёти асосини яратди.

ШАРҚ ФАНИНИНГ ОВРУПОГА ТАЪСИРИ

Ирландиялик арабшунос олим М. Уотт "Исломнинг Ўрта аср Оврупосига таъсири" асарида бошқа оврупролик олимлардан фарқли ўлароқ, қуйидаги ҳақиқатни тан олган эди: "овруполиклар мусулмон маданиятидан, ... айниқса, фалсафа ва тиббиёт соҳасида, ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ. Кўпинча мусулмонлар маданиятининг ижобий таъсири ва кўламини пасайтириш, ҳатто тамоман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатимиз уларнинг олдида қанчалик қарздор эканлигимизни тан олишга мажбур қилади. Буни яшириш ёки тан олмаслик сохта ғурурдан бошқа ҳеч нарса эмас".[1] Бу ўринда асар сарлавҳасини тўғри деб бўлмайди. Қизиқ, оврупролик олимлар кўпинча "араб фани", "араб маданияти", ёки "ислом маданияти" ибораларини қўллайдилар. Аввало IX—XII аср-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда ривожланган илм-фан ижодкорларининг аксарияти марказий осиёлик, қисман эронликлар. Шу боис табиийки, бу иборанинг қўлланиши ҳақиқатга зид. Иккинчидан, маданиятни, фанни ислом дини эмас, балки шу динга эътиқод қўйган олимлар, конкрет одамлар яратган. Шу нуқтаи назардан бу ибора ҳам ноаниқ. Аммо олимнинг "мусулмон маданиятининг" Оврупога таъсири ҳақидаги фикрига мутлоқ қўшиламан ва уни фактлар асосида тасдиқлашга уриниб кўраман. Овруполиклар шарқ халқларини қанчалик менсимай, ўзларини баланд олмасинлар, уларга маданият, санъат, адабиёт, яшаш тарзи, кийиниш ва ҳоказолар Шарқдан ўтганлиги ҳақиқат. Уларнинг асослари "алоқа бўлмаганлик", "тилларни билмаслик". Замонамиз донишмандларининг бири проф. М. М. Бахтин "Сўз эстетикаси" асарида қуйидаги адолатли сўзларни ёзган: "Маданият соҳасининг чегараси бўлган, ички майдонга эга яхлит бир жой деб тушуниб бўлмайди. Маданият соҳасида чегараланган ички жой бўлган эмас ва йўқ ҳам. Унинг, маданиятнинг ҳаммаси чегараларда жойлашган, чегаралар ҳамма жабҳада ҳар бир дақиқада ўтади, маданиятнинг мунтазам бирлиги маданий ҳаёт атомларига бориб тарқалади, унинг ҳар бир томчисида қуёшдек ифодаланади. Ҳар бир маданий ҳодиса чегараларда яшайди; унинг жиддийлиги ва муҳимлиги ана шунда, маданият чегарадан четда бўлса у таянчини йўқотади, баландпарвоз, пуч, қуруқлашади, айнийди ва ниҳоят ўлади".[2] Ҳақиқатан, адолатли фикр, ҳеч қачон, ҳеч бир халқ бошқалардан узилиб қолган ҳолатда тараққий этиши, ўзининг махсус маданиятини яратиши мумкин эмас. Антик даврдаги Шарқ ва Ғарб маданий алоқалари, айниқса, ўрта асрлардаги жараён М. М. Бахтиннинг фикри ҳақ эканини кўрсатмоқда.

Оврупо қитъасининг бир қисми бўлмиш араб Испаниясидаги юксак маданият, илм-фан, дунёвий адабиёт, санъат таъсирини қандай қилиб тўсиб қўйиш мумкин эди?! У замонларда темир парда тушунчаси йўқ эди-ку! Шунинг учун Шарқ маданиятининг Оврупо маданиятига таъсирини рад этувчи ёки камситувчиларнинг фикрларига мутлақо қўшила олмайман. Иш давомида баён қилинувчи фактлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Тўғри, Оврупо мамлакатлари — Франция, Италия ва Англиянинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти таъсир қабул қилишни тақозо қилар эди, лекин бир текисда эмас.

Тарих фанида сўнгги йилларда Ўрта асрларга бўлган муносабат ўзгарди. Айрим олимлар Ўрта асрларда ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

мафкуралар кураши бўлган, дейдилар. Ҳақиқатан, француз олимлари А. М. Гуашон, М. Т. д'Альверни, инглиз олими Ҳ. Мейер кабилар кутубхоналарда расмий исавия таълимотига зид XIII аср черков оталари томонидан ўчирилиб, қораланган қўлёзмаларни топганлар. Уларни синчковлик билан ўрганиш натижасида бу кичик-кичик асарлар Ибн Сино, Форобий, Ибн Рўшд каби Шарқ олимлари асарлари таъсири остида яратилган фалсафий рисолалар эканини аниқлайдилар. Шу фактларга суянган ҳолда Ўрта асрларда ҳаёт осойишта кечмаган, мафкуралар кураши бўлган, дейдилар. Аммо осойишта патриархал ҳаёт шарқ фалсафаси таъсири остида бузулгани ҳақида лом-мим демайдилар.

Юқорида кўрганимиздек, Испанияда, айниқса, Кастилия канцлери Раймундо томонидан Толедода XII асрда ташкил этилган таржимонлар мактабида Шарқ олимларининг юзлаб асарларини лотин тилига ағдардилар. Булардан ташқари Сицилия короллари саройида ҳам асарлар таржима этилган. Табиийки, бу таржималар ҳамма Оврупо мамлакатларига тарқалган. Улардан овруполиклар савиясига мослаштириб қисқартириб ишланган нусхалари ҳам бор.

Шарқ олимларининг асарлари Брабантлик Сигер, Англиялик Рожер Бекон, (1214—1291), Батлик Аделярд, Шартрлик Тьерри, Солсберийлик Иоанн, Кларенбальд, Бенлик Амальрикларнинг ижоди ва дунёқарашига баракали таъсир этади. Ибн Синонинг фалсафага оид асарлари Рожер Беконнинг столи устида доимий турган. Буюк аллома асарлари унга шунчалик таъсир этганки, мазкур асарлар ҳақидаги мулоҳазаларини баён этиб бир қанча хатлар ҳам ёзиб қўйган.[3]

Юқорида Муҳаммад Мусо Хоразмий асарларининг Оврупо илм-фани, айниқса, математика ва астрономия фанларининг тараққиётида асосий роль ўйнаганини ёзган эдик. Форобий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Ибн Рўшд асарлари ҳам Оврупо мамлакатларида Хоразмий билан биргаликда замонавий илм-фанлар пойдеворларини яратишда улкан хизмат қилдилар. Бу ҳақда яқин ўтмишда ижод этган инглиз олими Жон Бернал "Жамият тарихида илм-фан" деб номланган асарида ўрта аср Оврупоси ҳақида қуйидаги ҳаққоний сўзларни ёзади"... Оврупонинг каттагина қисми Рим империясининг ҳалокати натижасида келиб чиққан вайроналикдан ҳали ўзига келгани йўқ эди... Бу даврда эса мусулмон дунёси гуллаб яшнаётган эди". "Мусулмон олимлари... жонли, ривожланувчи илм ярат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дилар. Бу олимлар юнон математикаси, астрономияси ва тиббиёт фанининг тор асосини кенгайтирдилар, алжабр ва тригонометрия ҳамда оптика асосини яратдилар. Мусулмон олимлари химия ёки ал-кимё соҳасида ажойиб ҳал этувчи ғалабага эришдилар, бу фанда олимлар эски назарияни тубдан ўзгартириб ишлаб чиқдилар ва янги анъана, тажрибага бой бўлган янги фан яратдилар".[4]

Гегель эса: "фан ва билимлар, айниқса, фалсафа Ғарбга араблардан ўтган"[5], дейди.

XIII асрда "Ихвон ас-сафо" асарлари лотин тилига ағдарилиб, Оврупо мамлакатларида тарқала бошлайди. Улар жамоатчиликда шундай зўр таассурот уйғотадики, таржимон Кало Калонимус уларни "асрлар давомида дунёдаги ҳамма халқлар томонидан яратилган илмларнинг йиғиндиси" деб атайди. Немис олими Дитерици эса "ҳамма фанларни тўплаб тартибга солинмаганда эди... испан, мусулмон, яҳудий ва исавийларнинг бунчалик юксак маънавий тараққиёти амалга ошмаган бўлар эди. Бу тараққиёт Оврупо ўрта аср маънавияти ва маърифатига баракали таъсирини кўрсатди"[6], дейди. Ҳақиқатан "Ихвон ас-сафо" уюшмасининг фаолияти нафақат Шарқ, балки Оврупода ҳам илм-фаннинг ривожини белгилаб берди.

Оврупо илм-фани, тиббиёти, айниқса, фалсафасининг шаклланиши ва тараққиётига энг катта таъсир этган олим ватандошимиз Ибн Сино ижоди бўлди.

Дунёда буюк ватандошимиз "тиббиётнинг отаси" сифатида ном таратган. Аммо олим илм-фаннинг бошқа соҳаларига ҳам оз ҳисса қўшмаган. Аллома фалсафа, астрономия, математика, мантиқ, психология, зоология, кимё, механика, физика, мусиқа, тилшунослик ва шеърият соҳасида ҳам қизғин иш олиб борди. Ибн Сино ўша даврда яшаган замондош ва издошлари Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Киндий, Абу Бакр ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Наср Ироқ, Ҳабаш ал-Хосиб, ал-Хутталий, Ибн Рўшд ва бошқалар билан биргаликда Шарқ ва Ғарбдаги барча фанларнинг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Шунинг учун Ибн Сино вафотидан деярли беш аср кейин яшаб ижод этган Оврупо Уйғониш даврининг буюк арбоблари Леонардо да Винчи, Микельанджело, Везалий каби олимлар унинг асарларидан парчалар келтирибгина қолмай, ўз таълимотларида унга суянганлар. Шундай қилиб, олим ижоди Шарқ фанининг Оврупода тарқалишига асосий восита бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгги йилларда Маркс, Энгельс асарларидан парчалар келтириш одатдан чиққан бўлса-да, улар биринчи навбатда олим эканликларини ҳисобга олиб, Энгельснинг "Табиат диалектикаси" асарига ёзган сўзбошисида XII—XIV асрларда Осиё ва Оврупода илмнинг ҳолатига тўғри баҳо берувчи парчани шу ўринда келтиришни лозим топдим: "Роман халқларида араблардан ўтган янгитдан очилган грек фалсафасидан озиқланувчи XVIII аср материализмини тайёрлаган қувноқ, эркин фикрлаш борган сари кенг тарқала бошлади"[7]. Ф. Энгельс айтган сўзларини кенг кўламда аниқлаш, икки маданият тўқнашувидан кейин Шарқ ва Ғарб мамлакатлари халқлари ҳаётидаги ўзгаришларни татқиқ этиш фаннинг турли соҳалари олдида турган улкан вазифадир.

Академик М. Хайруллаев "Оврупо ва Шарқдаги Уйғониш даври маданиятида маълум фарқлар бўлишига қарамай, улар ўртасида ғоявий боғланиш бор ва улар (фарқлар — Ф. С.) яхлит бир бутун босқичнинг жаҳон маданияти, жаҳон фалсафасининг умумий жараёнининг турли жабҳалари, жиҳатлари сифатида намоён бўлади"[8] деб тўғри фикрни олға суради. Бу фикрга асосан қўшилган ҳолда "Шарқ ренессанси" ғоясига қўшилмайман. Чунки Шарқда Овруподаги каби саккиз — ўн асрлик диний зулмат ҳукмронлиги, бадавий ҳаёт, маданият "уйқуси" бўлмаган, маданият, илм-фан тадрижий ривож этган. Ҳатто арабларнинг босқинчилик юришлари ҳам жараённи узоқ вақтга тўхтатолмаган. Аксинча, арабларда маданият илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган, "араб фани" номи остида умуминсоний фан пойдеворини яратган. Демак, "уйқу" бўлмагач, "уйғониш"га ҳам эҳтиёж бўлмаган.

Исавия дини таълимотига биноан инсон Аллоҳнинг қули, микрокосмда бамисоли бир гард, қум, тупроқ заррачаси, унинг дунёга келишининг ўзи гуноҳ. Бу дунёда яшаши, зурёд қолдириши, еб-ичиши, оилам, болам-чақам деб ҳаракат қилиши, умуман бу дунёда яшашнинг ўзи ҳаммаси гуноҳ. Короллар, йирик дин арбоблари Аллоҳнинг ердаги вакили деб ҳисобланган. Оддий кишилар ҳар бир иши, фаолиятини дин арбобларининг маслаҳатисиз амалга ошириши мумкин бўлмаган. Ўрта асрларда Оврупо мамлакатларидаги ҳаёт ана шу таълимотга биноан қурилган. Бундай тартиб-қоидага ислом таълимоти, Шарқ олимларининг фалсафа, адабга оид асарлари таъсири остида путур етди.

Ислом таълимотига биноан Аллоҳ инсонни ўзига ўхшатиб, фаришталардан юқори этиб яратган. Инсон Ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоҳ яратган табиат жонзотларининг гултожиси, бутун ер юзи, табиат, унинг нозу-неъматлари инсон учун ато этилган. Инсонни улуғлаш ислом дини, Шарқ фалсафаси, бадиий адабиёти, умуман маданияти учун характерлидир.

Шарқ фани, фалсафаси ва адабиёти Оврупо халқлари маданиятига таъсир этар экан, инсоннинг макро ва микрокосмда тутган ўрни ва мавқеи ҳақидаги исавия дини таълимотига хос қарашлар ўзгара боради. Бу масалада Оврупо халқлари адабиётида даставвал буюк даҳо Алигьери Данте ўз асарларида ("Янги ҳаёт", "Илоҳий комедия" ва б.) марказий муаммо сифатида Инсон ғоясини кўтаради. Уйғониш даврида бу муаммо гуманизим номи остида оламшумул ҳаракатнинг мафкурасига айланади.

Оврупо мамлакатларида илм-фан, адабиёт, санъат, техника, айниқса, фалсафа ва умуман, уйғониш даврининг ўзини, унинг мафкураси бўлмиш гуманизмни, исавия динидаги бидъат оқимларини Шарқдан бўлган таъсирсиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Ҳақиқатан тасаввуф фалсафасисиз франциск монахлари ташкилоти ва таълимоти (XII—XIII асрлар), исмоилийлар таълимотисиз Оврупо мамлакатлари, айниқса, Жанубий Францияда кенг тарқалган катар, албигой бидъат мазҳаблари, салб юришларисиз Рим папаси томонидан тор-мор этилган тамплиер ташкилотини, Оврупода янгича дунёқараш шаклланишига замин ҳозирлаган юқоридаги ўзгаришларсиз тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Бу ўзгаришлар Шарқ илми, фалсафаси, Хоразмий, Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд кабилар таълимотларининг Оврупода тарқалишига шароит яратди. Уч ёқлама — араб Испанияси, Сицилия ва салб юришлари таъсири Оврупода илмий дунёқараш, асоси материалистик бўлган Брабантлик Сигер, Амальрик, Эккарт, Рожер Бэкон таълимотлари юзага келди. Бундан ташқари, Шарқ таъсири Оврупо мамлакатларида умуминсоний маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Исавия динида "инсоннинг дунёга келишининг ўзи гуноҳ" деган тезис туфайли ҳақоратланган инсон шахсини улуғлади, қадр-қимматини орттирди. Данте ижодининг билимдони проф. И. Н. Голенишев-Кутузов бу жараён ҳақида шундай ёзади: "X—XII асрларда Яқин Шарқ Ғарбий Оврупога фақат грек таржималари, фақат Аристотел, Птоломей, Гален асарларига шарҳларнигина эмас, балки араб ва араб-оврупо олимларининг оригинал илмий асарларини ҳам берди. Бағдодда Оббосийлар саройида, Кордовада Умавийлар ва Алмовийлар саройида VII—XII асрларда Ўрта

www.ziyouz.com kutubxonasi

Осиёдан чиққан ажойиб мусулмон математиклар ва мутафаккирларнинг мактаблари равнақ топди. Шундай қилиб, Самарқанддан то (реконкиста бошида ҳамма араб кутубхоналари билан исавийлар қўлига ўтган) Толедогача маданият тараққиёти бир йўналишда борди. То XII асргача Оврупо грек-араб маданиятининг фақат узоқ, чет ўлкаси бўлган...".[9] Аммо Толедо таржимонлари Аристотел, Прокл, ал-Киндий, Форобий, яҳудий олим Авицеброн, Ибн Сино асарлари билан бир қаторда Ғаззолий каби ислом ортодокс асарларини ҳам фарқига бормай таржима этганлар. Лекин шунга қарамай, юқорида айтганимиз Шарқ маданиятининг уч ёқлама таъсири натижасида диний жаҳолатнинг кучли курашлар билан секин-аста чекиниши ва маданиятнинг гуманистик руҳ билан суғорилишини кўрамиз.

Шарқ маданияти, илм-фани, фалсафаси ва адабиётининг таъсири Жанубий Франция — Прованс, Шимолий Франция ва Италияда кучли бўлди. Провансда Шарқ шеърияти таъсири остида трубадур ва труверлар лирикаси, Италияда "Янги ёқимли услуб" шаклланган бўлса, Франция, айниқса, Париж университетида Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рўшд таълимоти кенг ёйилди, бу оқимни лотин аверроизми деб атадилар. XIII асрда Францияда шаклланган лотин аверроизми бир неча асрлар давомида Италия, Нидерландия, Англия ва Германияда прогрессив мафкуранинг шаклланиши ва ривожига баракали таъсир этди.

Математика, илми нужум, кимё ва тиббиётга қизиқиш ҳам Испаниядаги Шарқ илми таъсири остида кенг тус олади. Илм-фан ва фалсафа билан бир қаторда халифаликда ислом байроғи остида бирлашган Испания, Мисрдан то Хитойгача бўлган минтақада истиқомат қилаётган халқлар маданияти элементларининг яқинлашуви натижасида VIII—XII асрларда шаклланган юксак маданият ҳам ўз таъсирини ўтказади. 982—1038 йиллардаёқ Жанубий Франция меъморлари ўзлари яратган биноларда Шарқ услуби ва санъатидан фойдаланадилар. Бу фактга суянган ҳолда канадалик олим А. Деноми "меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва мўйқалам санъатига очиқ бўлган йўл қандай қилиб шеърият ва насрий асарларга ёпиқ бўлсин",[10] дейди.

Шарқ маданияти, илм-фани ва фалсафаси таъсирининг Оврупо, даставвал Францияда тарқалишига исавия динида шаклланиб, ривожланган турли прогрессив, пантеистик бидъат оқимлар, айниқса, номинализм (Пьер Абеляр — 1079—1192) таълимоти замин ҳозирлаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрта аср фалсафасида асосий кураш дин ва фан, идеализм ва материализм, деизм ўртасида бўлган. Бу жараёнда жанубий Францияда кенг тарқалган диний бидъат оқими катарлар ҳаракати ҳам катта роль ўйнади. Катарлар ҳаракати даставвал халифаликнинг Шарқий вилоятларида миллий озодлик курашининг бир тури сифатида юзага келди. Бидъат оқимлар зардуштийлик ва монийлик таълимотлари таъсири остида шаклланиб, кейинчалик Шарқ ва Ғарб мамлакатларида (Византия павликианлик, Болгарияда богумиллар оқими) кенг тарқалди. Бидъат оқимининг кенг тарқалиши ҳақида машҳур вазир Низом Ал-Мулк шундай дейди: "Алеппо ва Мисрда уларни исмоилий деб атайдилар, Бағдод, Мовароуннаҳр, Казвинда, Куфада — муборакийлар, Басрада — равандитлар ва буркаитлар, Рейда халафий ва ботиний, Гурганда — Муҳаммирэ, Сурияда — Мубойиз, Мағрибда — ботиний, улар ўзларини эса — таълимий деб атайдилар. Ҳаммаларининг мақсадлари битта: қандай бўлмасин мусулмонликка зарар етказмоқ, исломни қоралаш...одамларни йўлдан уриш".[11] Черков, Рим папаси карматлар оқимини ўзларига хавфли деб билиб, альбигойларга қарши 1209—1229 йилларда уч маротаба салб юришлари уюштиради. Натижада Прованснинг бой шаҳар-қишлоқлари вайронага айланади. XI—XIII асрларда илғор Француз маданияти ва адабиётини шакллантирган вилоят тор-мор этилади.

Ўрта асрда Оврупода шакллана бошлаган аристотелизм фалсафаси Ибн Сино ва Ибн Рўшд номлари билан боғлиқ бўлган. Ибн Сино номи тиббиётга бағишланган асарлари туфайли Оврупода эрта шуҳрат қозонгани учун фалсафага оид асарларининг кенг тарқалиши ҳам осон бўлди. Оврупо, албатта, Аристотел асарлари билан маълум даражада таниш бўлган. Аммо файласуфнинг Оврупога маълум асарлари неоплатонизм ва айниқса, Плотин томонидан идеализмга бўйсундирилиб, қайта ишланган вариантлари эди. Плотин ва неоплатонизм вакиллари борлиқнинг материалистик асосини мутлоқ тан олмаганлар. Плотиннинг фикрича, материя, тана руҳ учун ёвузлик, фикрлар, ғоялар материяга қарама-қарши ўлароқ эзгуликдир, материя ғояга бўйсунади.

Бу таълимотнинг исавия динига таъсири кучли бўлган. Бу динда одамлар ва моддий дунё, моддий ҳаётга эътиборсизлик, унга нисбатан нафрат уйғотишга уриниш Плотиндан олинган. Плотинчилар ғояни бирламчи ҳисоблайдилар. Плотин Аристотел дунёқарашига хос бўлган эклек-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тизм, яъни материализм билан идеализм элементлари мавжудлигини англаган ҳолда уни қайта ишлаб, материалистик хусусиятларини камайтириб, идеализмни кучайтирган эди. Даставвал араб тилига сурёний тилидан таржима этилган Аристотел асарлари Плотиннинг қайта ишлаган нусхалари бўлган. Форобий Ибн Сино ва Ибн Рўшдлар грек файласуфи таълимотини плотинизмдан тозаладилар, асли нусхаларининг таржимасини амалга оширдилар, уларга илмий шарҳлар ёздилар. XII—XIII асрлардан бошлаб Толедо, Испаниянинг бошқа шаҳарлари ва Сицилияда амалга оширилган Шарқ олимлари асарлари таржималари орқали Овруполиклар ҳақиқий Аристотел таълимоти билан таниша бошлайдилар.

Оврупо мамлакатлари, айниқса, Франция ва Италиянинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёти натижасида черковнинг мутлоқ ҳукмронлигини рад этувчи турли ғоявий оқимлар келиб чиқади (Абеляр асос солган номинализм, исавия динидаги турли бидъатлар, айниқса, катарлар оқими). XIII—XIV асрларда Оврупо мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий, мафкуравий тараққиёти четдан, бу ўринда Шарқдан бўлган таъсирни ўзлаштириш даражасига кўтарилган эди. Оврупо Шарқдан илм, фалсафа, айниқса, Аристотел таълимотини ўзлаштирибгина қўймай, шарқ халқларининг минг йиллик маданияти билан танишиб, уни ўзлаштира бошлайди.

Аристотел таълимоти, Шарқ файласуфлари асарларини ўрганиш, тарғиб қилиш Шимолий Францияда, Парижга яқин жойлашган Шартрда ташкил топган мактабда XI аср охирларида амалга оширила бошланди. Университет фаолиятининг энг гуллаган даври XII асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Унда даставвал грек ва шарқ фани ва фалсафасини Оврупога олиб кирувчи олимлар Африкалик Константин (вафоти 1087 йил, у Сицилияда таржимонлик қилган), Батлик Аделярд (XII аср), Шартрлик Бернар (вафоти 1124 йил), Жильбер де ля Порре (1076—1154), Англиянинг Солсбери шаҳрилик Иоанн (1115—1180)лардир. Лекин ҳали дастлабки даврда ижод этган файласуфлар ўз таълимотларида Платон ва Плотин идеализмидан мутлоқ қутулган эмас эдилар. Шартр мактаби вакиллари фаолияти Шарқ илм-фани, фалсафаси, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд каби олимлар таълимотини ўзлаштиришга замин ҳозирладилар.

Черков ҳаётнинг ҳамма томонларига ўз таъсирини ўтказган бўлиб, унга қарши курашда Шартрлик олимлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

грек файласуфлари асарларининг асл нусхаларига нисбатан кўпроқ арабча таржималарига мурожаат қиладилар. Чунки Шарқ олимлари яратган шарҳлар Ўрта аср шароитига анча мослаштирилган, тушуниш осонлаштирилган эди.

Шартрда шарқ фани таъсири остида табиатга қизиқиш бошланади. Математика, астрономия, фалсафа, тиббиётни шарқ олимлари асарлари, айниқса, Муҳаммад Мусо Хоразмий асарларидан ўрганадилар. Араб тилида ижод этган шарқ олимларининг аниқ фанларга, табиат фанларига оид асарларида материалистик дунёқарашнинг бошланғич элементларини ҳам француз олимлари ўзлаштирадилар. Кейинчалик XIII асрдан бошлаб Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рўшд асарларидаги материалистик дунёқараш асослари Ғарб олимлари томонидан чуқурроқ ўрганилади.

Оврупода Шарқ фани ва фалсафасини ўрганувчи ва тарқатувчи марказ Шартрдан кейинроқ Париж университети бўлди. Айниқса, 1200 йил ташкил этилган Париж университети (бу лотинча сўз "Мажмуъ" маъносини, яъни билимлар мажмуи маъносини билдиради) катта роль ўйнайди. Унда санъатшунослик, табобат, адлия ва илоҳиёт факультетлари бўлиб, санъатшунослик деб аталувчи тайёрлов факультетида деярли ҳамма ижтимоий фанлар, айниқса, фалсафага кўп аҳамият берилар эди. Шарқ илмининг таъсири остида кейинчалик "фалсафий" деб аталган бу факультет уч бўлим — табиат, рационализм ва ахлоқ, сўнгра яна назарий ва амалий фалсафа бўлимларига ажралади.

Шуни ҳам қайд этмоқ лозимки, Аристотел ва Шарқ илм-фани, фалсафасининг Оврупода тарқалиши осонлик билан бўлмади. Рим папаси бошлиқ исавия черкови янги ғояларнинг тарқалишига тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Янги ғояларни тарқатувчилар жазоландилар, гулханда куйдирилдилар, ўлганларини қабрдан олиб, ҳақоратлаб, жиноятчилардек тепкилаб кўмдилар (1210 йил Амальрикни шундай қилдилар). Агар черков туғулиш, бу дунёда яшаш гуноҳдан иборат, беҳуда ҳаракат деса, Амальрик таълимотида бу тезис рад этилади. "Бу дунёда ҳамма нарса бирликда, ажралмас, чунки дунёдаги бор нарса илоҳиятнинг аксидир, инсон бу дунё учун яратилган". "Ўлган одам нариги дунёда тирилмайди", "жаҳаннамга ишониш жаҳолат, жаннат эса ҳақиқатни англаш..., ҳақиқатни англаб етган яҳудий ҳам кофир эмас..." Бу фикрларни шарқ файласуфлари асарларида кўплаб учра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиш мумкин. Янги ғоялар шунчалик тезликда тарқаладики, черковнинг ҳаракати тескари натижага олиб келади. Дунёвий фанлар, фалсафага қизиқувчилар кундан-кун ортиб боради. 1229 йил Париж университетини ёпишга мажбур бўладилар. Талабаларни Франция, Англия ва Италия университетлари ўзларига таклиф қилиб, янги ғояларни ўрганиш, китобларни ўқитишга розилик билдирадилар. Эндиликда ночор аҳволда қолган черков фалсафани, янги таълимотларни бузиб ўз манфаатига хизмат қилдириш йўлига ўтади. Чунки тақиқлаш, жазолаш билан янгиликнинг йўлини тўсиб бўлмайди. Париж епископи Овернлик Гильом асарларида Ибн Сино ва Ибн Рўшд асарларидан билиб-билмай парчалар келтирилади. Олимлар номини санаш билан гўё уларнинг таълимотлари қабул қилингандек бўлади.

Маълумки, Форобий ва Ибн Сино асос солган фалсафий таълимотни Ибн Рўшд ривожлантиради. Бу файласуфлар таълимоти ўртасида ҳеч қандай мухолифлик бўлмаган. Шартр ва Париж университетлари ўқитувчиси Амальрик янги фалсафий хазинани ўзлаштириб, тарғиб этишга уринади. Амальрикнинг дунёқараши материалистик пантеизмга асосланган эди. У ислом таълимоти ва Шарқ файласуфлари асарларига суянган ҳолда, даставвал инсонни черков таъқибидан ҳимоя қилади, исломдаги "Аллоҳ одамни ўзига ўхшатиб, фаришталардан юқори этиб яратган", деган тезисини олға суради. XII аср охирида аввал Шартр, кейинчалик Париж университетида фаолият кўрсатган Амальрик ва унинг тарафдорларининг фаолияти XIII—XIV асрларда кенг ривожланган лотин аверроизмига замин ҳозирлади. Черков ҳукмронлигига қарши кураш, Шарқдан келган янги ғояларни тарғиб этиш асосида бўлди.

XIII аср ўрталарига келиб Ибн Рўшд асарларининг ҳаммаси лотин тилига таржима этилиб бўлди ва илмий жамоатчилик ўртасида кенг тарқалади. Ҳозирги даврда Ибн Рўшд асарларининг Михаил Скотт таржимасидаги икки мингдан ортиқ лотинча қўлёзмалари Оврупо кутубхоналарида сақланмоқда.[12] 1245 йил инглиз олими Рожер Бэкон Сорбонна университетида Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд таълимотлари ҳақида маърузалар ўқийди. Кейинчалик олим Париждан кетишга мажбур бўлиб, Англиянинг Оксфорд университетида дарс беради. Бэкон Аристотел, Ибн Сино, Ибн Рўшд таълимотларини маданиятда анча орқада бўлган Англияда ҳам тарқатади. XIII аср ўрталарида янги таълимотларнинг кенг тарқалиши нати-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жасида "дин илмга аралашмасин, диндорлар ўз иши билан, олимлар ўз иши билан шуғуллансин", деган талаб майдонга ташланади. Шарқ фалсафаси Францияда шунчалик мавқега эришадики, натижада черков чекинишга мажбур бўлади. Ҳатто XIII аср ўрталаридан бошлаб қайта очилган Париж университетида араб тили ўрганила бошлайди.

Францияда бу даврда ижтимоий ва мафкуравий кураш кескинлашади. Феодал бебошлик, марказлашган давлат тузуми заифлиги оддий меҳнаткаш, айниқса, шаҳар аҳолисини оғир аҳволга солган эди. Шаҳарлар мустақиллик, эркинлик учун курашадилар ва бу курашларда Ибн Рўшд ғояларига суянадилар. Францияда лотин аверроизми номи остида XIII аср ўрталарида шаклланган исавия черкови ҳукмронлиги ва унинг мафкурачиларига қарши қаратилган оқим асарлари шунчалик астойдил йўқ қилиб ташланган эдики, мана, энди деярли етти асрдан кейин аверроистчи олимлар асарларининг бир қисми черков, монастир ва кутубхоналардан топилди. Бу олимлар Брабантлик Сигер (вафоти 1281—1284 йиллар), Дакиялик Боэций ва Сигернинг шогирдларидир.

Сигернинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз, фақат ўн олтита фалсафий кичик рисолалари борлиги аниқ — "Борлиқнинг абадийлиги ҳақида", "Сабабларнинг зарурияти ва ўзаро боғлиқлиги", "Онгли руҳ ҳақидаги масалалар", "Табиат илми масалалари", "Имкониятсизлик", "Сабабларнинг зарурати ва фавқулоддалиги ҳақида", "Ахлоқ ҳақида", "Табиат масалалари" ва Аристотелнинг "Физика", "Метафизика", "Осмон ҳақида", "Руҳ ҳақида" каби рисолаларига шарҳлар. Буларнинг кўпчилиги Сигер ўқиган маърузалар матни бўлса эҳтимол.

Боэцийнинг ҳаёти ҳақида умуман ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Олим кўпроқ табиат масалалари, тиббиёт фани билан шуғулланган, Аристотелнинг баъзи асарларига шарҳлар ёзган. Унинг асарлари билан танишар эканмиз, дунёқараши Шарқ фалсафаси таъсири остида шаклланганлиги яққол кўзга ташланади. Агар черков инсон бахтни нариги дунёда топади деса, олим бу дунёдаги ҳалол ҳаёт бахт келтиради, инсоннинг хатти-ҳаракати онг ва ақлга биноан амалга ошади, ақл ва одоб Аллоҳнинг инсонга берган олий марҳамати[13], дейди. Унинг фикрича, моддий дунё, борлиқ абадий, табиат билан дин эмас, балки илм-фан шуғулланиши керак. Дунёқараши Аверроэс (Ибн Рўшд) таълимоти таъсири остида шаклланган Боэций Брабантлик Сигернинг маслакдоши, Сигер бўлса француз аверроистчиларининг энг йирик вакили эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сигернинг қайси миллат вакили экани ҳам номаълум. Олим аввал Шартрда, 1260 йилдан бошлаб Париж университетининг эркин санъат факультетида дарс бера бошлайди, ижоди эса асосан 1266-1277 йилларга тўғри келади. Муаллимлик фаолиятини бошлар экан, Сигер "Исавия дини ва дин ҳақидаги илмни ҳисобга олмай, нотинчлик туғдирувчи аристотелчилик тарафдориман", деб эълон қилади. 1270-1277 йиллари черков томонидан уюштирилган таъқиб натижасида олим ўз маслакдошлари билан Парижни ташлаб кетишга мажбур бўлади, лекин папа одамлари томонидан ушланиб, умрбод қамоққа ташланади. 1281-1284 йиллар ўртасида Сигер папа одамлари томонидан ўлдирилади.

Француз олимаси Мария-Тереза д'Альверни 1949 йил Париж Миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондида XIII асрнинг 70—80 йилларига алоқадор 6286 рақам остида сақланаётган қўлёзмани топади. Унда Сохта Аристотелнинг "Элементлар сабаблари хусусияти" (арабчадан Кремоналик Ҳерардо лотинчага ағдарган), Ибн Синонинг мусиқага оид рисоласи, Форобийнинг асарлари, Платон ва йигирма тўрт файласуф ҳақида асарлар, Ибн Синонинг "Ҳақиқат ар-Руҳ" асарининг Гундисалинус ва Ибн Довуд томонидан лотинчага ағдарилган нусхаси ҳамда антик муаллифларнинг бир қанча асарлари бор эди. Қўлёзманинг бир қанча варақлари йиртилган, бир қанча саҳифаларига қора сиёҳ суркалган, сатрлар ўчириб ташланган эди. Бу ҳақда Д'Альверни қуйидаги сўзларни ёзади: "Шу аҳволда қанча матнлар йўқ қилинган экан, улардан бизга ҳеч қандай маълумот, ҳеч бўлмаганда из ҳам қолмаган бўлса керак, энди биз улар ҳақида ҳеч қачон ҳеч нарса билолмаймиз".[14] Олима яна бир жойда "топилган қўлёзма исавия ғарбига янги фалсафий таълимотлар тарқалишининг исботидир"[15] дейди. "Янги фалсафий таълимотлар" деганда олима Ибн Сино, Ибн Рўшд каби Шарқ олимлари таълимотини назарда тутган.

Д'Альверни, айниқса, Ибн Сино таълимотига юқори баҳо бериб, унинг черков қарашларига мутлоқ зид бўлиб, фаол руҳ ҳақидаги фикрлари умуман диний таълимотларга мутлоқ номувофиқ эканлигини айтади. Олиманинг фикрича, қўлёзмани бузишдан мақсад" "араб дунёқарашининг Оврупо халқлари маънавий ҳаётига таъсири олдини олиш бўлган"[16].

Сигернинг асарлари дастлаб 1847 йил топилган бўлиб, улар "Табиат ҳақидаги масалалар", "Руҳ" ҳақида, "Мантиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида"ги асарлар эди (Ўрта асрларда илмий асарларда аввал масалалар рўйхати, сўнгра уларнинг ечими берилган, Сигер асарлари ҳам ҳаммаси "масалалар" деб аталган). Кейинчалик олимнинг бошқа асарлари ҳам топилади, лекин улар узоқ вақт тадқиқ этилмайди. Фақат француз олими Мандоннэ XX асрнинг бошида топилган асарларни нашр эттириб, файласуф ижодининг моҳияти ҳақида ёзади. Шундан кейингина у ҳақда тадқиқотлар ёзилади[17].

Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд ва антик фалсафасининг янгича талқин қилган бошқа Шарқ файласуфлари фаолиятини Оврупо заминида давом эттирувчи ва ўз ватани тарихий шароитига тадбиқ этиб, илғор қарашларини ўзлаштирган олим Сигер бўлди. Сигер ғоялари исавия дини таълимотининг схоластик фалсафасига қарши қаратилган эди. Сигер Ибн Сино, Форобий, Ибн Рўшд таълимотига суянган ҳолда диний ақидалар, феодализмга қарши мафкурани ишлаб чиқди.

Файласуф "Физика масалалари" асарида модда ва шакл бирлиги ҳақида ёзади. Ибн Сино ва Ибн Рўшдлар илмий қарашларининг асосида ҳам худди ана шу, модда ва шакл бир-бирларига зид ҳолатда бўлишлари мумкин эмаслиги ҳақидаги фикр ётарди. Француз олимининг фикрича, улар бир-бирига қарама-қарши бўлсалар ҳам бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди.

Сигер Шарқ олимлари кетидан эргашиб, бир буюмнинг емирилиши натижасида иккинчиси келиб чиқади, шаклсиз модданинг бўлиши ҳақиқатдан мутлоқ узоқ, шакл ўзгарувчан, модда эса абадий, дейди. Платон ва умуман идеализмнинг ғоялар моддадан узилган ҳолда мустақил яшайди, деган фикрларини Сигер рад этади. Немис олими Г. Лейнинг ёзишича, Сигер модда ва шакл бирлиги масаласида Ибн Синони танқид қилган — "Ибн Сино модда ва шакли масаласида бошланғич йўлдан узоққа кетолмади, Аверроэс бу масалада бир неча бор у билан баҳслашди"[18], дейди. Сигер Ибн Рўшдни ҳам танқид қилиб, шакл деганда Аверроэс модданинг атамаси, номини тушунади, дейди. Фалсафанинг асосий масаласи тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг моддага бўлган муносабати масаласидир. Ўрта асрларда бу муаммо борлиқнинг пайдо бўлиши масаласи билан уйғунлаштирилади: баҳслар "борлиқни Аллоҳ яратганми ёки у абадул абадми?" деган масала атрофида бўлади. "Бу масала ҳақида Сигернинг деярли ҳамма рисолаларида фикр юритилади"[19]. Сигернинг Оврупо фани ва фалсафаси учун қилган энг катта хизмати Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рўшдлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

таълимотидаги борлиқнинг моддийлигини тан олиш эди, бу ғоя ўз навбатида мавжудотни илмий тадқиқ қилишга йўл очиб берди. Устозлари таълимотини ўзлаштирган Сигер борлиқ абадул абад эканини тасдиқлайди, бу эса қиёматни, черков таълимоти асосини рад этиш эди. Сигер Ибн Синонинг "Аллоҳ абадий экан, у яратган мавжудот ҳам абадий" деган ғоясини ўз асарларида бир неча бор келтиради, инсон ҳам борлиқ каби абадий, деган фикрни илгари суради. Ибн Сино фикрини такрорлаб табиатни дин эмас, балки илм-фан ўрганиши лозим, дейди. Сигер Ибн Синога суянган ҳолда абадий ҳаракат назариясини олға суради, бундан келиб чиқиб осмон ҳаракати натижасида минг йилликлардан сўнг маданиятлар такрорланиши мумкин, деган хулосага келади[20].

Сигер ҳам Шарқ файласуфлари каби онгга юқори баҳо беради. Шарқ олимларида фаол онг тушунчаси мавжуд эди. Фаол онг инсон тафаккури фаолияти, тафаккур орқали инсон ҳиссиёт тасаввурини онгга ўтказади, онг, ўз навбатида, бу маълумотни сақлайди. Сигернинг фикрича, инсон онгининг қобилияти чексиз, аммо бу ҳамманинг тафаккур, онг қобилияти бир хил деган гап эмас. Инсоннинг англаб етиш қобилиятининг пасайиши саломатлиги ёки шароит билан боғлиқ. Сигер бу масалада ўз фикрини тасдиқлаш учун Ибн Сино асарларига мурожаат қилади. Фаол онг таълимоти амалда черков, илми илоҳиётга қарши курашнинг тезлашувига, черковнинг сиёсий ҳаётдаги мавқеини инкор этишга олиб келди. Илоҳиёт ҳақидаги илмнинг "Аллоҳ ҳамма нарсани олдиндан билади" деган тезисини рад этишда ҳам Сигер Ибн Синога суянади.

Араб Испаниясидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароит билан исавия Франциясидаги шароит ўртасида анчагина фарқ бор эди. Ибн Рўшдда бўлган фикр юритиш эркинлиги лотин аверроистчиларида мутлоқ йўқ эди. Ундан ташқари, Сигер ва унинг маслакдошларида исавия динининг таъсири ҳам ҳали кучли эди. Бу ҳолат, айниқса, онг ва эътиқод, фалсафа ва илоҳиёт масаласига бўлган муносабатда яққол кўзга ташланади. Агар Ибн Рўшд фақат фалсафа туфайли ҳақиқатга эришувимиз мумкин, илоҳиёт ҳақидаги илм эса такомиллашмаган, фалсафа даражасига кўтарила олмаган деса, аверроистчилар фақат фалсафани черков назоратидан озод қилиш учун курашганлар. Овруполик аверроистчиларнинг фикрича, фалсафий ҳақиқат билан диний ҳақиқат ўртасида қарама-қаршилик бўлиши табиий. Бу тезис натижасида уларда "икки ҳақиқат назарияси" ишлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқилади. Улар файласуф бўлиш билан исавия динига мутлақ содиқ бўлиб қолмоқчи эдилар. Уларнинг мақсади илм-фан, фалсафий тадқиқотлар эркинлигига эришув эди, холос. Фақат Боэций фалсафий тадқиқотларда ҳақиқатни диний ҳақиқатдан устун қўйди. "Париж аверроистчилари номинализм ва илмий-табиий йўналиш билан бир қаторда, Оврупода ривожланган илмий ва фалсафий тафаккурни бошлаб берди"[21]. Аммо амалда лотин аверроистчилари, айниқса, Сигер, Боэций каби файласуфларнинг фаолияти ва асарлари илми илоҳиёт, черков ҳукмронлиги ва умуман феодализм жамиятини ўз ичидан емирилишига олиб келди (ҳар иккала файласуф ҳам черков хизматчилари, яъни монах бўлганлар).

Албатта, мафкуравий ҳаётдаги бу ўзгаришларга черков бефарқ қараши мумкин эмас эди. XIII аср ўрталарида Париж университети илми илоҳиётнинг марказига айланган бўлиб, табиийки, аверроизмга қарши кураш ҳам шу университетда мужассамланди. 1269 йил университет раҳбарлари шу ерда таълим олган Аквинолик Фомани (1225—1274) аверроизмга қарши курашга чақирадилар. Фоманинг бундан кейинги фаолияти Париж университети ва аверроизмга қарши кураш билан боғлиқ бўлди.

Бу соҳадаги иккинчи фигура немис теологи Альберт фон Больштед (1207—1280) эди. Альберт ўз даврининг ўқимишли одамларидан бўлиб, Аристотел, Форобий, Ибн Сино, испаниялик яҳудий Авицеброн ва кўплаб шарқ олимлари асарларини мутолаа қилган йирик дин арбоби эди. Альберт илм-фан ютуқларини исавия динига хизмат қилдиришга уринади. У Париж ва Германиянинг Кельн университетларида хизмат қилади. У шогирди Фома билан Парижда лотин аверроистчиларга қарши курашнинг бошида турадилар.

Улар папанинг топшириғи билан Аристотел асарларини исавия динига мослаб қайта ишлаб, "араблар томонидан бузилган файласуфлар асарларини тиклаш" билан шуғулланадилар. Бундан ташқари, ҳар иккала монах аверроистчилар ва Шарқ олимларига қарши асарлар ёзадилар (Альберт "Аверроистга қарши онгнинг бирлиги ҳақида", Фома "Аверроистчиларга қарши онгнинг бирлиги ҳақида" рисолаларини ёзганлар). Юқорида номлари келтирилган ҳар иккала олим аверроизм тарафдорларига қарши курашувчи черков лагерининг йирик вакиллари бўлиб, бу курашда улардан бошқа яна ўнлаб дин арбоблари иштирок этганлар. Диндорлар "Аверроистчилар" деб Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд каби Шарқ файласуфлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва уларнинг Овруподаги издошларини атаганлар. Бу деистик, материалистик йўналишга Платон идеализми, Аристотел дунёқарашига хос бўлган идеализмга оғиш илми илоҳиёт вакиллари томонидан қарама-қарши қўйилган.

Сигер Ибн Синонинг тиббиётга бағишланган асарларига, мия физиологияси тадқиқига суянган ҳолда инсон руҳи танаси билан боғлиқ, "руҳ тана эмас, лекин танасиз руҳ бўлмайди", акс ҳолда руҳ фаолият кўрсата олмас эди. Табиат инсоннинг руҳи ва танасини бирликда яратган,[22] дейди. Сигер Ибн Сино ва Ибн Рўшднинг шифокорлик тажрибаларига асосланиб инсон тафаккури ҳам материя, мия билан боғлиқ деган фикрни олға суради. Шуниси қизиқки, Сигер ўз қарашларини Аристотел ва файласуф асарларининг шарҳловчиси Ибн Рўшд қарашлари сифатида изҳор қилади. Фома руҳ ва тафаккурнинг тана, материя билан боғлиқлигини инкор этишда Ғаззолийга ҳам суянади. Ҳар иккала илми илоҳиёт мутахассиси бу асарлардан ташқари исавия диний ақидалари, черков ҳуқуқи, қонун-қоидаларини ҳам ҳимоя этиб қатор асарлар яратганлар. Альберт асарлари 1890 йил нашрида 38 жилдни ташкил этган. Уларда Альберт Фома билан биргаликда фақат расмий диний қарашларни баён этибгина қолмай, фалсафий асарлар муаллифлигини ҳам даъво қиладилар.

Шунинг учун улар ўз қарашларини тасдиқлаш мақсадида араб тилидаги илмий-фалсафий асарларни мутолаа қилиб, ўз фойдаларига хизмат қилиши мумкин бўлган жойларни асарларига қўшадилар. Ғаззолий қарашларини файласуф қарашлари сифатида келтирадилар. Баъзи ўринларда баҳсдан қочадилар. Масалан, тафаккурни материя билан боғлаш масаласида Фома "бу масалани натуралист ҳал қилиши мумкин эмас" дейди. Руҳнинг абадийлиги ҳақидаги ғояни одамнинг ҳайвондан устунлиги билан исботлашга уринади.

Альберт фалсафада икки партия, черковнинг абадулабад таълимотига зид бўлган Анаксагор, Форобий, Порфирий, Александр, Эпикур ва "араб файласуфлари Авиценна, Аверроэс, Абубацер" таълимотлари пайдо бўлди, дейди. Альберт уларни рад этиб, инсон идроки мавжудотнинг кўзгуси деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, табиат тубан, у олий дунёга, илоҳиётга бўйсунади, инсон табиатга қанчалик яқин бўлса, шунчалик одамийлигини йўқотади, ҳайвонотга яқинлашади, тафаккур фақат тор доирадаги танланган одамларга насиб бўлади, холос. Мавжудотни, борлиқни билиб бўлмайди.[23]

www.ziyouz.com kutubxonasi

Черков, реакция лагери илмий баҳслар, аверроистларга қарши қаратилган китоблар ёзиш билан чекланмайди. 1270 йили Париж епископи Тампье лотин аверроистчиларига қарши қаратилган 13 тезисни таъқиқлайди. Таъқиқланган тезисларда Шарқ олимлари асарларига асосланиб ишланган таълимотнинг асослари анча бузиб кўрсатилган эди. Черков ходимлари янгича дунёқарашни қанчалик қатағон қилмасинлар, у ёшлар ўртасида кенг илдиз ёйган эди (Оврупо мамлакатлари кутубхоналарида, монастирларда лотин аверроистчилари асарларининг кўплаб қўлёзмалари ҳозир ҳам сақланмоқда).

1277 йили Тампье аввалги таъқиқ билан қаноатланмай, Париж епископатининг 219 тезисни таъқиқловчи қарорини чиқаради. Бунда диндорлар ўзлари учун хавфли деб ҳисоблашган ҳамма фикр ва ғояларни тартибсиз ҳолатда кўрсатадилар. 1277 йил қарорида асосий аверроистчилар сифатида Сигер ва Боэций номлари очиқдан-очиқ кўрсатилади. Шуниси қизиқки, 219 тезис орасида Фомага алоқадорлари ҳам бор экан. Бу факт черковчилар савияси қанчалик чекланган эканини кўрсатади. Бизнинг даврмизда француз олими д'Аржантре 219 тезис қайси файласуфлар асарларидан олинганлигини тадқиқ этиши қизиқ натижага олиб келди. Тезисларнинг кўпчилик қисми "файласуфлар шоҳи" Ибн Сино ва Ибн Рўшдга, баъзилари ҳатто ал-Киндий ва Ғаззолийга ҳам алоқадор эканлиги аниқланди. Тезисларда бидъатлар, айниқса, катарларнинг "одамлар, яъни дин арбоблари буйруғига эмас, Аллоҳ буйруғига амал қилиши керак", деган талаби черков ходимларининг айниқса ғазабини келтирган эди.

1277 йил қатағони лотин аверроистчиларига кескин зарба берди. Париж университетининг аверроистчилар маркази бўлган санъат факультети тарқатилди, Боэций йўқ қилинди, Сигер ўлдирилди. Бир қанча аверроистчилар таъқибдан қочиб Италия, Олмонияга ўтиб кетдилар.

Лотин Аверроизми XIII—XIV асрда Италияда илм-фан ва илғор фикрларнинг тарқалишини таъминлади. Аммо бу ерда ҳам черков янги ғояларга тиш-тирноғи билан қарши чиқди, фалсафа ва табиат фанларининг ривожига йўл қўймасликка уринди. Лекин Италиянинг илғор жамоатчилиги, буюк шоир Алигьери Данте Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Ибн Рўшд, Сигер каби файласуфларга юқори баҳо берадилар.

Сигер, Боэцийлар жисмонан маҳв қилингани, маслакдошлари тор-мор этилгани билан улар тарғиб этган таъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лимотни йўқ қилолмадилар. Уларнинг асарлари миллий тилларга ағдарилди. Сигер таълимоти фақат Францияда эмас, Шимолий Италия, Нидерландия, Олмонияда, Мейстер Эккарт каби шогирдлари томонидан кенг тарқатилди.

Шарқ фалсафаси, айниқса, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд, улар орқали юнон файласуфи Аристотел таълимоти остида шаклланган Сигер, Боэций, Амальрик, Рожер Бэконларнинг фалсафий қарашлари туфайли черковнинг маънавий ҳукмронлигига путур етган эди. Янги таълимотга черков қанчалик қаршилик кўрсатмасин, файласуфларни таъқиб остига олмасин, Инсон унинг тазъйиқидан озод бўла бошлаган эди. Шарқ файласуфларининг инсон ҳақидаги таълимотлари таъсири остида исавия динига эътиқод қўйган овруполикларда ҳам инсон эрки ва уни улуғлаш учун кураш бошланади. Шарқ файласуфлари таълимотлари, айниқса, инсонга муносабатлари билан бирга Франция, Италиядаги лотин аверроистчилар, Сигер бошлиқ олимлар курашининг натижаси ўлароқ, Уйғониш даври ва унинг мафкураси — гуманизм юзага келди.

Францияда мафкура соҳасидаги кураш бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топди. Худди епископ Тампье аверроистчиларга қарши қатағонлар уюштирган даврда ажойиб бадиий асар "Атиргул ҳақидаги роман" ёзилади. Романнинг биринчи қисми XIII асрнинг ўттизинчи йилларида Гильом де Лоррис томонидан ёзилган бўлиб, рицар романлари руҳидаги асар эди. XIII асрнинг етмишинчи йилларида асар Жан де Мён томонидан давом эттирилади.

Романнинг биринчи қисмида шоир боққа кириб, ўта гўзал, ажойиб атиргул кўради. Уни томоша қилиб турганида грекларнинг ишқ маъбуди Амур найзасини шоирга отиб, гулга ошиқу шайдо қилади. Аммо Уят, Қўрқув, Фитна, Раддият, Салом, Олийҳимматлилик, Раҳмдиллик, Ҳасад аралашиб, икки томон кураша бошлайди. Асар туш кўриш баёни шаклида ёзилган бўлиб, назокатли муҳаббат ғояси илгари сурилади.

Романнинг иккинчи қисми ҳам "Атиргул ҳақидаги роман" деб аталиб, образлар талқини, ғоявий йўналиши аввалги қисмидан мутлоқ ўзгача. Унинг муаллифи Жан де Мён ўз даврининг ўқимишли, билимдон вакили, бир нечта асарларни лотин тилидан француз тилига таржима ҳам қилган эди. Де Мён асарида антик давр муаллифлари Аристотел, Платон, Вергилий, Овидий, Ҳораций, Лукреций асарларидан кўплаб парчалар келтиради. Ҳаммадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳайратомузлиги шундаки, ёзувчи асарда ўз даврини аёвсиз танқид қилади.

Асарнинг иккинчи қисмида Онг йигитни муҳаббатдан воз кечишга ундайди, Дўст унга маслаҳатлар беради, Табиатнинг аралашуви ҳам натижа бермайди. Ниҳоят Амурнинг ўзи воқеага аралашади, душманлар енгилади, йигит Атиргулни узиб олади ва уйғонади.

Романнинг биринчи қисми 4000, иккинчиси 18000 мисрадан ташкил топган. Бу ўринда асарда узундан узоқ, баъзи жойларда 1000 мисрагача бўлган қистирма ҳикоятлар берилганини ҳам айтиш жоиз. Александр юришларидан кейинги эллинизм деб аталувчи давр адабиёти Шарқ адабиётининг грек адабиётига таъсири билан характерланади. Иккала қаҳрамон номи билан аталувчи қиссалардан ташқари, Шарқ адабиётидаги каби адиб фикрларини тушунишни осонлаштирувчи, панд-насиҳатдан иборат кичик ҳажмдаги ҳикоятларни қистириб ўтиш грек ва унинг таъсири остида Рим адабиётида кенг тарқалган эди (Апулей — "Олтин эшак", Вергилий — "Энеида", Овидий асарлари ва ҳ.к.). Исломгача бўлган ва ундан кейинги Шарқ адабиётида, айниқса, достончилигида бу усул кенг қўлланган (Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий ва б.). Жан де Мён романнинг иккинчи қисмида бу усулдан кенг фойдаланган. Асарда берилган ҳикоятларни янги ғояларни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос қомус дейиш мумкин. Улар кўпинча панд-насиҳат руҳида ёзилган бўлиб, Сигер таълимотининг бадиий адабиётдаги инъикоси даражасига кўтарилган. Асарда Ибн Рўшд ғоялари ҳам яққол кўзга ташланади.

"Атиргул ҳақидаги роман"нинг иккинчи қисми фалсафий йўналишдаги асардир. Шоир борлиқнинг келиб чиқиши, руҳнинг абадийлиги, эрклик, ҳуқуқ тенглиги, онг, ахлоқ каби муаммолар ҳақида фикр юритади. Жамият тузумида феодал ва черков қонун-қоидаларига биноан табақаларга бўлинишни қоралайди. У даврларда бадиий адабиётга черков жиддий муносабатда эмас, фақат кўнгил очувчи восита сифатида қараган. Шунинг учун ҳам Жан де Мённинг тақдири Сигерникидек бўлмаган.

Немис олими В. Мюллер, Канадалик олим Ж. Парэлар романнинг аверроизмга алоқаси масаласини ўрганиб чиқиб, исавия дини софлигини Шарқ файласуфлари ва уларнинг Овруподаги издошларидан ҳимоя этувчи Аквинолик Фома асарларининг бирини Жан де Мён романига қарши ёзганини аниқлаганлар. Уларнинг фикрича, "роман дунёвий мадани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ятнинг олий ютуғи, корол саройига қарши қаратилган". 24
"Унда грек-араб фани, натурализми ўз ифодасини топган". Ҳақиқатан Жан де Мён асарида феодализм асослари, урф-одатларини танқидий равишда тасвирлайди, унда сатира туйғуси кучли. Шоир рицар севгиси, атайлаб ўйлаб чиқилган, самимий бўлмаган ҳиссиётни мазах қилади. Бу севгининг остида шахсий манфаат ётади, рицар хоним орқали тузукроқ мавқега эришувни орзу қилади, дейди. Адиб хусусий мулк бўлмаган, ҳамма тенг, баъзилар бошқалар устидан ҳукмрон бўлмаган Олтин даврни орзу қилади. Табиат "мен ҳамма одамларни бир қилиб яратаман, буни улар туғилаётган вақтда кўриш мумкин. Менинг хоҳишим билан зўрлар ҳам, заифлар ҳам, буюклар ҳам, ҳақирлар ҳам бир хилда туғиладилар. Менинг учун уларнинг ҳаммаси тенг", "қалби тоза, олийҳиммат одамларнинг қалби пок бўлади, бу ўринда наслнинг роли йўқ... Ўқимишли одамлар корол ва князлардан кўра олийҳимматли бўлади", дейди.

Жан де Мён учун табиат ва онг бутун борлиқнинг асосий принциплари, улар буюмлар ва ҳодисалар ҳақида фикр юритишнинг асосий мезонидир. Фақат табиатга тақлид қилиш керак, деган ғояни илгари сурган шоир жаҳолат ва хурофотни илм ютуқлари асосида масхаралайди. Бу ўринда Шарқ олимларининг табиат ҳодисалари ҳақидаги фикрларидан кенг фойдаланади. Қуёш, ой тутилишлари, бўрон, чақмоқ, момақалдироқ, осмон ёритқичлари ҳақида Оврупода асосан хурофий ривоятлар мавжуд бўлиб, ҳодисалар фақат ривоятлар билан изоҳланар эди. Де Мён бу ҳолатлар сабабини илмий асосда тушунтиришга уринади. У даврда Оврупо мамлакатларида табиат ҳодисаларига илмий ёндашув фақат лотин тилига ағдарилган Шарқ олимлари асарларидагина мавжуд эди, холос.

Шоир шаҳар-қишлоқларда минг-минглаб тарқалиб кетган паразитларча ҳаёт кечирувчи, разил, фитначи монахларга нафрат билан қарайди, улардан узоқ бўлишни тавсия этади. Жан де Мённинг танқиди заҳархандали эмас, балки қувноқ ҳазил-мутойибали масхаралаш. Асар тили содда, халқ тилига яқин. Шоир халқ тили элементлари, мақол, маталлардан кенг фойдаланган.

Жан де Мённинг фикрича, табақаларга бўлиниш, катта бойликларга эга бўлиш табиатга зид. Шу фикри билан шоир мавжуд феодал тузуми асосини шубҳа остига олади. Канада олими Г. Парэ ва немис олими Ф. Мюллерлар де Мён дунёқараши, "Атиргул ҳақидаги роман" ғоясининг Ибн Рўшд таълимоти билан боғлиқлигини ўз асарларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқ қиладилар.[25] Парэнинг фикрича, роман XIII аср ғоявий курашида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам Фома унга қарши махсус асар ёзган ("Contra impugnates").

Де Мён Ибн Рўшд таълимотини бадиийлаштириб, баён қилган. Ҳар иккала олим ҳам де Мённинг ўқимишли, юқори савияли эканини таъкидлайдилар. Парэ шоир лотин аверроистчиларига яқинлигини, Аристотел, Авиценна, Аверроэс, Ғаззолий, Маймонид асарларидан хабардор эканлигини айтади. Ҳақиқатан "роман корол саройига", феодал ахлоқига қарши қаратилган ва маданият эришган ютуқларнинг натижасидир".[26]

Жан де Мён асари Париж университетида Шарқдан ўтган илғор ғояларнинг ташувчиси лотин аверроистчилари ва черков раҳбарлари ўртасидаги кураш кескин тус олган даврда ёзилган бўлиб, шу курашнинг бадиий инъикосидир. Де Мён асари фалсафий, ижтимоий, сиёсий, илмий, маданий янгиликлар, грек-шарқ табиатшунослигининг асосий янгиликлари ақл эгаларини маҳлиё қилган, завқ-шавқини оширган даврда чиққан. "Атиргул ҳақидаги роман"нинг иккинчи қисми сеҳргар Парижнинг, вагантлар куйлаган "Ер юзидаги жаннат, жаҳон гули, шифокор шаҳар" Парижнинг гулидир!" Шунинг учун ҳам роман кенг шуҳрат қозонган. Унинг бизгача келиб етган 300га яқин қўлёзмаси асар муваффақияти катта бўлганлигидан дарак беради.

Шарқ адабиётида ижтимоий фанларнинг турли соҳаларига, айниқса, ахлоқ ва адабга бағишланган асарлар Францияда XIII асрда кўплаб таржима этилган ва тарқалган эди. Уларнинг таъсири остида қатор шеърий асарлар юзага келади. Булар орасида энг характерлиси "Сидрах китоби" эди. Асар насрда ёзилган бўлиб, Бухтарий (Бактрия) подшоҳи Бокт билан донишманд Сидрах ўртасидаги суҳбат тарзида ёзилган. "Сидрах китоби"ни ўрта асрлар ахлоқ ва одоби қомуси дейиш мумкин.

Ибн Синонинг кўпчилик асарлари XII—XIII асрларда лотин тилига таржима этилган, лекин "Рисола фи-л-ишқ" қачон ағдарилгани ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Аммо провансал шеърияти олим асарига тўла асосланган аниқ. Бу шеъриятда ҳам ошиқ ва маҳбуба жисмоний яқинликка эмас, балки руҳий яқинликка интиладилар.

1180 йил Провансли к адиб Андрей Капеллан лотин тилида "Одобли севги санъати ҳақида" деб номланган рисола ёзади. Асар рицар ишқи назарияси ва амалиёти ҳақида бўлиб, унда ишқнинг қонун-қоидалари баён этилади. Масалан, "жуфти ҳалоллар ўртасида ишқ бўлиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғайри табиийдир", "хонимга икки кимса ошиқ бўлиши мумкин, лекин фақат биттасига мойиллик билдириши мумкин" ва ҳ.к. Муаллиф "Ишқ судлари" ва ундаги муҳокамалардан мисоллар ҳам келтиради. Андрей Капеллан асари Ибн Сино, Ибн Ҳазм, Матфре Эрменгау асарларидан фарқли ўлароқ, ишқнинг назарий хусусияти эмас, балки асосий ўрин турли воқеалар, мисолларга берилади.

XIII асрнинг охирларида Провансда "Рисолаи ишқ" номи остида достон яратилади. Достон 34000 мисра бўлиб, муаллифи Матфре Эрменгау эди. Эрменгау достонида Ўрта асрлардаги табиат, дин, ахлоқ ҳақидаги тушунчаларни Ибн Синонинг рисоласида берилган руҳий ва жисмоний ишқ ҳақидаги таълимот асосида беради. Прованс шоири Ибн Сино фикрини такрорлаб: "ишқ инсон руҳининг маҳсули, танасини эмас", дейди.

Рисола муаллифи Ибн Сино кетидан эргашиб, жисмоний ишқ наботот ва ҳайвонот дунёсида ҳам бор. Агар шундай бўлмаса ҳаёт тўхташи муқаррар эди, дейди. Прованс адибининг фикрича ҳам ишқ бутун борлиқ манбаи, уни ҳаракатга келтирувчи куч. Ишқнинг олий тури руҳий (илоҳий) ишқдир. Ҳақиқатан, Ибн Сино ишқнинг беш тури ҳақида ёзар экан, унинг энг олий тури" "илоҳий руҳга эга бўлганлар ишқи" (яъни руҳий яқинлик бўлган шахслар ўртасидаги муҳаббат) деб таъкидлайди. Матфре Эрменгау ҳам худди шу фикрни такрорлайди.

Прованс шоирлари муҳаббат ошиқни яхши фазилатли этиб тарбиялайди, қалбини поклантиради деб тушунади. Уларнинг фикрича, ошиқ одам ҳеч қачон ёмон ниятлар, ёмон ишларни қилмайди, аксинча ҳамма вақт олиҳиммат бўлишга интилади. Шоир Арнаут де Марюэл ҳамма провансал шоирларга хос фикрни баён қилиб..." Муҳаббатсиз одам ҳурматга сазовор бўла олмайди",[27] деб ёзади. Ишққа бундай муносабатда бўлиш ҳамма шоирларга хос.

Прованс трубадурларининг ишқ фазилатлари ҳақидаги фикрлари Шарқ файласуфлари қарашларига ҳамоҳангдир. Эндиликда прованс трубадурлари ишқий лирикасининг мазмуни, шакли, услуби асосида Шарқ шеъри ётганлиги ҳақида шубҳа қолмади. Шарқ таъсири тўлиқ тан олинди, лекин унинг асосини ташкил этган мафкура, ғоялар масаласи анча-мунча баҳсларга олиб келмоқда.

Шарқда мажозий, олий инсоний, жисмоний ишқ масаласи файласуф-олимларни анчадан бери қизиқтириб келган. Ал-Жоҳиз (вафоти 870), ал-Кинди (801—866), Ибн Довуд аз-Заҳирий (815—883), Форобий ишқ масаласига

www.ziyouz.com kutubxonasi

озми-кўпми мурожаат этадилар. Аммо уларнинг бирортаси ҳам бу масала билан жиддий шуғулланмаган. Тарихнавис ал-Масъудий (вафоти 956) "Муруж аз-Заҳаб" асарида IX асрда машҳур вазир Бармакий саройида 12 мусулмон ва битта зардушт тўпланиб ишқ ҳақида баҳслашганини келтиради. Ҳаммаларининг фикрлари ҳамоҳанг бўлиб, муҳаббатнинг олий ижобий хусусиятини тасдиқлайдилар.[28] Шу фактнинг ўзи ҳам ислом дунёсида бу масалага жиддий қаралганидан дарак беради. Бу муаммо Андалус олимларини ҳам қизиқтиради, шоирлар ишқий мавзуда шеърлар ёзганлар. Кейинчалик Ибн Ҳазм (994—1064) махсус рисола ҳам яратган.

Шарқда Ибн Синогача даставвал Аллоҳга бўлган муҳаббат ҳақида гап кетади. Бунда манфаатпарастликка мутлақ ўрин бўлмаслиги шарт. Бунга араб шоираси Робиа ал-Адавия (вафоти 801) шеърлари энг характерли мисол бўлади: "Дўзахдан қўрққаним учун сени севаман, ё Аллоҳ, сен томондан рад этилган қалбимга мукофот дўзах бўлсин"[29]. Бундай дунёқараш Шарқ фалсафаси, айниқса, Ибн Сино рисоласида батафсил ишлаб чиқилган, олим асари ёзилганидан сўнг ишқ ва унинг турлари ҳақида кўплаб фикрлар баён этилган.

Фалсафанинг кўп масалаларида ўрта аср Шарқ олимлари Аристотел асарларига суянганларидек, ишқ масаласида ҳам юнон олими таълимотининг таъсири сезилади. Файласуфнинг фикрича, энг олий гўзаллик бу илоҳиятдир. Инсоннинг асл вазифаси унга интилишдир. Табиатан инсон заиф ва гуноҳга берилувчи. Шунинг учун сохта, юзаки гўзаллик, масалан, аёллар гўзаллиги билан уни йўлдан уриш осон. Шунинг учун одам уни фарқлай билиши, мутолаа билан ўзини ўзи камолотга эриштириши, олий гўзаллик, олий муҳаббатни шу тариқа англаб етиши лозим. "Олий дунё" илоҳият дунёси ҳақиқий гўзаллик ва муҳаббат дунёсидир.[30]

Форобий эса ишқ масаласига махсус асар бағишламаган, аммо ўз фикрларини кўпчилик асарларида изҳор қилган: Аллоҳ ўз-ўзидан севимли, ўзи-ўзидан севишга арзигулик. У ишқнинг асосий манбаидир. Унга бўлган ишқ муҳаббат изҳор қилувчини камолотга эриштиради, руҳларга яқинлаштиради. Инсонлар орасидаги ишқ олий ишқнинг намойишидир, деб тушунади Форобий. Чунки ишқ туфайли икки одам бир-бири билан мослашади, улар ўртасида уйғунлик ҳосил бўлади[31].

"Ихвон ас-сафо" олимлари ҳам бу масалага ўз диққатларини қаратадилар. "Ишқнинг моҳияти ҳақида" деб ном-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган рисола Ибн Синогача бу мавзуга бағишланган асарларнинг энг муҳимидир. Асарда ишқ фақат инсон қалбига хос хусусият деб қаралади. Бу ўринда Платоннинг руҳ ҳақидаги таълимотига суянилади, яъни муҳаббатнинг танага алоқаси йўқ, фақат инсон руҳининг маҳсули. Севувчилар бир-бирлари билан яқинлашишга интиладилар, лекин ҳақиқий бирлашув фақат руҳий бўлади, тана фақат руҳий яқинлашувнинг воситаси, холос. Ишқ туйғусини Аллоҳ ҳаммага ҳам беравермайди. Ишқ фақат унинг қадрига етувчи, арзигулик инсонларга муяссар бўлади. Жисмоний муҳаббат фақат авлод қолдириш учунгина яратилган, у инсондагина эмас, балки оламдаги ҳамма жонзотда бор.[32] Аммо фақат Аллоҳга бўлган муҳаббат абадий, ишқнинг бошқа тури ўткинчи.

Олий муҳаббатга арзигулик бўлиш учун инсон ўзини, қалбини тарбияламоғи шарт, дунёнинг вақтинча гўзаллигидан кечиб, абадий, руҳий, олий гўзалликни қадрлай билиш керак.[33] Шунинг учун донишмандлар яратувчи жамолига эришув учун фанолик йўлига кирадилар, дунёвийликдан воз кечадилар (мўъжаз расмларда либос енгларини беҳад узунлиги ана шу дунё ишидан қўл силкишнинг тимсолидир). Ишқ ҳақидаги фикрлар, мулоҳазаларни назарий, фалсафий жиҳатдан ишлаб, якун ясашни ватандошимиз Ибн Сино "Ишқ рисоласи"да амалга оширди.

Тасаввуфнинг ўта фонийлик, мутлоқ таркидунёчиликни тарғиб этган гуруҳи инсоннинг ўзидаги тубан хусусиятларни мутлақ енгмоғини талаб қилади. Машҳур ҳаттот, Навоийнинг замондоши Султон Али Машҳадий ҳаттотлик ҳақидаги рисоласида "Оламда айтишга арзигулик икки маҳораба бор, бири инсон ўзидаги тубан, ярамас хусусиятларни енгиши, иккинчиси душманларга қарши кураш; иккинчисидан кўра биринчида ғалаба қозониш мушкул ва шарафлидир" дейди. Ибн Синонинг энг буюк хизмати олим инсонни ана шу ўта аскетизм йўлидан халос этди, шифокор сифатида инсон танаси, дилининг турли аъзолари бир-бири билан боғлиқлиги, бири-бири билан уйғун равишда тузилганини кўрсатди.

"Ишқ рисоласи" қуйидаги етти бобдан иборат:

1. Ҳар бир кимса табиатида мавжуд бўлган ишқнинг кучи ҳақида.

2. Жонсиз ашъёлардаги ишқ ҳақида.

3. Мавжудотлар ва таомдан оладиган қувватга эга бўлган жониворларда ҳам ишқ борлиги ҳақида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Ишқнинг ҳайвоний жавҳарларга эга тирикликдан қувват олувчи жонзотларда борлиги ҳақида.

5. Гўзаллик, ёшлик назокатига эга бўлган кимсалардаги ишқ ҳақида.

6. Аллоҳга яқин қалблар ишқи ҳақида.

7. Фасллар хотимаси.

Олим учун, айниқса, ишқнинг икки тури — ёшлар ва гўзаллар ишқи ва илоҳий ишқ энг муҳимдир.

Ибн Синонинг ёш ва гўзаллар ишқини алоҳида фаслга ажратиб, унга ижобий муносабатда бўлиши кейинги давр Шарқ ва Ғарб адабиётида ишқий шеъриятнинг ривожи учун ҳал этувчи аҳамият касб этади. Ҳар иккала минтақа адабиётида маҳбуба қиёфасининг гўзаллигини куйлаш шеъриятнинг шарт бўлган хусусияти, асосий мавзуига айланади. Немис олими Г. Лей "Ишқ тушунчаси Авиценнанинг "Ишқ рисоласи" таъсирида шаклланган. Ишқни руҳий ва жисмоний турларга ажратиш ҳам Авиценна таъсири остида бошланган"[34], дейди. Адабиётда фалсафий ғоя фақат образларда ўз ифодасини топган, шеър гармонияси, қофиялар қолипига тушган, шоир фантазияси билан бойиган ҳолда адабий ғояга айланди. Шуниси қизиқки, ишқ муаммоси адабиёт, санъатда эмас, балки файласуф олимлар томонидан ишланди.

Оврупода ишқий шеърият, юқорида айтганимиздек, аслзодалар муҳитида шаклланди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Чунки гўзал ҳаёт фақат аслзодалар саройида шоир, олим, файласуф, олифта ёш рицарлар шу ердагина бўлиши, ишқ объекти эса фақат бека хонимгина бўлиши мумкин эди. Жанубий Франция, Шарқ ва Ғарб алоқалар маркази бўлмиш Провансда шаклланган сарой шеъриятининг асосий мавзуи маҳбуба гўзаллигини мақташ, ошиқнинг азоб-уқубатларини изҳор қилишдан иборат эди. Рицар ишқий шеърияти Провансда келиб чиқиб, кейинчалик бошқа Оврупо мамлакатлари, айниқса Италияда Ёқимли янги услуб ва Олмонияда миннезанглар шеърияти сифатида кенг тарқалади. Маҳбуба қиёфасининг гўзаллиги ҳам Шарқ шоирлари, ҳам Овруподаги рицарь шоирлар учун биринчи шарт. Лекин Ибн Сино таъкидлаганидек, ёш ва гўзаллар муҳаббатида жисмоний яқинликка интилиш бу олий туйғуни расволаштиради, тубанлаштиради.

Рицар муҳаббатида яқинлашувга интилиш мутлақ учрамайди. Олим фикрича, яқинлашувга интилиш фақат ҳайвоний ҳиссиётга хос, "бу иш жуда ёмон", "фақат авлод қолдириш учун жуфти ҳалолинг билан яқинлашув мум-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кин"[35]. Инсон ҳамма вақт гўзалликка, камолотга эришганларга интилади. "Шунинг учун Пайғамбар — уни Аллоҳ раҳмат айласин — "гўзал юз эгаларида ўз интилишларингга эришгин"— дейиш билан гўзал қиёфа фақат табиатан гармонияга эга бўлган шахсларда бўлади демоқчи".[36] Олим фикрини давом эттириб, "гўзал қиёфага ишқ уч истак билан боғлиқ: 1) қучмоқ; 2) ўпмоқ ва 3) яқинлашмоқ". Муаллиф учинчи ҳиссиётни қоралаб "қучиш ва ўпишни қоралаб бўлмайди... чунки севувчи қалб ишқ объектига эришувни, уни кўриш ва сезишга интилади",[37] дейди. Ибн Сино фикрини "кимки шундай ишқ эгаси бўлса у ёш ва назокатли, севгиси эса — нафосатли ва навқирон"[38] деган сўзлар билан тамомлайди.

Ишқни руҳий ва жисмоний турларга ажратиш Ибн Сино таъсири остида бошланган. Шарқда ишқнинг мажозий маъноси Ибн Синодан аввал ҳам мавжуд эди. Бу ҳақда машҳур тожик адабиётшунос олими Абдулғани Мирзоев "Рудаки" монографиясида "Абу Али Ибн Синонинг "Рисолаи ишқ" асарида фалсафий асосланган илоҳий ишқ ҳақида борлиқ ҳаётдаги гўзаллик фақат илоҳий гўзалликнинг образидир; дунёвий гўзалликка бўлган муҳаббат фақат гўзалликка эришув воситасидир, дунёвий ишқ мажозий, ҳақиқийси илоҳийдир деган мистик ғоя... аллақачонлар пайдо бўлган эди",[39] дейди.

Ибн Сино асарида "гўзаллик, ёшлик назокатига эга бўлган кимсалар" ҳақиқий ишқ натижасида шунчалик руҳий камолотга эришадиларки, маъшуқа илоҳийлашади, Аллоҳни қуршаган фаришталар даражасига кўтарилади. Ибн Синонинг ана шу таълимоти таъсири остида Данте ўзининг ишқ назариясини ишлаб чиққан эди.

"Гўзаллик ва ёшлик назокатига эга бўлган кимсаларда ишқ" бобида олим бу ўринда жоиз бўлган тўрт ҳолатни ҳам келтиради:

1. Қачонки қалбнинг бир қувватига иккинчиси, олийроғи қўшилса, унинг таъсири остида тубан қуввати ўз гўзаллиги ва нурафшонлигини оширади. Онгли қувват ҳайвоний, жисмоний қувватга ёрдам беради ва айни вақтда ўз мақсадларига эришиш йўлида унинг ёрдамидан ҳам фойдаланади.

2. Ҳайвоний тубан руҳ билан онгли олий руҳ иттифоқи натижасида биринчи, яъни тубан руҳ олий, латофатли буюмларни сева бошлайди, ўзи маънавий жиҳатдан такомиллашади. Жисмоний лаззат ҳақидаги фикридан, маънавий қаноат олишга уринади, тубан руҳ илоҳиятга тақлид қилади ва олийликка эришади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Одатда, инсонлар дунё лаззатларига интиладилар, аммо баъзида дунё лаззатлари билан бир қаторда олий лаззатга эришув ҳам мумкин. Маълумки, бойлик ва хасисликдан олийҳимматлилик афзал кўрилади. Ҳайвоний руҳдаги шаҳвоний нафс ва эҳтирос ҳам худди шундай. Ҳайвонларда бу нарса уларга табиатан мос, аммо инсонда бу нарсани бузуқлик деб ҳисоблаш керак, чунки бу хусусият онгли руҳга зиён келтиради. Шунинг учун онгли-ман деган инсон шаҳвониятдан ўзини тийиши лозим.

4. Онгли ва ҳайвоний руҳлар ҳамма вақт гўзал қиёфа ва ички уйғунликка эга бўлганларга интиладилар. Бу табиий севги, лекин одамларда эса фикрлаш натижасидир. Худди ана шу фикр онгли руҳ олий идеални дунёвий ҳаёт билан муқояса этиш ва яратувчига яқин турган ҳамма буюмлар гўзал ва камолотли эканини англаб етишга ёрдам беради. Шундай қилиб, олий руҳ фақат яратувчига ўхшамаганлар уйғунликка яқин турганини, яъни бирлик, ёлғизлик принципига яқинлигини англайди. Шу йўсинда фикр, хаёл онгли руҳни бирлик, гўзаллик ва уйғунлик бўлмаганлардан узоқда бўлишни ўргатади.[40]

Ибн Сино юқоридаги тўрт хусусиятни олға суриб, онгли одам ҳамма вақт гўзал қиёфани севиши ва уни томоша қилишни орзу этишини таъкидлайди. Бу шакл ички яхлитлик ва уйғунликнинг ифодаси сифатида унинг эгаси илоҳиятга яқин экани исботдир. Инсондаги бундай ишқ фақат онгли ва ҳайвоний руҳнинг инъикоси маҳсулидир. Чунки бу руҳларнинг алоҳида олганда бирортаси ҳам олий ишқни келтириб чиқаришга лойиқ эмаслар. Фақат ҳар иккала қалб иттифоқ бўлибгина бундай қобилиятга эришадилар. Гўзал қиёфани фақат гўзаллиги учун севган одам, олимнинг фикрича, фақат ҳайвоний ҳиссиёт туфайли севади. Лекин гўзалликни руҳан севган одам ўзининг ижобий фазилатларини орттиради. Шунинг учун инсон донишманд бўлса, гўзалликни мушоҳада қилади, ўшанда фазилатлари янада ортади.

Олимнинг фикрича, ҳайвоний ҳиссиёт онгга бўйсунмагунча инсон ишқи соф ишқ бўлаолмайди. Шунинг учун ошиқ маҳбубани кўрганида ўзидаги шаҳвоний туйғуни енгмоғи шарт. Соф ишқ севувчилар қалби ва руҳининг уйғунлашувидир, улар бир-бирлари билан қучоқлашуви ва ўпишуви мумкин.

А. Деноминиг фикрича, "Авиценна учун ахлоқий ишқда онгли руҳ эркин ҳаракат қилади. Натижада у яратувчига яқинлашади. Бу ўринда дин ақидалари ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

қонунчилик роль ўйнамайди. Олий ҳимматлик ва фазилатини оширувчи ишқ соф муҳаббат, у инсонни фақат яхшиликка олиб келади. Рационал онгга халақит берувчи ишқ ғайри ахлоқий ҳайвоний ишқдир... Кўз ва ҳис томонидан амалга ошган, фақат қучиш ва ўпиш билан қаноат ҳосил қилган ишқда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Чунки у фақат яхшиликка олиб келади... Демак, ишқнинг ахлоқийлиги ошиқни камолотга олиб келадими ёки уни ҳайвон даражасига туширадими",[41] Ибн Сино таълимотининг асоси шу.

Маълумки, тасаввуф оқимларида тарғиб этилган ишқи илоҳийнинг адабиётга таъсири кучли бўлган. Бу таълимотга биноан борлиқ фақат илоҳиятнинг эманациясигина эмас, балки унинг конкрет ифодаси ҳамдир. Инсон руҳи умумжаҳон инсоний руҳнинг бир заррачасидир. Шундай экан, инсон руҳи маълум етти тариқат мақомларидан ўтиб ҳақиқатга эришади. Аллоҳ жамоли, Ҳақиқатга эришиш йўли мураккаб ишқ йўлидир. Мутасаввуфлар ишқи ўзлигидан, дунёвийликдан воз кечиб, фано йўлига кириб, тариқ мақомларидан ўтиб тавҳид иттиҳодга, яъни яратувчи жамолига, у билан бирлашувга эришади. Бу йўл ҳақиқий илоҳий ишқ йўлидир.

Ибн Сино "Ишқ Рисоласи" асарининг "Илоҳий руҳлар ишқи ҳақида" деб номланган олтинчи бобида илоҳий ишқ ҳақидаги фикрларни фалсафий умумлаштиради. Аммо унинг фикрича, ҳар иккала ишқ назариясида ихтилот ҳам бор. Агар тасаввуфда ошиқнинг туб мақсади тавҳид, иттиҳод бўлса, Ибн Синода энг олий ишқ, "энг комил, энг тўлиқ ишқ Аллоҳнинг ўзига ўзининг ишқидир". "Яратувчини англаб етишга қаратилмаган илоҳий руҳлар, хоҳ у инсонники, хоҳ фариштаники бўлсин, илоҳий руҳ деб аталишга арзимайди". Яратувчига ошиқ бўлиш даражасига кўтарилиш учун илоҳий руҳ бўла билиш шарт. Бундай руҳларда Яратувчига бўлган ишқ тобора камолотга эриша беради. Лекин иккинчи томондан, камолотга эришувга интилган шахслардагина илоҳий ишқ уйғонади, бундай кимсалар "ҳамма вақт онг кучи билан билим орттиришга уринадилар... Бундай шахсларда аввало Абсолют Ҳақиқатга, иккинчидан — ақл билан англаб етиш мумкин бўлган буюмларга нисбатан ишқ туғма бўлади... Демак, Инсон ва фариштасимон руҳларнинг ҳақиқий ишқ объекти Соф Эзгуликдир (Аллоҳ — Ф. С.)"[42] деган сўзлар билан олтинчи боб тугалланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илоҳий ишқ бутун борлиқни ҳаракатга келтиради. "Яратувчи фақат унга бепоён ишқи бўлганлар олдида намоён бўлади. Лекин улар унинг намоёнлигини турлича идрок қиладилар. У билан бирлашув йўллари ҳам турлича. Унга (Аллоҳга — Ф. С.) яқинлашувнинг ниҳояти Унинг асли табиатидаги намоёнлигини англаб етиш, яъни етишув имкониятининг комили тариқатчилар айтган бирлашувдир. Ўзининг олийлиги туфайли Унинг намоёнлиги тўғри англаб етилишини истайди, борлиқнинг мавжудлиги ана шунга боғлиқдир"[23].

Яратувчига тақлид қилиш, умуман камолотга эришувга интилишдир. Аллоҳнинг намоёнлиги даставвал "ҳайвоний қудрат, кейин ўсимлик қудрати, сўнгра — табиатда. Уни олган ҳар бир нарса имкони борича Ундан олган хусусиятга ўхшашга интилади. Шундай қилиб, табиат намояндалари Унга ўхшаб ўзларининг табиат ҳаракатларини, ўз ҳолатларини сақлаб туриш йўлида амалга оширадилар... Ҳайвонот ва наботот дунёсида ҳам худди шундай... Инсонлар ҳам ўзларининг ақлий ва амалий ҳаракатларида худди ана шундай тақлид қиладилар. Фариштасимон илоҳий руҳлар ҳам доимо мавжуд бўлиш ва йўқ бўлиш ҳаракати ва фаолиятида Унга (Аллоҳга — Ф. С.) тақлид қиладилар"[44]. Олимнинг фикрича, тақлид камолотга эришувнинг қонуниятидир. Провансал шеърияти яратувчилари, Италия шимолидаги "Янги ёқимли услуб" шоирлари ва ниҳоят Дантенинг Беатричега бўлган соф, илоҳий муҳаббатининг маъно ва мазмунини чуқурроқ англашга Ибн Сино асари ёрдам беради. Юқорида кўрганимиздек, трубадурлар муҳаббатида маҳбубага яқинлашув тушунчасининг ўзи йўқ, уларда фақат узоқдан туриб фариштасимон маъшуқани севиш, уни кўкларга кўтариб куйлаш, ишқ азобида қийналиш, тилида гўзал номи, қалбида ишқ азобидан оламдан кўз юмиш ва ҳоказолар. Трубадурлар шеъриятида куйланган ишқ Ибн Сино рисоласининг бешинчи бобида баён қилинган "гўзаллик, ёшлик назокатига эга бўлган кимсалардаги ишқ ҳақида" тавсифланган ишққа яқиндир. Яқинлашув орзуси фақат ҳайвонсимон руҳларга хосдир.

Ибн Синонинг ҳайвоний, шаҳвоний ҳиссиёт ҳақидаги фикрларига ҳамоҳанг бўлган сўзларни унинг катта замондоши буюк олим Абу Райҳон Беруний ҳам "Ҳиндистон" асарида ёзади: "Бирор халқ никоҳсиз яшашининг иложи йўқ, чунки никоҳ онг учун ярамас, жирканч бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳвоният авж олишининг олдини олади. Жуфт бўлиб яшовчи ҳайвонлар ҳаётини кузатган ҳар бир кимса, ҳар бир эркак ҳайвон ўз урғочиси билан қаноатлангани, бошқа ҳайвонлар уларни ўз ҳолларича тинч қолдирганини кўрган одам никоҳ зарурат эканини англаб етади. Инсонлардаги тартибсиз жинсий алоқа ҳайвонликдан ҳам тубан бўлган ярамасликдир".[45] Ибн Сино ҳақли равишда "онгсиз ҳайвон табиатан ўзига хос хусусиятга биноан... ўзига ўхшаган яратиш мақсадида" севги билан шуғулланади, ўсимликлар ҳам худди шундай, деган фикрни баён қилади. Олимнинг фикрича, "пайдо бўлган нарса, албатта, бир куни йўқ бўлади, шунинг учун уларнинг турлари сақланиши керак. Шунинг учун Аллоҳ томонидан оқилона ўрнатилган тартиб"га биноан ҳайвонот ва набоботнинг ҳар бир тури наслини, турини давом эттиришга уринади.[46]

"Фариштасимон руҳлар Яратувчига тақлид қилишда ҳамма вақт, абадий, борлиқдан қўл силкитган ҳолда, Уни ақл билан фаҳмлайдилар, ҳамма вақт Уни севадилар. Уни алангали севиб, Унга ўхшашга интиладилар... Уни томошо қилишга уринадилар... Уни англаб етувчи бутун борлиқни ҳам англаб етади".[47] Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ибн Сино инсон ишқи, жинслар ўртасидаги ишқ илоҳий ишққа эришувда руҳнинг ролига, олий инсоннинг Аллоҳ билан бирлашувига катта аҳамият беради.

Ислом мистикаси, жумладан, тасаввуф таълимотига биноан жисмоний ишқ тубан қалб, ярамас одамлар қисмати, аммо илоҳий руҳ эгаларига унинг алоқаси йўқ. Фано йўлига кирган одамлар ҳайвоний истаклардан мутлоқ воз кечиши шарт. Ибн Синонинг юқорида келтирилган фикрлари, айниқса, илоҳий руҳ ишқи мистиклар талабига яқин. Аммо Ибн Сино қучиш ва ўпишга йўл қўйса, мутасаввуфлар умуман аёллар ҳақида эшитишни ҳам истамайдилар.

Ислом фалсафаси инсонда ҳайвоний ва онгли руҳ борлиги, биринчиси жисмоний, иккинчиси илоҳий ишққа алоқадор, деган ғояни ишлаб чиққан[48]. Ибн Сино ҳар иккала руҳни тан олган ҳолда, ҳар иккаласи бир-бири билан боғлиқ, дейди. Унинг фикрича, жисмоний қалб олий онг руҳи таъсири остида ўзгаради, фазилати ошади, илоҳий ишққа яқинлашуви мумкин. Қиёфаси гўзал, ёшларга бўлган ишқ олий ишқ, Аллоҳга бўлган ишққа яқин туради, дейди олим. Унинг фикрича, борлиқда ишққа бўйсунмаган жонзот ва ўсимлик умуман бўлмайди, ишқ буюк космик, фазовий кучга эгадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ибн Сино рисола якунида "агар яратувчи ўзини ўзи намоён этмаганида ҳеч нимага сазовор бўлолмасдик, агар ҳеч нарсага эга бўлолмасак, умуман ҳеч нарса бўлмас эди. шундай қилиб, у намоён бўлмаса борлиқ ҳам бўлмас эди; Энг Олийга унинг Олийлиги учун бўлган энг олий ишқдир... унга эришганлар илоҳийлашган руҳлардир"[49], дейди.

Рисолада фикрлар ниҳоятда қисқа, лўнда этиб баён қилинган. Фикримизча, бунинг боиси ишқ ҳақидаги асар шифокор-файласуфнинг бошқа асарлари, айниқса руҳ, қалб ҳақидаги таълимотини тўлдирувчи жузъий проблема сифатида талқин қилишида бўлса керак. Рисола давомида муаллиф бошқа асарларда ҳал этилган тушунчаларга ишора қилади. Фон Грюнебаум "олим асарда ҳал этилувчи муаммоларга биноан руҳни зарраларга тақсимлаб тавсифлайди... Ибн Сино эришган ютуқларнинг асосийси руҳнинг губан ва олий қисмлари ўртасида уйғунлик борлигини аниқлаш бўлди... Ибн Синонинг ютуғи жоннинг тубан қисмларини рад этиш эмас, улар борлигини тан олув ва уларни камолотга эришув жараёнида олий даражага кўтарила олишини кўрсатув бўлди"[50] дейди.

Ибн Сино табиатшунос олим сифатида "ҳайвоний руҳлар" ишқини ҳам рад этмайди, уни табиат қонунияти асосида тан олади, авлодни давом эттиришдаги ролини гасдиқлайди. Бундай ишқ ҳар бир ҳайвонот ва набобот кўриниши, жумладан, инсонга ҳам характерли эканини гаъкидлайди, аммо уни суистеъмол қилишни қоралайди.

Ибн Сино "Ишқ рисоласи"нинг таъсири фақат адабиётгагина эмас, XII асрда Италия шимолида шаклланган исавия динининг францискчилик оқимига ҳам оз бўлмаган. Франциск Италиянинг Ассизи шаҳридан, савдогар оиласидан бўлиб, дунёвий ҳаёт, оила, бойликдан қўл силкиб, қашшоқликка асосланган ҳаёт ҳақида таълимот ишлаб чиқади. Унинг таълимотида Аллоҳга ишқ масаласи ҳам катта ўрин тутади. Унинг фикрича, илоҳий ишқ дунёвий ҳаётдан мутлоқ воз кечишга, фонийликка эришув ва ниҳоят Аллоҳ билан бирлашув, унинг жамолига етишув билан боғлиқ. "Аммо бу ишқ йўли осон йўл эмас, унинг йўлига кирган одам ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб-уқубат чекади, қийналади, лекин астойдил интилганлар, камолотга эришган руҳлар, ниятларига етадилар. Бундай ишқ юқоридан пастга тушади, сўнг унга лойиқ бўлган кимсадан яна Аллоҳга, борлиқнинг манбаига гомон кўтарилади"[51]. "Сен Мени севгин, кейин мен сени

www.ziyouz.com kutubxonasi

севаман, дейди Аллоҳ" (Ибн Сино). Францискнинг фикрича, ишқ руҳнинг энг олий даражага кўтарилган ҳолати, лекин ошиқ бу лаззатлардан мутлоқ кечган, борлиғини маҳбубага бағишлаган (бу ўринда Яратувчига) бўлиши шарт. Италиялик монахнинг ишқ ҳақидаги фикрларида ҳам тасаввуф, ҳам Ибн Синонинг илоҳий ишқ ҳақидаги таълимоти таъсири сезилади. XIII асрда Францияда Аквинолик Фома "инсоннинг Аллоҳга бўлган ишқи табиий ҳолатдир" дейди. Хуллас, олим асарининг Исавия динидаги оқимларга таъсири ҳақида баҳс юритавериш мумкин, лекин бу бизнинг вазифамизга кирмайди.

ШАРҚ МАДАНИЯТИ ВА ДАНТЕ

Париж епископининг лотин аверроистчиларига қарши қаратилган 1270 ва 1277 йиллардаги қатағонлари, Шартр, Париж университетларидаги аверроистчиларнинг тор-мор этилиши, Дакиялик Боэцийнинг изсиз ғойиб бўлиши, Брабантлик Сигернинг ўлдирилиши воқеаларидан кейин бу оқимнинг кўпчилик вакиллари Олмония ва Италиядан бошпана топишга мажбур бўладилар. Аммо майда давлатчаларга бўлинган, ижтимоий, иқтисодий ҳаётда анча орқада қолган Олмонияда аверроизм каби илғор фалсафий оқимнинг ривожланиши у ёқда турсин, мавжуд бўлишига ҳам шароит йўқ эди.

Савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ривожланган, Осиё билан Оврупо ўртасидаги савдони боғлаб турувчи, ҳар иккала минтақанинг асосий бозори ҳисобланган Италиянинг кўплаб эркин шаҳар коммуналари аверроистчиларга бошпана берди. Замонавий немис олимаси Аннелиза Мейер, итальян олими Б. Нардилар лотин аверроизмининг Италияда тарқалишини тадқиқ этганлар.[1] А. Мейер Италия тупроғида илдиз отган аверроизмнинг христиан черковига зид бўлган оқим эканлигини кўрсатади: "... бу оқим таъсири остида аста-секин черков ҳукмронлиги, христиан ақидаларидан озод бўлиш жараёни бошланади... тўғри, бундай фикрлар очиқ изҳор қилинмайди. XIV асрда бу ҳаракатнинг маркази Париждан Италияга кўчди. Демак, келаси асрда бу мамлакат аверроизмнинг классик мамлакатига айланиши табиий эди".[2] Ҳақиқатан XIII аср охири XIV асрда Италиянинг йирик шаҳарлари (Болонья, Падуя) университетлари лотин аверроизмининг марказига айланади. Болонья университети санъат факультетининг ўқитув-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилари пармалик Таддео (1318—1321 йиллар дарс берган), Ареццолик Анжелолар (1320 йилларда дарс берган) фақат Ибн Рўшд таълимотини ўзлаштирибгина қолмай, уни талабаларга сингдириш ва шу йўсунда кенг тарқатиш борасида фаолият олиб борганлар. Ҳар иккала олимдан сўнг итальян аверроизми маркази Падуя университетига кўчади. XIV асрнинг иккинчи ярмида бу университет нафақат аверроизм, умуман маънавий ҳаёт марказига айланади. Падуя университетидаги кўзга кўринган олимлар Павел Венециано (1368—1428), Паэтано Тиено (1387—1465) кабилар эди. Университет XVI асргача Ибн Рўшд таълимоти маркази бўлганича қолади. Аммо XVI—XVII асрларда Падуя аверроистчилари устозлари таълимотидан чекиниб, уни исавия дини билан келиштиришга уринадилар".[3] Итальян Уйғониш давринининг йирик шоири Петрарка христиан дини, рим папасининг фаол ходимларидан бўлгани учун ҳам Ибн Рўшд ва унинг таълимотига мутлоқ қарши чиқади, олимни "ўз эгаси Исо ва католик динига жон-жаҳди билан ҳурувчи қутурган ит" деб атайди. Бу таълимот папа ходимини шунчалик саросимага соладидики, 1370 йил аверроизмга қарши махсус рисола ("Ўзим ҳақимда ва кўплаб авомлар ҳақида") ҳам ёзади, янги таълимот вакилларини "худосизлар" деб атайди. Шоир рисоласида Платон нуқтаи назаридан исавия динини ҳимоя этиб, табиат фанлари ва фалсафага қарши чиқади.[4] Қизиғи шундаки, Петраркадан ўн йиллаб аввал яшаган Данте Шарқ фани, олимлари, Ибн Рўшдга юқори баҳо берган эди.

Шоирнинг чиқишлари ва юқоридаги рисоласи исавия черкови Ибн Рўшд таълимоти ва умуман Шарқ илм-фан, фалсафаси таъсиридан ўта чўчиганининг исботидир. Исавия дини қанчалик қаршилик қилмасин, таъсир жараёни, илм-фалсафанинг ривожини тўхтатолмайди.

Франциядан фарқли ўлароқ, Шимолий Италияда аверроизм фақат фалсафий, ғоявий оқимгина бўлмай, сиёсий тус ҳам олади.

Италия шаҳарлари расмий жиҳатдан Рим папаси ёки герман императорига тобе бўлсалар-да, амалда сиёсий-иқтисодий мустақил коммуналар, республикалар сифатида ҳаёт кечирган. Аммо мамлакатдаги тарқоқлик, мустабид давлатнинг йўқлиги капиталистик тараққиётга тўсқинлик қилган. XIII асрнинг охирларига келиб мамлакатни яхлит бир давлат шаклига келтириш учун кураш бошланади. Бу жараён саноат равнақ топган Флоренция шаҳрида,

www.ziyouz.com kutubxonasi

айниқса, кескин тус олади. Аҳоли икки гуруҳ-гвельфлар (Рим папаси қўл остида миллий бирлашувнинг тарафдорлари) ва гибеллинлар (герман императори тобеълигида феодал бирлашув тарафдорлари) бўлиниб, улар ўртасида кескин кураш кетади. XIV аср бошига келиб гвельфлар мутлақ ғалаба қозонадилар, лекин уларнинг ораларида ҳам зиддият пайдо бўлади. Ғолиблар оқлар (император) ва қоралар (папа тарафдорлари) гуруҳига бўлинадилар. Ўша давр маънавий ҳаётида, айниқса, буюк адиб Данте ҳаёти ва ижодида ҳам бу сиёсий зиддиятлар ўз ифодасини топган.

Шимолий Италияда бадиий адабиёт XIII асргача лотин тилида яратилган. XII аср охири ва XIII аср бошларида Сицилияда ривожланган миллий тилдаги шеъриятда фольклор элементлари кучли эди. Бу шеъриятнинг энг кўп тарқалган жанрлари лауда, сервентиза ва контраст деб аталиб, уларнинг яратувчилари, жанубий Франция, Сицилия ва Италияда кўчиб юрувчи сайёҳ шоирлар эди. Уларнинг миллати француз, итальян бўлишидан қатъи назар, кўпинча провансал тилида шеърлар ёзганлар. Сицилия ва Италияда оддий халқ тилида (вулгар) яратилган шеърлар орасида айниқса лаудалар кенг тарқалган. Лаудаларда қофия араб қасидаларидек бутун асар давомида байтнинг иккинчи мисраси қофиядош бўлади. Лауданинг иккинчи тури араб-испан шеъри зажал турида ёзилган бўлиб, байт эмас, балки банд усулида, яъни тўртликнинг биринчи уч мисраси қофиядош, сўнгги тўртинчи мисра эса бутун шеърда қофиядош (ббба, ввва, ггга ва ҳоказо). бу турдаги шеър Испаниядан Прованс ва Сицилия шеъриятига, ундан Италияга ўтган. Умуман шеърларни байт, бандга бўлиш, қофия тизими Оврупо адабиётига ёт бўлиб, Испания орқали Шарқдан ўтган. Диний "Лауда" нинг маъноси "мадҳия" бўлиб, бу шеърлар Биби Марьям ва Исо пайғамбарга мадҳиялардир. Қандай бўлмасин, лауда содда, халқ тилидаги дастлабки шеърлар эди. Лаудалар ўша даврнинг халқ шеъриятига яқин бўлган; расмий адабий итальян шеърияти шарқ шеърияти хусусиятларини ўзлаштирган ва расман араб лирикаси таъсири остида бойиган. Шарқ адабиётининг итальян адабиётига таъсири ҳам бевосита, ҳам билвосита бўлган. Тўғридан-тўғри таъсир Сицилиядан, билвосита эса провансе трубадурлари орқали бўлган".[4] Провансал шеърияти шарқ шеърияти, айниқса, Ибн Синонинг "Рисолаи фи-л-ишқ" асари билан боғлиқ эканини юқорида кўрдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Италияда XIII асрда фақат жанубий Франция шеъриятига қизиқибгина қолмай, шимолий Францияда кенг тарқалган рицар романлари, "Роланд жангномаси"га қизиқиш, улардан илҳомланиб асарлар яратиш ҳам кенг тус олган эди ("Ринальдо да Монтальбано", Боярдо ва Ариосто достонлари ва б.).

Ниҳоят XIII асрнинг охирги чорагига келиб, шимолий Италияда ҳақиқий шеърият мактаби "Янги ёқимли услуб" шаклланади.

Провансдаги катар-альбигой бидъатига қарши рим папаси томонидан уюштирилган салб юришлари натижасида минтақа вайрона ҳолига келган, маданият ва адабиёт тушкунликка тушган ва ўлкадан илм-фан, санъат, адабиёт арбоблари эндиликда Италиядан бошпана излашга мажбур бўлганлар. Аммо улар қаерда яшамасинлар ўз шеърларини прованс тилида ёзишни давом эттирганлар (Рембаут де Вакейрас, Эмерик де Пегульян ва бошқалар). XIII асрда итальян шоирлари орасида прованс тилида шеър ёзиш ҳам кенг тарқалган эди (Сорделло да Тоскано, Ланфранко Сигала ва б.). Сицилия шоирлари (Жакомо да Лентино, Чело д' Алькамо, Альбертино да Романо ва б.) асарлари ҳам шимолий Италияда кенг тарқалади. Юқорида айтилганидек, Прованс ва Сицилиядаги поэтик мактаблар ҳам услуб, ҳам ғоя, мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин эди. Аммо Прованс ва Сицилияда миллий тилларда ишқий мазмунда яратилган шеърлар аслзодалар ва император саройларида шаклланиб ривож этган бўлса, XIII асрнинг иккинчи ярамида Италияга кўчган бу шеърият асосан шаҳарларда тарқалади ва ривожланади.

Марказий ва Шимолий Италия шаҳарлари лотин аверроизми, Болонья ва Тоскано эса миллий тилдаги шеърият марказига айланган эди. Бу даврда шаклланган янги шеърий мактаб "Янги ёқимли услуб" деб номланиб, унинг асосчиси Болоньялик шоир, Дантенинг устози ("Илоҳий комедия" да отам деб атайди) Гвидо Гвиницелли (1240—1276) эди. Бу оқим вакиллари ижодида, шаҳар шароитида рицарларнинг эришиб бўлмас, илоҳийлаштирилган хонимга бўлган муҳаббати ўрнини жонли, ҳаётий, шоир муҳитига яқин бўлган аёлга муҳаббат эгаллайди. Демак, Прованс ва Сицилия шоирлари бекаларини куйлаб, вассаллик бурчларини адо этсалар, эндиликда бу сунъий муҳаббатга оддий инсоний туйғу ҳам қўшилади. Лекин кўп ўринларда ҳали узоқ вақт провансал шеъриятига хос бўлган жанр кўтаринки услуб ва иборалар, юксак бадиий

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳорат сақланиб қолади. Француз шарқшуноси Л. Масиньон ҳақли равишда "Янги ёқимли услуб"нинг келиб чиқишини Испаниядаги араб шеъриятига боғлайди: "қофия Ғарбда тўлуқ равишда фақат "Янги ёқимли услуб"да намоён бўлган. Бу санъат XII асрда мусулмонлар билан алоқада бўлган минтақа, яъни Ўрта ер денгизи соҳиллари; Прованс, Каталония, Галисия ва Италияда бирданига пайдо бўлди, бу фикр тўлиқ исботланган. Шуниси ажойиб ҳолатки, бу санъат, вазнга алоқадор ҳамма хусусиятларни бундан 50 йил аввал Кордова ва Гранадада кенг тарқалган мувашшаҳ деб аталган шеърдан олганлар"[5].

"Янги ёқимли услуб"га хос хусусиятларнинг яна бири шеъриятнинг илм-фан, фалсафа билан боғлиқлиги бўлган. Франциядан Шимолий Италияга ўтган лотин аверроистчилар фалсафий таълимотининг таъсири адабиётга ҳам ўтган, илмий, фалсафий шеърият вужудга келган. Унда абстракт ғоя олий инсоний хусусиятларга эга бўлган маҳбуба образида мужассамланган, ишққа эса илоҳий мазмун берилган. "Янги ёқимли услуб" асарларида бадиий фасоҳат тизими замонанинг илғор мафкуравий, фалсафий таълимоти билан уйғунлаштирилган эди. Бу оқимнинг характерли вакили Дантенинг энг яқин дўсти, Ибн Рўшд таълимоти тарафдори бўлмиш шоир Гвидо Кавальканти (1259—1300) эди. Унинг ижодида шеърнинг фалсафийлиги янада кучаяди, шеърларда ишқ олий инсоний фазилатлар манбаигина эмас, балки худди шу фазилатларнинг ўзгинаси сифатида куйланади.

Кавальканти психологик шеъриятга асос солган шоирдир, у қўллаган ўхшатишлар маҳбуба сиймосини эмас, балки руҳий ҳолатини тасвирлайди. Шеърларида маҳбуба мураккаб ахлоқий-фалсафий ғояларнинг тимсолига айланади, умуман олганда, провансал шеърияти ва унинг таъсири остида шаклланган поэтик мактаблар вакиллари ижодида маҳбубага бўлган муҳаббат ишқи илоҳийнинг бир кўриниши сифатида, Ибн Синонинг ишқ фалсафаси таъсири остида шаклланган. Ҳатто гўзаллик, яратувчи жамоли эзгуликнинг бир тимсоли, у фақат яхшилик, хосият келтиради. Демак, маъшуқа гўзаллигини куйлаш билан Аллоҳ жамолини куйлаш мумкин, деган фикрга келганлар ҳам бўлган (Севильялик Исидор, Андрей Капеллан, Бонавентура ва б.). Бу ўринда тасаввуф таъсири, Ибн Сино таъсиридан кўра кўпроқ бўлган деб ўйлайман.

Инсоният маданият тараққиётининг маҳсули бўлган буюк сўз усталарининг бири Алигьери Данте. Унинг асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

исми Дуранте, фамилияси эса Алигьеридир. У 1265 йилнинг май ойида Флоренцияда, камбағаллашган аслзода оиласида дунёга келган. Ёшлигида шоир диний мактабда ўқиб, кейин Болонья университетида таълим олган деб ҳисоблайдилар. Умр бўйи фалсафа, ахлоқ, илоҳият, тарих, мантиқ ва турли халқлар адабиётини мустақил равишда ўрганган. У замонасининг энг билимдон кишиларидан ҳисобланган.

Флоренциянинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган шоирни 1302 йил ғолиб чиққан "қоралар" она шаҳридан сургун қиладилар ва у ҳаётининг сўнгги 19 йилини сарсон-саргардонликда ўтказади. Данте 1321 йил 14 сентябрда Равеннада вафот этади.

"Янги ёқимли услуб"нинг яратувчиси Гвидо Гвиницелли, энг кўзга кўринган вакиллари Гвидо Кавальканти, Дино Фрескобольди, Лапо Жаннилар бўлса, бу оқимни адабий мактаб даражасига кўтарган, ишқий шеъриятнинг ажойиб намуналарини яратган шоир ёш Данте бўлди. Тўғри, шоир "Янги ҳаёт" тўпламининг иккинчи қисмидаёқ "Янги ёқимли услуб" талабларидан четланади. Дантенинг бутун ижоди Беатриче исмли қиз билан боғлиқ. Беатриче шоирнинг отасига яқин кишининг қизи бўлиб, тўққиз ёшли бўлажак шоир саккиз яшар қизчани кўриб бутун умр бўйи унинг мафтуни бўлади. Беатриче лоларанг либосда эди. Шу кундан бошлаб Данте ишқ маъбуди Аморнинг бандасига айланади. Данте Беатричени ҳаммаси бўлиб беш марта кўрган, холос. Шоирнинг унга бўлган муҳаббати инсон ҳақидаги олий идеал билан боғлиқ бўлиб, унга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаган, уни шаккоклик деб билган. Беатриче бошқа одам билан турмуш қуриб, 1290 йили 24 ёшида вафот этади. Шоирнинг Беатричега бўлган ишқи кейинчалик илоҳий мазмун касб этиб, Данте ижодининг ҳамма босқичларида энг олий инсоний идеаллар тимсоли сифатида талқин қилинади.

Дантега шуҳрат келтирган биринчи асар 1291—1292 йилларда тузилган ва Беатричега бағишланган "Янги ҳаёт" ("Vita Nova") шеърлар тўплами бўлиб, у Оврупо адабиёти тарихида биринчи автобиографик асардир. Тўплам насрий ҳикоялар билан боғланган 30 та шеърдан иборат. Шеърлар 1283—1291 йилларда ёзилган бўлиб, хронологик тартибда жойлаштирилган. Аммо шоирнинг маҳбубасига бағишланган ҳамма шеърлари тўпламга киритилмай, фақат фа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риштасимон Беатриче хотирасига муносиб бўлганлари "Вита нова" дан жой олган. Насрий ҳикояларда шеърларнинг яратилишига сабабчи бўлган воқеаларга ишоралар, шеърлар талқини берилган. Насрий ҳикоялар, уларга хос бўлган рамзийликка қарамай, жонли ҳис-туйғу, инсон руҳиятини очиб берувчи реал воқеалар асосида ёзилган.

Тўпламдаги дастлабки сонетларда Ўрта асрлар адабиёти ва "Янги ёқимли услуб"га хос бўлган шартлилик, аллегория, рамзийлик, устозлар таъсири ҳали кучли бўлса, кейинги асарларида бутунлай мустақил услуб, содда поэтик иборалар қўллайди. Тўққиз йилдан сўнг шоир маҳбубасини кўчада қордек оппоқ либосда учратади, қиз шоирга салом беради. Беатриченинг таъзими ёш шоирни мутлақ мафтун этади, руҳига бахт-саодат бахш этади. Бундан кейинги бир неча йилни шу учрашув таъсирида ўтказади. Учрашув кечаси шоир тушида ишқ маъбуди Амор олов рангли булут ичида Беатричени олиб кетаётгани ва ухлаб ётган шоирнинг юрагини унга мажбуран едираётгани ва уни осмонга учириб олиб кетганини кўради. Шоир уйғониб "Ошиқ қалбларга..." сўзлари билан бошланувчи сонетни[6] ёзади.

Ишқий шеърлари маҳбубаси шаънига доғ туширмасин, деб Данте провансал шоирлари ҳийласини, яъни иккинчи бир хонимга ошиқ бўлгандек шеърлар ёзади. Беатриче бу "садоқатсизлик"дан ҳақоратланиб шоирга салом бермайди. Бу воқеа Данте учун чуқур мусибат келтиради, ўзини йўқотган шоир қайғу-аламга тўлиб-тошиб сонетлар ёзади. масалан, XV бобдаги сонетда.

Менинг юзим қалбим ранжининг аксидир,
Ўзимга таянчиқ излайман, борлиғим изтиробда;
Ва сархушлик қалтироқ туғдиради,
Тошлар менга "Ўл!" деб бақиргандек...[7]

деб қалб аламларини изҳор қилади.

XIII асрнинг 80 йилларида Италияда ишқ, унинг турлари, мазмуни ва моҳият масалалари жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб, бу ҳақда баҳс-мунозаралар кетмоқда эди. Данте ҳам унда иштирок этиб, "Ишқ ва ҳимматли, олижаноб қалблар монанддир..." сўзлари билан бошланувчи сонет ёзади. Бу муаммо фақат, шоирлар, аввал прованс, кейин Италия шоирлари олидагина турган бўлмай, Шарқ файласуфлари Ибн Сино ва Ибн Рўшдлар ҳам ўз вақтида фикрларини баён қилган эдилар. Шарқнинг буюк олимлари асар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари, таълимотларини ўзлаштириш, ижтимоий ҳаёт ва илм ривожига тадбиқ этиш даврида ишқ масаласи ҳам майдонга ташланганди. Ибн Сино ишқ ҳақидаги рисоласида "ишқ ақли фаолни ақли куллий билан боғловчи бўғин... шу билан бирга, ҳар бир қалб севишга интилади. ...ишқ қалбнинг хусусияти, тананинг эмас"[8] дейди. Ибн Рўшд эса "ҳис этувчи қалб, яъни тананинг бир қисми ва уни илоҳий ақлга алоқаси йўқ" деб Ибн Сино фикрини рад этади. Италиядаги ишқ ҳақидаги баҳслар ҳар иккала файласуф фикрлари атрофида олиб борилади.

Гвидо Гвиницелли Ибн Сино фикрининг тарафдори бўлган ("ишқ ва олий ҳимматли қалблар бир бутундир"). Гвидо Кавалканти эса Ибн Рўшд фикрини қувватлайди. Ҳар иккала шоирнинг Дантега таъсири кучли бўлган, лекин "Янги ҳаёт"нинг иккинчи қисмида шоир Кавалкантининг ишқ масаласидаги қарашлари таъсиридан узоқлашиб, юқоридаги сонетда "донишманднинг таълимотига биноан руҳий ҳаётда онгни қалбдан ажратиб бўлмайди, қалб табиати кулбани тахтда ишқ маъбуди ўлтирган саройга айлантиради" деб Ибн Сино таълимотига яқинлашади. "Янги ҳаёт" тўпламининг XVIII—XXVII бобларида ишқ инсон руҳи камолоти илоҳий ақл билан боғлиқ деган фикрни олға суради.

Беатриче вафотидан кейин Дантенинг ишққа бўлган муносабатида ўзгариш рўй беради.

Тўпламнинг биринчи қисмида Данте Беатричега ошиқ, унинг ягона орзуси маҳбубасини кўриш, роҳат бағишловчи саломини эшитиш бўлган, холос. Шоир Беатричени энг олий фазилатлар эгаси, иффатли инсон сифатида тасвирлайди. Қуёш борлиққа нур сочганидек, у ҳам муҳаббат, марҳамат, меҳр, шафқат, фазилат, олий ахлоқ, одоб, умуман Инсонга хос бўлган энг олий хусусиятлар нурини сочади. Энг муҳими бу хусусиятлардан атрофдагиларни баҳраманд қилади, уларни ахлоқий ва ақлий етукликка эришувга чорлайди. Тўпламдаги канцоналарнинг бирида Беатриченинг бундай хусусиятини Данте қуйидаги сўзлар билан тасвирлайди:

Гўзаллигини намоён этиб кимнинг олдидан ўтса,
У одам покланади ёки ҳаётдан кўз юмади;
Кимни у арзигулик деб ҳурматласа,
Унга яқинлашса, уни бахт саросимага солади;
Кимгаки хушмуомалалик билан салом берса,
Унинг қалби покланиб, ҳамма аламларни эсдан чиқаради,
Аллоҳ унга ҳукмдорлик кучини берган:
Кимки бирор марта унинг сўзини бажарса, ёвузликда ўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Беатриче Аллоҳ яратган мўъжиза, унга яқин бўлишни орзу қилиш шаккоклик, ғайри табиий орзудир.

Шоир тушларининг бирида маҳбубаси вафот этибди, ер-кўк қайғуда, аммо малойикалар шундай инсон йўқлиги учун жаннат ҳувиллаб турганди, дейдилар. Маҳбубани бунчалик идеаллаштиришнинг илдизи "Янги ёқимли услуб" асосчиси Гвидо Гвиницелли, прованс шоирлари ишқий лирикаси ва уларнинг ҳаммасига асос бўлган Шарқ шеърияти, айниқса, тасаввуф билан боғлиқ бўлган шеъриятдадир. Бу ҳақда испан олими Менендес-Пидал "Испан шеърияти ва унинг илдизларини англаб етишга антик дунёнинг шаҳвоний ишқига қарама-қарши бўлган шарқ халқларидаги олий ишқ тушунчаси асос бўлади"[9], дейди. Ҳақиқатан, Дантенинг Беатричега бўлган муҳаббати Ибн Синонинг "Рисола фи-л-ишқ"ида берилган "Илоҳий руҳга эга бўлган шахслар ишқи" тасвирининг айнан ўзидир. Олимнинг фикрича, бундай шахслар ўртасидаги ишқий муносабатларда жисмоний яқинлик ҳақида сўз ҳам бўлмаслиги керак, "ошиқ тушунчасида ишқ манбаи илоҳият даражасига кўтарилади, Аллоҳ атрофидаги фаришталар қаторидан жой олади"[10]. Бундай муҳаббатда қалблар яқинлашади, руҳий бирлашув юз беради, бу асли ҳақиқий ишқ, ишқнинг бошқа турларининг эса ниҳояси бор. Француз олими Л. Масинъонинг фикрича , "соф ғоя, қайғуга айланган ишқ фақат исломга хос хусусиятдир"[11], бу хилдаги фақат руҳий дунёга алоқадор ишқни Шарқда "ишқи хос" (табиий, жисмоний муҳаббатни эса "ишқи ом") деганлар. Файласуфнинг фикрича жисмоний ишқдан ҳам кечиб бўлмайди, чунки ишқнинг бу тури зурёд қолдириш учун зарур. Ҳақиқатан Данте умр бўйи, ҳатто Беатриче вафот этгандан кейин ҳам уни севишни давом эттиради. Аммо унга бўлган ишқ шоирга оила қуриш, Жиммага уйланиб, фарзандлар кўришга монелик қилмайди.

Тўпламнинг иккинчи қисмида ишқ маъбуди Амор шоир қалби билан бирлашади, унинг ички овозига айланади. Дантедаги ишқ муаммоси фалсафий рисола "Зиёфат" ва шоҳ асари бўлмиш "Илоҳий комедия" да янада кенгроқ талқин этилади.

Ўрта аср одамлари тушунчасида инсон қалбини коинот ёруғликлари ҳаракатга келтирадилар. Масалан, Ибн Синонинг фикрича, Зуҳро сайёраси таъсирида ишқ келиб чиқади. "Ҳайй ибн Яқзон" деб номланган аллегорик асарда Зуҳро гўзал, қувноқ, пок одамлар сайёраси, уни ажойиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

гўзал аёллар идора этади. Гвинцелли ва Дантеда Зуҳро ишққа ҳомийлик қилади, Кавалькантида эса ишқ фожиали, у Марс сайёрасининг машъум, касофатли таъсиридан келиб чиқади.

Шарқнинг буюк мутафаккири ва Оврупонинг буюк шоирининг ишқ концепциясига бўлган муносабатлари, улар яшаган даврларни уч аср ажратиб турса-да, бир-бирига яқиндир. Ибн Сино ва Дантенинг фикрича, биринчидан, ишқ ахлоқ доирасидаги тушунча, иккинчидан, олий ҳимматлилик, олижаноблик манбаи, учинчидан, ошиқни фаоллаштиради, тўртинчидан, шундай кучки, осмони фалакка, мутлоқ гўзаллик, ёруғлик, эзгулик тимсоли бўлмиш яратувчига интилтиради. Шу билан бирга уларнинг қарашлари давр, ижтимоий тараққиёт ва шахсий хусусиятларига биноан фарқланади ҳам.

Агар тасаввуф билан боғлиқ бўлган шеъриятда бу дунёдаги гўзаллик, айниқса, инсоннинг ташқи ва руҳий гўзаллиги Аллоҳ гўзаллигининг акси деган тушунча мавжуд бўлса, Прованс ва Италия шоирлари, файласуфлари ҳам (Андрей Капеллан, севильялик Исидор ва б.) шу фикрга келадилар: "аёл гўзаллиги борлиқ гўзаллигининг рамзи, Аллоҳнинг бениҳоят, ўзгармас ва абадий гўзаллигининг кўзгусидир". Бунинг билан аёлга бўлган муҳаббатни Аллоҳга сиғиниш билан келиштирмоқчи бўладилар, чунки исавия динига биноан фақат Исо пайғамбарнигина севиш мумкин эди, холос.

Ибн Сино "Рисола фи-л-ишқ"нинг бешинчи "Назокат ва ёшликнинг эгаси бўлганларнинг гўзал қиёфалари ишқи" деб номланган бобида "Гўзал қиёфа фақат табиатдан инъом этилган яхши мазмундагина бўлади ва ёқимли қиёфа ва яхши инсоний хусусият камолот уйғунлигини яратади"[12] дейди. Ҳақиқатан, Данте Беатричени худди олим юқорида айтган сўзларига биноан севганга ўхшайди.

Ибн Сино таълимотида ва умуман Шарқда ҳусн ишқнинг муқаррар атрибути ҳисобланган. Бу масалани Оврупо адабиётига дастлаб Прованс шоирлари ва, асосан, Данте олиб кирди. Юқорида Ибн Синодан келтирилган парча — гўзаллик, олий даражадаги инсоний хусусиятлар, яъни гўзал қалб бир-биридан ажралмас субстанциялар эканлиги Шарқда аллақачонлар эътироф этилган бўлса ("Ҳусн-у-дил" достони), Оврупода фақат Данте ижодида, "Янги ҳаёт" тўпламида, ўз ечимини топди. Бу масалада олим умуман инсон, ошиқ ва маҳбуба ҳақида фикр юрит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са, ундан уч аср кейин яшаб ижод этган мутафаккир шоир конкрет шахслар, ошиқ Данте ва маҳбубаси Беатриче ҳақида сўз юритади. Бу ўринда Ибн Сино ва Данте тушунчасидаги ишқ-бу инсонга хос бўлган дунёвий туйғу, у инсонни олий илоҳий руҳ, барҳаётлик билан боғлайди. Ибн Сино "Авжи Зуҳал" асарида бундай ишқ ҳақида қуйидаги тўртликни ёзади:

Эй дил. ҳама жоми ошиқи нўш чу гул,
Пайваста либоси ошиқи пўш чу гул.
Чун шамъ забони оташин дорад ишқ,
Зинҳор мабош пунба дар гўш чу гул![13]

Данте "Янги ҳаёт" тўпламида Беатриче билан учрашувдан кейинги, айниқса, вафотидан сўнгги руҳий ва жисмоний ҳолатини баён қилишга кўп ўрин ажратади. Шоирнинг ёзишича, ишқ хасталик ҳолга олиб келган. Ҳақиқатан "Ал-қонун"да Ибн Сино ҳақиқий ишқ манбаига эриша олмаган шахснинг хасталик ҳолатини тасвирлаган: касал йигит олдида унга таниш қизларнинг исмларини айтадилар, шунда бир қизнинг номини эшитган касал йигитнинг томири тез ура бошлайди. Табибнинг тавсиясига биноан йигитни ўша қизга уйлантирадилар. Овруполик дантешунослар шоир асарлари ва "Ал-қонун"ни ўрганиш натижасида Данте бу асарни ўрганиб чиққан, деган хулосага келганлар. Умуман "Янги ёқимли услуб" вакиллари ўрта аср Шарқ олимларининг тиббиёт ва инсон руҳиётига оид асарлари билан анча яқин таниш бўлсалар керакки, ўз шеърларида у китоблардаги атамалар, ошиқ кечинмалари тасвиридан фойдаланадилар.

Дантенинг "Янги ҳаёт" тўплами Оврупо адабиёти тарихидаги биринчи психологик асардир. Шоир бутун тўплам давомида ўз қилмишлари, ҳаракат ва кечинмаларини таҳлил қилибгина қолмай ўзига ўзи четдан туриб, бошқалар кўзи билан қарашга ҳам ҳаракат этади.

Ибн Сино ишқ ҳақидаги рисоласида ошиқ маҳбуба афзаллигини сезиш аъзолари орқали англайди деган бўлса, Шарқ шеъриятида бу фикр деярли ҳамма шоирларда ва аниқроқ талқин этилади. Ҳофиз Ҳоразмий (XIV—XV асрлар) бу ҳақда

Кўз йўлидин кўнгулга ҳаёли келур эса,
Кўздин кўнгул ғавҳарлар анча армуғон чокар.

(Девон, 301 ғазал)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алишер Навоий эса бу масалани янада батафсилроқ тасвирлайди:

Жонга чун дермен: не эрди, ўлмаким кайфияти?
Дерки, боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати.

Жисмдин сўрсамки, бу заъфингга не эрди сабаб?
Дер: анга бўлди сабаб ўтлуқ багрнинг ҳирқати.

Чун багрдин сўрдум, айтур: андин ўт тушти манга
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати.

Кўнглума қилсам газаб, айтурки, кўздиндур гунаҳ,
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тўҳмати.

Кўзга чун дерменки, эй тардомани юзи қора,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балою ваҳшати.

Йиғлаб айтур кўзки, йўқ эрди манга ҳам ихтиёр
Ким, кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш талъати.

(Фавойид ул-кибар. 597 г.)

Провансал рицар муҳаббати ва шеъриятининг назариячиси юқорида тилган олганимиз Андрей Капеллан "ишқ нигоҳ ташлаш, бир боқишдан бошланади: маҳбуба қиёфаси кўзга тушади ва кўздан қалбга ўтади", деган эди. Шарқ ва Прованс шеъриятидаги "ишқ кўздан бошланади" деган фикрни Данте ҳам қўллайди: Беатричени кўрганда "Шу онда қалбнинг энг чуқур жойида қарор топган ҳаёт руҳи шунчалик кучли қалтирай бошладики, юрак даҳшатли тез урди... Шу маҳалда қалбимнинг руҳи... завқланиб кетди ва асосан кўз руҳига мурожаат қилиб шундай деди: "бугундан бизнинг ҳузур-ҳаловатимиз бошланади". Шу дақиқада бизнинг озиқланиш жойимизда макон топган табиат руҳи фарёд этиб, "Оҳ, мен бахти қора, бугундан бошлаб аҳволим вой бўлади" деди" ("Янги ҳаёт", II боб). Бу парча Дантенинг Ўрта асрдаги шарқ тиббиёт ва психология китоблари билан яхшигина таниш эканлигидан далолат беради.

Данте Беатриченинг вафотига мистик маъно беради. Исавия дини таълимотида борлиқ "3" рақами асосида яратилган (осмон, ер, оралиқ), Аллоҳ Исо ҳам учлик (ота худо, ўғил худо ва худонинг онаси) асосида вужудга келган. Уч маротаба уч тўққиз, яъни тўққиз қават осмон. Шоир маҳбубасининг вафотини муқаддас "9" рақами билан боғлайди. Шоир бу рақамни чиқариш учун Шарқ халқлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилномасига мурожаат этади. Ҳақиқатан Қуръонда "9" рақамига алоҳида аҳамият берилади. Исмоилий, кармат каби бидъат оқимлар ҳам "9" ни муқаддас рақам деб ҳисоблайдилар. Бу ўринда коинот, сайёра ва юлдузлар ҳаракати масаласида Данте Аҳмад Фарғонийнинг "Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавоми илм ан-нужум" дан фойдаланади.

Беатриче вафотидан кейин Данте илмий фалсафий машғулотлар билан ўзини овутади. Шоир грек, рим файласуфлари, айниқса, Аристотел асарлари ва Рим империясининг ҳалок бўлаётган даврида яшаб ижод этган олим Боэций (480—524) яратган "Фалсафа ёрдамида овиниш ҳақида рисола"си, Ўрта аср дин арбоблари, Шарқ олимлари ва файласуфлари, Брабантлик Сигер ва лотин аверроистчилари, Альберт Болштед, Аквинолик Фома кабиларнинг асарлари, антик, асосан Рим адабиёти (Ҳораций, Овидий, Вергилий, Сенека, Ювенал ва б.) билан астойдил шуғулланади. Бу машғулотларнинг натижаси Дентенинг 1304—1308 йилларда қувғинда ва яна Беатриче хотирасига бағишланган илмий фалсафий рисоласи "Зиёфат" ("Convivio", яъни илм, фалсафа берувчи маънавий озуқадан баҳраманд бўлиш), филологияга оид "Халқ нутқи", сиёсий қарашларининг ифодаси бўлмиш "Монархия" рисолалари бўлди.

"Зиёфат" тузилиш жиҳатидан "Янги ҳаёт"га ўхшайди. Асарда 14 та канцонани 15 та насрий рисола шарҳлаб берилиши лозим эди. Лекин фақат 3 та канцона ва 4 та илмий насрий шарҳ ёзилган, холос. Уларда Ўрта аср дунёқараши, баъзи ўринларда эса Шарқ олимлари, лотин аверроистчилари ва исавия дини таълимотини Шарқдан келган янги илмий таълимот ютуқлари билан бойитишга уринган Буюк Альберт ва Фома қарашлари доирасида дин, ахлоқ, фалакиёт илми, одамийлик, ишқ, бахт, руҳ ва онг ҳақида фикр юритилади.

"Зиёфат" рисоласи кўп масалаларда жўн булса-да, Ўрта аср Оврупо илмий тафаккурининг қомуси ҳисобланади. Данте бу рисоласи билан Ўрта аср илмий насрига асос солди.

Рисолада илм, фалсафа, донишмандликка интилиш ўзини ҳурмат қилган ҳар бир инсоннинг вазифаси эканлиги ҳақида фикр юритилади. Шуниси қизиқки, шоирнинг қарашлари "Ҳар бир муслим ва муслима туғулганидан то вафотигача билимга интилиш керак" деган маъно берувчи ҳадиснинг тафсилотига ўхшайди. Рисоланинг дастлабки канцонаси "Сизлар, фалакиётнинг учинчи қаватини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаракатга келтирувчилар..." сўзлари билан бошланиб, Беатричега бўлган муҳаббатнинг хайрли таъсири ва яна ишқ маъбуди Амор ҳақида ёзилади.

Дантенинг фикрича, маънавий зиёфат камолотга, маърифатга интилган ҳамма одамларга мўлжалланган. Шунинг учун ҳам асар оддий халқ тилида ёзилган.

Шоир "Халқ тили ҳақида" деб номланган рисоласида роман тиллари поэтикаси, вазни, қофияси масалалари устида фикр юритади. Данте итальян халқ тили янги даврнинг қуёши бўлиб, халққа билим нурини сочиши керак дейди. Лекин бу асар ҳам тугалланмай қолади. Шоирнинг ҳар иккала халқ тилида ёзилган асари уч аср кейин итальян тилида яратилган илмий рисолалар учун замин ҳозирлади.

Данте "Зиёфат"да фалакиёт, тиббиёт, фалсафага оид кўплаб муаммолар устида ҳам тўхталади. Бу масалаларда шоир Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рўшд, Сигер каби олимлар таълимотига асосланади. Аммо баъзида Буюк Альберт ёки Фома асарларида келтирилган, улар томонидан талқин берилган ва исавий динига мослаштирилган парчалардан фойдаланади.

Шоир олий инсон хусусиятлар, айниқса, сахийлик, олижаноблик ҳақида фикр юритар экан, Ибн Сино ва Ғаззолий фикрларига суянади. "Биринчидан, — деб ёзади у,— инсон руҳ ва танадан иборат; сахийлик руҳ билан боғлиқ. Тўғри, бу ҳақда турли файласуфлар турли фикрларни баён қиладилар. Авиценна ва Альгазель руҳлар дастлаб яратишдан фазилатли ёки қабиҳ бўладилар". Бу фикрни аслида Мансур Ҳаллож айтган бўлиб, кейинчалик Ғаззолий томонидан такрорланган. Бу ўринда Данте юқорида айтилганидек, исавия динига тааллуқли олимлар асарларидан фойдаланган бўлса керак.

Данте инсон умрини тўрт фаслга бўлади: "Биринчиси — ёшлик, у иссиқлик ва намликка монанд; иккинчиси — балоғат, унга иссиқлик ва қуруқлик хос; учинчиси — кексалик, унда совуқ ва қуруқлик бор; тўртинчиси — қартайиш, унда совуқлик ва намлик бор".[14]

Адиб бу парчани Альберт асаридан олганини айтади. Дантешунос олим Б. Нардининг фикрича, юқоридаги парча Ибн Сино ёки Ҳиппократдан олинган. Фикримча, парча Альбертдан олингани билан Ибн Синонинг "Ал-Қонун"ига тааллуқли.

Сомон йўлининг келиб чиқиши ҳақида турли қарашларни келтириб, Данте Ибн Сино фикрига қўшилади: "Сомон йўли кўплаб турғун юлдузларнинг бир жойга

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўпланишидан бошқа ҳеч нарса эмас, улар шунчалик майдаки, кўзда илғай олмаймиз. Улардан оқ нур таралади, биз уни Сомон йўли деймиз"[15]. Ибн Сино бу фикрни "Илм ал-фалак"да айтган бўлса керак, деб фараз қиламан.

"Рисолаи фи-л-ишқ", "Ҳайй иб Яқзон", "Донишнома", "Қушлар ҳақида" каби асарларида Ибн Сино фалсафа инсонни маънавий жиҳатдан бойитади, унга қизиқиш, уни ўрганиш одамни фазилатли қилади, деган эди. Данте Беатриче вафотидан кейин бор вақтини илм, фалсафани ўрганишга сарфлайди. Шоир бир қанча китобларни ўқиб, "фалсафа бу адибларнинг бекаси, бу фанлар ва китобларнинг маликаси, қандайдир олий зотдир", дейди. "Янги ҳаёт" да маҳбубаси вафотидан кейин бир гўзал ёш хоним шоирнинг ночор ҳолига раҳми келиб ғойибона хайрихоҳлик билдирган ва Данте унга тўрт сонет ва тўрт насрий шарҳ бағишлаган эди. Аммо "Зиёфат"да марҳума Беатричега садоқатсизлигидан афсусланади, номус қилади ва "раҳмдил аёл мадонна фалсафа эди", янги ишқим фалсафа фанига эди, деб устози фикрини тасдиқлайди.

Ибн Синонинг фикрича, фалсафада олий ҳикмат бор, ишқ муаммоси ҳам фалсафага алоқадор. Дастлаб ишқнинг асоси табиатдан бошланган, чунки ишқ бўлмаса ҳаёт давом этмайди. Қуёш ҳамма нарсага, ҳайвонот ва ноботот оламига ҳаёт манбаи бўлган. У иссиқлик ва нур беради, табиат ҳам қуёшга интилади Аллоҳ борлиқни, табиатни шундай яратган. Олимнинг бу зардуштиёна фикрлари Дантега маълум бўлган. Бу таълимотни шоир "Зиёфат"да шундай ифодалайди"... баъзи буюмлар дастлабки омил, яъни Аллоҳдан тарқалган марҳаматни, яъни уларга қаратилган нурни тўғридан-тўғри қабул қиладилар, баъзилар эса инъикос эттирилган шуъла сифатидагина оладилар: фаҳмланишга илоҳий нур бевосита ёруғлик орқали берилади, ўз навбатида, фикр уни атрофдаги буюмларда акс эттиради. Бироқ бу ерда нур ва ёруғлик ҳақида сўз кетдими, мен Авиценнага суянган ҳолда бу сўзларнинг фарқини кўрсатаман. Шундай қилиб, илоҳият марҳамати... бевосита ўзига бўлган ишқнинг ўзидир... илоҳий ишқ абадий бўлганидек, ишқ объекти ҳам абадий, чунки Аллоҳ севган нарса абадийдир... донишмандлик ҳам абадийдир"[16] (бу ўринда "Донишмандлик"ни Ибн Синодаги "ақли куллий" деб тушуниш лозим).

Ишқ ва ақл азалул-азалдан мавжудлиги ва мангу бўлажаги ҳақида ҳам олим, ҳам шоирнинг фикрлари мо-нанддир, чунки " Аллоҳ севган нарса абадийдир", Аллоҳ

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса донишмандликни севади. "Зиёфат" рисоласида Данте "ишқ мангу" ва "билим, маърифат барҳаёт"лиги ҳақидаги ғояларини Ибн Синога суянган ҳолда фалсафий жиҳатдан тасдиқлайди. "Илоҳий комедия"да эса ўрта асрлар тушунчасига биноан бирор шахс образи орқали ифодаланади: Ишқ-Беатриче, Ақл-Вергилий. Ибн Синода ҳам шу ҳолатни кўрамиз — "Ҳайй ибн Яқзон қиссаси"да Ақл тушунчаси нуроний кекса Ҳайй (тирик) образида берилган.

Ўрта асрлар тиббиётидан Данте анчагина тўлиқ маълумотга эга эканлиги "Янги ҳаёт" ва "Зиёфат" асарларидан маълум бўлмоқда. Шоир "Болоньяда эканида университетнинг тиббиёт факультетида маърузалар эшитган бўлса керак"[17]. Тўғрироғи, юқорида зикр этилганидек, Данте "Ал-қонун"ни яхшигина мутолаа қилган бўлиши аниқ.

Данте фалакиёт илми-осмон, ер, қуёш, ой, сайёралар, турғун юлдузлар, уларнинг жойланиши ва ҳаракати масалаларига кўп эътибор берган.

Балхлик олим Абу Маъшар (вафоти 886 йил) "ал-Муҳал ал-Кабир" асарида Эрон ва Мовароуннаҳр халқларининг астрономияга оид қарашларини якунлаб берган эди. Бу асар 1140 йил Далматиялик Ҳерман томонидан лотин тилига ағдарилган. Данте "Зиёфат"да Абу Маъшар (Альбумасар) асаридан Буюк Албертнинг "Метеорлар ҳақида" рисоласида келтирилган парчадан, Марс сайёрасининг оловли иссиғининг ерга таъсири ҳақидаги фикрни келтиради: "бу буғларнинг алангаланиши шоҳларга ўлим ва шаҳаншоҳликлар алмашувига олиб келади, деб Альбумасар бекорга айтган эмас. Чунки Марс таъсирининг натижаси шундай бўлади"[18].

"Янги ҳаёт", "Зиёфат", айниқса, "Илоҳий комедия"да ўз ифодасини топган Дантенинг фалакиётга оид фикрлари асосан Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касира Фаргонийнинг "Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавоми илм ан-нужум" асарига асосланган. Бу асар XII — XIII асрларда Испанияда бир неча бор лотин тилига ағдарилган бўлиб, Оврупода кенг тарқалган, ёш Данте ҳам бу асар билан яхшигина таниш бўлган. Фарғоналик олим Қуръонда ер текис дейилишига қарамай, ўрта асрларда биринчи бўлиб ер куррасининг шар шаклида эканлиги ҳақидаги таълимотни илмий асослаб берди. Астрономиядан ўрта аср оврупосида маълум бўлган ягона асар Фарғоний рисоласи бўлиб, Данте замонасининг илғор вакили сифатида у билан яхши танишади. "Янги ҳаёт", "Зиёфат", "Илоҳий комедия" даги шоирнинг коинот ҳақидаги таълимоти бунинг исботидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Зиёфат"нинг иккинчи бобида Данте Фарғонийга суянган ҳолда Зуҳро сайёрасининг йил ҳисобини тўғри чиқаради, яъни 1168 ер суткасига тенглаштиради. Ёки, иккинчи ўринда Ер билан Зуҳро сайёраси ўртасидаги масофани Фарғоний ҳисобига суянган ҳолда "167 ер радиуси" яъни 542750 мильга баробардир, дейди. "Янги ҳаёт" тўпламида эса Беатриче вафоти кунини ҳам Фарғоний рисоласида келтирилган сурёний йилномаси асосида аниқлайди. Сатурннинг эпицентрик ҳаракати ҳисобини чиқаришда ҳам ватандошимиз асарига суянади: "Сатурн осмони икки хусусиятга эга... бири-Зодиак (бурж)нинг ўн икки белгиси орқали секин ҳаракати", дейди. Ҳақиқатан, Фарғоний бу ҳаракатни 29 йил 5 ой ва 12 кунга тенглаштиради, иккинчидан Сатурннинг Зодиак белгилари орқали ҳаракатида юқоридагига нисбатан 9 кун кам айланишини ҳам кўрсатади. Ҳозирги замон илми нужумида Сатурннинг биринчи ҳаракати сидерал, иккинчиси тропик деб аталади. "Зиёфат"нинг иккинчи бобида тўғридан-тўғри "... Алфраганнинг ҳисобига кўра Меркурийнинг диаметри Ер диаметрининг йигирма саккиздан бири, яъни олти минг беш юз мильдан иборатдир", дейди.

Данте ер қутблари, юлдузлар сони (1022 дона), шимолий ярим шар ўртасидан шимолий қутбларгача бўлган масофа (2600 миль), яримшарларнинг экватордан қутбгача бўлган масофаси (10200 миль), қуёш диаметри ер диаметридан беш ярим маротаба катта, яъни... 35750 миль"[19]. Адиб "Тўққиз қават осмон" тузилиши, юлдузлар ва сайёралар ҳаракати, ернинг шар сифатида эканлиги ва умуман коинот ҳақида фикр юритар экан, Аҳмад Фарғонийнинг "Китоб ал-ҳаракат ас-самовия" асарига суянади, ундан парчалар келтиради. Бу асар шоир учун астрономидан ягона билим манбаи вазифасини ўтаган.

Феодал тузуми ҳукмрон бўлган даврда яхши насл-насаб муаммоси катта аҳамият касб этар эди. Агар расмий феодализм ахлоқ кодекси фақат олий табақа вакиларигина олиҳиммат, олижаноб бўла олади деб, оддий кишиларни камситса, замонанинг илғор, фозил вакиллари бу ғояни исботлар билан рад этишга ҳаракат қилганлар. Данте ҳам ўз рисоласида феодализм ахлоқ кодексининг асосини ташкил этган насл масаласини Оврупо адабиётида биринчи бўлиб танқид қилади. Данте "Зиёфат"да ёзади: "мен, айниқса, қоралаган янглишувларнинг бири энг зарарли ва энг хавфлиси... бошқаларга зиён ва жафо келтиргани... бу инсон фазилатлари ҳақидаги адашувлардир, инсон фа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зилатли олижаноблиги бизда табиатан мавжуд эмиш, бу янглишлик бизда хато тушунчаларга олиб келдики, натижада адолатсизлик билан бировларни мақташ, бошқаларни ёмонлаш, фазилатли одамларни ярамас, разил, деб ҳисоблаб, энг ифлосларни эса ҳурматлаб, олижаноб деб ҳисоблаганлар. Бу ҳолат дунёдаги энг ёмон чалкашликларга олиб келди"[20].

Шоир бу масалада асосан Буюк Альберт талқинидаги Ибн Сино, Ғаззолий таълимотига суянади: "Авиценна ва Алгазел[21] инсон руҳи яратилишдан олиҳиммат ёки ярамас деганлар"[22], дейди. Бу масала ҳақида Платон, Пифагор, Аристотел ва бошқа файласуфлар фикрини келтириб, охирида Ибн Синонинг тиббиёт қоидаларига асосланиб чиқарган хулосаларига суянган ҳолда, инсон яратилишдан ёмон эмас, тарбия билан унинг табиатидаги фазилатли хусусиятларини орттириш керак[23], деган хулосага келади.

Рисолада Данте инсонни ота-боболари эмас, балки одамийлиги, олиҳиммати олижаноб даражасига кўтаради, дейди. Шоир бу фикрни даставвал "Янги ҳаёт"да олға сурган бўлса, "Зиёфат" ва "Илоҳий комедия"да янада ишонарлироқ этиб тасдиқлайди: "ўз авлодлари билан мақтанган баъзиларни қарасанг, ундан разилроқ одам кам бўлади... у разилгина эмас, ёлғончи, ярамас, пасткаш, фитначи бўлади"[24]. Бу ўринда ҳам Шарқ мутафаккирларига мурожаат қиламиз. Масалан, Абу Райҳон Беруний ўз асарларида ана шу гуманистик ғояни олға суради. "Минералогия" рисоласида Данте айтган фикр иллюстрацияси учун қуйидаги байтни келтиради:

Агар эр киши юқори даражага кўтарила олмаса,
(Аждодларининг) чириган суяклари мақтанишга сабаб эмас[25].

Хулқ-одоб масалаларини Данте инсоннинг наслу-насаби билан эмас, унинг ақл идрок ва фаросати, тарбияси билан боғлайди. Беруний эса шоирдан уч аср аввал "олиҳиммат одам (келиб чиқиши) жиҳатидан олижаноб бўлдмаса-да, ўзининг шахсий хусусияти ва ишлари билан авлодлари қадимийлиги билан эмас юқори даражага кўтарилади"[26] дейди.

Уйғониш даврининг гуманистик дунёқарашидан дарак берувчи Данте маърифат масаласида ҳам Шарқ донишмандларига яқин фикрларни "Зиёфат"да олға суради, инсонлар табиатан билиш қобилиятига эгалар, шунинг учун билимга интиладилар. "Билиш руҳимизнинг олий хусусиятидир ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

инсон учун билим олиш энг юксак лаззатдир"[27], дейди. Бу маърифатпарвар тезис исавия дини ақидалари ёки расмий диний адабиётда бўлган эмас. Шоир бу фикрни Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Рўшд каби олимлар асарларидан олган. Масалан, Беруний "... билмаганни билиш инсон руҳига энг олий завқ бағишлайди"[28], деган эди. Йигирма йилга яқин умрини сарсон-саргардонликда ўтказган Данте моддий бойликдан кўра маънавий камолотни устун қўйган.

Данте "Зиёфат" рисоласида Шарқ тафаккурига хос бўлган яна бошқа фикрларни ҳам келтиради: Аллоҳ донишмандлигининг яна бир кўриниши энг олий мўъжиза-инсонни яратишдир, бу фикр исломдаги инсонга бўлган муносабатнинг айнан ўзидир. Ёки: " кимки, фойда, ўз манфаати учун донишмандлик билан дўстлашса уни ҳақиқий файласуф деб бўлмайди, булар юристлар, шифокорлар ва деярлик ҳамма диндорлар, улар билим олиш учун илм билан шуғулланмайдилар, балки пул топиш ёки мансабга эга бўлиш учун шуғулланадилар"[29].

Данте "Зиёфат"да қадимги грек ва рим олимлари, адиблари Эпикур, Демокрит, Платон, Сократ, Аристотел, Сенека, Боэций, Орозий, Пифагор, Птоломей, Вергилий, Цицерон, Ҳораций кабилар асарлари билан ҳам яхшигина таниш бўлган. Шунинг учун ҳам кези келганда, улар асарларидан маълумотлар келтиради.

Олим ва файласуфлар илмлар келиб чиқишини дин билан эмас, балки қадимий греклар билан боғлаганлар ва "ақлия" деб атаганлар. Илмлар бу дунёда одамларни ахлоқий камолот ва бахтга эришувга ёрдам беришлари лозим деб ҳисоблаганлар. Асрлар давомида Шарқда буюк алломалар томонидан мутафаккир олим, файласуфлар шоҳларнинг маслаҳатчиси, вазири, ёки шоҳнинг ўзи донишманд бўлса, мамлакат ҳаёти осойишта бўлади деган фикрни баён қилганлар ва кўп ўринда унга амал қилганлар. VII асрда яшаган араб олими ад-Дуали тилидан қуйидаги мақол келтирилади: "илмдан қудратлироқ ҳеч нарса йўқ. Шоҳлар одамлар устидан, олимлар шоҳлар устидан ҳукмронлик қилиш факти буни исботлайди". Ёки иккинчи мақол "илм шоҳлар безагидир"[30]. Шарқда илмни бойликлардан юқори қўйиш ҳам кўп учрайди: "бойлик ўткинчи, илм абадий", ёки "илм туганмас бойликдир"[31]. Шарқда ислом дини жорий этилганидан кейин келиб чиққан илмга бўлган бундай муносабат асрлар оша давом этди ва кўпинча унга амал қилинди. "Шоҳ ва олим" ёки "олим-шоҳ" ғояси шарқ мутафаккирлари асарлари билан Оврупо мамлакатларига кириб борди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уйғониш давр гуманистлари Рабле, Сервантес, Шекспир кабилар короллар файласуф, ёки файласуфлар корол бўлса мамлакатда адолат ўрнатилади, деган фикрни олға сурган эдилар. Француз адиби Франсуа Рабле эса бу сўзларни машҳур романи "Гаргантюа ва Пантагрюэл" га эпиграф сифатида келтирган эди. Данте эса ўз рисоласида ана шу фикрни Оврупода илк бор олға суриб, давлатни адолатли идора этиш учун ҳокимлар файласуф, мутафаккир, донишмандлар маслаҳатига суянмоғи керак. "Файласуфнинг обрўйини император обрўйига қарши қўйиб бўлмайди, аммо уларни яккама-яка олганда биринчиси заиф, иккинчиси хавфлидир... иккаласининг бирлашгани айниқса фойдалидир ва давлат қудратини орттиради"[32], деб қатор мисоллар ва бошқа асарлардан парчалар келтиради.

Данте "Зиёфат" рисоласида илмлар таснифини ҳам беради. Умуман Ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк шарқ олимларининг деярли ҳаммалари ҳам бу проблема билан шуғулланганлар. Илм-фаннинг турли соҳалари — хоҳ диний, хоҳ фалсафий, табиат фанларининг ривожи уларни ҳар томонлама баён этишга, тартибга солиш, ҳар соҳа илмининг билиш жараёнидаги ролини аниқлаш илм таснифини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғдиради. Дастлабки илм таснифини Аристотел ишлаб чиққан (назарий, амалий ва шеърий) табиийки, бу тасниф Ўрта аср Шарқ олимлари учун намуна вазифасини адо этди. Илмлар таснифини ишлаб чиқишда олимнинг дунёқараши ҳал этувчи рол ўйнаган.

Ўтмишнинг буюк олимлари "Ихвон ас-сафо" гуруҳи, ал-Киндий, Форобий, Беруний, Абдулло Хоразмий, Ибн Сино, Ибн Рўшд, Тусий кабилар фанлар таснифини ишлаб чиққанлар, Афсуски улардан ал-Киндий таснифи берилган асар сақланиб қолмаган.

Бизгача етиб келган илмлар таснифининг энг қадимий ва энг тўлиғи Форобий томонидан тузилган. Олим бир қанча асарларида илмлар таснифи масаласига тўхталган бўлса-да, бу муаммо, асосан "Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф" рисоласида ҳал этилган. Шу тоифадаги бошқа асарлардан Форобий рисоласи таснифнинг турли муаммолари қамраб олиниши ва янгича ҳал этиши билан ажралиб туради[33].

Форобийнинг "Ихсо ал-улум", Ибн Синонинг "Китоб аш-шифо" рисолалари XII асрда лотин тилига таржима этилган бўлиб, ҳар иккала рисолада ҳам илмлар таснифи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

улар ҳақида маълумотлар берилган эди. Форобий илмларни грамматика (у, ўз навбатида, етти қисмга бўлинади), мантиқ, математика (у, ўз навбатида, арифметика, геометрия, оптика, илми фалакиёт, мусиқа, оғирликлар ҳақидаги илм, механикага бўлинган). Табиат ва илоҳиёт (табиат-физика саккиз қисмга ажралади, илоҳиёт уч қисмдан иборат) ва илми маданият (давлатни идора этиш, тарбия, ахлоқни ўз ичига олади) тарзида таснифлайди.

Ибн Сино, "Китоб аш-шифо"дан ташқари "Рисола фи аксом ал-улум ал ақлиййа" асарини тўла равишда илмлар таснифига бағишлайди. Агар биринчи рисолада илмлар таснифи мантиқ, физика, метафизика, математика, арифметика, мусиқа, зоология, ботаника тарзида берилса, иккинчи рисолада фалсафий илмлар қуйидагича уч туркумга бўлинади:

Табииёт деб аталувчи ва моддий жисмлар, ҳаракат билан шуғулланувчи оддий илм (табиатнинг умумий масалалари, борлиқ асосини ташкил этувчи жисмлар ҳолати, барпо ва йўқ бўлиш ҳодисалари, жонсиз табиат, наботот дунёси, ҳайвонот дунёси, қалб, руҳни англай билиш ва тиббиёт, астрология ва ҳ.к.).

Математика деб аталувчи ўртача илм, модда ва ҳаракат объектлари билан шуғулланади (рақамлар ҳақидаги илм, геометрия, астрономия, мусиқа. Ўз навбатида булар ҳам бир неча илмларга бўлинади).

Илоҳий деб аталувчи олий илм. На борлиғи, на аниқланиши модда ва ҳаракатга ўтмаган объектлар билан шуғулланади. Илоҳиёт ҳақидаги илм ҳам беш қисмга бўлинади: умумий ҳақиқатга алоқадор тушунчаларни англаш; табиат, математика ва мантиқ илмларининг асоси; Аллоҳнинг ягона ва ҳақиқатлигини исботловчи илм; биринчи ва иккинчи руҳий субстанцияларни исботлаш илми; осмон ва ернинг моддий субстанцияларининг юқоридаги руҳий субстанцияга тобелиги ҳақидаги илм.

Ибн Сино амалий фалсафани уч қисмга бўлади: якка шахсга алоқадор ахлоқ, оила доирасида одамларнинг бир-бири билан муносабати ва шаҳар ёки давлатни ташкил этган одамлар муносабати, яъни сиёсат. Олимнинг фикрича, мантиқ инсонларни хатоликлардан асраб қолувчи қуролдир. Ибн Сино, айниқса, математика фанларига алоҳида аҳамият беради.

Абу Райҳон Беруний ишлаб чиққан илмлар таснифи ҳам юқоридаги олимлар таснифига яқин: математика, ге-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ометрия, табиат, мусиқа, астрономия, мантиқ, грамматика, ўз навбатида, ҳар қайси қисм бир неча гуруҳларга бўлинади. Бу ўринда шуниси қизиқки, илоҳиятга бу таснифда ўрин берилмаган[34].

Юқорида келтирилган Форобий, Ибн Сино ва Беруний таснифларида табиат фанларига алоҳида аҳамият берилади.

Оврупода ўрта аср исавия олимлари тузган илмлар таснифи: грамматика, нотиқлик, диалектика, яъни илоҳият ҳақидаги илм, арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа. Бу тасниф XIV асрда, яъни Форобий, Ибн Сино каби буюк олимлар асарлари лотин ва оврупо тилларига таржима этилиб, кенг тарқалган даврда тузилган.

Данте "Зиёфат" рисоласида ўзи тузган илмлар таснифини беради. Илмларни сайёра ва юлдузларга ўхшатиш ўрта асрларда Оврупода учраб турарди. Данте ҳам етти сайёрага етти илмни жойлайди (грамматика, диалектика, нотиқлик, мусиқа, геометрия ва астрология)[35]. Саккизинчи қават осмон табиат ҳақидаги илмлар, яъни физика ва ўрта асрларда энг олий илм, илоҳият ҳақидаги илм-метафизикани, тўққизинчи қават диний ақидаларга биноан энг олий, яратгучининг макони бўлиши керак бўлган жойга Данте метафизикани эмас, балки ахлоқ илмини қўяди.

Дантешунос олим Голенишев-Кутузовнинг фикрича, шоир Форобийнинг "Ихсо ал-улум" асарининг кремоналик Ҳерардо таржимаси билан таниш бўлган ва Форобий таснифига яқин бўлган илмлар таснифини тузган[36]. Аммо Шарқ олимларидаги астрономия ўрнига астрологияни, ўрта асрларда кенг тарқалган юлдузлар ва сайёралар ҳаракатига қараб одамлар тақдирини аниқлашга уринувчи сохта илмни киритади. Тўққизинчи қават илоҳиёт ҳақидаги илм метафизика ўрнига Данте одоб, ахлоқ илмини, яъни жамият аъзоларининг ахлоқий камолотига хизмат қилувчи илмни қўяди.

Данте "Зиёфат"да одоб, инсонлар хулқ-атвори, ахлоқий қиёфаси масаласига кўп ўрин ажратади, чунки ҳар бир шахснинг хатти-ҳаракатларидан умум жамиятнинг фаолияти шакл топади, шахс жамоанинг бир қисми, шунинг учун унинг такомили жамиятнинг маданий даражасини белгилайди. Шоир Ўрта аср таълимотларига зид ўлароқ, ахлоқни ҳамма фанлардан, ҳатто теология, метафизикадан ҳам устун қўяди. Данте тизимидаги ах-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоққа тегишли фазо жисми, юлдуз шунчалик катта кучга эгаки, у борлиқдаги бутун ҳаёт-мамотни яратади, кечани кундузга алмаштиради. У бўлмаса, кунлар, ойлар, йиллар алмашуви бўлмас, жаҳонда хаос ҳукмрон бўлар эди. Этика, ахлоқ, одоб фанисиз дунёда яшаб бўлмайди. Шоирнинг ахлоқ илмига бўлган муносабати, айниқса, характерлидир. Шу ўринда исломда ҳам адаб илми ривожлангани, унга алоҳида аҳамият берилганини эслаш жоиздир. Данте этика масаласида Альберт, Фома каби теолог олимлар таълимотлари, ҳатто Аристотел қарашларидан узоқлашиб, Форобийнинг "Ихсо ал-улум"нинг сўнгги қисмида келтирилган "Илм ал-маданият"да изҳор қилинган фикрларга яқинлашади. Дантенинг илмлар таснифи кейинги давр Оврупо фани ривожи учун катта аҳамият касб этди.

Италиялик олим Бруно Нарди Дантенинг интеллект ҳақидаги фикри Альберт ва Сигерда ҳам айнан ўхшашлиги ва ҳаммасининг манбаи Ибн Рўшд эканлигини айтади[37]. Данте "Зиёфат" рисоласида "осмонни ҳаракатга келтирувчилар материядан айрим субстанциялар, яъни интеллектлардир; оддий тилда уларни фаришталар дейдилар... Интеллектлар осмонларни (юлдузлар маъносида —*Ф. С.*) яратадилар..."[38], деб, интеллект ҳақида кўп мулоҳаза юритади.

Данте интеллект деб атаган тушунча шарқда "ақли қулли", ёки самовий фаол ақл (мировой разум) деб номланувчи тушунча билан боғлиқ. Бу масалани илк бор Форобий талқин этган бўлиб, "дунёвий фаол ақл олам яралишининг босқичларидан бири сифатида инсон билан бошланғич сабабни (яъни Аллоҳни) боғлайди. Бошланғич сабаб фаол ақл билан бевосита боғлиқ ва унга таъсир кўрсатиб туради. Фаол ақл эса руҳ, жон билан боғланади, жон инсон танида мавжуддир, шу тартибда "илоҳий ҳаёт" хислатлари материяга, инсонга ўтади. Натижада инсоннинг моҳияти билими, унинг ақли мангулик хислатига эга бўлади. Бу ҳам оламнинг йўқ бўлмаслиги, абадийлигини исботловчи пантеистик таълимотнинг асосланишидир"[39]. Форобийнинг ақл ҳақидаги таълимотини кейинчалик Ибн Сино ҳам шу маънода таҳлил этади.

Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рўшдлардаги ақл ҳақидаги бундай пантеистик таълимот файласуфларнинг лотин тилига таржима этилган асарлари орқали Сигер ва Буюк Албертга ўтган. Аммо бу таълимотга икки дунёқараш вакиллари икки хил маъно берганлар. Агар Альберт фаол

www.ziyouz.com kutubxonasi

ақлни Аллоҳ билан тенглаштирса, Сигер "у яратувчидан мустақил мавжуддир" дейди. Француз файласуфини ўзига устоз деб билган Данте интеллект ҳақидаги концепциясини Форобий таълимоти асосига қурган. Унинг фикрича, интеллектлар Аллоҳ билан боғлиқ, лекин унинг айнан ўзи эмас, улар коинот жисмларини яратадилар ва ҳаракатга келтирадилар.

Данте "Зиёфат" рисоласидан кейин "Халқ нутқи ҳақида" асарини ёзади, аммо уни ҳам ниҳоясига етказмай қолдиради. Асарда халқ тилида асарлар яратиш афзаллиги ҳақида фикр юритади. 1312—1313 йилларда шоир "Монархия" рисоласини ёзади. Унда адиб черков, рим папасининг давлатни идора этиш ишларига аралашмаслиги масаласини қўяди. Италиядаги сиёсий тарқоқлик, бутун оғирлиги меҳнаткаш халқ устига тушган феодал бебошликларнинг шоҳиди бўлган Данте "Монархия"да халқларни феодаллар зулмидан ҳимоя этувчи, жаҳон халқларини бирлаштириб, урушларни йўқ қилувчи тузум, жаҳон империяси ўрнатиш ҳақидаги ғояни тарғиб этади. Албатта бу фикрлар Ўрта асрлар шароитида утопия эди. Дантенинг "Монархия" асарида диний ақидаларга эмас, балки онгга суянган ҳолда дунёвий ишларга ҳакамлик қилувчи файласуф образини яратиши Ўрта аср жамоатчилиги онгида катта бурилишларга олиб келди.

Данте Аверроэс таълимотига асосланган ҳолда инсониятда умумийлик хусусияти, турли иқлим, минтақада яшовчи одамларнинг мақсад ва интилишлари бир-бирига яқин эканини кўрсатади. Инсоният бу ғояга XX асрнинг охиридагина келди. "Умум инсоният" тушунчасини Оврупо тарихида биринчи бўлиб Данте олға сурди. Шунинг учун ҳам дин арбоблари бу асарга тиш-тирноғи билан қарши чиқиб, шоир ҳокини қабрдан олиб куйдириш, рисолани ҳам оловга отиш ҳукмини чиқарадилар. Аммо Равенна ҳокими Дантени ҳимоя этади.

Данте номига сўнмас шуҳрат келтирган ва шоирни дунёга танитган, жаҳон адабиёти шоҳ асарининг бири "Илоҳий комедия" ("Divina Commedia") эди. Асар Дантенинг ғоявий-сиёсий ва бадиий тафаккурининг якунигина бўлиб қолмай, умуман ўрта аср маданиятининг фалсафий-бадиий синтезини ва айни вақтда янги замон, Уйғониш давр мафкура ва маслагини ёритувчи, Оврупо адабиёти тараққиёти йўлини аниқлаб берувчидир. Данте дунёқарашидаги барча зиддиятлар, шоир, файласуф, олим, сиёсий арбоб, публицист ижодининг турли хусуси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ятлари худди "Илоҳий комедиия"да улуғвор ва юксак бадиий маҳорат билан ўз инъикосини топди. "Янги ҳаёт" тўпламининг охирида Данте "келажакда мен Беатриче ҳақида ҳали шундай нарса ёзайки, шу вақтгача ҳеч ким айтмаган сўзларни ёзаман" деган эди.

Дастлабки нариги дунё ҳақидаги тасаввур зардуштийлик динида ишлаб чиқилган бўлиб, у дунё жаннат, аъроф ва дўзахдан иборат, вафот этган инсонлар бу дунёдаги қилмишларига биноан марҳамат ёки жазо топадилар дейилиб, ҳар уччала қисм тафсилоти берилган эди. Нариги дунё ҳақидаги зардуштийлар таълимоти иудаизм, исавия ва ислом динлари томонидан умумий тарзда қабул қилинган эди. Аммо жаннат, аъроф, дўзах қандай қурилган, кимлар қайси қисмга боришга ҳукм қилинади, қандай гуноҳлар учун қанақа жазо олинади, аъроф, жаннатга кимлар киради, жаннат роҳати қай йўсун эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Данте даҳоси, ўта бой фантазияси нариги дунёни шунчалик аниқ тасвирлаб бердики, жаҳон адабиётининг бирор намунаси ҳатто Шарқ афсоналари, антик дунё мифлари ҳам унга тенг келолмайди. Данте асаридан кейин бу мавзуда кўплаб асарлар яратилган, аммо уларнинг ҳаммаси "Илоҳий комедия"дан четга чиқолмаган.

Данте асарини "Комедия" деб атаган, чунки Ўрта асрларда миллий тилда ёзилган ва яхшилик билан тугалланган ҳар қандай асар, жанридан қатъи назар, комедия деб аталган. Кейинчалик Боккаччо асарнинг моҳияти жиҳатидан "илоҳий" сифатини қўшган. Шундан бери достон "Илоҳий комедия" деб аталади.

Достон нариги дунёнинг уч қисмини тасвирловчи "Дўзах", "Аъроф" ва "Жаннат" қисмларига бўлиниб, ҳар қисм "кантика" (Cantica) деб аталади. Бу атамани даставвал Ибн Синонинг "Уржуза"сини кремоналик Херардо лотин тилига таржима этганда қўллаб, асарни "Cantica de Medicina" деб атаган. Данте Ҳерардо қўллаган атамадан фойдаланади. Достон 100 та шеърдан иборат. Шеърлар учликлар шаклида ёзилган. Достоннинг ҳар учала қисми ҳажм жиҳатидан деярли бир хил, 33 шеър.

Дантенинг шоирлик, мутафаккирлик даҳоси "Илоҳий комедия"да яққол намоён бўлган. Шоир тасвиридаги у дунё ўзига хос тузилиш, қонун-қоидаларга эга. Дантенинг ўзи "Жаннат"нинг иккинчи бобида "онг кучи ва тасаввур қудратидан маҳрум бўлган одамлар асаримни ўқимасин" дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир ўз ҳомийси Делла Скалага ёзган хатида достон тўрт маънога эга эканини айтади: айнан маъноси инсонларни нариги дунёдаги тақдири; мажозий маъноси — бу дунёда қилган ишига яраша жазо ёки роҳат топиши; ахлоқий маъноси — инсонни ёмон йўлдан қайтариш ва яхшиликка бошлаш; яширин маъноси — Беатричега бўлган муҳаббатининг шундай асар яратишга илҳомлантирган фароғат кучини куйлашдир.

Дантенинг асари ўрта аср адабиётида кенг тарқалган нариги дунёни хаёлда кўриш, рўё (башорат қилиш) жанрида ёзилган (Шарқда ҳам бу жанр кенг тарқалган, "Меърожнома"лар, "Фарҳод ва Ширин", "Садди Искандарий", халқ достонларидаги қаҳрамонлар тушларида бўлажак воқеалардан хабардор бўлиши кабилар). Аммо "Илоҳий комедия" ўрта асрдан ташқари антик манбаларга ҳам суянган (Ҳомерда Одиссей, қадимги Рим шоири Вергилийда Эней ўликдар дунёси Тартарга тушиб, отаси ва дўстларининг руҳи билан учрашувлари). Вергилийнинг таъсири фақат мазмун, тафсилот доираси билан чекланмай, дўзах ва аърофда у Дантега раҳнамолик қилади. Бошқа асарлардаги фаришта вазифасини "Илоҳий комедия"да мажусий шоир бажаради. Антик маданий меросига бундай муносабатда бўлиш Ренессанс маслагидан дарак берар эди.

Агар Шарқ ва Ғарбда яратилган рўёлар ва умуман клерикал адабиёти инсонни дунёвий ҳаётдан бездириш, уни гуноҳ деб эълон қилиб, нариги дунё васавасасига солишни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, Данте бу жанрдан ер юзидаги ҳаёт ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни яна ҳам тўлиқроқ тасвирлаш учун фойдаланади. Шоир реал воқеликни инкор этиш учун эмас, балки уни тузатиш, танқидни янада таъсирчан этиш мақсадида жинояткор ва гуноҳкор шахслар, яъни халқ манфаатини барбод этган ҳар иккала ҳоким синф вакиллари дин ақоидларидан ўзларининг шахсий манфаати учун фойдаланган руҳонийлар, ўзининг сиёсий мухолифларини дўхазга жойлаштиради, улар устидан ҳукм чиқаради. Данте инсонни борлиқдан бездириш эмас, аксинча ҳаётни севиш, унга тўлиқроқ берилишга, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, халқ, ватан манфаати учун курашишга чақиради. Дантени охират васвасалари эмас, балки борлиқ, ҳаёт қизиқтиради. Шунинг учун Данте яратган нариги дунё реал ҳаётнинг ҳақиқий инъикосидан иборатдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ижтимоий зиддиятлар кескинлашган, тарих саҳнасига чиқаётган буржуазия синфи билан феодал аристократияси ўртасидаги курашлар, бу қарама-қаршиликларнинг бутун оғирлиги элементар инсоний ҳуқуқдан маҳрум бўлган, таҳқирланган меҳнаткаш омманинг устига тушиши, адолатсизлик, зўравонлик, олий табақа вакилларининг ўзбошимчалиги, дин арбобларининг мунофиқлиги сингари ўша даврдаги жамият олдида турган энг долзарб, ҳаётий масалалар — дин, ахлоқ, фан, фалсафа, адабиёт масалалари Дантенинг "Илоҳий комедия" си марказида туради.

"Илоҳий комедия"нинг воқеаси мураккаб эмас. Хаёлида қуюқ ўрмонда адашиб қолган Данте уч йиртқич-арслон, бўри ва қоплонга йўлиқади. Улардан қутилишни билмай саросимага тушиб турган шоирнинг олдига Вергилий келади. Антик шоири Дантени бу балолардан қутқариб, уни охир дунёнинг уч қисми билан таништириш ҳақида олий буйруқ бўлганини айтади. Устоз Дантени етаклаб дўзахнинг тўққиз қавати, ундаги жазоланувчи гуноҳкорлар, уларнинг тарихи, жазоларнинг турлари билан таништиради. Жаҳаннамнинг тўққизинчи қаватида жаннатдан қувилган Иблис музда абадий тўнғиган ҳолатда. Унинг юнгларидан шоирлар зинапоя сифатида фойдаланиб, ёруғ дунёга, океан ўртасида жойлашган аъроф тоғи олдидан чиқадилар. Иккала шоирни антик мифида ҳам шу вазифани бажарувчи Харон қайиқда тоғ этакларига элтади. Вергилий аърофда ҳам Дантега йўлбошчилик қилади.

Данте яратган поэтик эпопеянинг биринчи, "Дўзах" қисми ҳаёт зиддиятларни тўлиқроқ акс эттириши, персонажларнинг жонлилиги ва воқеаларнинг ҳаётийлиги нуқтаи назаридан "Аъроф" ва " Жаннат"дан ажралиб туради. Чин реалист Данте охиратни тасвирлар экан, уни жонли ҳаётдан узиб олмайди, балки шу реал ҳаётнинг давоми сифатида беради. Асарда тасвирланган воқеалар, эпизодларни ўша даврдаги Италиянинг кундалик ҳаётидан олади. Диний масалаларни ҳам XIII асрда Италия халқи ўртасида кенг тарқалган ва исавия динига киритилган демократик руҳдаги ислоҳлар ва прогрессив диний таълимотларнинг таъсири остида ҳал этади. Достонда ахлоқ ва сиёсат масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Дантени афсонавий диний воқеалар ва персонажлар, уларнинг субъектив гуноҳлари эмас, балки ўз давридаги, айниқса Флоренциядаги ижтимоий-сиёсий кураш қизиқтиради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фьоренца, буюк вазифанг билан фахрлан!
Сен қуруқлик ва денгиз устида қанот қоқасен,
Дўзах эса сенинг шуҳратинг билан тўлган!

(Ад, XXVI)

Шоир тушунчасидаги сиёсий-ижтимоий хатоликлар замондошларининг гуноҳлари сифатида тасвирланади. Сиёсий маслакдошларини жаннатга, душманларини эса дўзахга жойлаштиради. Рим папаси Николай III дўзахнинг саккизинчи қаватида жазоланади. "... оёғи осмонда, қозиқдай қоқилиб, зулматда қолган" (АдXIX). Нариги дунёнинг ҳар учала қисмида ҳам сиёсий кураш, гвелфлар ва гибеллинлар ўртасидаги тортишувлар давом этади. Дўзахда гуноҳкорлар Данте билан сиёсий масалалар устида баҳслар олиб борадилар. Замонанинг фаол сиёсий арбоби бўлган шоир ўз қарашларини дўзахдаги мухолифларидан ҳимоя қилади.

Данте ўзаро низолардан холи бўлган адолатли давлат тузумида мамлакат халқлари бирлашиб бахтли ҳаёт кечириши мумкин бўлган Италияни, давлат ишларига дин ва черков аралашмаган жамият тузумини орзу қилади. Айниқса, халқ ҳаётига бепарво муносабатда бўлган манфаатпарастлар ва хиёнаткорларга, осойишталикни бузиб, ўзаро низоларни кучайтирган аслзодаларга нафрат билан қарайди. Дунё адабиётида ижобий қаҳрамон сифатида куйланган жаҳонгир Александр, хуннлар бошлиғи Аттила, италиялик, шоирга замондош бўлган ҳокимлар граф Адзолино, Обиццо д'Эсте, граф Ги де Монфора, денгиз қароқчиси Секст Помпей каби қон тўкиш, қароқчилик, босқинчиликни ўзига касб қилиб олганларни Данте "Дўзах"нинг XII бобида доим қон қайнаб турган Флегетонга жойлаштиради.

Янги замоннинг биринчи вакили бўлган Данте шоир, олим, файласуфлар, ҳатто баъзи лашкарбошилар учун Дўзахнинг биринчи қаватида, дарбоза олдида маълум жой (Лимб) яратади. Лимб мовий булут ичида ёруғ нурда жойлашган ажойиб қаср бўлиб, унда исавия динидан аввал яшаган ва ўзининг ажойиб мероси билан инсоният маънавий бойликларини яратишда улкан ҳисса қўшган шоирлар Ҳомер, Ҳораций, Вергилий, Овидий, Лукан, жасур қаҳрамонлар Ҳектор, Цезар, файласуфлар Сократ, Платон, Демокритга ўхшаганлар, Миср Султони Салоҳиддин ва қатор бошқа шоир, донишмандлар анжумани тасвирланган. Унда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,
Ҳиппократ ва Сино, Ибн Рўшд пайдо —
Янги гояларни тарғиб этган чин.

("Дўзах" IV)

Ўз даврининг вакили бўлган, Шарқ фани, фалсафаси таъсири остида дунёқараши шаклланган шоир устозлари Ибн Сино ва Ибн Рўшдни лимбга жойлаштиради.

Маъжусий ва мусулмон донишмандларини исавия дини ақидаларига зид ўлароқ, жазодан қутқариш Дантега хос бўлган юксак гуманистик дунёқараш билан изоҳланади. Лекин Данте тушунчасидаги юксак инсонпарварликка хилоф ҳаракатда бўлган антик қаҳрамонлар Одиссей (Трояни ишғол этишдаги фирибгарлиги учун), мифологик қаҳрамонлар (ўликлар дунёсида хизмат қилувчи Харон, Минос, Цербер, Минотавр, Юпитерга қарши чиққан гигантлар) ва яна бошқалари Данте томонидан Дўзах азобига дучор қилинади.

Дўзахнинг тўққизинчи қавати Коцит, абадий муз кўлидан иборат, унда хоин ва мунофиқлар макон топган:

Биз у ерда бўлганмиз, бу сатрлар дахшатли,
У ерда музли қаватда соялар шишада шохча кўринганидек
Чуқурда бўлса ҳам кўринадилар.

(Ад, XXXIV)

Кўлнинг остини Данте Дит деб атайди, унда на шамол, на олов, на ҳаракат бор, Ҳамма жой шайтон Люциферning олти қанотининг ҳаракатидан музлаб қотган, у жойда осмондан қувилиб, ерга йиқилишида Аъроф тоғи конусининг ҳосил қилган Люцифер-Иблис туради. Унинг уч оғзида уч хоин Иуда, Брут, Кассий (сўнгги иккаласи қадимги Римда яшаган лашкарбошилар) жазо тортади. Данте яратган Иблис образи инсон тушунчасидаги энг салбий, жирканч хусусиятларнинг мажозий рамзи сифатида гавдаланади. Маълум даражада ижобий хусусиятларга эга бўлган Милтоннинг (1608—1674) "Йўқотилган жаннат"идаги исёнкор иблис, Гётенинг (1749—1832) "Фауст"идаги файласуф Мефистофел, Лермонтовнинг Демони каби жаҳон адабиёти намуналарида яратилган Шайтон образларидан Дантенинг Иблиси ажралиб туради. Дантенинг таъбирича, Иблис осмондан йиқилиш жараёнида ер қаърини шундай ўйиб кирганки, ундан ҳосил бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

жаҳаннамда тўққиз қават дўзах жойлашган, танаси эса ер куррасининг нариги томонида тўққиз қават Аъроф тоғини бўрттириб чиқарган. Данте Аърофда ҳали у даврда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган Жанубий ярим шарнинг ғарбидаги юлдузли осмонни тасвирлайди.

Қуръондаги ер куррасининг текис ҳолатда эканлиги ҳақидаги тасаввурга қарамай, илғор Шарқ жуғрофиясида Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касира ал-Фарғоний асарлари таъсири остида ернинг шар шаклида эканлиги ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган эди. Данте расмий исавия тушунчасига зид ўлароқ (уларда жаннат ер курррасининг шарқий четида, денгизлар орқасида жойлашган деган тасаввур бўлган), Аъроф тоғини ер курраси Жанубий ярим шарининг ғарбий қисмида, яъни жанубий Америка доирасида жойлаштиради. Шуниси қизиқки, Америхо де Веспуччи илк бор Америка қитъаси тунги осмонида тўрт ёруғ юлдузни кўриб Данте Аърофида тасвирлаган тўрт юлдузни эслайди. Даставвал, бу юлдузлар, жанубий ярим шар осмони тасвирини Аҳмад Фарғоний ҳисоблар натижасида аниқлаган ва ўз асарида тасвирлаган, Данте эса ундан олган бўлса керак. Аъроф ер куррасининг "камолотга етган" қисми бўлган ярим шарда океан ўртасида жойлашган катта тоғ сифатида тасвирланган. Тоғнинг энг юқорисида "Ердаги жаннат" жойлашган.

"Аъроф"нинг архитектоникаси "Дўзах"никига нисбатан анча оддий. Биринчи доирада-мутакаббирлар, иккинчида-ҳасадчилар, учинчида-жаҳлдорлар, тўртинчида-маъюслар, бешинчисида-хасис ва исрофгарлар, олтинчида-еб тўймаслар, еттинчида-дунёвий муҳаббатга берилганлар жойлашган. Аърофга гуноҳи енгил бўлган руҳлар жойлаштирилган, жазо ҳам дўзахдагига нисбатан енгил (ҳасадчиларнинг кўзлари сим билан тикилган, мағрурлар-оғир юк кўтарадилар, нафси ёмонларга эса очлик жазоси берилган ва ҳ.к.). Лекин етти қаватни ўтиб "Ердаги жаннат" — саккизинчи ва тўққизинчи қаватларга чиқиш бир неча асрлар давом этиши мумкин.

Данте тарихий, мифологик, адабий асар қаҳрамонларини ҳам "Аъроф"га жойлаштиради. Шоир марказий Осиё тарихидан олинган, қадимги бобокалонларимизнинг юксак ватанпарварлик, эрксеварлик, қаҳрамонликларини ифода этувчи Тўмарис воқеасини "Аъроф"да келтиради. Ўрта аср христиани учун ғайридин ҳисобланган маликани ватанпарварлиги туфайли Данте ўз замондошлари, корол, ҳоким,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аслзода, рим папасидан устун қўйиб, Аърофга жойлаштиради:

Шафқатсиз равишда ўч олиб
Тамириса Кирга шундай деди:
"Сен қонга ташна эдинг, энди тўймай ичабер!"

(Чистилище, XII)

Малика Тумариснинг эроншоҳ Кир устидан ғалабаси илк бор қадимги юнон тарихчиси Ҳеродот "Тарих"ининг биринчи китобида ёзилган бўлиб, бу воқеани V асрда яшаган қадимги Рим тарихчиси Павел Орозий "Жаҳон тарихи" асарининг иккинчи китобида келтирган эди, Данте эса бу асар билан таниш бўлган.

Исавия охиратида христиан шоирга маъжусий шоир йўлбошчилик қилганидек, қадим рим қаҳрамони Катон Аърофда соқчилик қилади. Маъжусий-фаришталар даражасига кўтарилишининг боиси Катон озодлик учун жонини фидо қилган қаҳрамон эканида эди. Аърофда ҳам Данте қисқа мисраларда ажойиб жонли образларни яратади (Сицилиянинг короли Манфред, ёки ўз халқидан садақа сўраб дўсти Неапол короли Карл Іни қамоқдан озод қилган Сьена ҳокими Сальвани, трубадур Сорделло ди Гойто ва ҳ.к.).

Аърофда ҳам Данте парчаланиб, ўнлаб ҳокимлар, Рим папаси оёғи остида эзилиб ётган ватанини унута олмайди, халқига ачинади, золимларга ғазаби келади. Лирик чекинишларнинг бирида:

Италия, қул, ғамгинлик макони,
Қаттиқ бўронда идорасиз қолган кема
Халқлар бекаси эмас, балки майхона!

Сенда урушсиз туролмайдилар
Бир девор ва бир хандак билан ўралган
Тирикларинг бир-бирин гўштин ейдилар.

("Чистилище", VI)

Ёки:

Ахир Италия шаҳарлари золимлар
билан тўлиб тошган...

("Чистилище", VI)

деб майда давлатларда халққа зулм ўтказаётган золимларни қоралайди. Айниқса, флоренцияликлар тасвирига

www.ziyouz.com kutubxonasi

келганда шоир тили заҳархандали "Арно деб аталувчи дарё Порочано деган жойда тўнғизларни суғорса (итальянча "порча"-чўчқа демакдир), четроқда, Аретода кўппакларни, пастроқда эса итларни эмас, балки бўриларни, кейинчалик пизалик айёр тулкиларни суғоради" ("Чистилище" XIV) деган шоир асосан бу шаҳарлардаги паразит ҳаёт кечирувчи ҳоким синф вакиллари ҳақида фикр юритади. Аърофда ором топганлар асосан шоир, рассом, бастакор ва умуман ижодий меҳнат вакилларидир (Форезе Донати, Гвидо Гвиницелли, Бельаква, Арнаут Даниел каби шоирнинг катта замондошлари).

Аърофдан ўтиб, "Ердаги жаннат"га кўтарилиш учун Данте ва унинг йўлбошчиси қалин аланга деворидан ўтиб, мусаффоланишган. Данте Вергилий раҳбарлигида саккизинчи қаватга чиқиб дам оладилар ва Аърофда мусаффо бўлган бошқа руҳлар билан биргаликда "Ердаги жаннат"га кўтариладилар. Вергилий Дантега сўнгги маслаҳатларни бериб, энди унинг руҳи поклик оламининг шоҳи ва пири бўлганини уқтиради. Тўққизинчи қават Италиянинг энг гўзал боғлари, майин сабо эсган гулзорлари, майсазорлари, фаол, баркамол равнақ топган гармоник ҳаётнинг акси сифатида тасвирланади. Ҳур қиз гўзал Мателда гул териб юради. Метелда образи ер юзида ўрнатилажак адолатли, инсонпарвар, гармоник, худбинликни билмаган қувноқ ҳаётнинг тимсоли сифатида яратилган.

Аърофга бағишланган сўнгги боблар аллегорик маънога эга: Чақмоқ, ўрмонни сирли нур ёрита бошлайди, ёруғлик кучаяди, узоқдаги овозлар ашулага айланади, оқ либос кийиб гуллар таққан ҳуру ғилмонлар рақсга тушадилар, мўйсафидлар саф тортиб ўтадилар, афсонавий от-Грифон қўшилган ароба қадимги юнонлар мифидаги Гелиос (Қуёш)нинг аробасидек нур сочади. Унинг атрофида қизил, оқ, яшил кийган қизлар ўйнаб борадилар. Аъроф аллегориясининг маъноси: ароба ва Грифон исавия дини, уч қиз-ишонч, умид ва муҳаббат рамзи, кексалар эса — диний, фалсафий асарлар мажозий маъносини билдирадилар.

Данте олдида аробада енгил оқ парда ичида олов ранг либосда ўтирган Беатриче пайдо бўлиши билан маъжусий Вергилий ғойиб бўлади. Беатриче шоирга "йиғлама, менга боқ, бу мен, мен Беатриче, йиллар давомида сени ёмон йўлдан қайтаришга уриндим, аммо ҳаракатларим бефойда бўлди, охиратни, дўзах азобини сенга кўрсатиш билан мақсадга эришмоқчи, сени тўғри йўлга бошламоқчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлдим, шунинг учун сен биринчи бўлиб, тирик инсон оёғи босмаган жойларни кўрдинг" ("Чистилище XXX) дейди. Данте икки дарё сувларида дунёвий хотираларини ювган бўлса ҳам жаннатда ҳаётий муаммолар устида қайғуришни давом эттиради.

Беатриче йўлбошчилигида Данте юлдузлар орасида осмонга нур тезлигида парвоз қилади. Жаннатда қадимги юнонларнинг шеърият маъбуди Аполлонга мурожаат қилиб, ватандошларининг бағритошлигидан шикоят қилади, маъжусийлар худосидан шоир ижод этиш қудратини орттириш ва бошига лавр гулчамбари кийдиришни сўрайди.

"Жаннат"да Данте реализми, образи ва воқеаларнинг конкретлиги анча сусаяди, сунъийлашади. "Дўзах" ва "Аъроф"дагидек реал дунёга экскурс ҳам камаяди, диний назарий мулоҳазалар анчагина ўрин олади. Беатриченинг жаннат архитектоникаси ҳақидаги ҳикоясига кўра, энг олий Қудрат осмоннинг тўққизинчи қаватида жойлашган, унинг таъсири аввал осмон қатламлари, сўнгра ерга ўтади. Коинот жисмлари умум башариятни ҳаракатга келтирувчи кучлардир. "Жаннат" ҳам "Дўзах" ва "Аъроф"га ўхшаб муқаддас сана "Тўққиз" асосига қурилган, ер атрофида тўққиз осмон бор: Биринчиси Ой, иккинчиси — Уторид (Меркурий), учинчиси — Зуҳро (Венера), тўртинчиси — Қуёш, бешинчиси — Миррих (Марс), олтинчиси — муштарий (Юпитер), еттинчиси — Зуҳал (Сатурн), саккизинчиси — Турғун юлдузлар, тўққизинчиси — арши аъло, фаришталар макони. Дўзахга зид ўлароқ, жаннатда доимо ҳаракат ҳукм суради. Жаннат осмонларининг ҳаммасида ёруғлик, нур, руҳий камолот ҳукмронлик қилади.

Данте Ой осмонида ошиқлар, маҳбубалар, Уторидда-ғайратли, фаол одамлар руҳи, Зуҳрода — олий ҳиммат, сахийлар, Қуёшда — пок руҳонийлар (Фома Аквинский, унинг ғоявий мухолифи файласуф Сигери Брабантский, тарихчи Орозий, Сулаймон пайғамбар ва б.). Миррихда шоирнинг бобокалони, салб юришлар иштирокчиси Каччагвида (шоир у билан Флоренция ҳақида суҳбатлашади), Муштарийда — Исонинг сахобалари, Зуҳалда — Одамато, турғун юлдузларда — авлиёлар, малоикалар.

"Жаннат"нинг сўнгги уч боби тўққизинчи доира — Эмпирейнинг тасвирига бағишланган. Эмпирейдаги фаришталар коинотни ҳаракатга келтирадилар. Энди Беатриче шоирни авлиё Бернардга топшириб, Биби Марям тахти олдида Момоҳаво ёнига ўтиради. "Янги ҳаёт"да тасвирланган ишқ маъбуди "Амор — Ишқ, Қуёш ва ўзга нур манбала-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рини ҳаракатга келтиради". Дантенинг тасаввурида у умум инсоний ахлоқ нормалари, реал борлиқни маълум доирада сақлаб туради.

Шундай қилиб, илоҳий қудрат рамзи бўлган Амор, Беатричега бўлган муҳаббат шоирнинг умум башарият сирини англаб етишига ёрдам беради. Шоир яратган буюк эпопеяни Голенищев-Кутузов "Данте антик муаллифлари анъанасини тиклаб коинот сирларини очишга эришди. Жаҳон адабиёти ривожининг янги йўлларини очиб берувчи Данте достонининг инқилобий моҳияти ҳам ана шундандир"[44], деб, тўғри баҳолайди.

"Илоҳий комедия"нинг манбалари ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган: француз олими Е. Блоше — "Илоҳий комедия"нинг шарқий манбалари," Париж, 1901; испан олими Мигель Асин-и Паласиос — "Мусулмон эсхатологияси ва "Илоҳий комедия", Мадрид. 1919 (унинг инглизча таржимаси "Ислом ва "Илоҳий комедия". Лондон, 1926); Бруно Нарди, "Илоҳий комедия", Рим, 1961; "Данте дунёси". Рим, 1944; "Данте ва ўрта асрлар маданияти", Бари, 1949; Е. Черулли,"Нарвон китоби" ва "Илоҳий комедия"га араб-испан таъсири масаласи". Ватикан, 1949, кабилар.

Динлар, маданият инсон онги ривожланиши билан бу ва у дунёнинг тузилиши, инсонлар вафот этгандан кейинги тақдири масаласига қизиқиш орта боради. Бу масалада инсоният тарихидаги ҳар бир дин ўз таълимотини ишлаб чиқади. Бу дунё тасвирида дунё уч қисм — осмон, ер ва ер ости, баъзи ўринда Ер остидаги сувдан иборат дейилса, нариги дунё тасвирида ўхшашлик кам бўлган. Фақат гуноҳкорлар ер остида жаҳаннамда жазоланадилар, тақводорлар осмонда, жаннатда бўладилар, дейилади. Аммо тафсилотни ҳеч қайси дин батафсил ишлаб чиққан эмас.

Қадимги грекларда нариги дунё бу реал дунёнинг давоми сифатида тасаввур этилган. Ҳомерда Одиссей ўликлар дунёсига тушиб отаси, Ахиллес, Трояга борган қаҳрамонлар билан учрашади. У ердаги "Ҳаёт"ни ҳеч қандай қизиғи йўқ (Ахиллес "ўликлар дунёсида ўлик шоҳ бўлгандан кўра у дунёда подачи бўлганим яхши эди" дейди). Платон эса "Сиёсат ёки давлат" асарида арманистонлик Ир жангда ҳалок бўлиб, кейин тирилгани ва нариги дунёда кўрганлари ҳақида ёзади. Табиийки, бошқа халқлар, динлар ҳам инсонларнинг вафотидан кейинги тақдири билан қизиққанлар ва бу масала турли динларда турлича ҳал этилган. Бу ўринда улар устида тўхташ жоиз эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Данте "Илоҳий комедия"сини яратишга киришар экан, нариги дунё ҳақидаги исавия таълимотидан ташқари бошқа динлар, жумладан, ислом таълимоти билан ҳам танишган бўлиши мумкин. Қуръоннинг ўн еттинчи "Ал-Исро сураси"да (Аллоҳ)" бир кеча, ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оят — мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракатли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир. Дарҳақиқат, у эшитувчи, кўрувчи зотдир" дейилади (таржимон Алоуддин Мансур, Т., 1992). Қуръонга тафсир ёзган олимлар саёҳат тафсилотлари, жаннат, аъроф ва дўзах кўринишларини тасвирлайдилар. XIII—XIV асрларда яшаган олим Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий "Қисаси Рабғузий" асарида "Мерож" тафсилотини беради, аммо тафсилот фақат жаннат қисмига ёзилган эди, холос.

Мутасаввуфлар ижодида Мерож қайта-қайта ишланиб, юксак бадиият даражасига кўтарилган, анъанавий мазмунга айланган эди. Британия музейида Ибн Синонинг "Шархи мерож" ёки "Рисола дар мерож" деб аталган кичик асари сақланади (Риё, П, 438б.). Унда бу воқеани хаёлда рўй берган, дейилади. Лекин "бу талқин оддий кишилар учун эмас", деб изоҳ берилади.

Испан арабшунос олими, Мадрид университетининг профессори Мигел Асин-и Паласиос ўттиз йилдан ортиқ умрини Данте "Илоҳий комедия"сининг ислом илдизларини ахтариш, топиб, ўрганишга сарфлаган. Бу проблемани ёритиш борасида ёзган асосий асари "Мусулмон эсхаталогияси ва "Илоҳий комедия" деб номланган илмий рисола бўлди. Бу асар жаҳон илмий жамоатчилигида катта шов-шувларга сабабчи бўлди, айниқса италиялик олимлар таъсирни мутлақ рад этдилар. Оврупода Асин-и Паласиос асарига саксондан ортиқ тақризлар ёзилди. Асин-и Паласиос араб исломшунос олимлари, мутасаввуфлар, бадиий, фольклор асарлари, панд-насиҳат, адаб ҳақидаги асарларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, мусулмон эсхаталогияси, яъни нариги дунё ҳақидаги тасаввурни Данте тасвирлаб берган у дунё манзараси, умумий тузулиши, "Дўзах", "Аъроф", "Жаннат" картиналари, руҳларнинг марҳаматга эришгани ёки жазога учрагани билан батафсил муқояса қилиб чиқади. Ислом дини билан боғлиқ бўлган тасвирлар тафсилотини "Илоҳий комедия" билан солиштириб, ўхшаш эпизод ва қаҳрамонлар, мажозий тушунчаларни топади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Испан олими Қуръоннинг 17-сурасида келтирилган Расулуллоҳнинг нариги дунёга бориб қайтиши ҳақидаги имо-ишорадан мусулмон халқлари адабиёти, фольклорида келиб чиққан беҳисоб афсоналарни татқиқ этади ва улардан Данте тасвирлаган ҳолатларга ўхшаш жойларини топади. Сўнгра мусулмон халқлари яратган асарлардаги бу хусусиятлар билан шоир қайси йўл билан танишди экан, деган масалани ҳал қилишга уринади. Ўша даврларда Данте устозларининг бири Брунетто Латини Испанияда папанинг элчиси вазифасида хизмат қилган, шоирнинг яхши таниши авлиё Петр Пасказио ҳам Испанияда бўлган. Данте "Мерожнома"лар билан шу шахслар ва мамлакат билан яқиндан алоқада бўлган бошқа одамлар орқали таниш бўлиши мумкин, деган фараз олға сурилади.

Асин-и Паласноснинг фикрича, Дантенинг ўзи ҳам араб тили билан озми-кўпми таниш бўлган. Юқорида айтганимиздек, XII—XV асрларда ўзини маданиятли деб ҳисоблаган ҳар бир овруполик ислом асослари, араб тили, шарқ илм-фани, умуман маданияти билан озми-кўпми таниш бўлган. Данте дунёқараши, айниқса, Ибн Ал-Арабий таълимотига яқин, деб ҳисоблайди Асин.

Асин-и Паласиос ўз татқиқотида кўпроқ урғуни араб шоири Абу-л-Аъло ал-Маорий (979—1057) насрий асарларининг бири "Рисолат ал-ғуфрон"га беради. Булардан ташқари, мерожнома испан исавийлари орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, Данте шулар билан ҳам таниш бўлиши мумкин деб ҳисоблайди олим. Испан олими асаридаги фикрни рад этувчилар кўп бўлганидек, тасдиқловчилар ҳам оз бўлмади.

1927 йил инглиз шарқшуноси Р. П. Деуҳурст испан олими асарининг инглизча таржимасига тақриз ёзади ва асарга юқори баҳо беради. Деуҳурстнинг фикрича, Асин-и Паласиос бой маълумотлар тўплаган, уларни тартибга солган. "Данте буюк асарини ёзишда кўп томондан ислом андозасини олган. Айниқса, "Илоҳий комедия"нинг испан-мусулмон мистик шоири Мурсиялик Ибн ал-Арабий асари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Умуман, олим фикрларини инкор этиб бўлмайди"[45]. Оврупо шарқшунослик фанида "Илоҳий комедия"нинг шарқий илдизлари ҳақидаги муаммо исавия ва ислом динлари ўртасидаги боғлиқлик нуқтаи назаридан талқин этилади.

Россиянинг шарқшунос олимлари ҳам "Илоҳий комедия" ва унинг мусулмон манбалари ҳақидаги баҳсда иштирок этганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буларнинг бири рус арабшуноси академик И. Ю. Крачковский бўлди. И. Ю. Крачковский испан олими асарига юқори баҳо бериб, "Илоҳий комедия" паралелларининг бири"[46] докладида Асин-и Паласиос фаразини қувватлаган "Асин-и Паласиос олдига қўйган мақсад, яъни адабий эсхатологик ўхшашликни аниқлаш учун Абу-л Аъло ал-Маорийнинг "Рисолат ал-ғуфрон" асарининг фақат биринчи қисмини таҳлил этган" дейди олим.

Асин-и Паласиос Абу-л-Аъло рисоласида келтирилган Ибн ал-Қориҳнинг жаннатга саёҳати ва араб адабиётидаги шунга ўхшаган асарларни таҳлил қилиб, буларнинг ҳаммаси Қуръоннинг ўн еттинчи сурасида берилган "Меърож"га тақлидан, унинг таъсири остида яратилганини таъкидлайди. Жаннат тасвири, дарахтлар, гуллар таърифланиб, Ибн Қориҳнинг олимлар билан суҳбати баён этилади. Шуниси қизиқки, Ибн Қориҳ Муҳаммад Алайҳиссаломнинг фарзандлари Биби Фотима ва Иброҳимларнинг ёрдамида жаннатга киришга муяссар бўлади. "Рисола"да жаннатдаги одамлар ўртасидаги суҳбатда сўз нима учун у ёки бу одам жаннатга кирди ёки киролмади масаласи атрофида кетади.

Абу-л-Аъло "Рисолат ал-Ғуфрон"дан ташқари нариги дунёга бағишланган "Рисолат ал-малоика" деб номланган асар ҳам ёзган. Унда шоир руҳини олиб кетишга мўлжаллаган ажал фариштаси Жаброил, Жаннат қўриқчиси Ризвон, дўзах қоровули Молик, сўроқчилар Мункар ва Накир кабилар ўртасидаги суҳбат берилади. Абу-л-Аъло яна бир насрий асарида жаннат тасвирига қайтади. Адиб ҳар учала асарида ҳам Қуръондан кўплаб парчалар келтиради. Шунинг учун И. Ю. Крачковский "Абу-л-Аъло асарларига Муҳаммаднинг Арши Аълога чиқиши ҳақидаги афсоналар эмас, балки Қуръон асос бўлган"[48] дейди.

Асин-и Паласиос асарида олдинга сурилган ғоялар илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қарши олинса ҳам олим фикрларига ишончсизлик билан қараш кучли бўлди, чунки мусулмон мерожномаларини Данте билан боғловчи, олим фикрларини исботловчи материал йўқ эди. Шунинг учун испан исавийлари орасида тарқалган мерожноманинг халқ варианти элементлари оғзаки адабиёт орқали Дантега етган бўлиши мумкин деган хулосага келдилар.

Испан олими асари чоп этилганидан 30 йил кейин, 1949 йил "Мерожнома"ни "Илоҳий комедия" билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғловчи восита, араб-испан халқ эсхатология асарининг лотин ва эски француз таржималари ("Liber Scalae") топилади. 1949 йил Италияда Э. Черулли, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда Митъос Сендино Испанияда Оксфорд, Париж ва Ватикан кутубхоналарида сақланаётган таржима қўлёзмаларини чоп эттирадилар. 1264 йил король Донишманд Алфонс сарой табиби яҳудий Абраҳам ал-Закалига "Мерожнома"ни кастил тилига ағдартирган эди. Ҳар иккала тилдаги асар араб тилидан кастил лаҳжасига ағдартирган нусхасидан амалга оширилган бўлиб, асл нусхаси сақланмаган. Афсуски, Асин-и Паласиос булар билан таниш бўлмаган. Шуниси қизиқки, лотин ва француз таржималари шоирнинг ватандоши Бонавентура таҳрири остида амалга оширилган, Данте эса бу олим асарлари билан яхши таниш эди. Шундай қилиб, кучли танқидга йўлиққан испан олими Асин-и Паласиоснинг илмий изланиши ва хулосалари мутлоқ тўғри бўлиб чиқди. Аммо шундай бўлишига қарамай, итальян олими Э. Черулли, "антик ва таврот маданияти асосида яратилган буюк асарнинг аҳамиятсиз, иккинчи даражадаги томонларигагина мусулмон асари таъсир этган"[50] деб ҳақиқатни тан олгиси келмайди. Лекин, иккинчи томондан, Данте ислом таълимоти ва унинг асосчисини тўғри тушунган деб бўлмайди. Ўрта асрларда кўпчилик овруполиклар, ҳатто зиёлилар ҳам ислом мустақил диний таълимот эканини тушунмаганлар. Уларнинг тасаввурида исавия ягона дин, Муҳаммад бу диннинг йирик намояндаси бўлатуриб унга ихтилоф солган. Шунинг учун Расулуллоҳни шоир "Дўзах" асарининг саккизинчи қаватига жойлаштирган. Араб мамлакатлари эса, салб юришлар мағлубияти туфайли, сиёсий жиҳатдан мухолиф бўлган давлатлар, деб қаралади.

Ислом динига эътиқод қўйган халқларда "Мерожнома" билан бир қаторда, балки унинг таъсири остида, нариги дунё ҳақида асарлар кўплаб яратилади (Беруний "Минералогия" рисоласида "Китоб далил ад-дунё ва-л-охира" асари ҳақида ёзади, Сулаймон Боқирғоний, (вафоти, 1186 йил), "Охирзамон китоби" номли достон ёзган. Ғазна шоирларидан Саноийнинг (XI аср) "Сайр ал-ибад ила-л-ма'ад" достони Кембриж университети проф. Р. Николсоннинг фикрича, "Илоҳий комедия", айниқса, "Дўзах"га беҳад яқиндир,[51] ва ҳ.к.).

Исавия диний адабиёти, халқ ижоди, авлиёлар ҳаётини тасвирловчи ҳикояларда нариги дунё ҳақида

www.ziyouz.com kutubxonasi

маълум бир аниқ маълумот берувчи асарлар бўлмаган. Аксинча ислом дунёсида "Меърож" таъсири остида бундай асарлар сон-саноқсиз яратилган. Айниқса, халифаликнинг шарқий вилоятлари, Эрон ва Мовароуннаҳрда бундай асарлар зардуштийлик билан боғлиқ бўлган адабиёт таъсири остида кўплаб яратилган эди. Француз шарқшунос олими Е. Блоше "Илоҳий комедия"нинг шарқий манбалари ҳақида" китобида Данте эсхатологияси зардуштийлик дини таъсири остида ёзилган деган фаразни олға суради ("Авлиё Вирафнинг башоратлари"). Унинг фикрича, зардуштийлик таъсири ислом дини, Ўрта асрларда араб Испаниясида Эрон маданиятига қизиқиш кучли эканини назарда тутиб, Испания орқали ўтган, дейди. Аммо Блоше асари дантешунос олимлар назаридан четда қолган. Шунинг учун илмий адабиётда бу ҳақда маълумот йўқ.

Е. Блошенинг фаразини қуйидаги янги топилган қоятош ёзуви ва зардуштий асари "Арда-Вирафнома" ҳам тасдиқлагандек бўлади.

20—30-йилларда француз олими Ф. Жинью Эронда Сари Машҳад қоясида ажойиб бир ёзувни очди. Ёзув III асрга тааллуқли бўлиб, диний, сиёсий арбоб, муғлар бошлиғи (магупат) ва шаҳан шоҳлар руҳларининг сақловчиси Картирга алоқадор эди. Матн Сосоний шаҳан шоҳлар ёзувлари олдида, тасвири эса Сосонийлар тасвири билан бир қаторда, бир неча бор тошга ўйилган. Француз олими Картир ким эканини ёзувларни ўқиб, аниқлаган.

Магупат Картир ўта тақводор бўлиб, Ахура Маздадан илтижо қилиб нариги дунёни кўрсатишни сўрайди, "жаннат ва дўзахни кўрсам одамларни тўғри, ҳақ йўлга бошлашим осон бўлади", дейди. Худонинг амри билан ҳалол, тақводор гўзал ёш аёл Картирга ҳамроҳ бўлиб, уни нариги дунёга кузатиб олиб борган. Жаннатда Беатриченинг Дантега йўлбошчилик қилиши худди ана шу эпизодни эслатади. "Мен оқ от минган шаҳрдорни кўрдим, қўлида байроқ бор эди". Агар одам пок, тақводор бўлса, руҳи тириклигида жаннатда, агар гуноҳкор бўлса, дўзахда бўлиши мумкин экан. Шу ўринда дўзахдаги коцит муз кўлида жазоланаётган ҳали тирик бўлган Бранка д'Орья эсга тушади. Шарқлик гўзал аёл Картирни етаклаб олтин тахт олдига бошлайди. У ерда "Зиёфат" бўлмоқда. Картир авлиёлар, фаришталар билан суҳбатлашади. "Зиёфат" деганда овқат емак эмас, балки

www.ziyouz.com kutubxonasi

осмон ҳақиқатини ўзлаштириш деб тушунмоқ лозим. Эслайлик, Дантенинг фалсафий рисоласи ҳам "Зиёфат" деб аталиб, илмий-фалсафий ғоялардан баҳраманд бўлиш маъносида бу сўз қўлланган эди. Чинват кўприги (пули сирот) ҳам шу ерда. Картир ундан ўтиб жаннатга киради. "Осмон ва дўзах жаҳаннами", "дўзах ва жаннат сирларини англаб етгани" ҳақида Сари Машҳад тошларига ёзган. Афсуски, Картир матни тўлиқ сақланмаган. Шунинг учун нариги дунё саёҳатининг баъзи томонлари ноаниқ қолган, асосан жаннатга бориш усули ва у ерда нималар кўргани ҳақидаги маълумот аниқ, холос. Картир ҳикояси анъанавий зардуштийликка хос усулда берилади: жаннатга боришда Картирга ажойиб гўзал, пок, оқила аёл йўлбошчилик қилиб, пули сиротдан ўтказади, жаннатни томоша қилдиради. Картир авлиёларни, Аллоҳнинг олтин тахтини, Митранинг гуноҳларини ўлчовчи торозусини кўради. Инсофли, ҳалол одамлар жаннатда эдилар. Афсуски, Картирнинг ҳикояси узилиб қолади, қоятош уваланиб, парчаланиб қулаган эди. Қоятошда ёзилган матн қаҳрамони Картир Эрон зардуштийларининг Шопур (241—272) давридаги бош коҳини бўлган. Унинг ҳаракатлари билан "Авесто"нинг парчалари, вариантлари яхлит бир китоб ҳолига келтирилган.

VI—VII асрларда Эронда яна бир асар, "Арда Вирафнома" яратилган эди. Унда зардуштийлар коҳини Вирафнинг нариги дунёга саёҳати тасвирланади. Бу ҳақда шарқшунос олим И. С. Брагинский шундай дейди:" ... бу асар кенг тарқалган ва кейинчалик Данте томонидан фойдаланилган. Унда инсоннинг Осмонга, нариги дунёга, дўзах, жаннатга саёҳати тасвирланади"[53].

Вираф (яна бир оти Нихшонур) даставвал жаннатни сайр қилади, уни Митра (Меҳр), зардуштийликнинг олти кичик маъбудлари, олов маъбуди қарши оладилар, қўлидан ушлаб: "юр, биз сенга жаннат ва дўзахни кўрсатамиз, нурланиш, ярқираш, сокинлик ва гуллаб-яшнаш, лаззатланиш ва роҳатланиш, бахтиёрлик, хурсандчилик ва жаннатнинг муаттар ҳидини, ҳақ одамлар роҳатини кўрсатамиз. Биз сенга дўзах зулмати, ифлослик, сассиқлик, маразлик, қийноқлар, аччиқ аламлар, даҳшат, гуноҳкорлар ва афсунгарларга дўзахда берилувчи жазоларнинг ҳаммасини кўрсатамиз", дейдилар. "Арда Вирафнома" 1880 йил "Санкт-Петербургда чоп этилган кўп томлик "Умумжаҳон адабиёти тарихи"да (В. Ф. Корш таҳрири остида) К. Т. Залеман таржимасида (I жилд, I қисми,

www.ziyouz.com kutubxonasi

186-бетда) берилган. Афсуски, унда ҳикоя тўла берилмайди. Асар Вирафнинг тақводор одамлиги, шунинг учун зардуштий коҳинлари нариги дунёга вакил юбориш учун уни танлаганлари, унинг руҳи танасидан етти кун чиқиб кетганлиги ва яна қайтиб танага киргани ва ниҳоят "хат-тотларни чақиринг, мен кўрган-кечирганларимни айтай, ёзишсин" сўзлари билан тугалланади. Нариги дунё саёҳати берилмайди. И. С. Брагинский "Тожик ва форс адабиётлари тарихидан" тўпламида коҳин Вирафнинг фазога чиқиши, нариги дунёга саёҳати, дўзах ва жаннатни кўриши кабилар тасвирланади", деб ёзади, лекин Залеман таржимасида бу тасвир йўқ.

Юқорида айтганимиздек, нариги дунёнинг тузилиши, архитектоникасини "Дўзах", "Аъроф" сураси ва "Жаннат" тарзида белгилашида Дантенинг ислом дунёсида яратилган эсхаталогик асарлардан илҳомлангани аниқ. Аммо шуниси қизиқки, исломга тааллуқли диний ва бадиий асарларда асосан жаннат тасвирланиб, аъроф ва дўзах тасвири деярли учрамайди. Қуръоннинг еттинчи сураси "Аъроф" деб аталиб, таржимада "уларнинг (жаннат эгалари билан дўзах эгаларининг) ўртасида тўсиқ бўлиб, у деворлар устида ҳаммани (...) сиймоларидан таниб оладиган кишилар бўлур..." дейилади. Изоҳда эса "қилган яхшиликлари билан ёмонликлари баробар кимсалар эса "Аъроф" эгалари бўладилар. Аъроф жаннат билан дўзах ўртасини ажратиб турадиган девор бўлиб, учинчи тоифага мансуб одамлар унинг устида Аллоҳ ўзларини жаннатгами ёки дўзахгами ҳукм қилишини кутиб турадилар"[55] дейилади.

Данте дўзахнинг тўққизинчи доирасини "коцит" деб атаб, унга Иблисни жойлаштиради. Жаннатдан Аллоҳ томонидан ҳайдалган Иблис шимолдан ер қаърига йиқилиб жанубда, океан ўртасида тоғ ҳосил қилади. Унинг боши жанубда, оёғи экваторда. Шимолда унинг ер қаърига кириши натижасида конус шаклида тўққиз қаватдан иборат жаҳаннам чуқурлиги пайдо бўлса, жанубдаги океан ўртасида шайтоннинг танаси тўққиз қават аъроф тоғини бўрттириб чиқади. Аърофнинг тўққизинчи қавати "ердаги жаннат" деб аталиб, табиатнинг гўзал манзараси тасвирланади. У ерда тўққиз қават жаннатга кўтариладилар, унинг етти қавати сайёра, шуниси қизиқки сайёраларнинг жойланиш изчиллиги (Моҳ, Уторид, Зуҳра, Шамс, Мирриҳ, Муштарий, Зуҳал) айнан Берунийнинг "Қонун Масъудий"да берилганидек[56].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Расмий Исломда дўзах етти (Ҳавил, Лазо, Сақар, Совир, Жаҳаннам, Сижжин ва Хутома) мақом (Дантеда "доира"), унда гуноҳкорлар қилмишларига яраша вақтинча, яъни қиёмат қойимгача турадилар, берилаётган жазолар вақтинча. Иблис инсонни тан олмагани туфайли жаннатдан қувилади, аммо Аллоҳ билан савол-жавобда ҳийлакорлик қилиб жазоланишнинг охиратда бўлишига муваффақ бўлади. Ислом дўзахида жазо асосан ўт, олов билан берилади. Лекин тўртинчи қават дўзах Совир совуқликдан иборат. У ерда шунчалик совуққи, агар кичик бир тешик бўлса ундан чиққан совуққа бутун жаҳон музлар эмиш.

Қуръонда берилган Аъроф ҳақидаги сура юқорида келтирилди. Лекин таржимада "девор усти" дейилса, асл матнда "мақом" дейилади. Бу сўз "Девор" маъносини билдирмайди, балки тўхташ "жойи", "ўрин" тушунчасида қўлланилган.

Жаннат масаласига келсак, ҳақиқатан унинг тўққиз мақоми борлиги Қуръонда айтилади, аммо улар сайёралар эмас, балки "жаннат ал-фирдавс", "жаннат ал-маъво", "жаннат ал-наъим", "жаннат ар-ирам", Дор-ас-салом, Дор-ал-Хулд, жаннати адн, Дор-ан-Жалол каби тўққиз мақомдир, тўққизинчиси арши аъло, Аллоҳнинг маконидир. В. В. Евсюковнинг "Дунё ҳақидаги мифлар" китобида" Қуръонда дўзах азоблари ҳақида кам ёзилади, бу мавзуни, асосан муқаддас китобга тафсир ёзганлар ишлаб чиққанлар. Уларнинг олти қаватидаги жазолар олов билан, энг пастки жойи ўта совуқ билан характерланади",[57] дейди. Афсуски, расмий асарлар — Қуръон ва ҳадислар билан танишув имкони бўлган ҳолда, кўплаб тафсирларни кўриш имкони бўлмади. Ваҳоланки, худди ана шу норасмий диний мазмундаги асарлар — қуръон тафсирлари, мерожномалар, қиссас-ул-анбиёларда ижодкорлар фантазияси чегарани билмаганлар (масалан Ҳазрат Алининг қиличи 40 қулоч эмиш, аслида бу қилич Туркияда, музейда турибди, 70—80 см.дан узун эмас). Иккинчи томондан, юқорида айтганимиздек, араб Испаниясида Эрон, Мовароуннаҳр маданияти, адабиётига қизиқиш IX асрлардан бошлаб кучаяди, маданият арбобларининг борди-келдиси, китоблар сотиб олиш, уларни араб, лотин тилларига ағдариш кенг тус олади. Шу жараён давомида минтақалар халқларининг қадимий эътиқодларига хос бўлган баъзи хусусиятлар Испанияга, Оврупо минтақасига кириб келиши ҳақиқатдан узоқ эмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Данте тасвирлаган дўзахнинг энг пастки, тўққизинчи доираси беҳад совуқ, абадий қотиб қолган музликдан иборат. Дўзахда музлик зардуштийлик дини ва буддизмда бор, холос. Зардуштийликда Меҳр (Митра) тарозусида гуноҳи хайрли ишларидан ортиб кетган бандалар руҳини ялмоғиз кампир абадий қотиб қолган музликдан иборат жаҳаннамга олиб кетади. Дантеда абадий музликдан иборат кўл Коцитда Иблис қотиб қолган, уч хоин Иуда (исо пайғамбарга хоинлик қилган) ва Юлий Цезарни ўлдирган Рим лашкарбошилари Брут билан Кассийни оғзида чайнаш билан жазолайди. Шуниси қизиққи, ҳар учала дин — зардуштийлик, исавия ва исломда нариги дунёдаги жазо ёки марҳамат вақтинча, охират кунигача, ҳақиқий ҳукм ўша куни чиқарилади, деган фикр такрорланади.

Ибн Сино Аристотелнинг "Метафизика" асарига ёзган шарҳида ҳамма нарса амалиёт, фаолият, ҳаракат натижасидир, ҳамма ҳодисалар ҳаракатнинг маҳсулидир, деган эди. Дантеда ҳаракат ҳаракатсизликдан устун туради, чунки ҳаракатсизлик — йўқлик, ўлимдир. "Амор, ишқ, Қуёш ва ҳамма осмон ёритқичларини ҳаракатга келтиради". Бутун борлиқни маълум ахлоқ нормалари идора этиб туради. Ҳаракат масаласида Данте Брабантлик Сигернинг Аллоҳ бирор буюмни яратгани учун абадий кучга эга эмас, балки у абад ҳаракатни таъминлагани учун буюкдир, деган фикрига қўшилади. Шунинг учун Иблисни жаҳондаги ҳамма ёвузликларнинг манбаи ва ташувчиси, чунки у ҳаракатсиз, дейди.

Зардуштийлик аъроф "ғам-андуҳ" водийси деб аталиб, яшил майсазорга ўхшайди. Савоб ва гуноҳ ишлари баробар бўлган одамлар руҳи гуноҳларини тавба билан ювгунларича бу ерда қайғу-аламда юрадилар, гуноҳлари кечирилгач, жаннатга ёки тавба қилмасалар дўзахга кетадилар.

Зардуштийларнинг жаннати ёқимли муаттар ҳидлар анқиган ажойиб гулзор, мевазор боғ, у ерда ажойиб нур ёғду сочади. Умуман олганда, барча динларда ҳам у дунёни тасвирлашда умумийлик бор, фарқлар нисбийдир.

Дантенинг буюклиги шундаки, исломдаги ана шундай, астрономия илми асосида ҳали аниқ ишланиб тугалланмаган нариги дунё картинасини пухта ишланган бутун бир дунё тасвирига айлантиради. "Илоҳий комедия" Ўрта аср адабиёти, фольклори ва эсхаталогиясининг бирлашуви бўлиб, айни вақтда, турли динлар ва турли жанрдаги асарларнинг бирон тасини мутлоқ такрорламаган бебаҳо асардир. Унинг шу хилдаги бошқа асарлардан фарқи шун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даки, шоир нариги дунё аҳллари, айниқса дўзахда жазоланувчилар билан ўзини қизиқтирган турли сиёсий, диний, илмий-фалсафий масалаларда баҳслашади, у ёки бу масалага ўз муносабатини билдиради.

1955 йил Ереванда А. О. Шахсуварян томонидан "Ибн Сино ва жаҳон адабиёти" мавзуида номзодлик иши ҳимоя этилади. Унда Ибн Синонинг "Ҳайй ибн Яқзон" деб номланган фалсафий, аллегорик қиссасининг мазмуни Дантенинг "Илоҳий комедия"си билан муқояса қилиниб, Ҳайй-Вергилий, ҳақиқатни англашга интилган қаҳрамон-интеллект Данте ўртасида ўхшашликлар аниқланади: Аввалам бор ҳар иккала қаҳрамон ҳақиқатни англаб етишга интиладилар, на Ҳайй ва на Вергилий қаҳрамонларни ердаги гуноҳларидан холи қилмайдилар, балки кўплаб синовлардан ўтказадилар. Данте дўзахнинг еттинчи қаватида аждаҳони йўлиқтиради, худди шундай эпизод Ибн Сино қиссасида ҳам бор, икки шохлик шайтон "Ҳаййда" берилган, бу Данте дўзахининг саккизинчи қаватида ҳам бор. Ибн Синода фақат тақводорлар кечиб ўтиши мумкин бўлган денгиз бор, Дантеда Аъроф тоғи атрофидаги денгиз, "Ҳайй"да баланд Қоф тоғи, Дантеда "Аъроф" тоғи... шундай қилиб, ҳақиқатан, ўхшашликлар оз эмас.

"Ҳайй ибн Яқзон" мавзуида Ибн Синодан ташқари яна қатор файласуф-олимлар ҳам қиссалар ёзганлар (Рабби бен Эзра-Азро, Сухравардий, Ибн Туфайл). Шу мавзудаги ҳамма асарларда олим асарининг озми-кўпми таъсири сезилади, ҳаммасида ҳам интеллект ҳақиқатга эришмоқ учун тўққиз босқичдан ўтади.

Ибн Сино "Ҳайй ибн Яқзон" фалсафий қиссасини дўст ва мухлисларининг илтимосларига биноан билиш категорияларини англаб етиш усулларини аниқлаб, ойдинлаштириб бериш мақсадида ёзган. Ҳақиқатан, у даврларда борлиқ ва инсон моҳиятини англаб етиш муаммосига қизиққанлар (Беруний, Форобий, Ибн Рўшд каби олимлар ҳам шу проблемани ўз асарларида қўядилар). Олимларнинг фикрича, бу йўлда асосий йўлбошчиликни онг, тафаккур, ақл амалга ошируви лозим. Ибн Сино Ҳайй образини уларнинг инъикоси сифатида яратган.

1986 йил Душанбеда М. Шоҳидийнинг "Ибн Сино ва Данте" (шеъриятда гуманизм ғояларининг ташкил топиши ва ривожи) деб номланган китобчаси босилиб чиқди. Унда муаллиф Ибн Синонинг уч варақлик фалсафий-ахлоқий қиссасини Дантенинг "Илоҳий комедияси" билан изчил равишда муқояса қилиб, олим асаридаги ғояларни шоир

www.ziyouz.com kutubxonasi

асаридан топишга уринади. Кўп ўринда, ҳақиқатан, ўхшашликлар оз эмаслиги кўрсатилади.

Савол туғиладики, Данте "Ҳайй мавзуида яратилган асарлар билан таниш бўлганми?" Бунга аниқ жавоб бериш қийин. Рабби бен Эзра (Азро) томонидан 1174 йил яҳудий тилида яратилган "Ҳайй ибн Яқзон" лотин тилига ағдарилган. Аммо уни Данте ўқиган-ўқимагани номаълум. Юқорида тилга олганимиз испан араби, файласуф, ёзувчи Ибн Туфайл яратган фалсафий роман "Ҳайй Ибн Яқзон" Ибн Сино асари номини такрорласа-да, мазмуни бошқа. Ибн Туфайл асарида дашти-биёбонда қолиб, маданиятли муҳитдан узилиб қолган инсоннинг қандай қилиб ақлий етукликка эришуви ҳақида гап боради.

Ибн Сино асари муаллиф (интеллект) ва ажойиб, гўзал, донишманд нуроний кекса Ҳайй ибн Яқзон ўртасидаги суҳбат шаклида ёзилган. Мажоз услубида яратилган бу асар шарқ файласуфлари орасида катта қизиқиш уйғотган. Фалсафий, ахлоқий категорияларни жонли образлар сифатида гавдалантириш Ўрта аср Шарқ адабиётида кенг тарқалган эди. "Ҳайй ибн Яқзон" ҳақидаги рисола ижобий ва салбий хусусиятлар ўртасида инсонда рўй берувчи ички кураш ҳақидаги оқилона ёзилган ҳикоядир. Бу ўринда Ибн Сино ҳар бир одамда яхши хусусиятлар билан бир қаторда салбийлари ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Фақат соғлом ақлгина одамни адашувлардан сақлайди.[58] Бир вақтларда Е. Э. Бертельс "Ҳайй ибн Яқзон" Дантенинг "Илоҳий комедия"си асосий мавзунинг тимсоли бўлиши мумкин"[59], деган эди. Ибн Сино қиссасидаги Ҳайя тарихи умуминсоний интеллект, яъни ақли куллий эволюциясининг тарихидир. Ҳар иккала асардаги асосий ўхшашлик абстракт тушунчалар, онг, ишқ кабиларни жонли персонажлар сифатида гавдалантирмоқ ва асрлар давомида қаҳрамонлар турли синовлардан ўтиб покланишларидир, ҳар иккала муаллиф онг кучига, инсон покланишига ишонадилар.

Шарқ ва Ғарб Ўрта асрларининг икки буюк намояндаси Ибн Сино ва Данте яратган асарларнинг ғоявий ўхшашлиги борлиқни англаб етишга беҳад интилиш ва инсоният келажагига Оптимистик муносабатда бўлишдадир. Фикримча, ўрта аср, X ва XIV аср Шарқ ва Оврупо жамиятидаги шароит Ибн Сино ва Дантенинг ғоялар жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган асарларини келтириб чиқарди. Бу ўринда таъсир ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Данте илм-фан, фалсафанинг асосий пойдевори Шарқ олимлари томонидан яратилган ва уларнинг асарлари, лотин ва баъзилари миллий тилларга ағдарилган. Оврупо мамлакатларининг зиёлилари бу асарлар билан танишибгина қолмай, Шарқ олимлари таълимотларини ўзлаштириб, ўз ҳаётларига тадбиқ этиб, ўзларининг ижтимоий сиёсий шароитларидан келиб чиқиб ўша руҳда асарлар ярата бошлаган даврда яшади ва ижод этди, бу жараёндан четда қолмади. Худди Данте даврида Италия лотин аверроизмининг маркази ва умуман Прованс, Сицилиядаги Шарқ маданияти мухлислари, илғор фикрловчи олимлар, миллий тилда, дунёвий айниқса илмий мазмунда шеърлар яратувчи шоирлар ватанига айланган эди. Иккинчи томондан, илғор фикрлашга қарши қаратилган папа ва умуман дин арбобларининг кураши, папанинг Оврупо мамлакатлари сиёсий ҳаётини бошқариши масаласи атрофидаги кескин курашлар ҳам худди шу даврда бўлиб ўтган. Мафкура масаласида асосий проблема инсон масаласи, руҳ, унинг барҳаётлиги ва Аллоҳга муносабати Данте даври жамоатчилигининг диққат марказида турган. Албатта, замонанинг ўзига хос хусусиятлари буюк шоир дунёқараши ва ижодида ўз ифодасини топади. Мутафаккир шоир Данте кейинги давр Оврупо адиблари ва файласуфлари ижодий йўналишини аниқлаб берди. Унинг асосий кашфиёти исавия дини таълимотига зид ўлароқ, инсоннинг қадр-қиммати, борлиқдаги моҳиятини аниқлаш бўлди.

У даврдаги расмий тушунчага биноан инсон, шахс масаласи дин, ижтимоий табақаланиш ва табиат нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал қилинган. Дин инсонни Аллоҳ билан боғлаган, лекин уни худонинг қули деб, тупроқ заррачаси билан тенглаштирган, жамиятнинг ижтимоий табақаланиши ва инсоннинг ҳуқуқи ҳамда масъулиятини аниқлаган. Данте "Илоҳий комедия"да ана шу уч омилни янги гуманистик дунёқараш нуқтаи назаридан ёритган.

Ўрта асрлар феодализм жамиятининг мафкураси исавия дини бўлиб, унда инсонлар ҳуқуқи тенглиги расмий равишда эълон қилинган бўлса-да, амалда бу тенглик фақат Аллоҳ олдида, нариги дунёдаги тенглик бўлган. Аммо шунга қарамай, инсонларнинг Аллоҳ олдидаги тенг ҳуқуқлиги қулдорлик жамияти мафкурасига нисбатан ижобий ҳолат эди. "Инсон гарднинг заррачаси" тушунчасига зид ўлароқ, Данте "Зиёфат" да "Аллоҳ донолигининг энг улуғ мўъжизаси Инсондир" деб инсонни диққат марказига қўйди. Шоир гуманизми кенг, космик доирада қўйилган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

у инсоннинг фалсафий, ахлоқий, эстетик ва сиёсий доираларини аниқлаб беришга уринган. Инсонга бундай муносабат Оврупо, умуман исавия динига эътиқод қўйган халқлар яшаган мамлакатлар учун мутлоқ янгилик бўлиб, тарихий моҳияти исавия таълимотидаги теоцентризм ўрнига антропцентризмни тасдиқлаш ва шу нуқтаи назардан инсон улуғлиги, қадр-қимматини кўрсатиш бўлди.

Юқорида айтилганидек, Шарқда ислом дини буюк файласуф олимлар таълимотида гуманизм, инсон улуғлиги ғояси ҳар тарафлама ишлаб чиқилган ва бу таълимот исавия оврупосига ҳам таъсир ўтказган эди. Шарқда ишлаб чиқилган Инсон ғояси Оврупода ҳам "табиатда инсонни ва инсонда табиатни кашф этишга олиб келади".[61] Аммо афсуски, шарқдаги "Инсон ғояси" шахс ғоясининг шаклланишига олиб келмади. Бу жараён Ғарб адабиётларидаги Шекспир, Сервантес каби буюк гуманистлар ижодида якунланди.

XII—XIII асрларда илғор Оврупо мамлакатларида авжга чиққан мафкуралар, ғоялар курашига Данте "Янги ҳаёт" ва, айниқса, "Илоҳий комедия" асарлари билан якун ясади, "гуманизм" тушунчасига янги мазмун берди ва "инсон шахси" моҳиятига аниқлик киритди. Данте шахснинг қадр-қиммати, фазилатлари ва шунинг билан бир қаторда турли шароитда инсонга хос бўлган ижобий ва салбий хусусиятлар ҳам намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, инсонни Аллоҳ яратган, ер юзидаги ҳамма нарса инсон учун яратилган, Аллоҳ унга тафаккур ато қилган. Шу боис Аллоҳга суянган ҳолда ёвузликдан узоқлашиб яхшилик қилмоғи лозим. Инсон табиий ҳаёт учун яратилган. Ҳалол яшаш гуноҳ эмас, меҳнат, ижод ҳаётнинг асосини ташкил қилади. Аллоҳ инсонни фаришталардан паст қилиб яратмаган. Инсон ҳаётда эркин, маълум ахлоқий доирадан четга чиқмаган ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин ва у Аллоҳнинг ердаги вакили.[62] Данте бу фикрларни Шарқ мутафаккирлари, Ибн Сино ва Ибн Рўшд таълимотларидан топган. Данте томонидан Лимбга жойлаштирилган ўтмишнинг буюк шоирлари, мутафаккирлари, айниқса, рим шоири Вергилийнинг йўлбошчилик қилиши унинг маслакдошлари кимлар экани масаласига аниқлик киритган.

Данте "Илоҳий комедия"да нариги дунёни тасвирлагани билан дўзах, аъроф ва жаннатга жойлаштирилган персонажлар тарихий шахслар бўлиб, кўпчилиги шоирнинг замондошларидир. Асарда у дунё бу дунёнинг давоми си-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фатида тасвирланган. Данте кўплаб персонажлар билан суҳбатлашади, уларнинг ахлоқ қоидалари ва одамийликка мос келмаган қилмишларини қоралайди, баъзиларига ачинади. Асарни ўқиб Данте давридаги Италия ижтимоий, сиёсий ҳаёти ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлиш мумкин. Лекин адиб тарихни ҳам эсдан чиқармайди. Бунга Аърофга жойлаштирилган Тумарис яққол мисол бўлиши мумкин. Ибн Сино "Зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали, қудратли, доно ва билувчи Тангридир. Қолган ҳамма нарсалар имкон тарзида мавжуд бўлиб, ундан, зарурий вужуддан келиб чиқади. Бошқача айтганда, Тангри ва қолган нарсалар сабаб ва оқибат муносабатидир. Бу келиб чиқиш эманация тарзида, яъни қуёшдан чиқаётган нур шаклида аста-секин амалга ошади"[62] деган. Данте эса:

Мен тушундим, қандайдир куч оқими,
Мени кўтариб осмонга олиб чиқмоқда;

У менинг кўзимга янги нур бериб ёритди,
Шундай нурки, қанчалик ёруг аланга бўлмасин,
Кўз унга чидай олади.

Нур менга оқим қиёфасида кўринди,
Сеҳргар баҳордаги соҳилларда кенг ёритилган
Таралиб оқаётгандек

(Рай, XXX).

Даставвал шоирнинг нигоҳи олдида Арши аъло соҳилларида оловсифат гуллар ўсаётган, лаълга ўхшаш чексиз учқунлар чақнаётгандек кўринади. Лекин кўз ёруғликка ўргангач, шоир дастлабки ғояларни ташувчи, космосни ҳаракатга келтирувчи фалак руҳларини кўради. Гуллар тақводор одамлар руҳига айланади ва ҳ. к. Дантенинг фикрича, файласуфларнинг олтин занжири ерни осмон билан бириктириб туради. Бу фикр ҳам Ибн Синода бор: узун бир бутун занжирнинг бир чеккасида Яратувчи тангри-зарурий вужуд, иккинчи чеккасида-табиат вужуди ётади.

Ва ниҳоят Ибн Сино "Рисола фи-л-ишқ" асарида "борлиқ, ҳаёт ишқ туфайли давом этади", деган ғояни олға сурса, Данте "Илоҳий комедия"сини "Ишқ қуёш ва ёритқичларни ҳаракатга келтиради" сўзлари билан тугаллайди.

Данте дунёқараши, ижоди, юқорида кўрганимиздек, Шарқ фалсафаси, адабиёти таъсири остида шаклланган

www.ziyouz.com kutubxonasi

аксиома, рад этиб бўлмас ҳақиқат деб биламан. Шоир ижоди Оврупо адабиётининг кейинги давр ривожи, йўналишини аниқлаб бергани фанда аллақачонлар тан олинган. Демак, Шарқда яратилган фалсафа, химия, математика, медицина, астрономия, геология, табиат фанлари кейинги даврлар илми учун пойдевор бўлган экан, бадиий ижодда ҳам Шарқ адабиётининг таъсирини асло инкор этиб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУЛОСА

Инсон яратилибдики, халқлар ҳеч қачон бир-биридан ажраган, ўз қобиғига беркинган ҳолда яшаган эмаслар. Инсоният эришган ҳаётнинг турли томонларидаги улкан ғалабалар фақат ҳамкорлик, бошқа халқлар ютуқларидан фойдаланиш, илғорларга етиб олиш ва ўзиб кетишга интилишнинг маҳсулидир. Бу ўринда Оврупо халқларининг бобокалонлари илк ўрта асрларда халқларнинг буюк силжиши жараёнида Шарқдан кетганлигини (охиргиси IX асрда кўчган халқ, можарлар, ҳозирги венгрлар бўлди. Уларнинг қолдиғи ҳозир ҳам жанубий Ўзбекистон, Орол бўйларида яшамоқда) эсдан чиқармаслигимиз лозим. Кейин Оврупо мамлакатларининг давлат тузуми ана шу кўчиб бориб, Рим империяси устидан ғалаба қозониб, Италия, Галлия, Британия, Испанияларда гот, весигот, лангобард, франк, вандал, олмон, хунн халқлари томонидан ўрнатилган эди. Келган халқлар маданият жиҳатидан анча қолоқ бўлиб, оз вақт мобайнида исавия динини қабул қилиб, қисман бўлса-да, маданиятни ўзлаштириб, ерли халқлар билан аралашиб кетадилар. Бу жараён натижасида Оврупо узоқ асрлар давомида ўта қолоқликни бошдан кечиради.

Шарқ халқлари, жумладан, Мовароуннаҳр халқлари тарихида бундай қитъа миқёсидаги ўзгаришлар бўлмаган. Тўғри, минтақамизнинг жуғрофий жойлашиши, кўчманчи халқларнинг шарқи-шимолий ўлкалардан тез-тез босиб келиши тараққиёт жараёнини маълум даражада секинлаштирган, аммо бир неча асрга тўхтатган эмас.

Минтақамизнинг араблар томонидан босиб олиниши иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётда дастлаб бир қанча қийинчиликларга олиб келган бўлсада, кўп фурсат ўтмай, Ғарбда Испаниядан Шарқда то Хитой чегараларигача

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган минтақани ўз ичига олган буюк давлат, Халифаликнинг бир қисми бўлганлигининг ижобий томонларимайда давлатлар ўртасидаги низоларнинг бартараф этилиши, умумжаҳон савдо алоқасида иштирок этиш, умумий пул алоқаси, ислом дунёсидаги халқлар билан тенг ҳуқуқли сифатида иқтисодий, маданий алоқада бўлиш, ислом таълимотига хос ижобий хусусиятларни ўзлаштириш кабилар иқтисодий, ижтимоий тараққиётнинг юқори даражага кўтарилишига олиб келди. Минтақамиз Сомонийлар даврида сиёсий мустақиликка эришгач, маданият, илмфан, фалсафа, адабиёт, санъат мисли кўрилмаган даражага кўтарилди. Эроншунос олим И. М. Дъяконов "Эрон маданиятининг асоси Шарқда яратилди. Бухоро (Хаср) ўрта аср маданиятининг дастлабки маркази эканлиги, у ерда яратилган адабиёт ҳозирги замон форс адабий тили асосини ташкил этишини эслашнинг ўзи фикримизнинг исботидир"[1], дейди.

Француз адабиётшуноси ва шоири Анри Делюи эса "Ўрта Осиёнинг шеърий анъаналари араб шарқи, кейинча араб-андалуз ва галисия-португал шеърияти орқали Ғарбий Оврупо цивилизациясининг бешиги бўлган Провансга келди, уни трубадурлар ривожлантирди, бойитди ва кейинча ғазал Каталония, Сицилия, Бургундия ва ундан кейин Германия, Бавария, Австрияда минезанглар ижодида намоён бўлди... Италиядаги "Янги ёқимли, услуб" ғазал асосида шаклланди. Данте шеъриятининг Оврупо шеъриятига таъсири кўп асрлар давом этган буюк Тоскан-провансал шеъриятини айтмайсизми?"[2], дейди. Ҳақиқатан, Оврупо ва умуман жаҳон адабиёти ривожи қонунияти ва йўналишини, Шарқ адабиёти ва унинг таъсирини аниқламай туриб, объектив баҳолаб ва тўғри тушуниб бўлмайди.

Мовароуннаҳрда фақат бадиий адабиёт шаклланибгина қолмай, илм-фаннинг турли соҳалари шунчалик ривожландики, яқин вақтларгача халифалик давридаги араб фани сифатида оламга машҳур бўлди. Минтақамиздан чиққан буюк олимлар Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино кабилар асос солган табиий фанлар ва ижтимоий фалсафий тафаккур бошқа тарихий шароитда, Оврупо Уйғониш даври яратган маънавий ютуқлар билан бойиган ҳолда, капиталистик ишлаб чиқариш алоқалари жорий этила бошлаган даврда Спиноза ва француз материалистлари таълимоти билан бойитилиб, классик фалсафанинг шаклланишига асос бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ислом мамлакатлари халқлари маданияти шунчалик равнақ топишининг боиси, юқорида айтганимиздек, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий сабаблар бўлса, иккинчи томондан ислом таълимотининг ўзи бўлди. Бу таълимотда дин ақидалари ва билим, илм-фан шунчалик чамбарчас боғланган эдики, бундай ҳолатни ҳеч қачон ва ҳеч қайси диний таълимотда учратмаймиз. Америкалик арабшунос, исломшунос олим Ф. Роузентал "Билим тантанаси" рисоласида ўрта асрда "илм" сўзининг маъноси ва аҳамияти ҳақида шундай дейди: "... илм исломда устунлик қилувчи концепцияларнинг биридир. Бу ҳолат ислом цивилизациясини ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бошқалардан ажратиб туради. Ҳақиқатан, мусулмон цивилизациясининг турли соҳаларини "илм" аниқлаб беради".[3]

Ҳеч қайси динда билим олиш диндорлардан астойдил талаб қилинмайди. Ислом ҳадисларида "Ҳар бир муслим ва муслима туғулишидан то боши гўрга киргунча билим олишга интилиши керак", ёки "Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм изла" деб исломга эътиқод қўйган бандаларга қатъий кўрсатма берилади. Тўғри, "илм" деганда дунёвий билимлар эмас, балки диний ақидалар, Қуръон ва ҳадислар деб тушунмоқ керак, деб расмий талқин берилган. Аммо бу масалада ўз вақтида кўплаб баҳслар бўлиб, "илм"ни кенг маънода тушунувчилар кўпчиликни ташкил этган. Қандай бўлмасин, "илм" олишга астойдил ундаш ўз самарасини берди, ўрта аср мусулмон цивилизациясини илм-фан ривожи масаласида ўта маҳсулдор этди. Натижада ислом инсоният тарихига энг мустаҳкам ҳисса қўшди, илм ривожининг ўша давр учун олий бўлган чўққига кўтарилишини таъминлади. Бу тараққиёт фақат Шарқ халқлари манфаатигагина хизмат қилмай, умум маданият, цивилизация ривожига хизмат қилди. Ўтмишнинг буюк мутафаккирлари ҳеч қачон тор рамкадаги миллатпараст бўлмаганлар, улар инсоният, асосан Ҳазрати Инсонга хизмат қилганлар. Ҳақиқатан ҳам амалда шундай бўлди. Шарқ олимлари яратган илм-фан, фалсафа Оврупога ўз таъсирини ўтказди. Бу таълимотлар бошқа иқтисодий, ижтимоий шароитда янада ривож топди ва умум инсоний цивилизацияга хизмат қилди.

Шарқнинг Оврупога таъсири бу мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёти ана шу таъсирни қабул қилишни тақозо қилди. Оврупо Шарқ илм-фани, фалсафаси ва адабиётида Овруподагига нисбатан рационалистик реалистик ва, умуман олганда, диний ва феодализмга хос

www.ziyouz.com kutubxonasi

ақидалардан холи бўлган, демократик руҳдаги маданият эканини тушуниб етгач, уни ўзлаштиришга киришди. Аммо таъсир фақат илм-фан, адабиётдагина эмас, балки жамият ҳаётининг турли соҳалари, кундалик ҳаётнинг икир-чикирларигача бўлди. Бу ҳақда проф. У. М. Уотт шундай дейди: "Исломнинг Ғарбий Оврупога таъсири, ўйлаганларидан анча ортиқ бўлди. Ислом ўзи эришган моддий маданият, Техникавий кашфиётлар ила Ғарбий Оврупо билан фақатгина шериклашиб Оврупода илм-фан ва фалсафа ривожини рағбатлантирибгина қолмай, Оврупони ўзи ҳақида янгича тасаввурга эга қилди".[4]

Ўрта асрларда минтақада юксак даражада ривожланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт нима учун шундай инқирозга учради? Бу савол кўпларни қизиқтиради. Яқин ўтмишдаги расмий историография "ислом дини", "диний жаҳолат", "диний фанатизм", "ислом ақидаларига ўта берилиш" деб жавоб берган. Менинг шахсий фикрим бошқача:

Узоқ ўтмишдан буён Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қитъалар аро карвон йўли, ҳозир "Ипак йўли" деб аталган савдо йўли фақат савдо сотиқни таъминлабгина қолмай, халқлар, минтақалар ўртасида ишлаб чиқариш, деҳқончилик, уй-жой қурилиши, оилавий ҳаёт, озиқ-овқат, илм-фан, адабиёт, санъат, қўйингки, моддий ва маънавий ҳаётнинг бир минтақадаги ютуқларини бошқа минтақаларга истаб-истамай тарқатганлар. Савдо йўлининг марказида жойлашган Мовароуннаҳр унинг ҳамма ютуқларидан тўлиқ баҳраманд бўлган. Ипак йўлидан фойдаланувчилар минтақадан фақат йўл сифатида фойдаланмай, бу ерда савдо ва маданий алоқалар ўрнатганлар. Бу ҳолат юртимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий равнақини таъминлаган.

Султон Санжар давридан бошлаб салжуқий турклар (туркманлар) Византия империяси билан бир неча бор тўқнашиб, Кичик Осиёнинг жанубидаги Конья ва бир нечта кичик шаҳарларни ишғол қилган эдилар. 1453 йил 29 майда Мехмет II Византиянинг асосий кучлари билан тўқнашувда империя пойтахти Константинопольни ишғол этади.

Ушбу воқеанинг жаҳон халқлари, айниқса, минтақамизда яшаган халқларнинг тарихий тақдири учун аҳамияти беқиёс бўлган. Ғолиблар Ўрта ер денгизи билан Қора денгизни бирлаштирувчи, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдони таъминловчи денгиз йўли Босфордан савдо кемалари юришини тўхтатадилар. Натижада 20—25 йил мо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

байнида Ипак йўлининг энг қулай маршрути ёпилади. Эндиликда Оврупо мамлакатлари Ҳиндистон, Хитой ва умуман Шарқ мамлакатларига денгиз йўллари ахтаришга киришадилар. Натижада фавқулодда равишда янги қитъа — Америка кашф этилади, Васко де Гама эса 1497—1499 й. Ҳиндистонга океан йўлини очади.

Оврупо мамлакатларидаги бу кашфиётлар кемачилик, техника, жуғрофия фанлари, умуман амалий илм-фаннинг кенг тарқалиши, тезликда ўсишига даъват этди. Натижада Оврупо мамлакатлари илмий-техник тараққиётни жадаллик билан амалга оширишга киришади.

Овруподан фарқли ўлароқ, Мовароуннаҳр халқлари тараққиётида аста-секин орқага кетиш рўй берди. Жаҳон савдо йўли фаолиятининг сусайиши ва тўхташига, минтақада ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо алоқаларининг сусайишига ва, ниҳоят, иқтисодий инқирозга олиб келди. Иқтисодий қолоқлик ўз навбатида маданий орқада қолишга сабаб бўлди. Натижада антик даврида қадимий Юнонистон, Рим, Эронга, ўрта асрларда Оврупо ва Яқин Шарққа ўз таъсирини ўтказган Мовароуннаҳр жуғрофий жиҳатдан оралиқда, асосий қитъалар аро денгиз йўлларидан узоқда, умуминсоний алоқалар тараққиётидан узилди. Ўз қобиғига ўралиб, бошқа халқлардан узилиб қолган минтақамиз халқлари илм-фан, айниқса, амалиёт илмидан орқада қолди ва кейинчалик нисбатан осонлик билан Россия томонидан босиб олинди.

Аммо бу орқада қолиш умуман маданиятсизликка олиб келмади. Агар Ғарбий Оврупо фан ва техника ривожининг олий даражасига кўтарилган бўлса, шарқ мамлакатлари халқлари инсон қалбини, руҳий ҳаёт қонуниятларини ўрганишда юқори даражага кўтарилдилар. Рус адиби С. В. Сульгинский: "Ғарб — оқил, Шарқ — донишманд, Ғарб — кенглик, Шарқ — теранлик, Ғарб — ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу-умид билан. Хаёл, умиддан афсоналар туғилади, кейинчалик халқ афсоналаридан фалсафий тизимлар шаклланади. Халқ афсоналари фалсафаларнинг манбаидир. Агар Ғарбнинг атоқли одамлари фаоллар бўлсалар, Шарқда улар файласуфлардир. Олимлар Шарқ афсоналарида нафақат чуқур фалсафий тизимлар, балки, ҳамма фалсафий оқимлар, ҳинд-оврупо мифологиясининг ибтидосини топдилар.

Ғарбга нисбатан бир неча асрлар аввал Шарқда ер юзидаги ҳамма жонзотларнинг эволюцияси ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган эди"[5], деб ҳақиқатни тан олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгги даврларда инсониятнинг илғор вакиллари келажак цивилизация ғарбликларнинг амалиёти, фан, техника ютуқлари, шарқликларнинг ўткир мушоҳадаси, ғарбликларнинг фаоллиги, шарқликларнинг маънавияти, руҳиятни яхши англай билиши билан бойитилса, инсоният ҳақиқий прогрессга эришуви мумкин эканлигини англаб етмоқдалар.

Бу фикрни буюк олмон шоири Иоганн Вольфганг Гёте аллақачонлар "Ғарбий-Шарқий девон"ида қуйидаги тўртликда айтган эди:

Агар сен қалбан билимдон бўлсанг,
Қуйидаги фикрни англагин —
Бугун Ғарб ва Шарқ
Чамбарчас боғланишган.

Ушбу китобда қўйилган проблема мамлакатимиз ва халқимиз мустақиллик ва истиқлолга эришгандан сўнг, айниқса, долзарб бўлди. Чунки яқин ўтмишда "саводсиз бўлган ва фақат энди ёзувга эга бўлган халқ", "яланг оёқ бўлган халқ" каби иснодларни рад этиб, аждодларимизнинг умуминсоний цивилизацияга қўшган ҳиссаси қанчалик улуғ эканини кўрсатиш, ҳақиқатни рўёбга чиқариш олимларнинг бурчи деб ҳисобладим. Ушбу китобда қўйилган проблемаларни астойдил ёритиш албатта битта олимнинг эмас, балки бир бўлим, ҳаттоки, бир илмий ташкилотнинг вазифаси бўлиши керак эди. Муаллиф ўттиз йилдан бери тўплаб юрган материаллари асосида баҳоли қудрат шундай шарафли вазифани бажаришга журъат қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗОҲЛАР

КИРИШ

1. *Голенищев — Кутузов И.Н.* Данте и предвозрождение. Литература эпохи Возрождения. М., 1967, с. 60.
2. *Гюи.* Влияние крестовых походов на западную цивилизацию. Ж.Атеней, 1858, № 24, ч. 3, с. 513-514.
3. Andres, Storia d'ogni letteratura, Lib.I, 1808, p.163-172.
4. *Sismondi, J.C.L.* Histoire des Francais, P., 1823, p.482-496.

БИРИНЧИ ҚИСМ

I боб

1. Древний город Средней Азии. Краткие тезисы докладов к заседанию на конференции. Л,. 1973; *Шишкин И.Б.* У стен великой Намазги. М., 1981.
2. *Руденко С.И.* Древнейшие в мире художественные ковры и ткани. М., 1968. с. 148.
3. Ўша асар, 49-бет.
4. *Массон В.М.* Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии. В сб.: Древняя Бактрия, Л., 1974, с. 6—7.
5.Humbah H. About Gopatsah, his country and the khwarezmian hypothesis. Acta iranica. Deuxieme serie, V. X, Leiden, 1985, 328—331 б.
6. *Тревер К.В.* Гопатшах — пастух — царь. Труды Отдела Востока Эрмитажа. Л., 1940. т. II, с. 75.
7. *Кузьмина Е.Е.* В стране Кавата и Афрасиаба. М., 1977, с. 58.
8. *Беруний.* Танланган асарлар. I-том. Тошкент. 1968, 127—128-бетлар.
9.*Humbah* H. About Gopatsah...329 б.
10. *Берг Л.С.* Кочующие этнографические сюжеты. Известия Киргизского филиала Всесоюзного географического общества. Вып. 4, Фрунзе, 1968, с. 9—14.
11. *Жирмунский В.М.* Тюркский героический эпос. Л., 1974, с. 583.
12. *Пьянков И.В.* Античность и античные традиции в культуре и искусстве народов Советского Востока. М., 1978, с. 184.
13. Древнекитайские мифы. М., 1987, с. 64.
14. *Нюргун Боотур*-Стремительный, Якутск, 1982.
15. *Неклюдов С.Ю.* Героический эпос монгольских народов. М., 1984.
16. *Грязнов М.П.* Древнейшие памятники героического эпоса народов Южной Сибирии. Археологический сборник. Вып. 3.Л., 1961, с. 26—27.
17 *Ставиский Б.Я.* Античный миф, его традиции и элементы в истории культуры и искусства Средей Азии. Сб.: Античность и античные традиции в культуре и искусстве народов Советского Востока. М., 1978. с. 203.
18. *Еврипид.* Трагедии в 2-х томах. Т. 2. М., 1969, с. 429—430.
19. *Кузьмина Е.Е.* Распространение коневодства и культа коня у ираноязычных племен Средней Азии и других народов старого света. В сб.: Средняя Азия в древности и средневековье. М., 1977, с. 39.
20. *Беруний.* Танланган асарлар. I-том. Тошкент, 1969, 281-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II боб

1. Беруний асарларида "Куруш" (V том, биринчи китоб, 197-бет) "Курс" (I том, 135-бет) шаклида берилган. Шарқ манбаларида "Кировуш" шакли ҳам учрайди. Ҳеродотда келтирилган Кирнинг туғилиши, тарбияси ва тахтга эга бўлиши ҳақидаги афсонага кўра у чўпон оиласида тарбияланган ва номи ҳам шуни тасдиқлайди (Куруш — қадимги паҳлавий тилида "чўпон" деганлар). Фикримизча, "Куруш" ёки "Курс" грекчасига "Кирос" шаклини олиб, бу тилга хос бўлган "ос" қўшимчаси бошқа тилларда олиб ташланиб, "Кир" шакли ҳосил бўлган.

2. *Boyce M, A,* History of zoroastrianism, V. 1. Leiden — Koln, 1982, 153 б.

3. *Ольденбург С.Ф.* Предисловие к книге Арнольда "Свет Азии". СП-б., 1906. с. XX.

4. Қаранг: *Бартольд В.В.* Хорезм. Сочинения. Т. III. М., 1965, с. 544.

5. *Гегель.* Философия истории. М.— Л., 1935, с. 174.

6. *Дьяконов И.М.* История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до нашей эры. М.— Л., 1956, с. 403.

7. *Беруний.* Танланган асарлар, I-том. Тошкент, 1968, 238-бет.

8. *Брагинский И.С.* Из истории таджикской и персидской литературы. М., 1972, с. 81—83.

9. *Беруний.* Танланган асарлар, I-том, 238-бет.

10. *Валинтиновна Е.* Родина Заратустры. Г. Поиск, № 7 (42), 15—21 феврал 1990 г.

11. *Boyce M. A.* History of zoroastrianism. V. II, 157 б.

12. Қаранг: *Брагинский И.С.* Из истории таджикской и персидской литературы. М., 1972, с. 85.

13. *Мец Адам.* Мусульманский Ренессанс. М., 1966, с. 39.

14. *Григорьев Г.В.* Зороастрийское костехранилище в кишлаке Фринкент, ВДИ, 1939, № 2, с. 144—-150.

15. *Бартольд В.В.* Сочинения, Т. III, М., 1965, с. 188.

16. *Наршахий.* Бухоро тарихи. Тошкент, 1966, 34-бет.

17. *Дьяконов И.М., Лившиц В.А.* Документы из Нисы I в, до н.э. М., 1960, с. 22—23.

18. *Бертельс Е.Э.* История персидско-таджикской литературы. М., 1960, с. 442.

19. Қаранг: *Мирзоев А.* Рудакий. М., 1968, 266-бет.

20. *Крачковский И.Ю.* Абу Нувас о сасанидской чаще. Изб.соч, т. II, М.— Л., 1956, с. 389—390.

21. Ўша жилд, 367-бет.

III боб

1. *Пьянков И.В.* Хорасмии Гекатея Милетского. "Вестник древней истории", 1972, № 2, 6 бет.

2. Юқоридаги асар, 7-бет.

3. *Вайнберг Б.И.* Памятники Қуюсайской культуры. В сб.: Кочевники на границах Хорезма, М., 1979, с. 49.

4. *Итина М.А.* От редактора. Кочевники на границах Хорезма. М., 1979, с. 5—6.

5. *Лурье.* Геродот. М.— Л., 1947, с. 8.

6. Ўша асар, ўша бет.

7. *Берунийда* "Камбуз", "Комбиз", "Камбужия" шаклларида учрайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

8. *Берунийда* "Доривуш", "Дориёвуш" шакллари бор.

9. *Струве В.В.* Геродот и политические партии Ирана в эпоху Дария I. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968, с. 67—70.

10. *Дандамаев М.А.* Иран при первых Ахеменидах. М., 1963. с. 140.

11. Бу ўринда ва бундан кейинги парчалар икки манбадан Ҳеродот. История. Л., 1972: *Доватур А.И., Каллистов Д.П., Шишова И.А.* Народы нашей страны в "Истории" Геродота, М., 1982.— Муқояса қилинган ҳолда олинди.— Таржима муаллифники.

12. *Артамонов М.И.* Киммерийцы и скифы. Л., 1974, с. 27.

13. *Толстов С.П.* Древний Хорезм. М., 1948, с. 282.

14. *Куклина И.В.* Этнография скифии Л., 1985, с. 90.

15. *Струве В.В.* Восстание в Маргиане при Дарии I, ВДИ, 1949, 2, с. 10—29: Поход Дария I на саков-массагетов. В кн.: Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968, с. 51—66.

16. "Семирамида" Шарқда "Саммурамат" деб келтирилган. У эрадан аввалги IX-VIII асрларда яшаб, Ассирия давлатига асос солган, Ҳиндистонга муваффақиятсиз юриш қилган. Бу малика тимсоли қадим даврлардаёқ афсонавий бўлиб кетган.

17. *Берунийда* бу ном "Ахсурус", "Кисра" шаклида берилади (Беруни, Канон Масуда. Т. V, Ч. I. Ташкент, 1973, с. 165).

18. *Тревер К.В.* Памятник греко-бактрийского искусства, М.— Л., 1940, с. 86.

19. "Авесто" тилида "Xvar" қуёш, қадимги форс тилида "hovar" — қуёш, мамлакатнинг ўрта аср номи (Хаворазм) авесто тилидаги "хвар" ва форс тилидаги "замин" сўзларидан ташкил топиб, "қуёшли ер" маъносини билдиради.

20. *Дьяконов И.М.* Восточный Иран до Кира. В.: История иранского государства и культуры. М., 1971, с. 142.

21. Древние авторы о Средней Азии. Ташкент. 1940, с. 23.

22. *Грязнов Н.П.* Древнейшие памятники героического эпоса народов южной Сибири. Археологический сборник, вып. 3 Л., 1961.

23. *Акишев К.* Қазақстаннын коне алтыны. Алма-Ата, 1983.

24. *Оранский И.М.* Введение в иранскую филологию. М., 1960, с. 65.

25. *Szemerenyi O*, Iranica, Zeitschrift der Deutsehen Morgenlandischen Gesellschaft, Wisbaden, 1951, 101 б.

26. *Пьянков И.В.* Саки. Изв. АН Тадж. ССР, Отд. общ. наук, 1963, № 3 (53). с. 16; Литвинский Б.А. Древние кочевники крыши мира. М., 1972, с. 156.

27. *Дьяконов И.М.* Восточный Иран до Кира. История иранского государства и культуры. М., 1971, с. 144.

28. *Толстов С.П.* Огузы, печенеги, море Даукари.—"Советсткое востоковедение" 1961, № 4, с. 49.

29. *Артамонов М.И.* Киммерийцы и скифы. Л., 1974, с. 142.

30. Ўша асар, 142-143-бетлар.

31. *Куклина И.В.* Этнография Скифии, с. 113.

32. Античная драма. М., 1970, с. 102-103.

33. *Куклина И.В.* Этнография Скифии, с. 113.

34. *Граков Б.Н.* Скифы. М., 1971. с. 33.

35. *Бонгард-Левин Г.Н., Грантовский Э.А.* От Скифии до Индии, М., 1974, с. 56.

36. Қаранг: *Куклина И.В.* Этнография Скифии, с. 151.

37. *Болтенко М.Ф.* Herodotenea. Материалы з археологии Пивничного

www.ziyouz.com kutubxonasi

Причерноморья, Вып. III. Одесса, 1960, с. 40-41.
38. *Ельницкий Л.А.* Знания древних о северных странах. М., 1961, с. 89.
39. *Рашид-ад-дин.* Сборник летописей. Т.I, М.— Л., 1952, с. 118.
40. Ўша асар, 172-бет.
41. *Кошғарий.* Девону луғотит турк. I том. Тошкент, 1961, 446, 304-бетлар.
42. *Niebuher B. Q.* Untersuchen die Geschichte dee Skythen... Bonn, 1928, Bd. 1.
43. *Neumann K. F.* Die Hellen in Skythenland... Berlin, 1855.
44. *Ал-Хоразмий.* Танланган асарлар. Тошкент, 1983, 337-бет.
45. *Ахмедов А.* Сведения о тюркских народностях в трудах Хорезми.—"Общественные науки в Узбекистане", 1987, № 3, с. 59.
46. *Раевский Д.С.* Очерки идеологии скифо-сакских племен. М., 1977, с. 93-94.
47. *Раевский Д.С.* Очерки идеологии скифо-сакских племен, с. 174-177.
48. *Струве В.В.* Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968, с. 53.
49. История Узбекистана в источниках, Ташкент, 1984, с. 73.
50. *Оранский И.М.* Введение в иранскую филологию. М., 1960, с. 65.
51. *Струве В.В.* Этюды по истории Северного причерноморья, Кавказа и Средней Азии, с. 57, 58, 61.
52. *Струве В.В.* Ўша асар, 60-бет.
53. История Узбекистана в источниках, с. 69.
54. *Данте.* Малые произведения. М., 1968, с. 334.
55. *Н.М. Маллаевнинг* "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида "Ширак" шаклида берилади, аммо бу вариантини антик муаллифлари асарларида учратмадик.
56. Ҳикоянинг бу қисми И.В. Пьянковнинг "Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия" китобидан олинди, Душанбе, 1975, 75-бет.
57. История Узбекистана в источниках, с. 68.
58. Бу ҳикоя мазмунини бизга маълум грек манбаларидан топмадик ва В.В. Бартольднинг "К истории персидского эпоса" мақоласидан олдик. Сочинения. Т. VII, М., 1971, с. 385-386.
59. *Geiger W.* Ostiranische Kultur im Altertum..., 1882, 176—216 б.; Marquart J. Eranschahr hach der Geographie..., Berlin, 1901, 155—157 б.; Nyberg H. S. Dis Religionen des alten Iran, Leipzig, 1938, 250 б. ва б.; *Абаев В.И.* Скифский быт и реформа Зороастра. М., 1956, с. 44-45.

IV боб

1. *Элиан.* Пестрые рассказы. М.—Л., 1964, с. 93.
2. *Гафуров Б.Г.* Цибукидис Д.И. Александр Македонский и Восток. М., 1980, с. 156.
3. *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғотит турк. Тошкент, 1961. 330-бет. Бобур эса "Самарқандни Искандар барпо қилган. Мўғул ва турк улуси Семизканд дерлар" дейди (The Babar-nama, London, 1971, 52-бет. А. Беверидж чоп эттирган факсимиле).
4. *Гафуров Б.Г. Цибукидис Д.И.* Александр Македонский и Восток, с. 159.
5. *Цибукидис Д.И.* Древняя Греция и Восток. Эллиническая проблематика греческой историографии. М., 1981, с. 161.

www.ziyouz.com kutubxonasi

V боб

1. Бу ўринда қайд этмоқ лозимки, антик даврда "роман" деган атама йўқ эди, у XIV асрда Францияда келиб чиққан, Грецияда бу жанр "насрий" ёки "ишқий қиссалар" деб аталган.

2. Асар бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Унинг уч қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида сақланади, улар бир бирини тўлдиради.

3. Шарқ адабиётида кенг тарқалган оби ҳаёт жаҳон тарихида илк бор "Александр фаолияти" асарида учрайди.

4. *Беруний.* Танланган асарлар. I-том. Тошкент, 238-бет.

5. *Spiegel F.*, Die Alexandersage bei den Orientalen, Leipzig, 1851, 11 б.

6. Табарий тарихига оид ахборотда Е.Э. Бертельснинг "Роман об Александре" асаридан фойдаланилди, 292-бет.

7. *Беруний.* Қонуни Маъсудий. V том. I қисм. 117-бет.

8. Ўша асар, ўша бет.

9. *Беруний.* Минералогия. М.— Л., 1963, с. 86.

10. Ўша асар, ўша бет.

11. Ўша асар, 87 бет.

12. Ўша асар, 156-бет.

13. Ўша асар, 147-бет.

14. *Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик, 73-77-бетлар.

15. *Байхаки.* История Маъсуда. Ташкент, 1962, с. 112-113.

16. Сиясат-намэ. Книга о правлении везира XI столетия Низам аль-Мулька. М.— Л., 1949, с. 61.

17. Библия. Т. II. СПб.— М., 1860. с. 497.

18. *Беруний.* Танланган асарлар. I том, 73-бет.

19. *Бертельс Е.Э.* Роман об Александре, Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965, с. 290.

20. *Крачковский И.Ю.* О работе Эмилио Гарсия Гомеса. Изб. соч., Т. II, М.— Л., 1956, с. 358.

21. Коран. М., 1963, с. 238.

22. *Бертельс Е.Э.* Роман об Александре, с. 294-295.

23. Коран. М., 1864, с. 216.

VI боб

1. *Стариков А.А.* Фирдоуси и его поэма "Шахнаме". М., 1957, с. 520.

2. *Костюхин Е.А.* Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. М., 1972, с. 65.

3. *Бертельс Е.Э.* Роман об Александре, с. 304.

4. Ўша асар, 305-314-бетлар.

5. *Орбели И.А.* Из истории культуры и искусства Армении X-XIII вв. Избранные труды, Т. I. М., 1968, с. 274.

6. *Бертельс Е.Э.* Роман об Александре, с. 362-363.

7. *Навоий.* Хамса, Тошкент, 1960, 110-бет.

8. *Навоий.* Асарлар. Ўн беш томлик, IV том. Тошкент, 1967, 201-202-бетлар.

9. *Қаюмов А.* Садди Искандарий. Тошкент, 1975, 47-бет.

10. *Навоий,* Хамса, 652-бет.

11. *Қаюмов А.* Садди Искандарий, 47-бет.

12. Ўша асар, 48-бет.

13. *Навоий.* Хамса, 658-бет.

14. Ўша асар, 744-бет.

15. *Бобур.* Бобурнома. Тошкент, 1960, 68-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

16. *Бертельс Е.Э.* Роман об Александре. М., 1965, с. 408.
17. *Қаюмов А.* Садди Искандарий, 49-бет.
18. *Навоий,* Хамса, 829-бет.
19. Ўша асар, 930-бет.
20. Ўша асар, 110-бет.
21. *Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 4-том. Тошкент, 1989, 531-бет.
22. *Костюхин Е.А.* Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. М., 1972. с. 84.
23. *Орбели И.А.* Избранные труды. Т. I. Из истории культуры и искусства Армении X-XII вв. М., 1968, с. 274.

VII боб

1. *Рапопорт Ю.А.* Из истории религии древнего Хорезма. М., 1971, с. 83.
2. *Толстов С.П.* Древний Хорезм. М., 1948, с. 205; Лосев А.Ф. Античная мифология в ее историческом развитии, М., 1957, с. 267.
3. *Гегель.* Сочинения. Т. VIII, М.— Л., 1935, с. 169.
4. *Гюи.* Влияние крестовых походов на западную цивилизацию. М., 1858, с. 513-514.
5. *Кругликова И.Т., Сариниди В.И.* Пять лет работы в Советско-Афганской археологической экспедиции. СБ: Древняя Бактрия. М., 1976. С. 15; Шлюмберже Д. Эллинизированный Восток. М., 1985.
6. *Кошеленко Г.А., Сердитых З.В.* Типология и динамика развития системы расселения в Бактрии эллинистической эпохи. Сб: Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент, 1987, с. 56-57.
7. *Шлюмберже Д.* Эллинизированный Восток. 1985. с. 31-34.
8. *Рапэн Кл.* Эллинистическая сокровищница Айханум. Сб. Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда, с. 112-113.
9. *Тревер К.В.* Памятники греко-бактрийского искусства. М.—Л., 1940, с. 39-41.
10. *Мешкерис В.А.* Эллинистические образы в коропластике Средней Азии. Сб: Античность и античные традиции в культуре и искусстве народов Советского Востока. М., 1978, с. 245.
11. Древнее золото Казахстана. Алма-Ата, 1983.
12. *Кузьмина Е.Е.* Бактрия и эллинистический мир в эпоху до Александра. Ўша тўплам, 189-бет.
13. *Кузьмина Е.Е.* В стране Кавата и Афрасияба. М., 1977, с. 75.
14. *Ремпель Л.И.* Фрагмент бронзовой статуи верблюда из Самарканда и Крылатый верблюд из Варахши. Сб: Средняя Азия в древности и средневековье. М., 1977, с. 96.
15. *Дьяконова Н.В.* Предисловие. Среднеазиатские миниатюры. М., 1964, с. 6.
16. *Гринцер П.А.* Две эпохи литературных связей. Сб.: Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. М., 1971, с. 47.
17. Ўша асар, 48-бет.
18. *Altheit F,* Alexander und Asien, Tubingen, 1953, 268 б.
19. *Бичурин.* Сборник сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.—Л., 1950, т. II. с. 147-151.
20. Ўша асар. 151-бет.
21. *Гафуров Б.* Кушанская эпоха и мировая цивилизация. Сб.: Центральная Азия в кушанскую эпоху. М., т.I. 1974, с. 65.
22. *Тревер К.В.* Памятники греко-бактрийского искусства. М,—Л., 1940, с. 44.
23. *Гафуров Б.* Кушанская эпоха и мировая цивилизация, с. 69.

www.ziyouz.com kutubxonasi

24. *Ставиский Б.* Четверть века на Каратепе. Ташкент, 1986, с. 23.
25. *Маршак Б.И.* Бактрийские чаши. Сб.: Античность и анитичные традиции в культуре и искусстве Советского Востока. М., 1978, с. 260.
26. *Лившиц В.А.* Кушаны: письменность и язык. Сб.: Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. I. М., 1974, с. 315.
27. *Каспаров М.Л.* Басни Эзопа. В кн.: Басни Эзопа, М., 1968, с. 250.
28. Басни Эзопа. М., 1968, с. 39-41.
29. *Навоий.* Асарлар. Ўн беш томлик. 15-том. Тошкент. 1968. 231-бет.
30. *Лисевич И.С.* Сюжет Эзоповой басни на Востоке. В кн.: Типология и взаимосвязи литератур древнего мира. М., 1971, с. 280-305.
31. *Беленицкий А.М.* Монументальное искусство Пенджикента. М., 1973, 33-34 расмлар.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I боб

1. *Ахмедов А.* Хоразмий ижодида математик фанлар. Ал-Хоразмий. Танланган асарлар, Т., 1983, 7-бет.
2. *Грюнебаум Г.Э.* фон. Основные черты араба-мусулманской культуры. М., 1981, с. 45.
3. *Ахмедов А.* Хоразмий ижодида математик фанлар, 9-бет.
4. Қаранг. *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. Қадимий давр маданий алоқалар. Т., 1991, 136-157-бетлар.
5. *Маршак Б.И.* Согдийское серебро. Л., 1971, с. 88.
6. Юқоридаги асар, 87-бет.
7. *Бернал Ж.* Наука в истории общества, М., 1956, с. 170.
8. *Ахмедов А.* Хоразмий ижодида математик фанлар. 11-бет.
9. *Грюнебаум Г.Э.* фон. Основные черты., с. 47.
10. Юқоридаги асар, 77-бет.
11. *Роузенталь Ф.* Торжество знания. М., 1978, с. 178.
12. Юқоридаги асар, 240-бет.
13. Бу парча Ибн Қутайба, Ибн. Абу Раббиҳ, аз-Марзубоний, ал-Асқарий, ал-Ғаззолий каби олимлар асарларида келтирилади.
14. *Роузенталь Ф.* Торжество знания, с. 318.
15. Юқоридаги асар 330-бет.
16. Парча Г.Лейнинг Очерк истории средневекового материализма (М., 1962) китобининг 65-бетидан олинди.
17. *Хайруллаев М.* Фараби. Эпоха и учение. Т., 1975, с. 123.
18. Юқоридаги асар, 128-бет.
19. Brockelmann. Geschichte der arabischen litteratur, Bd. I, Leiden, 1943, 2 Aufl., 236-бет.
20. *Маковельский А.О.* Атомистика на Ближнем Востоке. Ж. Вопросы философии, № 3, 1957, с. 113.
21. Ўз вақтида Демокритнинг ғоявий душмани идеалист Платон файласуф асарларини атайлаб излаб, топиб куйдирган, бирортасини ҳам қолдирмаган. Унинг асарлари бизгача фақат бошқа олимлар асарларидаги парчалар орқалигина маълум, холос.
22. *Хайруллаев М.* Культурное наследие и история философской мысли. Т., 1985. с. 57.

II боб

1. *Ахмедов А.* Хоразмий ижодида математик фанлар, 6-бет.
2. *Бердников А.Ф.* Античные традиции в возрениях на общество у

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абу Насра Фараби. Сб. ст. Абу Наср Фароби, Т., 1975, с. 286.
3. *Ольденбург С.Ф.* Предисловие к книге Арнольда "Свет Азии" СПб, 1906, с. XX.
4. *Мец,* Адам. Мусульманский ренессанс. М., 1966, с. 39.
5. *Григорьев Г.В.* Зороастрийское костехранилища в кишлаке Фринкент. ВДИ, 1939, № 2, с. 144-150-бет.
6. *Наршахий.* Бухоро тарихи. Т., 1966, 34-бет.
7. *Бертельс Е.Э.* Абул Қасым Фирдоуси и его творчество М.—Л., 1935, с, 4.
8. *Бертельс Е.Э.* История персидско-таджикской литературы. М., 1960, с. 89.
9. *Мирзоев А.* Рудаки. М., 1968, с. 266.
10. Юқоридаги асар, 272-бет.
11. Юқоридаги асар. 38-бет.
12. Юқоридаги асар. 48-49-бетлар.
13. *Тақийзода.* Шоҳномаи Фирдавсий. Теҳрон, 1322, 56-63-бетлар.
14. Vaux Carra de, Les Penseurs d'islam. P., 1921-1926, V. 2, p.145-146.
15. *Грюнебаум Г.Э.* фон. Основные черты. с. 82.
16. *Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. II т., Садди Искандарий, 1993, 8-бет.
17. Қаранг: *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб, 50-51-бетлар.
18. *Толстов С.П.* Бируни и его время. М.—Л., 1950, с. 19-20.
19. *Лемплейн Г.Г.* Минералогические сведения Бируни. М.—Л., 1950, с. 106-107.
20. *Gardet L.* La cité musulmane, "Etudes Musulmanes, vie sociale et politique, I, P., 1954, p.289.
21. *Веселовский И.Н., Рожанская М.И.* Қой-Крылган-кала-памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н. э. -IV в.н.э. М., 1967.
22. *Бируни Абу Райхан.* Памятники минувших поколений. Избр.произ., т. I, Т., 1957. с. 19-20.
23. Юқоридаги асар, 63-бет.
24. *Матвиевская Г.П.* История изучения научного творчества ал-Хорезми. "Великий ученый средневековья ал-Хорезми", Т., 1985, с. 73.
25. *Sarton G.* Introduction to the history of science, vol. I, Baltimore, 1927, p. 563.
26. *Розенфельд Б.А.* Теория чисел, геометрия и астрономия в "Книге об индийской арифметике" ал-Хорезми, "Великий ученый средневековья ал-Хорезми", Т., 1985, с. 70.
27. *Ахмедов А.* Хорезмий ижодида математик фанлар, 24-бет.
28. *Крачковский И.Ю.* Арабская географическая литература. Соч., т. IV., М.— Л., 1957, с. 92.
29. *Боголюбов А.Н., Гукович В.А.* Значение работ ал-Хоразми для медицины. "Великий ученый средневековья ал-Хоразми", с. 53.
30. *Конрад Н.И.* Средние века в исторической науке. Избр. труды, М., 1974, с. 217.
31. *Крачковский И.Ю.* Арабская географическая литература, с. 45.
32. *Хайруллаев М.* Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971, 36-бет.
33. *Петров Б.Л.* Ибн Сина — великий среднеазиатский ученый-энциклопедист. Ибн Сина. Канон врачебный науки, кн. I Т., 1981, с. XXII.
34. *Бертельс Е.Э.* История персидско-таджикской литературы, с. 112.
35. *Ренан Э.* Аверроэс и аверроизм. Собр. соч., т. I. Киев, 1903, с. 8, 43-44.
36. *Хайруллаев М.* Абу Наср ал-Фараби. М., 1982, с. 57.

www.ziyouz.com kutubxonasi

37. Газали. Избавляющий от заблуждения. *Григорян С.Н.* Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII в.в. М., 1960, с. 223.
38. *Трахтенберг О.Р.* Очерки по истории западноевропейской средневековой философии. М., 1957, с. 57.
39. *Хайруллаев М.*, Абу Наср ал-Фараби, с. 61.
40. *Соколов В.В.* Средневековая философия. М., 1979, с. 219.
41. *Богоутдинов А.М.* Очерки по истории таджикской философии. Душанбе, 1962, с. 81.
42. *Хайруллаев М.* Абу Наср ал-Фараби, с. 252.
43. *D'Alverny M.T.* Un témoin muet des luttes doctrinales du XIIIe siècle... "Archives d'histoire et littérature du moyen âge, année. 1949, P., 1949, p.248.
44. Бу ҳақдаги маълумот даставвал "Общественные науки в Узбекистане" журналининг 1981 й. 8 сонидаги мақолам "Ибн Сина и европейская культура"да берилган. 25-бет.
45. *Вызго Г.С.* Учение Ибн Сина о музыке в свете проблем взаимоотношений искусства народов Востока и Западной Европы. Ж. Общественные науки в Узбекистане, 1980, № 8-9, с. 80.
46. *Dahiyat L.* Avicenna's commentory on "Poetics" of Aristotelis. A critical study. London, 1953.
47. Юқоридаги асар, 16-бет.
48. Онтология идеалистик фалсафий оқимларда ғоя, тушунча буюмлар, материядан аввал келиб чиққан деб ҳисобланган таълимот.
49. "Авеста"нинг И.М. Стеблин-Каменский рус тилига ағдарилган нусхасидан (Душанбе, 1990) М. Исҳоқов ўзбек тилига ағдарган таржимасининг қўлёзмасидан олинди. У кишига миннатдорчилик билдираман.
50. *Баратов М.Б.* Абу Али Ибн Сина великий философ-энциклопедист. "Абу Али Ибн Сина. К тысячилетию со дня рождения" Т., 1980, с. 37.
51. *Сагадеев А.В.* Ибн Сина (Авиценна), М., 1985, с. 198-199.
52. Юқоридаги асар, 113-бет.
53. *Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 288-бет.
54. *Булгаков И.Г.* Жизнь и труды Беруни. Т., 1972, с. 143.
55. *Беруний.* Геодезия. Танланган асарлар, III т., Т., 1982, 63-бет.
56. *Беруни.* Индия, Избр. произв. II, Т., 1963, Предисловие, с. 37.
57. Юқоридаги асар, 49-бет.
58. *Крачковский И.Ю.* Арабская географическая литература, с. 260.
59. *Лемлейн Г.Г.* Минералогические сведения, сообщаемое в трактате Бируни. Минералогия, Л., 1963, с. 308-309.
60. Юқоридаги асар, 312-бет.
61. Юқоридаги асар, 329-бет.
62. *Рабинович В.А.* Алхимия как феномен средневековой культуры. М., 1979, с. 151.
63. "Бируни и общественные науки", Т., 1979.
64. *Беленцкий А.М.* Место минералогического трактата в истории восточной минералогии. Бируни. Минералогия, Л., 1963, с. 409.
65. *Булгаков И.Г.* Жизнь и труды Бируни, с. 331.
66. Розен В.Р. Рецензия на кн Alberuni's, India. Записки Восточного отделения импер. Русского Археологического общества, СПб, III, 1889, с. 147.
67. Бу маълумотни Франциянинг Тошкентдаги элчисининг маданият бўйича маслаҳатчиси, Тошкентдаги Франциянинг Марказий Осиёнинг тадқиқ этиш институтининг директори жаноб П.Шувендан олдим.
68. *Sarton G.* Introduction to the history. p.707.

www.ziyouz.com kutubxonasi

69. *Петров Б.Д.* Ибн Сина — великий среднеазиатский ученый... с. XXVIII.

III боб

1. *Рабинович В.А.* Алхимия как феномен. с. 149.
2. *Каунцер В.* О влиянии сочинений Ал-Хоразми на Западную математику. "Великий ученый средневековья ал-Хоразми", Т., 1985, с. 106.
3. *Грюнебаум Г.Э.* Основные черты... с. 72.
4. Бу парча кўп олимларнинг асарларида (Дози, Симонэ, Гонсалес Паленсия, Фердинанд Лот, Тикнор ва бошқалар) келтирилади. Э. Леви — Провансальнинг "Арабская культура в Испании", М., 1967, 57-58 бетлардан олдим.
5. *Levi-Provensal E.* Le Cid de l'histoire, Revue historique, t. CL XXX P., 1937, p. 72.
6. *Тикнор.* История Испанской литературы, т.III, М., 1891, с. 183.
7. *Левы-Провансал Э.* Арабская культура в Испании, с. 63-64.
8. *Тикнор.* История испанской литературы. т. III. с. 347.

IV боб

1. *Крачковский И.Ю.* Арабская поэзия в Испании. Изб.соч., т.II М.— Л., 1956, с. 479.
2. *Менендес — Пидаль Р.* Арабская поэзия и поэзия европейская Избранные произведения. М., 1961, 476.
3. *Ибн Хазм.* Ожерелье голубки. М., 1967, с. 12-13.
4. *Ренан Е.* Избр., соч., т. I, с. 112.
5. *Уотт У.М., Какиа П.* Мусульманская Испания. М., 1976, с. 144
6. *Смирнов А.А.* Средневековая литература Испания. Л., 1969, с. 31
7. Юқоридаги асар, 88-бет.
8. Юқоридаги асар, 32-бет.
9. Юқоридаги асар, 90-бет.
10. *Nykl A.K.* Hispano-arabic poetry and its Relation with the Provencal Troubadours, Baltimore, 1946, p.373-382.
11. *Менендес-Пидаль Р.* Арабская поэзия и поэзия европейская, с 480.
12. Юқоридаги асар, 484-бет.
13. *Крачковский И.Ю.* Полвека испанской арабстики. Избр. соч., т.Y, М.— Л., 1958, с. 317.
14. *Denomy A.J.* The Heresy of Courtly love, Boston College, Candlemas lectures ou Christian litterature, New-York, 1947, p.50.
15. *Шишмарев В.Ф.* К истории любовых теорий романского средневековья. Избр. статьи. Французкая литература. М.Л., 1965, с. 203.
16. *Denomy A.J.* The Heresy of Courtly love, p. 29-32.
17. *Menendez-y-Pelayo M.* Origines de la novela, t.I, Buenos-Aires, 1943 p.68-69; Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. М., 1974, 419 б.
18. *Галик М.* Литературные взаимосвязи Востока и Запада. Взаимодействие культ. Востока и Запада, тўпл, М., 1991, с. 71.
19. *Тикнор.* История испанской литературы. Т.I, с. 59.
20. Юқоридаги асар, 61-бет.
21. *Сервантес.* Дон Кихот. М., 1953, с. 67-68.
22. *Уотт У.М.* Влияние Ислама на средневековую Европу, М., 1976 . 50.
23. *Уотт У.М. Какиа П.* Мусульманская Испания, с. 122.

www.ziyouz.com kutubxonasi

24. Юқоридаги асар, 138-бет.
25. *Hunke Sigrid.* Unser Arabisches Erbe. Stuttgart, 1964.
26. Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат Халқ кутубхонасида 70-йилларда қадимий китоблар кўргазмаси бўлган. Унда мен Ғофурий номли олимнинг "Мусиқада гармония" деб номланган катта рисоласини кўрдим. Асар лотин ёки итальян тилида бўлиб (ҳозир ёдимда йўқ), XV асрда чоп этилган эди. Аммо уни кўргазмадан олиб бетафсил танишувга имкон бўлмади.
27. *Rizzitano Umberto.* Gli Arabi in italia, Occidente, vol. I, 1962, p.96.
28. *Голеншер-Кутузов И.Н.* Творчество Данте и Мировая культура. М., 1971, с. 155.
29. *Данте.* Монархия. Малые произведения. М., 1968, с. 302.
30. *Шишмарев В.Ф.* История итальянской литературы и итальянского языка. Л., 1972, с. 202.
31. *Уотт У.М.* Влияние ислама., с. 108.
32. *Voltaire.* Essay sur moeurs et l'esprit des nationset sur les principaux faits de l'histoire depuis Charlemagne jusqu'à Louis XIII, t.I, Paris, 1963, 568-бет.
33. Юқоридаги асар, ўша бет.
34. Юқоридаги асар, 560, 562, 563-бетлар.
35. *Mailly J.B.* L'esprit des croisades, t.III, Paris, 1818, p.195-196.
36. *Гиббон.* История упадка и разрушения римской империи, ч.VI, М., 1885, с. 441, 443-446, 530.
37. *Daillecourt de Choiseul M.* De l'influence des crosades sur l'état des peuples de l'Europe, P., 1809; Heeren A.H.L. Versuch einer Entwicklung der folgen Kreuzzuge fur Europa, Bd. II, Gottingen, 1821; Chateaubriand, de, intenéaire, t.1-3, P. 1811; Schlegel F. Vorlesungen uber neure Geschichte, gehalten zu, Wien, 1810.
38. Beautes de l'histoire des croasades et des différents ordres religieux et militaires qui en sont hes dépuis leurs origine jusqu'à leurs extinction par M.G. Noav, ed., P., 1824; p.176.
39. *Гегель.* Филсофия истории. Соч., т. VIII, М.— Л., 1935, с. 367-370.
40. *Робертсон В.* История государствования Карла Y, т. I, М., 1839, с. 21-22.
41. *Schiller F.* Uber Volkerwanderung, Kreuzzuge und mittelalter, Bd, XIV Leipzig-Wien, 1895, p. 208.

V боб

1. *Уотт У.М.* Влияние ислама., с. 24.
2. *Бахтин М.М.* Эстетика слова. Контекст. М., 1974, с. 266.
3. *Рабинович В.Л.* Алхимия как фономен., с. 337.
4. *Бернал Д.Ж.* Наука в истории общества, с. 170.
5. *Гегель.* Философия истории, с. 339.
6. *Dieterici F.* Die Philosophie der Araber im 9, 10 jahrhundert n.Chr. 4, Buch, Logik und Psychologie, Leipzig, 1868, p. V.
7. *Маркс К., Энгельс Ф.* Соч., т.20, с. 346. Бу ўринда "Роман халқлари" деганда роман тиллари гуруҳига кирган француз, итальян халқлари, "араблар" деганда ислом динига мансуб, араб тилида ижод этган халқлар, деб тушуниш лозим.
8. *Хайруллаев М.* Культурное наследие., с. 66.
9. *Голенишев-Кутузов И.Н.* Данте и предвозрождение, литература эпохи Возрождения" тўпламида, М., 1967, с. 60.
10. *Denomy A.J.* Concerhing the accessibility of arabic influences to the

www.ziyouz.com kutubxonasi

carliest, provencal troubadours, "Medieaeval studies, vol. XV, Toronto, 1953, p. 147.
11. Сиясет-наме. Книга о правлении везира XI столетия Низам Ал-Мулька. М.— Л., 1949, с. 223.
12. *Шевкина Г.В.* Сигер Брабантский и Парижские аверроисты XIII в. М., 1972, с. 42.
13. *Grabman M.* Die opuskula de summo bono sive de vita philosophie und de somphus des Boetius von Dacien, Archives d'histoire doctrinale, P., 1932, p. 298.
14. *D'Alverny M.T.* Un témoin muet des luttes..., 224, 248.
15. Юқоридаги асар, с. 224.
16. Юқоридаги асар, с. 245.
17. *Лей Г.* Очерк истории., с. 286-287.
18. Юқоридаги асар, с. 302-303.
19. *Шевкина Г.В.* Сигер Брабантский., с. 41.
20. Юқоридаги асар, с. 64.
21. Юқоридаги асар, с. 82.
22. *Лей Г.* Очерк истории., с. 322, 328.
23. Юқоридаги асар, с. 334-335.
24. *Muller T.W.* Der Rosenroman und der latinische Averroismus des 13 Jahrhunderts, Frankfurt, 1947; Pare G. Les idées et les lettres au XIIIe siècle. Le Roman de la Rose, Université de Montreale, 1947.
25. *Pare G.* Les idées et les lettres..., p.345.
26. Юқоридаги асар, с. 346.
27. *Шишмарев В.Ф.* К истории любовных теорий..., с. 203.
28. *Грюнебаум Г.Э. фон.* "Рисола фи-л-ишқ". "Арабская средневековая культура и литература" тўпл. М., 1978, с. 193.
29. *Серебряков С.Б.* Трактат Ибн Сины (Авиценны) "О любви", Тбилиси, 1975, с. 23.
30. *Dieterici F.* Die sogenannte Teologie des Aristotels. Lpz., 1872, B.70, p. 93.
31. *Dieterici F.* Philosophische Abandlungen. Leyden. 1890, p.17, 62.
32. *Dieterici F.* Die Lehre von der Wiltseele, Lpz. 1872, p.70, 79, 490.
33. Юқоридаги асар, 504-бет.
34. *Лей Г.* Очерки истории..., с. 227.
35. *Ибн Сина.* Трактат о любви. Тб., 1976, с. 59-60.
36. Юқоридаги асар, с. 59.
37. Юқоридаги асар, 59-60-бетлар.
38. Юқоридаги асар, 60-бет.
39. *Мирзоев М.М.* Рудаки, с. 198.
40. *Ибн Сина.* Трактат о любви, с. 55-58.
41. *Denomy A.J.* Fin Amors; The Love of the troubadours its Amorality and Possible Source. Mediaeval Studies, vol. VII, Torinto, 1945, p. 705.
42. *Ибн Сина.* Трактат о любви. с. 63-64.
43. Юқоридаги асар, 64-бет.
44. Юқоридаги асар, 66-бет.
45. *Беруний.* Ҳиндистон, 478-479-бетлар.
46. *Ибн Сина.* Трактат о любви, с. 54, 63, 67.
47. Юқоридаги асар, 67-бет.
48. *Серебряков С.Б.* Трактат Ибн Сины "О любви", с. 43.
49. *Ибн Сина.* Трактат о любви, с. 67.
50. *Грюнебаум Г.Э. фон.* "Рисола фи-л-ишқ", с. 192.
51. *Шишмарев В.Ф.* К истории любовных теорий..., с. 240.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. *Maier A.* Die Vorläufer Galileis im 14. jahrhundert, Storia e litteratura, 22, Rom, 1949, p.4; Nardi B. Nel mondo di Dante, Roma, 1944, p. 223-227.; Nardi B. Del Convivio alla Commedia, Giornale storico della leteratura italiana, R., 1961, p. 562-575.

2. *Мейер.* Юқоридаги асар, ўша бет.

3. *Capelli L.M.* Petrarque, Le traite "De ipsus et multorum ignorantia Bibliotheque litteraire de la Renessance, Paris, 1906, p.6.

4. *Голенишев-Кутузов И.Н.* Данте и предвозрождение, с. 73.

5. *Масиньон Л.* Методы художественного выражения у мусульманских народов. "Арабская средневековая культура и литература" тўпл., М., 1978, с. 59.

6. Сонет-Sonnar — оҳангдор, жарангдор сўзидан олинган бўлиб, бу жанрни XIII асрнинг биринчи ярмида сицилиялик Жакомо да Лентини, Пьеро делла Винья каби шоирлар дастлаб яратганлар. Сонет XIII-XIV асрларда Италия ва бошқа Оврупо мамлакатларида кенг тарқалган. Сонет беш ва олти туроқли ямб ўлчови билан ёзилган, икки тўртлик ва икки учликлардан иборат ўнтўрт мисралик, асосан ишқий мазмундаги шеърдир. Унинг қофияси ниҳоятда мураккаб.

7. Сўзма-сўз таржималар муаллифники.

8. *Ибн Сина.* Трактат о любви., с. 65.

9. *Менендес-Пидаль Р.* Арабская поэзия., с. 446.

10. *Ибн Сина.* Трактат о любви., с. 63.

11. *Масиньон Л.* Методы художественного выражения., с. 59.

12. *Ибн Сино.* Трактат о любви., с. 59.

13. *Ибн Сино-Авиценна.* Авжи Зуҳал-Сатурна предел. Душанбе, 1980, с. 33.

14. *Данте.* Пир. Малые произведения. с. 253-254.

15. Юқоридаги асар, 159-160-бетлар.

16. Юқоридаги асар, 195-бет.

17. *Голенишев-Кутузов И.Н.* Творчество Данте., с. 152.

18. *Данте.* Пир, с. 157.

19. "Зиёфат"дан келтирилган парчалар "Данте. Малые. произведения", 146, 156, 158 бетлардан, Фарғоний асари ҳақидаги маълумотлар рисолага ёзилган шарҳдан олинди.

20. *Данте.* Пир, с. 204.

21. "Альгазель" Газзолий номининг лотинча транскрипцияси.

22. *Данте.* Пир, с. 247.

23. Юқоридаги асар, 247, 249-бетлар.

24. Юқоридаги асар, 217-бет.

25. *Бируни.* Минералогия. с. 15.

26. Юқоридаги асар, 14-бет.

27. *Данте.* Пир, с. 112-113.

28. *Бируни.* Минералогия, с. 17.

29. *Данте.* Пир, с. 181, 189.

30. *Роузентал Ф.* Торжество знания, с. 318.

31. Юқоридаги асар, 316-бет.

32. *Данте.* Пир, с. 216.

33. *Хайруллаев М.М.* Фараби, с. 198.

34. Форобий ва Ибн Синодаги илмлар таснифи М. Хайруллаев. Культурное наследие и история философской мысли. Т., 1985, с. 171-172, 175-176., Беруний таснифи "Геоезия". Избр. произ., т. III, Т., 1966, с. 84-86 дан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

35. *Данте.* Пир. с. 155-156.
36. *Голенишев-Кутузов И.Н.* Творчество Данте., с. 151.
37. *Nardi B.* Sigieri di Brabante nel pensiero del Rinascimento italiano, 4, Rom, 1945, p.33.
38. *Данте.* Пир, с. 140-141.
39. *Хайруллаев М.* Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971, 239-бет.
40. *Крачковский И.Ю.* Арабская географическая литература, с. 45.
41. Юқоридаги асар, 71-бет.
42. *Голенишев-Кутузов И.Н.* Данте мировая., с. 493.
43. Исавия афсонасига биноан жаннатга кирувчи руҳлар аввал хотирадан дунёвий ҳаётни мутлақ ўчирувчи Лета дарёсида, кейин яхши қилмишларини хотирада тикловчи Эвноэ дарёсида чўмилишлари шарт бўлган.
44. *Голинишев-Кутузов И.Н.* Данте мировая., с. 273.
45. *Dewhurst R.P.* Islam at the Divina Comedy. By Miguel Asin y Palasios Prof. of arabic in the University of Madrid. The journal of the royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland, 1927, p.135.
46. *Крачковский И.Ю.* Послания. Труды инст. Вост., т. 3, Л., 1932.
47 *Крачковский И.Ю.* К вопросу о возникновении и композиции. "Рисолат ал-гуфрон" Абу-л-Аъло. Избр. соч., т.II, М.— Л., 1956, с. 298.
48. Юқоридаги асар, 300-бет.
49. *Gabrieli Fr.* Dante e Islam. "Cultura e Scuola" R., t.13-14, 1965, p.195.
50. Юқоридаги асар, 196-бет.
51. *Nicolson R.A.* A persian forerunner of Dante. Towyn-onsea, N. Wales, 1944.
52. *Луконин В.Г.* Искусство Древнего Ирана, М., 1977, с. 189-190.
53. *Брагинский И.С.* Памятники древнеиранской письменности. Из истории таджикской и персидской литературы. М., 1972, с. 160.
54. Юқоридаги асар, ўша саҳифа.
55. Қуръон. Т., 1994, 100, 103-бетлар. Қуръоннинг ўзбекча таржимасида аърофнинг "девор" деб аталишини қабул қилиб бўлмайди, чунки аслида "мақом" — "жой" дейилади.
56. *Беруний.* Қонуни Маъсудий. Танланган асарлар. Т. Y, I китоб, Т., 1973. 42-бет.
57. *Евсюков В.В.* Мифы о вселенной. Новосибирск, 1988, с. 119.
58. *Терновский В.Н.* Ибн Сина. М., 1969, с. 129.
59. *Бертельс Е.Э.* История персидско-таджикской литературы, с. 93.
60. *Карпушин В.А.* Некоторые аспекты философской концепции личности у Данте. Дантовские чтения. М., 1968, с. 138.
61. Юқоридаги асар, 134-бет.
62. *Ибн Сина.* Даниш-наме. Сталинабад, 1957, с. 145.

Х У Л О С А

1. *Дьяконов И.М.* Очерк истории древного Ирана. М., 1961, с. 6.
2. *Привалов И.* Узбекские газели до Прованса, Богемии. Литературная газета, № 23 (5349), 12.06.1991.
3. *Роузентал Ф.* Торжество знания., с. 21.
4. *Уотт У.М.* Влияние Ислама на средневековую Европу, с. III.
5. *Стульгинский С.В.* Космические легенды Востока. Ростов на Дону 1992, с. 5.

www.ziyouz.com kutubxonasi

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш 3

БИРИНЧИ ҚИСМ

Илк маълумотлар 9
Зардуштийлик ва Ионня илм-фалсафаси 22
Антик адабиётида Марказий Осиё мавзуси 40
Александр Македонский ва унинг Марказий Осиёга юриши . . 98
Александр ҳақидаги асарлар ва шоҳ образининг эволюцияси . .116
Александр Македонский тимсолининг Шарқ адабиётидаги талқини 135
Эллинизм ва унинг Марказий Осиё маданиятига таъсири . . .161

ИККИНЧИ ҚИСМ

Халифаликда маданиятнинг шаклланиши 189
Марказий Осиёда илм-фан 203
Араблар Испанияда 251
Испанияда араб адабиёти 270
Шарқ фанининг Оврупога таъсири 314
Шарқ маданияти ва Данте 346
Хулоса 395
Изоҳлар 401

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фозила Сулаймонова

ВОСТОК И ЗАПАД

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон" — 1997
700129, Ташкент, Навои, 30.

Кичик муҳаррир *Н. Умарова*
Расмлар муҳаррири *Х. Меҳмонов*
Техник муҳаррир *С. Собирова*
Мусаҳҳиҳ *М. Йўлдошева*

Теришга берилди 15.11.96. Босишга рухсат этилди 20.05.97. Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоқ 21,84. Нашр табоғи 24,44. Тиражи 4000. Буюртма № *9*
Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 190-96.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент 1-босмахонаси босилди. 700002, Тошкент, Соғбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi